

Қундузхон ҲУСАНБОЕВА

**АДАБИЁТ — МАЪНАВИЯТ ВА
МУСТАҚИЛ ФИКР
ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛИ**

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2009

83.3(5Ў)6
Ҳ-84

Ушбу китобимни фарзандларим Жаҳонгир ва Ҳалимаҳон, Лочинбек ва Гулчехрахон ҳамда набираларим Кўхинур ва Темур Маликларга бағишлайман.

Ҳусанбоева Қундузхон.

Адабиёт — маънавият ва мустақил фикр шакллантириш омили/Қ. Ҳусанбоева. — Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009. — 368 б.

Бу китоб умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг адабиёт ўқитувчилари, олий ўқув юртлари филология факультетининг талабалари ҳамда адабиёт ўқитиш методикаси бўйича илмий-тадқиқот олиб бораётган аспирант, докторант ва изланувчиларга мўлжалланган.

ББК 83.3 (5Ў)6

ISBN-978-9943-06-222-1

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2009

Сўзбоши

Ривоят қилишларича, одам учун ўн саккиз минг оламни яратган Аллоҳ унинг ўзини нимадан ясаш ҳақида ўйлашиб турса, олдига Тоғ келиб: “Ё Раббим, мени шундай қудратли қилиб яратдингки, ким кўрса, ваҳима босади, ҳавфи келади. Мен бой ва саодатлиман. Сенинг суюмли яратиғинг мендан ясалиши керак, токи у мендай маҳобатли, мағрур бўлсин”, – дебди. Аллоҳга Тоғнинг ўзига бино қўйгани ёқмай таклифини қабул қилмабди. Ундан сўнг Сув келиб: “Аллоҳим, сен мени шундай бино қилдингки, ёруғ оламда менга тенг келадиган куч йўқ. Бир оғиз ҳукм қилсанг, бутун ер юзини йўқ қилишга қодирман. Бунинг учун сенга беалад шукрлар бўлсин. Сен одамингни мендан ярат. У ҳам мендай қудратли бўлсин,” – дебди. Кибрга ўралган бу фикр ҳам Яратганга хуш келмабди. Ул кетгач, олдин Олов, ундан сўнг Олтин келибди. Улар ҳам ўзларини кўз-кўз қилиб, фазилатлари билан мақтанибди. Уларга барча юксак сифатларни берган Аллоҳга улардаги кибр маъқул келмабди. Энг сўнггида Яратганнинг ҳузурига қимтинибгина Ер келибди. “Аллоҳим, сен мени шундай яратгансанки, камина барча яратиқларингнинг оёғи остида хорман. Шунга қарамай, уларнинг ризқ-насибасини ҳам менга бергансан. Бунинг учун сенга ҳадисиз шукрлар айтаман. Лекин Одамни мендан яратма. Энг олий яратиғинг мендай хор, ҳаммага оёқости бўлишини истамайман. Ахир, Одам Сенинг тажаллинг. У олий нарсадан яратилмоғи даркор”, – дебди. Ернинг самимийлиги, синиқлиги, ростгўйлиги Яратганга хуш ёқиб: “Мен Одамни сендан ясайман. Токи менинг тажаллим сендай самимий, оқкўнгил, камтар ва рост бўлсин”, – дея Азроилга Ердан бир ҳовуч тупроқ келтиришни буюрибди.

Тупроққа ўттиз тўққиз йил қайғу, бир йил шодлик ёмғирини ёғдириб, лой қорибди ва шу лойдан Одам алайҳиссаломнинг жисмини ясабди. Жисм тайёр бўлгач, уни бошқа яратиқларидан қандай фарқлаш йўллари ҳақида ўйлай бошлабди. Маълумки, Аллоҳнинг айрим маҳлуқларида фақат жисм бор (тоғ, ой, юлдузлар, ўсимликлар ва ҳоказо). Иккинчи бир мавжудотларида жисм ҳам бор, жон ҳам бор (ҳайвонлар). Жами оламнинг яратилишига сабаб бўлган Одам ҳаммадан ажралиб туриши учун Аллоҳ ўйлаб-ўйлаб унга бошқа яратиқларида бўлмаган нарса — ўз нафасини пуфлаб киритибди. Одамнинг ичига кирган Аллоҳнинг нафаси руҳ деб номланиб, у инсондаги Аллоҳнинг мулки ҳисобланаркан.

Инсондаги мана шу руҳий оламни Яратганга хуш ёқадиган, инсоният томонидан минг йиллардан бери қадрланиб келинаётган

даражададир мавжуд бўлган бу руҳий олам эзгу сифатлар билан қанча тўйиниб, не қадар бойиса, шахсни ички баркамоллик, инсоний тўқислик сари етаклайверади. Тўқисликка интилан руҳ эса ўз аслиятига, яъни Яратувчисига яқинлашарди.

Ўртимиз мустақилликка эришгач, таълим-тарбия тизимида асл миллий қадриятларга таяниш тобора қарор топиб бормоқда ва кўнгил тарбиясига, яъни инсон маънавиятини шакллантиришга бирламчи юмуш сифатида ёндашиш устувор бўлиб бормоқда. Педагогик тафаккурнинг ўзгариши, ўз навбатида, миллий педагогиканинг мақсади, вазифалари ҳамда мазмунини ҳам тубдан янгиланиши тақозо этди. Умумтаълим мактаблари ўқув режасида жиддий ўзгаришлар амалга оширилди. Ҳар бир ўқув фани бўйича нимани, нимага, қанча ва қандай ўргатиш масаласи кўрсатиб берилган таълим концепциялари ишлаб чиқилди. Улар асосида ўқитиш жараёнининг муайян босқичида ўқувчига етказилиши керак бўлган ҳамда улар томонидан ўзлаштирилиши шарт бўлган билимлар миқдори белгилаб қўйиладиган давлат таълим стандартлари яратилди. Шу асосда ўқув дастурлари янгиланди, уларда ўқувчилар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларга янги педагогик тафаккурга мос талқин берилди.

Бутун дунё таълим-тарбия тизимида бўлаётгани каби таълим кечими инсонийлашиб, мазмуни инсонпарварлашди. Таълим жараёни олий мактабга кирувчи абитуриент ёки бўлажак мутахассис тайёрлашдан баркамол шахс шакллантириш, соғлом маънавиятга одамни тарбиялашдай кенг қамровли мақсадга йўналтирилди. Ўқувчи ўзгалар томонидан ўқитилиши керак бўлган таълим объектидан ўқитиш ва тарбиялаш кечимида ўзи бевосита фаол иштирок этадиган субъект даражасига кўтарилмоқда. Яъни тарбияланувчи худди ўқитувчи сингари дарс жараёнининг ижрочисига айланиб бормоқда.

Инсоний камолотни таъминлашда ўқувчиларларнинг ўз иштироки, уларнинг билим олиш ва тарбияланиш йўлида бевосита қатнашиши масаласи янгиланаётган миллий педагогикада долзарб аҳамият касб этапти. Бугунги кунда очун педагогика илми ва амалиётида ҳеч қандай таълим-тарбия тизими ҳеч кимни тарбиялаш ва унга илм беришга қодир эмаслиги англаб етилди. Бу тизимнинг вазифаси ўқувчилардаги ички имкониятни уйғотиб, уни ўқийдиган ва тарбияланадиган қилиши лозимлиги ҳамда бутун кучини шунга йўналтириши зарурлиги тушуниб олинди. Бунинг учун таълим-тарбия кечимида қатнашаётган ҳар бир боланинг онгли эҳтиёжи ва ички қизиқишини уйғотиш талаб қилинади. Бундай эҳтиёж ва қизиқиш эса фақат мустақил фикрли кишида бўлади.

Ёш авлодни мустақил фикрлашга ўргатиш муаммоси бугун Ўзбекистонда давлат даражасидаги масалага айланган. Чунки мустақил фикр фуқароларнинг эркинлиги таъминланган жамиятда қарор топади ва ривожланади. Фикрнинг эркинлиги жамиятнинг кучли бўлиши

гаровидир. Шунинг учун ҳам “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” сингари давлат аҳамиятига молик ҳужжатлар асосида янгиланган миллий таълим тизими мустақил фикрлайдиган, ўз қарашига эга бўлган, эркин, соғлом эътиқодли шахсни шакллантириш, уларда юксак маънавий фазилатларни қарор топдириш йўлига тушиб бормоқда. Ўқувчиларни, умуман, мустақил фикрлашга ўргатиш, хусусан, мактаб адабий таълимида имкон қадар кўпроқ мустақил фикрлашга одатлантириш масаласи миллий тарбияшунослик фани ва амалиёти олдидаги долзарб илмий-амалий муаммога айланди.

Маълумки, инсоннинг тафаккури қанчалик мустақил бўлса, у шунчалик ташаббускор бўлади. Одамнинг фикрлаши қанча эркин бўлса, у шунча изланувчан, ижодкор бўлади. Чегара ва қолип ичидаги фикр ижодкорлик хусусиятига эга бўлмайди. Оилада катталар, мактабда ўқитувчилар шаклланиб келаётган бола шахсига зуғум ўтказишдан воз кечиб, ўқувчи ёшларнинг руҳий, ақлий, жисмоний имкониятларига қараб иш тутишса, болада ўз хатти-ҳаракатини йўналтириш эҳтиёжи ва ўзи танлаган йўл учун жавобгарлик ҳисси пайдо бўлади. Демак, эркинликка асосланган масъулият болани ўз фикри, қарашига эга қилади. Фикр кишиси ҳамиша ўз қарашларини асослайди, ўрни келганда ҳимоя қилади. Керак бўлса, ўз ҳақиқати учун курашади.

Умумий ўрта таълим тизими ўқувчиларида мустақил фикрни шакллантириш бобида адабиёт барча ўқув фанлари орасида ўзига хос ўрин тутаяди. Гап шундаки, мактабда адабиётдан бошқа деярли барча ўқув фанлари бўйича мустақил фикрлаш асносида ўқувчилар турли йўллар билан аввалдан маълум бўлган битта ечимга, ягона ҳақиқатга келишлари лозим бўлади. Адабий таълимда эса ўз олдида кўйилган масала юзасидан мустақил мулоҳаза юритган ўқувчиларнинг ҳар бири ўз йўли билан ўзининг бетакрор ҳақиқатини кашф этади ва уларнинг ҳақиқати бир хил бўлиши шарт эмас. Бошқа барча ўқув фанлари бўйича ҳақиқат ягона, адабий таълимда эса ҳақиқатлар турфа бўлади. Адабий таълимдаги мустақил фикрлаш бошқа ўқув фанларидаги мустақил фикрлашдан ўзининг серқиёфа ва турфалиги билан фарқ қилади. Шу сабабли ҳам адабиёт дарсларида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг илмий-назарий асосларини белгилаш ҳамда методик жиҳатларини ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Ушбу китоб адабиёт ўқитиш методикаси ва ҳозирги адабий жараённинг бир қатор долзарб муаммолари бўйича чоп этилган жиддий мақолалари ҳамда 2003 йилда босиб чиқарилган “Адабий таълимда ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш асослари” номли монографияси билан кўпчиликнинг назарига тушган олима,

Ўз бадий-эстетик лидининг меъмори, ҳар қандай ҳаётий ҳодиса ва бадий яратиқ юзасидан ўз мустақил фикрига эга киши қилиб тарбиялашнинг йўлларини тадқиқ этади. Унда адабий таълим жараёнида ёш авлодни маънавий баркамол шахс сифатида шакллантиришда мустақил фикрлашнинг ўрнини белгилаш, ўқувчиларда мустақил фикрлаш кўникмасини қарор топтириш ҳамда ривожлантиришнинг назарий асослари ишлаб чиқилган. Маънавий баркамоллик сари юз тутган инсонда олам ва одам сирларини англашга кучли эҳтиёж пайдо бўлиши омили илмий-амалий жиҳатдан аниқлаб берилган.

Китоб *“Назарий чизгилар”*, *“Амалиётнинг назарий қирралари”*, *“Адабий экинлар”*, *“Инсонни англаш йўлида”* сингари тўрт қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда адабиёт машғулотларида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишнинг соф илмий-назарий масалалари тадқиқ этилган, *“Амалиётнинг назарий қирралари”* номли иккинчи қисмда ўрта мактабларда адабиёт ўқитиш амалиётини самарали қилишнинг илмий-назарий йўллари текширилган, *“Адабий экинлар”* деб аталган учинчи қисмда муаллимнинг адабий жараён ва замонавий адабиётшуносликнинг айрим масалалари борасидаги қузатишлари акс этган, китобнинг сўнгги *“Инсонни англаш йўлида”* тарзида номланган тўртинчи қисмида ўз касбдоши бўлмиш адабиётшунос ва методист олимнинг тийнатиини очиб бериш ниятида битилган кичик илмий портрет берилган.

Китоб катта қалб ҳарорати билан жўшқин тилда, таъсирли ва раvon услубда битилган бўлиб, энг мураккаб назарий масалалар ҳам тушунарли йўсинда шарҳлаб берилганлиги жиҳатидан эътиборни тортади. Бу ҳол унинг турли даражадаги ўқувчилар томонидан қабул этилишини осонлаштиради.

Асар умумий ўрта таълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг адабиёт ўқитувчилари, олий ўқув юртларининг филология факультети талабалари, адабиёт ўқитиш методикаси бўйича илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчиларга мўлжалланган.

Миллий педагогика фанининг муҳим бир тармоғи бўлмиш адабиёт ўқитиш методикаси тараққиётида ўзига хос ўрин тутадиган ушбу китоб амалиётчи ўқитувчилар, педагог олимлар, изланаётган ёш тадқиқотчиларга манзур бўлиб, уларнинг қарашларида ижобий из қолдиришига ишонамиз.

Қозоқбой ЙўЛДОШЕВ
2008 йил 4 декабр



*НАЗАРИЙ
ЧИЗГИЛАР*



ЎҚУВЧИ МАЪНАВИЯТИДА МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШНИНГ ЎРНИ

Шўро тузумининг педагогика илми ва амалиётида таълим тарбиядан устувор бўлиб келди. Мутахассислар болаларга тайёр билимларни имкон қадар кўпроқ беришнинг янги-янги йўлларини топишга интилдilar. Ёш авлодда шаклланаётган маънавий сифатларнинг қандайлиги, боланинг кўнгил истаклари, ёшлар маънавиятини шакллантиришнинг миллий анъаналари ҳисобга олинмади ва ўқувчиларни бир хил фикрлайдиган, ҳамма масалада ягона хулосага келадиган қилиб тарбиялашга ҳаракат қилинди. Таълим тизимида ўқитишнинг асосий ашёси бўлмиш дарсликлар, методик қўлланма ва тавсиялар ҳамда методика илми, асосан, мамлакатга малакали кадрлар етиштириб беришга йўналтирилди. Натижада ўқувчилар жуда кўп маълумотларни ўзлаштиргани ҳолда бирор масалада ўз фикрини айтиш ёки мустақил қарор қабул қилишдан чўчийдиган, ҳар ишда ўзганинг оғзига қараб, бировнинг ташаббусини кутиб турадиган синиқ кишилар бўлиб шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг “Тафаккур” журнали бош муҳаррири саволига берган жавобдаги: *“Бу тизим ватанига, халқига, миллатига фидокор, мустақил фикрлайдиган, бирор бир масalani онгли равишда масъулият билан ҳал қиладиган, изланувчи, янгиликка интилувчи кадрларни эмас, асосан, саёз савияли кадрларни, муте кишиларни минглаб етиштирди. Жамиятимизни янгилаш, ислохотларни ҳаётга татбиқ этишга... ўтар эканмиз, ана шундай онги қотиб қолган, азму шижоатдан йироқ, эл-юрт манфаати учун куйиб-ёнмайдиган кадрлар муттасил равишда ишнинг “белига тегиб туриши”ни ҳис қилдик*”,¹ — деган сўзлари ҳам фикримизни қувватлайди.

Маълумки, ҳар қандай жамиятнинг тақдирини унда яшайдиган инсонлар белгилайди. Жамиятни нурли келажак сари етаклаш ҳам, тубанлик қаърига тортиш ҳам одамнинг қўлида. Шунинг

¹ Баркамол авлод орзуси. (“Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”ни амалга ошириш борасидаги публицистик мулоҳазалар). – Т.: «Шарқ», 1998. 40 – 41-б.

учун ҳам жамият аъзолари, айниқса, ўсиб келаётган авлоднинг маънавий камолоти бугунги кунда ўта долзарб масалага айланган. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёролаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши ҳам одам омилининг ҳал қилувчи аҳамият касб этганидан далолатдир.

Бу ҳужжатларда ўқувчи шахси ва унинг маънавий камолоти биринчи ўринга чиқарилди. Таълим концепцияси, стандарти, дастур, дарслик ҳамда методик қўлланмалар инсонпарварлик йўналишига солинди. Улар фақат мутахассис тайёрлашга эмас, балки соғлом маънавиятли одам шакллантиришга хизмат қила бошлади. Миллий педагогика илми ҳам маънавий баркамол авлод тарбиялаш йўлларини тадқиқ этмоқда. Ёш авлод ақлий-маънавий камолотини таъминлашда уларнинг мустақил фикрлаши улкан аҳамият касб этишини асослаш долзарб илмий муаммога айланди.

Шу боис, аввало, мустақил фикрлаш тушунчаси нима эканлиги ҳамда унинг баркамол инсонни шакллантиришдаги аҳамияти қандайлигини аниқлаб олиш муҳимдир. Умуман, тафаккур жараёни, хусусан, унинг мустақил фикрлаш тури ҳақида психологлар, педагоглар турли даража ва миқёсларда ўз фикр-мулоҳазаларини баён этганлар.

Психологларнинг таъбирича, фикрлаш, яъни тафаккур – одам миёсида содир бўладиган жараён. Сизги органлари етарли бўлмаган ўринларда одам ва оламнинг хусусиятлари тафаккур орқали ўрганилади. Тафаккур — ақлий фаолиятнинг, онгли хатти-ҳаракатларнинг мажмуи. У теварак-атроф, воқелик ҳамда ижтимоий муҳитни билиш қуроли, инсон фаолиятини тўғри ва самарали амалга оширишнинг асосий шарти ҳисобланади. Киши фикрлаш жараёнида ўзи кўрган, идрок қилган, сезган, тасаввур этган нарса ва ҳодисаларнинг тўғрилиги, аниқлиги, ҳақиқийлиги ҳамда уларнинг борлиққа муносабатини аниқлайди¹.

¹ Богоявлинский Д. Н., Менчинская Н. А. Психология усвоения знаний в школе. – Москва: АПН РСФСР, 1959. Богоявлинский Д. Н. Развитие самостоятельности мышления школьников как основа активных методов обучения. Сб. “Пути повышения качества усвоения знаний в начальных классах”. – Москва: АПН РСФСР, 1962. Психология мышления. /Под ред. Матюшкина А. М. – Москва: «Прогресс», 1965. Тихомиров О. К. Психология мышления. – Москва: МГУ, 1984; Фозиев Э. Тафаккур психологияси. – Т.: «Ўқитувчи», 1990.

Тафаккур орқали киши одам ва олам сирларини ўрганишда ўзидан олдин ҳосил бўлган қарашлар, тушунчалар, фаразлар, инсоният томонидан чиқарилган хулоса ҳамда келинган қарорларнинг қанчалик тўғри ёки нотўғрилигини белгилаб олади. Мулоҳаза юритиб, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги муносабатлар, хоссалар, хусусиятлар, уларни бир-бири билан боғлаб ёки ажратиб турувчи воситалар ҳамда уларнинг фаолияти механизмларини англаб етади. Бу ҳақиқатни ҳазрат Навоий бундан неча юз йиллар илгари: "...ҳар ишки қилмиш одамизод, Тафаккур бирла билмиш одамизод"¹, — дея ифодалаган.

Тафаккур жараёни инсоннинг кўнгли, руҳияти билан узвий боғлиқликда кечади. Фикрлаётган одамнинг ички дунёси қанчалик бой, дунёқарашини нечоғлик кенг, билими қай даражада чуқур бўлса, унинг фикрлари, хулосалари савияси ҳам шунча асосли бўлади. Теранлик, тиниқлик, мантиқ, эркинлик, мустақиллик, бадийлик, ижодийлик инсон тафаккури даражасини кўрсатувчи ижобий хусусиятлардир. Одам дунёни тафаккур орқали англайди, фикр ва руҳият ёрдамида ундан ўзига хос тарзда таъсирланади, хулосалар чиқаради. Мустақил мулоҳаза юритган одам бирор нарсага меҳр қўяди, ниманидир инкор этади ва ўзида яратишга, ижодга, кашфиётга эҳтиёж сезади. Бу эҳтиёж уни ҳаракатга ундайди.

Ҳаёт ҳодисалари юзасидан ўз фикру қарашларига эга бўлган, ўз хулосаларини чиқариб, уларни асослай билган одам ҳеч қачон ўзгаларга мутлақ тобе бўлмайди. Жиддий ҳаётий масалалар ҳал этилаётганда бепарволик, лоқайдлик қилмайди, тақдирини ўзгалар ҳал қилиб юборишига йўл қўймайди. Фикр кишиси бирор фаолиятни бошлашдан олдин атрофлича ўйлаб кўради, таҳлил қилади.

Психологларнинг таъкидлашича, фикрлаш ижтимоий-интеллектуал жараён сифатида ўз мотиви (ҳаракатга ундовчи ички куч, руҳий эҳтиёж), мақсади, усулларига эга бўлган фаолият ҳисобланади. Фикрлаш кўмагида инсон мияси ёки руҳиятида акс этган нарса ва ҳодисаларнинг анланган ёхуд анланмаган жиҳатлари аён бўлади. Фикрлаш шу йўлдаги изланишлар туфайли юзага келади. Фикрлаш мулоқотга киришган иккинчи бир кишига

¹ Алишер Навоий. Танланган асарлар. 20 жилдлик. 8-ж. Ҳамса: Фарҳод ва Ширин. — Т.: «Фан», 1991. — 122-б.

таъсир кўрсатишнинг зарурий қисми, бир-бирини билишнинг асоси ҳамдир¹.

Одам руҳияти билан шуғулланадиган мутахассисларнинг далолат беришича, инсон фикрлаш жараёнини юзага келтиришнинг асосий шартини ундаги борлиқ сирларини билишга бўлган интилиш, ички эҳтиёж, яъни мотивдир. Усиз инсонда фикрлаш пайдо бўлмайди. Фикрловчи шахс атрофдагиларнинг биргаликдаги меҳнати, ўзаро мулоқоти ва ҳамкорлигида шаклланади, ривожланади. Шахснинг тараққиёт даражаси унинг ижтимоий аҳамияти, яъни ўзгалар учун фойдалилик даражаси билан характерланади.

Фикрлаш масаласида, энг аввало, унинг шакли ва мазмунини ажратар экан, Л. Виготский одамдаги фикрлаш механизми, унинг шакл ва даражалари, кишининг интеллектуал ривожланишига қараб ўсиб боришини таъкидлайди. Фикрлашнинг мантиққа таяниши эса бола 12 — 14 ёшга етганда, у ўз тафаккурига эгалик қилиб, уни бошқара билганда юзага келади. Виготскийнинг таъбирича, мантиқий фикрлаш — онгли равишда, ўз-ўзини назорат қилган ҳолда илмий-назарий асосларга таяниб фикрлаш демакдир. Унингча, фикрлашда мантиқнинг йўқлиги фикрлаш жараёнида мустақилликнинг, эркинликнинг, онглиликнинг йўқлиги демакдир².

Француз файласуфи Декарт: “Мен фикрлаяпман, демак, мен мавжудман”,³ — деган ғояни илгари сурган. Бу фикр инсон ҳаётида тафаккурни одамнинг одамлиги белгиси сифатида етакчи ўринга чиқаради. Унинг фикрича, ҳеч нарса инсоннинг одам эканлигини фикрлаш жараёничалик асослаб беролмайди. Демак, мустақил равишда муҳокама қилиш, таҳлил этиш, ижодий-мантиқий

¹ Виготский Л. С. Собрание сочинений. Мышление и речь. — Москва: «Педагогика», 1982. Дьюн Д. Психология и педагогика мышления. — Москва: Совершенство, 1997. Психология мышления. /Под ред. Матюшкина А. М. — Москва: «Прогресс», 1965. Тихомиров О. К. Психология мышления. — Москва: МГУ, 1984.

² Виготский Л. С. Воображение и творчество в детском возрасте. — Москва: «Просвещение», 1991. Виготский Л. С. Педагогическая психология. — Москва: «Педагогика», 1991. Виготский Л. С. Психология искусства. — Москва: «Педагогика», 1987.

³ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. — Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2002. — 242-б.

фикрлаш асосий инсоний хусусият сифатида ажратиб олинган. Фикрлаш инсон мавжудлиги, ақлан ва руҳан соғломлигининг асосий белгиларидан саналади. Унинг мустақиллиги тушунчалар, мантиқий бирикмалар, мавжуд тил воситаларидан оқилона фойдаланиш билан тавсифланади.

“Фикрлаш жараёни, — деб ёзади Л. Виготский, — боланинг ота-онаси билан мулоқотидан бошланади. Мустақил фикрлаш эса бу суҳбатларни бола “ютиб”, ўзича “ҳазм қила” бошлаганидан сўнг шаклланади”¹. Бу қарашга таяниб, шундай хулоса чиқариш мумкинки, фикрлаш бевосита ўз йўналтирувчи кучи, мақсади, усулларига эга бўлгандагина мустақил фаолиятга айланади. Фикрлашнинг мустақиллиги унинг юқорида саналган шаклларидан бири сифатида киши шахсияти ва сийрати, ички “мен”и билан боғлиқ.

Демак, умуман, фикрланганда нарса-ҳодисаларнинг бошқалар томонидан кашф этилган жиҳатлари билиб олинади. Мустақил фикрланганда эса, одам олам ҳодисалари ва ҳаётий вазиятлар моҳиятини ўзгаларникига ўхшамаган йўсинда, ўзига хос йўл билан билиб олади. Олиб борилган кузатишларга таяниб, мустақил фикрлашга қўйидагича таъриф бериш мумкин: **Мустақил фикрлаш — инсоннинг ўз олдида турган муаммони аниқ белгиланган мақсад ва вазифаларга мувофиқ ҳолда билими ҳамда ҳаётий тажрибаларига таяниб, ўз интеллектуал имконияти даражасида турли йўл, усул, воситалар ёрдамида, мустақил равишда ҳал қилишга қаратилган ақлий фаолиятидир.**

Маълум бўлишича, фикр мустақиллиги даражаси инсон ақлий фаолиятининг ташаббускорлиги, пишиқлиги ва танқидийлигида акс этади. Киши фикри мустақиллигининг белгиларидан бири — ташаббускорлик инсоннинг ўз олдига аниқ мақсад ва вазифалар қўйиши, уларни амалга ошириш йўлидаги муаммолар ечимини топиши, ниҳоясига етказиш учун зарур бўлган усул ҳамда воситаларни қўллашида намоён бўлади. Бу фаолиятнинг пишиқлиги вазифаларни тез бажариш, бу жараёнда қўл келадиган усул ва воситаларни тезкорлик билан излаб топиш, уларни фарқлашда кўринади. Ақлий фаолият танқидийлиги эса мустақил

¹ Виготский Л. С. Воображение и творчество в детском возрасте. — М.: «Просвещение», 1991. — 90-б.

фикрловчининг воқеа-ҳодисага муносабати, унинг хусусиятларини ажрата билишида намоён бўлади¹.

Психология фанида инсон тафаккурининг мустақиллиги билан бирга унинг мантиқлилиги, чуқурлиги, кенглиги, ўзгарувчанлиги, танқидийлиги каби сифатлари ҳам фарқланади. Борлиққа чуқур, асосли ва танқидий муносабат инсон ақлий тафаккури мустақиллигини намоёиш этишнинг белгиларидан саналади. Тафаккур мустақиллиги, инсон ақлининг асосий фазилати сифатида, мураккаб вазиятларда ўзигагина хос бўлган хусусиятларини намоёиш этади. Мураккаб масалаларни ҳал қилишдаги, муаммони ечиш жараёнини тизимга солишдаги имкониятлари оригиналлигини, белгиланган нуқтаи назари қатъийлигини кўрсатиб беради².

Маълумки, тафаккур фақат таълим жараёнида шакллантирилмайди. Инсон фақат таълим-тарбия муассасаларида фикрлашга ўргатилмайди. У ҳар бир руҳан соғлом инсонда табиатан мавжуд бўлган ақлий-жисмоний ҳосиладир. У ҳар кимда ўзига хос тарзда, ўз интеллектуал даражасида мавжуд. Таълим-тарбия жараёнида тафаккурнинг шакли, сифати, даражасини тарбиялаш, маълум йўналишини белгилаш, уни сайқаллаш ва ривожлантириш мумкин. Ўқувчи фикрининг таъсирчанлиги, эҳтиёткорлиги, ҳаракатчан ёхуд фаолиятсизлиги, ўсиш-ривожланиши унинг таълим жараёнида шакллантирилган суръати ва сифатига ҳам боғлиқ. Инсон фикрлашининг ҳиссий, образли, мантиқий салмоғи тафаккур жараёнининг ривожланиш суръати билан қанчалик алоқадор бўлса, унинг сифат йўналишлари билан ҳам шунчалик боғлиқ.

“Мақсад, вазифалари ўзга шахслар томонидан белгилаб қўйилган, тайёр усул ва воситаларга таянган ҳолда бошқаларнинг бевосита ёрдами билан амалга ошириладиган жараёнда иштирок этган тафаккур фикр қарамлигини англатади. Мустақил тафаккурга эга

¹ Валлон А. От действия к мысли. Очерки сравнительной психологии. Пер. с французского. — Москва: Иностранная литература, 1956. Выготский Л. С. Собрание сочинений. Мышление и речь. — Москва: «Педагогика», 1982. Тихомиров О. К. Психология мышления. — Москва: МГУ, 1984.

² Дьюи Д. Психология и педагогика мышления. — Москва: Совершенство, 1997. Зак А. З. Как определить уровень мышления школьника. — Москва: «Знание», 1982. Ивин А. А. Искусство правильно мыслить. Книга для учителя. — Москва: «Просвещение», 1986.

бўлмаган кишилар тайёр қарашлар қулига айланадилар. Уларнинг тафаккури ...ўсиш-ривожланишдан орқада қолади. Мустақил фикрлаш ривожланмаган ҳолларда калтабин, ақлан эринчоқ, беҳафсала, лоқайд одам шаклланади. Тафаккурнинг қарамлиги, мутелиги жамият ривожига, миллат тараққиётига тўсиқ бўлиб, алоҳида одам учун фожиадир”, — дейди Э. Ғозиев¹. Келажаги шундай кимсалар қўлига топширилган халқ ва миллат инқирозга маҳкум экани исботлаш — шарт бўлмаган ҳақиқат.

Фикрнинг мустақиллиги унинг сермаҳсуллиги, самарадорлиги билан узвий боғлиқ. Агар инсон томонидан муайян вақт ичида маълум соҳа учун қимматли ва янги фикрлар, ғоялар, тавсиялар яратилган, назарий ҳамда амалий вазифалар ҳал қилинган бўлса, бундай тафаккур сермаҳсул, самарали тафаккур ҳисобланади. Демак, **маълум вақт оралиғида мустақил равишда бажарилган ақлий иш кўлами ва сифати (ишнинг пишиқлиги, асосларнинг кучлилиги) — тафаккур мустақиллиги даражасини ўлчаш мезони бўлиб хизмат қилади.**

Қатор психологик адабиётларда мустақил фикр юритиш жараёни босқичлари ҳақида сўз кетар экан, унинг таркибий қисмлари бир-биридан деярли фарқланмайди². Маълумки, мураккаб вазиятга тушиб қолган киши, аввало, ҳал қилиниши зарур бўлган масала юзасидан аниқ ва тўлиқ маълумотга эга бўлишга ҳаракат қилади. Бунинг учун у масала моҳиятини тушуниб олиш, уни текшириб чиқиш, маълум ва номаълумларни аниқлаб олишга ҳаракат қилади.

Гап шундаки, бундай вазиятларнинг барчасида ҳам кишининг фикрлаши мустақил бўлавермайди. Ҳамма гап вазиятнинг муаммолилик даражаси ва шахснинг шундай ҳолатга илгари тушган-тушмаганида. Агар киши тўқнашган вазият унга таниш бўлса, яъни шундай ҳолат ёки ўхшаш вазиятга аввал ҳам дуч келган бўлса ва илгари қўллаган, ўзига таниш йўллارни хотирлаб, фаолиятини бир тизимга сола билса, ақлнинг бундай фаолияти мустақил фикрлаш ҳисобланмайди. У фақат ўзи ёки ўзгалар

¹ Э. Ғозиев. Тафаккур психологияси. — Т.: «Ўқитувчи», 1990. — 60-б.

² Выготский Л. С. Воображение и творчество в детском возрасте. — М.: «Просвещение», 1991. Выготский Л. С. Педагогическая психология. — Москва: «Педагогика», 1991. Выготский Л. С. Психология искусства. — Москва: «Педагогика», 1987. Тихомиров О. К. Психология мышления. — Москва: МГУ, 1984.

томонидан қўлланилган усулларни хотирлайди ва улардан фойдаланади. Бундай вазиятда масала ақлий фаолиятнинг мустақиллиги билан эмас, хотира ҳисобидан ҳал қилинади.

Иш жараёнида инсон ақлининг фаолияти ўзи томонидан кузатилмайди. Таълим-тарбияда бу жараённинг мустақиллиги даражасини назорат қилиш, уни фарқлаш ҳамда ривожлантириш — ўқитувчининг вазифаси. Бунинг учун ўқитувчидан зийраклик, таълим жараёнининг ҳар босқичида ҳар бир ўқувчи шахси, интеллектуал имкониятлари, интилиш ва қизиқишларини билиш талаб қилинади.

Масалан, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар (7 — 10 ёш) адабий қаҳрамоннинг шахси, хатти-ҳаракатлари билан танишиш асносида ундаги умумий ахлоқий сифатларни илғаб олишади. Уларнинг хулосалари кўпинча бир тарафлама бўлиб, асардаги воқеа-ҳодисалар асосида кескинлик билан чиқарилади. Бола хаёлан асар қаҳрамони билан биргаликда саргузаштларда ишгирок этар экан, унинг шахсий сифатлари билан эмас, матндаги лавҳалар, воқеалар ривожини билан кўпроқ қизиқади. Бошланғич синф ўқувчилари асар муаллифи ифодалаётган жараёнга киришга, ёзилганларни тасаввур қилишга, ҳазиллардан қотиб-қотиб кулишга, ўзгалар учун қайғуришга тайёр. Улар муаллифга ишонмасликка, унга муносабат билдиришга, матннинг афзаллик ёки нуқсонларини муҳокама қилишга қодир эмаслар.

Бошланғич синф ўқувчиларига хос бўлган тақлидчилик бу даврнинг ўзига хос хусусияти саналади. Бу ҳолат ўзлаштирилиши лозим бўлган сифатларнинг ташқи жиҳатини кўчиришда намоён бўлади. Уларга хос бўлган айтилганни ўзидек такрорлаб бериш баъзида ҳаддан ошиб кетади. Улардан билганларини ўз сўзлари билан гапириб бериш сўралганда, кўпчилиги бунинг уддасидан чиқишолмайди. Бу ёшда хотира кучлилиги билан бирга нутқнинг ривожланмаганлиги ҳам кўзга ташланади. Уларга бир марта эшитган нарсасини бошқа сўзлар билан ифодалаб бериш қийинлик қилади. Бу босқич ўқувчиларининг ўзлаштиришга, билганларини шуурига сингдиришга бўлган мойиллигидан уларнинг ўзлари учун унумли фойдаланиш керак бўлади.

Бола ёш босқичларига кўра турфа қизиқишга эга бўлади, ўзига хос фикрлайди ва ҳис қилади. Ҳар ёшида турлича фаолият кўрсатади, борлиққа муносабати ҳам ҳар хил бўлади. Бешинчи,

олтинчи синфга ўтганда ўқувчилар — кичик ўсмир ёшидаги болаларнинг ўқитувчилар ва бир-бирлари билан ўзаро муносабати ўзгара бошлайди. Бу даврда фаолликнинг хусусий шакллари кузатилади, уларнинг интеллекти ўзини намойиш эта бошлайди. 11 — 13 ёшли болаларнинг кўпчилиги ўқишга бепарволик билан қарайдилар: ўзларини ошиқча қийнамайдилар, уй вазифасини берилган топшириқ даражасидагина бажарадилар, баъзан шуни ҳам қилмайдилар. Кўпинча ўзларини овутадиган бошқа нарсаларни ўйлаб топишга мойил бўладилар.

Ўсмир ёшидаги ўқувчида бошланғич мактаб боласига хос бўлган инсонни баҳолашдаги кескинлик ва бирёқламалик камаяди. Ўрта мактаб ёшидаги болани (5 — 7-синф ўқувчисини) шахснинг ахлоқий сифатлари, унинг ички дунёси, характерининг шаклланиши ва бунга туртки бўлган омиллар кўпроқ қизиқтира боради. Аммо ўсмир ҳам адабий қаҳрамонни унинг шахсига хос бўлган барча жиҳатларни инobatга олган ҳолда, яхлит қабул этиш ва баҳолашга қодир эмас. У кўпинча қаҳрамоннинг у ёки бу фазилатига урғу берган ҳолда шахсини баҳолайди. Ўрта мактабнинг дастлабки босқичидаги болалар фикрлашида анчагина сабрсизлик сезилади. Бу даврда улар дарсда бажариладиган ишларнинг тезлигига эҳтиёж сезадилар, орадаги бўшлиқларни қийналиб ўтказадилар. Қийин, мураккаб вазиятларнинг узоқроқ сақланишини хуш кўрмайдилар. Шуниси характерлики, бу ёшдаги болалар берилган топшириқларни ёки бир ўтиришда қойиллатиб ҳал қиладилар ёки умуман бажармайдилар.

Бу босқичдаги ўқувчилар билимларни тайёр ҳолида, ўта майдаланган даражада қабул қилишни хушламайдилар. Айримлар вазифани дарстахадан кўчирмасдан ўзлари ечишга мойил бўладилар, агар топшириқни ўзлари ҳал қила олишларига кўзлари етса, устозининг кўшимча тушунтиришларидан қочадилар. Баъзан уларнинг фикр ифодалашларида мустақилликни ҳам илғаш мумкин.

Мустақил фикр айтиш истаги, ўрганганлари орасидан ўзиникини ажратиб ифодалашга ҳаракат қўйи синфларда, ҳатто 5-синф боласида ҳам кам учрайди. Ўқувчиларнинг бундай хулқи шахс тараққиётининг янги поғонасига кўтарилиши билан изоҳланади. Ўсмирлар олтинчи синфдан бошлаб ўзларида мустақил фикрлаш сифатини кўпроқ намоён эта бошлайдилар. Болаларнинг

бу даврдаги жисмоний ва ақлий ривожланиши уларнинг тафаккур фаоллиги характерини ҳам ўзгартиради: уларни мустақил ақлий зўриқишга ундайдиган топшириқларга бой дарслар кўпроқ ўзига торта бошлайди. Бу ҳол, аввало, ҳар бир предмет бўйича алоҳида ўқитувчи бўлиши, ўқитувчига муносабатнинг тубдан ўзгариши ва ўқувчи мустақиллигининг ортиши билан изоҳланади.

Ўсмир ёшидаги болаларга хос бўлган фаолиятга мойиллик, иштиёқнинг зўрлиги, мустақилликка интилиш шахслик шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Булар ўз ҳолича боланинг умумий тараққиётини таъминлайди. Бу ёшда шаклланган маънавий фазилатлар келажакда ижодий фаоллик гарови ва махсус қобилиятларнинг юзага келиши шартларидан бири бўлиши мумкин. Бу босқичда бой берилган имкониятлар эса боланинг ҳаётида ҳеч қачон қайтиб келмаслигини ҳар бир ўқитувчи яхши англаши керак.

Мактаб таълими ўрта босқичининг биринчи бўғини, яъни 5 — 7-синфлар ўқувчиларда мустақилликнинг шаклланиш даври ҳисобланади. Бу ёшдаги болалар бошланғич синфдаги каби интизомли ўқувчи бўлиб, талаб этилган нарсаларни бажаришдан кўра ўз интеллектуал кучини ўзи учун қизиқарли бўлган нарсаларга сарфлашни хуш кўрадилар. Бу даврнинг диққатга сазовор томони шундаки, ўқувчида айрим мустақил ишларни ва амалий топшириқларни бажаришга мойиллик кучли бўлади. Бу даврда ўқувчини аввалги босқичларда учрамаган топшириқлар руҳлантиради. 5 — 7-синф ўқувчилари бундай топшириқларни бажаришга жон-дили билан киришадилар.

Катта мактаб ёшидаги (8 — 9-синф) ўқувчиларда (15 — 16 ёш) ўрта мактаб ёшида шакллана бошлаган инсон туйғуларини, унинг дунёқарашини тушунишга бўлган қизиқиш ортиб боради. Психологик тараққиётнинг бу босқичига ўтган ўқувчиларга ўқитувчининг шахси катта аҳамият касб этади. Тўққизинчи синф ўқувчиларини ўсмирлар билан таққослаб, уларда назарий фикрларнинг ривожланганлигини пайқаш қийин эмас. Бу ёшдаги ўқувчиларда ҳар хил муаммоларни ўзларича мустақил ҳал қилишга бўлган эҳтиёж янада кучаяди. Ўзаро тортишувлар, дарслардаги мунозаралар, ҳар хил муҳокамаларда қатнашиш боланинг бу ёшдаги табиий ички эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилади. Синфлар юқорилаб борган сари болалар танқидий

мулоҳаза юрита бошлайдилар, тортишадилар, муаммо мазмуни юзасидан салмоқли саволлар бера бошлайдилар.

Болалар шу ёшга етгунларича бошланғич мактабда, таълимнинг ўрта босқичида уларни бу даврга тайёрлаш, ҳар босқичнинг ўзига хос вазифаларини аниқ белгилаб олиш керак бўлади. Ўқитувчидан бошланғич синфда ўтиладиган ҳар бир дарсда болаларнинг руҳий, жисмоний имкониятларини инобатга олган ҳолда уларни мустақил мулоҳаза юритиб, муносабат билдиришга ундайдиган амалий ишларни бажаришга йўналтириш талаб қилинади. 5 — 6-синфларда ўқувчининг шу босқичдаги интеллектуал имкониятларини инобатга олган ҳолда иш юритиш лозим бўлади. Токи, бола психологик жиҳатдан маълум ёшга етганда, унда бор бўлган бирорта имконият бекорга кетмасин, иштиёқи сўниб қолмасин. Бу борада ўқитувчининг дарс жараёнини қандай ташкил қилиши, ўқув материални қай йўсинда тақдим этиши билан бирга билим ва маънавий сифатлар даражасини аниқлаш йўлларининг нечоғли турфалиги ҳам жуда катта аҳамият касб этади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон шахси ва унинг фикри мустақиллиги биринчи ўринда туриши мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, дарсга тегишли бўлмаган бирор қизиқарли ҳаётий ҳодиса ёки кино муҳокама қилинганда, худди ўқувчиларнинг тиллари “ечилиб кетгандек” бўлади. Бундай вазиятларда улар ўз ақлий ва ёш имкониятларидан кўра кўпроқ нарсаларни билиши маълум бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам дарсликларда болаларни худди шундай қизиқтирадиган, ўйлантирадиган, уларнинг табиати ва ёш хусусиятларига мос материаллар кўпроқ берилиши, матнлар юзасидан тақдим этилган савол-топшириқлар бири иккинчисига ўхшамайдиган тарзда турфа бўлиши дарслардаги шундай вазиятларнинг асоси бўлади. Ўқувчиларнинг руҳий мувозанатдан чиқиши уларни маънавий камолот сари етаклаш гаровидир.

Мактаб даврининг бир босқичидан иккинчисига ўтиш жараёнида болаларда шунчаки эволюцион ўзгариш эмас, балки сифат жиҳатидан бир янгилиниш юз беради. Бу жараёнда ўқувчи тараққиётига салбий таъсир кўрсатувчи жиҳатларни умумлаштирган ҳолда қуйидагича кўрсатиш мумкин. Масалан, бошланғич синф ўқувчилари ақлий ривожланиши билан бериладиган билим, кўникма ва малакалар номуносивлиги, билимларнинг ҳамиша ҳам мантиққа асосланмагани, оила билан

мактаб тарбияси ўртасидаги тафовут; 5 — 7-синф ўқувчиларига хос бўлган ҳаракатчанлик билан интизом тизимининг номутаносиблиги, иштиёқнинг зўрлиги, айрим мураккаб муаммоларни мустақил ҳал қилишга бўлган мойиллик, эркинлик, мустақиллик сари интилишнинг баландлиги билан таълим-тарбия жараёнидаги бир хиллик, суствлик; 8 — 9-синф ўқувчиларидаги фикрий ва бадиий типларни ақлий шакллар билан аралаштириш, одамларга, атроф-муҳитга танқидий назар билан қарашнинг кучайиши ҳамда таълим жараёнида бундай интилишларни қондириш имкониятининг етишмаслиги, табиий тараққиёт билан таълимий-тарбиявий жараён орасидаги номутаносиблик сингари жиҳатлар кўзга ташланади.

Ўсиб бораётган авлод тараққиётининг ҳар босқичида ўзига хос тарзда тафаккур ҳамда фаолият мустақиллигини таъминлаш, боланинг ёшига яраша билим, кўникма, малака ва маънавий сифатларни шакллантиришга мумтоз таълим-тарбия тизимида алоҳида эътибор қаратилган. Қомусий алломалар асарларида ҳам тарбияланувчиларнинг билим олишга бўлган қизиқишини фаоллаштириш, мустақил фикрлашни шакллантириш мақсади етакчилик қилгани кўзга ташланади.

Масалан, Форобийнинг фикрича, таълим-тарбия жараёнининг ҳар босқичида ўқувчиларнинг билимларни ўзлаштириши ўзига хос тарзда фикрлаш, тасаввур қилиш ва ҳис этиш орқали амалга ошади. Инсон туғилганидан фикрлаш қувватига эга бўлади ва у боланинг ўсиши билан ривожланиб боради. Олимнинг фикрича, инсон ақлига сиғадиган тушунчаларнинг киши онгида сақланиб қолиши билишнинг натижаси саналади. Форобийнинг: “Болада катта имкониятларга эга кўнгил бор. У ҳис-туйғуга, тафаккур орқали англаш хусусиятига эга. Ҳиссиёт ва тафаккур билан жисмлар тушунилади”, — деган хулосаси фикримизнинг исботидир¹.

Мутафаккирларнинг таълим-тарбия ҳақидаги қарашлари ўрганилишидан аён бўлдики, Ибн Сино таълимда билимларни ўзлаштириш ҳис этиш, яъни сезги йўли билан амалга оширилганда катта самара беришини алоҳида таъкидлаган. Бу дахл қилиш, ушлаб кўриш, бевосита иштирок этиш йўли билан амалга ошиши

¹ Хайруллаев М. Форобий руҳий процесслар ва таълим-тарбия тўғрисида. — Т.: «Ўқитувчи», 1967. 79-б.

зарурлигини тажрибалар кўмагида асослаган. Ибн Синонинг қарашларига кўра, ўқувчи билими асосида мантиқий фикрлаш, шахсий кузатиш ва тажриба ётади. Аллома таълим-тарбияда эркинлик бўлишига эътибор қаратган. Эркинлик ўз-ўзидан тафаккур мустақиллигини таъминлайди, эркин фикр кишисини тарбиялайди, шахснинг маънавий камолотига сабаб бўлади. Олим ҳар қандай устоз шогирдининг айрича хусусиятларини инобатга олиши, уларни ўзининг билимдонлиги, шахси билан қизиқтира олиши, бундан ташқари, ўз фаолиятида таълим-тарбиянинг турли методларидан фойдаланиши керак деб ҳисоблаган. Билимларни болалар туйғулари орқали ҳиссий ўзлаштириши учун ўқитувчининг ҳар бир сўзи имо-ишора ва юз ҳаракатлари билан мос бўлиши кераклигини таъкидлаган. Фикрлаш хусусида сўз юритиб, унинг мантиққа асосланиши лозимлигини айтган. Унингча, мантиқ фикрлашнинг қуролидир. Борлиқни англаш мантиққа асосланиши кераклигини Ибн Сино алоҳида таъкидлаган¹.

Х. Глашевнинг маълумот беришича, Умар Хайём ҳам мустақил фикрлаш ўқувчи тараққиётининг ҳар бир босқичида ўзига хос тарзда намоён бўлишини алоҳида таъкидлаган. У ўзидан аввалги олимларнинг ишларини ўрганиб, уларнинг қарашларида ўқувчини безовта қилиш, уни руҳий мувозанатдан чиқариш, қизиқтириш учун мустақил фикрлаш, билимларни онгли равишда ўзлаштириш билан боғлиқ қарашларнинг йўқлиги номаъқул эканини таъкидлаган. Умар Хайём у ёки бу математик ҳолатларни тушунтиришда эркин ёндашув зарурлигини қайд этган ва ўқувчи таълим жараёни давомида муттасил равишда мустақил фикрлашга даъват қилиниб, йўналтириб турилиши кераклигини кўрсатган. У махсус йўллар билан ўқувчиларни мустақил мулоҳаза юритишга одатлантириш, масалани ўзи ҳал қилишига ўргатиш зарурлигини кўрсатган².

Фикр тарбияси, унинг мустақиллигини шакллантириш ва ривожлантириш, таълим-тарбия жараёнидаги ўқувчи мустақиллиги

¹ Рахимов С. Педагогические идеи Абу Али ибн Сины. Автореф. дисс. канд. пед. наук. – Т.: 1964. Рахимов С. Абу Али ибн Сино таълим-тарбия ҳақида. – Т.: «Ўқитувчи», 1967.

² Глашев Х. Х. Общепедагогические и дидактические идеи ученых энциклопедистов Ближнего и Среднего Востока эпохи средневековья. – Т.: «Фан», 1989.

устозларнинг зиммасидаги муқаддас бир вазифа эканлиги ҳаминша миллатнинг илғор кишилари диққат марказида бўлган. Фақат шўролар мактаби даврида бу масала таълим тизимида иккинчи ўринга туширилган.

Маълумки, болалар мактабгача бўлган даврида фавқуллода ижодкорлик хусусиятига эга бўладилар. 5 — 6 ёшида она тилини тўлиқ ўзлаштириб оладилар, ўзларининг амалий фаолиятлари ва борлиқни англашлари учун зарур бўлган ҳар хил маълумотларга эга бўладилар. Уларнинг бу даврдаги тараққиёти ҳеч қандай, одатда, мунтазам ўқитиш ишларисиз, катталар ва тенгдошлари билан табиий мулоқоти жараёнида амалга ошади. Болалар мактаб ҳаётига кириб келганларида, уларнинг фаолияти дастурлар асосида тизимли билим олишга ўтганда бир қадар ўзгаради. Бизнингча, бу ўқиш-ўрганиш жараёнида табиийликнинг бузилгани, унга сунъийлик аралашуви туфайли содир бўлади. Бола мактабга киргач, унинг мустақиллиги, ўз интеллектуал даражасидаги фикрлаши ва ихтиёрий фаолияти маълум даражада чекланади. У мактаб талабларига мувофиқ равишда иш юритишга мажбур этилади.

Мактаб даврида болаларга, айрим ҳолларда, ҳатто, мулоҳаза юритишга ҳам имкон берилмайди. Унинг ўрнига ўқитувчи ўйлайди. Ўқитувчи болалар ўзлаштиришлари лозим бўлган билимларни тайёр ҳолда беради, саволлар қўяди, берилиши лозим бўлган жавоблар вариантларини таклиф этади. Савол ва топшириқларни ечиш йўллари кўрсатади. Ўқувчи ўрганилаётган ўқув материални эслаб қолиши, уни уйда такрорлаши ва мустаҳкамлаш машқларини бажариши керак, холос. Маълумки, бундай таълим ўқувчидан мустақил ижодий фикрлашни талаб қилмайди. Таълим жараёнида ўқитувчи имкон қадар кенгроқ, чуқурроқ билим беришга ҳаракат қилгани туфайли ўқувчида унга савол бериш эҳтиёжи ҳам йўқола боради. Чунки ўқитувчи томонидан берилган билим, аввало, бола учун янги, қолаверса, ўқитувчи бу янгиликни қатор илмий асослар ва исботлар билан тушунтириб берди.

Болаларга бу тарзда сингдирилган билим, кўникма, малака ва маънавий сифатлар уларни доимий маърифий хизмат кўрсатилишга муҳтож истеъмолчига айлантириб қўяди. Ўқувчининг мактабда олаётган билими баъзан гўдакка тайёр ҳолда бориладиган овқатга ўхшаб кетади. Бундай таълим боладан

билимларни мустақил равишда ижодий ўрганишни талаб қилмайди. Бир неча йиллик шундай ўқитиш натижасида бола мустақил равишда бирор қадам ҳам босолмайдиган фаолиятсиз кимсага айланади. У ҳар қандай ақлий зўриқишдан ўзини тортиб, бундай юмушларни яқинлари бўлмиш ўқитувчи, ота-она, ўртоқларининг зиммасига орта бошлайди. Бундай болалар, табиийки, бирор ишни бажаришдан завқ, лаззат ёки қониқиш ҳам туймайдилар.

Болалик босқичларидаги фикрлашнинг мустақиллиги даражаси унга яратилган шароит туфайли кучаяди ёки сусаяди. Уларнинг руҳий тараққиёти ҳар хил шароит ва босқичларда турлича амалга ошади. Шунинг учун боланинг ривожланишидаги ёши билан боғлиқ хусусиятлар, тафаккурининг мустақиллиги чегараси ва даражаси ҳар бир болада ўзига хос индивидуал тарзда бўлиши таълим жараёнининг ҳар босқичида, ҳар бир дарсда қатъий ҳисобга олиниши лозим. Бу соғлом маънавиятли шахсни шакллантириш шартларидан биридир.

АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Маънавий-маърифий булоқларимиз ҳисобланган Куръони Карим ва муборак Ҳадисларда ҳам, Имом ал-Бухорий, Имом Термизий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Маҳмуд Қошғарий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий ва бошқа алломаларнинг қарашларида ҳам одам маънавий камолотини таъминлашга доир қарашлар устуворлик қилади. Маълумки, маънавий тўқисликка эришиш тўғридан-тўғри мустақил тафаккурни, эркин мулоҳазани талаб қилади. Мустақил тафаккурсиз маънавиятни бойитиш мумкин эмас.

Мутахассис сифатида шўро даврида шаклланган методист олимларнинг асарларида ўзбек адабиётини ўқитиш асносида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш масаласи махсус тадқиқ этилмаган. Эҳтимол, бунга ўша давр мафкураси, илмнинг йўналиши имкон бермагандир. Мамлакат ва миллат ижтимоий-сиёсий ҳаётида кескин ўзгаришлар содир бўлган даврда методика соҳасида тадқиқот олиб борган Қ. Йўлдошев, С. Матжонов ва М.

Мирқосимова сингари олимларнинг илмий ишларида ўқувчи тафаккури мустақиллиги масаласига маълум даражада эътибор қаратилган. Қ. Йўлдошевнинг ишида мактаб адабий таълимини янгилашнинг методик асослари ва янгича педагогик тафаккур тараққиётининг асосий йўналишлари белгилаб берилган. Янгиланган педагогик тафаккур шароитида тарбия ва унинг асосий омиллари, тарбияланувчи ва тарбиячи муносабатида педагогик ҳамкорлик ҳукмронлик қилиши, бу жараёнда ҳар бир болани ўз-ўзига танитиш, ўзини тафтиш қилиш, қизиқишларини аниқлаш, қобилиятини ривожлантиришга йўналтириш усуллари тавсия этилган. Бу жараёнда ўз-ўзидан ўқувчи шахси мустақиллиги ва тафаккурининг эркинлиги етакчилик қилади¹.

С. Матжоновнинг тадқиқот иши бевосита ўқувчиларнинг мустақил ишларини ташкил этишга бағишланган бўлиб, бу жараён ижодий тафаккурни ўстириш омили эканлиги, адабиёт дарсларида ўқувчиларни оғзаки ва ёзма ижодий ишларга ундаш уларнинг камолоти йўлида муҳим аҳамият касб этиши текширилади. Мустақил фаолият ва ижодий ишлар ўз-ўзидан эркин тафаккурни талаб қилади. Мустақил фикри, ўз нуқтаи назари бўлмаган ўқувчи ижод қилолмайди, мустақил фаолият юрита олмайди².

М. Мирқосимованинг докторлик иши ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бунинг замирида ҳам ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш кўникмасини ўстириш, ижодий қобилиятини тарбиялаш ётади. Ишда тақдим этилган асарларнинг қиёсий таҳлили, муаммоли таълим, мунозара дарс, семинар дарс, мустақил ишлар ҳам бевосита ўқувчининг мустақил тафаккури шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилади³.

Мактаб даврида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишда адабий таълим ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Маълумки, бошқа ўқув фанлари бўйича ўтиладиган дарслардаги изланишлар натижасида ўқувчилар аввалдан аён бўлган ягона

¹ Йўлдошев Қ. Янгича педагогик тафаккур ва умумтаълим мактабларида адабиёт ўқиғининг илмий-методик асослари. Пед. фан. доктори... диссертация. — Т., 1997.

² Матжонов С. Умумтаълим тизимида адабиётдан мустақил ишларни ташкил этиш. Пед. фан. доктори... дисс. — Т., 1998.

³ Мирқосимова М. М. Ўқувчиларда адабий таҳлил малакасини шакллантириш ва тақомиллаштириш усуллари: Пед. фан. доктори... дисс. — Т., 1995.

хулосага келишади. Масалан: тўққиз карра тўққиз дунёнинг ҳамма бурчагида, қайси тилда, қандай йўллар билан ечилишидан қатъи назар, натижа, тўғри жавоб битта – саксон бир. Бу — мутахассислар томонидан қатъий белгилаб қўйилган хулоса. Ёки она тили дарсларида “ким?”, “нима?” сўроқларига жавоб бўладиган сўзлар туркуми ҳаммиша от дейилиши қабул қилинган. Ўқувчилар гапнинг морфологик таҳлили жараёнида қандай мисол берилишидан қатъи назар, бу сўроқларга жавоб берган сўзларнинг от эканлигини аниқлайдилар. Бу ҳам аввалдан аниқлаб қўйилган ягона ҳақиқат. Аммо адабий таълимнинг ўзига хослиги шундаки, унда ҳар бир ўқувчи ўз олдига қўйилган муаммони тегишли мақсад ва вазифаларни белгиллаган ҳолда билими, ҳаётий тажрибасига таяниб турли йўл, усул, воситалар ёрдамида, интеллектуал имконияти даражасида мустақил равишда ҳал қилиб, фақат ўзининг бадиий ҳақиқатини чиқариши мумкин.

Ўрганилаётган бадиий матн, ундаги қаҳрамонлар, тасвирланган бирор ҳодиса ёки вазият борасида ҳар бир ўқувчининг асар ва дарслик муаллифиникидан фарқ қилувчи ўз хулосаси бўлиши мумкин ва бу мантиққа зид бўлмайди. Масалан: “**Кумушбибининг ҳалокатида кимни айбдор деб ҳисоблайсиз?**” деган савол ўртага ташланганда, унга ҳар бир ўқувчининг ўз жавоби бўлади. Ўқувчилардан бири Отабекни, иккинчиси Зайнабни, учинчиси ота-оналарни, яна бири даврни, кимдир Кумушбибининг ўзини айблайди. Ҳар ким нима учун шундай хулосага келганини матндан далиллар келтирган ҳолда асослайди ва бу ҳар бир ўқувчининг ўз фикри, хулосаси, айтиш жоиз бўлса, ҳақиқати ҳисобланади. Бугунги адабий таълимда бир пайтлар чиқарилган ялпи хулоса — Кумушбибининг ҳалокатида фақат Зайнабни айбдор ҳисоблаш мумкин эмас. Бунга бугунги ўқувчиларнинг барчасини бирдай ишонтириб бўлмайди ва бунда уларнинг маънавиятига зуғум ўтказилган бўларди. Адабиёт дарсларида ўқувчиларни мустақил мулоҳаза юритишга ўргатиш шуниси билан алоҳида ўзига хослик касб этади.

Адабиёт ўқитиш методикаси илмида адабий қаҳрамоннинг шахс сифатидаги ўзига хос руҳий олами ва ахлоқий сифатларини англаш ўқувчи олдига қўйилган муҳим дидактик талаблардан ҳисобланади. Маълумки, ҳар қандай билимни ўзлаштириш маълум даражада фикрий зўриқиш асосида кечади. Дарсда асар устида ишлаш

мобайнида адабий қаҳрамон шахси ва ҳаёти таҳлили асносида ўқувчининг ўзи ҳам ҳаётга фаол кириб боради. Ўзгаларни ўрганиш орқали ўз шахсиятига хос сифатларни шакллантиради. Асар қаҳрамонларига муносабатига қараб, ўқувчининг шахсини белгилаш мумкинлиги ҳам ҳақиқатдан йироқ эмас.

Мақтаб даврининг турли босқичларида боланинг ташқи таъсирга берилувчанлиги ҳам, бадий асардаги тимсолларни қабул қилиш даражаси ҳам турлича бўлади. Адабиёт дарсларида ҳар бир ўқувчининг бундай хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг индивидуал ҳамда умумий фаолиятини тўғри ташкил қила билиш адабий таълимнинг бош мақсадига эришишда катта аҳамият касб этади. Ўқувчига хос индивидуал хусусиятларни билиш ўқитувчи иш фаолиятини ташкил этиш ва бадий асар матни устида ишлаш методини аниқлашга асос бўлади. Боланинг ҳар нарсага қизиқадиган, билишга бўлган интилиши сўнмаган даврида унда мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиб ижобий фазилатлар шакллантиришга, мустақил фикр соҳибини тарбиялашга эришиш мақтаб таълим-тарбия жараёнининг асосий вазифасидир. “Агар болаларни мустақил фикрлашга ўргатмоқчи бўлсак, энг аввало, уларни эртақлар тўқишига, саргузаштлар тузишига ундаш керак. Фикрни фақат янги, аввал учрамаган, тортишувларга сабаб бўладиган масалаларга сарфлаш лозим. Зерикиш — фикрнинг душмани”, — деган эди улкан эртақчи адиб Ж. Родари¹.

Кўпинча, таълим амалиётида ўқувчига тайёр билимларни “йиғиб олувчи”лик роли топширилади. Таълимнинг бундай бир ёқлама ташкил этилиши хотиранинг механик фаолиятига таянган бўлиб унда туйғулар, фикрлар иштирок этмайди, бинобарин, бундай таълим ўқувчини фаол ижодий ишлашга ўргатмайди.

Инсон психологияси юзасидан олиб борилган тадқиқотлардан маълумки, ўқувчи бир нарсани икки марта эшитишни хушламайди². Ваҳоланки, таълим тизимида, ҳатто бугун ҳам ўқувчи битта маълумотга тўрт марта — ўқув материали янги мавзу

¹ Родари Ж. Грамматика фантазий. Перевод с итальян. Ю. А. Добровольской. — Москва: «Прогресс», 1978. С. 190.

² Белова Е. С. Одаренность малыша, раскрыть, понять, поддержать. — Москва: МПИ «Флинта», 1998. Боговлинский Д. Н., Меңчинская Н. А. Психология усвоения знаний в школе. — Москва: «Прогресс», 1959. Брушлинский А. В. Психология мышления и проблемное обучение. — Москва: «Знание», 1983.

сифатида тушунтирилганда, у мустақамланганда, уй вазифасини бажариш мобайнида ва кейинги дарсда жавоб бериш жараёнида тўқнашади. Ҳамма дарсларнинг шу тарзда бир хил шаклда олиб борилиши боладаги қизиқувчанликни сусайтириб, таълим-тарбия жараёнини зерикарли қилиб қўяди. Дарслар ўқувчининг қизиқиши ва истакларига мувофиқ ташкил қилингандагина самарали бўлади.

Ҳамонки, гап ўқувчи шахсининг маънавий комиллигини таъминлаш ҳақида кетар экан, мустақил фикрлаш таълим-тарбия жараёнининг асосий шакли тарзида қаралиши керак. Мустақил фикрлаш ўқувчиларнинг муаммо ечимини топишдаги изланишлари, масалани ҳал этиш йўлларининг турфалиги, билимларни ўзлаштириш кечимининг биланларни ишлашга йўналтирилганлик даражаси ҳамда ўқувчи меҳнатини ташкил қила билишда намоён бўлади. Бунда барча ишлар, асосан, ўқувчи зиммасига юкланади. Ўқитувчи меҳнати китоблар, ҳар хил қомус, маълумотлар, компьютер материаллари, расмлар, интернет тармоғи манбалари ҳисобидан енгиллашади. Замонавий дарсларда ўқитувчи раҳбарлиги, асосан ташкилий ишларда: топшириқлар бериш, уларнинг бажарилиши жараёнида ўқувчи меҳнатининг смарадорлик даражаси, тафаккури сифати, маънавий қиёфасининг шакллана боришини назорат қилиш ҳамда уларни баҳолашда сақланиб қолади. Таълим-тарбиянинг бундай тури ўқувчида мустақил фикрлаш ва ишлаш билан бирга унинг шахс сифатида эркинлигини тарбиялашга ҳам хизмат қилади.

Ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатиш мақсадида ташкил қилинган адабиёт дарсларида тарбияланувчи ўқитувчидан маълум вақт ичида бажарилиши лозим бўлган топшириқни олади. Масалан, 8-синфда Алишер Навоий ва Нодиранинг умрбаёни ҳамда ғазаллари ўрганилиб, ўқувчилар шоирлар услубини бир қадар фарқлайдиган бўлганларидан сўнг, уларга ўрганилган ғазаллар ичидан иккитасининг мақтаёси олиб қўйилган ҳолда тақдим этилади. Ўқувчидан уларнинг қай бири Навоий қаламига, қайсиниси Нодира ижодига мансуб эканини аниқлаш талаб қилинади. Топшириқни тўғри бажариш учун ўқувчи асарнинг мазмуни, услуби ва унга сингдирилган муаллиф шахсиятига хос жиҳатларга асосланиши кераклиги айтилади. Бу топшириқни ўз муддатида бажариш учун ўқувчи вақтини тўғри тақсимлаши ва қиладиган ишларини пухта режалаштириши керак. Шунинг ўзиёқ

Ўқувчини мустақил равишда ўйлашга мажбур қилади. Ҳар иккала газални ўқиб, уларнинг моҳиятига етиб, асар қаҳрамони ҳиссиётини туйиб, шу асосда муаллифини аниқлаш ўқувчини ақлий зўриқтириб, ҳақиқатни топишга эришадиган тадқиқотчи ҳолатига солади.

Ўқувчини фикрлаш жараёнида ҳодисанинг ўзаро сабабий боғланишини таъминлайдиган умумий алоқани, асосий моҳиятни топишга ўргатиш мустақил фикрни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, инсонга хос бўлган ақлий-руҳий ривожланиш жараёни ҳамиша муҳит билан мутаносибликда кечади. Шунинг учун ҳам адабиёт ўқитувчиси ўқувчилар тафаккурининг ташқи муҳит билан алоқадорлик даражасини кузатиши, мувофиқлаштириши ва унинг йўналишини бошқара билиши керак. Бу фаолият сифати, яъни ўқувчининг маънавий соғломлашуви даражаси унинг дастлабки хатти-ҳаракатларидаёқ кўрина бошлайди. Чунки билимларни ўзлаштириш — нарса-ҳодисалар хусусиятлари, қисмлари ўртасидаги уйғунликнинг инсон сезги органларига бевосита таъсири ҳамда онга кўчишидан иборат жараён. Инсон онгидаги ўзгаришлар дарҳол унинг фаолиятида намоён бўлади. Бу жараён, ўз навбатида, тафаккур, тасаввур, нутқ, ҳиссиёт ва ирода орқали амалга ошади, юзага чиқади.

Ижодий фаолият ва мустақил фикрнинг юзага келишида фикрдан ташқари тасаввур ҳам муҳим ўрин тутаети. Бирор янгиликни яратиш учун одам аввал уни хаёлан тасаввур қилади. Инсон ҳаёт йўсинидаги ҳар қандай ўзгариш дастлаб унинг тасаввурида амалга ошади. Тасаввур ёрдамида одам турмуш шароитини ўзгартиришга, уни ўз моддий ва руҳий эҳтиёжларига мувофиқлаштиришга уринади.

Инсон таълим жараёнида ҳам, худди меҳнат фаолиятидаги сингари, жуда камдан кам ҳолатларда фақат хотирасининг қувватига таянади. Ўзига хос янгича шароитларда фаолият кўрсатиш жараёнида, кўпинча инсон у ёки бу даражада ижодий ҳаракат қилади, яъни тасаввурига суянади. Уни бунга ҳамиша ҳаракатдаги, янги-янги муаммоларни ҳал қилишга ундайдиган ҳаётнинг ўзи йўналтиради. Тасаввур бошқа руҳий жараёнлар билан табиий равишда алоқадор. Инсоннинг ҳар қандай фикри, туйғуси, ихтиёрий ҳаракатида тасаввур мавжуд бўлади. Тасаввур билимларни

ўзлаштириш жараёнида ҳам қатнашади. Инсон хотирасининг фаолияти, эслаб қолиш жараёни ва хотирада қайта тиклаш замирида ҳам тасаввурнинг унсурлари мавжуд бўлади.

Одам тасаввурида шаклланадиган тимсоллар унинг билиш фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Чунки инсон ўзи билиши керак бўлган ҳамма нарсани кўриш имкониятига эга эмас. У ўз амалий ва ақлий фаолиятини тимсолларни тасаввурида тиклаш йўли билан кенгайтириб боради. Ўзлаштирилмаган нарса ёки ҳодисанинг табиий хусусиятларини акс эттирувчи тимсоллар таълим жараёнида ўқувчилар томонидан фан асосларини ўзлаштиришнинг муҳим шарт ҳисобланади. Бу, айниқса, адабий таълимда яққол намоён бўлади. Маълумки, адабиёт, асосан инсоннинг туйғулари билан иш кўради. Ўқувчи бадиий сўз кўмагида яратилган адабий қаҳрамонни ўзича тасаввур қилади. Шу асосда кўнглида шахсга муносабат шаклланади. Ўзгаларнинг туйғуларини қўл билан ушлаб, кўз билан кўриб бўлмайди. Улар инсоннинг ташқи кўриниши ёки хатти-ҳаракатида маълум белгилар шаклида намоён бўлиши мукин. Уларни туйиш, ҳис қилиш, тасаввур этиш керак бўлади.

Мактабда бадиий асарларни ўрганиш жараёнини кузатишлар шуни кўрсатдики, матнни ўзлаштиришнинг чуқурлиги ва тўлалигига эришиш ўқувчининг муаллиф томонидан тасвирланган ҳодисаларни, қаҳрамон хатти-ҳаракатлари, кечинмаларини, персонажларнинг табиатини қанчалар чуқур, аниқ тасаввур қилиши, ҳис этишига боғлиқ. Бу жараёндаги асосий иш асарнинг бадиий таҳлилдир. Бадиий таҳлил баъзан маълум бир эстетик яхлитликни майдалаш, уни бўлақларга бўлиш, бирор қисм, белгини ажратиб олиб, унга муносабат билдириш тарзида амалга оширилади.

Таълим жараёни тажриба, хотира, тасаввур, хаёлот олами, онг ва эҳтирос билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бундай вазиятда инсоннинг ақли фаол ҳаракатда бўлади. Ақл ўқиш-ўрганиш жараёнига фаол аралашади, аниқлик киритади, қабул қилади ёки рад этади, яратади ёхуд бузади. Бу жараён инсон ақлининг фаолияти — фикрлаши, тафаккури маҳсули саналади. Маълумки, ақл хотиржамликда эмас курашларда ривожланади. Шаклланаётган шахс ҳаётга умид билан қараши, турмушда дуч келадиган ҳар хил қийинчиликлар билан кураша олиши мумкинлигига ишониши керак.

Маълумки, санъатнинг кўп турлари инсонда борлиқни туйғулар орқали билиш қобилиятини шакллантиради ва ривожлантиради. Бу қобилият ҳар қандай соҳа мутахассиси учун бирдай зарур. Ўқитувчи учун энг муҳими, ўқувчиларнинг санъат асарини ўзлаштиришларидаги индивидуал, бир-бирдан тафовут қиладиган жиҳатларини билишдир. Бу нарса ўқувчида бадиий фикрлаш кўникмаси шаклланганда ёрқин кўзга ташланади.

Инсон улғайгани сари унинг ҳаётий тажрибаси ортади, билимлари чуқурлашади, тасаввур доираси кенгайди. Одамнинг тасаввури, ҳаёлот олами унинг ҳаётдан олган манбалари асосида шаклланади. Таълим-тарбия жараёнида ҳам ўқувчи ўз тасаввурини тўйинтира олишга эришиши, яъни бой тасаввурга эга бўлиши, уни зарур муаммоларни ҳал этишда ишлата билиши, бу йўлда ўзини чиниқтириши, ҳаёл уфқини кенгайтиришга эришиши лозим. Ўқиб билим олиш ва шахс сифатида ривожланиш учун мактабда ҳам, оилада ҳам зарурий омиллар мавжуд бўлиши керак. Бундан ташқари, синфлар юқорилагани сари нарса-ҳодисаларнинг майда деталларига камроқ тўхталиш мумкин бўлади. Бунга қанча кам тўхталинса, умумлаштиришга, тушунчаларни таҳлил қилишга шунча тез ўтиш зарур бўлади. Фақат ўқитувчи ўқувчиларда зарурий билимларнинг етарли эканига, ўрганилаётган ҳодисага хос бўлган майда деталлар қўйи синфларда ўзлаштириб олинганига амин бўлиши керак. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчига алоҳида нарса ёки ҳодисада умумни кўра билишига ва уни онгли равишда ўзлаштириб олишига кўмаклашишдир. Ўқувчи ўқув материални онгли равишда ўзлаштириб олиши учун, албатта, ўзи ишлаши керак. Шу тариқа адабий таълимнинг бошиданоқ мустақил фикрлашга одатлантирилган ўқувчилар синфи юқорилаб, бериладиган топшириқлар мураккаблашганда ҳам ўзларини йўқотиб қўйишмайди.

Таъкидланганидек, синфлар юқорилаб, ўсмирлик даврига етган ўқувчида тафаккурнинг мустақиллиги, танқидийлиги шиддатли тараққиёт палласига қиради. Мактаб таълимининг бевосита таъсири остида ўсмирда ўз-ўзини англаш эҳтиёжи орта бошлайди. У ўз шахсий фикри, мустақил қарашига эга бўлишга ҳаракат қилади. Шунинг учун ўқитувчиси ёки ота-онасининг айтганларига, китоб ва дарсликлардаги хулосаларга танқидий назар билан қарайди. Кўпинча ўқитувчи мулоҳазасидан ёки дарсликдан

хато ва камчилик топишга интилиб, эътироз билдиришга, тортишишга мойил бўлади.

Танқидийлик ўсмир тафаккурининг асосий хусусиятларидан бўлиб, у ўзга фикрларни турли баҳоналар, сабаблар билан йўққа чиқаришга қаратилганлиги билан характерлидир. Боланинг фикри кўр-кўрона инкордан иборат бўлиб қолмаслиги учун адабиёт дарсларида ўқувчилар ўз қарашларини далиллар кўмагида асослашга одатлантирилиши керак. Ўсмирлик босқичидаёқ ўқувчи ўзи ҳукм чиқаришдан олдин унинг тўғри эканини исботлай олишга ўргатилиши керак. Шунда таълим жараёни ўқувчининг табиий хусусиятлари билан ҳамоҳанг кечаётган ҳисобланади.

Адабиёт дарсларида ўқувчи тафаккури ривожланиши учун уни тўғри таъриф беришга, таҳлил қилишга, таққослашга, умумлаштиришга одатлантириш, ўз фикрини тўғри, равон, аниқ ифодалаш ва асослашга ўргатиш, мустақил равишда ҳукм, хулоса чиқариш, мулоҳаза юритишга йўналтириш керак. Фикр юритишнинг бундай шакллари уларда ақлий кўникма ва малакаларни ўстиради. Натижада ақлий ривожланиш амалга оширилади. Мустақил фикр кишии шаклланади.

Ўсмирлик босқичидаги ўқувчилар олдига ҳар хил адабий тимсолларни мустақил таққослаш талабини қўйиш уларда қатъий қарор қабул қилиш кўникмасини шакллантиришда яхши самара беради. Ўқувчида бундай кўникмани ҳосил қилиш учун, аввало, уни аниқ шахс ёки ҳодисани кузатиш, таққослаб, ўхшаш ва фарқли томонларини кўра билиш, умумий ва хусусий жиҳатларни, иккинчи даражали нарсаларни ажрата билишга йўналтириш талаб қилинади.

Адабий таълим жараёнида таққослаш тафаккурнинг оддий, шу билан бирга фавқуллодда аҳамиятли тури ҳисобланади. У муайян умумийликка эга бўлган ҳар хил ҳодисаларни қиёслашдан юзага келади. Айни вақтда умумий белгиларга эга бўлган предметлар солиштирилганда уларнинг фарқли томонлари ҳам кўринади. Акс ҳолда, улар бир-бирларини тақрорлаб қўяди. Икки ёки бир нечта тимсол табиатидаги ўхшаш ва фарқли томонларни аниқлаш учун инсон фикран уларнинг ўзига хос хусусиятларини ажратади, белгиларини аниқлайди (анализ қилади) ва уларни таққослаган ҳолда умумий томонларини тайин этади (синтез қилади).

Таққослаш ва таснифлаш тафаккур фаолиятларини тизимга

солади. Мисол тариқасида 9-синфда Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” асари қаҳрамонлари — Кумушбиби ва Зайнаб тимсолларини таққослашни тавсия қилиш мумкин. Бундай вазиятларда ўқитувчидан қуйидагича йўналтирувчи савол-топшириқлар туза олиш талаб қилинади: **“Кумушбиби билан Зайнабнинг қандай ўхшаш жиҳатлари бор? Кумуш табиатидаги фазилатларнинг илдизини матндан топиб, изоҳланг. Зайнабда ўз бахти учун курашиш фикри қандай туғилгани ҳақида ўйлаб кўринг. У курашнинг бошқачароқ йўлини топиши мумкинми? Нега тополмади? Зайнабга нисбатан кўнглингизда қандай туйғу пайдо бўлди? Ачинишми, нафратми, раҳм-шафқатми? Бунинг сабабини ўз шахсиятингиздан қидириб кўринг”** ва ҳоказо.

Ёки 6-синф “Адабиёт” дарслигида Алишер Навоийнинг рубоий ва қитъалари ўрганилиб, улар ҳақидаги қисқагина назарий маълумот билан танишилгач, ўқитувчи ўқувчиларга дарсликда бўлмаган бир-иккита рубоий ва қитъани тақдим этиб, уларнинг жанрини аниқлашни сўраши мумкин. Бу жараёнда ҳам маълум даражада солиштириш амалга оширилади. Бу топшириқни бажариш учун ўқувчиларда маълум даражада билим, кўникма ва малакалар шаклланган бўлиши талаб қилинади. Шу тариқа ўқувчиларда қатъий ҳукм-хулоса чиқариш кўникмаси шакллана боради.

Шахсияти шаклланаётган ўқувчиларда мустақил фикр тарбиялаш учун асар тимсоллари устидаги бу каби ишлар бошланғич синфлардаёқ ўзига хос тарзда ташкил этилиши, ўқувчи олдига қўйилган вазифалар унинг интеллектуал имкониятлари даражасида бўлиши, синфлар юқорилагани сайин мутаносиб тарзда мураккаблашиб бориши талаб этилади.

Узлуксиз таълим жараёнининг ўрта босқичида ўқувчилар дарсда олган янги билимларнинг инсон учун аҳамиятли эканига ишонч ҳосил қилишга интилади. Баъзан уларда эътироз ёки шубҳа туғилади. Лекин кўпинча бу эътирозлар ўқувчиларнинг ичида қолиб кетади. Тафаккурни оқилона йўллар билан ўстириш учун ўқитувчи ўқувчиларидаги шундай ҳолатларни илғаши, уларнинг ичидаги шубҳа ва эътирозларни юзага чиқаришга ундайдиган вазият яратиши керак бўлади. Бу хислатнинг ривожланиши асносида нарса ва ҳодисалар ҳақидаги қарашларни асослаш, далиллар келтириш, исботлаш, ишонтириш каби ўспиринни ақлий камолотга етакловчи, билими пухталигини таъминловчи сифатлар такомиллашади.

Адабий таълим жараёнида ўқувчи тафаккури мустақиллигини таъминлаш ва ривожлантириш учун ўқитувчидан ўқувчиларни дарсликда берилган тушунчаю хулосаларнинг тўғрилигини текшириш ва далиллашга, бу йўлда энг қулай усул ва методлардан фойдаланишга, ҳар бир нарса-ҳодиса юзасидан мустақил фикр юритишга, вазиятга ижодий ёндашишга, бировларга ёқиш-ёқмаслигидан қатъи назар, ўз фикрини айтишга ўргатиш талаб қилинади. Муаллим тарбияланувчиларни мантиқий фикр юритиш усуллари билан таништириб бориши; қолипда фикрлашга йўл қўймаслиги, ижодий изланишга етаклаши; ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиб, ақлий имкониятларини юқори даражада ишга сола билиши; ҳар бир ўқувчи олдига ўзига хос муаммо қўя олиши ва уни ечишга йўналтириши; учрайдиган қийинчиликларни енгишга одатлантириши зарур. Ўқувчи тафаккурининг мустақиллигини таъминлаш учун масъул бўлган педагог бугун ўз фанини пухта билишидан ташқари, психологик билимларни ҳам эгаллаши шарт.

Фикр юритиш фаолияти мустақиллигини ривожлантиришга тўсиқ бўладиган асосий сабаблар: ўқув топшириқларининг нотўғри қўйилиши, ўқувчилардан эркин мулоҳаза юритишни изчил равишда талаб этмаслик ва мустақил фикрлаш қобилияти қанчалик ривожланганига эътибор бермасликдир. Бундай вазиятда тарбияланган ўқувчилар ўз-ўзидан тайёр мулоҳазаларнинг истезмолчисига айланиб қоладилар.

Ўқувчилардаги танқидий тафаккур ва мулоҳазанинг етарли даражада тараққий этмаганлиги, эстетик дид ҳамда маданий савиянинг пастлиги бадиий асар қимматини юзаки баҳолашга олиб келади. Асар тўғрисида чуқур фикр юритмасдан туриб, унга баҳо беришга шошилиш ҳоллари асл турмуш билан бадиий асар ўртасидаги фарқни англай олмасликдан келиб чиқади.

Бундан ташқари, адабиёт дарсларининг ўқувчига маънавий озуқа бера олмайдиган тарзда уюштирилиши унинг фанга қизиқишини сусайтиради. Ўқувчи табиатан тараққий этаётган шахс сифатида маънавий бойлик орттириш йўллари излайди. Вужудга келган маънавий бўшлиқни тўйинтириш мақсадида мустақил билим олишга киришади. Лекин ҳамма ҳам шундай эмас. Мустақил ишлашга одатланмаган ўқувчиларнинг катта қисми умуман ўқимасликни, фақат жисми ва нафсини қондириб яшашни афзал

билиб қолишади. Олдин бир шахснинг, кейинчалик бутун жамиятнинг маънавий инқирозга юз тутиши сабабларидан асосийси ҳам — ана шу. Бир қолипдаги дарслардан қочиш, дарсда ўнғайсиз ҳолатни юзага келтирмаслик, агар шундай ҳолат юз бериб қолганда ҳам, ундан чиройли, ҳеч кимга салбий таъсир қилмайдиган, ҳеч кимнинг шаънига тегиб кетмайдиган йўллар билан чиқиб кета олиш, жонли ва ҳамма учун қизиқарли дарс ўтиш, дарсликда баён қилинган фикр ҳамда қарашлардан фойдаланган ҳолда адабий асарни мустақил тушуниш ва изоҳлашни таъминлашга интилиш бу инқирознинг олдини олиши мумкин.

Бугунги адабий таълим методикаси ўқувчининг у ёки бу бадий асарни ўқиб, тушунишининг ўзини етарли эмас деб ҳисоблайди. Ўқувчи асарга янгича ёндаша билиши ҳам керак. Шунда унинг мустақил нуқтаи назари шаклланади. Ўз-ўзидан маълумки, бу фазилат ўзгаларнинг ташқаридан берган кўрсатмалари маҳсули эмас, ўспириннинг шахсий фикри, мустақил ўйлаши ва бир қарорга келишининг натижаси бўлади. Ўқитувчи ўқувчиларининг тортинчоқ бўлишига, фикрини очиқ айтмай, дилида сақлаб қолишига йўл қўймаслиги керак. Инсонда шахсий фикрнинг бўлмаслиги, унинг мустақил мулоҳазадан узоқлиги, тайёр жумлаларни тўтидай такрорлашидан қўрқиш керак.

Тафаккур мустақиллигининг ўсиши ўқитиладиган фанлар, ўқитувчи ва ота-онанинг таъсирига ҳам боғлиқ. Ўқитувчи, айниқса, бошланғич синфларда, ота-она оилада болага унинг исми, уйи, шахрининг номи иштирокида эртақлар тузишга ўргатиши жуда фойдали. Бу билан улар болага ҳаётда йўлини аниқлаб, буюмлар дунёсида ўз ўрнини белгилаб олишга ёрдамлашадилар. Ўзликни англаш учун ўзни ҳис қилиш имкониятига эга бўлиш керак. Болага ёрдам қўлини чўзиш унинг ўқиши ва яшашини қўлидан келганича енгиллаштириш эмас, балки унинг шахси ва ўз келажагини ўзича тасаввур қилишига имкон яратишдан иборат бўлиши керак.

Бола табиатан эртақларнинг қаҳрамони бўлишни, ҳеч қурса, эртақда номи тилга олинишини жуда-жуда хуш кўради. Эртақ айтиш жараёнида асардаги географик номларни болаларга таниш жойлар билан ўзгартириш уларнинг диққатини ўзига тортади.

иборат: а) уларга энг катта ва хилма-хил мавзуларни таклиф этиш ва танлаш ихтиёрини бериш. Бу мавзулар болалар учун махсус танланган бўлмай, ўқитувчининг ўзи учун ўта жиддий ва қизиқ бўлиши керак; б) уларга болаларнинг иншоларини ўқишга бериш ва намуна сифатида фақат болаларнинг ишларини бериш; в) энг муҳими, болаларнинг ишларини текшираётганда дафтарининг аҳволига, хатининг сифатига, хатоларига ва, айниқса, унинг ифода тарзига, айтиш жоиз бўлса, услубига ҳеч қачон танбеҳ бермаслик керак”¹. Бу йўлдан адабиёт бўйича ёзма иш олиш жараёнида фойдаланиш керак. Ана шунда адабий таълим олдида қўйилган мақсад амалга ошиши бир мунча тезлашиши мумкин.

Ўқувчининг меҳнати осон бўлиши керак эмаслиги, уларни мустақил билим олиш, кўникма шакллантириш, малака ҳосил қилиш, меҳнатга қизиқтириш, ўзида муайян ахлоқий сифатларни қарор топтиришга одатлантириш зарурлиги, бу эса қийинчиликсиз амалга ошмаслиги таниқли педагоглар томонидан кўп бор таъкидланган. Фақат қийинчиликларнинг меъёрини билиш муҳим аҳамият касб этади. Токи, бу меҳнат ўқувчининг ёш хусусиятларига мос, билимлар ўзлаштирилувчан бўлиши, топшириқни бажариш хузур ва завқ бағишлаши лозим. Инсонга нисбатан бўлган талабчанлик уни камолот сари етаклаши ва ўзини ривожлантиришга ундаши керак. Болани тарбиялаш, ўқитиш эмас, унинг ўзини ўзи тарбиялайдиган ва ўқитадиган вазиятга солиш муҳим. Бунинг учун мактабдаги таълим-тарбия жараёни ҳам, бу жараённи амалга оширадиган асосий дидактик ашё бўлмиш дарсликлар ҳам ўқувчидан олдинда юриши, улар синфдаги энг илғор болани ҳам етаклайдиган тарзда тузилиши керак.

Ўқувчиларда ўз фикрини ифодалаш кўникмасини шакллантиришга бошланғич синфлардан эътибор бериш лозим. Маълумки, бошланғич синф ва кичик ўсмирлик даврида диктант ёки баён ёзишда яхшигина натижаларга эришган ўқувчилар юқори синфларга борганда адабий ёки эркин мавзуларда ижодий ишлар ёзишга қийналиб қоладилар. Ўзгаларнинг фикрини жуда чиройли қилиб такрорлаб берадиган “саводли” ўқувчилар кўпинча ўз фикрларини ифодалаб беролмайдилар. Улар ё асар мазмунини қайта ҳикоя қиладилар ёки дарслик муаллифлари ёхуд ўқитувчининг

¹ Стоюнин В. Я. Избранные педагогические сочинения. — Москва: «Педагогика», 1991. С. 361.

асар ҳақидаги фикрларини такрорлайдилар. Кўпчилик ўқувчилар мактабни ўз фикр ва қарашларидаги оригиналлик кераксиз эканига ишонган ҳолда битириб кетяптилар. Шунинг учун ҳам фикрни ифодалаш ишини фикр айтишга уялмайдиган даврдан, яъни бошланғич синфлардан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Маълумки, ҳаёт қонуниятларига кўрсатма бериб бўлмайди. Мактаб таълим-тарбия жараёни ҳам инсонга хос бўлган табиий хусусиятларга, азалий қонуниятларга ҳамоҳанг кечиши лозим. Мактаб ўқувчилардаги ўзига хос бўлган табиий хусусиятларни ҳисобга олиши, уларни ривожлантириши, бойитиши ва сайқаллаши керак.

Ўз-ўзини қайта тарбиялаш кишидан катта зўриқишни талаб қилади. Ўқувчилар шу ҳолатга тушмасликлари учун улар бошидан тўғри тарбияланиши лозим. Таълим тизимидаги энг тўғри йўл ўқувчини муқаррар ички курашга тайёрлашдир. Уни ёшлиқдан курашларга тайёрлаш чинакам шахс тарбиялаш демакдир.

Маълумки, ҳар қандай жамиятда чинакам инсонларга кучли эҳтиёж бўлади. Чинакам инсонлар эса табиатан ақл ва ҳиссиётга эҳтиёжманд кишилардир. Тарбияловчилар тарбияланувчиларга берилган ақл ва туйғуни илғай олишлари, таълим-тарбия асосида уларни ривожлантира билишлари лозим. Улар ўқувчиларни бўйсунувчи, муте ижрочиларга айлантириб қўймасликлари керак. Ўқитувчилардан ўз ишини яхши билиш ва ўқувчиларига нисбатан қайноқ меҳр талаб қилинади. Фақат шундай ўқитувчиларгина ўқувчиларда ақл ва туйғу тарбиялашга қодирдилар.

Инсон ўз умри давомида бирор нарсага қаттиқ ишонсагина, унда юксак маънавий сифатлар шаклланади. Бунга эришиш учун у жуда кичиклигидан иродали бўлиши ва ўзига талабчанлик руҳида тарбияланиши керак. Буларсиз инсон иймон-этиқодга эга бўлолмайди. Бундай хусусият инсонда қатъий ишонч, тоза ахлоқ ва тафаккур эркинлиги ёрдамида шаклланади. Мана шу сифатларнинг шаклланиши инсонни тарбиялашнинг энг муҳим белгилари ва асосидир. Одамда ўзига ишонч ҳиссини тарбиялаш учун унинг ўзини ҳам курашга ундаш лозим. Инсон ўзида шакллантирмоқчи бўлган сифатларга бефарқ бўла олмайди. Бунинг устига, у ўзидаги салбий жиҳатларни енгиши ҳам керак бўлади. «Мен»даги салбий сифатларни енгиш осон иш эмас. Бунга бир нарсани қурбон бермай, эришиб бўлмайди. Киши ўзида у ёки бу

фазилатни шакллантириш учун қурбон бериладиган асосий нарса фаолиятсизлик, ишламасликдан олинадиган роҳатдир. Ўқувчига буларни англатиш адабиёт дарсларининг вазифаси ҳисобланади. Чунки мактаб ўқув фанлари орасида фақат адабиётгина инсоннинг руҳияти ва туйғулари билан ишлайди.

Одамда маълум инсоний сифатларнинг бирор жиҳати шаклланса, у ўзининг кучли ҳиссиётлар изловчисига айланаётганини сезиб қолади. Юксак туйғуларга интилиш руҳий ташналикнинг, маънавий камолотнинг дастлабки белгиси ҳисобланади. Руҳий кўтаринкиликсиз ирода, иродасиз эса кураш йўқ. Курашга интилмастик нотавонлик, йўқликдир. Инсон ҳаёти тинимсиз кураш, кўпинча ўз-ўзи билан кураш демакдир.

Мактаб муваффақияти ўқитувчи ва ўқувчи муносабатларига бориб тақалади. Ўзга бир кишининг сўзлари ва фикрларига эътибор билан муносабатда бўлиш — ёшлиқдан тарбияланиши лозим бўлган бир фазилат. Ким бунга мактабда ўрганмаса, у кейинчалик ҳам ўрганмайди. Ўқитувчининг вазифаси фақат ўз соҳасидаги янгиликларни ўргатишдан иборат эмас. Илм-фан — нафақат мактаб, балки ҳаётда ҳам қийинчилик билан эришиладиган буюк ва чегарасиз чўққи. Агар мактаб ўз ўқувчиларини таъсирчан, эҳтли қилиб шакллантиришга эришса, уларнинг фаолиятига онгли йўналиш бера билса, кўнглида мустақил мулоҳаза қилишга, мустақил билим олишга интилиш истагини пайдо қила олса, у ўзининг жамият ва миллат олдидаги бурчини бажарган бўлади.

Мактаб ўқувчига меҳнат қилиб билим олишдан маънавий завқ олиш мумкинлигини сингдириши, эҳтиёжга айланган меҳнат кишини моддий ва маънавий қарамликдан қутқаришини билдириши керак. Тарбия жараёнида ўқувчини меҳнатга ўргатишни ёддан чиқариш кечириб бўлмайдиган хатодир. Адабиёт дарсларида болалар меҳнатини ташкил этганда ҳам бу жараёнда болалар қандай қийинчиликларни енгиб ўтиши кераклиги, ўқувчилар қиладиган ишнинг қайси бири осону қайсиси қийин ва қанчалик фойдали эканини ҳисобга олиш зарур.

Адабиёт дарсларида бадиий асарлар билан ишлаш ижодкорларнинг асарлари замирига сингдирган юксак инсоний ғояларни ўқувчининг — шаклланиб келаётган инсоннинг кўнгли мулкига айлантириш демакдир. Бу ўқувчилар уларни фақат ўқиши билан эмас, балки том маънода ўқиши, ўрганиши ва

билганларини ёзма ёки оғзаки равишда ифодалаш орқали амалга оширилади. Адабиёт дарсларида асосий иш ўқилган асар матни ҳақида ўқувчилар билан суҳбатлашиш, унинг мукамал таҳлилини амалга ошириш ва бу масала юзасидан ёзма ишлар ўтказишдан иборат. Ўқувчининг инсон ҳаётига яқин, қизиқарли саволлар билан доимий равишда банд бўлган ақли ўз ихтиёри билан кузатувлар асосида ўқув материални ўзлаштиради. Мавҳум фикрлашга ҳали етарлича ўрганмаган ўқувчига кўп нарса амалий кузатишлар орқали англашилади. Кузатишга, мантиқий асослар ва хулосаларга ўрганган ўқувчи аста-секинлик билан қачонлардир ўзи учун мавҳум бўлган фикрларни ҳам илғайди, уларда ҳам қизиқарли нарсаларни кўра билади, ўзининг ақлий фаолиятида ундан фойдаланади.

Ўқилган бадиий асарни ўртоқлари билан биргаликда таҳлил қилиш, асар матни асосида кўплаб ҳаётий муаммоларга муносабат билдириш ўқувчида ўз интеллектуал имконияти даражасидаги танқидий назарни шакллантиради. Бу ҳол тарбияланувчиларни ҳар қандай ишга юзаки ёндашмасликка, мукамал ўрганмай, қатор асосларни топмай туриб фикр айтмасликка ўргатади. Аслида, танқид тўпланган қатор маълумотлар асосида таҳлилий муҳокама қилишдир. Ўқувчини шундай белгиларни қидиришга ва уларни таҳлил қилишга ўргатиш уни жиддий фикрлашга, эҳтиёткорлик билан мулоҳаза юритишга мойил қилади. Ўқувчи, айниқса, юқори синфларда ўрганилаётган асардаги бирор жиҳатга қўшилмаслиги ёки асарни бутунлай ёқтирмаслиги ҳам мумкин. Бундай вазиятларда ўқувчиларнинг танқидий фикрларидан қўрқмаслик керак. Чунки бу болаларни мустақил фикрлаш ва ўз қарашларини асослашга ўргатади.

Адабиёт дарсларида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишда улар билан асар ҳақида суҳбатлашишни билиш, уларни матндан жавоб излашга мажбур этадиган саволлар бериш, бу саволлар ёрдамида ўқувчини асар моҳиятига олиб кириш, ундаги тасвир ҳақида онгли равишда, тўла ишонч билан маълум хулосаларга келишга қўмаклашиш жуда муҳим. Бадиий асар таҳлили жараёнида асарнинг мазмун ва шакли орасидаги алоқани назардан қочирмаслик, унда акс этган шахс билан жамият орасидаги муносабатга эътибор қаратиш дарснинг самарадорлигини таъминлайди.

Юқори синф ўқувчисининг тафаккур даражаси эркин муҳокама юритишга ҳар жиҳатдан мойил бўлади. Қолипга солинган тафаккур қолипдаги муҳокамани вужудга келтиради. Фикр йўналишини норматив ҳолатларга қаратади. Бундай тафаккур чинакам ҳақиқатни топишга қодир эмас. Чинакам ижодга мойил тафаккур воқеалар ривожига ўта зийраклик билан эркин ёндашади. У ҳодисалардаги қарама-қаршиликларни илғаб олади, уларни айланиб ўтишга эмас, аксинча, тушуниб олишга уринади. Бундай вазиятларда ўқувчилар тилидан: “Менимча...”, “Менинг назаримда...”, “Ўйлайманки...” деган иборалар эшитилади.

Адабий таълимда ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш учун уларнинг бадиий асарни ўзлаштириш жараёнидаги психологик хусусиятларини, ўқиш мобайнидаги фикрлаш қонуниятларини ҳам билиш зарур. Таълим жараёнида ўқувчилар дуч келадиган қийинчилик, йўл қўйишлари мумкин бўлган хатолар ва бунинг сабабларини ўқитувчи олдиндан ҳисобга олиши керак. Адабиёт ўқитувчисининг бунга эришиши иш жараёнида нафақат ўқувчи тафаккурининг мустақиллигини, балки ташаббускорлигини ҳам максимал даражада таъминлайди. Ўқувчиларнинг илм асосларини ўзлаштиришига, билимларни амалиётда ижодий қўллашига имкон яратади. Уларнинг маънавий ва ақлий камолотини таъминлайди.

Адабиёт дарсларида бадиий асарларни ижодий ўрганиш ўқувчилардан кўп томонлама, мураккаб фаолиятни талаб этади. Ўқувчи ўз тасаввур, туйғу ва тафаккур кучи билан асар тимсолларини ўрганади, муаллифнинг ахлоқий-эстетик қарашларини англайди, буларнинг барчасини ўз ҳаётий олами билан таққослайди. Шунинг билан асар моҳиятига имкон қадар кириб боради. Бадиий асарлар ва улар ҳақидаги қарашларни ўзлаштириш жараёни ўқувчининг тушунча ва туйғулари ҳамда дунёқарашининг шаклланиши билан табиий равишда боғлиқ бўлади.

Бадиий асар таҳлили муаллиф образли тафаккурининг моҳиятини англашни таъминлайди. Инсон фикрлашининг бу шакли ўзига хос хусусиятларга эга. Бунинг тушуниш асар бадиий таҳлилини тўғри ташкил этиш, адабий асар билан назарий тушунчаларнинг табиий алоқасини англашдан иборат. Илмий, айниқса, бадиий билимда тасвир оламининг инсон туйғулари

орқали ўтишига эришиш жуда муҳим. Билиш инсон тафаккурининг оламни англашга бир умр, тўхтовсиз интилиши демакдир.

Мустақил фикрлайдиган ўқувчини тарбиялаш унда ўқилаётган бадий асарнинг ўзига хос жиҳатларини, ёзувчининг ижодий индивидуаллигини англаш қобилиятини ривожлантириш билан ҳам боғлиқ. Ўқувчининг асар эстетик хусусиятларини ўзлаштириш доираси қанча кенг бўлса, унинг бадий ижод қонуниятларини тушуниши ҳам шунча чуқур бўлади.

Бадий асар таҳлили жараёнида ўқувчилар олдига ўрганилаётган асарга бевосита боғлиқ, ҳаётий аҳамиятга эга, болаларни қизиқтириши шубҳасиз бўлган адабий, фалсафий, эстетик, тарихий масалалар қўйилса, таълим жараёни янада самарали бўлади.

Бадий асарни тўлақонли ўзлаштириш йўли туйиш ва фикрлашнинг бирлиги ҳамда уларнинг ўзаро алоқадорлигидадир. Ўзлаштириш учун фикрлаш лозим бўлади. Ҳар қандай асар замирида унинг таҳлилига асос бўладиган жиҳатлар ифодаланган бўлади. Ҳамма гап таҳлил жараёнида ҳаётий ва бадий мантиқ асосида мана шу унсурларни илғаш ва ажрата олишдадир. Масалан, 7-синф “Адабиёт” дарслигида “Халқ оғзаки ижодидан” рукни остида “Равшан” достонидан парча берилган. Дарсликда *“Ўзбек халқининг гўзал қиз тўғрисидаги тасаввурларига ўз муносабатингизни билдиринг”* деган топшириқ бор. Ўқувчи асар таҳлили мобайнида бу топшириққа жавоб бериш учун дoston матнига қайта-қайта мурожаат қилишга мажбур бўлади. Дарсликда берилган парчада (22-бет) Зулхуморнинг гўзаллиги таърифи: *“Равшанбек қараса, Зулхуморнинг камоли, ойдай жамоли, оқ юзида холи, янги тўлган ойдай икки қоши ҳилоли. Равшанбек зеҳнини қўйиб қараса, ясанган хурдай, тишлари дурдай, кўзлари юлдуздай, қошлари қундуздай, лаблари қирмиздай, оғизлари ўймоқдай, лаблари қаймоқдай, икки юзи ойдай, тарлон-қарчиғай учадиган қушдай, муҳрланган қоғоздай ялт-юлт этиб ўтирибди: Зулхуморойнинг бу ёғида тўқсон беш, бу ёғида тўқсон беш — ўн кам икки юз кокили бор, бир ёғини тилла сувга ботирган, бир ёғини кумуш сувга ботирган, тонг шамолида қотирган. Жамоли чилланинг қоридай тингжираб, ялтираб ўтири”* тарзида келтирилган. Ўқувчи Зулхуморнинг таърифини ўз сўзлари билан ифодалаш учун матндан мана шу

бўлакни қайта ўқиши ва ўзлаштириши, ҳар бир таърифни тасаввур қилиши ва унинг моҳиятига кириши керак. Асар устида ишлашнинг кейинги босқичларида мана шу қисм ва унсурларнинг ўзаро алоқаси чуқурроқ англаб етилади.

Ўқувчи шахсида кузатувчанликнинг ривожланиши бадиий асардаги характерли деталларни ажрата билиш, туйғуларни англаш ва бадиий пейзажни кўра олишга ҳам ёрдам беради. Пейзажни англаш эса, ўз навбатида, гўзалликни кўриш, кузатиш ва ҳис қилишга ўргатади. Энг муҳими, бу мустақил тафаккурни ривожлантиради.

Ўқувчиларнинг билим олиш жараёнидаги мустақил фикрлашини ривожлантириш ҳар бир ўқувчининг индивидуал имкониятлари ва тайёрлик даражаси тўла ҳисобга олингандагина муваффақиятли амалга ошиши мумкин. Тарбияланувчиларнинг бу жараёндаги фаоллигини ошириш учун маълум мақсад сари йўналтирилган, ўзаро алоқадорликка эга бўлиб, бир-бирини тўлдириб, аста-секин мураккаблашиб борадиган, ҳар хил мустақил ишлар муҳим аҳамият касб этади. Бундай ишлар, аввало, ўқув мавзулари доирасида, дастур бўлимларида ҳамда бугун мактаб таълими жараёнида бўлиши лозим.

Ўқувчини илм олишга ундайдиган энг самарали йўл — ўқитувчининг ишончи. Ўқувчи қалбида ўқишга интиштирувчи ички эҳтиёж ҳиссини шакллантириш учун адабиёт дарсларида зарур шароит, имконият вужудга келтирилмоғи лозим. Бу шароитнинг юзага келиши ва унинг ўқувчи томонидан англаб олиниши бола шахсининг ривожланишига замин тайёрлайди. Ўқишга бўлган мотивацияни шакллантириш ўқувчига тайёр билимларни бериш эмас, балки уни ихтиёрий мотивлар, мақсадлар ҳамда аввалги тажрибалар асосида фаолият кўрсатадиган, ақлий зўриқишга олиб борадиган ҳолатга солишдан иборатдир. Ҳар бир ўқувчини боридай қабул қила оладиган тажрибали ўқитувчи ҳар битта боланинг таълим мотивациясини хаёлида тутати. Баъзан амалиётда ўқув ишларининг самарадорлиги, ўқувчиларнинг ўзлаштириши мотивациясиз баҳоланиб, болаларнинг билимига уларнинг билимга бўлган эҳтиёжидан ажратилган ҳолда қаралади.

Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш асосида билим олишларини таъминлаш ва билим олишга мотивация уйғотишда таълим мақсадини тўғри белгилаш муҳим аҳамият касб

этади. Адабиёт методикаси илми ҳар бир адабиёт дарси олдига тарбиявий, таълимий, йўналтирувчи ва ривожлантирувчи сингари мақсадлар қўйилиши лозимлигини кўзда тутади. Бу хил мақсадлар тўғри белгилаб олинса, дарс жараёни шу асосда ташкил этилса, ўқувчиларнинг мустақил фикрлашлари учун улкан имкониятлар пайдо бўлади. Афсуски, дарс жараёнида ўқитувчининг диққат марказида ўқувчиларнинг мустақил фаолиятини таъминлаш эмас, балки ўз фаолиятини ташкиллаштириш туради. Ўқитувчи, аввало, замонавий адабиёт дарсларини тўғри, мустақил тафаккур ва фаолиятга асосланган ҳолда ташкил қилишнинг шартлари нимадан иборат эканини аниқлаб олиш зарур.

Бундай дарсларни ташкил этишнинг ижтимоий-педагогик ва психологик-дидактик шартлари бор. Замонавий дарсларга қўйилган ижтимоий-педагогик шарт-шароитлар қуйидагилар: ижодий ишлаш биладиган ва ўз касби сирларини яхши эгаллаган, тегишли дидактик ва методик тайёргарликдан ўтган ўқитувчи; изланувчан, иноқ ўқувчилар жамоаси; яхши дарслик, кўргазмали қуроқлар, техника воситалари ҳамда яхши жиҳозланган синф хоналари; ёқимли психологик муҳит, ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги муносабатнинг самимий, ўзаро ҳурматга, педагогик ҳамкорликка асосланганлиги кабилардан иборат.

Мустақил фикрлашга қаратилган адабиёт дарсларини ташкил қилишнинг психологик-дидактик шартларини: ўқувчилар билимининг маълум босқичга мувофиқ келадиган даражаси; ўқувчиларни ўқиш ва меҳнат қилишга, мустақил билим олишга ундовчи мотивларнинг етарли даражада шаклланганлиги; дидактик тамойиллар ва ўқув-тарбия жараёнини ташкил қилиш қондаларига амал қилиниши; таълимнинг метод ва шаклларида ўринли фойдаланиш кабилар ташкил этади.

Адабиёт дарсларида ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтиришда умумдидактик тамойиллардан ташқари, таълим жараёни мантиғига асосланган махсус қоида ва қонуниятларга амал қилиш ҳам талаб қилинади.

Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишда дарс шаклини аниқлаб олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунда ўқув материалининг мазмуни, ҳажми, дарснинг ўз олдига қўйган мақсадлари ва қийинлик даражасини белгилаш; материалнинг ўқувчи ҳаётини тажрибаси, илгари ўзлаштирган

билими ва ақлий-амалий фаолияти билан алоқасини ўрнатиш; ўқувчининг мустақил ишлари ва ўқув топшириқлари тизимини аниқлаш; дарснинг жиҳозларини, ахборотларнинг асосий ва қўшимча манбаларини ўрнатиш кўзда тутилади.

Адабий таълим самарадорлигини оширишда дарснинг кўринишини белгилаш ҳам муҳим ўрин тутати. Бунда дарснинг барча мақсадларини амалга оширадиган дидактик топшириқлар белгилаб олиниши лозим бўлади. Ўқиш ва ўзлаштириш ишларининг қийинлик даражаси ўқувчини мураккаб интеллектуал ҳолатга солиши, шу билан бирга, ечими болаларнинг мустақил изланишлари ва имкониятлари даражасида бўлиши керак. Ўқув материали дарснинг мақсад ва мазмунига, ўқувчилар билимдонлик даражасига, дидактик вазифаларга мос тушадиган метод ва усуллар орқали ўзлаштирилиши зарур.

Дарс синфдаги ўқувчилар билан ялпи ишлаш, айна вақтда ҳар бир боланинг мустақил фаолиятини биргаликда қўшиб олиб бориш кўзда тутилган ҳолда ўқитишнинг жамоа, гуруҳ ёки индивидуал шаклларида ташкил этилиши мумкин. Бундан ташқари, дарснинг мақсад ва вазифаларига, мазмун ва методларига мос келадиган тизим ҳам зарур. Ўқувчилар мустақил тафаккури ва фаолиятини таъминлашга қаратилган дарслар педагогик асар сифатида ташкилий жиҳатларининг аниқлиги, режаллиги, яхлитлиги, ўқитувчи-ўқувчи муносабатларининг тенглиги, мажбурий ва ихтиёрийлиги ҳамда мантиқий изчиллиги таъминланганлиги жиҳатидан ажралиб туриши керак. Бундай тартиб дарс жараёнини бошқаришни осонлаштирати.

Ўқувчининг таълим жараёнидаги мустақиллиги, одатда, “мустақил билим олиш” тушунчаси билан ифодаланади. Бу ўринда “мустақил билим олиш” деган атама ўқувчини мустақил ўқишга ундайдиган интеллектуал қобилият ва малакани англатади. Ўқувчидаги мустақил равишда билим олиш қобилиятига эгалликни кўрсатувчи белгилар: унинг мустақил равишда ҳар хил қўшимча манбалардан янги билимларни ўзлаштириши ҳамда шу орқали ўзида янги малака ва кўникмаларни ҳосил қила олиши; қўшимча адабиётлардан ўзлаштирган билим, кўникма ва малакаларидан дарс жараёнида, ўзининг маънавий камолоти йўлида фойдалана билиши; билимларини дарсда ва ҳаётда турли масалаларни ҳал этиш амалиётида қўллай олишида намоён бўлади. Ўқувчида бундай

сифатларнинг мавжудлиги унда билим олишга интилиш, ўқишга тортувчи сабаблар борлигини намойиш этади.

Мустақил билим олиш ўқувчининг мустақил фикрлаш ва ижодий қобилият сингари шахслик сифатлари билан узвий боғлиқ. Шахсликка хос бўлган бу икки сифатнинг шаклланиши интеллектуал фаолият жараёнидагина амалга ошиши мумкин. Инсоннинг мустақил фикрлаши ва ижодий қобилияти қанча баланд бўлса, унинг мустақил билим олиши ҳам шунча юқори бўлади. Мустақил фикрнинг мавжудлиги ўқувчида мустақил билим олиш эҳтиёжининг пайдо бўлишига асосдир. Фикри мустақил бўлган ўқувчида ўз-ўзини тафтиш қилиш, ўз эҳтиёжларига танқидий муносабат бўлади. Мустақил билим олишга интилиш ўқувчида ижодкорликнинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

Ўқувчини мустақил фикр эгаси қилиб тарбиялаш учун адабий таълим жараёнида қуйидаги усуллардан фойдаланиш мумкин:

— дарс тартибини ўзгартириш. Бунга кўра дарслар анъанавий йўсинда, яъни ташкилий қисм, уй вазифасини сўраш ва уни мустаҳкамлаш, янги дарс баёни ва уни мустаҳкамлаш, уйга вазифа бериш тарзида амалга оширилмайди. Дарс жараёни дастурда тақдим этилган янги асар устида ишланаётганда, ўқувчиларнинг аввалги билимлари, ҳаётий тажрибаларига таянган ҳолда баҳсли, мунозарали саволлар бериш ва ўқувчиларнинг мустақил ишлашларини таъминлаш асосида ташкил этилади. Бу жараёнда бир хилликдан, такрорлардан қочган ҳолда ҳар хил таълим методларидан фойдаланилади. Ўқувчилар асарни таҳлил қилишдаги иштирокларига қараб баҳоланади. Уй вазифалари ўқувчилардан мустақил фикрлашни ва ижодий ишлашни талаб қиладиган тарзда берилади;

— ўқитишнинг ҳаёт билан алоқадорлиги. Анъанавий таълимда дарсларнинг ҳаёт билан алоқадорлигини таъминлаш ўқитувчининг вазифаси ҳисобланади. Ўқувчини мустақил фикрлашига қаратилган дарсларда эса ўқувчиларнинг ўзлари ҳаётий ҳодисалар асосида фаннинг тушунча ва қонуниятларини ўзлаштирадилар, назариядан яна ҳаётга қайтадилар. Ўқитувчи йўналтирувчи савол-топшириқлари ва вазифалари билан бу жараёнга раҳбарлик қилади. Ўзлари топган илмий ва ҳаётий ҳақиқатларга ўқувчилар юқори назар билан қарайдилар. Назарий тушунчалар мавжуд борлиқни

англаш йўли билан тиниқлашади ва чуқурлашади. Ўқувчилар адабий қаҳрамонлар шахси ва асарда ифодаланган нарсасодисаларни таҳлил қилиш билан ўзлари ҳаётда дуч келишлари мумкин бўлган ҳар хил ҳодисаларнинг назарий асосини топишга ўрганадилар. Таълимнинг ҳаёт билан тўлақонли алоқаси ўқитишнинг ташкилий жиҳатлари ва методлари ўртасида узвийликни талаб қилади. Таълим тизими ўз амалиётига ҳар хил сунъий метод ва усулларни олиб киравермай, уларнинг ҳаммасини ҳаёт билан, мавжуд табиий қонуниятлар билан боғлаш керак. Ўқувчи дарсда ўрганган нарсани ҳаётда қўласин ёки ҳаётда кўрганлари асосида дарсда ўз кучи билан илмий-назарий хулоса келтириб чиқарсин. Шундагина берилган билимлар ўқувчи хотирасига эмас, тафаккур ва руҳиятига ўрнашиб, унинг кўнгил мулкига айланади. Мактабда бир нарсани эшитиб, ҳаётда бошқа нарсани кўрган ўқувчида тарбиячига, мактабда сингдирилган ҳақиқатларга ишонч йўқолади. Ҳаётий ҳақиқатлар асосида тарбиялаш энг тўғри йўлдир. Ҳақиқат қанчалик аччиқ, мураккаб ва ёқимсиз бўлмасин, фойдалидир. У охир-оқибат шаклланаётган шахсга ҳаётнинг асл моҳиятини очиб беради. Унга ҳаёт қийинчиликларини енгиш учун билим ва ишонч талаб қиладиган тўғри йўлни танлаб олиш имконини беради;

— ўқувчига мустақил фаолият учун топириқлар бериш. Адабий таълимни уюштиришнинг бу тамойилида уй вазифасини сўраш ҳар хил мустақил ишларни ялпи ёки гуруҳ тарзида бажартириш орқали амалга оширилади. Янги мавзунини ўзлаштиришга ҳам ўқувчилар топшириқларни мустақил бажариш асносида, яъни ўзи меҳнат қилган ҳолда эришади. Мустақил ишлар ижодий ёки ярим ижодий тарзда тақдим этилади. 3 — 4 дақиқада бажариладиган қисқа муддатли мустақил ишлар ўқувчиларни фаоллаштиради;

— таълимни индивидуаллаштириш. Мактаб адабиёт дарслари жараёнини индивидуаллаштиришдан асосий мақсад билимларни ўзлаштиришда бўшлиқ бўлишига йўл қўймаслик учун ўқувчиларнинг ҳар бири билан максимал даражада алоҳида ишлашга эришишдан иборатдир. Ҳар бир ўқувчи билан алоҳида ишлашда унинг индивидуал хусусиятлари, билим ўзлаштиришдаги ўзига хослиги, хотираси, ўзлаштириш даражаси, характери ва қизиқишлари, албатта, инobatта олинishi шарт;

— олдинни кўра билиш. Бу тамойил моҳияти ўқитувчининг

Ўқувчи фаолияти натижаларини олдиндан кўра билишида намоён бўлади. Ўқитувчининг бундай фазилати ўқув материални танлаш ва дарсга тайёрланишда катта аҳамият касб этади.

Адабий таълимда ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатишда уларнинг янги билимларни кашф этиб ўзлаштириши ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Ўқувчиларнинг бу жараёндаги фаолияти объектив-субъектив ўзига хосликлари билан ажралиб туради. Бу жараённинг объектив ўзига хослиги шуки, ўқувчи билимларни кашф қилиб ўзлаштиради экан, фанга ҳам, ўқув предметига ҳам, таълим методларига ҳам ҳеч қандай янгилик киритмайди. У билимларни ўзи учун қайта яратади, холос. Яъни фан амалиётида мавжуд бўлган илмий ва ҳаётий ҳақиқатларни ўзи учун ўзи кашф қилади. Субъектив ўзига хослиги шундаки, ўқувчи таълим жараёнида ўзи аввал дуч келмаган, билмаган нарсаларни шу вақтгача фойдаланмаган янги методлар ёрдамида ўзлаштиради. Билим олишнинг бундай йўллари ўрганилган билимларнинг янги жиҳатларини кўриш, уларни мустақил тарзда чуқурлаштириш нуқтаи назаридан диққатга лойиқдир.

Ўқувчилар ижодий ишининг яратувчилик жиҳати шундаки, улар ўрганилаётган материал мазмунига мустақил равишда чуқурроқ кириб борадилар, таҳлил қилишда, хулосалар чиқаришда эркин бўладилар. Тарбияланувчиларнинг билим олишдаги яратувчанлиги ва ижодкорлиги таълимда бир-бирини рад этмайди, фақат ҳар хил даражада акс этади. Ўқувчиларнинг билим олишдаги яратувчанлик характери — миллий таълим тизимига энди кириб келаётган ҳодиса. Ўқувчилар томонидан билимларнинг ижодий ва яратувчанлик шаклда ўзлаштирилиши таълим самарадорлиги учун ҳам, тафаккурининг мустақил бўлиши учун ҳам жуда муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчиларнинг ижодкорлик ва яратувчанлик ишлари уларни бир-бирига қарши қўйиш ёки бирини иккинчиси билан алмаштириш мақсадида эмас, балки улар орасидаги умумий хусусиятлар, фарқли жиҳатлар, муносабатлар, алоқаларни таъминлаш мақсадида йўлга қўйилиши керак. Ўқувчиларнинг яратувчилик фаолиятида ижодкорликнинг белгилари яширинган бўлса, уларнинг ижодий ишларида яратувчилик фаолиятининг белгилари мавжуд бўлади. Ҳар иккала ҳолат асосида ҳам ўқувчиларнинг мустақил фикри ётади. Ўқувчи мустақил равишда

ишлар экан, демак, у бу жараёнда ўз-ўзидан мустақил фикр юритади. Бу ишларнинг ҳар иккиси ҳам бугунги адабий таълим ва бу жараёнда ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш учун долзарб саналади.

Ўқувчи фаолиятининг яратувчанлиги ёки ижодийлиги унга тақдим этилган ўқув материалининг характериға ҳам боғлиқ. Адабиёт дарсликлариди айрим топшириқлар тавсифлашдан иборат бўлса, баъзилари умумлаштирувчи характер касб этади. Айрим саволлар аввал ўзлаштирилган билимларни эшлашға эҳтиёж уйғотса, бошқаси ҳар томонлама ўйлаб, таҳлил этишни талаб қилади. Бир хил саволлар учун дарсликдаги маълумотнинг ўзи кифоя бўлса, ўзгасиға жавоб топиш учун қатор ёрдамчи манбаларға суянишға тўғри келади. Бундай турфа топшириқларни бажаришда, табиийки, ўқувчиларнинг яратувчанлик ва ижодкорлик фаолияти даражаси бир хил бўлмайди. Ўқув материали қанчалик тақрорий характерға эға бўлса, шунча зерикарли бўлади ва уни ўзлаштириш яратувчилик хусусиятини касб этамайди.

Инсон табиатан ўзини қизиқтирган нарсалар билан шуғулланишға мойил. У қизиқарли иши билан шуғуллангани сари ҳузур қилади, ҳузур қилгани сари шуғулланади. Кутилган натижаға эришмагунча тинчланмайди. Шунинг учун ҳам дарсда ўрганиладиган ўқув материаллари, аввало, қизиқарли бўлиши керак. Бола ўзини қизиқтирган нарсани ўз ташаббуси билан ўрғанади. Билим олишға бўлган қизиқиш шахс шаклланиши учун ўта зарур бўлган руҳий-ҳиссий жараёнлар бирикмасидир. Интеллектуал жараёнда билим олишға қизиқиш таъсирида фаол изланиш, илмий тахминлар, масалани ечишға тайёргарлик пайдо бўлади. Билим олишға бўлган қизиқиш ҳайрат, кутилмаган ҳодисалар билан тўқнашиш, шодлик ва ютуққа ишонч ҳиссини пайдо қилади.

Бугунги таълим жараёнида ўқувчиларнинг мустақил фикрлашға бўлган қизиқишини шакллантиришда икки нарса ҳисобға олиниши зарур. Биринчидан, ўқувчилар онгида фанға доир қонуниятлари ва уларнинг ўзаро алоқаси нечоғлик мукамал акс этганлигини аниқлаш. Иккинчидан, шу аснода билимларни ўзлаштиришға интилиш уйғотиб, уни қўллаб-қувватлаш, мустаҳкамлашдир.

Тарбияланувчиларнинг мустақил фикрлаш ва мустақил равишда билим олишға қизиқишининг шаклланишиға ўқитувчи

билан ўқувчилар орасидаги, шунингдек, синфдаги болалар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳам катта таъсир кўрсатади. Ўқитувчи ўз тарбияланувчисининг ички дунёсига имкон қадар чуқурроқ кириши, уларнинг ҳар бирига хос бўлган қизиқиш мотивларини ўрганиши лозим. Муаллимнинг ўқувчи интеллектуал кучига ишончи тарбияланувчининг мустақил фикрлаш ва билим олишга бўлган қизиқишини уйғотувчи мотивдир. Ўқувчининг имкониятини оча билиш — ўз вақтида, ишонарли равишда, тарбияланувчининг ёшига хос хусусиятлари, эҳтиёж ва қизиқишларини билган ҳолда, уни ҳаётий тажрибаси, ақлий ва жисмоний кучи, қобилиятини намойиш қилишга ундашдир. Очилган индивидуал хусусиятлар асосида ўқувчининг ўзини топишига, ўз олдига улуғвор ҳаётий мақсадлар қўйишига, ўзидаги қобилиятларни ривожлантиришига интилиш уйғотиш мумкин бўлади.

Ўқитувчининг ўз ишига муносабати ўқувчиларда тегишли реакция пайдо қилиб, таълимнинг самарадорлигига жиддий таъсир кўрсатиши маълум. Чунончи, агар ўқитувчи ўз меҳнатига ижодий ёндашса, бу, албатта, ўқувчилар фаолиятида ўз аксини топади ва уларнинг етук шахслар сифатида шаклланишига хизмат қилади. Ўқитувчининг лоқайдлик билан мажбурият остида қилаётган меҳнати ўқувчида салбий ҳисларни кўзғотиши, унинг билим олишга бўлган интилишини сўндириши тайин.

Ўқувчининг мустақил фикрлаш ва билим олишга бўлган интилишини тўхтатадиган ёки сусайтирадиган ҳолатлардан бири дарс жараёнидаги бир хилликдир. Бир хил ҳаракатлар, туйғулар, фикрлар инсон онгини бўм-бўш қилиб қўяди. Инсон асаблари тизими ва тафаккури шерикликда фаолият кўрсатади. Фаолиятсиз инсоннинг асаб тизими ҳам зарур даражада ривожланмайди. Асаб тизимининг тараққиёти фақат унинг тинимсиз ҳаракати билан амалга ошади. Интеллект эса унинг таркибий қисмлари ишлаб тургандагина ривожланади.

Афсуски, таълим жараёнида ўқувчилар тафаккурининг фаол ва мустақил ишлаши, билимларни мустақил равишда ўзлаштиришини таъминлаш борасида етарлича ҳаракат қилинмаяпти. Кўп ҳолларда бундай ишлар болалар ва ўсмирларнинг мустақил фикрлашлари, ижодий ишлашлари учун эмас, балки

уларнинг хотирасига, тайёр ҳолда олинган билимларни эслаб қолишларига қаратилмоқда. Бу — кечаги жамиятда шакллантирилган, ўқитувчиларнинг руҳиятида қотиб қолган муносабат. Ўқитувчилардан бундан қутилиш ва бугунги педагогик талабларга мослашиш жараёни жуда секин кечмоқда.

Замонавий адабий таълим жараёнида ўқувчиларни мустақил фикрлаш ва билим олишга йўналтиришда кўйидаги тамойиллар кузатилмоқдаки, булардан таълим амалиётига дахлдор ҳар қандай мутахассис хабардор бўлмоғи талаб қилинади:

— **ўқувчи шахсини устувор мавқега кўтариш.** Бу ўқувчини дарс жараёнида шахс сифатида биринчи ўринга чиқариш, уни билимдон қилиб етиштириш билан бирга унда соғлом маънавият шакллантириш, эзгу инсоний фазилатларни қарор топдириш демакдир. Миллий педагогика учун тарбияланувчининг тоза кўнгилли, руҳан яхшиликларга мойил шахс бўлиб шаклланиши ҳам муҳимдир. Маълумки, синфдаги ҳар бир ўқувчи ўз табиати, иқтидори, қобилияти, қизиқишлари ва имкониятлари билан бетакрор яратикдир. Уларнинг ҳеч бири иккинчисини такрорламайди. Шунинг учун ҳар бир ўқувчининг ўзига хос қобилият ва имкониятларини инобатга олган ҳолда вазифалар бериш ҳамда билимларни ҳам индивидуал тарзда сўрашни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Токи, қайсидир бир ўқувчига берилган улкан қобилият беҳуда қурбон бўлмасин, ўртача иқтидорли иккинчи ўқувчи эса ўз имкониятидан ташқаридаги вазифани бажаролмай, ўзига ишончини йўқотмасин;

— **маънавият устуворлигини таъминлаш.** Маълумки, мактабда йигирмадан ортиқ ўқув фани ўқитилади. Уларнинг кўпчилиги болага билим беради (тил, математика, физика ва ҳоказо.). Бир қисми касб-ҳунарга йўналтиради (меҳнат, чизмачилик дарслари), айримлари ўқувчининг жисми ривожига (жисмоний тарбия дарслари) хизмат этса, баъзилари бевосита нозик кўнгил шакллантирилиши учун (адабиёт, тасвирий санъат, мусиқа дарслари) ўргатилади. Лекин уларнинг ҳар бири миллий тарбияшуносликнинг бош мақсади бўлмиш ўқувчиларда эзгу маънавиятни шакллантириш мақсадига хизмат қилади.

Адабиёт дарсларида ўқувчини сўздан таъсирланиш, уни туйиш ва ундан баҳра олишга ўргатиш, бадий сўз ёрдамида инсон шахсиятида гўзал сифатлар, ижобий фазилатларни тарбиялаш

мумкин. Гўзал хулқли, соғлом маънавиятли кишиларнинг сўзлари ҳам, ишлари ҳам ўзларига муносиб экани, тоза кўнгил соҳиби ҳаммиша рағбат ва марҳаматларга муносиблиги адабиёт орқали англашилади. Шуни англаб етган инсон ўзини-ўзи назорат қилиб, ўз маънавий камолоти сари интилади. Бу ишлар бевосита бадий асарларни ўрганиш, матнларни таҳлил қилиш йўли билан амалга оширилади;

— **тарбияланиш ва билим олишда ўқувчининг ўз иштирокини таъминлаш.** Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш мақсадида ташкил этилган бадий таҳлил жараёнида асарда акс эттирилган воқеа-ҳодисалар, адабий қаҳрамон шахси, хатти-ҳаракати, изтироблари, хурсандчилиги борасидаги муҳокамаларда ўқувчи фикр айтишга ва муносабат билдиришга, бирор қараш ёки фаолиятни ёқлаш ёхуд қоралашга ундалади. Бу асар матни юзасидан тақдим этилган савол-топшириқлар кўмагида, муаммоли вазиятлар ёрдамида амалга оширилади. Саволларга жавоб бериш учун ўқувчи асар матнига қайта-қайта мурожаат қилади, изланади, ўроқларини эшитади, ўз қарашларини айтади, уни бошқаларники билан солиштиради, назорат қилади, асослашга уринади, хулосалар чиқаради. Мана шундай фаолият жараёнида ўқувчи ўзи сезиб-сезмай ўз маънавийтини шакллантириш, ўз-ўзини тарбиялаш йўлида меҳнат қилади.

Аёнки, мактаб даврининг маълум босқичида ўсмир табиатан насиҳатни хушламайдиган, катталар меҳрибонлигидан ғашланадиган, уларнинг авайлашларидан малолланадиган бўлиб қолади. Бу даврда ўзгаларнинг таъсирига берилиш ўсмирларга ёқмайди. Ўсмир табиатидаги айни шу сифатдан тўғри фойдаланилса, унда ижобий хислатларни тезроқ қарор топдириш мумкин бўлади. Бунинг учун мактаб ва ўқитувчи ўқувчилар руҳиятига хос хусусиятларни чуқур билиши ва амалиётда билганларидан фойдаланиши керак. Адабиёт одоблар хазинасидир ва бу хазинага ўқувчининг ўз ихтиёри билан киришини таъминлаш орқали адабиёт дарсларида асарлар устида ишлаш, муносабат билдириш мобайнида ўз-ўзини тарбиялашини амалга ошириш мумкин;

— **ўқувчига кашф этиш лаззатини туйдириш.** Бадий асарга унинг муаллифи томонидан сингдирилган, дарслик яратувчилар томонидан илганган бадий ва ҳаётий ҳақиқатларни ўқувчи ўзи

учун ўзи кашф этиши керак. Ўқувчига асарда ёзувчи томонидан илгари сурилган фикр ёки адабий қаҳрамонларга хос бўлган маънавий сифатларни матн юзасидан тузилган савол-топшириқлар кўмагида кашф этиш имкони яратилиши лозим. Кашфиётнинг лаззати қанчалар тотли эканини ҳар бир одам билади. Мана шу лаззатни туйиш имконини ўқувчиларга ҳам бериш керак. Кашф этиш лаззати ўқувчини асар моҳиятига чуқурроқ киришга, янги-янги топилмалар қилишга ундайди. Одам ўзига ҳузур берган ишни яна ва яна қилгиси, уни чуқурлаштиргиси, ўша ҳузурни қайта туйгиси келади. Адабиёт дарсларининг инсонга хос бўлган мана шундай табиий сифатлар билан ҳамоҳанг кечиши ўқувчи шахсиятида фикр кишисини тарбиялайди;

— **педагогик ҳамкорликни таъминлаш.** Адабиёт дарсларида ўқитувчи ҳоким эмас, балки ҳамкор бўлиши керак. Билимларни ўзлаштириш ва тарбияланиш ўқитувчи-ўқувчи ҳамкорлигида ўқувчи томонидан амала оширилади. Ўқитувчининг дарсдаги асосий вазифалари: асарни ифодали, таъсирли ўқиб бериш ва асар матни юзасидан дарсликда берилган ёки ўзи тузган савол-топшириқларга ўқувчилар эътиборини тортиб, жавобларни, билдирилаётган фикрларнинг мантиғи, мустақиллиги, асосланганлиги, танқидийлиги, нуқурлиги даражасини, ўқувчиларнинг ўзаро муносабатини назорат қилишдан иборат. Ўқитувчи зарур бўлиб қолганда ўз муносабатини катга ёшли ва тажрибалироқ ҳамкор сифатида ўртага ташлаши, ўқувчиларнинг фикр айтишига, муносабат билдиришига йўналиш бериб юбориши, уларнинг муносабатини уйғотиши керак. Дарс жараёни унинг эгалари ёки субъектларнинг тарбияланиш йўлидаги биргаликдаги фаолиятига айланиши лозим;

— **асар қаҳрамонларига образ эмас, инсон деб қараш.** Мустақил фикрлашга ўргатишга йўналтирилган адабиёт дарсларида ҳар бир адабий қаҳрамонни ижобий ёки салбий образ деб эмас, жонли инсон сифатида ўрганиш, унинг ички олами, кечинмалари, шодлик ва изтироблари, хатти-ҳаракати замирида шахс мавжудлигини англатиш ҳамда уни туйишга ўрганиш устуворлик қилади. Бадиий тимсол ўз шодлигу изтироблари билан ўқувчига бевосита дахлдор шахс деб қараш талаб қилинади. Бадиий асарда тасвирланган ўта ёмон одамнинг ҳам яхши сифатлари ва жуда яхши инсоннинг ҳам ўзига хос камчиликлари борлиги кўзда

тутилади. Том маънода ёмон одам бўлмагани сингари, идеал даражада яхши одамнинг ўзи йўқ. Одам — жуда мураккаб яратик. Уни билиш ҳам осон иш эмас. Кашф қилиш йўлида берилган савол-топшириқлар, ижодий иншоолар, мустақил ишлар кўмагида ўқувчи инсонни ўргана боради. У орқали ўзини танийди;

— **адабий асарларда адиб шахсининг акс этишини англатиш.**

Маълумки, ҳар бир асар — бир инсоннинг ижоди маҳсули. Ҳатто у халқ оғзаки ижоди намунаси бўлса ҳам, уни кимдир, қачондир яратган. Ўша асар ботинига инсон ўз дардини тўкади, унда орзу-истаклари, ҳаётнинг изтиробли ёки қувончли лаҳзаларини жойлайди. Асар яратувчисининг руҳиятини ҳис этиш, унинг шодлик ва изтиробларини туйиш адабиёт дарсларида мустақил фикрлашга ўргатишда муҳим аҳамият касб этади.

Матн устида ишлашда адиб, асар қаҳрамонлари кечинмалари ва шахсини баҳолаш ўқувчига инсонни ўрганиш, таниш орқали ўзлигини тарбиялаш имконини беради. Ўқувчини ўз шодлиги, қайғу ва изтиробларига шерик қила олган, уни лоқайдликдан чиқариб ҳамдардлигига сабаб бўлган адибни тушуниш, ёзганларини ўрганиш орқали унинг шахсини билиш бугунги адабий таълимнинг муҳим жиҳатларидандир. Асарга таяниб адибни баҳолаш, ўқувчиларда қилган амалларига қараб атрофидаги одамларга баҳо бериш қобилиятини шакллантиради. Бу нарса ўз-ўзидан мустақил тафаккур маҳсули бўлади;

— **адабиёт дарсларида ўқувчини баҳолаш.** Ҳамонки адабиёт дарслари кўнгил тарбиялар, маънавият шакллантирар экан, кўнгилга “ёмон” баҳо қўйиш, маънавиятни салбий баҳолаш унчалар тўғри бўлмаслигини адабиёт ўқитиш методикаси илми алоҳида таъкидлайди. Асарлар устида ишлаш мобайнида унинг моҳиятига кириб бораётган, ўз фикри ва муносабатларини асардан мисоллар келтириб асослаётган, мустақил фикр билдираётган ёки бунга интилаётган ўқувчига ёмон баҳо қўйилмайди. Умуман, адабий таълим жараёнида салбий баҳолардан имкон қадар тийилиш, ўқувчиларни фақат билимлари учунгина эмас, маънавий қиёфалари учун ҳам баҳолаш лозимлиги ёдда тутилиши жоиз. Зеро, адабиёт мактаб таълим тизимидаги ўзга предметларга ўхшамайди, шу боис уни ўзлаштирганлик юзасидан қўйиладиган баҳо бир қадар шартли бўлиб, аслида, ўқувчи маънавияти ҳам баҳоланиши лозим.

Ўқитувчи адабиёт дарсларида ўқувчини мустақил мулоҳаза юритишга йўналтирувчи топшириқлар бериб, унинг билим даражасини текширар экан, ҳамиша йўл қўйилган хатолар билан биргаликда унинг сабабларини аниқлашга эътибор қаратиши ва ўқувчини хатолардан сақланишга йўналтириши лозим бўлади. Масалан, “Менга ёққан тасвир” мавзусида иншо ёзиш топширигини олган ўқувчи ижодий ишни бошлашдан олдин асар матнидан ўзига ёқиб қолган, мазмунан бой ва қизиқарли тасвирни ажратиб олади. Иншода тасвирга мос сарлавҳа қўйилади, тасвирнинг асар умумий мазмунига таъсири; унинг бадиий қиймати; бу тасвирни танлаш сабаблари, у ўқувчида қандай фикр ва туйғулар уйғотгани каби масалалар ёритилади.

Ўқувчи асардаги бирор тасвирни ажратиб олиш учун уни қайта-қайта ўқийди, ўйланади, изланади. Танланган тасвир таҳлил қилинади ёки ёд олинади. Саҳифани ўрганишдан олинган таассуротлар, фикр ва туйғулар ифодаланади. Бундай ишларнинг даражаси, имло ҳаголари қандай бўлишидан қатъи назар, уларга ёмон баҳо қўйилмайди.

Одатда, ўқувчилар ёзган ишларида дарслик муаллифлари ёки ўқитувчининг тимсоллар ҳақидаги фикрларига ёпишиб олишади. Уларнинг ёзма ишни қандай бажаришни билмагани, ўз фикрини ифодалашга ўрганмагани, асар тимсоллари ҳақида ўз қарашларининг йўқлиги, матн мазмуни ёки тимсолларнинг қайси ўрни ва жиҳати унга таъсир этганини ажрата олмаганликлари бу ҳолнинг асосий сабабларидир. Бундай ишларни текширишдан олдин ўқитувчи тарбияланувчилар бадиий асарни қандай ўқигани ва қанчалик тушунганини аниқлайди. Ўқувчи билан суҳбат асносида тушунилмаган ўринлар ва унинг сабаблари аниқланади. Шу тариқа ўқувчи шахсиятида тафаккур мустақиллиги ва маънавиятнинг соғломлашуви амалга оширилади.

Ўқувчи маънавиятининг соғломлашуви эса: “...ўз манфаатини ўзгалар манфаатига қарши қўймаслик, ўзиникини афзал билмасликдир. Бошқаларнинг ҳам ўзи сингари инсон эканини ҳис қилиш ва уларга дахл қилмаган, ҳалал бермаган ҳолда биргаликда яшай билиш санъатидир. Соғлом маънавият — ўзни енгмоқ, ўзнинг истагу майилларини жиловлай билмоқ, айни вақтда ўзликни

танимоқдир. Соғлом маънавият худбинликни енга билмоқдир, маконда туриб маконий манфаатлардан, замонда яшаб замоний тусланаверишлардан баландроқ тура олмоқ демакдир”¹.

Хулоса қилиб айтганда, адабиёт дарсларида ўқувчи шахси бош қадриятга айланса, унга билим бериш билан бирга маънавий дунёсини шакллантиришга ҳам устувор қаралса, ўқувчи шахсиятидаги асосий кўрсаткич бўлган мустақил фикрлаш жараёни тезлашади. Ўқитувчи-ўқувчининг таълим жараёнидаги муносабатлари субъект-объект фаолиятдан педагогик ҳамкорлик даражасига кўтарилиб, ўқувчи ҳам ўқитувчи каби дарс жараёнининг ижрочиси, яъни субъектига айланиб, ўз фикрига эга бўлган шахсни шакллантириш самарадорлиги ортади.

Ўқувчи ўзлаштириши керак бўлган билимларни ўқитувчисидан тайёр ҳолда олиб қўя қолмай, ўз меҳнати билан ҳам ақлан, ҳам руҳан зўриқиб ўзлаштиргани учун унинг фикрлаш ва маънавий сифатлар даражаси юқори бўлади. Янги билимларни ўзи учун ўзи кашф қилиш ўқувчидаги яратувчилик қобилиятини уйғотади. Бу ҳол болаларнинг мустақил фикрлашига ижобий таъсир кўрсатади. Адабий таълимда мустақил фикрлашга устувор эътибор қаратиш ўқувчининг ўзини ўзи тарбиялашига, ўз шахсида эзгу маънавий сифатларни шакллантиришига омил бўлади. Уни тарбияламайдилар, у дарслик ва катталар кўмагида ўзини ўзи тарбиялайди.

ЎҚУВЧИЛАРНИ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШ МЕТОДЛАРИ

Миллат ўз мустақиллигига эришгач, таълим тизимида катта ўзгаришлар қилинди. Дастлаб шўро ўқув-тарбия тизимида мутлақо бўлмаган миллий тарбияшуносликнинг мақсаду моҳияти акс этган расмий педагогик ҳужжат — таълим концепциялари яратилди. Шу жумладан, “Адабий таълим концепцияси” ишлаб чиқилиб, унда янгиланган педагогик тафаккур шароитида адабиёт ўқитишининг

¹ Йўлдошев Қ. Ўзликни таниш – Оллоҳни танишдир. // “Тафаккур” журнали. 1996. № 4. – 22-27 б.

² Қ. Йўлдошев. Узлуксиз адабий таълим йўриғи (концепцияси). – Т.: ЎзПФИТИ, 1995.

мақсад ва вазифалари белгилаб берилди². Мақсад ва вазифаларнинг янгилини адабий таълимнинг мазмун ҳамда усуллари ҳам ўзгартиришни тақозо қилди.

“Адабий таълим концепцияси” асосида адабиёт ўқитиш бўйича таълим давлат стандарти яратилиб, унда турли синфларнинг дастур ва дарсликларидан ўрин олиши зарур бўлган, ўқувчилар ўзлаштиришлари мумкин деб ҳисобланган ва муайян босқични яқунлаётган битирувчи ўзлаштириши шарт деб белгиланган билим, кўникма, малака ҳамда маънавий сифатларнинг минимал кўрсаткичлари ақс этди. Таълим стандартининг минимал талаблар қисми таълим жараёнида қатнашаётган соғлом бола эришиши шарт бўлган марра ҳисобланиб, у давлат томонидан муайян босқични битираётган ўқувчига қўйиладиган талабни англатади.

“Адабий таълим стандарти” да белгиланган мезонларга таяниб, янгидан тузилган дастурда мактабда адабиёт ўқитишнинг мақсади йўлида соҳа мутахассислари томонидан ўқувчи ўзлаштириши лозим деб топилган билимлар тизими ақс этди ва асарларнинг янги талқини ўз ифодасини топди. Дастурда ўқувчиларга берилиши кўзда тутилган билимлар ҳажми, албатта, давлат таълим стандартидаги минимал талаблардан юқори бўлади. Негаки, ДТСнинг минимал талабларини ҳамма ўзлаштириши шарт, лекин дастурда тавсия этилган билимларнинг ҳаммасини барча ўқувчилар тўла даражада билишга мажбур эмас. Маълум ўқув фани бўйича дастур талабларини ўзлаштириш ҳар бир ўқувчининг қизиқиши, қобилияти, иқтидори, эҳтиёжи ва интеллектуал имкониятларига боғлиқдир.

Таълим стандартлари давлат аҳамиятига молик педагогик ҳужжат саналиб, узоқ муддатга мўлжалланиб тузилади ва ҳукумат томонидан тасдиқланади. Дастур эса ДТС талаблари асосида яратилиб, таълим вазирлиги томонидан тасдиқланади. Маълум муддат ўтиб, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ДТСнинг минимал талабларидан юқорилаб кетганда, яъни ўқувчиларнинг кўпчилик қисми дастур талабига жавоб бера оладиган даражага етганда, таълим стандарти талабларини кўтариш ва миллат аъзолари савияси, билимдонлиги даражаси ўлчовини юксалтириш мақсадида ДТСлар қайта ишланади, такомиллаштирилади.

ДТСга мувофиқ равишда ўқув дастурлари талаби ҳам юқорилаб боради. Адабий таълим стандартининг минимал талаблари

дастурларда жамланган билим, кўникма, малака ва маънавий сифатларнинг тахминан 55 фоизини қамраб олади. Яъни дастурда белгиланган билим, кўникма, малака ва маънавий сифатлар ДТСнинг минимал талабларидан ўрта ҳисобда 45 фоизгача юқори бўлади. ДТСнинг минимал талаблари таълим тизимида ўқитувчи ҳам, ўқувчи ҳам, ота-она ҳам кўникиб қолган беш балли баҳолар тизимига солинганда “ўрта”ни ташкил этади. Бу талабни бажарган ўқувчи ўртача ўқувчи ҳисобланади.

Мустақилликка қадар бўлган педагогикада таълим мақсади ва ўқувчи билимига қўйилган талаблар бутунлай бошқача бўлиб, таълим-тарбия жараёнини осонлаштириш, ўқувчининг билим олиш фаолиятини имкон қадар энгиллатишга ҳаракат қилинган. Бу ўқувчи зиммасига тушадиган меҳнатнинг камроқ бўлишига қаратилган усул эди. Бунга кўра, таълимдан, биринчи навбатда, ўқувчининг мустақил фикрлашига боғлиқ қийинчиликлар қувиб чиқарилди. Бу таълимда болага тақдим этиладиган ҳамма билимлар олдин тажрибадан ўтган, ўзлаштирилиши осон, ўқувчига кўрсатиш ва тайёр ҳолда етказиш ўнғай бўлиши керак эди. Бундай талаб, энг аввало, яхшигина жиҳозланган ва катта ташқи имкониятларга эга бўлган мактабларда таълим-тарбиянинг ижрочилари бўлмиш шахслар ўртасидаги бевосита муносабатни тўсиб қўйди.

Маълумки, инсон тафаккури ёрдамида кўрганларидан кўпроқ нарсаларни билиб олади. Фақат кўргазмага таянган таълимда эса ўқувчидан қанча кўрган бўлса шунча билиш талаб қилинади. Бу билан ўқувчининг тажрибаси чегаралаб, торайтириб қўйилади. Таълимни энгиллатиш тарбиявий тамойилларга ҳамиша ҳам тўғри келавермаслиги, афсуски, анча кеч пайқалди. Таълим-тарбия жараёнини ҳаддан ортиқ энгиллатиш катта болага овқатни чайнаб беришга ўхшайди. Ҳолбуки, боланинг тўғри ўсиши учун унинг ўзини овқат ейишга ўргатиш муҳимроқ. Таълим тизимида ҳам у ёки бу билимларни ўқувчи миясига “қуйиб” қўйгандан кўра уни мустақил фикрлаб, мулоҳаза юритиб, меҳнат қилиб ўзлаштиришига йўналтириш аҳамиятлироқ.

Ижтимоий муҳит туфайли бола умрининг ҳар бир кунда унинг феълида табиатан мавжуд бўлган фазилатларга мос тушадиган, унга ҳамоҳанг бўлган янги ахлоқий сифатлар пайдо бўлади. Бугунги таълим-тарбия жараёнида ҳам қийин ва чигал

масалани ҳал этишда ўқувчини ўз имкониятларидан фойдаланишга интиштириш муҳимроқдир. Агар шаклланаётган шахсда бирор фазилатни тарбиялаш лозим деб топилса, унга шу фазилат билан боғлиқ насиҳатларни ўқийвермай, аввал ўша маънавий сифатнинг моҳияти ва зарурати ҳақида маълумотлар тўплашни талаб қилиш, сўнг унинг бу йўлдаги ҳаракатига йўналиш бериш керак. Ана шунда шакллантирилиши исталган фазилат боланинг ўзи томонидан меҳнат-машаққат билан ўзлаштирилади, хотирасига эмас, табиатига ўрнашиб қолади.

Ўқитувчиларга таълим-тарбия жараёнининг ҳар босқичида ҳикоя, суҳбат, маърузалар қилдириш, муаммоли машқлар бажартириш, меҳнат топшириқлари, таълим берувчи ўйинлар, ўқув-мунозаралари, таълим жараёнидаги рағбатлантириш ва танбех бериш, ўқув материални муаммоли тарзда ўргатиш, муаммоли суҳбат, тадқиқотлар, индуктив ва дедуктив муҳокамалар, китоб билан мустақил ишлаш, таълимда замонавий машиналардан фойдаланиш, дастурлаштирилган таълим, оғзаки сўров, ёзма ишлар, ижод, мустақил назорат ишлари сингари усуллар у ёки бу даражада тушунарли. Лекин бугунги педагогика нафақат етуқ, билимли, балки соғлом маънавиятли шахс, баркамол инсон шакллантиришни талаб қилмоқда. Бунинг учун ўқитувчиларга комил инсонни тарбиялаш йўлларини ўргатиш, уларни шундай мақсад учун зарур бўлган методик қўлланмалар, педагогик ашёлар билан таъминлаш зарур.

Соғлом маънавиятли шахсни шакллантиришнинг асоси бўлган мустақил фикрни ривожлантириш ҳақида гап борганда, бевосита адабий таълим жараёнида ўқувчининг фикрларини уйғотиш, ўқув ишларига фаол қатнашиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, бутун дарс давомида ўқувчининг фаоллигини таъминлаш, ахлоқий-маънавий масалаларни ҳал этишда ўқувчи тафаккурини маълум мақсад сари йўналтириш, унинг ақлий фаолиятини тўғри ташкил этиш, мустақил мулоҳаза юритишга, муносабат билдиришга, хулосалар чиқаришга рағбатлантириш назарда тутилади. Мустақил фикрлашни, изланишни ички эҳтиёж даражасига кўтариш мўлжалланади.

Маълумки, фикрлаш — бирор масала ечимини излаш, қандайдир саволга жавоб топиш жараёни. Аммо ҳар қандай савол ёки топшириқ ҳам фикр мустақиллиги ва фаоллигини талаб

қилавермайди. Инсон тафаккури мустақиллигини фаоллаштиришнинг биринчи шартининг олдида чигал масала қўйишдир. Масаланинг ўқувчи олдида қандай шаклда қўйилиши, унинг ечимига боланинг қизиқиши, асосий муаммони англаши жуда муҳим. Инсон тафаккури ҳамisha маълум мақсадга қаратилади. Мақсадни англаш билан тафаккур жараёнининг ихтиёрий зўриқиши, яъни инсоннинг олдида қўйилган мақсадга эришиш истаги қанча кучли бўлса, ечим шунча таъминланган бўлади.

Адабиёт дарсларида ўқувчининг ўз олдида қўйилган вазифани англаши ва ўқиш мақсадини тушуниши ўқитувчи томонидан дарс мақсадининг эълон қилинишидан бошланади. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш йўлидаги ҳар бир адабиёт дарсининг мақсадини ўқувчиларга эълон қилишдан бошланиши керак. Маълумки, таълим амалиётида дарснинг мақсадини ўқувчиларга эълон қилиш ўқитувчига эриш туюлади. Аслида, дарс мақсадининг ўқитувчи томонидан эълон қилиниши ўқувчиларни сергаклантиради, фикрларини жамлашга, уларга маълум йўналиш беришга кўмаклашади. Дарснинг мақсади ўзига тортадиган бўлиши учун унинг муҳимлигига ўқувчи ишониши, бу дарсда ўзининг маълум бир эҳтиёжи қондирилишини англаши керак. Шунда билим олиш жараёни ҳар бир бола учун қизиқарли фаолиятга айланади. Бу фаолият, ўз навбатида, ўқувчи тафаккурининг мустақиллиги даражаси билан узвий боғлиқ бўлади. Қўйилган масала ўқувчининг назарида салмоқ касб этиши учун уни шундай қийинчиликларга рўбарў қилиш керакки, унда айни масалани ҳал этишда зарур бўладиган янги билимларни ўзлаштиришга эҳтиёж уйғонсин.

Маълумки, таълим жараёнини амалга оширувчи ўқув ишлари, унинг мазмуни, шакл ва методларини зарур эмоция билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ҳиссий ҳолатлар ҳамisha руҳий безовталиқ, кўнгил ҳаяжонлари, ўзгани туйиш, қувонч, нафрат, ҳайрат сингари туйғулар билан боғлиқ. Эътибор қилиш, эслаб қолиш, англаш жараёнларига шахснинг чуқур ички безовталиги, ҳаяжони қўшилганда у фаоллашади, керак бўлган интеллектуал марранинг эгалланиши таъминланади. Инсоннинг ҳис-туйғулари иштирокисиз ҳақиқатга интилиш ва эришиш мумкин эмас. Айниқса, адабий таълимда ҳамма нарсага эришиш учун ҳис-туйғу биринчи ўринда туради. Гап фақат уни зарур шакл ва миқёсда уйғота билишда. Ҳиссий безовталиқлар, асосан,

хайрат орқали намоён бўлади. Бадий асарда ифодаланган ҳодиса, асар қаҳрамонларининг туйғулари, улардаги ғайриоддийлик, руҳий кечинмалар ифодасининг самимийлигидан ҳайратланиш ўқувчида турли ҳиссиётларни уйғотади.

Адабиёт дарсларида эмоционал ҳолатларни вужудга келтиришда ўқитувчи нутқининг ҳиссиётга йўғрилганлиги, тиниқлиги, бадийлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Фақат бу ҳолат ўта самимий бўлиши керак. Бусиз ўқитувчининг нутқи фойдали ахборотгина бўлиб, ўқувчига ҳиссий таъсир кўрсатолмайди. Шу билан бирга, дарснинг қизиқарлигини таъминлашда билишдан завқланиш ҳиссининг ҳам ўрни катта. Ҳиссиёт ўқувчини муаммонинг ичига киришга ундайди. Кўнгил очиш ҳислари билан билим олишдаги ҳисларнинг фарқи шунда.

Поляк олими В. Оконь ўқувчининг таълим жараёнидаги мустақиллигини таъминлаш учун асосий эътиборни таълимнинг ўзлаштириш, кашф этиш, ҳис қилиш, интилиш сингари йўлларига қаратган¹. Ўзлаштириш йўли билан амалга ошириладиган таълим, унинг фикрича, ўқувчидан тайёр билимларни худди ўқитувчиси айтиб бергандай, бир тизимга солинган шаклда эслаб қолишни талаб қилади. Бу ҳолатда асосий иш хотиранинг зиммасига тушади. Бундай таълимнинг натижаси у ёки бу билимларни эсда сақлаб қолишдангина иборат. Таълимнинг ўзлаштириш йўлида ақлий меҳнат билан боғлиқ ўқув кўникмалари кам шаклланади.

Қайта кашф этиш йўлидан бориш методиди таълим жараёнини илмий тадқиқотларга имкон қадар яқинлаштириш назарда тутилади. В. Оконь қайта кашф этишнинг икки муҳим жиҳатини ажратади: а) ўқувчиларда тадқиқотчилик фаоллигининг ортиши; б) билимларни мустақил равишда ўзлаштириш. У бу йўлнинг яна бир жиҳатига — меҳнат орқали эришган билим ўқувчи шуурида чуқур ўрнашиб қолишига ҳам диққат қаратади². Бу усулдан фойдаланилганда билимларни ўзлаштириш тезлашади, ўқувчиларнинг назарий ва амалий муаммоларни ҳал этишдаги фаоллиги ортади, кўникмалари мустаҳкам бўлади. Бундай ёндашув, асосан, тафаккур мустақиллиги, кузатувчанлик, тасаввур, эътибор

¹ Оконь В. Основы проблемного обучения. — Москва: «Просвещение», 1998.

² Оконь В. Основы проблемного обучения. — Москва: «Просвещение», 1998. — 201-б.

ва хотиранинг ривожланишига, умумий ақлий маданиятга катта таъсир кўрсатади.

Ҳис қилиш йўли билан билим олишни тавсифлаб, В. Оконь Польша мактабларида билимларни ўқувчини руҳий мувозанатдан чиқариш орқали ўзлаштирилишига эришиш устида иш олиб борилганига тўхталади. Олимнинг фикрича, ўқув материаллини ҳис қилиш орқали ўзлаштириш маълум ижобий хусусиятларга эга. Унда билимлар инсоннинг ижодий фаолияти орқали ўзлаштирилади. Ҳиссиёт билимни ўқувчининг онгига мустақкам жойлайди¹. Баҳолай билишни ўрганиш бу жараённинг муҳим шартли ҳисобланади. Буларнинг ҳаммаси таълимнинг тарбиявий аҳамиятини кучайтиради. Чунки улар қанчалик даражада таълимий бўлса, шунчалик тарбиявийдир. Инсонга ўз худбинлиги, нафсини енгилшга имкон берадиган ижобий туйғуларнинг ривожланиши унинг камолотини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши миллий тарбияшунослик тарихидан ҳам маълум.

Рус олими С. Жуйков ўқувчи мустақил фикри фаоллашуви ҳақида сўз юритиб, бу фаолликнинг юзага келишидаги психологик шарт-шароитлар, уни амалга ошириш ва ривожлантириш йўллари, ўқувчи тафаккурини бошқариш, назорат қилиш усуллари ҳамда фикрий фаолиятда ўқувчи индивидуаллиги масалаларига тўхталади².

Ўқувчининг интеллектуал фаоллиги бирор ўқув масаласини ҳал этишда ақлий фаолиятнинг мустақил равишда иштирок этиши ва ўз-ўзини назорат қилишида (ақлий операцияларни бажаришда зарур усулларни кўллаш, тафаккур йўлларини қидиришда) кўзга ташланади. Бундай фаолликни оширишни С. Жуйков ўқитувчи, дарслик ва бошқа ўқув ашёлари таъсирида бажариладиган фаолиятдан мустақил равишда савол-топшириқ қўйишга, уларнинг ўқувчи томонидан бажарилишида қолиплардан воз кечиб, масалаларни ўз билими ва малакаларига таяниб, мустақил ҳал этишида кўради. Унинг фикрича, ўқувчи ақлий фаолияти мустақиллиги ривожланиши масаланинг муаммолилик даражасига боғлиқ.

¹ Оконь В. Основы проблемного обучения. — Москва: «Просвещение», 1998. — 87 — 98 б.

² Жуйков С. Ф. Проблема активизации учащихся в психологии обучения. // Советская педагогика. 1966. № 8. — 68 — 80-б.

Методларни таснифлашда улар ёрдамида ўқувчиларга тайёр билимларни зўрлаб сингдиришга эмас, балки уларнинг тафаккур имкониятларини ҳисобга олиши, факт ва тажрибага асосланишига алоҳида эътибор қаратилган. Бир қатор педагог ва психологлар томонидан таълим методлари орасидан: муаммоли, суҳбат, эвристик, тадқиқот, таққослаш, индуктив, дедуктив сингари умумдидактик методларнинг самарали эканлиги таъкидланган. Ўқитувчининг таълим метод ва усуллари ҳақидаги билими қанчалик чуқур, уларни маълум мақсад йўлида қўллаш имконияти қанчалик кенг бўлса, ҳар бир дарсни ташкил қилиш осон, унумли, фойдали ва жонли бўлади. Дарснинг ўзлаштирилиш даражаси унинг кўргазмалилиги, ташкилий жиҳатдан бенуқсонлигидан ташқари, ўқувчилар мустақил фикрлашини фаолаштириш, уларнинг назарий билимларни амалиётда қўллай олишини ҳам тақозо этади. *“Таълим методлари, — деб ёзган эди М. Махмутов, — ўқувчи ривожланишининг янги босқичида тафаккур психологиясида тўпланган, улар томонидан билимлар ва фаолиятни ўзлаштириш жараёнини бошқаришни яхшилашга имкон берадиган барча маълумотларни қамраб олиши керак”*¹.

Ўқитиш методларининг самарадорлигида таълим мазмунини ташкил этувчи дастур ва унда ўрганиш тавсия этилган асарларнинг талқини, дарсликдаги ўқув материалининг савияси билан бирга ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги муносабат ҳам катта аҳамият касб этади. Таълим мазмунининг ўқувчилар ва ўқитувчининг биргаликдаги дидактик фаолияти билан уйғунлиги методнинг самарадорлигини таъминлайдиган асосий омилдир.

Агар дарс мавзуси аввалдан маълум билимлардангина келиб чиқиб ўтилса, мантиқан янги далил ва тушунчаларга таянмаса ёки ўрганилаётган мавзу аввал ўқилганларнинг янги босқичига айланмаса, ўқитувчи таълимни қанчалик баланд даражада, қандай илғор методлар билан уюштирмасин, муваффақият қозонолмайди. Таълим методлари фақат маълумотни қандай беришни белгиламайди. Улар материалнинг тизими ва уни айна шу йўл билан ишлашга тайёрлашни ҳам назарда тутати. Яъни у ўқув материалига сингдирилган билимни ўқувчи ўзлаштира оладиган тарзда беришни, болаларда билим олиш қобилиятини ривожлантиришни ҳам қамраб олган бўлиши керак.

¹ Махмутов М. И. Современный урок. — М.: «Педагогика», 1985. — 9 — 10-б.

Таълим жараёнида иккита ҳаракатланувчи субъект — ўқитувчи билан ўқувчининг ҳар бири ўз мақсади йўлида фаолият кўрсатишар ва таълим методи уларнинг фаолият усули экан, бу субъектларнинг мақсадга эришиш йўллари ҳар хил бўлиши мумкинлиги ҳам кўзда тутилиши керак. Ўқитувчи фаолиятида йўналтириш, билимларнинг ўқувчи томонидан ўзлаштирилишини таъминлаш етакчилик қилади. Ўқувчининг фаолиятида эса ўз-ўзини тарбиялаш, ўқиш-ўрганишнинг самарали йўлларидан фойдаланиш кўзга ташланади.

Мақтаб амалиётида усул кўпинча метод билан бир нарса ёки методнинг бир қисми деб қаралади. Аслида, усуллар методларни юзага келтирувчи, уни ташкил қилувчи унсурлардир. Масалан, таълимнинг муаммоли методи **муаммоли вазият яратиш, ўқув фаразларини шакллантириш, уларни исботлаш** сингари усулларни ўз ичига олади. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтирувчи муаммоли, суҳбат, эвристик, тадқиқот, таққослаш, индуктив, дедуктив сингари таълимнинг мантиқий методларида ҳам **ўрганилаётган ўқув материалдан муҳимни ажратиш, ўрганилаётган ҳодисанинг умумий ёки хусусий жиҳатларини топиб тасниф қилиш, тизимга солиш, аниқликлар киритиш, исботлаш** сингари усуллардан фойдаланилади.

Муҳимни ажратиш усули қўлланилганда ўзлаштириладиган ахборотни мантиқий бўлақларга бўлиш, уларни таққослаш, материални саралаш, таянч сўз ва тушунчаларни топиш, асосий фикрни аниқлаш, ўқув материални гуруҳларга ажратиш, асосий фикр ҳақида хулоса бериш сингари ишлар амалга оширилади ва ҳоказо.

Бадий таҳлилни онгли равишда амалга оширишда тимсоллардаги муҳим жиҳатларни ажратишда матнни қисмларга бўлиш ёки ундаги муҳим тизимли белгиларни топиш, синтез алоқаларни англаш ва тушунтириб бериш ишлари ҳам самаралидир. Ёки аниқлик киритиш усулига умумназарий фикрдан хусусийсига ўтиш, уни қўллаш ёки мавҳумликдан аниқликка, кўпшакллиликка ўтиш ишлари киради.

Исботлаш усулига эса тезисларни аниқлаб олиш, исботлашнинг йўлларини белгилаш, зарур далилларни тўплаш, хулосаларни бир тизимга солиш, сабабий алоқаларни аниқлаш ишлари киради. Дарс жараёнида таълим усуллари қўлланилганда ўқувчилар

томонидан бажариладиган ишларнинг маълум қисми такрорланади. Бу ҳол билимларнинг мустаҳкам ўзлаштирилишини таъминлайди.

Таълимнинг муаммоли, суҳбат, эвристик, тадқиқот, таққослаш, индуктив, дедуктив методлари замирида мустақил ва мантиқли тафаккур фаолияти мавжуд бўлгани учун ҳам улар **таълимнинг мантиқий методлари** деб номланади. Адабий таълимда уларнинг барчасини қўллаш асносида ўрганилажак асарларнинг бадиий таҳлили амалга оширилади. Бадиий асарда илгари сурилган ғоя, фикр ва мулоҳазаларни англаш учун уларнинг мантиқий асосини топиш у ёки бу даражада мустақил фикрлашни талаб қилади. Шунинг учун ўқувчи тафаккури ва фаолиятида мустақиллигини таъминловчи мантиқий методлардан алоҳида махсус дарсларда эмас, умуман, адабий таълим жараёнининг барча босқичларида, янги дарсни тушунтиришда ҳам, ўтилганларни мустаҳкамлашда ҳам, топшириқларни бажаришда ҳам фойдаланиш керак. Ўқувчида мустақил тафаккурни шакллантириш ва ривожлантиришда мантиқий методлар кўпроқ самара беради.

Маълумки, ҳар қандай ўқув предмети бўйича яратилган дастурнинг “Уқтириш хати”да таълим мазмуни ва уни ўзлаштиришнинг муҳим жиҳатларига алоҳида урғу берилади. Мана шунинг ўзи ўқитувчига предметни ўрганиш жараёнида алоҳида эътибор қаратилиши лозим бўлган ўринларни кўрсатади. Афсуски, ўқитувчиларнинг кўпчилиги ўқув дастурларидаги “Уқтириш хати”ни ўқимайдилар. Шунинг учун ўқув предметининг мақсади, вазифалари ва мазмунидаги ўзгаришлар, таълимдаги устувор жиҳатлар, муайян асарларнинг талқин йўсини ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмаслар. Албатта, ўз фаолиятини тубдан янгилаш учун ўқитувчиларга “уқтириш хатлари”да берилган маълумотларнинг ўзи камлик қилади. Ўқитувчига бу йўналишда махсус методик кўрсатмалар, ишланмалар, маслаҳатлар ҳам керак. Таълим жараёнидаги ўзгаришлардан ўқувчи ҳам хабардор қилиниши мақсадга мувофиқ бўлади. Юқорида айтилганидек, ҳар бир машғулот дарсининг мақсади ва мазмуни ўрганишнинг режасини маълум қилишдан бошланса, ўқувчиларга дарсда ўз фаолияти йўналишини аниқлаб олишга имкон берилади. Ўқитувчи томонидан эълон қилинган мана шу қисқагина режада янги мавзу мазмунининг муҳим жиҳатлари белгилаб қўйилган бўлади. Бу, ўз навбатида, ўқувчини дарсга, билимларни ўзлаштиришга руҳан тайёрлайди.

Таълимнинг ўқувчини мустақил фикрлашга йўналтирувчи методларини қўллашда учрайдиган асосий қийинчиликлар: бу методлар моҳиятини тушунмаслик, мавзунини ўрганиш учун методнинг нотўғри танланганлиги, ўқув материалини исталган усулда ўрганиш учун қайта шакллантиришни билмаслик, таълимнинг танланган методи учун характерли бўлган ва ўқувчилар томонидан юқори даражада мураккабликдаги ўқув материалининг ўзлаштирилишини таъминловчи зарур усуллари уйғунликда қўллашни билмасликдан келиб чиқади.

Адабиёт дарсларида ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини таъминловчи методлар орасида муаммоли таълим методи муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун бу метод ҳақида алоҳида сўз юритилади. Куйида ўқувчиларни мустақил мулоҳаза юритишга ўргатишда қўлланиладиган мантиқий методларнинг суҳбат, эвристика, тадқиқот, таққослаш, индуктив, дедуктив каби турлари ва уларнинг хусусиятлари ҳақида сўз юритилади.

Суҳбат методи ўқувчи тафаккури мустақиллигини таъминлашда муаммоли таълимдан кейинги асосий метод ҳисобланади. Методика илмида суҳбатга бағишланган анчагина ишлар мавжуд. Жумладан, А. Тожиёвнинг “Адабиёт дарсларида суҳбат” қўлланмасида адабий таълим самарадорлигини таъминлашда суҳбат методининг ўрни ва аҳамияти очиб берилган¹. Лекин унда таълимнинг олдига давр талаби асосида бошқача мақсадлар қўйилганди.

Бугун таълимда янги билимлар, маънавий сифатларнинг “кашф этилиши” ўқувчилар иштирокида ўқитувчи томонидан эмас, балки ўқувчиларнинг ўзлари томонидан ўқитувчи раҳбарлигида амалга оширилиши талаб қилинмоқда. Бундай қайта кашфиётлар асар устида ишлаш давомида ўқитувчи ва ўқувчининг жонли мулоқотида, том маънодаги изланувчи суҳбатларда амалга ошади. Дарсда яхши ташкил этилган суҳбатнинг аҳамияти шундаки, у ёш китобхоннинг ўқиганлари ҳақида гаплашиш, унга ўз муносабатини билдириш, ўз фикрлари билан ўртоқлашиш каби эҳтиёжларини қондиради. Бадиий асарни ҳар ким ўз ҳолича, ўз даражасида қабул қилади. Суҳбатда иштирок этган ўқувчи ўз фикрларини муҳокама қилади, қарашларини шакллантиради, уни сўз билан ифодалашга тайёрланади. Бу фикрнинг аниқ ва муайян

¹ Тожиёв А. Адабиёт дарсларида суҳбат. – Т.: «Ўқитувчи», 1997.

мақсадга йўналтирилишини таъминлайди. Сухбат жараёнида ўқувчида ўз фикрини айтиш, унинг тўғрилигига ҳамсухбатларини ишонтириш эҳтиёжи туғилади. Ўқитувчи ёки ўртоқларининг талаблари асосида фикрини исботлаш учун асар матнидан далиллар топа билиш, мисоллар келтириш кўникмаси шаклланади, қочиримлар қилиш ва эътирозлар билдиришга одатланади. Сухбат ҳамсухбатни эшитиш, мунозарада иштирок этишга ўргатади, ўқувчида ўз билимини чуқурлаштиришга эҳтиёж туғдиради, қизиқишлари доирасини кенгайтиради.

Адабий асарларни ўрганиш дарсларида ташкил қилинган суҳбатлар ўқувчини нафақат маълум билимлар доираси билан бойитади, тарбиялайди, балки ақлий фаолият асосларини ҳам ўргатади. Бадиий асарларни ўрганишнинг барча босқичларида суҳбат ўзида кўп нарсани қамраб оладиган метод ҳисобланади. Чунки у хотирани, кузатувчанликни, билиш жараёнини, тасаввур ва ҳиссиётни фаоллаштиришга имкон беради. Сухбат давомида ҳар бир ўқувчининг индивидуал ишлаш суръати шаклланади. Адабиёт дарсларида тўғри ташкил этилган суҳбатларда битта масала бўйича бир нечта ўқувчи, баъзан бутун синф фикр айтади. Бунинг муаммоли методдан фарқи шундаки, суҳбатда боланинг олдига муаммо қўйилмайди. Ўқитувчи томонидан битта мураккаброқ, болаларни ўйлашга, муносабат билдиришга ундайдиган мавзу ўртага ташланади ва суҳбат асосида шу масала устида биргаликда ишланади. Ўқитувчи синфнинг фаолиятини кузата бориб, уни йўналтиради, шу билан бирга, ўқувчиларнинг ўзлари ишлашлари учун шароит яратади.

Сухбатнинг вазифасини белгилаб, унга тайёрланиш давомида ўқитувчи ўқувчилар олдига вазифа қўйиб, масалани мустақил равишда, тўғри ҳал этишга ёрдам берадиган саволлар тузади. Сухбат методи адабий таълимнинг барча босқичларида: кириш дарсларида ҳам, бадиий асарни ўзлаштиришда ҳам, унинг таҳлили мобайнида ҳам, якунловчи босқичида ҳам қўл келади. Ўқувчи тафаккури мустақиллигини таъминлашга қаратилган суҳбатнинг асосий талабларидан бири — саволларнинг шакл томонидан ҳам, мазмун жиҳатидан ҳам ҳар хил бўлиши. Ўқувчида бир хил нарса билан узоқ шуғулланиш ўта салбий таъсир қилади. Ўқувчини ўйлантирадиган, мустақил равишда мулоҳаза юритишга ундайдиган саволларни тайёрлаётганда ўқитувчи синфдаги барча

Ўқувчиларнинг ривожланганлик, ижодкорлик даражасини ҳам назарда тутиши лозим. Бундан ташқари, суҳбат учун тузилган саволлар ўқувчи руҳий фаолиятининг хилма-хиллигини ҳам таъминлаши керак. Ўқувчи саволга жавоб бериш учун ўйланиши, эслаши, тасаввур қилиши, изланиши лозим. Суҳбат учун тузилган саволлар орасида ўзаро кучли мантиқий алоқа бўлиши керак. Савол кўмагида асардан ўқувчи томонидан кашф қилинган мантиқ билан асар муаллифи фикрлари мураккаб яхлитликни ташкил этишига жиддий эътибор қаратилиши лозим.

Бадий асар ўқувчи учун ҳаётни, одамни билиш, шу асосда ўзлигини англаш ва баҳолаш ўлчовига айланганда чинакамига қадрли бўлади. Суҳбатлар жараёнида ўқувчиларнинг ҳаёт билан узвий алоқасини таъминлаш учун ўқитувчи асар устида ишлаш жараёнига уларнинг китобхонлик ва ҳаётий тажрибаси билан боғлиқ саволларни ҳам киритиши лозим. Бундай саволларнинг йўналиши нафақат асар моҳиятининг очилиши, балки ўқувчи характери ва қизиқишларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Суҳбат давомида ўқувчи асардаги ёки у ҳақдаги фактларни аниқ билгандагина ўз қарашларини, мулоҳазаларини айтиши мумкин. Лекин, кўпинча, бундай вазиятларда билимининг, далилнинг ўзи камлик қилади. Ўқувчи уларни мустақил равишда таҳлил қила билиши, ўйлаши, хулосалар чиқара олиши керак бўлади. Асар матни юзасидан изланишга ундайдиган тарзда тузилган савол-топшириқлар ҳам шунга қаратилиши лозим. Яхши савол аҳамиятли, кенг қамровли, ўйлашга, ҳис қилишга, изланишга мажбур этадиган, кашфиётлар қиладиган, тасаввур уйғотадиган бўлади. Жалолиддин Румий ҳазратлари: “*Яхши савол ярим билимдир*”, — деб бежиз айтмаган.

Асар матни бўйича ўқитувчининг ўқувчиларга берадиган савол ва топшириқлари уларнинг қизиқишлари, умумий психологик ҳамда интеллектуал ўзига хосликларига мос бўлиши зарур. Бадий асар дастлаб ўқилганда қандай тушуниланлиги билан таҳлилдан сўнг қай даражада ўзлаштирилганлигини текшириш учун тузилган саволлар ҳам адабий таълим амалиётида катта ўрин тутади. Бундай саволлар ўқувчида мустақил фикрни шакллантиришда катта самарага олиб келади.

Юқори синфларда асар муаллифи тимсолини тушуниш учун ҳар хил шаклдаги суҳбатларнинг сони ҳам, доираси ҳам кенгайди.

Ўқувчилар кўп асарлар орасидан айна адибнинг овози, услуби, шахсини ажрата олиши, унга яқинлашиши, уни ҳис қилиши лозим. Лирик асар юзасидан ташкил қилинган суҳбатлар қайсидир ўринларда муаллиф тимсолидаги, унинг фикр ва туйғулари олами ҳақидаги суҳбатларга бурилади. Суҳбатлар ўқувчини қизиқтиргандагина унинг шахсияти, маънавияти учун самарали бўлади. Одатда, болаларга тушунарли бўлгани ҳолда жавоб бериш бир қадар қийинчилик туғдирадиган саволлар қизиқарли туюлади. Улар — ўқувчи учун ўзига хос топишмоқ. Ўқувчиларда эмоционал ҳолат ҳосил қилишда, энг асосий юмуш — муҳокамани боғлаб турадиган бошланғич саволни топиш. Ўқитувчи бундай саволни мазкур бадиий асарнинг ўзидан топиши керак.

Юқори синфлардаги суҳбатларда бериладиган саволлар нафақат тез тасаввур қилиш ёки матнни билишни, балки зарур материални танлаш, уларни тизимга солиш, англаш, таҳлил қилиш ва муносабат билдиришни ҳам талаб қилади. Маълумки, суҳбатларни ташкил қиладиган саволлар ҳар хил бўлади: айримлари ўқувчини асар матнини қайта ўқишни, мисоллар ажратишни, далиллар топишни талаб қилса, баъзилари асар матнини таҳлил қилишни тақазо этади. Аммо бу саволларнинг ҳар бирига бериладиган жавоб катта меҳнатни, ақлий ва руҳий зўриқишни талаб қилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўқувчилар суҳбат давомида саволларга ҳамиша ҳам асосланган, жиддий жавобларни бераверишмайди. Саволларга ўқувчиларнинг тўлақонли жавоб беришида ўқитувчининг ёрдамчи саволлари кўл келади. Бундай вазиятларда битта фикрга аниқлик киритувчи, ўша фикрни ривожлантирувчи бир ёки бир нечта савол берилди. Масалан: амалдаги 6-синф “Адабиёт” дарслигида Х. Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб” асаридан парчалар берилган⁸. Шу асарни суҳбат методидан фойдаланган ҳолда ўтиш учун: **“Муаллиф ўқувчини Ҳошимжоннинг табиати билан қандай таништиради?”** деган асосий савол ўртага ташланади. Ўқувчилар унинг моҳиятига чуқурроқ киришлари учун эса: **“Ҳошимжоннинг ташқи жиҳати, хатти-ҳаракатларида қандай белгилар кўзга ташланади?”**, **“Унинг ўртоқлари билан муносабатида қандай хусусиятларни кўриш мумкин?”**, **“Синглисига муносабатида Ҳошимжоннинг феълларидаги**

⁸ С. Аҳмедов, Р. Кўчқоров, Ш. Ризаев. Адабиёт. 6-синф учун дарслик-мажмуа. — Т.: «Маънавият», 2005. 10-6.

қандай жиҳатларни илғадингиз?”, “Унинг онаси билан муносабатларида-чи?”, “Ҳошимжоннинг журналга баҳоларни ўзи қўйганини тан олишини қандай баҳолаш мумкин?” сингари ёрдамчи саволлар тақдим этилади. Улар ўқувчиларни асар матнини мустақил равишда таҳлил қилиб, мустақил хулосалар чиқаришга, қарашларини асослашга кўмаклашади.

Суҳбатни елвизак метод ҳам дейишади. Ундан бадиий асар устида иш олиб бориш учун ҳар бир синфда фойдаланиш мумкин. Юқори синфларда суҳбат методи ўқувчиларнинг мустақил ишлари ва маърузалари билан биргаликда амалга оширилади. Суҳбатга тайёрланишда ўқитувчи ўқувчилар билан жонли мулоқот жараёнида юз бериши мумкин бўлган фавқулодда ҳолатларга, ҳозирлаган саволини вазиятга қараб ўзгартиришга шай туриши керак.

Ўқувчиларга саволлар бериш ва жавоб олишда суҳбат билан билим бериш устуворлик қилмайди. Балки шу аснода олинган билимлар, ўзлаштирилган фазилатларни мустаҳкамлаш, мустақил мулоҳаза юритиш, фикр айтиш, муносабат билдириш, туйғуларни сўз билан ифодалаш, уни асослаш, ўқувчиларда қатъият, ўз фикрида тура билиш, ўз ҳақиқати учун курашиш ҳисси тарбияланади. Ўқитувчидан биринчи саволдан кейин ўқувчилар кайфиятини илғаб олиш, савол тушунарли бўлганини ҳис қилган ҳолда суҳбатни янги-янги йўналишларга буриш талаб қилинади. Суҳбат методи асосида ташкил қилинган дарснинг ички тартиби шу тариха яратилади. Суҳбатни муваффақиятли ташкил этишнинг шартларидан бири — ўқувчиларнинг жавобларига эътибор ва чуқур ҳурмат билан ёндашишдир. Жавоб бераётган ўқувчининг фикрлари чалкашиб кетиши ёки ноаниқ бўлиши табиий. Ўқитувчининг вазифаси уни бутун синфга тушунарли қилиб бериш эмас. Бу — адабий таълим методикасида мутлақо нотўғри ҳодиса. Ўқувчи айтмоқчи бўлган фикрини қийналиб, изланиб, муносиб сўзларни топиб, ўзи ифодалашни керак. Уни бошидан шунга ўргатиш лозим. Ўқувчининг фикрини айтишга ўринсиз кўмаклашиш уни ўйламасликка ўргатиб қўяди. Агар ёрдам бериш керак бўлса, қўшимча саволлар билан ўқувчининг ўз фикрини аниқроқ ифодалашига кўмаклашиш мумкин.

Суҳбат жараёнида ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари нафақат саволнинг тўғри қўйилиши, балки ўқитувчининг ҳар хил характердаги жавоблар орасида ўзини йўқотмай суҳбатни бошқара

Суҳбат методини қўллаш ўқувчи тафаккури ва билим олишдаги мустақиллигининг нисбатан баланд даражасини таъминлаши тайин. Мазкур методда ўқитувчининг фаолияти ўзлаштирилган ахборотларни ёдга соладиган саволлар қўйиш, тегишли топшириқлар бериш, қизиқарли саволлар тузиш, билимларни янги вазиятга мувофиқлаштириш ва қайта ишлашга йўллайдиган саволлар бериш, хулоса чиқаришга ундаш, чиқарилган хулосаларни асослашни талаб қилишдан иборат. Ўқувчининг фаолияти эса вазиятни таҳлил этиш, ўзлаштирилган ахборотларни ёдга соладиган саволларни қайд этиш, уларга жавоб излаш, жавоб бериш, ярим мустақил ва мустақил хулосалар чиқариш, фикрларини асослашдан иборат бўлади.

Суҳбат методи ўқитувчининг ўқувчилар жамоаси билан диалогик ҳамкорлигини назарда тутати. Бу методнинг моҳияти ўқитувчи томонидан ўқув материални қизиқарли тарзда баён этиш, ўқувчиларни жавоб топиш йўллари излашга, билим ва маънавий сифатлар, хулоса, қонуният ва қоидаларнинг болалар томонидан қайта кашф этилишига жалб қилишдан иборатдир.

Амалдаги 5-синф “Адабиёт” дарслигидан¹ ўрин олган “Уч оғани ботирлар” эртагини ўрганишни суҳбат методидан фойдаланган ҳолда қуйидагича ташкил этиш мумкин: кечагина бошланғич синфни тугатган ва ҳали эртақлар дунёсидан узулиб улгурмаган хаёлпараст болакайларнинг шахс сифатида шаклланишида эртақлар муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналаридан бири «Уч оға-ини ботирлар» эртаги мутолаасига киришишдан олдин ўқитувчи дарсликдаги иккита эртақни ўқиб ўрганилгач, кейинги дарс «Эртақ дарси» бўлишини, унда ўқувчилар ўзлари эртақ тўқишларини, эртақларни ўқиганда, улар устида ишлаганда шу эртақ дарсига материал йиғиб боришлари лозимлигини айтиб ўтади. Бу ўқувчиларни эртақ яратиш, унинг мазмуни ва йўллари ҳақида ўйлаб юришдай мақсад атрофида бирлаштиради.

Ўқитувчи асар матнини эртақнинг айтилиш оҳангига солиб ўқиб беради. «Уч оға-ини ботирлар» эртаги мутолааси учун биринчи дарснинг 25 — 26 дақиқаси сарфланади. Қолган вақтни ўқитувчи

¹ С. Аҳмедов, Б. Қосимов, Р. Кўчқоров, Ш. Ризаев. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. — Т.: «Шарқ», 2007. — 64-бет.

Ўқувчилрни матн мазмуни юзасидан тақдим этилган қуйидаги савол-топшириқлар кўмагида суҳбатга жалб этади: “Эртақнинг “Уч оға-ини ботирлар” деб аталиши сабабини изоҳланг” топшириғи юзасидан ўқувчилар ҳеч қийналмай фикрларини билдирадидилар. Бу топшириққа жавоб беришни кўпчилик ўқувчилар исташи — оддий ҳол. Иккинчи топшириқ — “Отанинг ўғилларига айтган: “*Биринчидан, соғлом вужудли қилиб ўстирдим — қувватли бўлдингиз. Иккинчидан, яроғ билан таништирдим — яроғ ишлатишга уста бўлдингиз. Учинчидан, қўрқитмай ўстирдим — ботир бўлдингиз*”, — тарзидаги сўзларига эътибор қилинг. Бу сўзларнинг йигитлар табиатига хос хусусиятларни белгилашдаги ўрнини изоҳланг” ўртага ташланганда ўқувчилар ўйланиши, ўзини бир оз зўриқтириши керак бўлади. Бу топшириқ уларни йигитларнинг табиатига хос бўлган бақувватлик, яроғ ишлатишга усталик, ботирлик, топқирлик, зукколик, синчовлик каби сифатлар уларнинг қайси ишларида кўринганини матндан қидиришга йўналтиради. Ўқитувчи улардан мунтазам равишда фикрларини матнга таянган ҳолда баён этишни, айтганларини асослашни талаб қилиши лозим бўлади. Сўнг ўқувчилар отанинг: “*Тўғри бўлинг — бежавотир бўласиз. Мақтанчоқ бўлманг — хижолатга қолмайсиз. Дангасалик қилманг — бахтсиз бўлмайсиз*” тарзидаги насиҳатига ўз муносабатларини билдирадидилар. Тўғри, ўқувчиларнинг бу насиҳат мазмуни борасида фикрлари содда, ўз билганлари доирасида бўлади. Лекин муҳими ўқувчида фикрнинг, ўз қарашининг шаклланиб боришидир. Унинг ўқитувчи томонидан тўлдирилиши, тузатилиши методик жиҳатдан тўғри бўлмайди. Бу ўринда ўқитувчининг вазифаси фикр кишисини рағбатлантириш, янги қўшимча саволлар билан унинг ичидаги гапларини чиқариб олиш, бир-бирларининг фикрини такрорларсиз тўлдиришга ўргатиш, хато кетган ўринларини ўзларига топтириш, камчиликларини ўзлари англаб, ўзлари тузатишларига имкон яратишдан иборат.

Оға-иниларнинг ўз саргузаштларини бир-бирларига ҳам дарров айтиб бермаганликлари уларга хос яна қандай фазилатнинг белгиси эканини ўқувчилар ўзлари кашф этсинлар, мақтанчоқлик ёт бўлган ботирларнинг оғир-босиқлиги, камтарлигига ҳавас билан қарай билсинлар. Бунинг учун ўқувчиларнинг эътиборини шуларга қаратадиган саволлар ўртага ташланади. Қаҳрамонларга хос бўлган

сифатларга ўқувчиларнинг ҳавасини кўзғотиш, бу сифатларнинг яхши эканини уларнинг кўнглига жойлаб қўйишга эришиш — ўқитувчининг вазифаси. Чунки кишининг кўнглидан ўтган нарса, албатта, унинг маънавиятида из қолдиради. Кейин: “Кенжа ботир саргузаштларига эътибор беринг. Унинг ўғриларни ўз ҳолига қўйиб кетиб қолмаганлиги сабабини изоҳлашга урининг”, “Кенжа ботирнинг тадбиркорлиги, топқирлиги, жасурлиги билан эртақ бошида ота томонидан айтилган гаплар ўртасидаги боғлиқликка эътибор қилинг” сингари топшириқлар берилганда, уларга аниқлик киритиш лозим бўлса, қўшимча саволлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Кенжа ботирнинг фазилатлари унинг қайси амалларида кўринишига ўқувчилар эътиборини тортиш, қилган ишлари ва фазилатларига муносабат билдиришга ундаш лозим бўлади.

Асар мазмуни юзасидан тақдим этилган: “Кенжа ботир ҳикоясидаги тўти тўғрисидаги кузатишларингизни билдиринг. Ваъдага вафо қилиш учун ота-оналари, ака-укалари, яқинлари, энг муҳими, озодлигидан кечиб келган тўтининг олижаноблигига кўрсатилган оқибатни изоҳланг”, “Эртақдаги ва ҳикоядаги шоҳларни бир-бирига солиштиринг”, “Ботирларнинг саройдан кетиш тўғрисидаги қарорига муносабатингизни билдиринг” каби савол-топшириқлар ўқувчиларни анча ўйлантириши мумкин. Уларнинг кўпчилигидан кутилган жавоб чиқмаслиги ҳам олдий ҳол. Лекин бу саволларга ўқувчиларнинг муносабати кейинги соатда бўладиган эртақ дарсининг самарасини таъминлайди. Ўқувчининг ҳикоя матнига кириши, Кенжа ботирнинг унга сингдирган мақсадини англаши муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун бу ҳодиса устида ишланаётганда ўқитувчи қўшимча саволлар билан озгина йўналиш бериб юбориши ҳам мумкин. Ҳикоядаги тўти ва подшоҳ тимсолларига хос сифатлар: ваъдага вафо ва ўйламай, шошқалоқлик билан тадбир кўриш ҳақида ўқувчиларда болаларча содда хулосалар чиқарилади. Эртақдаги ва ҳикоядаги шоҳларнинг сифатларини таққослаш учун матнга мурожаат қилишга ундалади. Ўқувчилар уларнинг ҳар иккисига хос бўлган ўйламай иш кўриш, яқинларни аямаслик, шафқатсизлик, қаҳри қаттиқлик каби сифатларни аниқлайдилар. Кенжа ботирнинг ноҳақ жабрдан дили оғригани, энди ака-укалар у ерда ортиқ

қололмасликларини ҳис этгани учун кетишга, табиатларига сингдирилган тарбияга мувофиқ яшашга интилишларини ўқувчилар бола кўнгиллари билан ҳис қиладилар. Ўқувчилар туйганларини сўз билан ифодалаб беролмасликлари ҳам мумкин. Лекин адабий таълим мақсади учун туйганликларининг ўзи муҳим.

Суҳбат жараёнида “Эртак мутолаасидан сўнг кўнглингизда қандай туйғулар пайдо бўлди? Уларни номлашга, шарҳлашга уриниб кўринг” топшириғи ўқувчиларнинг асарни ўқишдан олган дастлабки таассуротларини тиниқлаштириб олишга кўмаклашади. “Сафар давомида оға-иниларнинг бошларидан кечган ҳодисаларни бир-бирларига айтмаганликлари сабабини тушунтиринг”, “Уч оға-иниларнинг зиёфат пайтида дастурхонга қўйилган гўшт, шинни, нон тахлами тўғрисидаги фикрларига эътибор қилинг. Йигитлардаги билгичликнинг сабаби ҳақида ўйлаб кўринг”, “Подшонинг гапларига, асосан, тўнғич ботир жавоб берганлигини қандай изоҳлайсиз?”, “**Қизлар ўқотган тиллаларига гавҳар қўшиб олдилар**” деган ибора замиридаги яширин мазмунга эътибор қилинг ва уни изоҳланг” сингари савол-топшириқлар ўқувчиларни асар матнида илгари сурилган ғоялар ҳақида мулоҳаза юритишга ундайди. “Илон билан боғлиқ воқеада подшоҳ кўрган чорага муносабат билдириг. Бировнинг гапига кириб, шошқалоқлик билан яқин кишисини жазолаган ҳукмдор шахсияти ҳақида мулоҳаза юритинг”, “Вазирнинг хулосаси ва маслаҳатига муносабатингизни билдириг”, “Подшоҳнинг кенжа қизини тавсифланг” сингари савол-топшириқлар 5-синф ўқувчиларига хос бўлган кўп ўйлаб ўтирмай гапириб юборавериш ёки ўртоқларининг фикрини такрорлаш каби одатларини улар табиатидан чиқаришга кўмаклашади. “Дастлабки ва асар муҳокамасидан кейинги таассуротларингизни таққосланг. Рухиятингизни таҳлил қилинг” топшириғида ҳам ўқувчиларнинг ўз хулосалари, ўз қарашлари ифодаланади. Айрим топшириқларга кимларнингдир ақли етар, кимникидир етмас. Муҳими — болаларнинг ўйлаши, изланиши.

Савол-топшириқлар билан дарс давомида улгургунча ишлаш, қолганлари ҳақида уйда ўйлаб кўришни топшириш ҳам мумкин. Уй вазифаси қилиб эртакнинг иккинчи, учинчи тугашини ёзишни топшириш ҳам ўқувчиларни кейинги “эртак дарси”га

тайёрланишига асос бўлади. Эртақдаги: “**Кенжа ботир подшоҳга қараб бир ҳикоя айтди...**” жумласидан кейинги ҳикояни ўқувчилар эртақдаги воқеалар ривожига мослаштириб янгидан яратишлари ҳам мумкин. Бу — ўқувчилар имкониятлари доирасида бажариладиган топшириқ. Уни бажара билганларни рағбатлантириш, эплай олмаганларни кейинги сафар уриниб кўриш мумкинлигини айтиб, умидлантириш керак. Ёки бирорта ўзи яхши кўрган эртаги юзасидан режа тузишни талаб қилиб ҳам уй вазифаси бериш мумкин.

Эвристик метод. Бу метод эвристика юнонча излайман, топаман деган маъноларни англатадиган “heurisko” сўзидан олинган бўлиб, у маҳсулдор ижодий фикрлаш жараёнини ташкил қилишни назарда тутати. Таълимнинг мустақил фикрлашга ундашда қўл келадиган эвристик методи ўқувчининг олдига йўналтирувчи масалалар қўйиш, уларни текшириш ва ҳал этиш, акс саволлар воситасида ўқитиш усули ҳисобланади. Эвристик методдан фойдаланганда ўқитувчи ўқув материалнинг суҳбат методида фойдаланган тизимини тўлиқ қўллаши мумкин. Фақат унинг таркиби қўшимча билим олишга йўналтирадиган саволлар билан тўлдирилади.

Мазкур метод таҳлили шуни кўрсатадики, у суҳбат методида бўлган барча усулларнинг биргаликда қўлланилишини талаб қилади. Бунда савол-топшириқларнинг мантиғи ва вақт масаласида бир оз тафовут бўлади. Эвристик методда етакчилик қиладиган саволлар қўзғотувчи аҳамият касб этади. Бундай асосдаги суҳбат тизими топшириқни бажариш, жараённи кузатиш, саволларга жавоб бериш, маълумот олиш, хулоса чиқариш ва хулосаларни таққослаш каби йўналтирувчи кўрсатмалар билан таъминланганда, ўқувчиларнинг фикрлаш ва билим олиш мустақиллигини анчагина кўтариши маълум бўлади. Ўқувчилар таққослаш, таҳлил қилиш, далиллар келтириш сингари иш турларини янги вазиятга кўчирадилар, шу билан бирга, маълум умумлашмалар қиладилар, фаразларни илгари сурадилар, зарур ашёлар, материаллар тўплайдилар, хулосалар чиқарадилар, маълум масалани ҳал қилиш босқичидаги ўз фаолиятини режалаштирадилар. Бу ўқитишнинг янги усуллари бўлмиш билимларни фаоллаштириш, методларни устма-уст қўллаш кабиларни киритиш заруратини туғдиради.

Эвристик методдан фойдаланиб, таълим жараёнида белгиланган мақсадга эришиш учун ўқитувчи фаолияти хабардорликни талаб қилувчи вазифалар қўйиш, таққослаш учун материаллар тақдим этиш, ўқувчини лоқайдликдан, мувозанатдан чиқарувчи саволлар бериш, фаразларни илгари суриш, уларни тасдиқловчи тажрибалар қилиш, кузатиш учун топшириқлар бериш, таҳлилга йўналтириш, қиёслаш ва таққослаш учун мураккаб амалий топшириқлар бериш, муаммоли саволлар қўйиш, муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш кабилардан иборат бўлади. Шу методда ташкил қилинган дарсларда ўқувчиларнинг фаолияти билимларни вазиятга мувофиқ қўллаш, таққослаш, фаразларни илгари суриш ва асослаш, кузатиш, фаразнинг тўғрилигини текшириш, таҳлил, исбот, тушунтириш, кузатишлар, тажриба таҳлили, билимларни янги, ўзгарган вазиятларда қўллаш, далиллар келтириш, қиёс, умумлаштириш, мустақил амалий ишлар таҳлилини амалга ошириш, муаммоли вазиятларда оқилона фаолият юритиб, масалани ҳал этишни, мустақил хулосалар чиқаришни ўз ичига олади.

Эвристик методда тақдим этилган савол, топшириқ ва кўрсатмалар огоҳлантирувчи хусусият касб этади. Яъни улар топшириқнинг бажарилиши олдиан мазкур босқичга мослаб қўйилади ёки унинг ечими давомида ўртага ташланади. Адабий таълим жараёнида қўлланилган эвристик метод ўқувчиларнинг билим олиши ва тафаккуридаги мустақилликнинг нисбатан юқори бўлишини таъминлайди, уларда мустақил мулоҳазалар юритиш, муҳокама қилиш, хулосалар чиқариш кўникмасини шакллантиради. Муҳокама бу методнинг мустақил фикрлашни амалга оширишдаги асосий шакли саналади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов шахси ва “Дунёнинг ишлари” асаридан олинган парча билан ўқувчилар 5-синфда танишганлар. Асарнинг ширали тили, жозибали ифодаси ва она тимсолининг самимий тасвири ёш китобхонлар тасаввурида из қолдирмаслиги мумкин эмас. 6-синфда Ў. Ҳошимов ижодини ўрганиш дарсининг бошида ўқитувчи ўқувчиларга буни бир эслатиши лозим. Ўқувчилар бир-бирларига сўз бермай ўз хотираларини ўртага ташлар экан, улар руҳан бугунги ҳикоядан ҳам ўшандай лаззатни туйишга чанқоқликни ҳис қиладилар. Буни тарбияланувчилар кўпда илғамаслар-да, лекин ўқитувчи уларнинг

шу ҳолатга тушганини пайқаган заҳоти педгогик “ҳужум”ни бошлаши керак.

Муаллимга олтинчи синфда ўрганиш учун тавсия этилган “Урушнинг сўнги қурбони” ҳикоясини¹ ўтиш олдидан ўзи уйда бир ўқиб олиши лозимлигини эслатиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Ҳикояда муаллиф ҳаётдаги моддий қийинчилик, қашшоқлик инсон маънавиятини синондан ўтказувчи бир восита эканини оддий ўзбек оиласи мисолида, ўта самимий тарзда намоиш эта билган. Асарни ўқишдан олдин унинг “Адабиёт” дастуридаги талқини билан танишиш, асарга қандай ёндашиш лозимлигини қатъийлаштириб олиш зарур. Ҳикоя матнини тўлиқ ўқиб чиқиш учун биринчи дарснинг 23 — 25 дақиқаси сарфланади. Мазкур ҳикояни ўрганиш учун дастурда белгиланган икки соатнинг биринчиси аввал ўтилган дарсни сўраш, адиб шахсига доир дарсликдаги маълумотлар қанчалик ўзлаштирилганлиги ва 5-синфда ўқилганлар ўқувчилар хотирасида нечоғли сақланганлигини аниқлаш ҳамда ҳикоя матни билан ўқувчиларни таништиришга бағишланади.

Ўқитувчи бу асарни ўрганишга ажратилган икки соатни яхлитлаши, яъни иккала академик соатдан бир кунда қаторасига фойдаланиши ҳам мумкин. Шунда ўқувчиларнинг матн мутолааси давомида олган таассуротлари, кўнгилларидан пайдо бўлган изтироб, ачиниш сингари ҳиссиётлар асар устида ишлаш жараёнида “иссиғида” тилга чиқа бошлайди. Ўқувчилар таҳлил мобайнида туғилган фикрларига руҳиятида пайдо бўлган туйғуларни ҳам кўшиб ифодалайдилар. Бу эса, ўз навбатида, ўз-ўзини тафтиш қилиш демакдир. Ўқувчиларнинг бу ёшда руҳий кечинмаларини бир-бирларидан яширмай, уялмай ифодалаши уларда шахслик сифатларининг шаклланишига ижобий таъсир этади.

Ўқитувчи матнни ўқиётганда Шоикромнинг ҳолати ифодаланган ўринларни толиққан, онанинг сўзларини янада юмшоқ, Хадичанинг овозини қалбакироқ оҳангда, муаллифнинг сўзларини қатъийроқ, Шонезматнинг овозини дардли, синиқ тарзда ифодалаши керак бўлади. Шоикромнинг пушталар орасида

¹ С. Аҳмедов, Р. Қўчқоров, Ш. Ризаев. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик. — Т.: «Маънавият», 2005. — 158-бет.

мукка тушиб ётган онасини кўргандаги ҳолати ва қичқирғини мутолаа жараёнида табиий ифодалай олиш учун ўқитувчи шу ҳолатни тўлиқ ҳис қилиши, ўзини шунга аввалдан тайёрлаши лозим бўлади.

Овоз чиқариб ўзгалар учун ўқилаётган асарнинг таъсир кучини бошқалар ҳам тўлалигича туйиши учун муаллифнинг туйғулари ўқиётган кишининг овозида ифодаланиши керак. Агар бу туйғу самимий бўлса, ўз-ўзидан ўқувчининг овозида акс этади. Бу ҳолатни сунъий равишда ясаб бўлмайди. Ясалган нарсa кўнглиники эмас ва у ўзгаларга етиб бормайди. Кўнглида нотабиий, носамимий туйғуга жой йўқ. Чунки у — Яратганнинг маскани.

Ҳикоя ўқиб бўлингач, ўқитувчи бир оз тин олиши, тингловчиларини кузатиши лозим. Улар қандай ҳолатдалигини, ҳикоя қаҳрамонлари руҳияти, кечмиши, дард-изтироблари уларга қандай таъсир этганлигини аниқлаб олишга урингани тузук. Асар мутолааси жараёнида ўқувчилар кўнглида пайдо бўлган изтироб, ачиниш ҳиссини уларнинг тилига олиб чиқиш учун бир қатор саволларни ўртага ташлаш мумкин. Бу хил саволлар дарсликда ҳам бор. Ўқитувчи синфдаги ўқувчиларининг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда уларни соддалаштириши ёки мураккаблаштириши, зарурат бўлса, ўзи янги савол-топшириқлар кўшиши ҳам мумкин.

Ўқитувчи Шоикромлар рўзгорининг файзсизлигини ифодаловчи лавҳага тингловчиларнинг диққатини тортиш лозим. Кўпдан бери дам олмаган, боши ташвишлардан чиқмайдиган, етишмовчиликлар исканжасида қолган киши кўзига аслида ғариб ва файзсиз бўлган тирикчилиги ниҳоятда хунук кўриниши табиий эканлигини англашга ўқувчиларни ундаш керак. Аслида, рўзгор жиҳозларининг Шоикром кўзига бу қадар совуқ кўриниши сабаблари матнда тасвирланмаган. Лекин асардаги ҳар бир детал тасвирида ана шу файзсизлик сабаблари кўриниб турибди. Ўқувчилар рўзгорнинг бундай тароватсизлигига Шоикромнинг хотини ёки унинг ўзини айбдор қарашлари ёки бунинг сабабларини бошқа бир ҳолат билан изоҳлашлари мумкин. Муҳими, улар ҳикоя персонажларига бефарқ бўлмасалар, ўзгалар ташвишини чекишга, бировларнинг хатти-ҳаракатларига баҳо беришга уринсалар, бас.

Ҳикоя қаҳрамонининг безовта ўйларга ботганлиги, унинг

руҳий ҳолатидаги нотинчлик билан табиатдаги ҳолатнинг, икки безовталикнинг сабабларини топишга уриниш зарур. Қаҳрамонлар ҳақида ўйлаш, мулоҳаза юритиш, уларнинг кундалик ҳаёти, кечинмалар, хатти-ҳаракатларини тафтиш қила бориш, баҳолаш ўқувчиларни ҳам ақлан, ҳам руҳан фаоллаштиради. Адабиёт ўқитувчиси ўқув таҳлили билан асардаги воқеаларни қайта ҳикоялашни алмаштириб қўймаслиги, ўқувчиларнинг ҳикоя мазмунини айтиб беришларига йўл қўймаслиги керак. Асарнинг таҳлили матндан эстетик таъсирланиш, таҳлил асносида инсонни, унинг руҳий оламини теран ҳис қилиш, туйиш орқали ўзини ўрганишга олиб боровчи илмий-педагогик жараён эканини ўқитувчи унутмаслиги ва талабаларига эслатиб туриши керак.

Эътибор қилинса, ҳикоя бошдан-оёқ бир хил маҳзун оҳангда битилган ва шундай ўқилади. Чунки асарда тасвирланган тақдирлар, шу тақдирлар намоеън бўлган воқеалар, мазкур воқеалар рўй берган давр қайғуга монанд эди. Уруш даврининг оҳанги ўқ ва йиғи овозига эш эди. Маълумки, ўқ овози ҳам, йиғи товуши ҳам шодликни эслатмайди, қайғуни, ғамни ёдга солади, шуларни келтириб чиқаради. Ана шу ҳаётий оҳанг ҳикояга кўчган. Айни шу сифат унинг таъсир даражасини янада оширган.

Ҳикоянинг жиддий таҳлили ўқувчиларни ҳаётнинг нечоғли мураккаб эканлигига, одам ва унинг амаллари тўғрисида ҳар қандай ҳолатда ҳам тўғри бўлаверадиган фикр айтиш мумкин эмаслигига имон келтиришга мажбур қилади. Асардаги Хадича образининг табиатини баҳолаш учун ўқувчилар унинг бешикда ётган боласига, эрига, қайнонасига муносабатини, рўзгор тутуми тарзини атрофлича ўрганишлари лозим бўлади. Ўшанда ҳам жиззаки, айни вақтда, эри ва фарзандларига меҳрибон, тиниб-тинчимас, аммо бахти қаро, ёқимсизроқ бу аёлнинг яхши ёки ёмонлиги тўғрисида ҳукм тарзидаги қатъий хулосани айтиш мушкул. Оғир турмуш, йўқчилик — ҳар бир одам учун синов, баъзилар учун эса тўқчилик ва фаровонлик ҳам ўзига хос синов. Ҳамма ҳам бу синовдан бирдай ўтавермайди. Одамга хос асл фазилатлар ана шундай мушкул вазиятларда ўзини кўрсатади.

Шоикром тимсоли Хадичадан-да мураккаб дейиш мумкин. У — табиатан фикр кишиси, мулоҳазали одам. Адиб буни ҳикоянинг бирор ўрнида айтмаган бўлса-да, тасвирнинг умумий мароми у ҳақда шу тахлит хулоса чиқаришга олиб келади. Ўн кундан бери

укасининг ҳолидан хабар олмагани, унинг оғзига бир коса сут тутолмаганидан эзилади, ўзидан нафратланади, айни вақтда онасидан овқатни қизганган хотинини тушунишга ҳаракат қилади. Бу ҳақдаги фикрларини ёрилиб бировга билдирмайди. У қаҳри қаттиқ ҳам, меҳрсиз ҳам, ёвуз ҳам эмас. Лекин унинг руҳияти устунлари имоннинг талабларидан эмас, шароит имкониятларидан тикланганлиги учун ҳам омонат. Шунинг сабаб хаёлига ўғридан қасос олиш фикри келганида вужуди титраб кетса-да, аҳдидан қайтмайди. Разолатга қарши қабоҳат йўли билан курашмаслик кераклигини тан олгиси келмайди. Умуман, ёвузликка, умуман, ёмонликка қарши қатъий қаноат шакллантирмай туриб, одамзод яхшиликнинг, эзгуликнинг хизматида бўлолмайди. Шунинг учун ҳам қўли гул уста, меҳрибон ўғил, рисоладагидай ота бўлган йигит ўзи билмагани, истамагани, хаёлига ҳам келтирмагани ҳолда қотилга айланди. Яна ўз онасининг қотилига... Ўқувчилар бу қадар мураккаблик қаршисида қанчалар кўп ўйга толсалар, шунча яхши. Чунки уларда шу тариха ҳаётий қараш, нуқтаи назар шаклланади.

Асардаги она тимсоли таҳлил қилинаётганда ўқувчилар Умри хола катта ўғлинининг олдига чиққани сабабини, унинг, “*Пайшанба куни Комил тайибнинг уйига борувдим. Ҳар куни наҳорга бир косадан қўй суги ичса, дард кўрмагандай бўлиб кетади, деди*” — дея ўзига гапиргандай **секин** қўшиб қўйиши, қулупнайни ўғлидан сўрай қолмагани **боисини** аниқлашга уриниб кўришлари керак. Умри хола, аслида, **бор** овқатни онасига бердира олмаган ўғилдан укаси учун бўлса-да қулупнай сўраши мумикинми ёки йўқлиги ҳақида ўқувчилар ўйлаб кўришлари, онанинг хатти-ҳаракатларини шу жиҳатдан баҳолашга уринишлари зарур. Айни вақтда халқимизда, дунёдаги деярли барча миллатларда ҳар қандай шароитда ҳам ўғирлик ёмон деган ахлоқий қараш мавжуд. Умри хола эса ўғирлик қилди. Майли, бемор ўғли учун бўлса ҳам. Ўқувчилар онанинг хатти-ҳаракатларига маънавий қозилик қилишга уриниб кўришсин. Ўшанда одамнинг фаолиятини баҳолаш нечоғлик қийин эканлигини, одам деган яратикни англаш ўзи бўлаверадиган юмуш эмаслигини теранроқ тушунишлари мумкин. Эҳтимол, ўқувчилар асардаги бахтсизликлар сабабчиси сифатида уруш ва унинг йўқчилик, қашшоқлик, меҳрсизлик сингари оқибатларини кўрсатар. Балки айрим талабалар Шоикромни

хасислигу, қасоскорликда айблар, баъзилар бетгачопар Хадичани ҳам фожиа сабабчиси деб англлар. Гап қотилни топишда эмас ҳикояда тасвирланган чинакам инсоний тақдирларга бепарво бўлмасликда, уларга астойдил муносабат билдиришда. Шунини айтиш жоизки, муаллиф асарида онанинг сўнгги қурбон бўлишига уруш айбдор деган фикрни ўтказишга мойил. Асарнинг номланиши ҳам шунга ишора. Аммо бугунги кун ахлоқи, бадиий матнга янгича ёндашиш асносида унга адиб юкламаган маъноларни ҳам кашф этиш мумкин. Таълим амалиётида мазкур асарни ўрганишда мана шу ҳақиқатларнинг барчасини савол-топшириқларга айлантирилиб, уларни ўқувчиларнинг ўзлари англаб етишларига йўналтириш устознинг мураббийлик вазифасидир. Ўқувчилар шу жараённинг фаол иштирокчиларига айланишлари, асардан англаган ҳақиқатларни ўзлари топишлари лозим.

Асар таҳлилидан сўнг уй вазифа сифатида 30 — 40 сўзлик таассурот иншо ёзиш талаб қилинса ҳам, мақсадга мувофиқ бўларди. Ўқувчилар бадиий асар қаҳрамонларини ташқаридан кузатишга эмас, ичкаридан туйишга одатлантирилсалар, саодатли иш бўларди.

Тадқиқот методи. Адабиёт ўқитишда ўқувчини мустақил фикрлашга йўналтиришда тадқиқот методи ўқув жараёнида бир мунча қийин бўлган назарий йўналишдаги масалалар кўтарилишини назарда тутаяди. Бу методда билим олишнинг нисбатан юқори босқичида таълимнинг самарали амалий ва изланиш усулларини мустақил равишда қўллаш талаб қилинади. Бунда ўқувчилар далиллар тўплаш, уларни тўплаш, назарий таҳлил қилиш, тизимга солиш, умумлаштириш ва илмий хулосалар чиқариш каби амалий ишларини бажарадилар. Тадқиқот методининг эвристик методдан фарқи шунда кўринадики, “кашфиёт” аввалдан ажратилган материаллар таҳлилидан кейин, фактик материаллар умумлаштирилганидан сўнг амалий иш жараёнида содир бўлади. Бунда тадқиқот топшириғи — ўқувбилув фаолиятининг тўлиқ туркумини ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида ўзлари бажарадилар. Яъни маълумот тўплашдан тортиб, уни таҳлил қилиш ва янги билимларни амалиётда қўллашгача бўлган ишларнинг барчасини ўқувчилар ўзлари мустақил равишда амалга оширадилар.

Ўқувчилар томонидан фактик материал тўплаш тадқиқот

методининг зарурий қисмларидандир. Маълумки, ҳатто монологик методда ҳам ўқитувчи тажрибалар кўрсатади, ўқувчилар унинг натижалари билан танишиб, кузатиш жараёнида далиллар тўплайдилар. Мустақил равишда тажрибалар ўтказиш ўқувчининг билим олишга бўлган қизиқишини оширади. Шундай далиллар мавжудки, уларни дарс жараёнида, айниқса, адабиёт дарсларида кузатиб бўлмайди. Агар ўқитувчи ўқувчилар ихтиёрига шундай далилларни тавсия этиб, уларни таққослаш, тизимга солиш, умумлаштиришни топширса, бу билан унинг муаммолик даражаси камаймайди. Тадқиқот методини қўллашда топшириқларнинг ўқувчилар томонидан бажарилиши муҳим ҳисобланади. Топшириқларни бажаришда уларнинг бирор босқичи тушиб қолса, топшириқ ўз тадқиқийлигини йўқотади.

Ўқувчиларнинг ривожланганлик даражаси мустақил равишда тадқиқот ишларини олиб борадиган даражага етгандагина, яъни таълим-тарбия жараёнининг юқори босқичига ўтилганда тадқиқот методидан фойдаланилади. Бунда ўқув материали эвристик методда қандай тузилган бўлса, шундай қайта тузилиши керак бўлади. Саволлар, кўрсатмалар, топшириқлар тартиби ҳам шундай бўлади. Тадқиқот методини қўллаганда савол-топшириқлар босқичининг сўнггида, ўқувчиларнинг кўпчилиги муаммони ҳал қилиб бўлгандан кейин қўйилади. Бу кучли ўқувчилар учун мўлжалланган метод бўлиб, муаммоларни ҳал этишда ўз-ўзини назорат қилиш ва текшириш усули саналади. Ривожланиши нисбатан сустроқ бўлган ўқувчиларга уларнинг ўзлари даражасидаги топшириқлар берилади. Топшириқлар ҳар бир ўқувчининг индивидуал имкониятларига қараб тақсимланади. Тадқиқот методидан нафақат янги асарни ўрганиш, балки уни мустақамлаш ва бадиий таҳлил босқичида ҳам фойдаланиш мумкин. Фақат ўқитувчи қўллаш мумкин бўлган усулларни тўғри аниқлаши, мустақамлаш керак бўлган ўқув материали мазмунини тўғри белгилаши лозим. Бу методнинг қийин жиҳатлари шундаки, унда тадқиқотга рационал ёндашув бўлмайди, уни қўллашнинг чегараси қандайлигини аниқлаш мушкул.

Ўқувчининг ижодий имкониятларини аниқлаш учун ўқув ишларининг асосий усулларни таҳлилга тортилган матнни ўзлаштириш имкониятлари даражасига қараб аниқ белгилаш зарур. Тадқиқот методини қўллаганда ҳам ўқувчи билимларни

ўзлаштириш жараёнида фойдаланиши мумкин бўлган асосий усулларни истифода этиш имкониятига эга бўлиши керак. Бундай усулларга: таҳлил, сабаб-оқибат орасидаги алоқадорликни белгилаш, таққослаш, бирлаштириш, ўз фаразларини келтириш, исботлаш, режалаштириш киради. Мазкур методнинг таҳлил ва сабаб-оқибат орасидаги алоқадорликни белгилаш усули адабий таълимда муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ижодий жараёнда, билмасликдан билишга ўтиш йўлидаги қийинчиликларга йўлиққан ўқувчиларнинг анализ-синтез фаолиятида руҳий ҳолатнинг аҳамияти кўзда тутилмоғи зарур.

Адабий таълимда тадқиқот методидан фойдаланиш, асосан, бадиий тимсол тақдири, рўй берган вазиятнинг сабаблари, омилларини текширишга қаратилади. 6-синф “Адабиёт” дарслигида¹ Одил Ёқубовнинг “Музқаймоқ” ҳикояси тақдим этилган бўлиб, асар қайсидир даражада автобиографик характер касб этади. Биринчи дарсда ҳикоя мазмуни билан танишилгач, уй вазифаси сифатида қаҳрамон шахси ва ҳаёти юзасидан тадқиқот ишлари олиб борилиши айтилиб, ўқувчиларни бунга тайёрланиш ҳақида огоҳлантирилади. Дарсда Одил Ёқубов таржимаи ҳолига алоҳида эътибор қаратилади. Матн юзасидан тақдим этилган савол ва топшириқлар орқали адиб шахсини очишга, унинг оғир болалик йиллари ҳақида тасаввур пайдо қилишга ҳаракат қилинади. Бундан ташқари, тарбияланувчилар эътиборини “Музқаймоқ” ҳикоясида ёритилган тарихий шароит, қатағон йиллари юз берган адолатсизликлар, ёвузликлар, камситишларнинг адиб шахси шаклланишига, ёзувчилик тақдирига таъсирини кўсатиш ўринли бўлади. Мазкур вазиятни ўқувчилар тарих дарсларида олган билимлари асосида янада мустаҳкамлаш мумкин.

Тадқиқот жараёнида, зарурат бўлганда, ўқитувчи ҳикоянинг диққатга сазовор ўринларини қайта ўқиб бериши мақсадга мувофиқ бўлади. Аввал ўқувчиларнинг эътибори ҳикоянинг иккинчи хатбошисига қопга солиб, бекитиб ташлаган китобларга тортилади. Болалар ҳикояни ўқиганларида ўша даврдаги тарихий шароит ҳақида қисман тасаввурга эга бўлганлар. Уларни ўша билганлари асосида мазкур вазиятнинг сабаблари ҳақида мулоҳаза

¹ С. Аҳмедов, Р. Қўчқоров, Ш. Ризасев. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик-мажмуа. – Т.: «Маънавият», 2005. 126-б.

юритишга ундалади: “**Китоблардаги суратлар нега шундай ҳолатга солинган? Китоблар нега беркитиб қўйилган? Улар кимдан беркитилган?**” Ҳикоя қаҳрамонининг дадаси китобларни нима учун яшириб қўйганлиги ҳақида ўқувчилар ўйлаб кўришсин. Бу ҳол уларнинг китоб ўқиш борасидаги тасаввурларига қанчалик мувофиқ келиши ҳақида мулоҳаза юритганлари маъқул. Китоблардаги суратларнинг аянчли ҳолати ва бунинг сабаблари матнга таянган ҳолда очиб беришга уринилса, болалар изланадилар, мушоҳада юритадилар. Шу тариқа, беихтиёр матн мазмунига кириб борадилар.

Тарбияланувчилар асар қаҳрамони бўлган боланинг меҳмон келишидан олдинги кўнгил нотинчлигига диққат қилишса, ҳикоя тасвиридаги табиийлик намоён бўлади. Инсон кўнгли баъзан содир бўладиган хурсандчилик ёки нохушликни олдиндан сезади, безовталанади. Бундай ҳолат билан болалар ҳам ўзларининг қисқагина ҳаётий тажрибаларида, агар ўзларини кузатган бўлсалар, тўқнашган бўлишлари мумкин. Фақат бунга ҳамisha ҳам эътибор берилмайдими. Ўқувчилардан шундай ҳолатга тушган-тушмаганлари сўралади. Шунда улар ўз руҳиятлари тадқиқига ҳам юз тутадилар.

Матнда “**Юр, болам! Сенга битта музқаймоқ олиб берай!**”, деган жумла бор. Ҳикоянинг “Музқаймоқ” деб номланишига мана шу таклиф сабаб бўлганми ёки бошқа асос борми? Ўқувчиларнинг бу борада жиддий мулоҳаза юритишлари уларнинг маънавияти шаклланиши учун фойдалидир.

Ўқувчилар ҳикоянинг бошқача номланиши мақсадга мувофиқ эмаслигини муаллимларига асослаб беришга уринишлари, шундай асосни матндан қидириб топишлари, асарнинг бундан бошқача номланиши кутилган маънавий-руҳий таъсирни бермаслигини исботлашга ҳаракат қилишлари жуда муҳим. Адабиёт дарсида бу саволга дарҳол ҳаммани қониқтирадиган жавоб топилмаслиги мумкин, лекин болаларни шу ҳақда кейин ҳам ўйлаб юришга ундаш зарур. Бу билан бола мантиқий мушоҳада юритишга йўналтирилади. Бу ўринда ўқитувчининг ўз қатъий, ҳал қилувчи фикрини айтиши адабий таълимнинг бугунги мақсадига асло мувофиқ келмайди. Асарни ўқувчи ўзи учун ўзи кашф қилмоғи лозим.

Боланинг “дийдаси қаттиқ” дадасига муносабатини муҳокама

қилишга ундовчи “**Дадасининг ўта баджаҳллиги борасидаги боланинг тасавури тўғри деб ўйлайсизми?**” деган саволни ўртага ташлаб, имкон қадар кўпроқ болаларнинг фикрларини эшитиш керак. Болалар бунинг сабабларини топишга уриниб кўрсинлар. Бунинг учун улар мавҳум мулоҳазаларга эмас, балки ҳикоя матнига асосланишларига, болаларнинг ўз фикрини лўнда, аниқ ифодалашларига, такрорларга йўл қўймасликларига эришиш жуда муҳим.

Ёш тадқиқотчиларнинг эътибори “**Графинни синдириб қўйган ўғлига берган жазо отанинг асл қиёфасини билдирадими? Йўқми? Бун қандай аниқлаш мумкин?**” тарзидаги савол билан ота шахсини очишга қаратилади. Ўқувчилар матндан отанинг асл қиёфасини намоёиш этувчи ўринларни, унинг асабий ҳолати сабабларини очиб берувчи тасвирларни қидириб топишлари керак. Саволнинг биринчи қисмига жавоб қидириш асносида ўқувчилар ўзлари сезмаган ҳолда саволнинг иккинчи қисмига ҳам жавоб топишга киришадилар. Улар отанинг бу жараёндаги фаолиятини тафтиш қиладилар, ҳатти-ҳаракатларини ўз нуқтаи назарлари билан баҳолайдилар. Ўз ўғлига қилган қаттиққўлликидан отанинг пушаймони, унинг баджаҳллигига онанинг муносабати, қаҳрамоннинг ўз хулосалари ҳам тадқиқотчиларнинг назаридан четда қолишига йўл қўймаслик керак.

Ўқувчилар оила учун шундай таҳликали шароитда уйда тинтув ўтказаетган ҳарбийлардан бирига “**малла сочларининг учлари қошларига нафис эгилиб тушган хушсурат ўрис капитан...**”, деб баҳо берган ҳикоя қаҳрамони шахсига хос ахлоқий-маънафий сифатлар ва руҳий хусусиятларга эътибор қаратганлари маъқул бўлади. Уйларига бостириб кириб, яқинларини қақшатиб, додлатиб, тинтув ўтказаетган ўрис капитаннинг хушсуратлигини пайқаганлиги боланинг гўзалликка, эзгуликка ташналиги туфайлими ёки бўлажак ёзувчига хос синчковликнинг ибтидоий куртақларими эканлиги борасида ўқувчилар жиддий мулоҳаза юритишга ундалиши ўта фойдалидир. Инсон шахси тадқиқи билан шуғулланаётган ўқувчилар дарҳол жўяли фикр айтолмасалар саволларни очиқ қолдириш, уларга кейинчалик бўлса ҳам, жавоб излаш ҳақида топшириқ бериш лозим.

Олтинчи синф ўқувчилари “**Уйларини тинтиётган ҳарбийларга ёрдам берган ва улардан бирининг мақтовидан яйраб кетган**

боланинг табиати ҳақида ўйлаб кўринг ва бунини баҳолаш”, деб берилган топшириқни ўринлатиш жараёнида асар қаҳрамони табиатига теранроқ назар ташлайдилар. Болакай руҳиятига хос алоҳида жиҳатлар хусусида ўз фикрларини шакллантириш имкониятига эга бўладилар. Топшириқ берилгандан кейин болаларга йўналиш бериш учун матннинг шу ўрнини ўқиб бериш мумкин. Тадқиқот жараёнида ўқитувчининг кўмагига муҳтожлик сезилганда фикр айтишга жуда эҳтиёт бўлиш зарур. Ўқитувчининг фикри синфда ҳоким бўлиб қолмаслиги, ҳамма учун умумий хулосага айланмаслиги керак. Ўқитувчи ўқувчиларга фақат йўналиш бериши ёки ўз фикрини бир мулоҳаза сифатида ўртага ташлаши мақсадга мувофиқ.

Ҳикояда: “*Аммо ўша дақиқада, афсус-надоматлар бўлсинким, унинг сўзларидан ғурурланиб кетганим ҳам ҳақиқат, мудҳиш ҳақиқат!*” — деган иқдор бор. Ўқувчи-тадқиқотчилар диққати боланинг кейинчалик ўзидан ижирганишига сабаб бўлган ҳолатнинг таҳлилига жалб этилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Болалар томонидан қандай фикр айтилса ҳам, улар қай даражада мантиқли ёки мантиқсиз, асосли ёки асоссиз бўлишига қарамай, ўқувчилар фикр айтганликлари учун дашном эшитмасликлари шарт. Фақат мантиқан асосли фикр билдирганларга энгилгина рағбат ишораси қилинса, кифоя. Болалар бундан ўзлари учун тегишли хулосани чиқариб оладилар, бир-бирларининг фикрлари ҳақида дарсдан кейин ҳам ўйлаб кўрадилар, ўзиники билан таққослайдилар, ўз хулосаларини чиқарадиларки, бу — адабиёт ўқитиш учун олий натижа.

Тадқиқотчилар эътибори тадқиқотнинг асосий объектига — асар қаҳрамони табиатини англашга, унинг ўзига хос болакай эканлигини ҳис этишга қаратилади. Унинг “...*гумбур-гумбур садолару оташин кўшиқлар қулоғимга чалиниши билан худди ноғорага ўрганган ҳарбий отдай оёқларим ўз-ўзидан рақсга тушиб, юрагим хаприқиб кетаверарди*”, деган иқдорини тафтиш қилиш яхши самара бериши мумкин. Ўқувчилар ўзларини ўша боланинг ўрнига кўйиб кўрсалар, ҳам қаҳрамонни англаш, ҳам ўзларини билиш нуқтаи назаридан бир поғона юксалишга эришишлари мумкин. Бу ҳолатни тафтиш этишга уриниш болаларни ўйга толдириши табиий. Улар боланинг характери намоён бўладиган хатти-ҳаракатлари тасвирланган бир қанча ўринларни қайта

ўқишга, уларни бир-бирига таққослашга, матнда боланинг руҳият чизгилари акс этган ўринларни қайтадан кўришга мажбур бўлишади. Ҳўқитувчи уларга кўмаклашиш мақсадида боланинг ҳар қандай шароитда ҳам, аввало, бола эканлигини, уни тушунмоқ учун болаларга хос мезонлар билан ёндашиш лозимлигини айтиб бериши мумкин.

Бунинг учун ҳикоянинг энг сўнгги жумласини ўқиш боланинг ўшандаги хатти-ҳаракати билан ҳарбийнинг мақтовидан яйраб кетгандаги ҳолатларини ўзаро қиёслаш тадқиқотчиларга қаҳрамоннинг табиатини тўлиқроқ очиш имконини беради. Айни бир боланинг айни бир одамларга икки хил вазиятдаги тамомила қарама-қарши муносабати ўқувчиларда ҳам одам деган яратилганингда жуда мураккаб ва англаш мушкул мавжудот эканлиги ҳақида қаноат уйғотади. Асар ниҳоясида тасвирланган боланинг аламли чинқириви сабабини аниқлашга уриниш ҳикоя таҳлили борасида илгари силжиш имконини беради. Боланинг кўнглидан аламли чинқирик чиқишига туртки бўлган, **“НКВД ходимларининг мақтови ҳам, аксиланқилобчилар кирдикорларини фoш этган хушёр пионер эканлигим ҳам — бари ёдимдан чиқиб, “Дадажон”, — деганча отамнинг тиззасини қучоқлаб олдим”** тарзидаги ҳолатни юзага келтирган ҳаётий-руҳий сабаб нималиги ҳақида ўқувчилар жиддий ўйлаб кўрганлари маъқул. Болалар бунга дейдаси қаттиқ отанинг кўз ёши ёки унинг афсус-надоматлари ёхуд отанинг болага, боланинг отага бўлган меҳри сабаб бўлганлигини топиш учун изланишлари, матнни шу мақсадда қайта идрок этишга уринишлари гоят муҳимдир.

“Музқаймоқ”нинг ўзига хос жиҳати шундаки, у қаҳрамонлар табиатини очиб берадиган турли лавҳалар тасвиридан ташкил топган. У аксарият ҳикоялар сингари бир воқеа натижасида туғилган ҳолатлар тасвирига бағишланган эмас. Шу боис ўқитувчи асарнинг ҳар бир алоҳида лавҳасининг чуқур тадқиқ этилишига аҳамият бериши жоиз. Пушкиннинг дафтарга чизилган суратидан гўё мамлакатдаги тузумга қарши яширин ёзилган чақириқни топишга доир тасвири тадқиқ қилиш учун ўқитувчи матннинг шу қисмини қайта ўқиб бериши ўринли бўлади. Шунда ҳикоячи боланинг ҳолатига ўқувчи-тадқиқотчиларнинг диққати қаратилади. Отаси қамалгани туфайли кўнгли ўксик боланинг тийиқсиз ҳаяжони, ўзини ўртоқлари сингари беҳижолат, хотиржам кўриш

истаги, шу ватаннинг фарзанди бўлиш шарафига эришиш хоҳиши пок қалбли ўсмирнинг чексиз хаёлотини ўзи истаган йўналишларда парвоз этишга ундаганлигини ўқувчилар кашф эта билсалар, қаҳрамонни тушунадилар, шу тариқа ўзларига ўшаган бир инсонни очадилар.

Боланинг биринчи бўлиш истаги сабабларини ўқувчилар тушунишга уринишлари керак. Асар қаҳрамони йўқ нарсани биринчи бўлиб топишни жуда қаттиқ истаганлигини матнга таянган ва қаҳрамоннинг ҳаракатларини баҳолаган ҳолда изоҳлаш ўқувчилар учун маънавий ўсишнинг воситаси бўлади. Боланинг ҳовлиқишлари билан онанинг кўзларига ёш олиб ёзғириши сабабларини талабалар ҳис этишлари керак. Ўқувчилар сурати хурмат тахтасига осилмаганлигини кўрган ҳикоячи келган хулосага муносабат билдиришлари лозим.

Ҳикоядаги бошқа бир тасвирга — отанинг Сталин номини бирон марта тилга олмаганига, унинг аёли ва фарзандларидан, айниқса, музқаймоқ олиб беролмагани боис ўғлидан кечирим сўраши манзарасига ўқувчиларнинг диққати тортилади. Отанинг кўнглида Сталинга, жамиятга бўлган эътиқоду ишончнинг сўниб қолгани сабабларини очишга тадқиқотчилар уриниб кўришлари лозим. Бир сўзли, дийдаси қаттиқ отанинг видолашув чоғида аёлидан пулни қийналиб олишига диққат қаратиш, учинчи синф ўқувчиси зиммасига оиланинг энг катта эркаги деган масъулиятнинг юкланиши, чинакам айрилиқни руҳан ҳис қилган боланинг ҳолатини англашга уриниш ўқувчилар маънавияти шаклланишида муҳим ўрин тутди.

Шу тариқа адабий қаҳрамон шахси тадқиқига қаратилган дарсларда тарбияланувчилар ўзгаларни кашф этиш асносида ўзларини тадқиқ қилиб борадилар, руҳий дунёсини таҳлил қиладилар, ўзлигини англаб борадилар.

Таққослаш, қиёслаш методи. Бу ҳам янги билим ва тушунчаларни ўзлаштиришда кенг қўлланиладиган таълим методи ҳисобланади. Янги ўзлаштириладиган билимларни аввалгилари билан таққослаш усули, ўз навбатида, янги тушунчаларни мустақил равишда тадқиқ қилишнинг бир кўринишидир. Таққослаш методи асосида ўқувчиларда синфдошларининг исбот ва далилларига ўзларининг мантиқий қарашларини қарши қўйишга интилишлари ётади.

Мавзуларни таққослаш асосида исботлашнинг ўқитувчи томонидан ўқув материални танлаш ҳам, унинг ўқувчилар томонидан эгалланиши ҳам жуда қийин кечади. Сабаби бу усулдан ҳаммиша ҳар хил вазиятларда, ҳолатларда фойдаланишга тўғри келади. Қийин мавзуларни таққослаб ўзлаштириш билим эгаллашда унчалар қийналмайдиган ўқувчидан ҳам анчагина фикрий зўриқишни талаб қилади. Адабиёт дарсларида бу методдан фойдаланилганда ўқитувчи ўқувчилардан матнда мавжуд бўлган қарама-қаршиликларни таққослаш билан исботлаб кўрсатишни талаб қилиши ҳам мумкин. Ўқитувчи томонидан шундай савол ёки масаланинг қўйилиши, фаразларнинг илгари сурилиши, улардан бирининг тўғрилигини исботлаш фикрлар тўқнашуви асносида амалга оширилади, мустақил фаолият асосида мустаҳкамланади. Бу метод ҳам билимли ўқувчиларга мўлжалланган бўлиб кўп вақт, билим ва малака талаб қилади.

Бу методдан “Ўткан кунлар” романидаги Кумушбиби ва Зайнаб тимсолларини, “Музқаймоқ” ҳикояси бош қаҳрамони билан “Нидо” достонининг бош қаҳрамони тимсолларини, “Бемор” ҳикоясидаги бетоб аёл билан “Минг бир жон” ҳикоясидаги касал аёл образларини, “Уч оға-ини ботирлар” эртагидаги шоҳ билан Кенжа ботир ҳикоясидаги шоҳ тимсолини, “Менинг ўғригина болам” ҳикоясидаги Қора буви билан “Урушнинг сўнгги қурбони” ҳикоясидаги она тимсоли ва ҳоказо қатор образларни таққослаб, ўқувчиларни инсон шахсини ўрганишга, фазилатларини очишга ўргатиш мумкин бўлади.

Индуктив ва дедуктив метод. Ўқувчини мустақил мулоҳаза юритишга ўргатишда таълимнинг индуктив, дедуктив методларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Сўнгги йилларда дедуктив таълимга эътибор кучайди. Бу таълимдан индуктив ёндашувни четлатиш дегани эмас, албатта. Тафаккурнинг индуктив усулларини шакллантирмай туриб, таълимда ёки мустақил мулоҳаза юритишга ўргатишда муваффақиятларга умид қилиш мумкин эмас. Индуктив ёки дедуктив методларни қўллаш ўрганилаётган ўқув материалнинг мантигини ажратишда, яъни хусусийдан умумийга ёки умумийдан хусусийга ўтишда аҳамият касб этади.

Ю. Бабанский индуктив методни қўллаганда ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятининг қуйидаги икки варианты мавжудлигини

кўрсатади: биринчи вариантда ўқитувчи аввал фактларни келтиради, тажрибани, кўргазма материалини намойиш этади, топшириқларни бажаришни ташкил қилади, ўқувчиларни аста-секинлик билан тушунчаларни аниқлашга, қонуниятларни ўзлаштириш ва фикрларни умумлаштиришга олиб боради. Ўқувчилар хусусий фактларни ўзлаштирадilar, сўнгра ўқув характеридаги умумлашма хулосаларни чиқарадилар. Иккинчи вариантда ўқитувчи ўқувчиларнинг олдига хусусий жиҳатлардан умумий ҳолатларга етакловчи, умумий хулосаларга олиб келувчи муаммоли масалаларни қўяди. Ўқувчилар фактлар устида мустақил равишда мулоҳаза юритадилар ва хулосалар чиқариб, умумлашмалар қиладилар¹.

Бугунги адабий таълимда ўқувчи маънавий камолотини таъминлаш мақсадида мустақил фикрлаш ва эркин фаолиятга ундаш етакчилик қиладиган экан, индуктив методнинг биринчи варианты мутлақо тўғри келмайди. Иккинчи вариант — ўқитувчининг хусусий жиҳатлардан умумий ҳолатларга етакловчи, умумий хулосаларга олиб келувчи муаммоли масалаларни қўйиши ва ўқувчиларнинг ҳақиқатлар устида мустақил равишда мулоҳаза юритиб, хулосалар чиқариб, умумлашмалар қилиши — кўпроқ самара беради.

Индуктив методнинг заиф томонлари шундан иборатки, унда янги мавзунини ўзлаштиришда дедуктивга нисбатан кўпроқ вақт талаб қилинади. Бу метод ўқувчининг мавҳум тафаккурини ўстиришга хизмат қилади. Мактаб адабий таълимида ўқувчиларни мустақил фикрлашга одатлантириш учун қуйи синфларда индуктив методидан фойдаланиб, синфлар юқорилаб боргани сари аста-секинлик билан дедуктивга ўтиш ўринлироқ бўлади. Чунки қуйи синфларда нарса, ҳодиса ва билимларнинг кўпроқ хусусий томонлари ўрганилади.

Бошланғич синфларнинг “Ўқиш китоби” да тавсия этилган “Уй ҳайвонлари”, “Қушлар”, “Балиқлар” сингари мавзуларни индуктив методдан фойдаланган ҳолда ўтиш мумкин. Масалан, уй ҳайвонлари билан ўқувчиларни таништириш учун уларга тайёр маълумотлар берилмай, мавзу ва манбалар уй вазифаси сифатида топширилади. Дарсда дарстахтага кўплаб уй ҳайвонларининг расми

¹ Бабанский Ю. К. Методы обучения в современной общеобразовательной школе. — Москва: «Просвещение», 1985. — 150-153-б.

қўйилади. Сўнг ўқувчилардан улар тўплаган билимлар асосида ҳайвонларнинг ҳар бирига хос бўлган индивидуал хусусиятлар сўралади. **“Отнинг ўзигагина хос бўлган хусусиятлари нималардан иборат?”** саволи болалардан от ҳақида билганларини айтишни талаб қилади. Маълумки, бия сутидан қимиз олинади, туёғига тақа қоқилади, унинг гўшtidан қазидан қилинади, от кишнайдидан, отдан спортда, улоқда, урушларда фойдаланилади ва ҳоказо. **“Эшакнинг фақат ўзига хос хусусиятларидан нималарни биласиз?”** саволи ўқувчини эшакни тасаввур қилишга, у ҳақда ўқиганларини айтишга йўналтиради. Бошқа барча уй ҳайвонларининг шундай индивидуал хусусиятлари ўқувчилар томонидан тўлиқ очиб бўлингач, уларнинг барчасидан учун умумий бўлган жиҳатлар ҳақида сўралади. Ўқувчилар уй ҳайвонларининг ҳаммасидан одам учун хизмат қилишини, ҳаммасидан тирик туғиши, ҳаммасидан одамлар томонидан боқилиши, ҳаммасидан ўт-ем билан озукланиши, ҳаммасининг оёғидан тўртталиғидан, ҳаммасининг туёғидан борлиғидан ва ҳоказоларни билганларича айтадилар. Бу жараёнда билим билан хотира биргаликда фаолият кўрсатади. Ўқувчилар билимларни ўқитувчидан тайёр ҳолда олмай, ўзлари билганларини намойиш этадилар.

Таълимнинг дедуктив методидан қўллаганда, умуман, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаолияти қуйидагидан тарзда бўлади: ўқитувчи аввал қонунда ёки қонуннинг умумий жиҳатини сўрайди, аста-секинлик билан унинг хусусий томонларига ўтади, сўнг биргаликда маълум масалани ечишга киришилади. Ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида аввал умумий ҳолатни ўзлаштирадидилар, сўнг улардан келиб чиқадиган хусусий жиҳатларни ўрганадилар.

Ўқитувчи адабий таълим мақсадидан келиб чиқиб дедуктив методни қўллаганда, яъни матн устида ишлашда умумий ҳолатлардан хусусий жиҳатларга ўтиш жараёнида ҳам ўқувчини мустақил мулоҳаза юритишга ўргатади. Ўқитувчи ўқувчиларга йўналиш бериши, йўл-йўриқларни тақдим этиши адабий таълим мақсадига кўпроқ мувофиқ келади. Кўрсатилган йўлдан ўқувчиларнинг ўзлари умумийликдан хусусий жиҳатларни ажратиши, уларни фарқлаши, асослаши ва хулосалар чиқариши лозим бўлади.

Дедуктив метод ўқув материални нисбатан тез ўтиш имконини беради. Ўқувчининг мустақил фикрлашини ўстиради. Адабий

таълим жараёнида шароитдан келиб чиқиб, индуктив ва дедуктив методларни биргаликда қўллаш ҳам катта самара беради. Бир дарснинг ўзида бир масала юзасидан аввал хусусийни аниқлаб, ундан умумийга ўтиш ва иккинчи бир муаммо бўйича аввал умумийни ажратиб, сўнг хусусийга, майда тафсилларга ўтиш жараёни ҳам ўқувчилар тасаввури тиниқлашуви, хулосалари қатъийлашувига кўмак беради.

Бугун миллий педагогикага “интерфаол методлар” номи билан кириб келаётган методлар ўқувчи-ўқитувчидан ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарфламай, қисқа вақт ичида юксак натижаларга эришиш мақсадини назарда тутати. Қисқа вақт мобайнида зарур назарий билимларни ўқувчига етказиш, унда маълум фаолият юзасидан кўникма, малака ҳосил қилиш, шу билан бирга, билим, кўникма ва малакаларни назорат қилиш ҳамда баҳолаш ўқитувчидан юксак педагогик маҳорат ва чаққонликни талаб қилади. Бугунги кунда қатор ривожланган мамлакатларда қўлланилаётган “Ақлий ҳужум”, “6х6х6”, “Кластер”, “Қарорлар шажараси” сингари методларнинг айримларидан адабий таълим жараёнидаги бадий асар таҳлилида ҳам фойдаланиш мумкин. Аслини олганда, бу методларнинг таълимдаги мантиқий методлардан фарқи унча катта эмас. Уларнинг барчаси замирида муаммоли методнинг унсурлари мавжуд.

Масалан, “Ақлий ҳужум” методининг мақсади ўқувчиларнинг дарс жараёнидаги фаоллигини ошириш, уларни эркин, мустақил мулоҳаза юритишга ундаш, ҳаммани бир хил қолипда фикрлашдан қутқариш, маълум мавзу юзасидан ҳар хил фикрларни тўплаш ва масалага ижодий ёндашувни таъминлашдан иборат. Бу методдан фойдаланилганда савол ёки топшириқлар ёрдамида муаммога “ҳужум” қилинади. Ўқувчилар ўз олдиларига қўйилган муайян масала бўйича мулоҳаза юритадилар. Масала атрофида ишлаётган, мулоҳаза юритаётган ҳар бир ўқувчи томонидан айtilган фикрни рағбатлантириш, қайд этиб бориш, ҳар бир иштирокчининг эркинлигини таъминлаш, билдирилган фикрлар муаллифлари томонидан асосланишини талаб қилиш, токи фикрлар тугамагунча баҳсни давом эттириш талаб қилинади. Ўқувчилар томонидан айтилаётган фикрларни алоҳида баҳолаш, уларни танқид қилиш ёки фикрлардан кулиш таъқиқланади.

“Ақлий ҳужум” — ўқув муаммоларини ҳал қилишда кенг

қўлланиладиган метод. У қатнашчиларнинг тасаввурлари, бор билими ва имкониятларидан унумли фойдаланишга йўналтирилган. Мазкур метод ўқувчи олдида қўйилган ҳар қандай муаммоли масалага кўп сонли ечимлар топишга имкон яратади. Ақлий ҳужумдан фойдаланилганда қуйидаги қоидаларга амал қилинади: 1. Ўйлаш жараёнида ҳеч қандай баҳолашларга йўл қўйилмайди. Агар ўйлаш жараёнидаги ғоялар баҳоланганидан бўлса, қатнашчилар манфаатдорлик йўлига тушадилар ва ўз фикр-ғояларини ҳимоя қилишга берилиб кетиб, янги фикр айтиш, кашфиётлар қилишни ўйламай қўядилар. 2. Ҳар бир ўқувчи битта масала юзасидан ўта хилма-хил мулоҳазалар топишга йўналтирилади. Ўқувчиларда кутилмаган фикр, фавқуллодда ғоялар туғилмаса, қатнашчилар ўз фикрларини қайта қўллашга, бир-бирларини такрорлашга мажбур бўладилар. 3. Ғоя ва фикрларнинг миқдори рағбатлантирилади. Маълумки, миқдор, одатда, ўсиб, сифатга айланади. Тезкор изчиликда катта миқдордаги ғоялар пайдо бўлганда уларни баҳолаш мумкин. Қатнашчиларнинг ўз тасаввурларига эрк беришига имконият яратилиши керак. Бу эркинлик натижасида яхши, бетакрор ва кучли ғоялар туғилади. 4. Ҳар бир ўқувчи ўзгалар ғоясига асосланиши ва уларни ўзгартириши мумкин. Чунки фикрдан фикр туғилади. Олдин таклиф этилган ғояларни бириктириш ёки ўзгартириш кўпинча асос бўлган фикрдан кучлироқ, яхшироқ ғояларни келтириб чиқаради.

“Ақлий ҳужум” методидан фойдаланиш жараёни қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

1. Ўқувчилар эркин ўтирадиган қилиб жойлаштирилади.
2. Ғоя ва фикрларни ёзиш учун дарстахта ёки варақлар тайёрлаб қўйилади.
3. Ҳал этилиши лозим бўлган муаммо аниқланади.
4. Иш жараёни белгилаб олинади: а) ғоялар баҳоланмайди; б) фикрлашга тўлиқ эрк берилади; в) ғоялар кўп бўлишига (миқдорга) интилинади; г) ўқувчилар фаолияти “илғаб олинг”, “илиб олинг”, “ғояларга асосланинг”, “қўшинг”, “кенгайтиринг”, “ўзгартиринг” сингари чақирқиқларга асосан уюштирилади;
5. Қўйилган муаммо юзасидан фикрлар сўралади ва ёзиб борилади;

6. Ўзгаларнинг фикрларидан кулиш, кинояли шарҳлар ва майна қилишларга асло йўл қўйилмайди;

7. Варақлар ғоя ва фикрлар билан тўлганда улар кўринарли ерга осиб қўйилади;

8. Ғоялар тугамагунча иш давом эттирилаверилади;

9. Шундан сўнг янги, кучли, асосли ва оригинал ғоялар ўқитувчи томонидан рағбатлантирилади, баҳоланади.

Абдурауф Фитратнинг «Юрт қайғуси I», «Юрт қайғуси II» номдаги сочма шеърини¹ “Ақлий ҳужум” методидан фойдаланилган ҳолда ўтиш учун ўқувчини ақлий мувозанатдан, лоқайдликдан чиқарадиган қўйидаги савол-топшириқларни бериш мумкин:

“Номусини бот кишиларнинг оёқлари остинда кўруб, турклик қони қайнағай, муулмонлик ҳамияти тошгай, тамуғ оловлари каби сачрагай. Лекин ўз кучсизлигини англаб, қайтиб ўтирган ва қон йиғлаган турк...” сизнингча ким?

“Сенинг омонатингга хиёнат қилганларни эз, ур, ўлдур!” шаклидаги чақириқ кимга қаратилган ва “хиёнатчи” ким деб ўйлайсиз?

Шоирнинг: *“...юқорида айтдигим ишларнинг ҳаммасига ўзим сабаб бўлдим, барчасини ўзим қилдим, сенинг Туронингни ўзим талатдим, сенинг туркингни ўзим эздирдим, сенинг омонатларингга хиёнат ўзим қилдим”*, — деган иқрори тўғрисида нима дейсиз? Сиз ҳам Фитратни хиёнатчи деб ҳисоблайсизми ёки бу ерда бошқачароқ фикр борми?

“Мен қўлимга топширдигинг қилични ташлаб чолғуни олмаса эдим, Туроним таланмас эди!..” сатрларидаги юрт учун курашиш ўрнига чолғу билан кўнгил очишни қандай тушунасиз?

“Сенинг дунёда сиғмаган ҳайратингга онт ичаманки, Туронинг эски шараф ва улуглигини қайтармасдан бурун оёқдан турмасман”. Шоир онт ичишга асос қилиб олган ҳайратни сиз қандай тушунасиз?

“Турон”, “Туркистон”, “турк”, “турклик” тушунчалари ҳақида мулоҳаза юритинг. Уларни қандай тушунасиз?

¹ Каримов Н., Норматов У. Адабиёт. 5-синф учун дарслик-мажмуа. — Т.: «Ўқитувчи», 2006. — 352 б.

Асарда йигитнинг хаёлини ўғирлаган соҳибжамол Хотун, Сизнингча, кимнинг тимсоли?

“Бир Хотунки, эғнида ипакли, лекин йиртиқ ва эски бир кўйлақдан бошқа бир кийим йўқ” тарзида тасвирга эътибор қилинг. Нега Хотуннинг кийими ипакли-ю, йиртиқ?

“Ёнимда, кўзимда, миямда, юрагимда нима ахтарасан, нечук кетмайсан? Қайғу тутунлари ичра ёғдусиз қолган кўзларинг нечук ёш ёмғурлари тўқадур?” шаклидаги мурожаатга асосланиб аёлнинг кўзлари нега ёғдусизлиги, нима учун йиғлаётгани ҳақида ўйлаб кўринг.

“Билдим... Билдим... Англадим! Сен менинг Ватанимсан, Ватанимнинг мунгли хаёлисан” тарзидаги кашфиёт нимага асосланган? Асар қаҳрамонини безовта қилган аёл – Ватан эканлигига сиз ҳам ишондингизми?

“Эй, муқаддас Туронимнинг хаёли, кетмай тур, айрилма. Ёнимда, кўзларимда, юрагимда, виждонимда қол, кетма. Юртим, Туроним, сендан айрилмоқ, менинг ўлимим” хитобининг мазмунини чақишга уриниб кўринг.

Муаллиф тилидан айтилган: **“Сенинг учун ўлмоқ — менинг тириклигимдур”** шаклидаги хитобнинг маъносини англатинг. Ўлимнинг тириклик бўлишини қандай изоҳлайсиз?

Мана шу каби савол-топшириқлар ўқувчиларни руҳий лоқайдликдан чиқаради, уларнинг ҳар бирини ўзича ўйлашга, ўз муносабатини билдиришга мажбур қилади. Яна шу нарса ҳақиқатки, бу савол-топшириқларнинг ҳаммасига синфдаги барча ўқувчи жавоб бериши шарт эмас. Ақли етган, фикри бор болалар жавоб бераверадилар, қолганлар улар ҳақида мулоҳаза юритадилар, жавоб беролмаган тақдирда ҳам, фикрий лоқайдликдан чиқадиларки, адабий таълим учун бу катта ҳодисадир.

“бхбхб” методи. Адабий таълим жараёнида фойдаланиш мумкин бўлган методларнинг яна бири “бхбхб” методидир. Адабий асарлар таҳлили жараёнида мазкур методдан фойдаланишда адабиёт ўқитувчисидан педагогик маҳорат ва зийраклик, гуруҳларни оқилона шакллантира билиш талаб қилинади. Бу методда синфдаги ўқувчилар олти-олтитадан олти гуруҳга бўлинади. Жами 36 ўқувчи иштирок этади. Гуруҳларга муайян номлар берилди. Дарс мавзуси эълон қилиниб, маълум вақт белгиланади. Ўқувчилар мавзу атрофида баҳслашадилар, ўз муносабатларини билдирадилар.

Мавзу бўйича белгиланган вақт якунлангач ўқитувчи гуруҳларнинг аъзоларини алмаштиради. Янги гуруҳда аввалги гуруҳдан битта вакил қолади ва у ўз гуруҳининг мавзу юзасидан чиқарган хулосаларини янги гуруҳга баён этади. Янги гуруҳ аъзолари аввалги гуруҳнинг фикр ва хулосаларини ўрганадилар, унга ўз муносабатларини билдирадилар. Шу тариқа қисқа вақт оралиғида ўқувчилар томонидан ҳам мавзу юзасидан фикр билдирилади, ҳам бу фикрлар уларнинг ўзлари томонидан таҳлил қилинади.

Синфдаги ўқувчилардан кичик гуруҳлар ташкил этишда қуйидагиларга амал қилинади: 1. Гуруҳлар ўқитувчи томонидан белгиланади. 2. Гуруҳга раҳбарлик қила оладиган ўқувчи ва гуруҳ аъзолари олдиндан аниқ белгилаб олинади. 3. Ҳар бир гуруҳга зеҳни ва қобилиятли ҳамда бўшроқ ўзлаштирадиган ўқувчилар, имкон қадар, тенг тақсимлашга ҳаркат қилинади. Гуруҳлар бир-бирига муносиб аъзолар билан тўлдирилади ва вазифалари белгиланади. 4. Гуруҳ раҳбари ва аъзоларига вазифалари тушунтирилади. 5. Ҳар бир гуруҳ доира шаклида ўтириши, гуруҳнинг ҳар бир аъзоси бир-бирини кўриб туриши шарт. 6. Иш жараёнида ҳар бир гуруҳнинг фаолиятига, ғояларига эътибор бериб борилади. Яхши ғоя эгалари рағбатлантирилади.

Бундай гуруҳларни ташкил этишдан аввал: ўқувчиларнинг шу ишни бажаришга билим ва малакалари етарлилигига ишонч ҳосил қилиш; гуруҳларга аниқ йўл-йўриқлар кўрсатиш; вазифанинг бажарилиши учун етарли вақт ажратиш; ўз вазифасини вақтдан илгари бажарган гуруҳнинг бандлигини таъминлашга тайёр бўлиш; қўйиладиган масала мураккаб бўлганда гуруҳ аъзолари сонини кенгайтириш; баҳолаш ва мукофотлаш жараёнининг гуруҳ аъзоларига таъсирига тайёрланиш; кучли гуруҳларни мукофотлаш; бажарилган иш натижасини қандай топшириш йўллари ҳақида ўйлаб кўриш ва маълум қилиш; жамоанинг эркинлигига имконият яратиш керак бўлади.

Бу методдан фойдаланилганда ўқувчилар гуруҳини бундай аралаш тарзда ташкил этишнинг ўзига яраша салбий томонлари ҳам мавжуд. Маълумки, аралаш гуруҳларда кўпроқ кучли ўқувчилар ишлайди. Ўртача ва бўш ўзлаштирадиган ўқувчилар уларнинг олдида “юмилиб” қоладилар. Чунки вақт тигиз бўлади. Демак, ҳамма ўқувчилар дарсда фаол қатнашмайдилар. Шунинг

учун синфдаги кучли, тез фикрлайдиган, тез ишлайдиган, мазкур ўқув фанини яхши кўрадиган ўқувчиларни алоҳида, яхшиларни алоҳида, ўртачаларни алоҳида ва секин фикрлайдиганларни алоҳида гуруҳлаштириб, ҳар бир гуруҳга ўзининг имконияти доирасидаги вазифани бериш ҳам мумкин. Маълумки, ўқувчилар ўзларига ўхшаган, билим даражаси бир хил бўлган синфдошлари билан яқин бўладилар. Ўз давраларида “очилади”лар. Бу очилиш уларда шахслик сифатларининг шаклланишига кўмаклашади. Гуруҳларнинг билими баҳоланаётганда урғу берилган топшириқнинг қийинлик даражасига қаратилади. Ҳамма гуруҳ учун ажратилган вақт бир хил, лекин топшириқларнинг даражаси ҳар хил. Гап шундаки, ҳамма ўқувчилар белгиланган вақт оралиғида ўз имкониятлари доирасидаги вазифани муваффақиятли уддалайдилар ва ғалаба нашидасини сурадилар. Бу нашида инсоннинг руҳий камолотини таъминлайди.

Умар Сайфиддиннинг “Наҳорат” асарини¹ юқоридаги методдан фойдаланган ҳолда ўтиш учун столлар тахминан: «Навоий набиралари», «Лутфий набиралари», «Бобур набиралари», «Машраб набиралари», «Огаҳий набиралари» ва «Қодирий набиралари» тарзида номланади ва ўқувчиларнинг қўлига «Навоий набираси-1», «Огаҳий набираси-2» ёки «Машраб набираси-3», «Лутфий набираси-6» ва ҳоказо тарзда рақамланган қарточкалар берилди. Шунда ҳар бир ўқувчи ўзининг ким билан ишлашини аниқлаб олади ва ўзларига белгиланган стол атрофида ўтиради.

Ўқитувчи ҳикоя мутолаасидан сўнг турфа фикрлар келтириб чиқариши мумкин бўлган савол-топшириқларни алоҳида қоғозларда столларга қўйиб чиқади. Уларни бажариш стол атрофида ўтирган ўқувчиларнинг асосий топшириғи ҳисобланади.

Биринчи столдаги ўқувчилар юртини соғинган ёш зобит кўзига Бабинанинг шу қадар ирkit ва ёқимсиз кўринишига сабаб нима эканлиги ҳақида ўйлаб кўришлари учун уларнинг столига: “Ёш зобитнинг Бабинада тўхтаган жойи унга бу қадар ирkit ва ёқимсиз кўринишига сабаб нима деб ўйлайсиз?”, “Қаҳрамон ҳолатини ҳис қилишга уриниб кўринг: **“Чироқ йўқ. Сассиқ, ёғли бир қурум босган тунука қандил сариқ ва сўник нур таратади. Вужудим, зехним ҳорғин... Тушуна олмайман”** иқрорига эътибор қилинг.

¹ Йўлдошев К., Қосимов Б. Адабиёт. 7-синф учун дарслик-мажмуа. – Т.: «Ўқитувчи», 2004. – 384 б.

“Зеҳннинг ҳорғин” лиги сабабини изоҳланг” топшириғи ёзилган карточка кўйилади.

Бу стол атрофига жамланган ўқувчилар ҳикоянинг “21 январ, 1319 (1903) йил, Бабина” деб номланган биринчи бўлими бўйича ишлайдилар. Улар йигит кўзига ҳамма нарсанинг бунчалар жирканч кўриниши, унинг хорғинлиги урушдан чарчаганидан эканини, вужуди ҳам, зеҳни ҳам ўзига ёқимсиз ишларни қилаётганидан толиққанидан эканини кашф қиладилар. Қон томчиларининг юзига тегиб кетишидан бунчалар қўрқошига қараб зобитнинг табиатан хунукликдан, қон ва қон тўкишдан йироқ одам эканлигини илғайдилар. Ўқувчилар қаҳрамоннинг хорғинлиги куз ҳавоси билан нақадар ҳамоҳанглигини пайқайдилар ва инсоннинг табиатга қанчалар яқин эканини яна бир бор ҳис қиладилар. Ўқувчилардан йигитнинг диққатини тортган бир сасга, аёл товушига, бу саснинг унга таъсири ва бунинг сабабларига эътибор қаратишлари ва шу каби ҳодисалар атрофида мулоҳаза юритишлари талаб қилинади.

Иккинчи столга: “Ҳикоячининг: *“Ҳаёт уйқу бўлса, ишқ унинг рўёсидур. Мана — энг буюк ҳақиқат”* деган фикрига кўшилмасми? Ёш зобитнинг: *“...деворлардаги ёзувларга бир неча сатр илова қиламан. Лекин бу на бир шикоят, на бир оҳ бўлади! Тотли, тоза бир хотира...”* шаклидаги хурсандлиги сабабини аниқлашнинг”, *“Майдончадаги гўзал, башанг, келишган қиз билан узоқдан бир севишиш! Унинг исмини ҳам билмайман. Сўрашдан нима фойда? Уни билмасам, фақат ёзувларимгина мени унга боғлаб қўйди”* сингари иқрорига таяниб шахсини баҳоланг” топшириғи кўйилади.

Бу стол атрофига жамланган ўқувчилар зобитнинг ҳаётдан чиқарган хулосасига асар матнига таянган ҳолда муносабат билдиришлари керак. Улар ҳикоянинг “Январ, 1319 (1903)” ва “Феврал, 1319 (1904)” деб номланган бўлимлари устида ишлайдилар.

Йигитнинг эси ҳам, ғами ҳам кетиши, унинг кўзига булғор қизи бунчалар чиройли кўриниши сабаблари ҳақида мулоҳаза юритадилар. Шу тариқа улар ишқ аталмиш туйғунинг қудратини кашф этадилар. Бу столдаги ўқувчилар зобитнинг ҳолатини тушунишга, унинг ҳар бир хатти-ҳаракати, сўзи, очиқ иқрорларига таянган ҳолда шахсига муносабат билдиришга уриниб кўришлари керак. Бу столдаги ўқувчиларнинг вазифаси шундан иборат бўлади.

Учинчи столга: “Ёш зобит устозининг: **“Фазилатли бўлмақ инсоннинг қўлида эмас. Лекин истаса, номусли бўла олади, бу ихтиёрий бир нарсадир!”** — деган сўзларини нима учун хотирлади деб ўйлайсиз? Бу сўзларнинг йигитга қандай алоқаси бор?”, **“Унинг фикрича, ким яширин қилган ишини кўпчилик билиб қолган ҳисоблаб, жазо қонунномасининг моддаларини хотирига олса, номуссиз бўлишдан қутулади. Лекин фазилат — ичдан келадиغان бир нарса. Бунга зўрлик билан эришмоққа уриниш “риёкорлик” бўлар эди. Бир кишида фазилат ё бор, ё йўқ. Орзу билан, ирода билан унга эришиб бўлмайди”** деган фикрга муносабат билдиринг. Зобит йигитнинг гўзал булғор қизига муҳаббат изҳор қилмаганлиги сабабини тушунтиришга уриниб кўринг. Йигитнинг ўзидан норози бўлиб: **“...буларнинг ҳаммасини ўйлаб ўтирмай, муҳокамасиз қилолсам эди”** қабилидаги армонига ва шундай қиллолмаётганининг сабаблари ҳақида ўйлаб кўринг, муносабат билдиринг” топшириғи кўйилади.

Бу стол атрофига йиғилган ўқувчилар ҳам ҳикоянинг “Феврал, 1319 (1904)” деб номланган бўлими устида ишлайдилар. Ўз руҳиятини бунчалар тафтиш қила оладиган, ҳар бир иши учун руҳий жавобгарликни ҳис қилиб турган одамнинг ҳеч қандай фазилат эгаси бўлмаслиги мумкинми? Ўзини, туйғулари ва хатти-ҳаракатини бунчалар таҳлил қилиш фазилатми, иллатми? Унинг армони кўнглидан, ўзлигидан чиқаётирми ёки ақлнинг гапими? Бу столдаги ўқувчилар мана шу фикрлар атрофида мулоҳаза юритишлари ва қатъий бир хулосага келишлари, ўз қарорларини асослашлари керак бўлади.

Тўртинчи столга: **“Бутун орзум қочмоқ, бандиликдан қутулмоқ, ватанини, оилани абадий тарқ этмоқ. Нотаниш олисларда биргина муҳаббат билан яшамок!** “сингари хаёллар зобит йигит табиатининг қандай жиҳатларини кўрсатишини англадинг. Ундаги масъулият, бурч сингари туйғуларнинг кучли эканлиги сабабини тушунтиринг. Зобитнинг ватансеварлиги намоён бўлган ўринларни кўрсатинг, изоҳланг” топшириқлари кўйилади.

Бу топшириқ атрофида жамланган ўқувчилар зобит орзусининг ҳеч қачон рўёбга чиқмаслигига аниқ ишонгани ҳолда нега бундай хаёлларга берилгани, уни бунга етаклаган қандай туйғулар эканини кейинги жумлаларга таянган ҳолда таҳлил қиладилар.

Бешинчи столга: “Зобитнинг кундалигига: **“Наш”лар шунчалар эҳтиросли, шунчалар жонли, шунчалар ошиқона, шунчалар қизғин эдики...**” деб ёзганлиги сабабини тушунтиринг. Чиндан шундаймиди ёки бунга бошқа сабаб бормиди? Зобит хаёлан қизга қарата: **“Алвидо, эй ҳануз исмини билмаганим, лекин руҳини англаганим гўзал қиз!”** — дея мурожаат қилганида ҳақмиди? У ўзи айтмоқчи булғор қизининг руҳини билармиди? Ҳикоячининг муҳаббат ҳақидаги ҳаяжонли ва кўтаринки хулосаларига муносабат билдиринг. Қўшиқнинг асл маъносини англагандан кейин зобит тушган ҳолатга муносабат билдиринг” топшириқлари қўйилади.

Бешинчи стол атрофида жамланган ўқувчилар ўртага қўйилган саволларга асар матнига таянган ҳолда жавоб берадилар, муносабат билдирадилар. Ўқитувчи чиқарилган хулосаларнинг асосланишини талаб қилишни унутмас, бас.

Олтинчи столга: “Булғор қизи Рада ҳамда турк зобитида ўз ватанига муҳаббат туйғуси, миллий гурур ва шахсий жасорат ҳисси қай тарзда намоен бўлганини таққосланг. Сиз кимнинг хатти-ҳаракатини маъқуллайсиз? Ҳар иккала қахрамоннинг ватанга муҳаббати ҳақида ўйлаб кўрнинг. Бу туйғу уларнинг қай бирида кучли деб ўйлайсиз? Нима учун? Фикрингизни асосланг” сингари вазифалар қўйилади.

Ўқитувчи синфдаги ўқувчиларнинг имкониятига қараб саволларни камайтириши, қайси гуруҳга қайси карточкани бериши ҳақида ҳам алоҳида ўйлаб кўриши керак. Карточкалардаги савол-топшириқларнинг қийинлик даражаси ўқитувчининг назаридан четда қолиши мумкин эмас.

Ўқувчилар зобитнинг ватансеварлик ва бурч туйғулари, изтироблари, орзулари, одамни баҳолашдаги бирёқлама муносабати ва бунинг сабабларини изоҳлашлари, фикрларини асослашлари лозим. Ўқувчилар ҳикоячи йигитнинг ҳали бирор оғиз гаплашмаган қизни деб ватандан кечса, онаси ва отаси қандай ҳолга тушиши мумкинлиги ҳақидаги ўйлари тасвирига эътибор қаратишлари, муносабат билдиришлари, ўзаро тортишишлари, баҳслашишлари, фикрларини исботлашлари мумкин. Ана шунда зобитни, унинг муҳаббатга ташна қалб туйғуларини англайдилар, изтиробларини ҳис қиладилар, сифатларини баҳолайдилар. Шу тариқа одамни ўрганадилар.

Ҳар бир столда, ҳар бир ўқувчининг қўлида асар матни очик

ҳолда туриши мақсадга мувофиқ. Чунки адабиёт дарсларида фақат матн билан, сўз билан ишланади. Бу жараёнда ўқитувчининг вазифаси ҳар бир стол атрофида ўтирган ўқувчилар фикрини эшитиш, зарур бўлганда йўналтирувчи саволларни ўртага ташлашдан иборат бўлади. Ҳар бир столдаги қўйилган масала юзасидан қатъий бир қарор қозоғга тушириб борилиши керак бўлади. Бу иш ўқувчилардан жиддийлик ва масъулиятни талаб қилади.

Кейинги пайтларда адабий таълим амалиётида “ноанъанавий дарс” номини олган баҳс-мунозара, мусобақа, сценарийли дарс, конференция дарс, саёҳат дарси, назм дарси, таҳлил дарси каби дарс турлари кенг тарқалди. Таълимнинг бундай тури 7 – 10-синфлар адабиёт дарсларида самарадор эканига шубҳа йўқ. Бу даврда ўқувчиларнинг ҳаётий, баъзан фалсафий характердаги муаммоларни ҳал этишга мойиллиги кучли бўлади. Бу “дарс”ларнинг кўпчилигини суҳбат методининг ҳар хил усуллари, шакллари дейиш ҳам мумкин.

Уларнинг орасида “Сценарийли дарс» номи билан таълим амалиётига кириб келган метод бевосита ўқувчиларни ижодга ундаши билан аҳамиятли. Бу масала С. Яминова томонидан алоҳида тадқиқот тарзида ишланган¹. Ўрганилган асарлар юзасидан сценарий тузиш ҳам ўзига хос ижод маҳсули. Бу жараёнда ҳам ўқувчилар мустақил фикрлайдилар, ижод қилдилар. Адабий таълим жараёнида ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатишда сценарийли ўқитишдан ҳам фойдаланиш мумкин.

Маълумки, адабий таълимда бу методларнинг барчаси замирида асарларнинг бадиий таҳлили ётади. Асарларни ҳар хил методлар кўмагида ўқув таҳлилига тортишда, улар билан ишлаш борасида ўқувчиларнинг тасаввурларини уйғотадиган, мантиқий мулоҳаза юритишга ундайдиган, фақат ўз фикри ва хулосасини айтишга мажбур қиладиган савол-топшириқлар бериш лозим. **“Мазкур вазиятда Анвар билан Раъно ўзларини қандай тутдилар? Уларнинг хатти-ҳаракатлари маъносини очинг. Уларнинг сўзлари ортида қандай фикр ва туйғулар бор? Шуларга таяниб қаҳрамонларга тавсифнома ёзинг”** ёки бирор эпизод асносида **“Сиз нима дейсиз,**

¹ Яминова С. Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини шакллантиришда сценарийли ўқитиш усулидан фойдаланиш. Пед. фан. номзоди... дисс. — Т., 1997.

мана шу сахна қанчалик табиий? Мазкур ҳодисалар тасвири Алпомишнинг ҳолатини ифодалашда қандай ўрин тутади? Булар асарда бўлмаслиги мумкинми?” ёхуд “Кейинги саҳифаларни ўқимасдан бурун Раънонинг ҳаётида шундай бурилишлар бўлишини тасаввур қилганмидингиз?” ёки “Анварда бугунги китобхон учун ёт бўлган қандай сифатлар бор? Бугунги кунда қаҳрамонга хос қайси сифатлар ўз қимматини йўқотмаган?” ёинки “Бу қаҳрамонларнинг ҳар бири сизда қандай туйғу ва фикрлар уйғотади?” ё “Мирзо Улуғбекнинг айтганлари ортида қандай туйғулар бор? Унинг руҳий ҳолати қандай?”, “Хумоюннинг нутқидан яқинлашиб келаётган фалокат сезиладими? Бошқача яқун бўлиши мумкинмиди? Унинг бу қарорини сиз қандай баҳолайсиз?”, “Бўри полвон тимсолини яратишда муаллиф замондошларининг қандай фикр ва туйғуларига таянган?” “Сиз, шундай муҳаббат трагедияларига йўл кўярмидингиз?” ва ҳоказо савол, топшириқлар ўқувчини, шубҳасиз, мустақил мулоҳаза юритишга, ўзининг ҳам, қаҳрамоннинг ҳам туйғуларини кузатишга, уларни ажратишга ўргатади. Муҳимни номуҳимдан фарқлашга, қарашларини асослашга, фикрларини исботлашга ва ҳимоя қилишга, зарур бўлганда ўз ғоялари учун курашишга одатлантиради.

Китобхонда туйғуларнинг жунбушга келиши ақлнинг жим туриши дегани эмас. Ўқитувчи ўқувчининг тафаккури фаолиятсизлигига йўл қўймаслиги керак. Таҳлил қилмай, моҳиятига кирмай, ўйламай бадиий асарни ўзлаштириб бўлмайди. Айнан шундай вазиятда, ақл ва туйғулар ҳамкорлигида бола тафаккурининг мустақиллиги юзага келади. Мустақил фикр билан айни замонда, манتيқий ва образли тафаккур ҳам ривожланади.

Таълимнинг мантиқий методлари ўқувчилар мустақил фикрини ўстириш асоси ҳисобланади. Улар ўқув жараёнида ўқувчининг мустақил фикрлашини ривожлантиради, унда билим олиш йўлида меҳнат қилиш кўникмасини шакллантиради.

Мактабда ўқувчига фикрлашнинг турли йўл ва усуллари ўргатилиши керак. Аммо анъанавий дидактикада мустақил фикрлашга ўргатиш мактабнинг муҳим мақсади сифатида эмас, балки ўқувчиларнинг билимини кўпайтириш ва хотирасини мустаҳкамлаш мақсадига хизмат қиладиган оралиқ масала тарзида қаралапти. Бундан ташқари, шу вақтга қадар ўқувчилар тафаккурини ривожлантириш муаммосини тадқиқ қилиш билан

фақат психологлар шуғулланишган. Мақтаб ўқитувчилари бугунгача ҳам ўқувчиларнинг, умуман, фикрлаш, хусусан, мустақил фикрлаш қобилиятини ўстиришнинг назарий ва амалий асослари билан таниш эмаслар. Бундан келиб чиқадики, педагог ва методист мутахассисларнинг куч-ғайрати ўқувчиларда мустақил равишда билим олишни ва уларнинг ижодий қобилиятларини ўстиришни мақсад қилган дидактика талабларини ўзлаштиришга қаратилиши лозим.

Ўқувчиларнинг мустақил равишда фикр юритиш, билим олиш ва ижодкорлик қобилиятини тарбиялашга эришиш бугунги умутаълим мактабларининг асосий вазибаларидан бўлиши мақсадга мувофиқ. Педагог олимлар ҳам мактаб таълимининг барча босқичларида тафаккурни, унинг мустақиллигини таъминлаш баркамол шахсни шакллантиришдай олий мақсадга эришиш йўли эканини билишлари мақсадга мувофиқдир.

ЎҚУВЧИЛАРДА МУСТАҚИЛ ФИКРНИ ЮЗАГА КЕЛТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ВОСИТАЛАРИ

Адабиёт дарсларида ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Болани ижодга йўналтириш (эртак, ҳикоя, шеър, топишмоқлар тўқишга ундаш), турли мавзуларда иншо ёзишни топшириш, мустақил ишлар, уй вазибаларини мустақил фикрлашга йўналтирадиган шаклларда бериш ҳам катта самара келтириши мумкин.

Ижодкорлик. Адабий таълимда тарбияланувчиларни ижодга ундаш уларни мустақил фикрлашга йўналтиришда етакчи аҳамият касб этади. Маълумки, мактабгача ёшдаги болалар учун энг ёқимли нарса — катталарнинг улар билан ўйнаши. Одатда, бизнинг катталар болалар билан ўйнамайдилар. Уларнинг “жиддийроқ” ишлари кўп. Аслида, болаларга ўргатиш, уларни ўқитиш эмас, айнан улар билан биргаликда ўйнаш, уларга ўхшаб хаёлпарастлик қилиш, эртаклар, шеърлар, топишмоқлар тўқиш, ҳар хил ҳодисалар ўйлаб топиш жараёнида иштирок этиш уларнинг маънавий шаклланишида кўпроқ фойда келтиради. Болаларнинг ақлий ривожланишини, юксак орзулар қилишга ва уларни амалга оширишга қодир бўлишини истаган ҳар қандай одам уларнинг

ижодга ошно бўлишини таъминлаши керак. Ижодкорлик мустақил фикрлашга ўргатиш асосидир.

Болалар ижодига мантиқнинг етарли даражада эмаслигини тушуниш мумкин. Чунки мақсад улар ижодига чуқур мантиқ ёки юксак маъно бўлишига эришиш эмас. Улар кейинроқ, таълим-тарбиянинг юқорироқ босқичларида пайдо бўлади. Дастлабки пайтларда муҳими — ижод жараёни. Мактабгача ва бошланғич мактаб ёшидаги болалар ижодий ишларни жон-дили билан бажарадилар ва бундан олам-олам завқ оладилар. Шу завқ, шу ёқимли туйғулар муҳим. Шу завқни қайта туйиш эҳтиёжи уни ривожланиш сари етаклайди. Тарбиянинг мана шу хили бола табиий тараққиёти билан ҳамоҳанг кечади. Бу жараёнда болалар тасаввурини, хаёлпарастлигини рағбатлантириш ва уларнинг ижодига имконият яратиб бериш керак. Бола учун қизиқарли бўлган ҳар қандай фаолият — фойдали. Бола нимани хоҳласа, нимага қизиқса, шуни қилиб кўриши керак. Одатда, ёш болалар ўз имкониятлари доирасидан ташқаридаги ишлар билан шуғулланишни хуш кўрадилар. Бу улар учун ўсиш, ривожланишнинг ягона йўлидир. Болалар шунинг учун ҳам катталарнинг ишларига кўп аралашадилар, қўлларидан келмайдиган нарсаларни қилишга чиранадилар. Бу уларнинг табиатидаги ривожланиш, ўсиш сари табиий ингилишидир.

Мактабгача тарбия муассасалари, бошланғич синфлар адабий машғулотларида тарбияланувчиларни ижодга ундашнинг йўллари жуда кўп. Масалан: ҳаммага таниш “Зумрад ва Қиммат” ёки “Ургўқмоқ” эртақларининг номини айтмасдан ундаги бешта таниш сўз: “меҳнаткаш”, “эрка”, “ўғай она”, “ўрмон”, “сеҳргар кампир” ҳамда бегона олтинчи сўз “вертолёт” кўмагида янги эртақ тузиш вазифасини топшириш мумкин. Ёки “очил дастурхон”, “лайлак”, “шум болалар”, “қайнар хумча”, “чол” ва бегона сўз “учар гилам” кўмагида янги эртақ тўқишга ундаш мумкин. Ёхуд тутаган эртақни давом эттириш, қаҳрамонларнинг кейинги ҳаётини тасаввур қилишни талаб этиш ҳам ўта фойдали ижод тури ҳисобланади. Ўқитувчи ёки ота-она шундай ўйин-топшириқлар ёрдамида шаклланаётган шахснинг янги нарсага муносабатини ўрганадилар, унинг янги, бегона сўздан фойдалана билиш қобилиятини шакллантирадилар.

Эртақ қаҳрамонлари характерини ўзгартириш билан ҳам

болаларни мустақил фикрлашга ўргатиш мумкин. Масалан: Зумрадни салбий, Қимматни ижобий, ўғай онани ижобий, чолни салбий образ сифатида тасаввур қилиб янги асар яратишни талаб қилиш ҳам болаларни зийракликка ўргатади. Эртақлар, уларни ким тўқишидан қатъи назар, кўпинча инсон мантиқий фикри эмас, хаёлотининг маҳсули бўлади. Болаларнинг эса фантазияси ўта кучли. Бундан ўқиш дарсларида унумли фойдалана билиш керак, холос. Таниш эртақ сюжети асосида янги эртақ яратиш, яъни ўша қаҳрамонлар иштирокида бошқа эртақ тўқиш, мавжуд қаҳрамонларнинг номларини алмаштириб, янги матн яратиш, хотира билан ўйнаш — сўзлар ва ҳодисаларни эслаш, синфда ҳикоячи ролини бажариш — ўйлаб топилган воқеани айтиб бериш сингари ижодий ишларни амалга ошириш мумкин.

Бундай эртақ тўқиш, ҳикоячи ўрнини эгаллаш сингари машғулотлар жараёнида тарбиячи-ўқитувчилар болаларнинг ижодини, у қандай бўлишидан қатъи назар, ёзиб бориши катта самара беради. Бола устозининг бирор нарсани ўзгартириб ёзмаганлиги, тушириб қолдирмаганини назорат қилади. Бу унга ўз сўзи, яратиғи эътиборсиз қолмаганини англатади. Булардан ташқари, бошланғич синфларда дарстахтага бирини кўрсатиб, иккинчисини кўрсатмай икки сўз ёзиш ёки расм қўйиш, шу сўз ёхуд расмлар асосида ҳикоя тузишни талаб қилиш ҳам мумкин. Масалан, ёруғлик — (қалам), шкаф — (ит) сўз ё расмлар жуфтлиги иштирокида ҳикоя тузиш талаб қилинганда ёш ижодкорлар сўзлар жуфтлигидаги иккинчи сўзнинг нималигини билмайдилар. Шу сўзни қидириб дунё-дунё воқеаларни айтиб юборганликларини ўзлари ҳам сезмай қоладилар. Қимнинг эртагида мана шу икки сўз ҳам ёки расм ҳам иштирок этганини ўқитувчи белгилаб боради ва ўйиннинг охирида буни юзага чиқаради. Бу ўйиндан мақсад беркитилган сўзни топиш эмас, болаларни ижодга, унинг учун ўта фойдали бўлган машғулотга ундашдан иборат.

Ёки “Нима қилардинг агар...” (давоми кутилмаган саволлар) дунёда пул бўлмаса; дунёни пул босиб кетса; Тошкент бошқа планетага тушиб қолса; динозавр билан тўқнашиб қолсанг; сув ости шаҳарчасига тушиб қолсанг; парилар мамлакатига бориб қолсанг; сеҳргар бўлиб қолсанг; мактаб директори бўлиб қолсанг, президент бўлиб қолсанг ва ҳоказо ғайриоддий, хаёлпарастликка ундайдиган саволлар билан ҳам болаларни ижодга йўналтириш мумкин.

Бирор эртақнинг мазмунини ўзгартириб қайта айтиш ҳам анча жиддий, ижодий ўйин. Фақат бунинг учун аввал зарур вазиятни яратиб олиш керак. Болалар табиатан эртақлар аслининг тарафдори бўладилар. Улар эртақларнинг айна ўша биринчи марта эшитган сўзлар билан айтилишини истайдилар. Ўша таниш сўзларни, улар дастлабки ҳолатида эслаб қолган ибораларни, ўша ҳаяжонни қайтадан туйиш, яна қайта ҳайратланиш, шодланиш уларга хуш ёқади.

Психологларнинг айтишича, бола дунёнинг ўзи ўзлаштириб олган ҳолатидан тез-тез ўзгариб туришини хушламайди. Унинг бошқача йўналишга қўйилиши, яъни таниш эртақни ўзгачароқ шаклда эшитиш болага ёқмайди. У сўзларни тузатишга, эртақчига воқеаларнинг аслини эслатишга уринади. Бу жараён болани ўйлантиради, безовта қилади, зийраклантиради, излантиради, хушёрликка ундайди, ақли, хотирасини кучайтиради. Бола ўша аввал туйган лаззат, ҳаяжон, кўрқувни қайта ҳис қилгиси келади. Ўша туйғуларни қилиради. Агар у эртақнинг ўзгарган ҳолати билан келишган тақдирда ҳам, ундаги ўзгаришлар болани янги туйғуларни ҳис қилишга мажбур қилади. Улар энди эртақ билан эмас, ўз-ўзлари билан ўйнайдилар. Ўзларига жавобгарликни оладилар. Бу ҳол болани ёмон кучлардан кўрқмасликка, яхшиликлардан завқланишга, гўзалликдан ҳайратланишга ўргатади. Умуман, боланинг қаҳрамонларга муносабатида ўзгариш бўлади.

Бола ҳақиқий ҳаёт билан ўйлаб топилган ҳодисалар орасидаги фарқни англаб боради. Бу ўйиннинг болани мулоҳаза юритишга ундайдиган иккинчи жиҳати шундаки, бола эртақни ўзича таҳлил қилиб боради. Унинг дастлабки варианты билан янгисини таққослайди. Бир вақтнинг ўзида эртақнинг ҳар иккала шаклига ўзига яраша муносабат билдиради. Ўқитувчи ўқувчиси хаёлидаги мана шу муносабатни, таҳлилни, таққослашни сўзга айлантира олиши, юзага чиқара билиши керак. Унинг ўқитувчилик вазифаси мана шуни тақозо қилади. Ижолкорликнинг ёзма кўриниши иншоларда ўз аксини топади.

Бундан ташқари, болалардан топишмоқлар тўқишни талаб қилиш ҳам уларнинг маънавий камолоти учун жуда фойдали. Топишмоқ тўқишда ўқувчида мантиқ ва тасаввур ҳаракатга келади. Маълумки, болалар топишмоқларни яхши кўришади. Бунинг асосий сабаби шундаки, улар болаларнинг билганларини ҳақиқатга

айлантиради. Бола учун дунё сирли нарсаларга, тушунарсиз ҳодисаларга, англаб бўлмайдиган шаклларга тўла. Бола мана шу сирли оламга, билиши лозим бўлган дунёга кириши, жараёнда иштирок этиши, йўналтирувчи ёки тўғридан тўғри саволлар ёрдамида топишмоқни топиши керак. Бу билиш жараёни кутилмаган қачфиёт шаклида содир бўлади. Боланинг изланишдан олган лаззати жавоб излашда, унинг кутилмаганлигида бўлади. Ҳайвон давомида у машқ қилади, ақлини, хотирасини зўриқтиради, билимини пешлайди, фикрлайди, яратади.

Режалаштириш. Бошланғич синфлар “Ўқиш китоби” дарсликларига бадий матн устида ишланаётганда ўқувчиларга матн асосида режа тузиш ва ўқилганларни шу асосда қайта ҳикоялаш кўп талаб қилинади. Бунда ўқувчиларда режа тузиш кўникмалари шаклланишига эътибор қаратиш, улар асар қисмларининг мантиқий алоқасини қандай ўзлаштирганлигини аниқлаб бориш назарда тутилади. Одатда, ўқитувчилар топшириқнинг иккинчи қисмига, асар матнини қайта ҳикоялатишга кўпроқ урғу берадилар. Шунинг учун ўқувчилар юқори синфга борганда ҳам иншо ёзиш учун режа тузишга қийналадилар. Асар матнини қайта ҳикоялаш, ҳатто у ижодий характерда бўлса ҳам, боланинг маънавиятига керакли нарсани бермайди. У ўқувчининг нутқини ўстириши мумкин, холос. Режа тузишни талаб қилишдан мақсад боланинг тасаввури ва тафаккурини уйғотиш, уни муҳимни номуҳимдан ажратишга, руҳий безовталиққа, изланишга, билганини тафтиш қилишга, тизимга солишга ўргатишдир. Ўқувчилар онгини фаолаштирадиган бундай иш турлари нафақат асар матнининг чуқур ўзлаштирилишини таъминлайди, балки уларнинг шахсиятида ҳар қандай бадий асарни мустақил муҳокама қилишга қодир китобхонни тарбиялайди.

Қолаверса, ўқувчилар тузган режа ўқув материални улар томонидан чуқур ва мустаҳкам ўзлаштирилишига имконият яратади ва билимлар нисбатан онгли ўрганилишига эришилади. Бундан ташқари, билимларнинг онгли ўзлаштирилиши дарсда, ўқув жараёнида фаол иштирок этишга мустаҳкам таянч бўлиб хизмат қилади. Ўқув материали бўйича режа тузиш жараёнининг ўзи ўқувчиларда мантиқий мулоҳаза юритишни ҳам тарбиялаш ҳисобланади.

Ўқувчиларни режа тузишга ўргатишда уларга қуйидагича йўналишни таклиф этиш мумкин: а) берилган матнни икки марта тўлиқ ўқиб чиқиш; б) биринчи ўқишда матндаги асосий фикрни аниқлаш, ўқиш жараёнида зарур рақамлар ва янги сўзларни эслаб қолиш ёки қайд этиш; в) иккинчи ўқиш жараёнида асосий фикрларни топиш, материални маъноли бўлақларга бўлиш ва уларнинг ҳар бирини номлаш. Матндаги асосий фикрлар ангишилгандан кейингина унинг режасини тузишга киришилади. Мураккаб масалаларга дуч келинганда, алоҳида мустақил умумлашмалар, хулосалар чиқариш керак бўлганда, кўпчилик ўқувчилар режа тузишга қийналиб қоладилар. Ўқилган асар юзасидан асосий фикрни илғаб олиш ва уни мантиқий қисмларга ажрата билиш ҳамisha ҳам осон амалга ошавермайди. Режани шакллантиришда улар кўпроқ китобий тилга таянадилар, ифода тарзида китобга қарамлик сезилиб қолади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларни бошланғич синфлардаёқ режа тузиш ва унинг бажарилишини қатъий назорат қилишга одатлантириш лозим.

Маълумки, боғчагача бўлган даврда гўдақлар ўйинларни маълум тартибда ташкил этишга, уларни катталар ёрдамисиз, ўзлари охиригача олиб боришга, қатор мустақил ишларни бажаришга қодир бўлади. Хатти-ҳаракатлардаги бу мустақиллик улар боғчага, айниқса, мактабга келгандан кейин сусайиб қолади. Бола тарбиячи, ёки ўз ўқитувчисининг айтганларини сўзсиз бажаришга мажбур бўлганлиги сабаб ўз фаолиятини режалаштириш, бажариш ва назорат қилишдан маҳрум бўлади. Энди унинг ҳаётини ташкил этиш ва бошқаришга “бел боғлаган” махсус одамлар бор. Шу тарзда болаларда мустақил фикрлашни таъминлаши мумкин бўлган жуда кўп дидактик ва тарбиявий имкониятлар йўққа чиқарилади.

Ўқитувчи ўқувчиларни ўз ишларини режалаштириш, уни бажариш, бажарилган иш натижаларини текширишга ўргатиш билан уларнинг мустақил фаолиятини ривожлантиради. Ишни режалаштириш унинг предмети, мақсадини билишни талаб қилади, шу билан бирга бундай ишларни бажариш учун зарур бўлган маълум тажриба ҳам талаб қилинади. Шунинг учун ишни мустақил равишда режалаштиришга бирданига киришиб бўлмайди. Бу ишга болалар у ёки бу даражада малакага эга бўлганларидан кейин киришилади. Хатто ўқувчиларга ҳаракат режаси тақдим этилганда ҳам, унинг маълум қисмларини ўқувчилар муҳокамасига қўйиш ва уларнинг англаб стилганига ишониш керак. Ўқувчиларнинг

иштирокини аста-секинлик билан ошириб, катта ҳаётӣй ишларни режалаштиришни ўргатиб бориш керак.

Ўқувчиларга бошланғич синфларда бажариладиган ишни мустақил режалаштиришни ўргатиш юқори синфларда иншо ёзиш керак бўлганда, ёзма иш учун материал тўплаш, иншо режасини тузиш, унинг бажарилиш тартиби ва ҳажмини аввалдан белгилашда қўл келади. Дарсда, уйда, синф ва мактабдан ташқари ҳар бир ишда ўқувчи ўз режасига эга бўлиши керак. Масалан, ҳар кунги уй вазифасини бажаришда ҳар бир ўқувчининг ўз режаси бўлади: айримлар аввал қийин дарсларни бажаради, кейин нисбатан осонларига киришади. Баъзилар бунинг аксини қилишади. Шу тарзда болалар фаолиятида назарий ва амалӣй, ақлий ва жисмонӣй ишлар ўрин алмашиб туради.

Ўқувчи маълум тажриба орттиргандан сўнг баъзи ишларга сарфланадиган вақтни ҳам аввалдан белгилаб оладиган бўлади. Бошида режалаштириш маълум ақлий зўриқишни ва вақтни талаб қилади. Аста-секин бу ишга кам вақт сарфлана бориб, у вазифани бажариш жараёни билан уйғунлашиб кетади. Режа билан ишлашга ўргатишдан мақсад ўқувчини мустақил фикрлашга одатлантиришдан ташқари, топшириқни яхшироқ бажариш, вақтдан унумли фойдаланишга ўргатиш ва ишда муайян тартиб бўлишига эришишдан иборат. Мактаб мана шу жиҳатлардан келиб чиқиб, ўз ишини режалаштиришни ўқувчиларнинг ички эҳтиёжига айлантириши керак. Ўқитувчи бу ишни ўз дарси режасини ўқувчиларга эълон қилишдан бошлаши мақсадга мувофиқ бўлади. Режа баёни ўқувчи диққатини мавзунинг муҳим ўринларига тортади, унда мана шу муҳим нарсани ўзлаштириб олишга эҳтиёж уйғотади. Шу тариқа ташкил этилган дарсда ўқитувчи жавоб берадиган ўқувчини берилажак жавобни режалаштириб олишга, ундаги муҳим жиҳатлар ва хулосаларни ажрата билишга ўргатади.

Иншолар. Миллий таълим тизимига Ботиш (Ғарб) усуллари, ривожланган мамлакатлар таълими ютуқлари кириб келишининг ўзига хос ижобӣй томонлари мавжуддир. Лекин улар — европаликлар, биз эса — минглаб йиллик тарихга эга ўзбеклар эканлигимиз унутилмаслиги керак. Чиқиш (Шарқ)да азал-азалдан кўнгил тарбияси устуворлик қилиб келган. Маънавий етуклик баланд мартабада бўлган. Билимларни ўзлаштиришга, фанда

кашфиётлар қилишга руҳий безовталиқ, маънавий камолотга интилиш орқали чиқилган. Шунинг учун ҳам мактабларда аввал бадий адабиётни ўқитиш, сўздан таъсирланишга ўргатиш амалга оширилган. Руҳиятни уйғотишга ҳаракат қилинган. Безовта қалбгина изланишга қодир эканини боболар яхши тушунишган.

Замонавий миллий таълимда соғлом маънавиятни тарбиялаш бош мақсад қилиб белгилангани ҳолда амалга оширилаётган ишлар ҳозирча етарли бўлмаётир. Ботиш таълим тизимининг хусусиятларини кўр-кўрона кўчириш эмас, улар эришган ютуқларнинг ўқувчи миллий хусусиятлари, руҳий ўзига хослиги, реал жиҳатларига мос келадиган томонларини ўзлаштириш керак. Акс ҳолда, чет эл тарбияшунослигидаги ташқи жиҳатларгина ўзлаштирилиб, қилинган ҳаракатлар самарасиз кетади.

Англия таълим тизимида ҳар қандай ўқув фани бўйича, у биология бўладими, иқтисодми, эсселар ёзиш етакчилик қилади. Маълумки, эссе — эркин фикрнинг, мустақил тафаккурнинг маҳсули. У — ижод. Адабиёт дарсларида иншо ёзиш ҳам ижод. Ижоднинг ҳар иккала тури орасидаги тафовут унча катта эмас. Албатта, иншолар таълим тизимида ўрганиб қолинган анъанавий тартибда эмас, айнан ижоднинг натижаси тарзида ёзилиши керак. Адабиёт дарсларида танланган иншо мавзулари ўқитувчилар учун эски, ўқувчилар учун янги. Ўқувчиларга иншоларнинг ўйлантирадиган, қийнайдиган ёки севинтирадиган туйғуларга ҳамоҳанг мавзуларда бўлиши ёқади. Масалан, маълум шахс ҳақидаги иншо мавзулари: «Ўртоғимнинг тавсифи», “Менинг дўстим Эркин”, “Илк муҳаббатим”, “Менинг акам” ва ҳоказо; ўрганилган асарлар юзасидан: “Менга ёққан саҳифа”, “Ҳошимжонга муносабатим”, “А. Орипов ижодидан олган таассуротларим”, “Ў. Ҳошимов ижодининг қайси томонларини қадрлайман” каби мавзуларда ёзилган иншолар истисносиз ижодий йўналишда бўлади. Чунки бу иншоларни ёзиш ўқувчидан том маънода мустақил фикрлашни талаб қилади.

Ўқувчининг эркин ва мустақил мулоҳазасига асосланадиган бундай ёзма ишларни ўқув йилининг бошида, бадий асар таҳлилига бир оз ўрганилгандан кейин, ўқув йили ўрталарида ва охирида олиш болаларнинг мустақил фикрлашини ўстиради. Шу билан бирга, улардаги фикр мустақилигининг ўсишини назорат қилишга имкон беради.

Синфда асар мутолааси давомида ўқувчиларга иншо ёзишда қўл келадиган муҳим сўз ва ибораларни белгилаб боришни ўргатиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Бу нарса ўқувчиларни асарни ўқиш давомида иншо ёзишга руҳан тайёрлайди. Асар матнидаги муҳимни номуҳимдан фарқлашга ўргатади. Масалан, “Қодирийнинг ижодида мен қадрлайдиган жиҳатлар” мавзусида иншо ёздириш учун, аввало, Абдулла Қодирийнинг асарини ўқувчи севиб қола оладиган даражада таҳлил қилиш керак. Асардаги ўқувчи қалбини титратадиган ўринларни кашф қилдириш керак. Мана шу кашфиёт, ўқувчига лаззат бағишлаган топилдиқларгина адибни китобхонга севдиради. У ёзувчини асарларининг гўзал услуги, кўнгилга бориб ўрнашадиган туйғулар тасвири туфайли севиб қолади. Ва бу севги ўқувчининг иншосида ўз аксини топади.

Бундай мавзуларда кўнглида ўйи, айтар гапи бор ўқувчиларгина иншо ёзишлари мумкин. Бу иншолар мактабда ўрганиладиган шoir ёки ёзувчи ижодига ўқувчининг чунакам муҳаббатини кўрсатадиган, муаллифнинг ақлий ва руҳий ҳолатини кашф этишга бағишланган, чунакам мустақил, ўзгалардан кўчирилмаган иш бўлади. Бундай иншо ёзишда ўқувчига берилган эркинлик ва имконият уни мустақил фикрлашга, кечинмаларини сўз билан ифодалашга одатлантиради. Бу хил ёзма ишларда китобий сўз ва ибораларнинг бўлиши кўп китоб ўқиган ўқувчилар учун табиий ҳол, албатта. Асосий эътиборни ўқувчининг дарслик муаллифи ёки ўқитувчи айтганларни такрорламаётганига қаратиш лозим.

Шуни айтиш мумкинки, бугун ҳам ўқувчиларнинг кўпчилиги ўз фикрини айтишга тортинади ёки буни истамайди. Ачинарлиси, уларнинг кўпчилигида айтишга арзигулик фикрнинг ўзи йўқ. Агар мактаб адабий таълими биз тавсия этаётган йўсинда ташкил этилса, фикр кишилари кўпайиши муқаррар. Юқорида айтилган мавзу ва усулларда ўқувчилар анъанавий йўсиндагидан кўра яхшироқ ёзишади. Шу тарзда ўқувчилар матнни қайта ҳикоялашдан қутула борадилар, иншоларида ўз муносабати, интилишлари, фикр, туйғу ва истакларини ифодалай боришади. Бевосита ўқувчи шахсига қаратилган иншолар уни ижод қилишга, ўйлашга ўргатади.

Ўқитувчининг қарашлари, китоб ва қўлланмалардаги фикрлар ўқувчи ишида қўлланилиши табиий. Фақат уларнинг ўринли бўлиши, боланинг қарашларини асослашга хизмат қилиши сезилиб туриши зарур. Ўқувчига бир эмас бир нечта парчани тақдим этиш керак, токи унда ўзига ёққанини, ўзининг даражасига мос

келадиганини танлаш имкони бўлсин. Ана шунда ҳар дарсда чинакам ижод руҳи ҳукмрон бўлади.

Адабиёт дарсларида ўқувчини бадиий асарда нима айтилганига эмас, балки қандай айтилганига ҳам диққат қаратишга ўргатиш лозим. У табиат тасвири гўзаллиги, қаҳрамонлар ички кечинмалари ифодаси нозиклиги, муаллиф тилининг инжалигини ҳам кузатсин, сезсин. Адабиёт дарсларида, асар таҳлили мобайнида шундай нарсаларга эътиборли бўлган ўқувчи ижод жараёни бўлмиш иншо битишда ўйланади, изланади, билганларидан фойдаланади. Бола шуларни туйса, маънавияти тўқисроқ шаклланади. Зеро, ўқувчиларда дунёқараш шаклланиши айна шу ёшга тўғри келади.

Ўқувчи ёзган иншоларнинг мазмунли бўлишида асарнинг қайси ўринлари муваффақиятли чиққанини билиши муҳим аҳамият касб этади. Уларда бундай топқирликни шакллантириш ва ривожлантириш ўқитувчининг бурчи ҳисобланади. Бунга “Асарни ўқишдан туйганларим”, “Асардаги менга энг ёққан жиҳатлар” сингари мавзуларда иншо ёздириш билан эришиш мумкин. Ўқувчилар иншода китобдан, ўқитувчи маърузаларидан олган билимларини мустақил равишда амалиётда қўллаши ҳам мумкин. Бу билимлар ўқувчига йўналиш бериб, фикрларини тизимга солишга кўмаклашади. Акс ҳолда, бундай иншо тўла мустақил фикрлаш маҳсули бўла олмайди. Ўзи кашф қилиш бошқа, ўзгаларнинг йўналиши билан фикр юритиш бошқа, албатта. Лекин ўзгалар берган йўналиш асосида бўлса-да, фикрлай бошлаган ўқувчи маълум вақт ўтгач, албатта, мустақил фикрлашга ўтади.

Иншо муаллифи ҳар бир ишда ўз фикрини ифодалаши ёки ўзгаларнинг айтганларига қўшилиш-қўшилмаслиги сабабларини изоҳлаши керак. Бирор фикрни ёқлаш ёки инкор этиш ҳам мустақил тафаккурни талаб қилади. Ўқувчи ўз фикрларини ифодалашни, уларга ишлов беришни билиши, ўқитувчи эса дарслик ёки қўлланмалардан олинган қолипдаги ишни эмас, айнан иншони, ижод маҳсулини олиши ва текшириши керак. Ёмон баҳо билан ёниқ руҳларни сўндириш эмас, балки ўқувчиларни ижодга ундаш йўлларини топиш лозим. Ўқувчиларнинг иншода билдирган фикрларини ҳурмат қилиш, ёзма ишлардаги бирор тасвирни эътиборсиз қолдириш мумкин эмас. Муваффақиятли чиққан фикр ва хулосаларни кўрсатиш, нотўғри ифодалар ҳақида жиддий мулоҳазалар айтиш, уларнинг ўринсизлигига ўқувчиларни ишонтириш зарур.

Асар устида ишлаётган ўқувчиларга сўзга эҳтиёткорлик билан ёндашишни ўргатиш керак. Ўсмирлар ёзувчининг бадиий сўзи чин мўъжиза эканини тушуниши, ҳис қилиши зарур. Муаллиф қўллаган сўз тагида қандай фикр мавжудлигига эътибор беришни ўргатиш адабиёт ўқитувчисининг бурчидир. Ўзини қийнаётган нарсаларни ўзгаларни ҳам қийнайдиган тарзда ифодалашга, унда туғилган фикрни бошқа бир кишига таъсир қиладиган йўсинда баён эта билишга ўқувчини ундаш лозим. Шунда ўқувчилар этюд, кичикроқ ҳикоя, шеър ёки иншоларида ўзини безовта қиладиган туйғуларни ўзгаларга ҳам юқадиган тарзда ифодалашга ҳаракат қилишади. Шу тариқа сўзнинг қудрати, ижоднинг машаққат ва лаззатини ҳис қиладилар.

Адабиёт ўқувчини инсониятга ошно этади, уни одамлар дунёсига олиб киради, унда шу оламга мансублик жиҳатларини кучайтиради. Бу, ўз навбатида, унга ўзлигини англади. Ўқувчи ижод жараёнида ҳаётда мавжуд нарсани ўзи учун ўзи қайта кашф этиши ва бунинг лаззатини туйиши керак. Юксак туйғуларни ҳис қилиш гаштини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Инсон омадсизликлар, мағлубиятлар, изтироблар кетидан эришилган кашфиёт, ғалаба лаззатини туйиб кўриши керак. Ўқувчиларнинг уйғониши, руҳий мувозанатдан чиқиши, ихтиёрий равишда ҳам ақлий, ҳам руҳий зўриқиши яхши дарснинг муҳим белгисидир.

Адабий-ижодий мавзулардаги иншолар билан бир қаторда бевосита ўқувчи шахсига қаратилган эркин иншолар ҳам ёздирилиши керак. Бу иншолар болаларнинг ёш хусусияти ва бадиий дидига мос келса, мақсадга мувофиқ бўлади. Масалан, “Ўртоғимнинг тавсифи”, “Мен суйган суюкли” сингари мавзулардаги ишлар сир сақланиши керак. Ўқувчининг ўқитувчига ишончи ҳам унинг ижодидаги самимийликка гаровдир. Чинакам фикр мустақиллиги, тафаккур етуклиги, мулоҳазаларнинг самимийлиги ҳаёт, бадиий сўз ҳамда санъат ҳодисаларини чуқур таҳлил қила билишда кўринади. Тафаккур мустақиллигининг бундай даражасига ўқувчилар олдида мураккаб масалалар қўйиш билан, аста-секин эришилади. Ҳеч қандай фикрнинг йўқлигидан, нотўғри бўлса-да, фикрнинг бори маъқул. Йўқ нарсани яратишдан кўра, борининг йўналиши ёки шаклини, мазмунини ўзгартириш осонроқ.

Мустақил ишлар. Тафаккурдаги мустақиллик мураккаб мавзулар ечимига ўзига хос тарзда ёндаша билиш, қўйилган масалаларни тўғри ва мустақил равишда ҳал этиш, фикрларини ўз сўзи ва ўз услуби билан баён этиш, бир масала бўйича бошқа ўқувчиларнинг фикри ва муносабатидан фарқ қилувчи нуқтаи назарга эгалик, бошқалар томонидан айтилган мулоҳазаларга танқидий муносабат тарзида намоён бўлади. Саналган хусусиятлар кўрсатадики, фикрнинг мустақиллиги бу ўқувчиларнинг ўзгариб турувчи вазиятларда мураккаб масалаларни ҳал эта билиш қобилиятидир. Мураккаб ўқув вазифаларини ҳал этишда ўқувчиларда учрайдиган фаолият шакллари ҳамиша бир хил бўлавермайди. Айрим ўқувчиларда мустақил умумлашмалар қилишни талаб қиладиган мураккаб масалалар ечимида иштирок этишга доимий тайёрлик кузатилади. Улардаги бундай қобилият барча дарсларда бир хил кўринишда кузатилади. Бундан шундай хулоса чиқариш мумкинки, айрим дарсларда тарбияланган тафаккур фаолиятининг мустақиллиги бошқа ўқув фанларида ҳам намоён этилади. Ўқув фани ўқитувчилари дарсни ташкил этишда ўқувчи тафаккурини ижодий ишларга йўналтирувчи тамойилларга амал қилсагина, мустақил фикр юзага чиқади.

Ўқувчиларнинг эркин мавзуларда мустақил иш ёзишлари ўқитувчининг бевосита иштирокисиз бажариладиган ишдир. Бунда ўқувчилар қўйилган мақсад сари онгли, мустақил равишда ҳаракат қиладилар, ўз кучлари, ақлий имконияти ва билимини у ёки бу шаклда ифодалайдилар. Ишнинг мустақил равишда ёзилишида ўқувчининг фаолиятига ҳеч ким аралашмайди, хатти-ҳаракатлари йўналиши ва имкониятлари даражасини унинг ўзи аниқлайди. Олдига қўйилган масалани ҳам ўзи мустақил ҳал қилади. Бу жараёнда амалга ошган фаолиятни вужудга келтирувчи фикрлар мустақил фикрлаш саналади. Унга ҳеч ким йўл-йўриқ ҳам кўрсатмайди, ёрдам ҳам бермайди.

Бугунги адабий таълимнинг мазмуни асосини ёзма ва оғзаки тарздаги мустақил ишлар ташкил этади. Таълим мазмуни ва методларининг хилма-хиллиги, бойлиги тафаккурнинг чинакамига мустақиллигини таъминлайди, ривожлантиради. Эркин мавзулардаги мустақил ишлар ўқувчилар тафаккурини ўстиришга хизмат қилади. Улар болада бирор шахслик сифатларининг шаклланишига, албатта, таъсир кўрсатади.

Мустақил ишларни ташкил этишнинг энг синалган усуллари эвристик суҳбат, семинар дарслар, мантиқий топшириқлар, янги мавзуну ўрганишда муаммоли вазиятлар ва билимларни текшириш саналади. Бундан адабий таълимдаги барча тадбирлар фақат ўқувчининг мустақил фикрлашигагина қаратилиши керак, деган бирёқлама хулоса чиқмаслиги зарур. Таълим амалиётида ўқитиш борасидаги барча муаммоларни фақат бир ўзи ҳал қила оладиган метод йўқ. Бу мустақил ишларга ҳам бевосита дахлдордир.

Дарснинг мазмуни, педагогик топшириқлар мустақил ишларнинг характери ва таркибини белгилаши лозим. Ўқитувчи ўқувчилар олдида мантиқий топшириқ қўяр экан, унинг муваффақиятли бажарилиши учун зарур шарт-шароитни ҳам яратиши керак. Бунинг биринчи шарти далилларнинг етарлилиги, вазифанинг аниқ ифодаланганлигидир. Ўқитувчи ишни бажариш юзасидан дарс сўнгида 3 — 4 дақиқали суҳбат ўтказиши лозим. Ўқувчилар мустақил ишлаётганда ниманинг устида, қандай иш юритишни аниқ билишлари керак. Бундай топшириқлар дарснинг бошида ҳам, охирида ҳам, дарс жараёнида ҳам берилиши мумкин.

Иншо ва мустақил ижодий ишлар муҳокамасидан кейин уларнинг яхши чиқмай қолган ўринларини қайта ишлаш, ундан янги иш яратишга ундаш мумкин эмас. Маълум ишни бажаришни уддалай олмаган бўлса-да, йўл қўйган хатолари ва унинг сабабларини англаган ўқувчи эндиликда ўзини кейинги ишни нисбатан юқори даражада бажара олишга қодир ҳис қилади. Бироқ ўқувчига муҳокама қилиб кўришга вақт бериш ва шу жараёнда кейинги асар устида ишлашга имконият яратиш керак бўлади. Агар ўқувчининг ўзи талаб қилса, унга ишни қайта ёзиш имкониятини бериш мумкин. Бундай ижодий ишларнинг, эркин мавзулардаги иншоларнинг самарадорлиги шундаки, ўқувчи бадиий асар билан мустақил ишлашга кўникиб боради. Ўқитувчининг айтганлари ёки китобда битилганларгагина боғланиб қолмай, билимининг табиий ва зарурий чуқурлашувига эришади. Ўқувчиларда тафаккур ва фаолият мутақиллиги мустаҳкамланади.

Ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатишда ёзма ишларни таҳлил қилиш билан асар таҳилини уйғунликда амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу жараёнда асардаги ўқувчининг назаридан четда қолган ёки у нотўғри талқин қилган жиҳатларга ҳам эътибор қаратилади. Ўқувчилар томонидан бажарилган иш муҳокамаси билан бадиий асар таҳлили уйғунлашиб кетгани маъқул.

Саволлар. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтирадиган дидактик ашёлардан яна бири саволлардир. Саволлар эвристик, суҳбат, индуктив, дедуктив, ақлий ҳужум методларининг асосий воситаси ҳисобланади. Улар уй вазифаларини сўрашда ҳам етакчилик қилади. Ўқитувчининг ҳар қандай саволи, у риторик бўладими ёки ўқувчилардан бевосита жавоб талаб қиладими, ўқувчининг ақлий фаоллигини оширади. Саволлар риторик тарзда қўлланилганда уларнинг кўмагида ўрганилаётган ўқув материалининг муҳим жиҳатларига урғу берилади. Улар мана шу муҳимни яхшироқ кўришга ва хаёлан аввал ўрганилганлари билан янги ўзлаштирилаётган билимлар орасидаги алоқани тиклашга имкон беради ва шу тарзда кейинги маълумотларни диққат билан чуқурроқ ўзлаштиришга эътибор қаратилади.

Дарс давомида ўқитувчи томонидан ўқувчилар иштирокини талаб қиладиган саволлар ўртага ташланмаса, уларнинг мавзуга ижодий ёндашишларига эришиб бўлмайди. Агар ўқитувчи риторик саволлар билан бирга ўқувчилардан жавоб талаб қиладиган саволларни қўлласа, риторик савол, ўқувчиларнинг ақлини зўриқтириб, эътиборини кучайтира бориб, уларни нисбатан кучлироқ ақлий фаолият — мустақил фикрлаш асосида умумлашмалар қилишга, хулосалар чиқаришга тайёрлайди. Жавоб талаб қилинадиган савол эса ўқувчини зарурий фактларни аниқлаб, исботлаб бериш билан бирга ўз мулоҳазаларини мустақил равишда баён этиш кўникмасини тарбиялаб боради.

Ўқувчилар уларнинг олдига мустақил равишда мулоҳаза юритиш ва баҳолаш талаб қилинадиган саволлар қўйилганда фаоллашадилар. Масаланинг бундай ечимига изчил ва унча мураккаб бўлмаган муҳокамалар билан эришилади. Демак, асосий масала муҳокамасида ўқувчига маълум талаблар қўядиган ҳар қандай қўшимча савол ҳам уларнинг ақлий фаолиятини тезлаштиради. Ўқувчиларни у ёки бу далилларни тўлдиришга ёки тузатишга йўналтирадиган саволлар, албатта, уларнинг мустақил фикрлашини таъминламайди. Бу масала ўқувчи ўзлаштираётган янги билимларнинг ўзига хос жиҳатларини очишга йўналтирилган ақлий зўриқишлар талаб қилинадиган қўшимча саволлар бериш орқали ҳал этилади.

Ўқувчилар, одатда, бирор ҳодисани хотирлашга қаратилган қўшимча саволларга енгил ва эркин жавоб берадилар, уларнинг

олдига нисбатан мураккаб саволлар қўйилганда маълум қийинчиликни ҳис қиладилар. Бу қийинчилик масалани ҳал этишнинг дастлабки босқичида кузатилади. Кейинчалик ўқитувчининг кўмагида бундай вазиятларни ўзларича ҳал этадиган бўлишади. Демак, мураккаб ўқув топшириқларини қўйиш ўқувчини мувозанатдан чиқаради. Тафаккури ва хотирасини фаол ишлашга ундайди. Саволлар билан ўқувчини мураккаб вазиятга солиб қўйишдан у ёки бу янгиликни қашф этиш ёхуд топиш назарда тутилганда фойдаланилади. Ўқитувчининг саволига мустақил равишда жавоб излаб топиш жараёнида ўқувчилар маълум мураккабликларни бошдан кечиришади, бир қадар қийналишади.

Саволлар кўмагида мураккаб вазиятларни ташкил этиш билан ўқитувчи ўқувчилар билими, фикрий фаоллигини оширади, ҳодисанинг чуқур ўзлаштирилишига кўмаклашади, уларнинг тажрибасини бойитади, мураккаб масалаларнинг ечимига мустақил равишда эришишларига ёрдамлашади. Бундай фавқулодда таълимий вазият яратиш, савол билан ўқувчини ҳайратга солиш унда мавжуд аввалги тасавурларга қарама-қарши бўлганидан кучли ҳиссиёт уйғотади. Ҳайрат тушунишнинг бошланиши ва билишга олиб борадиган йўлдир.

Саволларга жавоб беришда ўқувчилар кўпинча умумий қонуниятни тўғри топадилар, бироқ буни ўзлари асослаб беролмайдилар. Улардан нега шундайлигини тушунтириш ёки айтганларини исботлаш талаб қилинганда, мазкур ҳолатга тегишли кўпгина фактларни билсалар ҳам, ўзларини йўқотиб қўядилар. Ўқувчи ўзи билган далилларни, билимларни янги тизимга, ўқитувчининг саволи талаб қилаётган янги йўналишга солиши керак бўлади. Дастлаб ўқувчини аини шу нарса қийнайди, кейинчалик фактлар аниқлангач ва берилган топшириқ унинг ақлий имкониятлари даражасидан унча узоқ эмаслиги маълум бўлгач, бу нарса тафаккурини фаоллаштиради, у қийинчиликларни ўзи бартараф этиб, масаланинг ечимини мустақил топади.

Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини уйғотишга интилган ўқитувчи саволларни мавзуга мос тарзда шакллантиради. Шунинг ўзи ўқувчининг ақлий фаолияти учун қулай шароит яратади. Ўқитувчи талабани тайёр қолиплардан қочишга, материални шунчаки қайта баён қилмай, қарашларини маълум таянч фикр

атрофига умумлаштиришга, ундан жавоб учун зарурини ажратиб олишга, фикрини қолипдаги сийқа иборалар орқали эмас, ўз сўзлари билан баён қилишга ундайди. Бундай фаолият ўқувчилардан маълум ҳодисанинг сабабларини тушунтириш, фикрларини қатъий илмий-мантиқий асосларга қуриш, воқеа-ҳодисаларни холис баҳолаш, кузатганларини умумлаштиришни талаб қилади. Бундай вазиятларда кўшимча саволлар жуда кўл келади. Кўшимча саволларнинг кучи шундаки, улар аввал ўрганилган билимларга таянади, ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини маълум даражада енгиллаштиради. Бу ўринда аввал ўзлаштирганларни такрорлаш эмас, балки ўрганилган билимдан янги йўналишда фойдаланиш талаб қилинади. Бу уларни янгилик қидиришга, номаълумни аниқлашга йўналтиради. Ўзининг билганларидан унумли фойдалана олиш ва умумлашмалар талаб қилувчи саволларга жавоб бериш ўқувчиларни ақл ишлатишга мажбур қилади.

Миллий тарбияшуносликда шу вақтга қадар савол ақлий фаолият кўриниши тарзида ўрганилмаган. Саволларнинг уйғотувчи кучи ва самара кўрсаткичи аниқланмаган. Савол тафаккурнинг мантиқий шаклига дахлдорми ёки бу оддий нутқ ҳодисасими? Билимларни ўзлаштириш жараёнида саволлар қанчалик аҳамиятли? Унинг билимларни орттириш борасидаги вазифалари нималардан иборат? С. Матжоновнинг тадқиқотида дарсликлардаги савол-топшириқлар маълум гуруҳларга ажратилган, уларнинг ўқувчи мустақил фаолиятини ташкил этишдаги, ижодий тафаккурини ўстиришдаги ўрни ва аҳамияти хусусида сўз юритилган. Лекин саволлар алоҳида тадқиқот тарзида ўрганилмаган. Саволнинг таълим усулларидан бири сифатидаги ўрнини унинг ақлий ҳодиса сифатидаги талқинисиз белгилаб бўлмайди. Шу нарса аёнки, савол индивидуал тафаккурнинг билганлари билан билмаганлари орасида турган, айнаи вақтда янги тушунча ҳамда билимларни ўзлаштиришга йўллайдиган махсус шакли. Ўқитувчининг савол бериши сабаби ўзи учун номаълум бўлган нарсани аниқлаш эмас. У ўз саволи билан ўқувчининг тафаккурини қитиқлайди, янги билимларни ўзлаштиришга ундайди. Савол тафаккурнинг билмасликдан билишга, билишнинг чалалиги ёки ноаниқлигидан тўлиқ ва аниқ шаклига ўтказадиган самарали восита ҳисобланади.

Бола тафаккури мустақиллиги даражаси унинг билим олишга қизиқиши, ўқув фанининг моҳиятига киришга интилиши, бирор ҳодиса бўйича ҳосил қилинган юзаки билимдан қониқмаганидан берган саволларида ҳам намоён бўлади. Ўқувчининг бирор ўқув фани юзасидан ўйлари, саволлари қанча кўп бўлса, мазкур предметга бўлган қизиқиши шунча баланд эканига ишониш мумкин. Шундай қилиб, саволлар нафақат қизиқишнинг чуқурлиги ўлчови, балки мустақил тафаккурнинг ривожланиши белгиси ҳамдир. Педагогик амалиётда ўқувчиларни савол беришга ундовчи қатор усуллар мавжуд. Лекин ўқувчиларнинг чуқур саволлар бериши таълим тажрибасида унча кенг тарқалмаган. Ўқитувчилар ҳар хил усуллар билан ўқувчиларни савол беришга ундайдилар. Лекин амалдаги таълим ўқувчиларни савол беришга, муаммони топиб, ечишга рағбатлантирмайди. Ўқитувчи томонидан тайёр ва тўғри ҳулосалар берилиши болада ақлий зўриқишга эҳтиёж уйғотмайди, ўқувчида мавзунини ўрганишга чуқур қизиқиш юзага келмайди. Қизиқиш бўлмаган жойда саволлар ҳам туғилмайди.

Ўқувчиларнинг саволлари матннинг ўзидан қайта ишланган, янги маълумот олишга ундайдиган, сабаб ва алоқадорлик, ички қонуниятларни аниқлайдиган бўлиши мақсадга мувофиқдир. Ниманидир аниқлашгагина қаратилган саволлар унча катта руҳий чанқоқликдан келиб чиқмаган бўлади. Аммо булар кейинчалик туғилиши мумкин бўлган чуқур мантиқли саволларга замин тайёрлаши ҳам мумкин. Ўқитувчидан бундай саволларга алоҳида эътибор билан қараш талаб қилинади ва уларнинг нисбатан мазмундорлари рағбатлантириб борилиши керак. Бундай саволларни бериш билан ўқувчи ўқув материалини маъноли бўлакларга бўлиш, кутилмаган муаммоларни топиш ва таққослаш, уларнинг орасидан яхшиларни танлаб олишни ўрганади. Баъзан бундай саволларга ўртоқларининг жавобида ўзи учун янги бўлган маълумотни олиши ҳам мумкин. Бирор нарсага аниқлик киритишга қаратилган саволлар ўзига алоҳида эътиборни талаб қилади. Чунки ўсмирлар кўпинча саволни бирор нарсани аниқлаб олиш учун беради, тасдиқ ёки рад жавобини олгачгина, нега шундайлигини сўрайди.

Ўқувчининг янги маълумот олишга қаратилган саволлари унинг дунёқарашини кенгайтиради, билимларини бойитади. Бундай

саволлар кўпинча ўз ортидан фаол ҳаракатларни етаклаб келади. Янги ахборот олган ўқувчи кўпинча фаол амалий ишга ўтади, жавобда кўрсатилган адабиётларга мурожаат қилади. Ўқувчилар бир-бирига ўхшамаган саволлар тузишга, ўз фикрларини савол тарзида тўғри шакллантиришга ҳаракат қиладилар. Саволлар ўқув материалдаги асосий ғоялар, муаммолар қай даражада чуқур ўзлаштирилганлигини кўрсатади.

Расмлар юзасидан ўзига хос савол ва масалалар тузиш ҳам ўқувчиларга материални кўз билан кўриш орқали чуқурроқ ўзлаштириш имконини беради. Бундай топшириқлар ҳамisha муваффақиятли бажарилади, муваффақият эса, ўз навбатида кейинги билимларни эгаллаш омили бўлади.

Ўқувчиларнинг ўз ўртоқларига саволлар бериши ҳам кўп ижобий сифатларга эга. Бу барча ўқувчиларнинг фаоллигини оширади, ўз саволига, ўртоқларининг жавобига танқидий назар шакллана боради. Демак, ўқувчилар тафаккурини ривожлантирувчи, билимларнинг юзакилигини бартараф қилувчи, уларга ўзгарувчанлик бағишловчи саволлар ўқув фанига нисбатан чинакам қизиқишни ҳам кўрсатади. Баъзи саволлар юзаки қизиқишни намойиш этса, бошқалари ўқув фанини чуқур ўрганишга интилишни кўрсатади. Дарсда саволларнинг кўп берилиши — ўқитувчининг катта ютуғи. У ўз тарбияланувчиларида йўналганлик бўлишини таъминлаши учун уларни сўрашга ўргатиши, ҳар бир дарсни шундай ташкил этишга уриниши керак.

Саволларнинг ўрганилган шакллардан бошқача, ўзгарган ҳолда кўйилиши ҳам тафаккур мустақиллигининг шаклланишида катта аҳамият касб этади. Бундай вазиятларда ўқувчининг тафаккури мустақил тарзда ишлай бошлайди. Негаки унинг олдида жавоб беришни талаб қиладиган вазифа қўйилган. Ўз навбатида, бу усул фикрларни ўз сўзлари билан ифодалашни ҳам талаб қилади. Бу ҳолат нафақат таълимий, балки тарбиявий аҳамият ҳам касб этади. Асосий саволларга берилган жавоблар ҳамisha ҳам старли даражада тўлиқ ва ўзлаштирилаётган ҳодисанинг барча жиҳатларини аниқ, тизимли, умумлашган тарзда қамраб олмадлиги мумкин. Шунда кўшимча саволлар керак бўлади. Улар эслашга қаратилган, ўйлашга ундайдиган саволлар бўлиб, маълум мақсадлар учун хизмат қилади ва шунинг учун аниқ қўйилади. Эслашга қаратилган саволлар ўқувчининг жавобини маълум изчилликда, ўрганилган материални

тўлиқ ва аниқ ифодалаш мақсади йўлида бўлишини таъминлайди. Бундай қўшимча саволларнинг қўйилиши ҳар қандай ҳолатда ақлий фаолликни оширади. Бу фаоллик болаларнинг қўйилган саволга жавоб беришга интилишида кўринади. Қўшимча саволлар ўқувчини материалнинг унутиб қолдирилган жиҳатларини тиклашга ёки хатоликларни тўғрилашга йўналтирганда аҳамият касб этади. Аммо бу саволларнинг ўқувчи тафаккури мустақиллигини таъминлашдаги роли чекланган бўлади.

Қўшимча саволларнинг иккинчи гуруҳи ўз билимларини жамлаш ва уларни сўров жараёнида пайдо бўлган янги масалаларни ҳал этишда ижодий қўллашни талаб қилади. Бир ўқувчига берилган қўшимча савол синфдаги бошқа ўқувчиларни ҳам ўйлашга ундайди. Ўқувчидан фикрлашни талаб қиладиган қўшимча саволлар унинг фикрлашида аниқлик йўқолиб, умумий гаплар атрофида айлана бошлаганда ўртага ташланади. Маълум исботни талаб қиладиган қўшимча саволлар қийинлиги сабабли тафаккурнинг юқори фаоллигини юзага келтиради. Фақат жавоблар ёд олинган иборалардан иборат бўлмаслиги керак. Ўқувчилар томонидан икки хил фикр ўртага ташланганда ўқитувчи бу жавобларнинг қай бири тўғрилигини исботлашни уларнинг ўзларидан талаб қилади. Такрор қўйилган масала болаларда қийинчилик уйғотмайди. Бу масала ўқувчиларнинг билганларига асосланганда уларнинг фикрлаш фаолиятини тезлаштиради.

Қийин вазиятларни вужудга келтирадиган саволлар нафақат ўқувчилар томонидан уларга тўғри ечим топилганида, балки ечим топилмаган тақдирда ҳам фойдали бўлади. Мураккаб масала ечимини ўқувчиларнинг ўзлари топишлари ҳодисанинг қонуний алоқалари улар томонидан англашилганидан далолат беради. Ишда исталган натижага эришилмаган тақдирда ҳам, бу масала ўрганилган билимлар доирасида эканлиги анланса, ўқувчилар ўрганилаётган материал устида онгли ва фаол ишлай бошлайдилар. Энг муҳими, бу жараёнда мустақил ва танқидий фикрлаш шакллана боради. Агар узоқ муддат давомида ўқувчиларга тафаккур фаоллигини талаб қилувчи педагогик таъсир кўрсатиб борилса, фикр мустақиллиги шаклланишига эришилади. Ўқитувчи ҳар қандай саволи билан тингловчи тафаккури, тасавури ва туйғуларига кучли таъсир кўрсата олиши керак.

Ўқувчиларнинг тафаккур фаолиятида ўзгариш қилишга эришиш етарли даражада узоқ муддатни ва бу хусусиятларни

Ўзгартиришга қаратилган қатор махсус педагогик ишлар, зарур шарт-шароитларни талаб қилади. Ўқув жараёнига бўлган ижобий муносабат ақлий фаолиятни кўтаради ва ижобий муносабатнинг қатъийлашувини таъминлайди.

Ўқувчига ёрдам бериш — таълимнинг ҳар қандай турида ўқитувчининг муҳим вазифаси. Бу вазифа ўқитувчидан катта кузатувчанлик, зийраклик ва ўқувчининг тафаккури даражасини билишни талаб қилади. Шу билан бирга, ўқувчининг қобилиятига, мустақиллигига даҳл қилмайдиган ёрдам даражасини аниқлай олишни, унга қийинчиликларни мустақил равишда бартараф қилишни ўргатадиган йўлларни билишни назарда тутати. Ўқитувчи ўқувчиларга ёрдам берар экан, улар таълим жараёнининг ҳар бир босқичида мустақил ишлаш тажрибасини ўрганиб боришлари лозимлигини назардан қочирмагани маъқул. Агар бу талаб номига бажарилса, ўқувчи ўзи ҳал этиш тажрибасига эга бўлмаган ҳолда қийин муаммо билан узоқ вақт ёлғиз қолса, унинг қобилияти ва тафаккурининг мустақиллиги ўсишига путур етади. Шунингдек, ўқитувчининг қийинчиликни тамомила бартараф қиладиган ёрдами ҳам ўқувчининг тафаккур мустақиллиги ривожига ҳалақит беради.

Уй вазифалари. Ўқувчи тафаккури ва фаолиятидаги мустақилликнинг даражаси уй вазифаларини бажаришда ҳам намоеъ бўлади. Уй вазифалари бажарилишидаги энг муҳим шарт унда дарс ва дарсликдаги ҳақиқатларнинг такрорланмаслиги кераклигидир. Акс ҳолда, ўқув материални кўр-кўрона эслаб қолиш ҳолати юз беради. Уй вазифалари ўқувчининг синфдаги фаолиятидан шуниси билан фарқ қиладики, унда барча топшириқлар ўқувчининг ўзи томонидан мустақил равишда бажарилади. Таълимнинг бу туридан дарсда тарбияланган мустақил фикрлаш фаолиятини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун фойдаланиш жуда муҳим. Афсуски, таълим амалиётида ўқувчиларнинг уй вазифаларини педагогик жиҳатдан тўғри ташкил этиш билан етарли даражада шуғулланилмайди. Ҳар дарсда ўқувчиларга уй вазифалари топширилади, лекин уларни қандай бажариш мумкинлиги нисбатан кенгроқ ўргатилмайди.

Ўқувчи уй вазифасига кейинги дарсда ўқитувчи нимани сўраши мумкинлигидан келиб чиқиб ёндашади. Кўпчилик ўқувчилар оғзаки уй вазифаларини тайёрлашда берилган матнни бир-икки

марта қайта ўқийдилар. Баъзилари ҳатто ўқимайдилар ҳам. Дарсликда матн қандай берилган бўлса, шундай қайта ҳикоя қиладилар. Дарсга тайёрликнинг ўлчови матнни қайта ҳикоялашдан иборат бўлиб қолади. Ўқилган матн устида мулоҳаза юритилмай, матн мазмунини эслаб қолишгагина тиришилади.

Уй вазифасини маълум режа асосида тайёрлаш ҳам ўқувчиларнинг фаол фикрий мустақиллигини оширади. Уй вазифасини тайёрлашни тўғри йўлга қўя билган ўқувчи ундан мустақил мулоҳаза талаб қиладиган машгулотларга ўзига ишонган ҳолда қатнашади. Уй вазифаларини маълум режа асосида бажариш болалардан ўқув материалга онгли равишда ёндашишни талаб қилади. Яхши тузилган режа ўқувчининг фаолиятини тизимга солади, зарур материални ажратиб олишга ўргатади, муҳим жиҳатларни очишга ва тўғри хулосалар чиқаришга ундайди. Ўз фикрини муайян тизимда баён этишга ўргатади. Уй вазифаларини оғзаки тарзда бажаришда ўқувчилар матн юзасидан дарсликдаги савол-топшириқларга мурожаат қилмайдилар, улар билан ишламайдилар. Ўқитувчилар ҳам уй вазифасини сўрашда кўпда бунга эътибор қилмайдилар. Ўқувчилардан уй вазифасини сўраш жараёнида нафақат уларнинг олган билимларини аниқлаш, балки бу билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва тизимга солиш бўйича кейинги ишлар ҳам текширилиши керак. Бу билан ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари ва ўқиганлари асосида мулоҳаза юритишларига кенг имконият яратилади.

Ҳар қандай ёзувчи умрбаённинг даврлар бўйича ўз тарихи бор. Бу ҳам ўз навбатида муҳокама ёки уй вазифаси учун мавзу бўлади ва махсус саволлар кўмагида амалга оширилади. Агар адибнинг таржимаи ҳолидан қандайдир мустақил қисмларни ажратиб олиб, уни ўзгачароқ тарзда шакллантириш уй вазифаси сифатида топширилса, ўқувчилар ёдлаб олинган сийқа ибораларни қўлламай, материал мазмуни устида ўйлашга, берилган саволларга мослашишга ҳаракат қиладилар. Бу сўзсиз уларнинг фикр мустақиллигини фаоллаштиради.

Уй вазифаларини оғзаки сўрашнинг фақат ўқувчи хотирасига таяниб жавоб бериши талаб этиладиган тарзда ташкил қилиниши натижасида вазифа сўраш ўқитувчи ва ўқувчи орасидаги алоҳида суҳбатга айланиб қолиб, синфдаги бошқа ўқувчилар унда иштирок этмайдилар. Уй вазифаларини дарсда кўтарилган асосий савол

муҳокамаси натижасига қараб шакллантириш ўқувчиларни дарсда ўрганган билимларини мустақил равишда гуруҳлашга, ундан муҳимини ажратишга, ўқитувчининг талабларига мос келадиган далиллар топишга ўргата боради. Уларнинг олдида мустақил мулоҳаза юритишни талаб қиладиган янги саволлар пайдо бўлади. Далиллар келтириш учун нафақат фактлар излашга, балки уларни ўз сўзлари билан етказишга ҳам ҳаракат қиладилар. Бу ҳолат ҳам таълимий, ҳам тарбиявий жиҳатидан ўта муҳим ҳисобланади. Ўқувчилар фикрларини ўз сўзлари билан ифодалаган жойда тафаккур фаолияти мустақиллиги тарбияланмаслиги мумкин эмас.

Ўрганиладиган ўқув материални билишга қизиқиш уйғотиш учун деталларни қайта ишлаш билан чегараланиб бўлмайди. Уй вазифаси топширилганда ўқувчиларнинг фикрини уйғотиш, ҳодисанинг сабабларини аниқлаш ва уни тушунтиришга йўналтириш керак. Бунга эришиши учун уларнинг олдида ўйлашга йўналтирадиган: “...(асардаги бирор ҳолатни) қандай тушунтириш мумкин?”, “Нега шундай бўлгани сабаблари ҳақида ўйлаб кўринг”, “Шу вазиятда сиз қандай йўл тутган бўлардингиз?” сингари савол-топшириқлар уй вазифаси сифатида берилиши керак. Уйга вазифани сўраш жараёнида ҳам ўйлашга ундовчи қўшимча саволлар қўлланмас экан, ўқувчиларда ташаббускорлик, онглилик, топқирлик каби сифатлар шакллантирилмайди, улар мустақил фикрга эга бўлолмайдилар.

Адабий таълимда ўқувчилар тафаккурининг ижодий ишлаши уй вазифалари юзасидан нисбатан мураккаб саволлар олдида қўйилганда содир бўлади. Шу билан бирга улар аниқ факт ва зарур маълумотларга эга бўлганларидагина муҳокамага қизиқиш пайдо бўлади.

Ҳамиша ҳам ўқувчилар уй вазифаси сифатида олдиларига қўйилган масалани ижобий ҳал қилавермайдилар. Лекин улар қизиқиб изланадилар, ҳодисанинг моҳиятини тушунишга ва тушунтиришга уринадилар. Ўзлари мустақил равишда ҳал қила олмаган ишларда катталардан маслаҳат, ёрдам оладилар. Таълим жараёнидаги бундай тартиб, изланиш ўқувчиларни ҳар қандай ҳодисада сабабни кўришга ва уни ўзлари баён этишларига интилишга ўргатади.

Уй вазифасини сўраш жараёнида ўқув материални таққослаш ва умумлаштиришни талаб қиладиган саволларни ўртага ташлаш

ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бундай саволларни ўртага ташлаш ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш ва ижодкорлик имкониятларини кенгайтиради. Ўқувчиларга бундай саволлар бериш олдиндан маълум нарсаларни такрорламасликни, ўрганилганлар орасидан дарсликларда йўқ янгиликни топишни талаб қилади. Талаб қилинаётган нарсани ўрганилганлари орасидан мустақил таҳлил ва таққослаш орқали топиш ақлнинг анчагина зўриқишини талаб қилади. Уй вазифасини сўраш жараёнида ҳам ўқитувчи жавобнинг ўзи билан чегараланиб қолмаслиги, исбот талаб қилиши керак. Ўқитувчилик санъати болаларни мулоҳазалар юритиш йўли билан ҳулосага, натижага етаклашдан иборатдир. Ҳар сафар уй вазифасини сўрашда ўқувчиларнинг олдига таққослаш ва умумлаштиришга ундаш учун қўйилган саволлар уларнинг ақлини зўриқтиради. Ўқувчилар тафаккури улардан ўрганганларининг муҳимини ажратиш сўралганда янада ижодий ишлайди. Муҳим нарса ўқувчиларнинг ўзлари айтганлари орасидан кидирилади.

Уй вазифаларини бажариш жараёнида юз берган қийинчиликларни бартараф қилиш нафақат ўқув материални ўзлаштиришдаги бир томонламаликни ҳал этишда кўмаклашади, балки унда ўқувчиларнинг билимини бойитадиган янги йўналишлар ҳам очилади. Бундай уй вазифалари ўқувчиларда мустақил умумлашмаларни талаб қиладиган нисбатан қийин ўқув топшириқларини бажариш ва ўрганилаётган ҳодисага мустақил ёндашиш тажрибасини шакллантиради.

Ўқитувчининг уй вазифасини сўрашда ўрганилган материални қайта тиклашга йўналтирилган саволлари таъсирида ўқувчилар ақлий фаолияти муайян қолипда шаклланиб қолиши мумкин. Ўқитувчи саволларни асар матнига таяниб, ундан узоқлашмаган ҳолда тузса, ўқувчилар ҳам ўз жавобларини дарсликдаги тайёр жавоблар устига қуради. Умуман, уй вазифасини, ўтган дарсни сўраш жараёни, кўшимча саволлар ва уларга олинадиган жавоблар ҳам шу тарзда давом этади. Бундай сўровлар ўқувчини ўқув материални ёдлаб олишга, фикрларни китоб тили билан сўзмас-сўз баён этишга ўргатиб қўйиши мумкин.

Агар дарсларда назорат ва тарбиявий масалалар уйғунликда олиб борилса, уй вазифаларини сўраш дарсинг ижодий қисмига айлантирилса, ўқувчиларнинг ҳодисалар таҳлили ва фактлар

умумлаштирилишига бўлган қизиқишлари, имкониятлари ҳисобга олинса, уй вазифасини сўраш жараёнининг самарадорлиги ҳам сезиларли даражада ортади. Уй вазифасини сўраш жараёнида ўқувчилар кўпинча у ёки бу ҳодисани баён қиладилар, лекин унга баҳо бермайдилар. Бу шундан далолат берадики, ўқитувчи улардан шундай баҳони, муносабатни талаб қилмаган. Ўқувчиларда воқеа-ҳодисани баҳолаш, унга ўз муносабатини билдириш кўникмаси шакллантирилмаган. Уй вазифаларини сўраш пайтида ўқувчига мустақил мулоҳаза юритиш талаб қилинадиган саволлар берилиши унинг ақлий фаолиятини тезлаштиради. Берилган саволларга ўқувчилар яхши танланган далиллар орқали жавоб беришга эришса, бундай саволлар уларнинг ўзларига ҳам катта ижобий таъсир кўрсатади.

Такрорлаш дарслари уй вазифасини сўрашдан ўрганилган ўқув материални умумлаштиришнинг нисбатан юқорилиги билан фарқ қилади. Бундай шароитда ўқувчиларнинг мустақил фикрлашини шакллантириш ва ривожлантириш учун ўқитувчилар саволларни оддий дарслардагига нисбатан муаммолироқ тарзда қўяди. Ўқувчиларнинг жавоблари ва изланишлари ҳам шунга яраша бўлади.

Агар ўқувчи билим олишга қизиқса, у мактабдаги ўқув фанларини жиддий ўрганади. Бунинг учун билим олиш ўқувчининг ички табиий эҳтиёжига айланиши керак. Эҳтиёж инсондаги ҳар қандай қобилият намоён бўлишининг зарур шарти ҳисобланади. Шундагина юқоридаги тадбирлар таълим амалиётида ўз самарасини беради, ўқувчини маънавий баркамоллик сари йўналтиради.

ЎҚУВЧИНИ МУСТАҚИЛ ФИКРЛАШГА ЎРГАТИШДА МУАММОЛИ ТАЪЛИМНИНГ ЎРНИ

Таълим жараёнида ўқувчиларни ўқитувчи айтганларини бажарадиган иштирокчидан таълим-тарбия жараёнининг ижрочилари даражасига кўтариш мақсадида ўзлаштириладиган билимларни тарбияланувчи олдига муаммо шаклида қўйиш масаласи жаҳон педагогикасида ўтган асрнинг олтмишинчи, шўролар педагогикасида етмишинчи йилларда кўтарилганди. В.

Окони, М. Махмутов, В. Кудрявцев, В. Маранишман, Н. Мочалова, А. Матюшкин, И. Ильницкая ва бошқа олимлар ўқувчини интеллектуал фаолиятга ундовчи ички эҳтиёж муаммоли вазиятларда пайдо бўлишини, бу эҳтиёж унинг олдига қўйилган мураккаб масала моҳиятини билишга бўлган қизиқишдан туғилишини асослаганлар. Улар ўқувчи муаммоли вазиятда бугун қобилияти, бор имконияти ва ҳаётий тажрибасини тўлиқ сафарбар этган ҳолда фаолият юритишини илмий-амалий жиҳатидан исботлаб берганлар. Олимларнинг тадқиқотларида ўқувчи фаоллигини ошириш орқали билимларни ўзлаштириш самарадорлигини кўтариш мақсади етакчилик қилган. Бу тадқиқотларда муаммоли таълимдан ўқувчида шахслик сифатларни шакллантириш, маънавий камолотини таъминлаш мақсадида фойдаланиш, бу йўлда мустақил мулоҳаза юритишга ўргатиш масалалари четда қолган.

Маълумки, ҳар қандай инсон ўз олдига кўндаланг турган ҳаётий ёки илмий муаммони ҳал этиш учун ўйланади, изланади, билганларини тафтиш қилади, зўриқади, машаққат чекади. Бу — руҳан соғлом одамга хос бўлган табиий хусусият. Таълим жараёнида шундай вазиятга солинган ўқувчи ҳам таълимий муаммони ҳал қилиш орқали билим олиш йўлида меҳнат қилади. Афсуски, миллий тарбияшуносликда бу меҳнат замирида билимларни ўзлаштириш ва таълим жараёнини фаоллаштириш орқали самарадорликни таъминлаш мақсади иккинчи ўринда турибди.

Миллий педагогикада таълим-тарбия жараёнига бугун бутунлай янги талаблар асосида ёндашилмоқда. Замонавий тарбияшуносликда таълим-тарбиянинг вазифаси ўқувчини зарур билимлар йиғиндиси билан таъминлаш доирасидан чиқиб кетяпти ва унинг олдига ўқувчи маънавиятини шакллантириш ҳамда бойитиш, ўқувчида билимларни изчил равишда тўлдириш, билишга ички эҳтиёж пайдо қилиш, мустақил, мантиқий, ижодий фикрлай олиш кўникмасини шакллантириш каби сифат жиҳатидан янги талаблар қўйилапти. Мактабдан ўқувчи ўз маънавий камолотини таъминлаш учун мустақил равишда китоб ўқиш малакасини шакллантириш, билим олиш йўлида бор имкониятларини қўллаган ҳолда ижодкорлик кўникмаларини қарор топтириш талаб қилинапти. Таълимга бундай ёндашув, ўз навбатида, ўқувчини тақлидчилик, кўчирмачилик, тайёр

андозалар, белгиланган қолиплар асосида фикрлашдан узоқлаштирмоқда.

Шу маънода муаммоли таълим мустақил, мантиқий, илмий, ижодий фикрлашга ўргатиш, бу йўлда учраган тўсиқларни мустақил равишда, унга ижодий ёндашган ҳолда бартараф этиш гаровидир. У ўқув материали ўзлаштирилганлигини кўрсатади, уни мустақам қилади, билимларни қатъийлаштиради. Ўқувчида ўқишга ижобий ҳиссий муносабат уйғотади, билим олишга ички эҳтиёж шакллантиради. Бундай таълимда бугунги тарбияшуносликнинг асосий вазифаси — ўқувчида шахслик сифатлар шаклланиши, ривожланиши муваффақиятли амалга ошади.

Муаммоли таълимга ўқитиш жараёнидаги барча камчиликларни бартараф этадиган универсал восита деб қараш ҳам унча тўғри эмас, албатта. Муаммоли таълим ҳамиша ҳам юқори даражада самара бераверадиган ҳодиса эмас. Ўқувчилар эгаллаши лозим бўлган билимлар, айрим ҳолларда камроқ куч ва вақт сарфлангани ҳолда, анъанавий методлар орқали ҳам максимал даражада қабул қилиниши мумкин. Бунда ҳамма нарсани ўзлаштириладиган материалнинг табиати, ўқитувчининг билимдонлиги ва маҳорати ҳал қилади. Ўқитувчининг раҳбарлик роли муаммоли таълимда ҳам сақланиб қолади. Айнан ўқитувчи ўқувчиларнинг умумий ва индивидуал тараққиёти, эгаллаган билим, кўникма, малакалари даражаси, қўйилган муаммонинг умумий мақсадга қанчалик мослигидан келиб чиқиб, зарур материал танлайди.

Муаммоли таълимнинг асосий хусусияти шундаки, унда ўқувчи олдида билим беришга йўналтирадиган масалаларни қўйишда ҳам, унинг маънавиятини шакллантириш йўлида ҳам муаммоли саволлар муҳим ўринни эгаллайди. Улар муаммоли вазият ҳосил қилишнинг асосий шarti саналади. Билим беришга қаратилган савол ўқувчи учун маълум қийинчилик туғдирадиган даражада бўлиши, бола аввал эгаллаган билимларга мос келиши, шу билан бирга, унинг имкониятлари доирасида шакллантирилиши лозим. Яъни муаммоли вазиятлар боланинг ҳаётий тажрибаси ва назарий билимини ҳисобга олган ҳолда яратилиши керак.

Бундай масалалар қизиқарли бўлиши ҳам шарт. Бу ҳам муаммоли таълимдан билимларни ўзлаштириш жараёнида фойдаланишнинг асосий талабларидан биридир. Бу нарса, айниқса,

қийин ўзлаштирадиган ўқувчилар учун катта аҳамият касб этади. Қизиқишнинг мавжудлиги шахс психологик фаолиятига ижобий таъсир кўрсатади, уни юқори поғонага кўтаради. Тафаккур жараёни, хотира, диққат, тасаввур фаоллашганда инсонда кўпроқ ва чуқурроқ билим олиш имконияти пайдо бўлади. Бундай вазиятларда ўқитувчи томонидан қўйиладиган савол-топшириқлар ўқувчининг мустақил фикрлашини талаб қиладиган, уларни қизиқтирадиган, туйғуларини жунбушга келтирадиган, руҳиятини кўзғотадиган, безовта қилиб қўядиган бўлиши керак. Бундан ташқари, муаммоли йўл билан ўзлаштириладиган маълумотлар янгилиги, бугунги илм-фан, ҳаёт ва бола шахси учун долзарблиги билан ажралиб туриши, дарсда фикрлар тортишувига, у ёки бу ҳодисанинг ҳаётий ҳамда назарий жиҳатларини таққослашга, атрофдагиларнинг фикрларини қиёслашга қаратилиши, болани ҳайратга солувчи, ақлига сигмайдиган жиҳатларга эга бўлиши керак.

Муаммоли вазият яратиш билан ўқитувчи ўқувчиларни тафаккур жараёнининг таҳлил қилиш, таққослаш, умумлаштириш, тизимга солиш сингари жиҳатларидан бири ёки бир нечасидан фойдаланишга йўналтиради. Яъни улар ўқув материални шунчаки эслаб қолмай, балки тушунчалар юзасидан муайян ақлий операцияларни ҳам амалга оширади. Шундай ташкил этилган муаммоли вазиятлардан чиқиш баъзан воқеа, ҳодиса, тушунча ёки қоида таҳлил қилиниши талаб қилса, иккинчи ҳолат, асосан, синтезни — далилларни умумлаштиришни, бошқаси воқеа, ҳодиса ва тушунчаларни таққослашни, яна бири фактларни таснифлашни тақозо этади. Муаммоли вазиятда бундай шакллар муаммоли савол, муаммоли топшириқ тарзида юзага келтирилиши ҳам мумкин. Бунинг учун ўқитувчи муаммоли топшириқларга нафақат далиллар билан исботлаш, балки мантиқий асослаш, фактларни таққослаш, маълумотларни умумлаштириш каби талабларни ҳам киритиши мумкин.

Муаммоли вазиятларнинг бундай турлари мавжудлиги шартли, албатта. Амалда бирор мавзунини ўрганишда муаммоли вазиятдан чиқишнинг бир неча туридан бирварақайига фойдаланиш ҳам мумкин. Муаммоли вазиятдан чиқишда ҳам уни ташкил қилишда қўлланилган усуллардан фойдаланилади. Таққослаш ва умумлаштириш бирор муаммоли масалани ҳал этишга кириш

сифатида қўлланилади ҳамда улар ўқувчиларни мавзуга қизиқтиришнинг дастлабки босқичи ҳам саналади. Кўтарилган масала муаммо сифатида ўқувчини қизиқтириб қолса, уни янги фикрий фаолиятга ундайди.

Муаммонинг қўйилиши ва уни ечиш жараёни узилмас бир занжирдир. Муаммо кўтарилиши биланоқ, унинг ечими устида ўйланади ва бу, ўз навбатида, янги муаммоларни келтириб чиқаради. Шу тариқа узлуксиз тарзда янги билимларни ўзлаштириш амалга ошади.

Таълим амалиётида ўқитувчининг синфга олиб кирадиган маълумотлари ўқувчилар тайёр билим сифатида қабул қиладиган ёки улар ўзлари меҳнат қилиб ўзлаштирадиган шаклда бўлади. Таълимнинг дастлабки босқичларида биринчиси кўпроқ қўлланиши табиийдир. Ўқиш жараёнининг иккинчи босқичида билимларни меҳнат қилиб ўзлаштириш шакли қўлланилиб, уни ташкил этишда қуйидаги меъёрларга амал қилинади: а) ўқувчилар мустақил равишда ўзлаштиришлари лозим бўлган билимлар уларнинг имкониятларига мос мураккабликда бўлиши; б) берилажак материалнинг ечими дастурда белгиланган вақт оралиғида амалга ошиши; в) ижодий йўл билан ўзлаштирилган билимлар мустаҳкамлиги ва даражаси репродуктив йўл билан олинadиган билимлардан балеанд бўлиши.

Муаммоли таълим ўқувчиларнинг билим олишдаги фаоллиги ва мустақиллиги ривожини таъминлайди, руҳиятига, ақлий ривожланиши ҳамда дунёқарashi шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ўқувчиларнинг ўз фикри ва дунёқарашига эга, қарашларини асослай оладиган ва принципларида қатъий турадиган соғлом маънавиятли шахс сифатида шаклланишини таъминлайди.

Муаммоли таълимда ўқувчи олдида муаммо қўйиш қийин кечади. Уни топиш ўқитувчидан кўп изланиш ва меҳнат талаб қилади. Муаммоли таълимдан узлуксиз равишда фойдаланиш дастурдан ортада қолиш ҳолларини ҳам келтириб чиқаради. Буни муаммоли таълимнинг ўзига хос камчилиги дейиш мумкин.

Инсоннинг интеллектуал имкониятлари муаммоли вазиятга тушиб қолганда қилган хатти-ҳарактларида тўлиқ намоён бўлади. Бундай ҳолатларда ўқувчилар ўзларини ҳар хил тутишлари мумкин. Муаммоли вазиятларни таҳлил қилишда ўқувчиларнинг

интеллектуал хусусиятлари, ўз хатти-ҳаракатини қўйилган мақсад сари йўналтира олиш, ақлий фаолиятини онгли равишда бошқариш билан боғлиқ индивидуал сифатлари юзага чиқади.

Шахснинг интеллектуал хусусиятлари ўз фаразини илгари суриш ва уни назорат қилишда кўзга ташланади. Бундай ҳолатларда тафаккурнинг кўпқирралилик даражаси, яъни бир вақтнинг ўзида бир нечта ақлий фаолиятни амалга ошира билиши ёрқин намоён бўлади. Фикрнинг серқирралиги фаразларнинг ҳар хил режалар ҳамда турли нуқтаи назарлар асосида илгари сурилишида кўринади. Бундан ташқари, шахснинг ҳаётий тажрибаси, руҳияти ва тафаккури мустақиллигининг қай даражада ривожланганлиги, ташаббускорлиги ҳам тафаккур серқатламлигида намоён бўлади.

Инсон тафаккурининг асосий вазифаси одамни янги билим ва фаолият билан таъминлашдир. Одамнинг ўз ҳаёти мобайнида ўзлаштирган билим, кўникма ва малакалари унинг тафаккури маҳсули саналади. Унинг билими фикри натижаси сифатида намоён бўлади, шу билан бирга билишнинг асосий воситаси саналади. Инсон янги билимларни унга аввал маълум бўлган билимлар асосида ўзлаштириб, юқори даражага кўтарилга боради. Кишининг билимлари қанчалик қатъий бўлса, фаолияти шунчалик пишиқ, мукамал, меҳнати шунчалик самарали бўлади. Одамнинг билими унинг хулқи ва фаолиятининг турли шакллари билан белгилайдиган асослардан бири саналади. Зарур билимларга эга бўлмаган инсон маълум бир ишни муваффақиятли тарзда амалга оширолмайди, у ёки бу шароитда қандай йўл тутишни билмайди. Айнан шунинг учун ҳам инсон тафаккурининг даражаси кўпинча унинг билимларига қараб ўлчанади. Инсоннинг билими тафаккурининг якуний натижаси, асосий маҳсулидир.

Таълим жараёни, энг аввало, ўқувчиларнинг билим ва фаолиятни ўзлаштириши учун зарур бўлган шарт-шароит билан узвий боғлиқ. Таълим жараёни самарадорлигини таъминлайдиган омиллардан бири тафаккур саналади. Тўғри, таълим мазмунини ўзлаштириш фикрлаш жараёнида ўз-ўзидан амалга ошиб қолмайди. У фикрлайдиган шахс ва унинг хулқига хос бўлган ички омиллар бўлмиш қобилият, қизиқиш, эҳтиёж билан боғлиқ. Шахснинг маънавиятини тарбиялаш таълимдан ажралган, унга алоқаси бўлмаган алоҳида жараён эмас. Поляк олими В. Оконь таъкидлаганидек, таълимда сушт, ахборот берувчи методлар лоқайд

шахсиятни, белгиланган йўналишдагина иш кўрадиган кишини шакллантиради¹. Ўқувчига янги натижаларга эришишда кўмак берадиган методларни қўллаш каттагина ижодий имкониятларга эга бўлган шахсни тарбиялайди. Бошқача қилиб айтганда, билим олишда, мавзунини ўзлаштиришда ўқувчининг ўзи бевосита иштирок қилса, уларни ўзи учун ўзи кашф этса, олган билимлари эътиқодга, дунёқарашининг бир қисмига айланади. Бу эса унда муайян шахслик сифатлари қарор топганлигидан далолатдир. Ўқитувчига жавоб бериш ва баҳо олиш учунгина ўзлаштирилган билим ўқувчининг интеллектуал мулки бўла олмайди ва унинг шахсияти шаклланишига хизмат этмайди.

Муаммоли таълим тарбияланувчининг шахсини шу вазиятнинг ядроси сифатида ўз ичига қамраб олади. Субъектдан, шахсдан ташқарида муаммоли вазият йўқ. Муаммоли вазият ўқувчининг мотивлари ва эҳтиёжларини ўз зарурий қисми сифатида қамраб олади. Айнан шунинг учун ҳам таълим жараёнида муаммоли таълим ўқувчининг тарбияси, билимларни ўзлаштириши, дунёқарашини шаклланиши асоси деб қаралади.

Муаммоли таълимда муаммони ҳал этиш жараёни алоҳида ўқувчи ва ўқитувчи орасидаги мулоқотдан иборат бўлмай, бутун синф жамоасининг фаол ақлий ишига айланиши зарур. Бу синфдаги ҳар бир бола шахсининг индивидуал хусусиятларини максимал даражада инобатга олинишини назарда тутати. Фақат шундагина синфдаги жамоанинг барча аъзолари, бутун ўқув жараёни давомида том маънодаги ижод кишига, фикр одамига айлана борадилар.

Муаммоли таълимдаги фикрлаш жараёни ўқув фанини қайта кашф қилиш фаолиятини, яъни унинг янги хусусиятлари ва муносабатлари каби назарий ҳамда амалий жиҳатларни қамраб олади. Муаммоли таълимда қўйилган масалани ҳал этишда, муаммоли вазиятнинг асосий унсури бўлмиш номаълум нарса ўқувчида етишмайдиган билимлардан ташкил топади. Муаммоли вазиятларда номаълумлик иккита асосий кўрсаткич билан характерланади: 1) янгилик даражаси (ўзлаштирилган билимларга ва мавжуд ҳаракат йўлларига нисбатан); 2) ўзлаштирилган билимларни умумлаштириш даражаси ёки ҳаракат йўллари (умумлаштиришнинг эришилган даражасига нисбатан). Бу икки

¹ Оконь В. Основы проблемного обучения. — Москва: «Просвещение», 1968.

кўрсаткич муаммоли масаланинг қийинлик даражасини белгилашда катта аҳамият касб этади.

Муаммоли таълимда ўқувчининг билишга бўлган эҳтиёжи қўйилган мақсадга эришиш йўлида маълум амалий ёки назарий билимлар, фаолиятнинг шартлари ва усулларига муҳтожликнинг ҳис этилишидир. Билишга бўлган эҳтиёж муаммоли вазиятнинг зарурий қисми бўлиб, янгиликни қидиришга, ўзлаштирилаётган билимга фикрий фаолликни талаб қилади. У фикрлаш жараёнида боланинг ўз-ўзини бошқаришида муҳим аҳамият касб этади. Билишга бўлган эҳтиёж таълимда ўзлаштириш жараёнини бошқаришнинг зарурий шартларидан саналади.

Муаммоли таълимда ўқувчилар қийинчиликларга дуч келишлари табиий. Муаммоли вазиятда қийинчилик ўзлаштирилиши лозим бўлган номаълум нарсанинг янгилиги ва умумлаштирилиши зарурлиги, ўқувчи интеллектуал имкониятлари даражаси билан характерланади. Ўқувчиларнинг интеллектуал имкониятлари қанча кам бўлса, бирор масалани ҳал қилишда муаммоли вазиятнинг қийинлиги шунча кўп бўлади.

Ўқитувчи дарс бошида муаммони қўйиш билан бирга бутун дарс давомида унинг муаммолик даражасини узлуксиз тарзда сақлаб тура олсагина, бирор мавзунини муаммоли тарзда ўрганиш мумкин бўлади. Бутун дарс давомида муаммони ечиш билан шуғулланганидагина ўқувчининг билим олишдаги фаоллиги ва мустақиллиги таъминланади. Аслида, бу масалалар ечимининг ўзи мақсад эмас, ўқув материалини онгли равишда ўзлаштириш ва ўқувчи қобилиятларини ўстириш воситасидир. Маълумки, дарсда муаммоли вазият ҳосил қилишда ўқув предметининг мантиғига, тафаккурнинг қонунлари ва шаклларига риоя қилиниши лозим. Ўқув фани мантиғи уни ўзлаштиришнинг муаммолилиги ва изчиллигини таъминлайди. Маълумки, фанларнинг ўзи ҳам ҳаёт ва амалиёт илгари сурган муаммолар асосида ривожланади.

Муаммоли таълимда ўқитувчи ўқувчилар билан индивидуал ишлайди. Бу ундан касбий маҳоратни талаб қилади. Гап шундаки, у ёки бу ўқув топшириқлари бир бола учун қийин, иккинчиси учун осон. Ўқув жараёнини тўғри ташкил қилиш учун ҳар бир ўқувчи дарс жараёнида ўзининг кучи даражасидаги масалани ҳал қилиш билан шуғулланишига эришиш лозим. Фақат шундагина ҳар бир ўқувчининг билим олишга бўлган қизиқишини сақлаб

қолиш мумкин. Шунинг учун ўқитувчиларнинг олдида ҳамиша қийин дидактик масала кўндаланг туради. У дарс мавзусида нафақат ўқув-билув муаммосини ечиши, балки қандай йўллар билан бу мавзу мазкур синфдаги ўқувчиларнинг барчаси томонидан ўзлаштирилиши мумкинлигини олдиндан кўра олиши керак.

Ўқувчиларнинг ҳар бири билан алоҳида, қўшимча, турли метод ва усуллар ёрдамида шугулланиш, бу йўлда зарур бўлган инсоний-руҳий хусусиятларни инobatга олиш таълим амалиётида кўнгилдагидек эмас. Адабиётларда қадимги грек олими Гиппократнинг кишилар мизожи билан боғлиқ қарашлари ва инсоннинг ақлий фаолиятига асосланиб одамлар куйидаги тўрт гуруҳга бўлингани айтилади: 1) кучли (тез ва кучли кўзғалувчан ҳамда тез ўзини қўлга ола биладиган); енгил, беқарор, тийиқсиз, тез таъсирланадиган; 2) кучли, вазмин, кам ҳаракат; 3) кучли, вазмин, ҳаракатчан; 4) заиф (доим ғамгин, дилгир) одамлар¹. Шу каби ҳар хил типдаги одамларнинг ўқув материални деярли бир хилда ўзлаштиришларига эришиш учун уларнинг шахсий хусусиятларини инobatга олган ҳолдаги иш услуби белгиланиши лозим. Таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг типологик хусусиятларини инobatга олган ҳолда индивидуал ёндашувни амалга ошириш зарур. Ўқувчилар фикрлаш фаолиятидаги индивидуал хусусиятларни, фарқларни билиш ўқитувчига уларнинг ижодий тафаккурини маълум мақсад сари йўналтиришда қўл келади. Бу бугунги таълимнинг муҳим шартларидан биридир.

Ўқитувчининг асосий вазифаларидан бири ўқувчиларда интеллектуал зўриқишга эҳтиёж ва қизиқиш уйғотишдир. Бунинг учун қийинчиликлар чамаланади. Ўқувчига ҳамма муаммоли масалалар ҳам қизиқ бўлавермайди. Тарбияланувчини масаланинг шунчаки ечими эмас, балки ундан интеллектуал зўриқиш, зеҳн, онглилик талаб қиладиган масалани ҳал этиш жараёни қизиқтиради. Қийинчиликларни чамалаганда ўқитувчи ўқувчиларнинг интеллектуал имкониятларини ҳам ҳисобга олиши керак. Айрим ўқувчилар учун масала қанча қийин бўлса, шунча қизиқарли бўлади. Бошқаларнинг эса “тарвузи қўлтиғидан тушади”. Шунинг учун масаланинг объектив қийинлигидан ташқари,

¹ Махмутов М. Н. Развитие познавательной активности и самостоятельности учащихся. — Казань: ТКИ, 1963. — 33-б.

ечувчининг субъектив имкониятлари ҳам ҳисобга олинishi зарур. Гап фақат ўқувчиларнинг ҳар хил тайёргарлик даражаси ҳақида эмас, улар ақлий фаолиятининг индивидуал хусусиятлари ҳақида ҳам кетяпти. Аста-секин ўқувчи мустақил равишда муаммони ўзи шакллантира олишига эришиш муаммоли таълимнинг мақсадларидан биридир. Бу ўқувчининг шундай ишларни бажаришга бўлган эҳтиёжи даражаси билан асосланади.

Ўқувчидаги ҳаёт ҳодисаларини ҳиссий тушуниш унинг эътиборини янги ҳодиса билан ўзининг илгариги билганлари орасидаги кўринмас табиий алоқадорликни излашга йўналтиради. Бу билим олиш ва янги билимларни ўзлаштиришга қўзғатувчи омил саналади. Миллий педагогикада ўқиш-ўзлаштириш жараёнининг ўқувчи меҳнати билан мутаносиблиги суи ишланган. Дидактикада шу кунгача ўқувчи меҳнатидан фақат билимларни мустаҳкамлашда фойдаланиш ўрганилган, холос.

Муаммоли таълимнинг ҳаёт билан алоқадорлиги ўқувчининг тажрибаси унинг билим олишга қизиқишини, эҳтиёжини уйғотувчи восита бўлишини таъминлайди. Муаммоли вазият нечоғли табиий чиқса, ҳаётий реал ҳодисалар билан қанчалик яқинлашса, ўқувчининг диққати ва аввалги билимлари шу муаммога қаратилиб, уни ечиш йўллари танланади. Таълимнинг ҳаёт билан алоқадорлиги ҳамиша дидактиканинг асосий талабларидан бири бўлиб келган. Бу талаб муаммоли таълимнинг ҳам зарур хусусиятларидан ҳисобланади. Чексиз ҳаётий муаммолар ва уларнинг ҳал этилиши таълимда ўқитувчининг айтиб туриши эмас, ҳаётнинг талаби муҳим эканини англаш имкониятини яратади. Бунга қўшимча қилиб яна шуни айтиш мумкинки, муаммоли таълимда ўқитиш ишларининг ҳаёт билан алоқадорлиги саноатдан, қишлоқ хўжалиги ва ҳоказолардан олиб берилган мисолларда эмас, ўқув материали билан ўқувчи шахси орасидаги табиий алоқани англашда намоён бўлиши лозим. Ўқитувчининг педагогик тажрибасидан муаммоли таълим ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатадиган, уни интеллектуал фаол шахс сифатида шакллантирадиган самарали метод тарзида ўрин олиши керак.

Муаммоли таълимда ҳаёт билан алоқадорлик нафақат мавжуд борлиқни ва унинг объективлигини назарий тушуниш, балки ўқувчининг тажрибасида, реал ҳаётий вазиятларда муаммонинг манбаини аниқлаш ва уни бартараф этиш йўлини топишда

кўринади. Ўқувчи шахсий ҳаётида юз берадиган қатор муаммоларнинг назарий асосини тайин этишни ўрганиши лозим бўлади. Шунинг ўзи таълимда ўқувчининг мустақиллиги ва фаоллигини талаб қилади. Шу аснода уларнинг билими ҳам ортиб боради. Таълимнинг ҳаёт билан алоқадорлигига эришиш ўқувчи олдига қўйилган муаммога унинг бутун диққат-эътиборини тортади. Инсон бутун куч-ғайрати билан шу қийин ҳолатдан чиқишга ҳаракат қилади.

Маълумки, ҳар қандай катта таълимий муаммо замирида турли кичик-кичик муаммолар мавжуд бўлади ва улар ўқув материалининг маълум қисмини ташкил этади. Умумий муаммонинг ечилиши, одатда, ана шу майда муаммоларни ҳал қилиш орқали амалга ошади. Муаммони ҳал қилишнинг асосий йўли ечимга доир фаразни илгари суриш, унинг исботи ва амалий назоратидир. Файласуфларнинг таъкидлашича, бир қарама-қаршилиқнинг ечилиши ўз навбатида кейингисини келтириб чиқаради. Шундан ҳам муаммоли таълимнинг ўзгаришларга жуда бой эканлигини англаш мумкин. Ўз навбатида, таълимий муаммонинг қарама-қаршилиқларга бой ўзгаришлардан келиб чиқади. Муаммоли таълимнинг ривожланишида бир вазиятдан иккинчи ҳолатга табиий равишда ўтилади. Бир-бирини айнан такрорламайдиган бундай вазиятлар ўқувчини ўзига тортади.

Таълим жараёнини муаммоли ташкил этиш ўқитиш жараёнини тарбиявий, таълимий, қизиқтирувчи, ривожлантирувчи имкониятлар билан таъминлайди. Муаммоли таълимнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: 1. Ўқувчиларнинг билим олиш фаолиятини мустақил ва ижодий йўналишга чиқариш. 2. Ўқувчининг янги билим ва фаолият усулларини ўзлаштиришини таъминлаш. 3. Тарбияланувчиларнинг билим олишдаги мустақиллиги ва ижодий қобилиятларини ўстириш. 4. Таълимнинг илмийлиги даражасини ошириш. 5. Ўқувчида илмий дунёқараш шаклланишини таъминлаш. 6. Шаклланиб келаётган шахсда ҳиссий-иродавий сифатларни ривожлантириш, унинг кўнглида одам ва олам сирларини билишга ички иштиёқни уйғотиш.

Бундан ташқари, муаммоли таълимнинг махсус учта вазифаси ҳам бор: 1. Мантиқий усуллар ёки ижодий фаолиятнинг махсус йўлларида фойдаланиб ўқувчиларда билимларни ижодий ўзлаштириш кўникмасини тарбиялаш. 2. Ҳаётий вазиятга кўра,

мавжуд билимларни ижодий равишда қўллаш кўникмасини тарбиялаш. 3. Ижодий фаолият кўрсатиш кўникмаларини шакллантириш.

Ўқоридаги вазифаларнинг ҳар бири алоҳида ўқувчининг амалий ва назарий-интеллектуал фаолиятида намоён этилади ва муаммоли таълимнинг қуйидаги хусусиятларига боғлиқ бўлади: 1. Ўқувчининг янги тушунчани муаммо йўли билан мустақил ўзлаштиришдаги хусусий интеллектуал фаолияти бўлиб, у билимнинг онгли, чуқур ва мустаҳкам ўзлаштирилишини таъминлайди. 2. Муаммоли таълим шахс дунёқараши шаклланишида энг самарали усул саналади. Чунки муаммоли таълим жараёнида тўпланган билимлар мустақил, танқидий, ижодий тафаккур кўмагида амалий фаолиятда қўлланиб, қатъий ишончга айланади. 3. Ўқув ва амалий муаммолар ўртасидаги қонуний алоқадорлик юзага келади. Ҳаёт билан алоқадорлик ўзлаштирилган билимларни ҳар хил амалий фаолиятда қўллашга хизмат қилади. 4. Ўқувчиларнинг ҳар хил мустақил ишларини тизимли равишда ва самарали қўллаш имконияти яратилади. 5. Муаммоли таълимнинг индивидуаллиги ўқув фанини ўзлаштириш учун ўқувчида билим, кўникма ва малакаларнинг маълум даражаси олдиндан мавжуд бўлишини талаб этади. Муаммоли таълим жараёнидаги муаммонинг ҳар хил шаклда бўлиши фаразлар хилма-хиллигини тизимга солади ва натижаларга ҳар хил йўллар билан эришилишини таъминлайди. 6. Муаммоли таълимнинг навбатдаги хусусияти унинг жўшқинлигидир. Бу жўшқинлик муаммо ҳар бир болага ўзига хос тарзда таъсир кўрсатишидан келиб чиқади. 7. Муаммоли таълим ўқувчиларнинг юқори даражадаги фаоллигига асосланади. Чунки муаммоли вазиятнинг ўзи ақлий зўриқишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Ўқувчининг фикрлаши узлуксиз тарзда, унинг руҳий-ҳиссий фаолияти билан табиий алоқада бўлади. Талқиқот шаклида бўлган ҳар қандай фикрлаш ўқув муаммосининг индивидуал қабул қилинишини, шахсий туйғуларни, эмоционал фаоллигини таъминлайди. 8. Муаммоли таълим билимларни сермаҳсул ва ижодий ўзлаштиришни таъминлайди, ўқувчининг ижодий фаолиятини кучайтиради. Тарбияланувчиларнинг ўзларига ишончини орттиради¹.

¹ Махмутов М. И. Теория и практика проблемного обучения. – Казань: ТКИ, 1972. – 191-6.

Кўпинча илмий адабиётларда муаммо қўйиш билан сўраш учун берилган савол аралаштириб юборилади. Бир қатор олимлар муаммони ҳар қандай саволдан ажратиб турадиган белги ҳал этилиши керак бўлган масаланинг муҳимлиги ёки қийинлигида, деб билдилар. Аммо муҳимлик ҳам, қийинлик ҳам муаммонинг асосий хусусиятини билдирмайди. Чунки ўта муҳим ва мураккаб саволлар ҳам муаммо даражасига кўтарила олмаслиги мумкин. “Савол” сўзининг хусусиятлари ва аҳамияти луғатларда: жавоб талаб қиладиган мурожаат; ўрганиладиган, муҳокама қилинадиган предмет; ечимини талаб қиладиган масала деб кўрсатилган. “Муаммо” илмий савол бўлиб, у бир неча ечимга эгалиги билан саволдан фарқланади. Ечимларнинг ҳар бири салмоқли асосга эга бўлади.

Саволда ифодаланган билмаслик илмий изланиш натижасида маълумга, ўрганилган нарсага айланса, бундай савол муаммо бўлмайди. Агар савол янги қонуниятларни кашф этиш имкониятлари ҳақидаги тахминлар билан уйғунлашиб кетса, уни муаммо дейиш мумкин. Кўп муаммоларни қисқалик мақсадидан келиб чиқиб, савол тариқасида қўйиш ҳам мумкин.

Таниқли педагог В. Оконь муаммоли вазиятни, муаммони бирор масала юзасидан ташкил қилиш, уни шакллантириш ва ҳал этиш жараёнида ўқувчиларга зарур кўмак бериш, бу жараённинг изчиллигини таъминлаш ва уни бошқариш, олинган натижаларни текшириш ҳамда билимларни мустаҳкамлаш каби фаолиятларнинг йиғиндиси сифатида баҳолайди¹. А. Ильнишкая муаммоли таълимни ўқувчиларнинг мактаб таълим-тарбия мақсадларига мос муаммоларни ўқитувчи раҳбарлигида ўзлари учун янги бўлган илмий-амалий бир тизимда ҳал этишда иштирок қилишидан иборат фаолияти, деб ҳисоблайди². Т. Кудрявцев муаммоли таълимнинг моҳиятини ўқувчининг олдида дидактик муаммо қўйиш, ўқувчилар уларни ечиш асносида билимларини умумлаштириши ва муаммоли масалаларни ҳал қилиш тамойилларини ўзлаштиришида кўради³. А. Матюшкиннинг

¹ Оконь В. Основы проблемного обучения. — Москва: «Просвещение», 1968.

² Ильнишкая И. А. Проблемные ситуации и пути их создания на уроке. — Москва: «Знание», 1985.

³ Кудрявцев В. Т. Внедрение принципа проблемности в обучении. — Москва: «Высшая школа», 1968.

фикрича, муаммоли таълим — ўқитишнинг билимларни қизиқарли йўллар билан беришга таянадиган тури¹.

М. Махмутовнинг фикрича, муаммоли таълим билимларни ижодий ўзлаштириш ва фаолият йўллари қонуниятларига асосланган, илмий изланишнинг асосий жиҳатларини ўзида жамлаган, ўқитиш ҳамда ўқиш методлари, усулларини уйғунликда қамраб олган дидактик тизимни ўзида акс эттиради. У билимлар асосини чуқур ўзлаштиришни таъминлайди, ўқувчининг билим олишдаги мустақиллигини, ижодий қобилиятини оширади, дунёқарашини шакллантиради, кенгайтиради².

Олимларнинг фикрига қўшимча қилиб яна шуни айтиш мумкинки, муаммоли таълим ўқувчиларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ўстириш билан бирга уларда шахслик сифатларининг шаклланишига, маънавиятининг бойишига ҳам имкон яратади. Муаммоли таълим — ўқувчи фаолиятида билимларни ўзлаштириш ва муаммоли вазиятни таҳлил қилиш йўли билан ҳал қилувчи фаолият турларида, муаммоли вазиятлар ташкил қилиш ва улардан чиқишда ўз таклифлари, асослари, исботлари, фаразларини илгари суриш билан боғлиқ бўлган алоҳида тизим. Бу ақлий фаолият билимларни, янги тушунчаларни ўқитувчининг раҳбарлигида, онгли равишда ўзлаштиришга, тафаккур мустақиллигини таъминлаш ва фаоллаштиришга, шахс шакллантиришга хизмат қилади.

Муаммонинг, муаммоли вазиятнинг вужудга келганини ўқувчи ҳодиса билан у ҳақдаги аввалги тасавури орасида қарама-қаршилиқ пайдо бўлганда ҳис қилади. Бу қарама-қаршилиқни бартараф қилиш учун унга аввалги билим ва тажрибанинг ўзи камлик қилади. Олимлар муаммони англаб етишнинг ўзи ҳар қандай фикрлаш жараёнининг бошланиши деб ҳисоблайдилар.

Психология илмида муаммо деганда субъектга шу вақтгача маълум бўлган йўллар билан ҳал қилиб бўлмайдиган вазият тушунилади. Педагогикада эса ўқувчи мустақил равишда ҳал қилиши лозим бўлган амалий ёки назарий жиҳатидан мураккаб ҳолат тушунилади. Бундай қийинчиликлар ўқувчининг маълум

¹ Матюшкин А. М. Проблемные ситуации в мышлении и обучении. — Москва: «Педагогика», 1972.

² Махмутов М. И. Теория и практика проблемного обучения. — Казань: ТКИ, 1972.

янги билим ҳамда тажрибаларга таянган ҳолда уларни бартараф этиши учун ташкил этилади.

Таълимда оддий саволдан муаммоли вазиятнинг фарқ қиладиган жиҳати шундаки, саволда, одатда, жавоб учун зарур бўлган деярли барча маълумотлар мавжуд бўлади. Савол уни сўраётган одам жавобини биладиган, соддароқ фикрлашни талаб қиладиган, бутун вазиятнинг етишмаётган қисмларини тўлдиришдан иборат бўлган ҳодиса. Буни ўқувчи саволни тушуниб, унга жавоб бериш учун керак бўладиган фактлар орасида шундай алоқа ўрнатади, деб тушуниш мумкин. Баъзан саволга жавоб бериш учун қандайдир бир фактни эслашнинг ўзи кифоя. Ўқувчи йўналтирилган фикрлаш усуллари, одатда, авваллари фойдаланилган бўлади ва у шу андаза бўйича ҳаракат қилади.

Муаммода, муаммоли вазиятда эса жавоб учун зарур бўлган гайёр маълумотлар йўқ. Энг аввало, муаммони жавоб бера оладиган даражада тиниқлаштириш учун фикрлаш жараёни ёрдамида мос келадиган маълумотларни топиш талаб қилинади. Муаммони ечмоқчи бўлган одам аввал унда нималар етишмаётганини аниқлаши ва ўша фактларни қандай топишни белгилаб олиши керак бўлади. Шундай экан, муаммода ечим тўлиқ шакллантирилмайди. Ўқитувчининг вазифаси маълум муаммоли вазиятни ташкил этиш экан, бунинг учун у, аввало, ўқувчига муаммо нимадан иборат эканини тўғри англантиши, унда шу муаммони ҳал этишга хоҳиш-қизиқиш, ички эҳтиёж уйғотиши зарур ҳисобланади.

Қўйилган масаланинг муаммолик даражаси уни ҳал этиш учун қандай фикрий операциялар амалга оширилиши билан ўлчанади. Бу, ўз навбатида, ҳар бир ўқувчининг тайёрлик даражаси, билими ва умумий ривожланиши билан ҳам боғлиқ. Муаммоли масалаларни ечиш жараёни, айрим ҳолатларда, ўқувчи ва ўқитувчининг биргаликдаги фаолиятини тақозо этади. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларга масалани ҳал этиш учун зарур тавсиялар бериш, уларни билим олишга йўналтириш, масалани мустақил ечишига, бунга ижодий ёндашишига туртки бериб туришдан иборат.

Муаммоли таълимда дастлабки ҳолат ўқувчида маълум назарий ёки амалий муаммони ечишга омил бўладиган муаммоли вазиятни

ташкил қилишдан иборат. Ўқувчи муаммога шунчаки ўзлаштириш лозим бўлган ўқув материали деб эмас, унинг учун қизиқарли ва аҳамиятли бўлган, ҳар хил қарашларни солиштириш, таҳлиллаш, аниқлаш асосида ўз нуқтаи назари бўлишини талаб қиладиган, уни ечиш бўйича режалар тузишни тақозо этадиган, тўғри ҳал этиш учун етишмайдиган билимларни ўзлаштиришга ундайдиган зарур масалага ёндашгандай муносабатда бўлиши керак. Бу ерда гап ўқувчига етказилиши лозим бўлган шунчаки топшириқ ёки ўқув материали ҳақида кетаётгани йўқ. Гап шундаки, муаммо билан қизиқиб қолган бола мақсад сари ўзи йўл қидиради. Ўқувчини борлиқ ҳодисаларига ёндашишга ўргатишда уларнинг ички қизиқишини уйғотиш ўқитувчининг асосий вазифаси бўлади. Бундай ҳолат бирданига, бир ёки бир неча дарс давомида шакллантирилмайди. Унга аста-секинлик билан, баъзида йиллар оша эришилади. Муаммоли вазиятни ташкил этиш бутун таълим жараёнини бошқариш билан боғлиқ бўлиб, у ўқув материалининг дастлабки таҳлили, мавзулар орасидаги алоқадорлик, таълимга муаммоли масалаларни олиб кириш шартлари ва уларни муваффақиятли ҳал этиш йўлини аниқлашни талаб қилади. Ўқувчиларда мавжуд тажрибаларни инобатга олиш, уларнинг уйда ўқишлари учун керак бўладиган қўшимча адабиётлар ажратиш, зарур дидактик материалларни тайёрлаш каби заруриятлар назарда тутилади.

Муаммоли таълимдаги кейинги масала бевосита муаммонинг ечилишидан иборатдир. Бу жараёни қуйидаги босқичларга ажратиш мумкин: 1. Муаммонинг таҳлили ва асословини илгари суриш. Муаммо маълум қийинчиликлар бор жойда пайдо бўлади ва унинг ечими учун ўқувчида мавжуд бўлган билимларнинг ўзи етарли бўлмай қолади. 2. Масаланинг ечимини қидириш ва уни ҳал этиш. Муаммони текширишда унинг янги алоқалари ва илгари маълум бўлмаган сифатлари аниқланади. Шу тариқа аста-секинлик билан объектга доир янги билим тўпланади. Ҳар сафар унинг янги жиҳатлари ва хусусиятлари очила боради. Бу босқични масалани ҳал этиш юзасидан фаразларнинг шаклланиш босқичи деб аташ мумкин. Унда уринишлар ва хатолар, аввалги тажрибаларга таяниш, ечимнинг тахминий йўлларини белгилаш, ечиш тамойилларининг исботи ва фикрларни асослаш ишлари

амалга оширилади. 3. Ечиш йўлларининг тўғрилигини текшириш ва олинган натижани баҳолаш¹.

Ҳар бир босқич маълум умумий жиҳатлар, ўқувчининг муаммони ечиш йўлларини қидириши ва топишидан иборат фаолияти билан характерланади. Ўқувчи хато қилишдан чўчимай, ўз изланишлари асосида масалани ҳал этишнинг режасини тузади. Бу жараёнда муқобил йўлларни ҳам кўзда тутаяди. Масалани англаш билан унинг ечимигача бўлган йўл қийин ва узоқ бўлиши ҳам мумкин. Масаланинг ҳал этилишида ўқувчи учун энг муҳим жиҳат — унинг ечими ҳақида ўз тасаввурига эга бўлиш. Бу тасаввурга аста-секинлик билан самарасиз уринишлардан кейин, қутилмаганда эришиш ҳам мумкин.

Мураккаб муаммоли масалани ҳал этишда қўлланиладиган фикрлаш жараёнига, одатда, ақлнинг таққослаш, таҳлиллаш ва умумлаштириш каби ишлари киради. Бу ўринда гап фақат фикрий жараёнига муқоёса қилиш ҳақида кетаётгани йўқ. Энг аввало, масалани ҳал этишда инсон ақлий фаолиятининг йўналиши назарда тутиляпти. Маълумки, таълим жараёнида ўқувчи айрим қийинчиликларга дуч келади. Аммо улар маълум изчиликдаги ақлий фаолият ёрдамида ечилиши мумкин бўлган мантиқий характердаги қийинчиликлардир. Ўқувчи мана шу изчиликни, ечиш алгоритмининг топгунча изланади, мустақил, маҳсулдор фикрлашни амалга оширади. Ўқувчи масалани ҳал қилиш йўлини ўзлаштириши билан унинг фикрлаши оддий фикрлашга айланади. Муаммоли масалани ҳал этишда аввал ўқувчилар масала ёки матннинг дастлабки шартларини таҳлил қилишга ўргатилади. Айнан шулар ўқувчига муаммоли вазиятда мўлжалга олиш ва унинг муҳим жиҳатларини топишга имкон беради. Берилган масаланинг шартлари ва талабларини таҳлил қилишда дастлаб нотўғри йўл белгиланиши ечимни қийинлаштиради.

Муаммоли вазиятнинг қийинлик даражаси унинг таркиби ва мазмуни талаб қиладиган билим билан белгиланади, қўйилган шартлар тизими билан ўлчанади. Шартлар қанча кўп бўлса, муаммо ўқувчи учун шунчалик қийин бўлади. Муаммоли таълим жараёнини бошқаришда шу нарса назарда тутилади. Баъзан вазиятга қараб айрим шартларни мураккаблаштириш ёки соддалаштиришга тўғри

¹ Скалкова Я. От теории к практике обучения в средней общеобразовательной школе. — Москва: «Педагогика», 1983. — 49-50-б.

келади. Шу жиҳатдан топшириқни бажаришдаги мустақиллик ўлчови ҳам ҳар хил бўлиши мумкин. Баъзида ўқувчиларга уларнинг изланишини тўғри йўлга солиб юборадиган маълумотлар кўмаклашиши мумкин. Ўқувчилар қиёслашга киришишлари учун аввал уларга қиёсланадиган умумий асосни топиш ўргатилиши лозим. Бу бир вақтнинг ўзида вазифа ечимининг тизимини аниқлашга, мавжуд фактларни таққослашга кўмаклашади, улар орасидаги ички алоқани топиш ва боғлиқ жиҳатларни англашга ёрдам беради.

Бундан ташқари, қийинликнинг даражаси муаммоли топшириқда қўйилган савол билан унга бериладиган жавоб ўртасидаги масофа, яъни ечимга олиб борадиган оралиқдаги ишлар сони ва мураккаблик даражасига ҳам боғлиқ. Муаммоли топшириқнинг қийинлигини унинг ечимида келтириладиган хулосалар сонидан ҳам аниқлаш мумкин. Одатда, муаммоли масалаларни мустақил равишда ҳал этишда ўқувчилар ўзлари танлаган йўлнинг тўғрилигини исботлашлари учун қатор далилларни келтиришда, уларни асослаш учун зарур билимларга эга бўлсалар ҳам қийинчилик сезадилар. Бу шундан далолат берадики, уларнинг тафаккури тезкорлик сифатига эга эмас. Фикрнинг тезкорлиги маҳсулдор ақлий жараённинг муҳим жиҳатидир. Топшириқларни аста-секинлик билан қийинлаштира бориш орқали ўқувчиларни билганларини кутилмаган шароитларда қўллай олишга ўргатиш мумкин. Масаланинг объектив қийинлик жиҳатлари билан бирга ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари, уларнинг интеллектуал ва умумий ривожланишлари билан боғлиқ субъектив характердаги қийинчиликларни ҳам ҳисобга олиш зарур бўлади. Масаланинг ўқувчи учун қийинлиги унинг шакллантирилганлик даражасига ҳам боғлиқ. Шунинг учун муаммо матни аниқ ифодаланиши лозим. Ўқувчи катта ҳажмдаги умумлашмаларни талаб қиладиган муаммоларни ечишга қийналади.

Ўқувчиларнинг ижодкорлиги фақат муаммоли масалаларни ҳал этиш жараёнидаги мустақил фикрлаш асосида ўсиши мумкин. Ижодкорлик тафаккур мустақиллигидан моҳиятан ажралмайди. Айнан ижодкорлик фақат бир шахс эмас, балки бутун жамият учун янги ва муҳим масалаларни ҳал этишнинг мустақил фикрлаш ҳамда фаолиятнинг тимсоли бўлиши мумкин. Бундай масалаларни

ҳал этиш ижтимоий ҳаётга янгича назар, илмий кашфиётлар, санъат асарларининг яратилиши шарт бўлади. Мактаб болаларни мустақил фикрлашга қатъий ва тинимсиз тарзда йўналтириш билан ижоднинг дастлабки унсурларини шакллантиришга қодирдир. Мактабнинг вазифаси мустақил фаолият орқали болаларда дунёни билишга ва ўзгартиришга интилишни тарбиялашдир.

Муаммоли таълим ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши билан бирга ижодкорлиги ривожланишига ҳам кўмаклашади. Ижодкорлик алоҳида бир нарса эмас ва у инсон фаолиятининг ҳар қандай жабҳасида намоён бўлиши мумкин. Ҳар қандай руҳан соғлом одам ижодкорликка қодир. Бу дегани, ҳар бир ўқувчи ўзининг ўқув фаолиятида маълум даражада ижодкорликнинг қирраларини намоёиш этиши мумкин. Ижодкорлик қобилият билан бир нарса эмас. Кишининг ақлий имкониятлари ҳамиша ҳам ижодкорликнинг баланд ривожига мос келавермайди. Ижод — инсон шахсининг сифати. Таълим жараёнида ижодий қобилиятни тарбиялаш ва ривожлантириш, ижодга ўргатиш мумкин. Ижод эса мустақил фикрлаш маҳсулидир.

Педагогикада ижод жараёни муаммонинг ғайриоддий йўллар билан ҳал этилиши, деб изоҳланади. Шунинг учун ҳам ижодий жараён муаммони ҳал этишда нафақат фантазиянинг, балки маҳсулдор мустақил фикрлашнинг натижаси сифатида ҳам ўрганилади ва шарҳланади. Ижодий жараёнда билишнинг барча жиҳатлари — эслаш, маълумот тўплаш, таққослаш, таҳлиллаш, умумлаштириш каби фикрий фаолият амалга оширилади.

Ўқувчиларнинг билим олиш жараёнини самарали бошқариш учун ўқитувчи таълим мазмуни, методлари ва ўқувчиларнинг ривожланиш хусусиятларига мос мотивацияни (ички қизиқиш ва эҳтиёжни) таъминлайдиган шароит яратиши лозим. Мотивация таълим жараёнининг узлуксизлиги ва самарадорлигини таъминловчи доимий унсур ҳисобланади. Таълимда маълум қийинликдаги ўқув материални ўзлаштиришда ўқувчиларда қўрқув, хато қилиш ҳадиғи, ўз имкониятларига ишончсизлик ҳукмрон бўлади. Бундай вазиятларда ўқитувчининг қўллаб-қувватлаши ва рабатлантириши баландроқ натижаларга эришишга имкон яратиши мумкин.

Муаммоли таълимда ўқитувчининг асосий вазифаларидан бири ўқувчида ўқув материалига, уни ўзлаштириб олишга қизиқиш уйғотишдир. Бунинг учун ўқитувчи, бир томондан, ўқувчининг эътиборини ўқув материални ўзлаштиришга руҳлантирадиган вазият яратиши зарур. Иккинчи томондан, ўқувчи диққатини унинг шахси учун характерли бўлган мотивацияга қаратиши керак. Ўқув материалининг жозибadorлигини, ўқувчини ўзига тортиш даражасини мавжуд дидактик усуллар ёрдамида ошириш мумкин. Унга материалнинг ўзлаштирилувчанлиги, аниқ ва тушунарли баёни, аҳамиятли жиҳатларнинг ажратилиши, муаммоли вазиятни ташкил этишнинг эмоционал лаҳзалари ва ҳоказолар киради. Ўқитувчи таълим жараёнини, ўқув материални ўқувчи ўзининг шахсий ишидай қабул қилишига йўналтириши, ўқувчи эса ўша ўқув фанини ўзининг билиш фаолиятидаги энг муҳим нарса деб қабул қилиши керак.

Олинган натижаларнинг тўғри ва вақтида баҳоланиши топшириқ бажарилишига сезиларли таъсир кўрсатиши аниқ. Бу ҳамиша таълим жараёнида руҳлантирувчи муҳим унсур саналади. Ижтимоий муносабатлар тизимида кирган ўқувчи ҳар қандай баҳога эмоционал муносабатда бўлади. Баҳо ўқувчининг топшириқларни яхши бажариш хоҳишини кучайтиради ва мустаҳкамлайди, шу билан бирга, унинг фаоллигини оширади. Баҳо ўқувчи ва ўқитувчи, шу билан бирга, ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларига ҳам таъсир кўрсатади.

Муаммоли таълимда ҳар бир янги топшириқ ўқувчи қатор ақлий хатти-ҳаракатлардан фойдаланиб ҳал этиши лозим бўлган ўқув-билув масаласи сифатида тақдим этилади. Дидактикада таълим масалаларига ёки муаммога доир умумий талаблар ишлаб чиқилган. У: олам ва одам ривожини мантигидан келиб чиқишини; ўрганиладиган объектнинг ўзигагина хос қарама-қаршилиқларга боғлиқ маълум қийинчиликни акс эттирган бўлишини; қисмларга бўлиш, саволларга айлантириш имкониятининг изчиллиги мавжудлигини ўз ичига олади, уларнинг ҳар бири ўз ўрнида масаланинг ечими сари бир босқич бўлади. Бундан ташқари, бу талаблар ўқувчиларни унинг ечими учун зарур бўлган билимларга йўналтириши, уларни фаол изланишга ундайдиган ҳамда ўқувчиларнинг ёш ва тайёргарлик даражасига мос бўлиши лозим. Муаммоли таълимни ташкил этишда энг муҳим жиҳат билим ва кўникмаларнинг онгли ўзлаштирилишига эришишдир.

Ўқувчиларнинг ишини ташкил қилишда дарснинг бошида унинг асосий босқичларини тавсифлаш, уларнинг ҳар бирига қанча вақт керак бўлишини билдириш, дарснинг муҳим жиҳатларини ажратиш ва топшириқнинг танланиш сабабларини асослаш лозим. Ўқув меҳнатининг ўқувчилар томонидан англаниши рағбатлантирувчи аҳамият касб этади.

Муаммоли таълим вазифаларига ўқувчиларнинг муаммони ҳал этишга қаратилган тадқиқот ишлари, турли маънавий қадриятларни туйишлари, интеллектуал билиш ва амалий фаолияти ҳам киради. Ўқитишнинг бу жиҳати ўқувчиларнинг имкониятларидан максимал фойдаланган ҳолда борлиқни бутун турфалиги билан билиш ва қайта кашф этишда асосий йўналиш ҳисобланади.

Мактаб амалиётида ўқувчилар хотирасини ривожлантиришга эътибор ҳамон устуворлигини миллий мактаб тизимиغا янгиликларнинг султ жорий этилиши сабаби сифатида кўрсатиш мумкин. Бу сабаб ўзининг анча чуқур икки илдиизга эга. Бу илдиизлардан бири ижтимоий-сиёсий шарт-шароитларга бориб тақалади. Ўқитувчининг ўқувчи хотирасини ўстиришгагина уриниши унда қотиб қолган нуқтаи назар шаклланишига олиб келади. Ўқувчи ёзилганларга, ўқитувчининг айтганларига кўр-кўрона ишониш йўлидан боради. XX аср мактаби ўз табиатида кўра, ўқувчилар тафаккурининг мустақиллиги ва улардаги қизиқувчанликка эътиборсизлиги билан характерланарди. Иккинчи илдиизи эса ўқитиш психологиясининг султ ривожланганлигига бориб тақалади. Билимларни ўзлаштириш мустақил илмий талқин эмас, уни шунчаки эслаб қолиш шаклида тушунилан. Ўқитиш иши билан тайёр ўқув материалларини эслаб қолишни бир нарса деб қараш таълим назарияси ва амалиётини узоқ йиллар бир жойда депсиниб туришига олиб келди. Бизнинг мустақил жамиятимизга тафаккур уфқи тор, нимани ўргатишса, ўшани тақрорлайдиган кишилар эмас, мустақил фикрлаш ва фаолият кўрсатишга қодир, ўз қарашларини илмий асослай биладиган, илмий билимларга асосланиб иш кўрадиган ижодкор одамлар керак.

Бу камчиликлардан қутулиш учун анъанавий таълим йўсини ўқувчилар тафаккури фаоллигини афзал биладиган дидактикага алмаштирилиши керак. Бу дидактика ҳам хотира имкониятларидан

фойдаланишни бутунлай рад этмайди, албатта. Хотира ҳар қандай таълимда ўзига яраша аҳамият касб этади. Фақат хотирага асосланган дидактик тизимни ўзгартириш керак. Унда шу пайтгача якка ҳокимлик қилган хотира ўз ёнидан ўқувчининг мустақил фикрлаши ва ижодий меҳнатига жой бериши лозим. Янги дидактик тизимда хотира ўз аҳамиятини тафаккурга бўйсунган ҳолда сақлаб қолади. Бундай ўзгаришга билиш назарияси, дидактика ва психологиянинг ривожланиши асос бўлади.

Ўқувчиларнинг мустақил фикрлаши анъанавий таълим тизимидаги ёрдамчи унсурдан асосий дидактик усулга айланиши кўп ўзгаришларни талаб қилади. Аввало, ўқитувчилар тафаккурини сабот ва изчиллик билан қайта шакллантириш керак. Бугунги мактаб ўқитувчилар раҳбарлигида ўқувчилар тафаккурига таянган ҳолда уларнинг фаоллигини таъминлаши, ўқувчилар тафаккурини олдийдан олий шаклгача йўналтириши зарур.

Билимларни ўзлаштириш маълум даражада хотирага мурожаат қилишга, аввал бир марта ўйланган нарса юзасидан қайта мулоҳаза қилишга асосланади. Ўқиш бу ўринда қайта ишлаш характерида бўлади ва бир марта ўтказилган фикрларни янгилаш ёки унутилганларини қайта тиклашни назарда тутати. Билимларни топиб ўзлаштириш ҳам мустақил фикрлашнинг ўсишида муҳим ўрин тутати. У ўқувчи фикрининг чуқурлигини таъминлайди.

Шундай мақсад йўлида таклиф этилган муаммоли дидактик топшириқларни бажаришда ўқувчи зиммасига кўпроқ вазифа юкланади. Шу кунгача моҳияти унга маълум бўлмаган масалани ҳал қилаётганда, ўқувчининг тафаккури бошқача вазиятда бўлади. Бундай вазиятлар чинакамига ақлий зўриқишни, тасаввурнинг дадил ва ижодий ишлашини, чуқур кузатиш, жиддий эътибор ҳамда кучли хотирани талаб қилади.

Ўқувчининг топшириқни бирор киши кўмаги билан бажаришига асосланган анъанавий ўқитиш тизими жаҳон педагогик амалиётида бугун ўз аҳамиятини йўқотиб бормоқда. Чунки у ўқувчини борлиқ билан чинакам алоқадан маҳрум этади, натижада мустақил фикрлаш ва фаолият кўрсатиш учун шароит яратилмайди. Тафаккур мустақиллигини ўстиришнинг асл моҳияти янги билимларни қўйилган муаммони ҳал этиш орқали ўзлаштиришдан иборатдир. Бу ўринда сўз билим ва боланинг фанга киритадиган янгиллиги ҳақида эмас, балки унинг ўзи учун янги

бўлган муаммони мустақил ечиши ҳақида боряпти. Фикр ва фаолият мустақиллиги муаммо ечимининг текширилишида ўзганинг иштироки билан боғлиқ бўлади. Ўқувчи ўз олдига ўзи муаммо қўйиб, уни мақсадга мувофиқ тарзда еча билган ва махсус йўллар билан унинг сифатини текшира олгандагина фикрнинг тўлиқ мустақиллиги ҳақида гапириш мумкин.

Тўғри қўйилган муаммо кишига маълум даражада ижобий таъсир кўрсатади. Агар ундаги қийинлик бартараф этилса, индивидга хос қандайдир эҳтиёж қондирилади ва масалани ҳал этиш истаги пайдо бўлади. Муаммони ечиш билан тугайдиган маълум интеллектуал зўриқиш содир бўлади. Мустақил мулоҳаза юритишга ўргатилмаган, ақлий дангаса кишилар бундай зўриқишлар ва унга боғлиқ безовталиқдан ўзини тортади. Аммо муаммони ҳал қилишнинг мазасини тотган кишилар бу фаолиятдан завқ оладилар.

Ўзгалар томонидан қўйилган муаммони кўриш ва тушуниш — мустақил фикрлашнинг дастлабки бўғини. Қўйилган муаммо олдин ўтилган мавзу юзасидан бўлса, унинг ҳал этилиши осонлашади. Ўқувчида мазкур муаммога тегишли аввал шакллантирилган билим ва тажрибалар уни ҳал этиш ҳамда ўқувчида янги фикрлар туғилишининг асосий шарти саналади. Бундай шартлар етарли бўлмаганда ўқувчи ўз билимини зарур тажриба, амалий ишлар қилиш, мазкур муаммо билан боғлиқ адабиётлар ўқиш билан тўлдиради.

Муаммони ҳал этиш учун мавжуд билимларнинг қайта ишланиши ва тўлдирилиши ечимни осонлаштиради. Етарли материал жамлангач, қайта ишланиб, тўлдирилган фикр масала ечимининг фаразига айланади. Фаразнинг шаклланиши ва унинг текширилиши махсус тафаккур усуллари ёрдамида амалга оширилади.

Тафаккур мустақиллигининг моҳиятини, ўқувчи мустақиллигини муаммони қўйиш, ечимини топиш ва хулосанинг тўғрилигини текширишдангина иборат қилиб қўйиш чегаралаб қўяди. Билим олишга эҳтиёж, унга мустақил ёндашув инсонда эркин фикрлаш бўлганда шахснинг ақлини ривожлантиришдан ташқари, унинг ирода ва туйғуларни ҳам тарбиялайди. Шу тариқа ўқувчида шахслик сифатлари пайдо бўлади. Ўрганилаётган билимга ўқувчининг муносабати ижобий бўлса, болада ўқитувчи томонидан

қўйилган муаммо, унинг ечими ва натижаларига қизиқиш уйғонса, фикрлаш эҳтиёжи пайдо бўлади. Бу эҳтиёжнинг заиф ёки кучли бўлиши муаммонинг қизиқарлилиқ даражасига боғлиқ. Тафаккур мустақиллигини тизимли равишда шакллантириш билан ўқув фанига чуқур қизиқиш уйғотилади. Фикр мустақиллигининг шаклланиши ирода ва ҳаракатнинг ривожланишига ҳам таъсир кўрсатади. Тафаккур эркинлиги қийинчиликларни бартараф қилишда катта куч сарфлаш ҳисобига қўлга киритилади. Бу жараёнда бир вақтнинг ўзида қатъийлик ва бошлаган ишни охирига етказиш одатлари, шунингдек, ўз нуқтаи назарига эга бўлиш ва уни ҳимоя қилишга қодирлик, хусусий дунёқараш шакллана боради.

Ўқувчининг мустақил бўлмаган ҳаракати тақлидга асосланади ёки кимнингдир раҳбарлиги остида амалга оширилади. Тақлидда киши учун кимнингдир иши ёки ҳолати намуна бўлади. Таълимда тақлид ўқувчилар ўз ишларини бошқаришда етарли даражада мустақилликка эришмаган ҳолатларда, яъни бошланғич босқичда ижобий аҳамият касб этади. Бунинг учун, аввало, тақлид қилинадиган намунанинг ўзи имкон қадар мукамал бўлиши керак. Ўқувчилар ўқитувчининг шахсий, амалий, жисмоний, ақлий қобилиятларига, сифатларига ёки ўртоқлари, асар қаҳрамонлари ёхуд таниқли кишиларга тақлид қилишади. Бундан ташқари, тайёр ечим намуналарига ҳам тақлид қилиш мумкин. Лекин бу узоқ давом этмайди. Чунки унда ўқувчида ўз йўлини белгилашга интилиш, мустақил фаолият кўрсатишга уриниш сифатлари пасайиб кетади.

Ўқувчилар вазиятни мустақил равишда баҳолаш усулларига ўрганишлари учун анчагина ақлий зўриқиш талаб қилинади. Уларнинг тажриба ва билими етарли бўлмаганда қайси ишни қандай бажариш, қай тарзда яхши натижаларга эришиш мумкинлигини белгилай олмайдилар. Ўз фаолиятларини қандай ташкил этиш кераклигини билмайдилар. Бундай ҳолат ишни бажариш учун зарур ашёларни тўплашда ҳам юз беради. Баъзида уларнинг топган йўллари муаммога мос келмаслиги ёки уни ҳал этиш учун етарли бўлмаслиги мумкин. Бундай вазиятларда ўқитувчида ўқувчини мустақил фаолиятга ундай олиш маҳорати муҳим аҳамият касб этади. Бажарилаётган ишни назорат қилиш, одатда, ўқитувчи ҳокимлигининг аломати ҳисобланади.

Ўқувчиларни ўз фаолиятини текшириб кўриш имкониятидан маҳрум қилиш уларнинг мустақил фикрлашини жиловлаб қўяди. Ўқувчининг ўқитувчи томонидан зарур тарзда ташкил этилган ўз-ўзини назорат қилиши аста-секинлик билан ривожланиб бориши, ишни режалаштириш ва бажариш унинг ўзи томонидан амалга оширилиши керак.

Ўқувчилар мустақил фаолиятининг барча босқичларида муаммо қўйиш билан улардан барча ишларни мустақил равишда тўлиқ режалаштириш, бажариш ва текширишни талаб қилиш унчалик ҳам тўғри эмас. Бу ерда қийинчиликларнинг изчиллигига амал қилиш керак. Ўқувчиларни мустақил фаолиятга аста-секинлик билан ўргатиш керак бўлади. Масалан, ўқувчилар мустақил фаолиятнинг айрим турларига ўқитувчисига тақлид орқали ёки унинг кўрсатмаларини бажариш воситасида ўтиши мумкин. Булар зарур даражада ўзлаштириб олингандан сўнг нисбатан қийинроқ топшириқларни бериш мумкин бўлади.

Адабиётнинг инсон шахси шакллантирилишига таъсири бебаҳо эканлигини алоҳида таъкидлаш шарт эмас. Гап шундаки, бадиий асарларнинг мазмуни бевосита инсон ҳаётининг моҳияти бўлмиш ўзаро ижтимоий муносабатлар, инсон фаолиятининг ютуқ, мағлубият, парвоз ва кулашлари билан боғлиқ. Тарбияланувчилар ҳаётдан ўз ўрнини излар экан, адабиёт дарсларидан ўзига керакли маънавий сабоқни олишлари мумкин.

АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА МУАММОЛИ ВАЗИЯТ ЯРАТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Янгиланган педагогик тафаккур шароитида адабий таълим маънавиятли *одам* тарбиялашга йўналтирилган. Мактаб адабиёт дарсларида бадиий асарлар таҳлил қилинар, адабий қаҳрамонларнинг шахси, хатти-ҳаракатлари муҳокамага тортилар, ўқувчи одам ва олам сирларини ўрганар, асар муаллифи ҳамда адабий қаҳрамонлар тимсолида инсонни кашф этар экан, бу билан бола ўзлигини англашга юз тутади. Оллоҳнинг гўзал ва бетакрор яратиғи бўлмиш ўз шахсини, сийратини ўргана боради.

Илғор одамларга хос сифатлар бевосита руҳият билан боғлиқ бўлгани учун ҳам маънавият тарбияси бугун мамлакат миқёсидаги

муаммога айланди. Соғлом маънавиятни тарбиялаш, кўпроқ, мактаб адабий таълими зиммасига тушади. Тўғри, маънавиятни шакллантириш вазифаси мактабдаги барча ўқув фанлари зиммасида ҳам у ёки бу даражада мавжуд. Лекин адабий таълим бу борада қарвонбошилиқ қилади. Чунки унинг асосий ашёси — инсон. Адабиёт дарсларида одамга хос туйғу, кечинма, қувонч ва изтироблар ўрганилиб, таҳлил қилинади. Ўқувчилар асар қаҳрамонлари билан бирга хурсанд бўлишади, йиғлашади, изтироб чекишади, хулоса чиқаришади. Адабий таълимда ўқувчининг бутун эътибори инсонни ўрганишга қаратилади. Бугунги адабий таълим ўқувчида шахслик сифатларини тарбиялашга, уйғоқ руҳият кишисини шакллантиришга, шу билан бирга, санъат асарларининг ҳар қандай турини тушуниш, уни таҳлил қила билиш ҳамда ўзлаштиришни таъминлашга йўналтирилган.

Адабиёт дарсларида, биринчи навбатда, адабий асарларнинг ўқувчи шахсига қандай таъсир этишига эътибор қаратилади. Асар устида ишлаган ўқувчи ундан ўз олдида турган ижтимоий, ахлоқий, эстетик саволларга жавоб топиши керак. Шу пайтгача мактабнинг вазифаси ёшларни олий мактабга тайёрлаш бўлиб келган. Ўқитувчи ҳам, дастур ҳам, дарслик ҳам шу вазифани бажариш йўлида хизмат қилган. Замонавий адабий таълимда эса ўрганилиши лозим бўлган асарлар талқини ўсиб келаётган авлод маънавий камолотини таъминлашга йўналтирилган. Бугунги кунда мактаб, ўқитувчи, дарслик ва ўқувчининг ўзи шу мақсад йўлида фаолият юритмоқда.

Замонавий адабиёт дарсларининг ўзига хос хусусиятларидан бири, шўро даври адабий таълимидан фарқли ўлароқ, ўрганиладиган асар матни билан танишишнинг истисносиз тарзда мажбурий эканлигидадир. Шўролар даври адабий таълимидан асарнинг ўзи билан, кўпда, бевосита танишилмас, матн устида ишланмас, кўпроқ дарсликларда асар ҳақидаги муаллифларнинг фикрлари ўрганилар, йиллар давомида мана шу бир хил қарашлар, хулосалар такрорланарди. Ўқув материали билан бевосита таниш бўлиш, айримлари парча ҳолида бўлса-да, инсон маънавияти шаклланишида фавқулодда муҳим аҳамиятга эга. Бадиий асарни биринчи марта ўқиш ёки моҳир мутахассис ижросида тинглаш ўқувчи ақлигагина эмас, балки руҳиятига ҳам катта таъсир кўрсатади. Асар билан биринчи учрашув ўқувчида унутилмас

таассуротлар қолдиради. Унинг ўқувчи шуурига нечоғли чуқур ўрнашиб қолишини ҳал қилади ва тарбияланувчининг китобхонлик биографиясида, ахлоқий ривожланишида алоҳида ҳодисага айланади. Адабиёт дарсларида ўқитувчининг мутолаасида ҳамиша поэзиянинг нафаси ва бадиий сўзнинг жозибаси сезилиб туриши керак. Ўқитувчининг ўзи табиатан шу хусусиятларга мойил бўлиши, ёзувчининг ўрганилаётган асарда акс этган фикри ва ундаги тимсоллар билан шахсан қизиқиши, бадиий асарда кўтарилган муаммолар, тасвирдаги ўзига хослик уни безовта қилган бўлиши, улар ҳақида гапирганда кўнглидаги дард, муҳаббат ёки нафрат, изтироб ёки хурсандчилик самимийлиги билан ўқувчиларни ишонтириши, уларда фикр уйғотадиган, кўзқарашлари шаклланишига фаол таъсир кўрсатадиган бўлиши лозим.

Адабий таълимнинг инсон шахси ва маънавий камолоти йўлидаги самарадорлигини таъминлаш учун ўқувчилар фаоллигини, уларнинг индивидуал ривожланиш даражаси ва ёш хусусиятларини ҳам инобатга олиш зарур. Дарсда ўқувчилар билан ишлашда ўқитувчи уларнинг шахси, қобилияти, имконияти, қизиқишлари, ақлий ва руҳий фаоллик даражасини пухта билиши керак. Ўқувчилар таълимнинг ҳар бир босқичида асар матни устида ўзига хос тарзда ишлашга ўргатилса, тимсоллар бадиияти, сўзнинг қудрати чуқурроқ ҳис этилади. Асар устида ишлаш жараёнида ўқувчи қаҳрамоннинг ички дунёси, шахси ва характери унинг хатти-ҳаракатлари, фикрлари, нутқи, юз-кўзида намоён бўлишини ўрганади. Шундай белгиларга қараб, одамни баҳолашга одатланади. Бадиий асарлардаги бундай ифодалар адабиёт ўқитишда белгиланган мақсадни амалга ошириш йўлида асос бўлиб хизмат қилади. Энг муҳими, асар қаҳрамони ўқувчилар томонидан ҳамиша тирик инсон сифатида ҳис қилиниши керак. Бутун фожиа шундаки, кўпчилик ўқитувчилар асар устида ишлаш давомида адабий қаҳрамоннинг тирик одамлигини унутиб қўядилар. Асар қаҳрамонларини ижобий ёки салбий образ тарзида ўрганадилар. Ҳолбуки, асар таҳлили ўқувчининг адабий қаҳрамонни кўп қиррали, жонли инсон сифатида қабул қилишига кўмаклашиши керак.

Бадиий асар ўқувчига одамни билишга ёрдам беради. Адабиётнинг гуманитар йўналишдаги бошқа предметлардан асосий

фарқи унинг борлиқни билишда ўқув материалнинг образлиги ва ҳиссиётга асосланганлигидадир. Адабий асарнинг бундай хусусиятлари ўқувчининг ёшига хос жиҳатларни қатъий ҳисобга олишни тақозо этади. Мактаб адабиёт дарслари ўқувчи дунёқарашининг шаклланишига кучли таъсир кўрсатади. У ўқувчининг одам ҳақидаги тасаввурини кенгайтирган ҳолда тажрибаларини чуқурлаштиради, тартибга солади, кузатувчанлигини ўткирлаштиради, инсон табиатини англашни ўргатади.

Маълумки, ўқувчига хос бўлган қобилият ва кўникмаларнинг тезкорлиги (интенсивлиги) ўқувчининг бажарилаётган ишга қизиқиши ва тафаккур жараёнининг эмоционал хилма-хиллиги билан боғлиқ. Мактабдаги бошқа ўқув фанларининг кўпчилиги эмоционал таъсири жиҳатидан адабиёт билан тенглаша олмайди. Ўқувчиларнинг асарда ёзувчи томонидан қўйилган масалани қанчалик қизиқиш билан ечишлари, адабий қаҳрамон атрофидаги қайноқ тортишувлари барчага аён. Бадиий асарни ўқишнинг ўзи ўқувчи тасаввури ва тафаккурининг фавқулодда фаоллигини оширади. Асарни ўрганиш эса, у муаммоли тарзда бўладими, бадиий таҳлил шаклидами, суҳбат кўринишидами, ўзига хос тарздаги фикрий фаолият асосида амалга ошади. Бу ўринда ўрганилаётган тимсолнинг таҳлили ҳам, ўқув материални ажратиш ва ўзлаштириш ҳам, мазкур қаҳрамонни бошқа тимсоллар билан таққослаш, қиёслаш ҳам назарда тутилади. Ўқувчи асарни ўқиш ва ўзлаштиришда ақлий фаолиятнинг бир қанча турлари билан баравар иш кўради.

Бадиий адабиёт ижтимоий-ташкilotчи куч саналади. Ёзувчининг сўз ва тимсолларга асосланган фикрлаш хусусияти ҳамиша ҳиссий бўлади. У ўқувчининг нафақат тасаввури ёки интеллектига, балки ахлоқи ва руҳиятига ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Мактаб адабий таълимида адабиёт фақат ўқув фани эмас, балки санъат, ижод сифатида ҳам ўрганилади. Адабиётнинг билим беришдаги вазифаси унинг эстетик функциясидан кейин туради. Адабиётни чинақам ўзлаштириш бадиий сўз гўзаллигини ҳис қилиш ва ундан завқланиш орқали содир бўлади.

Санъатнинг ҳар қандай туридан завқ олиш учун бадиий билимдонлик зарур, албатта. Лекин бадиий билимдонликнинг ўзи ҳам мақсад эмас. Бундай билим санъатдан завқ олиш билан

ахлоқий баркамоллик, ўз-ўзини тарбиялаш, маънавий камолотни таъминлаш йўлидир. Бугунги ўзбек адабий таълим методикасида бу масала ўз илмий-методик асосини топган. Яратилган адабий таълим концепцияси ва стандарти дастур ва дарсликлар ёрдамида таълим-тарбия амалиётига кириб бормоқда. Лекин мактаб амалиётида кўпчилик ўқитувчилар шу кунгача адабиётга бошқа ўқув предметларига хос талқин бермоқдалар. Шунинг учун адабиёт дарсларида ҳам таълимий масалалар биринчи ўринда турибди. Таълимнинг тарбиядан айри эмаслиги ҳаммага маълум. Лекин бу ҳолатда ниманинг нимага бўйсуниси катта аҳамиятга молик. Адабиёт ўқитишнинг чинакам мақсади ўқувчига гўзалликни ҳис этиш, бадий асардан, сўздан завқ ола билишни ўргатиш орқали ёшлар маънавиятини шакллантиришдан, уни тоза қалб эгаси қилиб тарбиялашдан иборатдир. Бундай сифатга эга одам фақат яхшиликка, ташаббусга, яратишга қодир бўлади.

Методик адабиётларда поэзияда лирик қаҳрамон билан шоир шахси муносабати ҳақида кўп гапирилган. Муаллиф лирик қаҳрамонда ўзининг шахси, шодлик ва қайғулари, ҳаётий тажрибасини акс эттиради, деган фикр мавжуд. Лирик асарлар таҳлилида ўша қаҳрамон ўрганилади. Лирик қаҳрамон адибнинг у ёки бу муаммолари, изтиробларини субъектив тарзда илгари суради. Айни вақтда адабиётшуносликда лирик қаҳрамон муаллифнинг ўзига тўла тенг эмас, деган қараш ҳам мавжуд.

Бугунги адабий таълимда ўқувчига лирик қаҳрамонни шеърга сингдирилган туйғулардан йироқ жонсиз образ эмас, асарни яратган инсоннинг дарду сезимларини намоён этадиган ҳиссиёт кишиси сифатида тушунтириш маъқулроқ кўринади. Чунки адабиёт ўқитиш — ижодий иш. Адабиёт дарслари унинг иштирокчи ва ижрочилари учун ҳам ижодий жараён бўлиши керак. Ижодий жараён эса илоҳий ҳолат бўлмиш илҳом билан, ўзлик билан холи қолишдир. Бу жараёнда ёлғон ва носамимийликка ўрин йўқ. Бадий адабиётни сўз санъати сифатида англаш, ундан завқ олиш қобилияти ҳам ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. У мактабда, хусусан, адабиёт дарсларида шакллантирилади. Аммо адабиёт дарслари бошқа предметлардан чарчаганда дам олиш воситаси эмас, балки жиддий меҳнат натижасида ўқувчиларни руҳлантириш, уларнинг ҳиссиётини юксалтириш, маънавиятининг камолот сари юз тутишини таъминлаш машғулоти бўлиши керак.

Бадий сўз санъатини пухта ўзлаштириш, ундан тўлиқ ва чинакам завқ ола билиш учун инсонга табиатан берилган руҳий ҳисни, ўқилган асарлар ва интеллектуал ривожланиш жараёнида етилган туйғуни бадий дид даражасига кўтариш зарур. Маълумки, тўлиқ англаш бўлмаган жойда завқланиш ҳам бўлмайди. Санъат асарини тушуниш оддийгина мулоқот эҳтиёжидан бошланади. Бу ўзгани тушуниш истаги, унинг дунёсини очиш билан ўз дунёсини бойитиш эҳтиёжи ҳисобланади. Бадий сўз санъатида бу мулоқот эҳтиёжи ғоят кучли. Санъат асари нафақат уни яратувчи инсондан, балки истеъмолчидан ҳам тўлиқ руҳий берилишни талаб қилади.

Мактабда адабиёт ўқитишнинг вазифаларидан бири асар устида ишлаш мобайнида, уни ўзлаштириш ва ҳис этишда ўқувчида билим ҳамда ҳиссиёт бирлигини таъминлашдан иборат. Бадий асарларни ўрганиш самарадорлиги ўқувчи туйғуларининг самимийлигига бевосита боғлиқ. Асар устида ишлаш бир вақтнинг ўзида ўқувчини янги билимлар билан бойитади, адабий-назарий ривожини таъминлайди. Мактабда адабиётдан дарс бериш, адабий асарлар устида ишлаш ўқитувчидан юксак адабий ва педагогик билимдонлик, ижодий мустақиллик, топқирлик, ёш китобхон руҳиятини яхши билиш, уни ўзига хос инсон сифатида чуқур ҳис этишни талаб қилади.

Ўқувчининг руҳияти — мураккаб дунё. Жамиятнинг бугунги тараққиёт шиддати туфайли ҳаётдаги ўзгаришлар, болалар руҳиятининг бойиши ва шахсининг ривожланиши ўта даражада тез бўлмоқда. Ўқувчининг замон билан ҳамнафас тарзда фаоллашуви, руҳий оламининг мураккаблашуви методика илми олдига бадий асар устида ишлаш йўлларини бойитиш ва кенгайтириш талабини қўйяпти, санъатнинг ўқувчи ривожига кучли таъсир кўрсатувчи усулларини топишни тақозо қиляпти. Ҳар қандай чинакам бадий асарда ҳамиша ўқувчига қизиқарли жиҳатлар бўлади. Мана шу қизиқ жиҳатни топиб олиш ва уни ечиш жараёнида ўқувчини саволларга жавоб топиш билан бирга асарда тасвирланган қаҳрамонлар руҳиятини англаш, уларга ўз муносабатини билдириш лозим бўлади. Бунинг учун, энг муҳими, ўқувчини асар матни таҳлилига тортишдир. Асар устида ишлашнинг ҳар қандай усулида ҳам матндан узоқлашмаслик керак. Бунингсиз китоб ўқишга доимий эҳтиёж сезадиган ва бадий асар билан ошно бўлишдан завқланадиган китобхонни тарбиялаш

мумкин эмас. Ўқувчиларни бадиий асар ўқишга жалб қиладиган усуллардан бири унинг олдида ижодий характердаги, муаммоли тарздаги масалаларни кўя билишдан иборатдир.

Синфда бадиий асар лоқайдлик билан ўқилмаслиги ва лоқайд тингланмаслиги керак. Ўқитувчи ўқувчиларни асар билан таништириш жараёнида улардаги лоқайдликни йўқотишга бор кучини сарфламоғи лозим. Санъат асари билан мулоқотга киришганда бевосита эстетик завқнинг йўқлиги бошқа барча тадбирларнинг самарасизлигига сабаб бўлади. Айниқса, мумтоз адабиёт намуналарини ўрганаётганда, синфдаги ўқувчиларнинг махсус тайёргарлиги ва интилишларисиз асарни таҳлил қилишга уриниш бефойда. Кўпчилик адабиётшунослар мойил бўлган насрий баён ҳам бу ҳолатда самара бермайди. Ўқувчилар ўрганадиган асарнинг бошқачалигини, ғайриоддийлигини ҳис қилишлари лозим. Бунинг учун ўқитувчининг фавқулудда қизиқарли, илмий асосларга бой, ўқувчи диққатини ўзига тортадиган кириш сўзи керак бўлади. Шу билан бирга матнни ўқишга киришиш кўп вақтни олмаслиги ҳам керак. Ҳар бир асарни ўрганишда қатъий мақсадни белгилаш ва аниқ йўналишга таяниш лозим.

Адабиёт ўқитиш вазифаларидан бири ўқувчини асарнинг такрорланмас бадиий оламига олиб кириш, бу ижодий оламни имкон қадар кенгроқ ва чуқурроқ англаштириш учун шароит яратиш, уни бугуннинг руҳи билан ўзлаштиришга кўмаклашишдир. Ўқувчи асарнинг ўзига хос жиҳатларини тушуниши, уни яратилган тарихий шароити билан бирга ҳис қилиш ва баҳолашга ҳаракат қилиши лозим.

Бадиий асар ёзувчининг тафаккури маҳсулигина бўлмай, унинг ҳаёт ҳақидаги хулосаси ҳамдир. Асар сюжетининг ривож, характери, тили, қисмлари ўзаро алоқадорликда ўқувчига муаллиф фикрлари ривож ва тафаккур жараёнини очиб беради. Асарни ўқиб ўқиш китобхоннинг муаллиф бадиий фикрларини ўзлаштириш билан ўз ички дунёсини бойитадиган ижодий фаолиятидир. Адабий таълим жараёнида ўқувчиларни асар муаллифи бадиий тафаккурини тушуниш ва ҳис қилишга ўргатиш ўқитувчининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Ҳар бир ёзувчи бадиий тафаккурининг ривожланиш мантиги ва мазмуни ўзига хос. Ҳар хил адибларнинг асарларини ўқиш, улар ҳақида мулоҳаза қилиш ўқувчининг бадиий тафаккури ривожланишига кўмаклашади,

тасаввурини сўз санъати намуналари ҳамда ҳаёт ҳодисалари билан бойитади.

Методика илмида қўлланиладиган жами усуллар бадиий асарларни чуқурроқ ўзлаштиришнинг омили саналади ва ўқувчилар тафаккури сифатларини ўстиради. Ўрганиладиган ҳар қандай асар ўз хусусиятларига кўра ўқувчи кўз олдида бадиий кашфиёт бўлади. Ўқитувчи матн устида ишлаш жараёнида ўқувчиларни асарнинг бадиий хусусиятларини мустақил равишда англаш сари етаклаши лозим. Бугунги адабий таълимда ўқувчиларни ёзувчи дунёсига олиб кириш, унинг образли тафаккури, бадиий муаммосини тушуниш сари етаклаш талаб этилади. Бу масаланинг педагогик кучи жиҳати бўлиб, у ўқувчининг ёзувчи бадиий тизимидан кучли таъсирланишига олиб келади.

Асарни ўқиш унинг таҳлили ва ўзлаштирилиши учун биринчи босқич саналади. Ўқиш давомида китобхон кўнглида у ёки бу қаҳрамонга нисбатан муайян ҳиссиёт туғилади, уларнинг характери ва асар воқеалари ривожини ўртасидаги муносабат тўғрисида ўйлайди. Асарга ўзининг дастлабки баҳосини беради. Ўқитувчи асар устида иш бошлашдан олдин ўқувчилар асарни қанчалик ўзлаштирганликларини, уларга нима етиб борди-ю, нималар англашилмай қолгани, нима нотўғри тушунилгани, нималар умуман илганмаганини кичик суҳбат асносида аниқлаб олиши лозим. Бу ўқитувчига асар устида ишлашни қизиқарли ташкил этиш, вақтни тежаш, бусиз ҳам тушунарли бўлган нарсаларга вақт сарфламаслик имконини беради. Тушунарсиз қолган ёки ўқувчилар эътибор қилмай ўтиб кетган жиҳатларга кўпроқ тўхталиш ва уларни қизиқтириш учун ўша ўринлар билан боғлиқ жумбоқли саволларни ўртага ташлаш ўқувчиларнинг эътиборини тортади. Асарнинг дастлабки ўқилиши қанчалик тўлиқ, тўғри ва қизиқарли бўлганлиги, ўқувчиларнинг ёзувчи услуби, асар сюжети, муаллифнинг ҳаётга муносабатдаги ўзига хосликни илғаш даражаси, тимсоллар ва ҳодисалар орасидаги алоқа қанчалик англашганлигини аниқлаш, ўқувчиларнинг асар ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини билиш учун **“Асардан ўзингиз муҳим деб ҳисоблаган лавҳаларни сананг”, “Бадиий матндаги қайси тимсоллар қандай аҳамиятга эга?”** сингари топшириқ ва саволларга ёзма жавоб олиш ҳам мумкин.

Ҳар бир адабиёт дарсини эмоционал тўйинган ва мазмунли қилиш учун бугунги ўқувчи билан асар яратилган давр оралиғидаги

вақтни инobatта олиш керак. Шу билан бирга, 13 — 14 ёшли болани катта ёшли китобхонларга, такомиллашган онг кишиларига мўлжалланган асар билан таништираётганда, унинг ёши билан боғлиқ хусусиятларни ҳам унутмаслик керак. Бундан ташқари, бир ёзувчи ва давр учун ўта долзарб бўлган воқеа бугунги ўқувчига жуда яхши маълум ва оддий бўлиб кўриниши мумкин. Бундай вазиятларда ўқитувчининг асосий вазифаси ижодкор поэтик гоъяларининг жиддийлиги ва чуқурлигини ўқувчига очиб беришдан иборат бўлади.

Асарга борлиқнинг образли ифодаси, шу билан бирга, аниқ шахс — муаллифнинг руҳий олами тасвири деб қараш ўқувчи эстетик ривожда муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчи ўқувчилар нима учун асарда ёзувчини кўра олмаётганликларини аниқлаши керак. Бунини аниқлагач эса, эстетика ва адабиётшуносликнинг муҳим масалаларидан бири бўлган адабиётнинг борлиқни билиш йўлидаги ўзига хос жиҳатлари ҳақида ўйлаши лозим бўлади. Ёзувчи шахсига хос хусусиятларни билишга қизиқмаслик ўқувчининг ёшига эмас, савияси ва билимдонлик даражасига боғлиқ. Ёзувчининг ички оламига кириш одамнинг ёшига мутаносиб равишда ўзгариб боради. Бугунги адабий таълим методикаси талабларига биноан 5 — 8-синф адабиёт дарсларида ёзувчи умрбаёни алоҳида ўрганилмайди. Яъни у ҳақда дарсликда тақдим этилган таржиман холни ўрганиш учун деярли вақт ажратилмайди. Уни ўқувчининг ўзи уйда ўқиб келади. Ўқитувчининг дарсликдаги маълумотларга қўшимча қизиқарли гаплари, янгиликлари бундан мустасно, албатта. Адибнинг шахси ўрганилаётган асар замиридан, ундаги қаҳрамонлари руҳияти тасвиридан қидирилади. Фақат 9-синфдагина ижодкорларнинг ҳаёт ва ижод йўлини ўргатишга алоҳида вақт ажратилади.

Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўзгани ҳис қилиш, тушуниш, туйиш, ҳамдard бўлишига асар қаҳрамонлари кечирган ҳисларни уларга “юктириш” орқали эришади. Бунинг учун ўқитувчининг асарларга муносабати, хатти-ҳаракатлари, ўйлари, кечинмалари рост ва самимий, бадий адабиётга муҳаббати баланд бўлиши шарт. Бундай туйғулар уйғунлигига эришиш билан ўқувчининг ҳиссиёт оламига таъсир кўрсатилади. Ўқувчининг ўзига ишончи унинг туйғулари ва тафаккури етовида бўлади. Ишонч ҳисси гўзалликни туйиш ва билим олиш туйғуси билан мустаҳкам боғлиқдир. Инсоннинг туйғулари унинг тафаккури, иродаси,

ахлоқи, билими, маданияти ва дунёқарashi билан ҳамоҳанг. Ўқитувчининг маҳорати кўмагида тафаккур ва туйғулар, ақл ва кўнгил уйғунлигига эришилади.

Бадий асардан олинган таассуротлар янада чуқурроқ, самаралироқ бўлиши, шу билан бирга ўқувчиларнинг кузатувчанлигини ошириши, тасаввурини тиниқлаштириши, тафаккурини фаоллаштириши, мулоҳаза юритишга ундаши учун “...сабаби нимада деб ўйлайсиз?”, “...нимага асосланган бўлиши мумкин?”, “...ни ҳақ деб ўйлайсизми?” сингари савол-топшириқлар бериш керак. Бу топшириқларни бажариш учун ўқувчи бир неча саҳифа орқага қайтиши ёки бир муддатга тўхтаб, ўқиганлари ҳақда ўйлаши, сўзлар ёрдамида чизилган ҳолатни кўз олдига келтириши ва шу вазиятдан таъсирланиши мумкин бўлсин. Улар болани ўқиётган нарсасидан икки-уч дақиқага чалғитса-да, матннинг чуқурроқ ўзлаштирилишига кўмаклашади. Бундай ишлар ўқувчини адиб билан мулоқот қилишга, ўрни келса, муаммоли мулоҳазалар айтишга ўргатади.

Адабий таълим методикаси илмида ўқувчи мустақиллигини таъминлашга доир “ўқувчи методикаси” деган қараш мавжуд. Унинг тарафдорларидан бири А. Рибак ҳар бир ўқувчига индивидуал ёндашишга алоҳида эътибор қаратади¹. Унинг таклифи бўйича, ўқувчилар асар матни билан биринчи марта танишгандан кейиноқ турли қийинликдаги топшириқларни бажаришга йўналтирилиши керак. Ўқитувчи ижрони текшириб, асар ўқувчилар томонидан қай даражада ўзлаштирилганлигини аниқлаши, шунга қараб, унинг устида қандай ишлашни белгилаб олиши мумкин. А. Рибакнинг фикрича, бу усулнинг ютуғи шундаки, бадий асарни ўзлаштиришда ўқувчи доимий равишда ўз мустақил фикрига таянади. Дарсадаги кейинги фаолият ўқувчи томонидан билдирилган ёки билдирилиши лозим бўлган фикрларни аниқлаш, ривожлантириш, тўлдиришдан иборат бўлади. Шунда ўқитувчининг айтганлари ёки китобдаги фикрлар ўқувчи томонидан такрорланмайди, балки ўқувчи билимларининг зарурий тўлдирувчиси бўлиб қолади. Шу тариқа ўқувчиларда тафаккур мустақиллиги мустаҳкамланади.

¹ Рибак А. А. Проблема индивидуального подхода в процессе формирования самостоятельного мышления учащихся. В кн. Проблемы формирования личности и индивидуальный подход к учащимся – Москва: «Просвещение», 1964.

А. Рибак томонидан тақлиф этилаётган тизимда ўқувчининг бундай мустақиллигига адабий асар билан ишлашнинг дастлабки босқичида амал қилиш мақсадга мувофиқ. Яъни ўқувчининг асар билан танишувдан сўнг чиқарган хулосалари дарснинг кейинги босқичида — асар устида ишланганда тўлдирилади, тасдиқланади, мустаҳкамланади. Ўқувчиларнинг илк таассуротлари дарсда ўқитувчи томонидан қилинган тўлдиришлар билан ривожлантирилади. “Ўқувчи методикаси”да ўқитувчи ўқувчиларнинг дастлабки таассуротларини тўғрилайди, холос. У ўқувчиларни таҳлил жараёнида билимларни қўллашга ҳам ўргатмайди. Ўқувчиларни асарни ўзлаштиришнинг иккинчи босқичига кўтармайди. Негаки ўқувчи таассуротларининг ўқитувчи томонидан тўғриланиши унинг мустақил фикрини, ўз қарашини йўққа чиқариб кўяди. Чунки синфдаги етакчи шахс бўлган ўқитувчининг хулосаси ўқувчилар қарашларига ҳокимлик қилиб, фикрларни ўзи истаган йўналишга солиши мумкин. Бунда ўқувчиларнинг асар ҳақидаги мустақил қарашлари ўз кучини йўқотади. Бундай бўлмаслиги учун, аввал ўқитувчи билан талашиб-тортишиб ўз қарашларини исботлай ва асослай биладиган аудиторияни шакллантириб олиш керак. Бундай ўқувчилар аудиторияси шу тарзда муттасил равишда ишлаш натижасида тайёрланиши мумкин, албатта. Шундан сўнггина адабий таълим жараёнига “ўқувчи методикаси”ни олиб кириш қутилган самарани бериши мумкин.

Бадий ва илмий тафаккурнинг ўзаро ҳамкорлиги чинакам реалликка айланиши учун маълум даражада баланд эстетик савия талаб қилинади. Бадий асар ўзида жуда кўп сирли, қутилмаган, қизиқарли жумбоқларни яширганки, улар матнга қайта-қайта мурожаат қилинганда очилади. Фикрлар «жанги»да ўқувчилар бир-бирларини эшитишга, ўртоғининг мулоҳазаларида ўзи қандайдир сабаблар билан кўрмаганларини кўришга ўрганади. Асар ҳақидаги таассуротлар дастлабки шовқинли муҳокамалар, етарлича ўйламай чиқарилган хулосаларнинг ҳақлиги учун кураш, ўз қарашларининг чекланганлигини тушунишга интилиш, ўзгаларни англаш орқали ўз маънавий оламини бойитиш йўли билан такомиллашиб боради. Ўқувчини мунтазам равишда матнга мурожаат қилишга, унинг устида ишлашга ундаш керак. Булар бадий таҳлил, иншо ёзиш ва қайта муҳокамаларда ўз аксини топади.

Асар мутолаасига иккинчи марта киришганда ўқувчи дастлабки фикрларига таянган ҳолда унинг бадиий мантиғини илғай бошлайди. Ўқувчининг асарни бадиий ўзлаштириши унинг тафаккури даражасидан айри эмас. Ўқувчи билан асар қаҳрамонлари орасидаги муносабат ва алоқадорлик қанчалик самимий, яқин бўлса, ўқувчи шахсияти ўзлигини шунча тўла намойиш этади. Асардаги бадиий ҳодисаларни таққослаш қобилияти, ҳар қандай нуқтаи назарнинг тубига етиш истаги, муҳокамаларда ҳақиқатнинг сабабларини топишга интилиш жараёнида шакллана боради. Қарама-қарши фикрлар ўртасида тайёр ҳақиқат эмас, ечилмаган муаммо ётади. Ўқувчининг шу муаммони ҳис қилиб, уни шаклга солиши ҳақиқатни излаш бошланганидан далолатдир.

Санъат асарини тушуниш йўлидаги тўсиқлар унинг эстетик табиатини билмасликдан пайдо бўлади. Қуйи синфлардаги адабий таълимда кўп қўлланиладиган оддий ўқиш ва қайта ҳикоялаш усули туфайли ўқувчи бадиий асар билан ишлаш ҳақида нотўғри тасаввурга эга бўлиб қолади. Бу, ўз навбатида, ақли ва кўнгли учун озуқа ололмаган ўқувчида қизиқишнинг йўқолишига сабаб бўлади. Кўпинча санъат асарини ўзлаштиришга ноқобиллик бола ҳаётининг у ёки бу босқичида санъатга, бадиий асарга бўлган қизиқишнинг йўқолишидан келиб чиқади. Бунинг асосий сабабчиси ўқитувчи бўлади. Ўқитувчи ҳамма ва ҳар бир ўқувчини бирдай эшита ва туя билиши керак.

Дарсда ўқилган асарларга янгича ёндашув туфайли ўқувчи билимларни тайёр ҳолда олишдай яроқсиз амалиётдан сақланади. Бу ҳолда ўқувчиларга имкон қадар кенгроқ мустақиллик берилади. Синфда асар матни устида ишлашда суҳбатлар, мустақил ишлар, ижодий изланишлар, муаммоли вазиятлар яратишга катта эътибор қаратилади. Шунда ўқувчилар асардан жонли таассурот оладилар ва ўзлари мустақил мулоҳаза юритиб, ўз хулосаларини чиқарадилар.

Асарлар устида ишлаш мобайнида ўқувчи тафаккури фаоллиги ва мустақиллиги уларни намойиш этишига қулай имконият яратилганда амалга ошади. Ўқувчиларнинг олдин ўзлаштирилган билимларига таянган ҳолда уларни ҳамиша мустақил фикрлашга йўналтириш керак. Тарбияланувчиларни саволлар билан мушкул вазиятларга солиш ва улардан чиқишга ундаш, қийинчиликларни енгилда ўзига ишонч уйғотиш керак. Бундай ишлар ўқувчи тафаккурининг ҳамиша фаолиятда бўлишини таъминлайди.

Ўқитувчиларнинг кўпчилиги дарсда ўқув материални имкон қадар кенг ва чуқур баён этишга уринадилар. Бунинг учун қўшимча материаллардан фойдаланадилар, билимларни ўқувчиларга тайёр ҳолда имкон қадар яхшироқ ва кенгроқ тарзда етказиб беришга ҳаракат қиладилар. Уй вазифасини сўраш жараёнида эса ўқувчиларни ўзининг айтганларини қайта айтиб бердириш билан чекланадилар. Афсуски, бу усул ҳали ўқитувчилар руҳияти ва иш тутумидан чиқиб кетганича йўқ. Бундай бир хилликка асосланган машғулотларда ўқувчиларни мустақил фикрлашга, таҳлилга, муҳокамага, хулосалар чиқаришга йўналтирувчи топшириқлар, саволлар берилмайди. Билимларни муаммо шаклида ўзлаштириш ташкил этилмайди. Кўпчилик ўқитувчилар янги ишларнинг моҳиятига киролмаяпти, бунинг йўллари ҳам билмайди. Мазкур таълимда ўқувчи руҳиятига хос хусусиятлар инobatга олинмайди. Маълумки, ўқувчилар мустақил ишларни хуш кўрадилар. Ўқув ишларининг фаол турлари уларга ёқади. Улар мураккаб муаммоларни ҳал этиш, имкониятларидан баландроқ вазифаларни бажаришни ёқтирадилар. Ўқитувчилар бу ҳолни англашлари, таълим амалиётида шунга таянишлари, ўқувчиларни ижодга ундайдиган топшириқлар бера билишлари керак. Фақат улар ўқувчиларнинг интеллектуал имкониятлари доирасида бўлмоғи лозим.

Янги асар устида ишлаш жараёнида ўқувчилар ақлий фаолиятининг ҳаракатчан ва тезкорлиги материалнинг қандай тақдим этилаётганига, уни тушунтиришда ўқитувчи томонидан берилаётган саволларда ўқувчининг аввалги билимлари қай даражада ҳисобга олинганлигига ҳам боғлиқ. Асар устида ишланар экан, ўқитувчи барча ҳолат ва хулосаларни тайёр ҳолда тақдим этмай, билимлар пардасини аста-секинлик билан очади. Ўқитувчи бундай йўлдан борганда ўқувчини қиёслаш, таққослаш, исботлаш каби мустақил ақлий фаолиятга ундайди ва шу йўл билан уларнинг муайян хулосага ўзлари келишларига кўмаклашади. Янги асар устида ишлашнинг саволлар қўйилмайдиган монологик турида эса ўқитувчилар янги материални имкон қадар кенг ва чуқур тушунтириб беришга ҳаракат қиладилар. Бу билан улар ўқувчиларнинг аввалдан билганлари ва шу дарсда ўзлаштирган янги билимларини мустақил фикрлаш фаолияти билан боғлашни назардан қочирадилар. Маълумки, ўқувчи тафаккурининг

мустақиллиги, ўқитувчи айтганларини ўзлаштиргандан кўра, ўртага ташланган саволнинг моҳиятини ўзи тушуниб етгани ва ўз билганлари асосида жавоб берганида кўпроқ юзага чиқади.

Янги асар устида ишлаш давомида ўқитувчи ўқувчиларни аввал ўзлаштирган билимлари билан янгисини қиёслаш орқали эстетик кашфиётлар қилишга ундайдиган саволлар бериб мустақил ишлатади. Бундай ҳолларда саволларнинг қўйилиши ўқувчи тафаккури фаоллигини оширадиган, янги асарнинг кенг ва чуқур ўзлаштирилишини таъминлайдиган бўлиши лозим. Агар ўқувчилар фикр қилишга йўналтирилса, ўз жавобларининг тўғрилигини исботлаш учун қатор далилларни излаб топишлари, жуда кўп нарсаларни эслашлари мумкин. Бу, ўз навбатида, уларнинг фикрлаш фаолиятини кучайтиради.

Ўқитувчи имкон қадар ўқувчиларининг фаол ва мустақил фикрлашига эришиши лозим. Фикрлашга ундаган ўқитувчининг айтганларини ўқувчилар ҳамиша диққат билан эшитадилар. Улар ўрганилаётган бадиий асар замиридаги мураккаб масалаларни ҳал қилишда бажону дил қатнашадилар. Янги дарсда ўртага ташланган саволлар мавзунини ўзлаштириш жараёнида нафақат ўқувчи тафаккурини фаоллаштиради, балки матннинг тушунилиши қийин қисмини ҳам мустақкам ўзлаштириб олинишини таъминлайди. Амалиёт шуни кўрсатдики, дарснинг бутун тизими ўқувчиларнинг фикрлаши фаоллашгандагина кутилган натижани беради.

Асар матни юзасидан қўйилган савол-топшириқлар ўқувчиларнинг фақат бу масалаларни ҳал қилганларидагина эмас, балки муаммога жавоб тополмай қолганларида ҳам фойдали бўлади. Агар ўқувчилар муаммо ечимини топишса, улар матндаги қонуний алоқаларни осон тушунган бўлишади. Акс ҳолда эса, қўйилган масала изланишлар жараёнида ҳал этилади, ўзлаштириш ҳам бошқачароқ, ўзига хос бўлади. Ўқувчилар материални ўзлаштириш учун онгли ва фаол ишлайдилар, уларда муаммони мустақил равишда янгича йўллар билан ечиш истаги пайдо бўлади.

Келажакда ўқувчиларнинг ёзувчи ёки шоир бўлишлари учун эмас, балки уларни санъат асарини тушуниш ва бадиий сўзни ҳис қилишга одатлантириш орқали маънавий дунёсини бойитиш мақсадида уларда ташқи ва ички кўриш, эшитиш ҳисси

ривожлантирилиши керак. Бадий асарни теран ўзлаштириш айнан ўзгача кўриш ва эшита билишни талаб қилади. Кузатувчанликнинг ўсиши — ўқувчи адабий ривожланишининг бир томони.

Маълумки, қуйи ва ўрта синфларда ўқувчилар ўз таассуротлари ёки расмлар асосида кўп иншо ёзадилар. Бундай ишларда табиат тасвирланган расмлар ҳам учрайди. Лекин натижа ҳаммиша ҳам кутилганидай бўлавермайди. Бу ерда гап сўз бойлигининг камлигида эмас, балки табиатнинг жилваларини кўриш ва эшитишни билмасликда. Ҳар бир кишининг қарашини ўзганинг назаридан фарқлаши лозим бўлган субъектив рангин ифода, кайфият ва фикрнинг қашшоқлигида. Адабий пейзажлар таҳлили, ўқувчиларнинг бу борадаги мустақил ижодий ишлари, кузатиши ва тасаввур этиши унинг нутқи, сўз бойлиги ривожи билан ҳам боғлиқ. Кузатиш ва тасаввурни баён этиш муайян даражадаги сўз бойлигини ҳам талаб қилади.

Кузатишга ўрганиш ва кўргани ёки тасаввур қилганини ифодалайдиган зарур сўзларни топа билиш ўқувчи адабий ривожланишининг асосий жиҳатларидан саналади. Бу ерда тараққиётнинг асосий йўли — жонли таассуротлардан бадий сўзга, китоблардан яна ёзувчининг тажрибаси, билими, маҳорати билан бойитилган шахсий таассуротларга ўтиш, ижодий ишларида ёзувчи услуби ёрдамида ўткирлашган тилдан фойдалана билишдан иборат бўлади. Ўқувчининг адабий-эстетик ривожи қуйи синфлардан бошлаб юқори синфларгача, аста-секинлик билан ҳаётий тажриба ва адабий-назарий билимларининг мураккаблашиб боришига мувофиқ равишда содир бўлади. Бу хусусият ўқувчиларнинг адабий дидини шакллантиради. Уларни борлиқ ҳодисалари ва инсоний туйғулар тасвири нафосатини, бадий сўз гўзаллигини ҳис қилишга ўргатиш билан бирга уларнинг дунёқараши шаклланишига хизмат қилади. Адабий асарни ўзлаштириш ўқувчиларнинг тасаввури, ҳис қилиш маданияти, эстетик туйғулари қанча юқори бўлса, шунча чуқур ва тўғри бўлади.

Адабий таълимда самарага эришиш учун ўқитувчи даставвал ўқувчиларнинг ўзида эстетик безовталиқ уйғонишига эришиши керак. Агар қўзғатилган эстетик туйғу чин ва чуқур бўлса, у катта маънавий имкониятга эга бўлади. Ўқувчида нозик эстетик кечинма ва рангин туйғуларни тарбиялаш ўқитувчидан катта меҳнат талаб қилади, албатта.

Асарнинг мазмуни ва жанридан қатъи назар, ўқувчиларни уни ўзлаштиришга тайёрлаш билан боғлиқ юмушлар: ўқитувчининг ёзувчи шахси ва ҳаётидан тортиб асар матнига дахлдор асосий эпизодларни қамраб оладиган кичик кириш сўзи, ўқувчиларнинг асар ҳақидаги мулоҳазалари, уларнинг олдиға фикр айтишга ундайдиган савол ёки топшириқлар қўйиш сингари ишлардан иборат. Ўқитувчи ишларининг асосий йўналиши айна шу адибнинг ўзигагина хос бўлган жиҳатларға ўқувчилар диққатини тортиш, тил, тимсол, нутқ оҳангдорлиги хусусиятларига эътибор қаратишдан иборат. Янги асар матни ва унинг муаллифи билан танишиш ўқувчи учун жуда қизик номаълум совғани кутиш каби қувонарли бўлиши керак. Адабиёт ўқитувчиси асар матни жозибаси ва ёзувчи шахси ҳақида дарсликда бўлмаган маълумотлар воситасида ўқувчиларда қизиқиш ҳамда меҳр уйғотиши, адиб шахсига хос эзгу сифатлар билан уни тўлқинлантириши лозим. Ўқувчининг ёзувчи билан экстат даражадаги, яъни қаттиқ ва ҳаяжонли қизиқиши унда мустақил фикрлаш ҳамда ижодға жонли муносабат уйғотади. Бу эса ўқувчиларни асарни ифодали ўқиш, саҳналаштириш, ҳикоя, шеър, тақризлар битишга, унинг таъсирини кундаликларига битиб қўйишга ундайди.

Бадиий асарнинг муаммоли таҳлилидаги яна бир муҳим жиҳат асар устида ишлаш билан ўқувчи бадиий тафаккурининг ривожланиши орасидаги боғлиқликдир. Асар сюжети, ундаги характерли муаммолар, адибнинг услуби ҳақида мулоҳаза юритиш жараёнида ўқувчининг бадиий тафаккури ривожланиши ва камол топиши зарур. Масала шундан иборатки, ўқувчилар маълум асар, ёзувчи, жанр, образ ва йўналишнинг бадиий мантигини англаб етиши керак. Маълумки, инсон ўзга бир одамдаги ўзига хуш келган бирор сифат ёки фазилатни ҳамиша эслайверса, ўзлаштиришни истаса, ўша нарса унинг табиатига ўтади, сингиб қолади. Адабиёт ўқитувчиси мана шу ҳақиқатни ҳисобға олиб иш юритиши керак. Масалан, 6-синфда П. Қодировнинг “Авлодлар довони” романидан олинган “Низомнинг танглиги” номли парча ўрганиш учун берилган¹. Мана шу парча устида ишлаш мобайнида

¹ С. Аҳмедов, Р. Қўчқоров, Ш. Ризаев. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик-мажмуа. – Т.: «Маънавият», 2005. 314-бет.

Ўқитувчи Низом ва Ҳумоюннинг шахсига дахлдор бўлган бирорга ҳам деталнинг ўқувчилар назаридан четда қолишига йўл қўймаслиги керак. Қаҳрамонларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати, сўзи, кўнглидан кечган туйғулари, фикрлари, руҳиятидаги чизгиларга ўқувчиларнинг эътибори тортилиши лозим. Шу тариқа ўқувчиларда улар интиладиган идеал шахсларни яратиш мумкин. Идеаллар эса ёшларни камолот сари етаклайди.

Ўқувчиларнинг барча нарсаларга қизиқувчанлиги ҳам ўқитувчи иш фаолиятининг марказида бўлмоғи лозим. Билишга интилиш ҳар доим ҳам қизиқишдан бошланади. Шу қизиқиш ва мавжуд шарт-шароит кишини илмли ҳамда маърифатли бўлишга ундайди.

Қобилиятли ва истеъдодли кишиларнинг хислатлари рўёбга чиқиши учун зарур шароит керак. Акс ҳолда, у сўнади. Киши камолотида уч нарса: ирсият, муҳит, тарбия асосий ўринни эгаллайди. Ўқувчилар учун зарур ижтимоий-индивидуал шароит яратиш ва уларга керакли йўналишда тарбия бериш мактабнинг, хусусан, адабиёт дарсларининг зиммасига ҳам катта вазифалар юклайди. Бунинг учун ўқитувчидан синфдаги ҳар бир ўқувчининг қобилияти, истеъдоди, ирсий белгиларини, интеллектуал имкониятларини билиши ва шунга қараб иш юритиши талаб қилинади.

Маълумки, инсон руҳи табиатан тартибга туширилган нарсани суйиб қабул қилади. Шунинг учун ҳам у шеърга кўпроқ мойил бўлади. Негаки шеър интизому тартиб ичидаги яратикдир. Шеърият борлиқни образли-эмоционал ўзлаштириш ва айни вақтда ўқувчи шоир мулоқотининг ҳиссий-эстетик шаклидир. Асарнинг ўқувчига эмоционал-эстетик таъсир кўрсатиши уни ўзлаштиришда муҳим аҳамият касб этади. Бадиий асарни ўзлаштириш ҳар қандай руҳий жараён каби миянинг аналитик-синтетик фаолияти саналади. Бу жараёнда ҳам таҳлил, таққослаш, умумлаштириш каби инсоннинг онгли фаолиятлари силсиласи амалга ошади. Яхши ташкил этилган адабиёт дарсларида ўқувчилар бадиий тимсолларни нафақат чуқур ва тўлиқ ўзлаштирадилар, балки асар устида ишлашга, ҳаётдан олган тажриба ҳамда билимини жалб қилган ҳолда у ҳақда ўйлашга ўрганадилар, фикрини оғзаки ёки ёзма равишда саводли баён қилишга одатланадилар. Асардаги бадиий лавҳаларни таққослаш асар ва характер мантигини топишга ёрдам беради. Бу билан тарбияланувчининг мустақил фикрлаш қобилияти ривожланади.

Адабиёт дарсларида ўқувчи ички дунёсига кириш учун ўқитувчи қўлида ажойиб қурол — бадий сўз бор. У китобхон кўнгили мулки, туйғулари, ҳаётий қизиқишларига у ёки бу даражада дахлдор бўлгандагина таъсирли бўлади. Бунга эришиш учун муаллим ёзувчи ва асар қаҳрамонларининг фикру туйғулар олами билан ўқувчилар руҳий дунёси ўртасида алоқа ўрната билиши керак. Асар муаллифи ёки қаҳрамоннинг шахсий сифатлари, туйғулари, шодлик ва изтиробларининг ўқувчилар томонидан илганишига имкон яратиш учун уларнинг диққатини айна шунга қаратадиган савол-топшириқни ўртага ташлаши керак. Масалан, **“Матндан Раънонинг изтироблари ифодаланган ўринларни қайта ўқинг ва бунинг сабаблари ҳақида фикрингизни айтинг”**, ёки **“Бўри полвоннинг даврада Насим полвонни кўргандаги ҳаяжони сабаблари ҳақида нима дея оласиз?”** ёхуд **“Тоғай Муроднинг Бўри полвон тилидан айтган чинакам эркак ва асл аёл ҳақидаги фикрларига таяниб унинг шахси ҳақида ўйлаб кўринг”** ва ҳоказо. Асар қаҳрамони ёки муаллифи шахсига хос сифатлар ўқувчи томонидан англашилганда у ўзига ҳам шу назар билан қарай бошлайди. Орада табиий боғлиқлик пайдо бўлади ва бу алоқа бола шахсининг шаклланишига хизмат қилади.

Адабий таълим олдида турган малакали китобхонни тарбиялашда вазифани бажариш, кўпинча, ўрганилаётган бадий асарни иккинчи марта ўқишни тақозо этади. Бунда асарнинг биринчи ўқилиши мустақил равишда амалга оширилган бўлиши ҳам мумкин. Шунда ўқувчининг мустақил ўқув топшириқларини бажариши ёки лавҳалар устида ишлай олиши унинг китобхонлик даражасини белгилайди, кейинги иш жараёни эса асар устида ишлаш ҳисобланади.

Ўқувчининг асар матнини қайта ҳикоялашга жалб қиладиган топшириқлар ёки дарс жараёнида ўқитувчининг айтганларини бажаришига таянибгина унинг фикрлашидаги мустақиллик даражасини аниқлаш мумкин эмас. Бунинг учун ўқувчини муносабат билдиришга, фикр айтишга ундовчи: **“Мазкур асарни ўқиш сизда қандай туйғуларни уйғотди?”**, **“Асарнинг сизга ёққан ёки ёқмаган жиҳатлари ҳақида фикрингизни билдиринг”** сингари саволлар ва ечилиши зарур жиддий муаммо қўйиш орқали амалга оширилади. Бундай топшириқларни бажариш ўқувчидан ўқилган бадий матнга ўз шахсий муносабатини билдиришни талаб қилади.

Шу тариқа бундай жавобларда бадий асарнинг ўқувчига эмоционал-эстетик таъсири ўз аксини топади.

Ўқувчи олдида адабий масала қўйиш мустақил мутолаанинг ўқитувчи томонидан назоратини талаб қилади, бадий асарни ўйлаб ўзлаштириш даражасига фаол таъсир кўрсатади. Қандайдир сабаблар билан топшириқни бажаролмаган (магнни тушунмаган, таҳлил йўллари билмаган ва ҳоказо.) ўқувчи ўзининг хатосини англайди, навбатдаги таҳлилга каттароқ қизиқиш билан астойдил тайёрланади. Ўқувчиларнинг биринчи, журъатсиз қадамлари ҳам мустақил фикрлаш фаоллиги бошланиб, жонланиб бораётганини кўрсатади. Ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари уларни мустақил фикрлашга ундовчи муаммоларни ечишдаги кучли ёки заиф жиҳатларида кўринади. Ўқувчиларнинг бу хусусиятларини инобатга олиш ўқитувчига, бир тарафдан, маълум ўқувчилар орасида сермахсул усулларни қўллаш, иккинчи томондан, мустақил таҳлил, мустақил фикрлашга йўналтирувчи усуллардан фойдаланиш имконини беради. Дарсларда адабий муаммоларни ҳал этиш ўқувчини шахс сифатида намоён этиб, унинг индивидуал хусусиятларини очиб беради. Шундай қилиб, адабиёт ўқитишда ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш ҳар бир ўқувчи билан индивидуал шуғуллана билишни талаб қилади. Топшириқлар индивидуаллашгани сари ўқувчиларнинг мустақил мулоҳаза юритишдаги имкониятлари кенгая боради.

Бугунги адабий таълим амалиётида ўқитувчи **“Қандай ёзишаётганига, ўйлашаётганига қара ва ўз имкониятнинг доирасида бор кучинг билан ишла”** тамойилига амал қилиши керак. Ўқувчига ўзгаларнинг ишини намуна қилиб кўрсатиш, улардан андаза олишга ундаш орқали эмас, балки бошқаларнинг ишларига қараб, уларни танқидий ўрганиб ва таҳлил қилиб, шулар асосида мустақил ишлашни ўргатиш керак. Бадий асар устида шу тариқа ишланганда адибнинг бадий тасвирлаш маҳоратини аниқлаш ўқувчини мустақил фикрлашга йўналтиришдаги асосий тадбирлардан бири бўлади. Чунки муайян шахснинг бадий-эстетик тафаккури бадий асарлар устида ишлашда тезроқ шакллантирилади. Чунки бирор миллатнинг руҳий-маиший хусусиятлари бадий асарларида яхлит тарзда намоён бўлади.

Адабий таълим амалиётини юқорида талаб қилингандек ташкил этишда, шубҳасиз, муаммоли таълимнинг ўрни катта. Мактаб

адабий таълимидаги муаммоли вазиятлар масаласи замирида ҳам, барча ўқув фанларидагидек, ўқувчига кўпроқ билим бериш, билимларни мустақил равишда ўзлаштиришга ички эҳтиёж ва қизиқишни уйғотиш, билим олиш жараёнида эркинлик бериш асосида дарс самарадорлигини таъминлаш ва малакали мутахассис тайёрлаш мақсадига қаратилган. Жумладан, В. Маранцман¹, Д. Сладкова², Т. Кудрявцев³, Н. Кудряшов⁴, М. Лесохина⁵, Л. Айзерман⁶ ва бошқалар адабиёт дарсларида муаммоли таълимдан фойдаланишда бирор мавзунини имкон қадар чуқурроқ тушунишни таъминлаш ва таълим жараёни фаоллаштиришга эришишни назарда тутишган.

Айтиш керакки, бошқа ўқув предметлари учун муаммоли таълимни худди шу мақсадда татбиқ этиш бугун ҳам етарли бўлиши мумкин. Лекин адабиёт дарсларида муаммоли таълим маънавий шакллантиришга, ўқувчи шахсида ўзликни кашф қилишга, ички «мен»ни англашга, улардан баркамол одам тарбиялашга хизмат қилишга йўналтириши шарт.

Мактаб адабий таълимида муаммоли вазиятларни ташкил этиш бошқа ўқув фанлариникидан жиддий фарқ қилади. Чунки адабиёт дарсларида бирор қоида ёки тенглама ўзлаштирибгина қолинмай, инсон туйғулари, ўйлари, ҳиссиёти тадқиқ қилинади. Одамни ўрганиш эса, муаммолар ичра мураккаб муаммодир. Адабиёт дарсларида яратилажак муаммоли вазиятларнинг дастлабки босқичида бошловчилик роли ўқитувчида бўлади, аста-секинлик билан бу вазифа ўқувчиларга ўта боради. Ўқувчилар ўз-ўзини бошқаришга мактаб давридан ўргана бориши керак.

Адабиёт дарсларида ташкил қилинган муаммоли вазиятларда ўқувчиларнинг мустақил мулоҳаза юритиши ва адабий асарларни

¹ Маранцман В. Г., Чирковская Т. В. Проблемное изучение литературного произведения в школе. — М.: «Просвещение», 1977.

² Сладкова Д. А. Проблемное преподавание литературы в старших классах средней школы. — Казань: Казан. унив., 1967.

³ Кудрявцев В. Т. Внедрение принципа проблемности в обучении. — Москва: «Высшая школа», 1968.

⁴ Кудряшов Н. И. Взаимосвязь методов обучения на уроках литературы. — М.: «Просвещение», 1981.

⁵ Лесохина Л. Н. О проблемности урока литературы. // Литература в школе. 1965, № 6.

⁶ Айзерман А. С. Современный урок литературы и проблемное преподавание. — Москва: «Просвещение», 1969.

баҳолаши асосида таълим самарадорлигини ошириш, ўқитишда таълим методларининг хилма-хиллигига эришишдан ташқари, ўқувчиларнинг онгли фаоллигини ошириш, уларда шахслик сифатларини шакллантириш сингари маънавий мақсадлар ҳам ётади. Шу билан бирга, дарсда ҳам, синфдан ташқари ишларда ҳам ўқувчиларда мустақил фикрлашни тарбияловчи, уларда бадиий асарни англаш, сўздан таъсирланиш кўникмасини шакллантирувчи махсус таълим усулларидан фойдаланиш лозим. Чунки мустақил фикрлаш шахс шаклланишининг бош мезонидир. Адабий асарлар устида ишлашда, у бадиий таҳлил шаклида бўладими, муаммоли тарзда амалга ошириладими, ўқувчиларда ҳиссиёт ва тафаккур таркиб топтириш биринчи, адабиётга доир билим бериш иккинчи ўринда бўлиши керак.

Адабиёт ўқитиш методикаси илмидаги қонуниятлар қанчалик кенг қамровли бўлмасин, ҳеч қачон ўқитувчининг ижодий иши ўрнини босолмайди. Мактаб таълим-тарбия жараёнининг умумий тамойиллари қанчалик чуқурлаштирилмасин, асар устида ишлашнинг методик йўллари ва усуллари қанча хилма-хил бўлмасин, ўқитувчи ҳамиша асарни ўрганиш учун мазкур синф ҳамда ўзининг индивидуал хусусиятларига мос келадиган бирор усул ёки йўналишни танлаши лозим бўлади. Адабиёт ўқитиш жараёнига муаммоли таълимни олиб кириш ҳам ўқитувчининг энг муҳим вазифаларидан бири. Мактабда бадиий асарлар устида муаммоли ишлаш ўзида адабий асар табиатига мос хусусиятларни, унинг умумий ва доимий қонуниятларини ҳам, аудиториянинг синфдан синфга, йилдан йилга ўтиш билан ўзгарадиган хусусий жиҳатларини ҳам қамраб олади. Юқори синфлар адабиёт дарсларидаги муаммоли вазиятларда ўқувчиларнинг диққати, қизиқиши фақат қаҳрамонлар шахси билан чегараланиб қолмай, муаллифга ҳам қаратилиши, ўқувчи адибнинг фикрлари йўналишига ҳам назар ташлаши ҳамиша ўқитувчининг диққат марказида бўлмоғи лозим. Асарда муаллифни кўриш ва уни эшитиш, аслида, ўқувчиларга бошланғич синфлардан бошлаб ўргатилиши керак. Бунинг учун асарни ўқувчига яқинлаштириш лозим, токи асар ўқувчини тўлқинлантирсин. Шунда қаҳрамонлар хатги-ҳаракати тушунарли бўлади, ўқувчи руҳини безовта қилади, баъзан кулдирса, баъзида даҳшатга солади.

Шу ўринда, адабиёт ўқитиш тизимига муаммоли таълимни олиб кириш йўллари ҳақида гапиришдан олдин, муаммоли адабий таълим, дидактик муаммо, муаммоли савол, муаммоли вазият тушунчаларига аниқлик киритиб олиш зарур бўлади.

Адабиёт дарсларида ўқувчилар ўзлаштиришлари лозим бўлган билимларни ўзларининг кучи, тафаккури, билими ва меҳнати билан ўзлаштирилишини таъминлаш мақсадида болалар олдига муаммо шаклида қўйиш йўли билан амалга ошириладиган ўқитиш жараёнини **муаммоли адабий таълим** деб аташ мумкин.

Муаммоли таълим асосига қўйиладиган, муаммоли масала тарзида фойдаланса бўладиган, ўқиш жараёнида муаммоли вазият ҳосил қилишга, ўқувчилар орасида тортишув ва фикрлар баҳсига асос бўладиган, қарашлар хилма-хиллигини келтириб чиқаришга арзийдиган таълимий масала **муаммо** саналади. Бу масала нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчининг ўзи учун ҳам бир қадар муаммо бўлиши керак. Масалан, Ч. Айтматовнинг 6-синф «Адабиёт» дарслигидан ўрин олган «Олтовлон ва еттинчи» афсонасида¹ бир миллатга мансуб етти ўғлоннинг бир-бирларига муносабатининг асл моҳияти, хатти-ҳаракати ва бунинг сабаблари — нафақат ўқувчи, балки анача-мунча катталар учун ҳам ўйлантирадиган масала. “Асардаги бир миллатга мансуб етти ўғлондан иккитаси — **Жўҳадзе ва Сандроларнинг қай бирини ватаннинг душмани деб ўйлайсиз?**” саволини ўқувчилар олдига муаммо шаклида қўйиш мумкин. Бу топшириқ ўқувчи учун анчагина фикрий зўриқишни, изланишни талаб қилади. Ўқувчи бу муаммони ҳал этиш учун матнга таяниб, ҳар икки қаҳрамонни ўрганиши, хатти-ҳаракатлари, гаплари, бир-бирига муносабатда ўзини тутишини тафтиш қилиши керак бўлади. Уларнинг ватанга муносабатини таҳлил қилади. Шахс сифатида ўрганади. Шу жараёнда ўсмир руҳиятида ҳар икки қаҳрамонга муносабат пайдо бўлади. Мана шу муносабат унда шахслик сифатлари қарор топа боришига олиб келади.

Ўқувчи олдига муаммо шаклида қўйилган, уни асар матни устида ўйлашга, изланишга ундайдиган, унинг замиридаги маъноларни тушуниш учун ҳаётий тажрибаларига қайта-қайта

¹ С. Аҳмедов, Р. Қўчқоров, Ш. Ризоев. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик-мажмуа. — Т.: «Маънавият», 2005. 114-бет.

муурожаат қилишга мажбур қиладиган савол ёки топшириқни **муаммоли масала ёки муаммоли савол-топшириқ** дейиш мумкин. Х. Тўхтабоевнинг олтинчи синф дарслигида берилган “Сариқ девни миниб” асари¹ бўйича **“Ҳошимжоннинг билимсизлик туфайли қилган шунча қилмишларидан хабардор бўлгандан кейин ҳам китобхон уни ёмон кўриб қолмайди. Бунинг сабаблари ҳақида нима дейсиз?”** тарзидаги савол ўқувчилар олдига қўйилса, бу уларга муаммо бўлади. Ўқувчилар бу масалани ҳал қилиш учун асардан Ҳошимжон шахси тасвирланган, унинг қилмишлари ёритилган ўрниларни қайта-қайта ўқишга, ўз кўнгилларида унга нисбатан пайдо бўлган муносабатни тайин этишга мажбур бўлишади. Ўзларининг руҳий ҳолати, сийратисидаги асосларга таяниб, Ҳошимжонни ёмон кўриб қолмаганликларининг сабабларини қидиради, муносабат билдиради.

Дарсда анъанавий йўллар билан ўзлаштирилиши қийин бўлган ёки моҳиятига ўқувчилар чуқурроқ кириши лозим деб топилган бирор мавзу юзасидан ўқитувчи томонидан ташкил қилинадиган вазият, ҳолат **муаммоли вазият** дейилади. Масалан, 7-синф “Адабиёт” дарслигидаги Х. Олимжоннинг “Ғазал” шеъри юзасидан берилган **“Ғазалнинг иккинчи ва учинчи байтлари ўртасидаги маъно боғлиқликларини аниқланг. Шамол тимсоли ташйётган шеърий маънони топинг”** топшириғини бажариш пайтида ўқувчи тушган қийин вазият, дарсдаги умумий ҳолат муаммоли вазият саналади. Ўқувчилар ошиқнинг тонг чоғи гўнчани ўпиб очаётган шамолга ҳавас қилиши, шамол гуллар ҳидини оламга ёйгани сингари маъшуқасининг бўйини таратиб оламни “масту мустағриқ” қилишни истагани, агар у шу ишни қилолса, ўз санъатига лол бўлиб ҳавасланиши каби мураккаб ҳолатларни кашф қилиш йўлидаги изланиш жараёни ўқувчи учун муаммоли ҳолат, вазият саналади. Қўйилган масаланинг нечоғли мураккаблиги муаммоли вазиятнинг даражасини белгилайди.

Адабиёт дарсларида муаммоли дарс ёки ҳолат ҳосил қилишнинг умумий талаблари қуйидагилардан иборат:

— адабий таълим амалиётида муаммоли вазиятни ташкил қилиш учун шундай амалий ёки назарий масала қўйилиши керакки, унинг ечилиши давомида ўқувчи ўзлаштирилиши лозим

¹ С. Аҳмедов, Р. Қўчқоров, Ш. Ризаев. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик-мажмуа. — Т.: «Маънавият», 2005. 12-бет.

бўлган янги билимларни ўзи ўрганиб олсин. Муаммоли вазиятни ҳосил қилувчи масалани қўйишда қўйидаги асосий шартларга амал қилинади: 1. Муаммоли топшириқ ўқувчиларда олдин шакллантирилган билим, кўникма ва малакаларга таяниши лозим. Ўқувчилар топшириқнинг шартларини тушуниб олиш ва уни бажаришга астойдил уринишлар натижасида унинг ечимига мустақил равишда етиб келишлари керак. Масала таркибига ўқувчи уни ҳал қилиш давомида аниқлаши зарур бўладиган битта номаълум масала (фаолиятнинг йўллари, шартлари ёки муносабат) қўйилган бўлиши керак. 2. Ўқувчи олдига қўйилган муаммони ҳал қилиш учун шу каби масалаларга доир умумий қонуниятни, шу хилдаги топшириқларни бажаришнинг умумий йўллари ёхуд айрим шартларини ўзлаштирган бўлиши лозим. 3. Муаммоли масалани ечиш ўқувчиларда янги билимларни ўзлаштиришга эҳтиёж уйғотиши керак. Адабиёт дарсларида муаммоли вазиятлар яратиш учун юқорида айтилганлардан ташқари маънавий-ахлоқий масалалар ҳам қўйилади;

— адабиёт дарсларида ўқувчига таклиф этилаётган муаммоли масала унинг интеллектуал имкониятларига мос тушиши лозим. Қўйиладиган муаммоли масала мураккаблигини ўзлаштирилиши лозим бўлган ўқув материалининг янгилиги ва умумлашганлик даражасига қараб аниқлаш мумкин. Ўқувчиларнинг интеллектуал имкониятлари қанча катта бўлса, ўзлаштирилиши лозим бўлган билимларнинг янгилик даражаси ва умумлашганлиги шунчалик баланд бўлади. Муаммоли масалани ҳал қилиш учун зарур бўлган ҳаракат турлари ва ечиш йўллари ҳам шу даражада юқори бўлади;

— адабиёт дарсларида қўйилган муаммоли масала ўрганилиши лозим бўлган билимлардан олдинда бўлиши керак. Агар ўқувчиларда ўрганиладиган ҳодиса ҳақида етарли даражада маълумот бўлмаса ёки ўқувчи мустақил фаолиятининг дастлабки белгилари аниқ бўлмаса, уларга шундай тушунчаларни берадиган босқич ташкил қилиниши лозим. Ёки улар ҳосил қилинган муаммоли вазиятда фаолият юритишга махсус тайёрланишлари керак. Муаммоли вазиятда ўрганилиши лозим бўлган ўқув материалини тўғри ажрата билиш зарур. Ўқув материалини тайёрлаш жараёнида ўқувчилар ўзлаштирадиган материал билан улар ижодий ўрганиши ва ўзлигига сингдириши даркор деб топилган сифатлар аниқ белгиланиши керак. Ўқув материалининг

биринчи турига далилий маълумотлар ва зарур кўникмалар киради. Иккинчи турига эса фаолиятнинг умумий қонуниятлари, ҳаракат йўллари, ўзлаштириладиган билим ва маънавий фазилатларнинг умумий шартлари киради;

— адабиёт дарсларида муаммоли топшириқ сифатида адабий-назарий масалалар, мулоҳаза юритишга йўналтирадиган саволлар, амалий ишларни ҳам санаш мумкин. Аммо муаммоли вазият билан муаммоли масалани аралаштириб юбормаслик керак. Муаммоли масала ўз-ўзидан муаммоли вазият ҳосил қила олмайди. Юқоридаги шартларга тўлиқ амал қилингандагина муаммоли вазият вужудга келиши мумкин. Ўқитувчи томонидан қўйилган ҳар қандай савол ўз-ўзидан муаммоли вазиятни пайдо қилавермайди;

— ўқувчиларнинг олдига қўйилган амалий ёки назарий масала уларда муаммоли ҳолатни пайдо қилса, муаммоли вазият кўрсаткичига айланиши мумкин. Бунинг учун ўқитувчи томонидан муаммоли саволга айлантирилган масала ўқувчилар кўнглидаги саволларга мутаносиб бўлиши талаб қилинади. Агар ўқитувчи томонидан шакллантирилган муаммо ўқувчиларнинг шахсий муаммоларига мувофиқ келмаса, бу муаммоли таълим талабларига мос тушмайди ва ўқувчиларда ижодий ҳолат уйғотишга хизмат қилмайди;

— адабиёт дарсларида ташкил қилинган битта муаммоли вазият ҳар хил турдаги топшириқлар бўйича ҳам яратилиши мумкин. Муаммоли вазият тушунтириш, маълум воқеа-ҳодисани олдиндан айтиш талаб қилинадиган назарий масалалар бўйича ҳам чиқарилиши мумкин. Бундай ҳолатларда муаммоли назарий масала зарур фактлар ҳақида маълумот беришга хизмат қилиши керак. Муаммоли вазиятни талаб қиладиган назарий масала муаммоли масалани ечиш шартларига мос келадиган фактларга асосланиши лозим. Муаммоли вазиятни амалий масалалар юзасидан ҳам ташкил этиш мумкин. Бундай муаммоли вазият ўқувчи олдига қўйилган назарий масаласини бажара олмаган ҳолатларда вужудга келтирилади. Ўқувчига олдиндан маълум йўлларга таяниб, масалани ечиш мумкин бўлмаган ҳолларда табиий равишда муаммоли вазият пайдо бўлади, ўқувчи ҳаракат ва фаолиятнинг янги, номаълум йўлларини топиши керак бўлади;

— адабиёт дарсларида муаммоли вазиятни ўқитувчи масалани бажаришда йўл қўйилган хатоликларнинг сабабларини англатиш

ёки бирор далилни бу йўлда тушунтириб бўлмаслигини кўрсатиш учун ҳам ташкил этиши мумкин.

Муаммоли таълимга бағишланган методик адабиётларда муаммоли вазиятда ўқувчиларнинг ўзлаштириш жараёнини ташкил этиш ва бошқаришга доир қатор талаблар қўйилган¹. Шуларга асосланган ҳолда бугунги адабиёт дарсларидаги муаммоли вазиятларни бошқаришга қўйидаги талабларни қўйиш мумкин:

1. Адабиёт дарсларида ўзлаштирилиши лозим бўлган ўқув материали яратиладиган муаммоли вазиятга асос бўлиши ва улар ўқувчиларнинг билишга бўлган эҳтиёжига мувофиқ келиши керак. Анъанавий усулларда ўзлаштирилиши лозим бўлган билимларни ўқувчилар ўқитувчи, дарслик ёки бошқа таълимий воситалар орқали ўрганарди. Муаммоли таълимда эса ўқув материали муаммоли вазият орқали ўқувчиларнинг ўзлари томонидан ўзлаштирилади.

2. Адабиёт дарсларида ўқувчилар ўзлаштиришлари лозим бўлган маълумотларни етказиш баъзан ўсмирларнинг ҳар хил ижодий имкониятларидан фойдаланиш йўли билан ҳам ташкил этилиши мумкин. Ўқувчиларнинг маълум қонуниятларни мустақил равишда англашлари, зарур йўллар ёки ҳаракат шартларини белгилашлари, айрим ҳолларда, боладан катта тайёргарликни талаб қилса, баъзан кичкинагина туртки ҳам етарли бўлади. Баъзи бир ҳолатларда ўқувчига ўзлаштириш қонуниятларини ўрганишда кўмаклашиш, унга ҳаракат йўлларини кўрсатиш, вазият талаб қилганидек иш тутишни ўргатиш керак бўлади.

3. Адабий таълим амалиётида ўқувчи муаммоли масалани ҳал қилишининг дастлабки босқичида аввал олган маълумотларидан

¹ Айзерман Л. С. Современный урок литературы и проблемное преподавание. – М.: «Просвещение», 1969. Кудрявцев В. Т. Внедрение принципа проблемности в обучении. – Москва: «Высшая школа», 1968. Кудряшов Н. И. Взаимосвязь методов обучения на уроках литературы. – М.: «Просвещение», 1981. Лесохина Л. Н. О проблемности урока литературы. // Литература в школе. 1965, № 6. Маранцман В. Г., Чирковская Т. В. Проблемное изучение литературного произведения в школе. – М.: «Просвещение», 1977. Махмутов М. И. Организация проблемного обучения. – Москва: «Просвещение», 1977. Махмутов М. И. Развитие познавательной активности и самостоятельности учащихся. – Казань: Татарское книжное издательство, 1963. Махмутов М. И. Современный урок. – М.: «Педагогика», 1985. Махмутов М. И. Теория и практика проблемного обучения. – Казань: ТКИ, 1972. Сладкова Д. А. Проблемное преподавание литературы в старших классах средней школы. – Казань: Казан. унив., 1967.

ёки талаб қилинган фаолият йўналишидан фойдаланиши лозим. Баъзи ҳолларда ўзлаштирилган маълумотлардан фойдаланиш айрим фактларни тушунтиришдангина иборат бўлади, бошқасида зарур хатти-ҳаракатлар тизимини амалга ошириш талаб қилинади.

4. Адабиёт дарсларидаги ўқув топшириқлари нисбатан қийин бўлган ҳолларда у ўқувчи томонидан ҳозир ечилиши зарур бўлган хусусий муаммоли масала сифатида умумий номаълумликлар тизимининг изчил давоми бўлиши мумкин. Битта муаммоли масала бир ёки кетма-кет келадиган икки муаммонинг давоми сифатида ҳам тақдим этилиши мумкин. Дарсларда ташкил қилинган муаммоли ҳолатларда ўқувчилар ўзлаштиришлари лозим бўлган адабий-назарий билим ҳамда маънавий-ахлоқий сифатлар уларнинг онгли иштироки ва меҳнати билан амалга оширилади. Келтириб чиқариладиган муаммоли вазиятга номаълум билимларни ўзлаштириш, олдин туйилмаган инсоний кечинмаларни туйиш ва одамни ҳис қилишга эҳтиёж уйғотадиган, ҳаракатнинг тўғри бажарилишига хизмат қиладиган, ўқувчини адабий таълим мақсади сари етаклайдиган назарий-амалий, маънавий-ахлоқий масалалар асос бўлади.

Адабий таълимда ўқитувчи томонидан маълум мавзу юзасидан уюштириладиган дидактик муаммоли вазиятдаги фикрлаш жараёни субъект ва объектнинг ўзаро махсус фаолият тури саналади. У ўқувчи руҳий ҳолатининг шундай турики, унда субъектга (ўқувчига) аввал маълум бўлмаган янгилик бўлмиш билимни эгаллаш ёки маънавий хислатни (объект) кашф қилиш ва ўзлаштириш муаммоли топшириқни бажариш ҳисобланади.

Муаммоли вазиятнинг психологик тизими инсонни интеллектуал фаолиятга ундовчи билим олишга бўлган эҳтиёж, эришиладиган номаълум билим ёки фаолият тури ва инсоннинг интеллектуал имкониятларига қўшимча унинг аввалги тажрибаси ҳамда ижодий қобилияти каби жиҳатларни қамраб олади. Муаммоли вазиятнинг пайдо бўлиши тафаккурнинг икки босқичи: тафаккур жараёнининг қуйи чегараси, яъни ўзлаштирилган билимлар муаммонинг ҳал этилиши учун етарли экани, тафаккурнинг юқори босқичи эса ўзлаштирилган билимлар етарли бўлмаслиги билан характерланади. Таълимий муаммо тортишувлар, баҳс-мунозарага, фикрлар хилма-хиллигини келтириб чиқаришга арзийдиган, фаолиятнинг номаълум йўллари,

қонуниятларини белгилайдиган, ўзлаштирилган билимлар асосида аниқланиши мумкин бўлган ҳодисадир.

Адабий таълим жараёнида муаммоли дарсни Шукур Холмирзаевнинг 7-синф “Адабиёт” дарслик-мажмуасига киритилган “Ўзбеклар” ҳикояси¹ мисолида қуйидагича ташкил этиш мумин:

Мазкур машғулотнинг муаммоли вазият эмас, “муаммоли дарс” деб аталишининг боиси шундаки, унда ўқувчиларнинг олдига битта эмас, бир нечта муаммоли масала қўйилади ва уларнинг ечими бутун дарсга режалаштирилган. Асардаги адабий қаҳрамонларнинг табиати, феъл-атвориغا хос хусусиятларнинг инсонга, ўзбекка, йигитликка қанчалик мослиги, одам шахси ва уни билишнинг нечоғли мураккаблиги масаласи кичик муаммоли вазиятларга сифмайди. Айниқса, адабиёт дарсларида инсонни ўрганиш, унинг табиатига хос бўлган турфаликлар муаммоли ҳолатга тушиб қолган кишиларнинг шахси, маънавияти ва нуқтаи назарига қараб ҳар хил баҳоланади, муносабат билдирилади, асосланади. Мунозаралар, далиллар, фикрлар, нафақат бир дарс, ҳатто бир неча соатларга сифмай қолиши ҳам мумкин.

Мазкур ҳикояни анъанавий йўсинда ўқув таҳлили орқали ўрганиш кутилган самарани бермаслиги мумкин. Чунки ҳикоя ўз мазмун-моҳияти билан кишида ҳар хил туйғуларни қўзғайди. Қалб қаърида оғриқ пайдо қилади, алам, изтироб уйғотади. Ҳикоя мутолаасидан сўнг китобхон қалбида пайдо бўлган туйғуларга унинг ўзи исм топиши, уларни бир-биридан ажратиб олиши учун асар матни устида мустақил равишда ишлаши керак бўлади. Дарсликда матн юзасидан тақдим этилган қирқдан ортиқ савол-топшириқ билан ишлаганда ҳам асарнинг кудратини, таъсир кучини, илгари сурилган, ўқувчига сингдирилиши керак бўлган фикрлар моҳиятини уларга маълум даражада етказиш мумкин. Лекин ҳикояда кўтарилган масалаларни муаммоли ўрганиш ундаги ғоялар ҳар бир ўзбек фарзандининг шууридан ўтиши, қалбида оғриқлар, аламлар, изтироблар пайдо бўлишини таъминлайди. Муаммоли дарс жараёнида ўқувчи қалбидаги туйғуларнинг пайдо бўлиш сабабларини ўзи аниқлайди, уларнинг

¹ Йўлдошев Қ., Қодиров В. Адабиёт. 7-синф учун дарслик-мажмуа. – Т.: «Шарқ», 2005.

исмини ўзи кашф қилади. Мазкур мавзунини муаммо шаклида ўрганишдан мақсад ўқувчи кўнглидан кечган шу алам, оғриқ, изтироблар ўсмирни безовта қилишига, қонини қайнатишига, миллий ғурурини уйғотишига эришишдан иборатдир.

“Ўзбеклар” ҳикоясини ўрганиш учун дастурда уч соат ажратилган. Дарснинг биринчи соати, табиийки, асар мутолаасига бағишланади. Кейинги икки соатни бирлаштирган ҳолда ўқитувчи синфда муаммоли вазиятлар ҳосил қилиши ва асар матнининг муаммо тарзида ўзлаштирилишига бағишлаши мумкин.

Ўрганишга тақдим этилган ҳикоянинг умумий ҳажми анча катта. Бир дарснинг ўзида уни тўлиқ ўқишнинг имкони йўқ. Шунинг учун ўқитувчи матннинг жумбоқли, болаларни ҳикоянинг қолганини ўзи ўқиб олишга мажбур қиладиган жойигача ўқигани, қолганини уйга топшириқ тарзида бергани маъқул бўлади. Масалан, вақт имкониятига қараб ўқитувчи матннинг бошидан 2 — 3 саҳифа ўқиб, ҳикоянинг “*Шунда сиз тасаввур ҳам қилолмайдиган бир воқеа содир бўлди...*” деган жумласи билан асар мутолаасининг бир қисмини яқунлагани, сўнг “*Биз энди яккамоҳов бўлиб қолдик. Йўқ, сира кирмадим. Қандай қилиб кирман! Бу ёғига қулоқ солинг...*” жумласигача ўқиб, орадаги ва кейинги асосий лавҳаларни қолдириб кетгани маъқул. Ўқитувчи матнни мутолаа қилганда ҳикоячининг ҳолатига тўлиқ кириши, унинг ўқувчисига — суҳбатдошига “*қадрдон*”, “*меҳрибоним*” каби мурожаатлари, “*...сиз нима қилардингиз?*” дея китобхонни ўйлашга мажбур қиладиган саволларини алоҳида оҳанг билан ўқиши, сўнг бир оз узилиш қилиши, ўқувчиларга ўйлашга имкон қолдириши лозим бўлади. Мақсад — асар мутолааси билан китобхонлар кўнглида ҳикоя қаҳрамонларига муносабат уйғотиш. Фақат бунга баён йўли билан, зўрлагандай қилиб эмас, балки матнни мустақил идрок этиш орқали, табиий равишда эришиш лозим.

Ҳикоянинг тўлиқ матнини ўқишни уйга топшириш билан бирга кейинги икки дарс характери ҳақида — дарс муаммоли тарзда, мунозара шаклида бўлиши тўғрисида маълумот берилади. Сўнг “*Сизнингча, асар қаҳрамонларидан қай бирини чинакам ўзбек дейиш мумкин?*”, “*Эргашвойнинг гаплари, ишлари гашингизни келтиряптими ёки ёқяптими? Нима учун?*”, “*Ҳикоянинг қайси қаҳрамони ўз табиати ва қилиқлари билан сизга кўпроқ маъқул?*”

Нега?” ва **“Сиз чинакам ўзбеклик билан чин одамлик ҳақида нима дея оласиз?”** шаклидаги ўқувчининг руҳиятини, шуурини қитиқлайдиган, уни ўйлаш, таҳлил қилишга, муносабат билдириш ва фикрини асослашга ундайдиган муаммоли саволлар ўқувчиларнинг адабиёт дафтарига ёздириб қўйилади.

Ҳикоя мутолаасига бундай назар билан ёндашган ўқувчи ўқиш давомида ҳар бир фикрга, ҳар қандай жумлага эътибор билан қарайди. Кейинги дарсга ҳар қайсиси ўзининг даражасида иштиёқ ва тайёргарлик билан келиши табиий. Ўқитувчи кейинги дарсда муаммоли саволларни дарстахтага ёзиб қўйиб, ўқувчиларга эслатади. Сўнг ҳар бир ўқувчининг фикрини, ўзига ёқиши ёки ёқмаслигидан қатъи назар, диққат ва ҳурмат билан эшитади. Чунки ўқувчилар, асосан, ўқитувчи учун гапиради. Балки баъзиларнинг айтганлари маънавий ўлчамларга мос келмас, лекин уни **“синдириб”** қўйишдан эҳтиёт бўлиш керак. Ўқувчи ўз қарашларининг тўғри ёки нотўғрилигини ўртоқларининг фикри, қарашлари, хулосалари билан таққослаб кўриб, ўзи билсин. Ўқитувчи буни назорат қилиб туриши керак.

Ҳикоя қаҳрамони Эргашвойнинг нечоғли ҳақлигини, қанчалар **“баланд”** лигини ўқувчилар мунозаралар давомида ўзлари кашф этсинлар. Уни асардаги бошқа ўзбеклар ва ўзлари билан қиёсласинлар. Муаммоли вазиятда баъзан шундай ҳолатлар ҳам бўладики, ҳамсуҳбатлар суҳбат жараёнида тортиша-тортиша **“боши берк кўчага”** кириб кетадилар ёки бир-бирлари билан келишмай қоладилар ёхуд масала ҳал бўлмай мунозара тўхтаб қолади. Шунда ўқитувчи, умуман, ўзбекка, хусусан, Эргашвойга хос характери очиш учун, муаммони кенгайтириш мақсадида дарсликдаги айрим саволлардан фойдаланиши мумкин. **“Аёлининг пахтага тўланадиган нархни билмаслиги сабабини изоҳлашга урининг”**, **“Ҳикоячининг “Қандай аблаҳ эканмиз?” деган иккори сабабига эътибор қилинг”**, **“Ўзбекларнинг ўз камбағаллигини яшириш сабаблари ҳақида ҳикоядаги фикрга қандай муносабат билдира оласиз? Сизнингча, бунинг сабаби нимада?”**, **“Ботир чўпон ва аёлининг Эргашга ўзларидаги биргина тарвузнинг ярмини илинганликлари, ўта камбағал бўлсалар-да, барча ҳашарчи йигитларга ош қилиб берганининг асл сабаблари тўғрисида ўйлаб кўринг. Бу ҳолни нима билан изоҳлаш мумкин деб ўйлайсиз?”**, **“Эргашнинг чўпоннигида деб бир ошам ҳам ош емагани сабабини изоҳланг. Сиз унинг ўрнида**

нима қилган бўлардингиз?”, “Эргашининг: “Хаммаларингдан жирканаман!” — дея четга чиққандаги ҳолатини батафсил тасвирлашга уриниб кўринг. Уша пайтда унинг кўзи, қоши, сўзлаш тарзи, гавдаси, юз ифодаси қандай бўлган деб ўйлайсиз? Сиз уни тушунасизми, ҳис этасизми? Ўзингиздаги ҳолатни сўз билан ифодалашга уриниб кўринг”, “Ўрмон, Мирзаголиб ва Азимжонларнинг кўзи воқеасидан кейин ҳам чўпонникига кираверишларига муносабат билдиринг. Уларнинг ўрнига ўзингизни қўйиб кўринг. Фикрингизни асослашга урининг”, “Сиз чўпон ва аёлининг руҳиятини тушунишга уриниб кўринг. Эргашининг ҳаракатларига уларнинг кўзи билан баҳо беринг”, “Матнга асосланиб Ботир чўпон ва аёлининг Эргаш билан хайрлашмаганига ўз муносабатингизни билдиринг. Одамзод учун дўст билан душманни, яхши билан ёмонни ажратиш қанчалар қийин экани ҳақида ўйлаб кўринг, фикр айтинг”, “Сиз ўзбеклардан, чўпон ва аёлидан фахрланасизми, хижолат бўласизми, нафратланасизми? Ҳашарчи талабалардан-чи?” каби савол-топшириқларни вазиятга қараб зарурини ўртага ташлаш мумкин бўлади.

Муаммоли дарс синфдаги яхши ўқийдиган бир неча ўқувчининг иштироки билан чекланмаслиги, унда синфдошларнинг барчаси иштирок этиши керак. Мунозара эркин суҳбат, ҳар хил фикрлар тўқнашуви асосига курилиши лозим. Муаммоли дарсни ташкил қилган ўқитувчи ҳам унинг ҳокими эмас, иштирокчиси бўлиши, бошқарувчисидан кўра кўпроқ қузатувчи — йўналтирувчиси бўлгани маъқул. Ҳамсуҳбатлар бир-бирларининг фикрини ҳурмат қилган ҳолда мунозарани ўзлари юргизганлари фойдалироқ. Мунозарадан ҳар бир ўқувчи бизнинг миллий-маънавий ўлчовларимизга мос келадиган ўз ҳақиқатига, ўз фикрига, ўз хулосасига эга бўлса, бу фикр қатъийлашиб, унинг ички «мен»и шаклланишига ҳисса қўшса, мақсад сари дадил бир қадам босилган бўларди.

Яна бир муаммоли вазиятни Саид Аҳмаднинг 8-синф “Адабиёт” дарслик-мажмуасига киритилган «Уфқ» романидан келтирилган парча¹ бўйича қуйидагича ташкил этиш мумкин:

“Қочоқ” парчасини ўрганиш учун дастурда икки соат ажратилган. Бу икки соат бирлаштирилиб, романдан олинган боб

¹ Каттабеков А., Йўлдошев Қ., Болтабоев Қ. Адабиёт. 8-синф учун дарслик-мажмуа. — Т.: «Ўқитувчи», 2002. — 288-б.

мутолааси ва унинг устида ишлашни яхлитлигича бир кунда ўтказилди. Парчанинг ўқитувчи томонидан ўқиб чиқилиши учун биринчи дарснинг 26 дақиқаси талаб қилинди. Биринчи дарснинг қолган қисми ва иккинчи дарс тўлиғича асар устида ишлашга сарфланди. Ўқитувчи ўтган дарснинг охирида ўқувчиларга кейинги мавзу муаммоли тарзда ўрганилишини маълум қилиб, “**Ёзувчи Турсунбойга нисбатан ноҳолис муносабатда бўлган**” деган фикрни ўртага ташлайди. Асар устида ишлашга ажратилган вақтнинг маълум қисми мазкур муаммо атрофида фикрлашишга сарфланади. Бу муаммоли вазиятда ёзувчи шахси ва унинг ўз қаҳрамонига муносабати асосий масала бўлиши лозим. Ўқувчилар ёзувчи орқали Турсунбойга, Турсунбой орқали ёзувчига баҳо берадилар, ўз муносабатларини билдирадилар. Бундай қалтис вазиятда ўқитувчи ўқувчиларнинг маънавий ўлчовлар, ахлоқий талаблар доирасидан чиқиб кетишига йўл қўймаслиги керак.

Дарсда қатнашган ўқувчиларнинг ҳеч бири Турсунбойнинг қилмишини маъқулламайди, албатта. Ўқувчиларнинг муносабатларида Турсунбойга ачиниш ҳисси бўлиши мумкин. Унинг шундай ҳолатга тушиб қолишига сабаб бўлган жиҳатлар ҳақида фикрлашилади. Бири ота-онани айблайди, иккинчиси Турсунбойнинг ўзини, учинчиси урушни. Лекин дарсда ўқитувчи томонидан ёзувчига муносабат билдириш, шу лавҳанинг романга киритилиши аҳамияти, адибнинг Турсунбойга муносабати ҳақидаги фикрлар ўртага ташлаганда ўқувчилар салмоқли фикрлар айтолмасликлари ҳам мумкин. Бу синфдаги муҳит, ўқувчиларнинг билимдонлиги даражаси, маънавий-ахлоқий савияси билан боғлиқ ҳолат. Қолаверса, бундай вазиятни ўқувчиларнинг баҳс-мунозара дарсларида қанчалик кўп қатнашгани билан ҳам асослаш мумкин.

Ўқувчиларнинг бир қисми дарсда етарлича “очилмай” қолиши ҳам таълим амалиётида учраб турадиган ҳол. Ўқувчилардан ҳар қандай ҳолатда ҳам фикрларини асослашга ҳаракат қилиш талаб қилинди. Айримлар бунинг уддасидан чиқолмайдилар. Асосланмаган фикрни айтиш муаммоли дарс учун мақсад эмас. Ўқувчилар ўз фикрини айтиб, хулосасини чиқаргандан сўнг асар матни юзасидан дарсликда тақдим этилган савол-топшириқларни ўртага ташлаб, матн устида ишлашни давом эттириш мумкин. Мактабда бундай дарсларни кўпроқ ташкил этиш таълим жараёнида ўқувчилар фаоллигини оширади, уларда зарур билим,

кўникма ва малакаларнинг шаклланишига имкон яратади, кутилган мақсадга эришишни тезлаштиради.

Бундан ташқари:

— Абдулла Қодирийнинг 9-синф дарслигида берилган “Ўткан кунлар” романи асосида **“Кумуш ўз худбинлигининг қурбони”**;

— Тоғай Муроднинг 6-синф дарслигида тақдим этилган “Юлдузлар мангу ёнади” қиссаси юзасидан **“Бўри полвон яхши курашчи-ю, ёмон ота”**;

— Одил Ёқубовнинг 6-синф дарслигида тақдим этилган “Музқаймоқ” ҳикояси асосида **“Эгамберди Ёқубов даврининг эмас, ўз ўjarлигининг қурбони”**;

— Пиримқул Қодировнинг 6-синф дарслигида берилган “Авлодлар довони” романи асосида **“Ҳумоюн уқувсиз, билимсиз, ношуд шаҳзода. Шунинг учун ҳам жангда мағлубиятга учради”** сингари ўқувчиларда дарҳол қарши муносабат уйғотадиган, уларни мувозанатдан чиқарадиган, туйғуларини жунбушга келтирадиган, қаҳрамонлар ҳимоясига отилиб чиқишга йўналтирадиган муаммоли савол-топшириқларни тавсия этиш мумкин.

Умуман, шуни айтиш мумкинки, инсон маънавиятининг соғломлашуви унинг фикрлари ва хатти-ҳаракати тозаришида акс этади. Шуни англаган ҳолда ўқувчиларни таълимнинг дастлабки босқичидан тўғри тарбиялашга эришмоқ лозим. Тўғри тарбия — тарбияланувчида табиатан мавжуд бўлган сифатларни уйғотиш ва уларнинг ривожланиши, маълум мақсад сари йўналишига кўмаклашиш, шу жараёнга монанд равишда билим ҳамда тарбия беришдан иборат. Адабиёт ўқитиш жараёнида бериладиган тарбияда ҳиссиёт, бадийлик ва самимийлик ўзаро уйғунликда бўлади. Бадийлик ўқувчида билим, кўникма, малака шакллантириш билан бирга унга ҳаётнинг ранги, оҳанги, моҳиятини очиб беради. Тарбия жараёнидаги ҳиссиёт ва самимият эса, тарбиявий тадбирларнинг таъсирчанлигини таъминлайди. Болаларни билимдон қилиш йўлида бериладиган билимлар ҳам ҳиссиёт билан суғурилгандагина уларнинг руҳиятига кириб, чуқур ўрнашади.

Бирор нарсага эришиш учун курашаётган инсон ўз руҳиятида уни курашга ундовчи кучни аниқ ҳис қилиб туриши керак. Нимагадир қарши курашиш учун ҳам киши кўнглида унга нисбатан муносабат бўлиши керак. Мана шу муносабат ҳиссиёт ҳисобланади. Ёки фақат завқ-шавқ ва оҳ-воҳлар билан янгилик

яратиб бўлмайди. Бунинг учун яратилажак янгиликни севиш керак. Мана шу севги ҳам ҳиссиёт саналади. Хуллас, ҳиссиётга қоришган фаолиятгина кишини курашга, интилишга, изланишга ундайди.

Маълумки, баъзан саводли, дарсда ўзгаларнинг фикрини жуда чиройли қилиб такрорлайдиган ўқувчи ўз фикрини ифодалаш керак бўлганда қийналади, ҳатто бирор мулоҳаза айтишга қўрқади, эҳтиёткорлик қилади. Одатда, бундай ўқувчи ё асар матни мазмунини қайта ҳикоя қилади ёки дарслик муаллифи хулосаларини такрорлайди. Афсуски, кўпчилик ўқувчилар ўз мустақил мулоҳазаларини, фикрларини ичларида сақлаб қолишга мойил бўлишади. Бу ҳолга ўқувчиларни эркин фикрлашга одатлантира олмаган дарсликлару ўқитувчилар айбдор. Болага меҳнат қилиб билимларни ўзлаштиришдан маънавий завқ олиш мумкинлигини, меҳнатнинг эҳтиёжга айланиши унинг маънавий қарамликдан қутқариши мумкинлигини англатиш керак. Тарбия жараёнида ўқувчи меҳнатини ташкил қила билиш, дарсда уни билим олиш йўлида ишлата олиш замонавий педагогиканинг муҳим вазифаларидандир.

Мактаб даврининг ҳар бир босқичида ўқувчи жисман ҳам, руҳан ҳам ўзига хос тарзда ривожланади. Шу нуқтаи назардан, бошланғич синфда тарбияланувчини мустақил фикрлашга ўргатиш ўрта ва юқори синфларга нисбатан фарқ қилади. Бу ёшдаги боланинг ҳаётий тажрибаси кам ва у хулоса чиқаришни билмай, кўпроқ тақлид қилади. Бошланғич синф она тили, ўқиш, математика, табиат дарсларида ўқувчиларни мустақил фикрлашга йўналтириш учун ташкил қилинган ишлар уларнинг ёши ва интеллектуал имкониятлари доирасида бўлиб, улар хулоса чиқаришга эмас, фикр айтишга, муносабат билдиришга қаратилган бўлиши керак. Шу сабаб бошланғич синф ўқитувчисининг вазифаси дарсда масалани тўғри қўя билиш, ўқувчини қизиқтира олиш, боланинг туйғуларини безовта қилишдан иборат.

Бола ўз билими ва тажрибасида кўрилмаган вазиятга дуч келганда ҳамда бу вазият уни қизиқтириб қолганда ихтиёрий равишда мустақил фикрлай бошлайди. Маълумки, нимагадир қизиққан одам масала моҳиятига киришга, ўз интеллектуал истакларини қондиришга уринади. Мактабда ўқувчини бундай ҳолатга солишдан аввал эса унинг фаолияти ва индивидуал

хусусиятларини чуқур ўрганиш лозим. Таълим-тарбия жараёнининг босқичлари юқорилагани сари ўқувчининг ҳаётий тажрибаси ва дарсликдаги асарлар матнидан хулосалар чиқара олиш имконияти ортиб боради. Шу тариқа, ўқувчи китоб билан мустақил ишлашга, уқиб ўқишга, асарларда ифодаланган фикрларни илғай олишга, борлиқни, инсонни, унинг туйғулари оламини кузатишга ва тушунишга ўргана боради. Оламни, одамни ва ўзлигини кашф қилади. Ўз сийрати шаклланишида иштирок этади.

Ўқитувчи зиммасига юкланаётган вазифаларнинг бажарилишида унга энг катта кўмакчи дарсликлар саналади. Лекин дарсликлар кўпинча ўртача ўқувчига мўлжалланадики, бу жуда нотўғри ва зарарли ёндашувдир. Бундай йўл билан миллий тарбияшуносликнинг бош мақсади — маънавий баркамол инсонни тарбиялаб бўлмайди. Дарсликлар, ўқув кўлланмалари синфдаги илғор боллага мослабгина қолинмай, уни ҳам бир неча поғона баланд кўтаришга олиб келадиган тарзда тузилиши, ўқувчиларнинг ҳар бири дарсликдан ўз имконияти даражасидаги билим ола билиши керак. Дарсликлар синфдаги тез фикрлайдиган, тез ишлайдиган, эртага миллатнинг “гули” бўладиган ўқувчиларни ўртачаларнинг қурбони бўлишига йўл қўймаслиги керак.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, дарсликларда тақдим этилган ўқув материаллари, уларнинг дастурий талқини таълим-тарбия жараёнининг бугунги мақсадларига мутаносиб бўлиши лозим. Афсуски, бугун амалда бўлган бошланғич синф ўқиш китобларининг деярли барчаси бундай талабларга жавоб беролмайди. Бошланғич синфлар “Ўқиш китоби” дарслиklarини тузишда бу ёшдаги ўқувчилар руҳияти, жисмоний имкониятлари, техник кашфиётлар уларнинг интеллектуал ривожланишига кўрсатаётган таъсир етарли ўрганилмаган. Бугуннинг боласи муаллифлар тасаввур қилганидан кўра билимлироқ, тажрибалироқ, ақллироқ. Бошланғич синф ўқувчисида инсоний сифатларни шакллантиришда унинг кучи, ақли ва имкониятларидан унумли фойдаланилмаяпти. Дарсликларда ўрганиш учун тақдим этилган ўқув материалларининг деярли барчаси, айниқса, 1-, 2-, 3-синфлар дарслиklarида, сунъий, ҳаётий ҳақиқатдан узоқ ва жўн. Матнларнинг асосий қисми насиҳатга қурилган. Ўқув материалларининг кўпчилиги рўнга мослаштирилиб муаллифлар томонидан “тўқилган”га ўхшайди. Асарлар матни юзасидан

тузилган: *“Нима учун она-Ер деймиз? Жавобни матндан топиб ўқинг ва ўқиганингизни ёд олинг”*, *“Навоийнинг истаги ифодаланган мисраларни ўқинг”*, *“Якшанба куни қандай воқеа юз берди?”*, *“Ота-она ўз фарзандига нисбатан қандай иборани ишлатади?”* каби матн мазмунини такрорлашга ундовчи, ўқиган кишининг гашини келтирадиган, қуруқ, ҳиссиз, мақсадсиз савол-топшириқлар ўқувчини бадиий сўздан, китоб ўқишдан, билим олишдан бездириб қўйиши мумкин. Асар устида шундай ишлаган болада бадиий адабиётга муҳаббат бўладими?

Дарсликда тақдим этилган мавзулар юзасидан: *“Асар сизда қандай таассурот қолдирди?”*, *“...ақл била мол жам этса бўлур, аммо мол била ақл ўрганиб бўлмас...”* деганда нимани тушуниш мумкин?”, *“Нима деб ўйлайсиз, Широқ нега қўйини боқиб юравермай, қабила бошлиқларининг олдига келди? Уни бунга ундаган куч нима эканини айта оласизми?”*, *“Эй, дўстларим, иззат ва саодатни фақат бахт ва толедан кутиб, ялқовланиб ётиш аҳмоқликдир...”* тарзидаги тасвири ўз сўзларингиз билан ифодалашга уриниб кўринг” каби ўқувчини фикрлашга йўналтирадиган, матннинг моҳиятига киришга, ундан маънавий озуқа ва бадиий завқ олишга ундайдиган, ўз қарашларини айтишга жалб қиладиган савол-топшириқлар учрамайди.

Дарс жараёнида матн юзасидан тузилган мантиқли, ўйлантирадиган саволларга ўқувчиларнинг барчаси жавоб бериши шарт эмас. Муҳими — савол билан уларни безовта қилиш. Агар ўқитувчи узлуксиз равишда матн устида ўқувчини мустақил мулоҳаза юритишга, бадиий сўз сеҳрини, қудратини англашга, сўздан таъсирланишга ўргата борса, аввал бошда саволларга жавоб беролмаган болада ҳам аста-секин исталган кўникма ҳосил бўлади, у бунга ўрганиб боради, фикр кишиси бўлиб етишади. Матн устида ишлаш — асарни бадиий таҳлил қила билиш, унинг бадиий, мантиқий, эстетик мазмунини англаш, ундаги асосий ёки иккинчи даражали жиҳатларни ажрата билиш, улар орасидаги алоқани илғай олиш, шу билан бирга, бу жараёнда ўз фикр-мулоҳазасига, ўз қарашларига эга бўлиш, фикрини асослай билиш ва ҳимоя қила олиш демакдир. Таълим тизимида бола мактабга келган кундан бошлаб унда шундай кўникмаларни шакллантириш йўлидан бориш таълим-тарбия муассасалари олдига қўйилган энг муҳим вазифадир.

Айтиш керакки, ҳозирда бошланғич мактабда адабиёт ўқитиш билан 5 — 9-синфлар адабий таълими ўртасида узвийлик йўқ. Бошланғич синфларда юқорида айтилгандек таълим олган бола 5-синфга келганда қўйилган талабларга мослашиб олгунча, ўқув йилининг ярни ўтиб кетади.

Дарсликка материал танлаш, у қайси синфларга мўлжалланганидан қатъи назар, ёзувчининг мавқеи, олган унвонларига қараб эмас, асарларнинг инсон камолоти йўлида нечоғли аҳамиятга эғалиги билан белгиланади. Бадиий ижод намуналари дунёсидаги энг зўр асарларнинг барчасини дарсликка киритиб бўлмагани сингари, энг яхши деб топилган адибнинг асарлари ҳам, агар у миллат келажаги маънавиятини шакллантиришга ҳисса қўшишга боп бўлмаса, адабий таълим мақсадига мос тушмаса, дарсликка киритилмайди.

Дарсликлардаги дидактик ашёларнинг вазифаси ўқувчини ўша энг зўр асарни мустақил равишда қидириб, топиб ўқийдиган маънавият эғаси сифатида шакллантиришдан иборатдир. Афсуски, бугун мактабда адабиётдан дарс бераётган ўқитувчиларнинг ҳаммаси ҳам буни англаб етганича йўқ. Дарсликларда ҳеч нарса муаллифларнинг қолипига солинмаслиги, уларнинг хулосаларини такрорлашга асосланмаслиги керак. Уларда ўқувчига таълим жараёнининг ўқитилиши керак бўлган, берилиши лозим билимлар миқдорини миясига жойлаб қўйиладиган объект деб эмас, балки дарснинг ўқитувчи билан тенг мақомдаги ижрочиси ва эғаси деб қаралиши лозим. Ўқувчилар дарснинг тингловчисидан, интизомли иштирокчисидан бу жараённинг субъекти — ижрочиси мартабасига кўтарилиши зарур.

Амалдаги дарсликларнинг айримлари асосида ўқувчилар мустақил фикрлаш даражасини ўстириш, уни ривожлантириш мақсадида мактабларда тажриба-синов ишлари олиб борилди. Айтиш керакки, ҳозир адабиёт бўйича дарсликлар яратиш юзасидан тендер ўтказиш жараёни тинимсиз равишда ўтказилаётгани учун айрим дарсликлар айна дамда истеъмолдан чиққан бўлиши ҳам мумкин. Бу илмий тадқиқот учун унчалик муҳим ҳам эмас. Чунки тавсиялар беришдан кўра, масаланинг илмий-назарий моҳиятини кўрсатиш муҳимроқ.

Маълумки, одамнинг оғзаки нутқи унинг ҳаётий эҳтиёжлари асосида жуда вақтли шакллана бошлайди ва ривожланади.

номи билан кириб келаётган методлар ҳам ўқувчи-ўқитувчидан ортиқча руҳий ва жисмоний куч сарфламай, қисқа вақт ичида катта натижаларга эришишни назарда тутлади. Чунончи, «Ақлий ҳужум» методи ўқувчининг дарс жараёнидаги фаоллигини ошириш, уни эркин, мустақил мулоҳаза юритишга ундаш, ҳаммани бир хил фикрлашдан озод қилиш, маълум мавзу юзасидан ҳар хил фикрларни тўплаш ва масалага ижодий ёндашишни таъминлайди. Бу жараёнда ўқувчиларнинг тафаккур мустақиллиги ортади. «бхбхб» методида эса қисқа вақт оралиғида ўқувчилар томонидан ҳам мавзу юзасидан қатор фикрлар билдирилади, ҳам бу фикрларнинг асосли экани уларнинг ўзлари томонидан текширилади. Бу жараёнда ўқувчи ўз-ўзидан мустақил мулоҳаза юритишга, мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантиришга мажбур бўлади.

Ўқувчиларни адабий ижодга ундаш улардан ёзувчи тайёрлаш учун эмас, балки уларнинг барчаси эркин фикр кишилари бўлиши учун зарур. Адабиёт ўқитишнинг бошланғич босқичида болаларни эртак, шеър, топишмоқ ва ҳикоялар тўқишга ундаш, таълимнинг ўрта босқичида ҳаётий мавзуларда ижодий ишлар ёздириш, қаҳрамонлар шахсига муносабат билдиришга ўргатиш, юқори синфларда асар матни таҳлилини унга адиб шахсияти қанчалик сингдирилганини аниқлаш билан қўшиб олиб бориш, ўсмирларни ўз хатти-ҳаракатларини муаллиф ва адабий қаҳрамонларнинг амалларига солиштириб баҳолашга ўргатиш, туйғуларини сўз билан ифодалашга ундовчи мавзуларда иншолар ёздириш ўқувчини мустақил фикрлашга одатлантириб, унда эзгу шахслик сифатларини шакллантиришга хизмат қилади.

Муаммоли таълим адабиёт ўқитиш жараёнида ўқувчини мустақил фикрлашга ўргатишнинг энг муҳим дидактик воситасидир. Адабиёт дарсларида ўрганилиши лозим бўлган тушунча ва таҳлил қилиниши керак бўлган матнга хос жиҳатларни ўқувчилар олдига муаммо шаклида қўйиш уларни мустақил фикрлашга йўналтиради.



**АМАЛИЁТНИНГ
НАЗАРИЙ
ҚИРРАЛАРИ**

БАДИЙ ДИДНИ ШАКЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Бугун кўплаб миқдорда енгил-елпи асарлар битилаётган, маза-матраси йўқ қўшиқлар ёзилаётган, олди-қочди кинолар яратилаётган экан, демак, бундай “адабиёт” ва “санъат”га жамиятда эҳтиёж бор. Одам китобни ўзига ёққани учун ўқийди, қўшиқдан завқлангани учун эшитилади, томошалардан баҳра олгани учун кўради. Инсон табиатан қандай жанрдаги китобни ўқишга мойил бўлса, шундай асарни қидиради, қандай санъат намунасини тинглашга, кўришга иштиёқи бўлса, ундан ўзига керакли нималарнидир олади. Бу унинг ичидаги “Мен”ига боғлиқ. Ҳамма гап ана шу “Мен”нинг қандай тарбияланганида.

Хўш, китобхонлик савияси унча юқори бўлмаган, эстетик диди заиф, бадий саводхонлиги бўш ўқувчи қаердан пайдо бўлди? Билимли китобхонни тарбиялаш, бадий дидини ўстириш, унда ҳақиқий мутолаа маданиятини тарбиялаш кимнинг вазифаси? Айрим олимлар таъкидлаганидек, ҳозирда мамлакатда ташқил этилаётган маънавий-маърифий тадбирлар миллатни қайта тарбиялай оладими? Матбуот дўконларининг бозорини чаққон қилаётган хусусий газеталардан ўрин олган детективлар кишиларнинг меъдасига тегишига, кўпчилик ўқиётган, томоша қилаётган “асар”ларнинг ҳеч нарсага арзимаслигини англаб етишларига йўналтирувчи куч нимада? Шаклланиб улгурган, ҳатто қотиб қолган китобхонни ўзгартириш мумкинми?

Китобхоннинг бадий-эстетик дидини мактаб адабий таълими шакллантиради. Оддий китобхонда яхши китобни таний оладиган бадий дидни тарбиялаш — адабиёт дарсларининг, билимдон, бадий диди баланд адабиёт ўқитувчиларининг вазифаси. “Адабиёт” дарслиklarининг иши. Мактаб босқичида, шиддатли равишда ўсиб-ривожланиб, шаклланиб бораётган даврда яхши асарларни ўқишдан завқланиб, руҳияти жунбушга келган, безовта бўлган, уни чинакамига йиғлатган ёки қотиб-қотиб кулишга мажбур қилган асарни ёзган адибнинг услубини, унинг ҳаёт ҳодисаларига муносабатини англаб ўрганган одамгина китобни китобдан

фарқлашга қодир бўлади. Баланд бадий дид ўқилган асардаги қайси жиҳатлардан завқланганини англаб, туйғуларини фарқлаб ўрганган ўқувчида шаклланади.

Бугун “енгил” асарларни ўқиётган, яхши асарларни ёмонидан фарқлай олмаётган китобхонни бутун республика ўқувчиларини бир хил қолипда фикрлайдиган, яқдил хулосага олиб келадиган адабиёт дарслари, сиёсий мафкура талаблари асосида яратилган, йиллаб ўзгаришсиз қайта нашр этилган “Адабиёт” дарсликлари тарбиялаган. Ўша давр маъмурий педагогикаси, методика илми талабларига ўргатилган филолог ўқитувчилар шакллантирган. Улар бошқачасига ўргатилмаганидан, таққослаб кўриш имкониятлари бўлмаганидан шундай қилишган. Инсоннинг шаклланиб улгурган бадий дидини ўзгартириш деярли мумкин эмас. Чунки у қотиб бўлган. Уни маънавий-маърифий ишлар ҳам, панд-насиҳатлар ҳам ўзгартиролмайди. Ўзгариш учун инсоннинг ўзи табиатидаги салбий иллатларни англаб етиши, фарқлаши ва ўзгаришга астойдил ингилиши керак. Шундагина одам ўзини ўзи қайта тарбиялаши мумкин. Ўзини ўзгартириш кишидан жуда катта куч, ақлий ва руҳий зўриқиш, билим, меҳнат талаб қилади. Бунга ҳамманинг ҳам иродаси етавермайди.

Инсон кўнглини, одам аталмиш яратиқнинг мураккабликлари ва ўзига хосликларини англаш, туйғуларини фарқлаш кўникмаси бадий жиҳатдан пухта асарлар, тимсоллар таҳлили асносида мактаб адабиёт дарсларида аста-секинлик билан тарбияланади. Бу даврда руҳиятга, кўнгилга жойланган билимлар, бадий, илмий ва ҳаётий ҳақиқатлар ҳеч қачон унутилмайди. Аксинча, улар ўқувчининг табиати, гап-сўзи ва хатти-ҳаракатига сингиб боради. Шундай экан, мактаб адабий таълимига жиддий эътибор қаратиш, шаклланиб келаётган шахснинг интеллектуал тараққиётига жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш лозим.

Шунинг учун филолог ўқитувчиларни тайёрлаётган таълим муассасалари, адабиёт ўқитиш методикаси илми ва амалиёти билан шуғулланаётган мутахассислар, педагог-методистлар, ўқитувчилар ўз ишларига жуда катта масъулият билан қарашлари шарт. Адабиёт ўқитиш жараёнига жавобгар бўлган кишилар миллатнинг, мамлакатнинг тақдири жуда кўп жиҳатдан мактаб адабий таълими зиммасида эканлигини унутмасликлари керак. Чунки мамлакатни ҳар томонлама юксалтириш ҳам, тубанлик қаърига тортиш ҳам

алоҳида шахслардан ташкил топган миллатнинг қўлида. Фуқаролар маънавий-руҳий оламининг соғломлашуви кўп жиҳатдан адабиётга дахлдор. Шу сабабли адабиёт оламида шоир ўз ишини, ёзувчи ўзиникини, адабиётшунос олим ўзига буюрилганини, адабиётчи-методист ўз вазифасини бажаргани ҳар бир тизимнинг тараққиёти самарасини таъминлайди.

Ўрни келганда шуни айтиш лозимки, умумий ўрта таълим мактабларида адабиёт ўқитишнинг мақсади, вазифалари, мазмуни ва йўналишларини белгилаб берувчи “Адабий таълим концепцияси” деб аталмиш давлат аҳамиятига молик педагогик ҳужжат мавжуд¹. Адабиёт ўқитиш тизимида стандарт, дастур, дарслик, ўқув ва методик қўлланма сингари дидактик ашёлар мана шу ҳужжат асосида яратилади. Концепция ва стандарт узоқ муддатга мўлжаллаб тузилади. Дастур, дарслик, методик ва ўқув қўлланмалари сингари ўқув-методик мажмуаларнинг давр талаби асосида янгиланиб бориши — бугунги жадал тараққиёт учун табиий ҳол. Лекин янгиланиш жараёнига, такомиллаштириш ишига катта масъулият билан қараш лозим. Адабий таълим концепцияси ва стандарти турли босқичдаги мактаб ўқувчиларининг ёш хусусиятлари, психологияси, педагогика ва методика илмларининг талабларидан келиб чиққан ҳолда тузиб, ҳукумат томонидан тасдиқланади. Дастурлар, дарсликлар, методик қўлланмаларда турфа адабий асарларга, уларнинг бадиий таҳлилига ёндашув турлича бўлиши ёки бирор бадиий ҳодисага бир неча хил муносабат, ҳар хил талқин бўлиши ҳам мумкин. Лекин “Адабий таълим концепцияси”да белгиланган бош мақсад, вазифалар ва “Адабий таълим стандарти”да кўрсатилган мезон ягона бўлиб, ундан чиқиш мумкин эмас.²

Хизмат юзасидан барча вилоятларда мактаб она тили ва адабиёт ўқитувчилари билан таълим амалиётидаги муаммолар ҳақида давра суҳбатларида қатнашдик. Ўқитувчиларнинг “Она тили” ва “Адабиёт” дарсликларининг иккинчи авлоди эксперименти натижалари юзасидан таклиф ва мулоҳазалари эшитилди. Уларга асосланган ҳолда “Маърифат” газетасининг 2007 йил 4-, 7-, 11-октябрь сонларида эълон қилинган “Умумий ўрта таълим

¹ Қ. Йўлдошев. Адабий таълим концепцияси. Т.: ЎзПФТИ, 1997.

² Қ. Йўлдошев, Қ. Ҳусанбоева. Адабий таълим давлат стандарти // Таълим тараққиёти. I махсус сон. 1999., 141 – 163-б.

мактабларининг 5 — 9-синфи учун адабиётдан ўқув дастури” таҳлилига қўл урилди (муаллифлари кўрсатилмаган). Дастурда мактаб адабий таълими мазмунига маълум ўзгартиришлар киритилган. Давр нуқтаи назаридан қараганда бу унча ажабланарли ҳодиса эмасдек туюлади. Хужжатнинг ўқтириш хатида айтилишича, у “такомиллаштирилган” дастур. Лекин шу ўринда “такомиллаштириш” тушунчаси ҳақида мулоҳаза юритиб шуни айтиш мумкинки, бу атама *янада яхшилаш, мукаммаллаштиришни* назарда тутади. Мазкур дастур варақланганда эса, кишида у жўнлаштирилгандек тасаввур пайдо қилади. Қайд этилганидек, “*юқори малакали мутахассислар томонидан қайта кўриб чиқилган*”¹ дастур диққат билан ўрганилса, уни яратишда адабиётчи педагог-методистнинг иштирок этмагани яққол кўзга ташланади. Одатда, дастурларнинг “*Уқтириш хати*” да таълимнинг белгиланган мақсади ва вазифалари қайд этилади. Ўша мақсаддан келиб чиқиб, адабий таълимнинг мазмуни қандай тартибда ташкил этилиши лозимлиги белгилаб олинади. Бадий асарлар талқини ҳам шу асосга қурилади. Мазкур дастурда фақат мазмун ўзгаришлари ҳақида сўз юритилган-у, мақсад ва вазифалар акс этмаган. Мақсад ва вазифалар кўрсатилмай туриб мазмун ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Ахир, мазмун мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб белгиланади. Шунинг учун дастурга материаллар танлашда англашилмовчиликларга йўл қўйилган.

Маълумки, мактабда кўпчилик ўқув фанлари (она тили, математика, физика ва ҳоказо.) ўқувчига тўғридан-тўғри билим беради; бир қисми (меҳнат, чизмачилик, расм) уни касб-ҳунарга йўналтирса, баъзилари (жисмоний тарбия) боланинг жисмини соғлом ўстиришга хизмат қилади. Адабиёт, мусиқа, тасвирий санъат сингари ўқув фанлари эса бевосита тарбияланувчиларнинг кўнгли учун ишлайди. Мактабдаги адабиёт дарслари бадий сўз кўмагида ўқувчининг руҳияти, маънавиятини соғломлаштиришга, бойитишга, эътиқодини поклаш ва юксалтиришга қаратилган. Адабиёт дарсларида ҳам билим берилади, лекин бу билим олинган руҳий озукани, кўзготилган туйғуларнинг омилларини англаб уларни баҳолай билиш мақсадига хизмат қилади. Умумий ўрта таълим мактабларида адабиёт ўқитишдан мақсад адабиётшунос,

¹. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5 — 9-синфи учун адабиётдан ўқув дастури // «Маърифат» газетаси, 2007 йил 4,7,11 октябрь.

шоир ёки ёзувчи тайёрлаш эмас, маънавий баркамоллик сари юз тутган шахсни шакллантиришдир. Бадиий сўзга, адабиёт ва санъатга мойиллиги бор ўқувчилар махсус йўналишли мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежларида, институт ва университетларда алоҳида таълим оладилар.

Мазкур дастур филологик йўналишдаги ўқув юрти учун тузилгандек, унда қилинган ўзгаришлар талқинида филологик билим етакчилик қилади. Тўғри, адабий таълимда фақат педагогик мақсад устуворлик қилмайди. Лекин мактабда адабиёт адабиётшунослик фани тарзида эмас, балки **ўқув фани** сифатида ўқитилади. Умумий ўрта мактабни битириб чиқадиغان оддий фуқарога **“энг қадимги даврдан ҳозирги даврга қадар бўлган адабиёт ҳақида муайян билим”** бериш шарт эмас. Адабиёт дарсларида эртага инженер, врач, математик, ҳайдовчи, ёки географ бўладиган ўқувчига **“...адабиётнинг фан сифатидаги назарий масалалари ҳақида тасаввур бериш”**, **“асарларнинг ғоявий мазмунини аниқлаштириш”**, **“асарнинг ўзбек адабиёти ривожига дағдиратиши”**ни билдириши, **“Шарқ адабиёти анъаналарининг янги тарихий-маданий шароитда давом эттирилиши”**ни билиши муҳим эмас¹.

Усмон Носир, Зулфия, Рауф Парфи, Муҳаммад Али, Омон Матжон, Ҳ. Худойбердиева, Ш. Бошбеков асарлари ва Умар Хайём рубоийларини ўрганишни адабий таълим мазмунидан чиқариб М. Қориев, Ў. Умарбеков, Т. Тўла, Ж. Жабборов, А. Авлоний, М. Осим, С. Зуннунова, И. Юсупов асарларини мактаб адабиёт дарсларида ўрганиш учун тақдим этишга “такомиллаштирилган” дастурнинг “Уқтириш хати”да саналган бандлар етарли асос бўлолмайди.

Янгиланган дастурда мактаб адабий таълимидан чиқариб юборилган Ч.Айтматовнинг “Олтовлон ва еттинчи”, Фитратнинг “Юрт қайғуси”, Х.Давроннинг “Ватан ҳақида етти ривоят” (5-синф); Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асаридан парчалар, Азим Суюн шеърлари, Зоҳир Аъламнинг “Афандининг қирқ бир пашшаси”, Жонатан Свифтнинг “Гулливернинг саёҳатлари” (мустақил ўқиш учун) асарлари (6-синф); Усмон Носир, Зулфия, М. Али, Рауф Парфи, Омон Матжон, Умар Хайём шеърлари (7-синф); Х. Султонов, Ш. Бошбеков асарларидан парчалар, Ҳ.Худойбердиева шеърлари (8-синф); Софокл, Камю ижодидан

¹. Ўша асар, 2-б.

намуналар (9-синф) адабиёт дарсларида бир неча йилдан бери амалий синовдан ўтган, ўзини оқлаган ва яна узоқ йиллар ўқувчи маънавиятини шакллантиришга хизмат қилиши мумкин бўлган ўқув материаллари ҳисобланади.

Масалан, Ч.Айтматовнинг “Қиёмат” романидан олинган “Олтовлон ва еттинчи” номли афсона бир миллатга мансуб икки ўғлоннинг қай бири ватан ва миллат учун қимматлироқ эканлиги нуқтаи назаридан ёндашилса, ўқувчиларни баҳс-мунозарага ундаб, ўйлашга мажбур қиладиган, оқни қорадан фарқлашга йўналтирадиган адабий материалдир. У таълим амалиётида ўзини оқлаган. Фақат 5-синф ўқувчиларига бир қадар оғирлик қилаётгани аниқлангач, 6-синфга ўтказилган эди. Ёки Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий”идан тақдим этилган парчалар ўсиб келаётган ёш авлоднинг асли бобокалони кимлиги, кимлардан тарқгани ҳақида яхшигина билим беради. Унга ўзлигини англашга кўмаклашади, шахсияти шаклланишида ёрдам беради. Ёхуд Зоҳир Аъламнинг “Афандининг қирқ бир пашшаси” асари ўқувчиларни қорнидан бўлақ қайғуси бўлмаган кўймижоз одамлар билан ҳақиқат учун курашадиган, “одам” деган тушунчага том маънода муносиб кишиларни фарқлашга ўргатиши билан ўқитувчи-ўқувчиларга манзур бўлган эди.

Адабий таълимнинг “тақомиллаштирилган” дастурига киритилган ўзгаришлар ҳақида яна шунини айтиш мумкинки, 5-синф адабиёт дарсларида ўрганиш учун тавсия этилган М. Қориевнинг “Қалдирғочлар баҳорда келади” ҳикояси 11 — 12 ёшли ўсмирга нима беради? Ҳикояда ўқиган китобхоннинг кўнглини жизиллатадиган, унга завқ берадиган нима бор? Бугунги адабий таълим учун ўқувчини ҳикояда тасвирланган воқеалардан шунчаки хабардор қилишнинг ўзи камлик қилади. Бу каби ҳодисалар билан ўқувчини ҳайратга солиб бўлмайди. Унинг кундалик ҳаётида ҳикоядагидан кўра қизиқроқ ҳодисалар кўп учрайди. Адабиёт дарсларида бадиий асар устида ишлаганда ўқитувчи-ўқувчи баҳс-мунозарага киришиши, кимларнидир ёқлаши ёки қоралаши, матндан завқланиши, бирор адабий қаҳрамондан нафратланиши, иккинчи бир тимсолни севиб қолиши, бадиий тасвирдан ҳайратланиши, тўйғулари мувозанатдан чиқиши зарур. Юксак маънавият, бадиий дид ана шундай жараёнда шаклланиб боради. Янгиланган дастурда 5-синфда ўрганиш учун

тавсия этилган Сент Экзюперининг “Кичкина шаҳзода” қиссаси эса бир неча хил методик дарс ишланмалари матбуотда эълон қилинганига қарамай, ўқитувчиларнинг эътирозлари асосида дастурдан чиқарилган эди. Чунки нафақат ўқувчилар, балки кўпчилик ўқитувчилар ҳам мазкур асарнинг моҳиятини англай олмадилар. Бу асар келажакда гуманитар йўналишдаги махсус мактаблар дарсликлари учун жуда салмоқли материал бўлиши мумкинлигини мактаб адабий таълим амалиётининг ўзи кўрсатган эди.

Ж.Родарининг “такомиллаштирилган” дастурда 6-синф ўқувчилари учун тақдим этилган “Учтадан охири бор эртақлар”и бу ёшдаги ўқувчи учун жуда жўнлик қилишини, уларнинг ёш хусусиятига тўғри келмаслигини бир неча йиллик тажриба-синов ишлари кўрсатгани учун мазкур асар 5-синфга кўчирилган эди. Бундай эртақлар 11 — 12 ёшли ўқувчининг ёшига ҳам, психологиясига ҳам мос келиши амалиётда ўз исботини топганди.

“Такомиллаштирилган” дастурда Шўҳратнинг “Мардлик афсонаси” балладасининг 7-синфдан ўрин олиши ҳам педагогик-психологик жиҳатидан нотўғри бўлган. Бугунги ахборотлар оқими замонида яшаётган еттинчи синф ўқувчилари қанчалик ақли ва билимли эканлиги кўз юмиб бўлмайдиган ҳақиқат. “Мардлик афсонаси” балладаси мазмун-моҳияти билан 4 — 5-синф ўқувчиларининг интеллектуал, руҳий ва жисмоний имкониятларига мос келади ва шу ёшдаги болалар учун қизиқарли материал бўла олади. М. Осимнинг мазкур синф дастурига киритилган “Ёшлик айёмининг илк баҳори”, “Язд чўли”, “Қушлар тили” ҳикоялари ҳам еттинчи синф ўқувчилари учун жуда жўн ва зерикарли бўлади. Аввалги дастурда тавсия этилган Ҳ.Худойбердиева, Р.Парфи, О.Матжон ижоди намуналари бу ёшдаги ўқувчиларга ҳар жиҳатдан мос материал эди.

Ўзбекистон Қаҳрамони О. Шарафиддиновнинг публицист ва адабиётшунос сифатида илмдаги ўрни беқиёс. Лекин ўрта мактаб “Адабиёт” дарслиги “Адабиётшунослик” дарслиги эмас. Адибнинг адабиётшунослик фаолияти, таржимачилик, публицистикадаги маҳорати ва бу соҳаларнинг сирларини қай даражада билиши адабиётга қизиқувчилар, яъни филологик йўналишдаги академик лицейлар талабалари учун яратилган “Адабиёт” дарсликларидан ўрин олса, жуда салмоқли материал бўлиши, шубҳасиз. Лекин

умумий ўрта таълим мактаблари учун дастур ёки дарслик яратаётган шахс адабиёт оламидаги ўзига ёққан ёки ўзи зарур деб ҳисоблаган алломаларнинг барчасини “Адабиёт” дарсликларига киритавермаслиги керак. Адабиёт оламидаги барча улуглар фаолияти мактаб дарсликлари учун материал бўлолмайди. Бу дастур ёки дарслик муаллифининг шахсий иши эмас. Мактаб адабий таълими мазмунини белгиловчи махсус ҳужжат ва талаблар мавжуд.

Адабиёт дастурларида ўқувчиларнинг мустақил ўқишлари учун асарлар тавсия этилиб, бунинг учун махсус соатлар ажратилиши лозим. Мустақил ўқилган асарлар устида ишлаш методикаси ҳам ишланган. Такомиллаштирилган мазкур дастурда бу нарса муаллифларнинг назаридан четда қолган.

Давлат аҳамиятига молик педагогик ҳужжатлар — “Адабиёт ўқитиш концепцияси” ва “Адабиёт” дастурлари учун давлат таълим стандарти” ҳам абадий эмас. Барча тарбияланувчиларнинг билими ва савияси стандарт талабларидан юқорилаб, дастурий талаблар даражасига етганда улар ҳам қайта ишланиб, такомиллаштирилади, албатта. Дастур ва дарсликларни ҳар тўрт йилда янгилаш қабул қилинган. Демак, улардаги ўзгаришлар педагогик, психологик ва методик жиҳатдан қанчалик тўғри ёки нотўғри эканини таълим амалиёти ва тажриба-синов ишлари кўрсатади. Жуда секин бўлса-да олға интилаётган тараққиёт, вақт ҳаммасига холис ҳакам. Масаланинг иккинчи томони — ўша дастур ва дарсликлардан ўрин олган ўқув материалларини ўқитишнинг йўл-йўриқларини кўрсатиш ҳам жуда муҳим. Таълим амалиётини ташкил этишда нималар устуворлик қилади-ю, қандай ўқитилса самара кутилганидек бўлиши билан боғлиқ муаммолар адабиёт ўқитиш методикаси илмининг зиммасида. Таълим тизимида йўл қўйилган хатолар узоқ йиллардан сўнг маънавият билан боғлиқ қатор муаммоларни келтириб чиқаришини инобатга олиб, уларни бугун тўғри йўлга солиш ҳам ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

“Тил ва адабиёт таълими” журнали, 2008 йил, 5-сон.

МАКТАБ АДАБИЙ ТАЪЛИМИДА УЙ ВАЗИФАЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Миллий мактабнинг олдида ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги мустақил ва ижодий фаоллигини ошириш, уларнинг билимларни мустақил эгаллаши, ўз дунёқарабини кенгайтиришга ички эҳтиёжини уйғотиш, маънавий камолоти йўлида ўзларининг иштирокини таъминлаш каби қатор вазифалар турибди. Шу маънода таълим жараёнини ўқувчининг билимларни онгли равишда ўзлаштириши, унинг ўрганилаётган мавзу ёки берилган топшириқ моҳиятига кириши, мустақил фикрлаш ва ишлаш усулларини эгаллашини таъминлайдиган тарзда ташкил этиш долзарб масалага айланган. Бугунги таълим амалиётида бу борадаги ишларни қониқарли деб бўлмайди. Таълим-тарбия амалиёти кечаги жамият тарбияшунослигидан қолган — болалар ва ўсмирларнинг хотирасига таяниш, яъни ўқитувчисидан тайёр ҳолда олинган билимларни эслаб қолиш тажрибасидан қутулиб кетолмаяпти.

Ўқувчиларнинг уйда ишлашларини ташкил эта билмаслик ҳам болаларнинг билим олишига, ўз камолотини таъминлаш йўлида бевосита иштирок этишига ҳалақит бермоқда. Ўқитувчиларнинг янгиланган педагогик тафаккур талабларига мослашиши жуда секин кечаяпти. Тарбияловчилар қолипга тушиб қолган ўқитиш усулларидан воз кечолмаяптилар. Гап шундаки, мамлакатни буюк келажак сари етаклаш ҳам, уни тубанлик қаърига тортиш ҳам ўсиб келаётган авлоднинг, миллатнинг қўлида. Миллатнинг савияси кўтарилмаса, мамлакат ривожланган давлатлар сафига чиқолмайди. Ўқитувчи кўтарилмаса, миллат кўтарилолмайди. Миллатни маънан ҳам, ақдан ҳам кўтарадиган ўқитувчи бўлади. Ўқитувчининг шахси, билим даражаси, миллат ва мамлакатнинг тақдирини белгилайди.

Таълим-тарбия жараёнида ўқувчиларнинг уй ишларини тўғри ташкил этиш — ўз ечимини кутаётган долзарб масалалардан бири. Таълимда ўқувчиларнинг уй вазифаларини педагогик жиҳатдан тўғри ташкил этиш йўллари билан илмда ҳам, амалиётда ҳам етарли даражада шуғулланилмаяпти. Уй вазифаларининг илмий-

методик асослари ишланмаган. Ўқитувчилар учун бу борада илмий асосланган назарий-методик, амалий тавсиялар йўқ. Ҳар дарсда ўқувчиларга уй вазифалари топширилади, лекин уларни қандай бажариш кераклиги батафсил тушунтирилмайди. Ўқувчи уй вазифасига кейинги дарсда ўқитувчи нимани сўраши мумкинлигидан келиб чиқиб ёндашади. Кўпчилик ўқувчилар оғзаки уй вазифаларини тайёрлашда берилган матнни бир-икки марта қайта ўқийди. Баъзилари ҳатто ўқимайди ҳам. Дарсга тайёргарликнинг ўлчови, афсуски, адабий таълимнинг барча босқичида матнни қайта ҳикоялашдан иборат. Ўқувчи ўқилган матн устида, ундаги етакчи фикрлар, шахсият, маънавият шакллантириш учун аҳамиятли бўлган жиҳатлар хусусида мулоҳаза юритмайди, балки матн мазмунини эслаб қолишга тиришади. Асарлар устида ишлаш учун берилган уй вазифаларини бажаришда ўқувчилар дарсликда матн юзасидан берилган савол-топшириқлар устида ишламайдилар. Ўқитувчи ҳам уй вазифасини сўрашда бунга эътибор қилмайди. Ўқувчидан ўтган дарсда ўзининг айтганларини қайтаришни талаб қилади. Уйга берилган ёзма ишларнинг кўпчилиги такрорлардан иборат бўлади — ўқувчилар бир-бирларидан кўчирадилар. Кўпчилик ўқувчиларнинг бошқа йўли ҳам йўқ. Улар нимани, қандай ёзишни билмайдилар. Ўқувчилар бунга ўргатилмаган. Айтадиган гапинг бўлмаганида оқ қоғоз билан юзма-юз, ёлғиз қолишдан азобли нарса йўқ. Ўқувчи бундай уни қийнайдиган вазиятларда узоқ қолишни истамайди. Шунинг учун осон йўлни — кўчирмачиликни ихтиёр этади.

Ўқувчининг дарс жараёнида ёки уйда бажарадиган ўқув топшириқлари ҳам миллий тарбияшуносликнинг бош мақсади бўлмиш маънавий баркамол авлодни тарбиялаш асосида ташкил этилиши зарур. Бунинг учун ўқитувчига ўз фаолиятини замон талаблари асосида ташкил этишда кўмаклашадиган методик тавсия ва қўлланмалар керак.

Ўқувчининг меҳнати осон бўлиши керак эмаслигини, аксинча, тарбия билим, кўникма тўплашга, меҳнатга қобилият тарбиялашга, эрк ва интизомга ҳамоҳанг бўлиши зарурлиги таниқли педагоглар томонидан кўп таъкидланган. Фақат ўша қийинчиликнинг нозик чегарасини аниқлай олиш ҳам муҳим аҳамиятга молик. Токи, бу меҳнат ўқувчининг ёш хусусиятларига мос, ўзлаштирилувчан бўлиши, унга ҳузур ва завқ бағишлаши

лозим. Таълим амалиётида ўқувчига бўлган талабчанлик болани камолот сари етаклашнинг қатъий мезонлари асосида уни ўз-ўзини ривожлантиришга ундаши керак. Болани тарбиялаш, ўқитиш эмас, уни катталар кўмагида ўзини-ўзи тарбиялайдиган, билимларни ўзи излашиб ўзлаштирадиган вазиятга солиш лозим. Ўқувчиларига имкон қадар кўп ва чуқур билим бера оладиган ўқитувчи яхши ўқитувчи эмас. Истиқлол даври миллий тарбияшунослигида синфдаги ҳар бир ўқувчини ўз-ўзини тарбиялаши ва билимларни ўзлаштириши йўлида фаол, тинимсиз ишлата оладиган, уларни мустақил фикр соҳиби бўлишини таъминлайдиган, ўқувчи шахсида ўз қарашларини асослай оладиган ҳамда ҳимоя қила биладиган, ўрни келганда ғоялари учун курашишга қодир инсонни тарбиялашни биладиган устоз яхши ўқитувчи ҳисобланади.

Билимларни ўзлаштиришда болалар меҳнатига, бу йўлда уларнинг эркинлигига эътибор қилмаслик мактаб ва ўқитувчининг энг катта хатоси ҳисобланади. Ўқувчини меҳнат қилишга мажбур этиш, унга меҳнат қилиб билим олишдан маънавий завқ олиш мумкинлигини, меҳнатнинг эҳтиёжга айланиши уни ҳар қандай қарамликдан қутқаришини англашти тарбияшунослик мақсадининг асосидир. Адабиёт дарслари жараёнида ўқувчилар меҳнати ҳақида қайғурганда унинг қайси тури бесамар кетмаслиги, қай ёшдаги бола қандай қийинчиликларни енгиб ўта олиши мумкинлигини, меҳнатнинг қанақаси осону қайсиси азобли эканини аниқлаб олмоқ ўқитувчининг асосий вазифаларидан биридир. Шу маънода, ўқитувчи томонидан пухта ўйлаб берилган уй вазифалари каттагина таълимий ва тарбиявий аҳамият касб этади. Ўқувчининг ички қизиқишларини қондиришни кўзлаб берилган уй вазифалари унинг дарсда олган билимлари, кўникма, малака ва маънавий сифатларини мустаҳкамлаш, ривожлантириш, такомиллаштиришга ёрдам беради. Билимларнинг сифатини оширишга асос бўлади. Тўғри берилган уй вазифалари ўсиб келаётган авлодни билим олиш жараёнида имкон қадар мустақил ишлашга, эркин фаолиятга, билимини чуқурлаштиришга ўргатади.

Бундан ташқари, педагогик, психологик ва илмий-методик асосларга таяниб берилган уй вазифалари ўқувчилар шахсиятида зийраклик ва эркинлик таркиб топишига кўмаклашади. Уларда аниқлик ва батартиблик, меҳнатсеварлик, қатъиятни

ривожлантиришга асос бўлади. Ўқувчининг ўз хатти-ҳаракатларида аниқликка эришишига кўмаклашади. Фаолиятида дуч келган қийинчиликларни енгиб ўта олиш, бошлаган ишини охирига етказиш ҳамда ўз хатти-ҳаракатини назорат қилиш қобилиятларини шакллантиради.

Уй вазифалари уларни тўғри ташкил қила билгандагина ўқувчиларнинг маънавий шаклланиши ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Акс ҳолда, улар салбий натижаларни ҳам келтириб чиқаради. Агар уй вазифалари ўқувчиларга методик жиҳатидан пухта ўйланмай берилса, улар ўқувчиларни қалбакиликка, топшириқларни юзаки бажаришга ўргатади, ўқишга ва ўқувчининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатади. Уларни ёлғонга ўргатади, бола учун ортиқча, самарасиз меҳнат бўлади.

Уй вазифалари ўқувчиларнинг руҳан ривожланиши ва ўқишига ижобий таъсир кўрсатиши учун уларнинг қатъий меъёрини белгилаш, уйда ишлаш учун топшириқлар беришни ва уларни назорат қилишни методик жиҳатидан оқилона ташкил қила билиш лозим. Кўпчилик ўқитувчилар ўқувчиларнинг шахси, табиати, интеллектуал имкониятлари, оилавий шароитига эътибор бермайдилар, уларнинг мустақил меҳнатини ташкил қилиш методикасидан беҳабарлар ва бериладиган уй вазифаларини ёки ҳаддан ошириб юборадилар ёки жуда жўнлаштириб қўядилар. Бунинг натижасида ўқувчилар нотўғри ишлайдилар. Баъзида уйга синфда ишланмаган, ўқитувчи томонидан ифодали ўқилмаган бадиий матнлар ёдлашга топширилади. Ўтилмаган мавзуларда рефератлар ёзиш талаб қилинади. Бундай топшириқлар берила туриб ҳатто уларни ёзишда фойдаланиш мумкин бўлган манбалар ҳам кўрсатилмайди. Гўё бу билан устозлар ўқувчиларини ўз ўқув фанлари бўйича кўпроқ ишлашга мажбур қиладигандай бўладилар. Кўпинча ўқилган асарлар юзасидан уйга бериладиган вазифалар бир-биридан фарқ қилмайди ва улар ўқувчиларнинг уй вазифаларини бажаришга бўлган қизиқишларини сўндиради.

Уйга топшириқ беришдан олдин, аввал, ҳамиша унинг учун асосий бўлган дидактик талаблар ишлаб чиқирилиши керак. Ҳар бир топшириқ ўқувчи учун тушунарли ва унинг мустақил равишда бажариш имкониятлари доирасида бўлишига ҳаракат қилиниши лозим. Уй вазифаларини бажаришга ўқувчи синфда ўқитувчи

томонидан алоҳида тайёрланади, манбалар кўрсатилади, лозим бўлганда ишлаш учун йўналиш берилади. Синфда уй вазифасини олган ўқувчининг топшириқни бажаришга қизиқиши ва эҳтиёжи, уни мустақил равишда бажариш йўллари ҳақида тушунчага эга бўлиши лозим.

Бугунги мактаб амалиётида уй вазифалари синфдаги ўқувчиларнинг кўпчилигига мослаштирилган ҳолда, умумий тарзда берилади. Уйга топшириқлар беришда ўқувчиларга хос бўлган хусусий жиҳатлар, алоҳида ўқувчиларнинг ишлаш имкониятлари инобатга олинмайди. Бу ўз-ўзидан уй вазифасини бажаришда салбий натижа беради. Ўқитувчи томонидан бир соатга мўлжаллаб берилган уй вазифасини ўқувчиларнинг айримлари 30 — 40 дақиқада, баъзилари бир соатда, бир қисми эса 1,5 соатда бажаради. Бугунги ўқитувчи ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари — кимнинг тез ишлаши-ю кимнинг секин ишлаши, бировнинг ўта шиддатли фикрлаши-ю қай бир ўқувчи тафаккури жараёнининг сустроқ эканини инобатга олмайди. Уй вазифасини текшириш асосида унинг қандай бажарилганига — ишнинг пухталиги, мавзунинг англаганлик даражасига эътибор қилмайди. Бажарилган ишнинг савияси, моҳиятига кириб ўтирмайди. “Бажарилдими — бажарилди” қабилида иш тутади. Аслида, уйга бериладиган топшириқларни ҳам, синфда бажариладиган ишларни ҳам ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятлари, қизиқиш ва имкониятларини инобатга олган ҳолда ташкил этиш лозим. Токи, бирининг қобилияти ўртачаларнинг қурбони бўлмасин, иккинчисининг қўлидан келмайдиган ишни бажаролмай гурури, шаъни яраланмасин. Ҳаммага бир хил вазифа бериб, унинг бажарилишини барчадан бирдай талаб қилиш, уни бажара олмаган ўқувчиларни “икки”лар билан жазолаш бугунги миллий педагогиканинг мақсадига тўғри келмайди.

Ўқитувчининг шахсий тажрибаси, ўқувчиларга зийраклик ва эътибор билан муносабатда бўлиши, ўз ишига ижодий ёндашуви, шу билан бирга, бошқа ўқув фанлари бўйича уйга берилган вазифалар ҳажмини кузатиб бориши унга ўз ўқув фани бўйича уй ишларини тўғри ташкил қилишга ёрдам беради.

Одатда, мактабда уй вазифалари шошилиб, кўпинча қўнғироқдан кейин берилади. Уй вазифасини фикри тарқалганда, шовқин ичида, танаффус бошланганда олган ўқувчиларнинг

кўпчилиги нафақат уни қандай бажаришни билмайди, балки баъзида уйга нима берилганини тўлиқ тасаввур ҳам қилолмайдилар. Бу ҳол уй вазифаларининг қониқарсиз бажарилишига олиб келади ёки талаб қилинган иш у ёқда қолиб, бутунлай бошқача бажарилади ёхуд кўчирилади. Уй вазифалари барча ўқувчилар диққати бир жойга жамланганда берилиши мақсадга мувофиқ. Берилаётган уй ишлари ўқитувчи томонидан аниқ шакллантирилади, дарстахтага қисқа тарзда ёзилади. Уй вазифаларининг кундаликка ёки дафтарга ёздирилса, уни бажаришда чалкашликларга йўл қўйилмайди.

Уй вазифаси, асосан, синфда ўтилган мавзу доирасида бўлади ва ўтилган мавзу барча ўқувчилар томонидан етарли даражада ўзлаштирилгандан сўнг берилади. Уй ишларида синфда ўтилган мавзу мутлақо такрорланмайди. Уй вазифалари дарснинг бошида, ўртасида, охирида ҳам берилиши мумкин. Фақат ўқувчиларнинг диққати чалғимасдан аввал берилса, бас.

Уй вазифаларига қўйиладиган дидактик ва методик талаблар

Адабиёт дарсларида, у таълимнинг қайси босқичида бўлишидан қатъи назар, кўнгил тарбияси биринчи ўринда туради. Ўқитувчи руҳлантирувчи, ижоднинг стимулятори, ташкилотчиси бўлади. Ўқитувчилик тайёр билимларни, ўзгаларнинг ҳукм-хулосаларини ўқувчига етказиш деганигина эмас. У — ўзидаги энг яхши фазилатларни ўқувчиларга ўтказадиган, улар билан биргаликда ўзлигида ҳам тасаввур ва ижодкорлик кўникмаларини ривожлантирадиган, дарс жараёнидаги ҳар қандай фаолиятда биргаликда иштирок этадиган, мулоҳаза юритишга, муносабат билдиришга йўналтирадиган катта ёшли дўст. Ўқитувчилик фаолияти ифодали ўқиш, расм чизиш, мусиқа тинглаш, бадиий ижод сингари туйғу ва ахлоқ шакллантириш билан боғлиқ ишларни, билим, техника воситалари, ҳар хил методик ўйинларни ҳам қамраб олади. Бу ишларнинг ҳеч бири вақт ўтказиш ёки бирор ишдан дам олиш манбаи бўлмаслиги керак.

Дарсга таълим-тарбия жараёнининг асосий шакли сифатида ургу берган ҳолда ўқитувчи ўқувчиларнинг уй вазифаларини шундай ташкил этиши керакки, улар адабий таълимнинг ҳар

босқичида том маънода тарбиявий, таълимий масалаларни ҳал этишга қаратилсин. Бунинг учун, энг аввало, ўқитувчидан синфда бажариладиган ишларни ҳам, уй вазифаларини ҳам ўқувчи мустақиллигининг ортиши билан ҳамоҳанг тарзда ташкил қила билиш талаб этилади.

Ўқувчи тафаккури ва фаолиятидаги мустақилликнинг даражаси уй вазифаларини бажаришда ҳам ёрқин намоён бўлади. Таълимнинг бу туридан дарсда тарбияланган мустақил фаолиятни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун фойдаланилади. Уйда бажариладиган ишларнинг энг муҳим шартларидан бири унда дарсда айтилган фикрлар ва дарсликдаги ҳақиқатларнинг такрорланмаслиги кераклигидир. Уй вазифалари ўқувчининг синфдаги фаолиятидан шуниси билан фарқ қиладики, унда барча ишлар ўқувчининг ўзи томонидан бажарилади.

Адабиёт дарсларида уйга вазифа берилаётганда, аввал ўқувчининг диққати тортилади, фикри уйғотилади. Сўнг топшириқ юзасидан воқеа ёки ҳодисанинг сабабларини аниқлаш, уни тушунтириш, хулосалар чиқариш ва фикрларини асослаш лозимлиги алоҳида таъкидланади. Ўқувчининг олдига ўйлашга, таҳлил қилишга, муносабат билдиришга, ўз хулосасини чиқариб уни мисоллар билан асослашга йўналтирадиган: “Асардаги шу вазиятни қандай тушунтириш мумкин?”, “Нега шундай бўлгани сабабларини аниқланг. Қарашларингизни асосланг”, “Мазкур ҳолатга сизнинг муносабатингиз қанақа? Фикрингизни нима билан исботлайсиз?”, “Нима деб ўйлайсиз, шу эпизод (ёки ҳодиса) асарга нима мақсадда киритилган бўлиши мумкин? Нега шундай деб ўйлайсиз?”, “Қаҳрамон хатти-ҳаракатларига ўз муносабатингизни билдириш. Мазкур оқибатнинг сабаблари, илдизи ҳақида ўйлаб кўринг”, “Қаҳрамон фаолиятига берилган рағбат (ёки жазо)нинг сабаблари ҳақида мулоҳаза юритинг. Нега шундай бўлганини таҳлил қилинг”, “У ёки бу қаҳрамон руҳиятидаги, шахсиятидаги ўхшашлик ва фарқли жиҳатлар нимада?”, “Нега уларнинг орасидаги дўстлик (ёки муҳаббат) мустаҳкам бўлиб чиқмади?”, “Отабекнинг, (Кумуш ёки Зайнабнинг) бу гаплари замирида қандай хоҳиш-истаклар жамланган деб ўйлайсиз?”, “Шу мисраларда муаллифнинг қандай сифатларини англаш мумкин, сизнингча?”, “Нима деб ўйлайсиз, воқеа нима учун бундай яқун топди?” ва ҳоказо савол-топшириқларни вазифа шаклида қўйиш керак.

Уй вазифаларини сўраш жараёнида ҳам ўқитувчилар ўқувчини

ўйлашга ундовчи, шахсий муносабат билдиришни талаб қилувчи қўшимча саволларни қўллагмас экан, тарбияланувчилар ўзларида ташаббускорлик, онглилик, топқирлик каби сифатларни шакллантиришга имкон берувчи, мустақил тафаккурни намойиш этувчи тажрибага эга бўлолмайдилар.

Ҳамиша ҳам ўқувчи уй вазифаси сифатида олдига қўйилган масалани ижобий ҳал қилавермайди. Бу унинг нафақат имкониятлари, балки мазкур топшириққа бўлган қизиқиши билан ҳам боғлиқ. Агар одамда билишга эҳтиёж бўлса, у ҳамма нарсани қизиқиш билан ўрганади. Гап билим олишнинг ички эҳтиёжга айланишида. Эҳтиёж инсонда ҳар қандай қобилият шаклланишининг зарурий шарти ҳисобланади. Таълимда билишга бўлган эҳтиёжни уйғотиш ўқитувчининг вазифаларидан биридир. Маълумки, таълим жараёнида ўқувчининг ижодий ишлашга, билишга бўлган эҳтиёжи унинг олдига нисбатан мураккаб саволлар қўйилганда пайдо бўлади. Қолаверса, уйга берилган топшириқ ўқувчини қизиқтириб қолганда, уни бажаришдан моддий ёки маънавий манфаатдорлик англашилгандагина сидқидилдан, ва албатта, ижобий ҳал этилади. Чунки ҳар қандай манфаатдорлик одамни излантиради, ҳодисанинг моҳиятини тушунишга ва тушунтиришга ундайди. Бу инсонга хос бўлган табиий хусусият. Мавзу бўйича аниқ ва зарур маълумотларга эга бўлганда ўқувчининг муҳокамага бўлган қизиқиши янада ортади. Уй вазифасини бажариш жараёнида юз берган қийинчиликларни бартараф қилиш унинг эҳтиёжини қондиради. Ўқувчи ғалаба нашидасини туяди. Бу қониқиш ҳисси, топшириқнинг бажарилишидан туйилган лаззат нафақат ўқув материални ўзлаштиришдаги бир томонламаликни ҳал этишда кўмаклашади, балки ўқувчи билимини бойитади, унда шахслик сифатлари шаклланишига асос бўлади. Бундай фаолиятни ташкил этадиган уй ишлари ўқувчида мустақил умумлашмалар қилишни талаб этадиган қийин топшириқларни удалаш қобилиятини тарбиялайди ва ҳар қандай ҳодисада сабабни кўришга ва фикри, қарашларини эркин баён этишга, хулосаларини асослашга ўргатади.

Мураккаб умумлашмалар қилишни талаб қиладиган уй вазифасини олган ўқувчини ўқитувчи айтилажак фикрларнинг режасини тузиб олишга, тақриз ёки хулосаларда, берилажак жавобда муҳимни номуҳимдан ажрата олишга ўргатиши керак.

Баъзан ўзлаштирилган материалнинг муҳим жиҳатлари қандай мезонлар асосида белгиланишини ҳам сўраш мумкин. Шунда уй вазифасининг самараси кутилгандан ҳам зиёда бўлиши тайин. Дарсларга ўзига қаттиқ ишонган ҳолда, ҳар қандай вазиятга тайёр тарзда келган ўқувчида қатъият, ўзига ишонч ҳисси шаклланиб боради. Булар — жуда ёқимли туйғулар. Шу туйғулар унинг билим олишга бўлган эҳтиёжини кучайтиради.

Уй иши сифатида ўқитувчиси томонидан ўрганилган мавзу мазмунидан муҳим жиҳатларни ажратиш вазифасини олган ўқувчи уйда топшириқ билан юзма-юз ёлғиз қолади. Йўналиш тўғри берилган бўлса, топшириқ ҳам тўғри бажарилади. Бунинг учун ўқувчи қўйидаги ишларни қилади: аввал фикр предметини аниқлайди; матнни муҳим ва иккинчи даражали мантиқий бўлақларга ажратади; калит сўз ва тушунчаларни топади; матннинг қисқа моҳиятини ифодалаш учун таянч нуқталарни белгилаб олади ва шуларга асосланиб унинг муҳим жиҳатларини ажратади. Фикрларининг кичик режасини тузади. Шу режа асосида қарашларини оғзаки ёки ёзма равишда баён этишга тайёрланади. Бундай топшириқни берган ўқитувчидан ўқувчини шундай йўналишга солиб қўйиш ҳам талаб қилинади.

Мактабда дарсларнинг самарали ташкил этилиши уй вазифалари ҳажмини нисбатан торайтириши мумкин. Лекин бу уй вазифаларидан воз кечиш дегани эмас. Ўқувчига уй вазифалари бермаслик унча тўғри эмас. Маълумки, ўқувчиларнинг хотираси ва билимларни ўзлаштириш даражаси ҳар хил. Бирида эшитиб ўзлаштириш қобилияти кучли бўлса, иккинчисида кўрганини эслаб қолиш имконияти катта. Ўқувчиларнинг маълум қисми ўқитувчи баёнидан сўнг ўқув материални китобдан ўзи ўқишга ва унинг асосий ўринларини кўз билан хотирасига ўрнаштириб олишга эҳтиёж сезади. Қолаверса, ўқувчи ўқув материални дарсда яхшигина ўзлаштириб олган бўлса ҳам, уйда уни бир марта қараб чиқиши фойдадан холи эмас. Фақат уй вазифаси сифатида матнни қайта ўқишни эмас, балки кузатиш ишларини, тажрибалир ўтказишни, ҳар хил ижодий ишларни бажаришни топшириш лозим. Акс ҳолда, бу ихтиёрсиз равишда ўқув материални механик тарзда эслаб қолишга олиб келади.

Адабий таълимнинг барча босқичида ўқувчиларнинг уй вазифаларига қўйиладиган дидактик талаблар бир-биридан катта фарқ қилмайди. Таълим жараёнининг ҳар босқичида уйга

бериладиган топшириқлар: ўқувчи томонидан ўзлаштирилувчанлиги; унинг мақсади, вазифаси ва бажарилиш тартибининг аниқлиги; уйга бериладиган вазифанинг янги ва аввалги дарсларда ўтилган мавзулар билан боғлиқлиги; синфда ўталган ишларни айнан такрорламаслиги; янги ёки аввал ўрганилган мавзунинг тўлдирувчи ва ривожлантирувчи қисми бўлиши; топшириқларнинг белгиланган маълум вақт оралигида бажарилиш имконияти ва ҳоказо талаблар бир-бирига яқин. Фақат 10 — 11-синфлар адабиёт дарслари тизимли курс асосига қурилганлиги, ўқув ашёларига дарслик ва мажмуа шаклида алоҳида тартиб берилганлиги билан 5 — 9-синфлар адабий таълимидан фарқ қилади. Бу босқичда уйда ўқиладиган матнлар ҳажмининг катталиги, дарслик билан ишлашга ажратилган топшириқларнинг кўплиги, ёзма ишлар ҳажми ва турларининг хилма-хиллиги, ўқув материалининг мазмун ва тил жиҳатидан мураккаблиги, унинг таркиби, изчиллиги ўқувчи учун янгилик ҳисобланади. Бу ишлар, ўз навбатида, ўқувчидан каттагина ақлий зўриқиш, меҳнат ва вақт талаб қилади. Юқори синфларда уй вазифалари ҳам фавқулодда хилма-хил бўлади. Ўқитувчининг маҳорати уй вазифалари учун таълимнинг ҳар босқичида, маълум вазият ва ҳолатга муносиб топшириқлар танлай билишда кўринади.

Адабий таълимда ўқувчилар уй вазифаларини ташкил этишнинг маълум шакллари мавжуд: **уйда ўқиш ва асар матни устида ишлаш учун бериладиган; ўқувчиларнинг уй ишолари билан боғлиқ бўлган; тарбияланувчиларни ижодкорликка ундовчи топшириқлар.** Мазкур йўналишда тақдим этилган уй вазифалари ўқитувчига ўқувчиларнинг уйда ишлашларини ташкил этишда, уларни маълум бир тизимда бошқаришга, ва назоратни тўғри йўлга қўйишга кўмаклашади.

1. Ўқиш ва асар матни устида ишлаш учун бериладиган уй вазифалари

Инсоннинг феълу атворини зўрлик билан ўзгартириш мумкин эмас. Одамлар томонидан яратилган қоидалар, тартиблар, қонунлар инсоннинг табиий хусусиятларига мос тушсагина, улар тарбияланувчига “юқиши” мумкин. Шундоқ экан, ўқувчини мактабнинг тартиб-қоидаларига эмас, таълим-тарбия жараёнини,

алоҳида шахсларнинг табиий хусусиятларини инобатга олган ҳолда, ўқувчига мослаштириш керак. Яъни, дарслар, уй вазифалари таълимнинг ҳар босқичида ҳар бир ўқувчининг қобилияти, иқтидори, қизиқиш ва имкониятларига асосланган ҳолда, имкон қадар индивидуаллаштирилган тарзда берилиши лозим. Ўқувчининг интенсив ривожланишини назарда тутган ҳолда унга адабий таълимнинг барча босқичида, ҳар дарсада уйда ишлаш учун топшириқлар берилиши, бола уйда ҳар куни синфдагидек ишлаши керак. Уй ишларининг маълум даражада қийинларини осонлари билан алмаштириб туриш лозим. Тинимсиз қийин топшириқларни бериш ўқувчиларни зўриқтиргани сингари, узлуксиз осон вазифалар ҳам уларни уй ишларига енгил қарашга ўргатиб қўяди. Бундан ташқари, ўқувчи берилган топшириқни маълум синф ва ёш учун белгиланган вақт оралиғида уйдан ҳам керак. Уй вазифаларини бажариш учун ажратиладиган вақт таълимнинг ҳар босқичида ўқувчининг ёши, руҳий ва жисмоний хусусиятлари ҳамда имкониятларига асосланган ҳолда аниқланади.

Уйга бериладиган топшириқларнинг умумий ҳажми, турли шакллarda, барча ўқув фанлари мисолида умумий тарзда: бошланғич синфларнинг қуйи босқичларида тахминан ярим соатгача, юқори босқичларида 40 — 45 дақиқа; 5-синфларда 1 соат — 1 соат 15 дақиқа; 6 — 7-синфларда 1соат 15 дақиқадан 1,5 соатгача; 8 — 9-синфларда 1,5 соатдан 2 соатгача; 10 — 11-синфларда 2 — 2,5 соат атрофида бўлмоғи лозим. Бундай вақт оралиғига мўлжалланган уй ишлари мактабдаги барча ўқув фанлари бўйича оғзаки бажариладиган ишлар, ўқиш учун топшириқлар ҳамда ёзма ишлар билан алмаштириб турилади.

Адабий таълимнинг бошланғич босқичида ўқилган асарлар юзасидан уй вазифаси сифатида: синфда ўтилган мавзунини уйда қайта ўқиш; ўқилганларининг режасини тузиш ва режа асосида қайта ижодий ҳикоялаш; асар юзасидан унинг матнини такрорлашга эмас, мустақил мулоҳаза юритиб, ўз фикрини айтишга ундовчи мантиқли саволлар тузиш ва уларга жавоб бериш; синфдан ташқари ўқиладиган асарлар устида ишлаш учун топшириқлар бериш; мустақил ишлар; луғат билан ишлаш; ёзма ва оғзаки иншо; матнни бўлақларга ажратиш ва уларнинг мазмунига мос сарлавҳа топиш; асар матни қисмлари бўйича сарлавҳалар тавсия этиб, мавжуд матнни шу сарлавҳаларга мос

тарзда бўлакларга бўлишни талаб қилиш; ҳар бир бўлакнинг режасини тузиш ва шу режа асосида гапиришга тайёрланиш; эртак, топишмоқ, шеър, туш ва ҳикоялар тўқиш; асарлар матни юзасидан тайёрланган суратлар устида ишлаш; матн юзасидан берилган савол-топшириқлар бўйича оғзаки ва ёзма ишлар бериш мумкин. Бундай топшириқларни синфда ва уйда алмаштириб бажариш ҳам ўқувчининг тафаккури ҳамда фаолияти мустақиллигини таъминлайди, маънавиятини бойитади.

Уйга ёзма ишлар берилган кунларда оғзаки топшириқ ёки ўқиш учун вазифалар берилмайди. Адабиётдан уй вазифалари беришда ўқувчиларнинг интеллектуал имкониятларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг бошқа ўқув фанлари бўйича юкламлари билан ҳам ҳисоблашиш талаб қилинади. Адабиёт дарсларини бошқа ҳамма ўқув фанларидан устун қўйган, фақат ўз соҳаси бўйича барча ўқувчиларни кўпроқ ишлатишни ният қилган ўқитувчи қаттиқ адашади. Синфдаги бадиий сўзга қизиқиши ва иқтидори бор ўқувчиларга уларнинг қизиқишларини қондирадиган, эҳтиёжларини тўйинтирадиган топшириқларни кўпроқ бериш мумкин. Қолганларга дастур талаблари асосида билим бериш ва ДТС талаблари доирасида билимларини назорат қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Уйда ўқиш ва асар матни устида ишлаш учун бериладиган топшириқлар қуйидагиларни қамраб олади: ўқиш учун бериладиган топшириқлар; асар матни юзасидан режалар тузиш ёки таклиф этилган режа асосида ишлаш; асар мазмуни бўйича суратлар чизиш ёки чизилган суратларни ўқиш; матн юзасидан тақдим этилган савол-топшириқлар билан ишлаш; асардаги ўқувчи маънавияти ва шахсияти шаклланиши учун зарур бўлган калит сўзлар билан ишлаш ва ҳоказо.

Уйда ўқиш учун бериладиган топшириқлар. Мактаб ҳаётининг ҳамма босқичида дарслик ўқувчи учун зарур ва асосий қўлланма ҳисобланади. Юқори синфларда адабиёт курсини ўрганишда ўқувчиларнинг ўқиши, уларнинг бадиий асар ёки асар ҳақидаги мақолалар устида ишлашини ташкил этиш учун ўқитувчи таълимнинг қуйи босқичларидаги шундай фаолият билан боғлиқ уй вазифаларига кўпроқ эътибор қаратиши керак бўлади. Бундай топшириқлар дарсликдаги адабий матн мазмунини уйда, мустақил равишда ўзлаштириб олишга, бадиий сўз моҳиятига киришга кўмаклашади. Дарслик билан ишлаш бўйича уй вазифаларининг

тахминий меъёри бошлангич синфларда 10 — 15 дақиқа, 5 — 7-синфларда 15 — 20 дақиқа, 8 — 11-синфларда 25 — 30 дақиқани ташкил этади. Фақат бундай топшириқлар синф, вазият ва алоҳида ўқувчилар учун мос бўлиши, ҳар бир ўқувчининг интеллектуал имкониятлари доирасида берилиши, шу билан бирга, топшириқларнинг бир хиллиги ва бир бирини тақрорлашидан қочиш керак. Улар: саволларга жавоб бериш, матннинг маълум бўлими режасини тузиш, ўқилган матн юзасидан савол-торшириқлар тузиш, ўқитувчининг саволлари, қўйилажак муаммолар устида ишлашга тайёргарлик, ҳар хил (муаллифнинг ҳаёти, саёҳатлари билан боғлиқ) хариталар тузиш, асар матни асосида тезислар яратиш, синфда тақдим этилган режа асосида матндан материаллар ажратиш ва ҳоказо шаклларда бўлиши мумкин. Уйга бериладиган топшириқларнинг барчаси миллий тарбияшунослик ва адабий таълимнинг бош мақсади асосида ташкил этилиши лозим.

Адабий таълим бўйича синфда ўрганилиши лозим бўлган асарлар дастур ва дарсликларда ўқувчининг ёши, интеллектуал имкониятларини инобатга олинган ҳолда тақдим этилади. Кўрсатилган асарларни ўрганиш учун вақт ҳам ўқув режаси асосида белгиланган, уларнинг талқини ҳам адабий таълимнинг бош мақсадига йўналтирилган тарзда дастурда ўз ифодасини топган. Лекин адабиёт дарсида дастурда тақдим этилган барча асарларнинг тўлиқ матнини ўқиш имкони бўлмайди. Ўқитувчи дарсликлардан ўрин олган асарларнинг тўлиқ матнини ёзда ўқиш учун топширишдан аввал уларни дарсда тўлиқ ўрганиш имконияти йўқлигини, дарсликда тақдим этилган парчалар асосида асарнинг моҳиятига ҳамиша ҳам чуқур кириб бўлмаслигини ўқувчиларга англаймоғи мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқитувчилар 5-синфда Ў.Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари”, Андерсен эртаклари, Н.Думбадзе ҳикоялари ва Ў.Умарбеков мактубларидан; 6-синфда Х.Тўхтабоевнинг “Сариқ девни миниб”, Ч.Айтматовнинг “Оқ кема” асари, Ж.Родари эртаклари, Ж.Свифтнинг “Гулливернинг саргузаштлари”, З.Аъламнинг “Афандининг қирқ бир пашшаси”, Т.Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади”, Ф.Фуломнинг “Шум бола” асарларини, С.Зуннунова ва Саид Аҳмад ҳикоялари; 7-синфда “Равшан” достони, А.Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” романи, Ш.Холмирзаев, А.Қаҳҳор ҳикояларини; 8-синфда Ойбекнинг

“Навоий” романи, Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” трагедияси, А.Мухторнинг “Чинор” романи, Саид Аҳмаднинг “Уфқ” трилогияси, Ш.Бошбековнинг “Темир хотин” комедияси, Р.Тўқурнинг “Нур ва соялар”, Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарларини; 9-синфда “Алпомиш” достони, А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар”, Ойбекнинг “Қутлуғ қон”, О.Ёқубовнинг “Улуғбек хазинаси” романларини, Ч.Айтматовнинг “Асрга татиғулик кун” асарини ёзда синфдан ташқари ўқиш учун топширишлари мумкин.

10 — 11-синфларда адабиёт тизимли курс шаклида ўрганилиши муносабати билан 10-синфда тўлалигича ўзбек мумтоз адабиёти намуналари ўрганилади. Бу босқичда тақдим этилган асарларнинг тили анча мураккаб экани аён. Бугунги ўқувчиларнинг кўпчилиги уларни ўқиб ўқишга қийналадилар. Шу сабаб 10-синфда ўзбек мумтоз адабиёти намуналаридан ўқувчининг имкониятларига қараб ажратилади ва ўқишга тавсия этилади. Кўпчилик асарларнинг насрий баёни ёки ҳозирги тилдаги табибли ҳам мавжуд ва ўқитувчи бўлажак 10-синф ўқувчиларига ёзда ўқиш учун вазифалар беришдан олдин шуларни ўрганиб чиқиши керак бўлади. Масалан, Навоийнинг “Ҳамса”си, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”и сингари асарларни тавсия этиши мумкин. 11-синфда Муқимий, Фурқат, Фитрат, Чўлпон шеърлари, Ҳамзанинг “Майсаранинг иши”, “Бой ила хизматчи” драмаларини, Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи, Ғ.Ғуллом ва А.Қаҳҳор ҳикоялари, О.Ёқубов қиссалари, Ш.Холмирзаев ҳикоялари ва ҳоказолар тавсия этилади.

Шунда ўқувчилар мактабга синфда ўрганиладиган асарлар ҳақида ёки уни ёзган муаллифнинг ижоди ва услуби ҳақида маълум даражада тасаввур ҳамда тушунчага эга бўлган ҳолда келадилар. Йирик асарларнинг ўқувчилар томонидан олдиндан ўқиб чиқилиши нафақат уларнинг ўқув йили давомидаги вақтини тежайди, балки ўқитувчининг иш фаолияти учун ҳам катта қулайлик туғдиради. Ўқувчилар томонидан аввал ўқилган асар матнига таяниб дарсликдаги парчанинг кенгроқ таҳлилига эркин киришиш мумкин бўлади. Асар матни юзасидан суҳбатлар ташкил этишда дарсликда бўлмаган, лекин ўқувчиларга таниш бўлган лавҳа асарнинг ўзидан ҳам олиниши мумкин. Бу ҳам, ўз навбатида, ўқувчиларга асардаги фикрларни, ҳақиқатларни тўлароқ англаш имконини беради.

Шундай асарлар борки, уларни ўқувчилар ўқитувчининг

ёрдамисиз ўзлаштиришлари қийин. Улар ҳажман унча катта бўлмаган, лекин тил хусусияти жиҳатидан мураккаб бўлган асарлар ҳар синфда тақдим этиладиган ўзбек мумтоз адабиёти намуналари ва 10-синф дарслиги материаллари ҳисобланади. Ҳазаллар бевосита ўқитувчининг ўзи ўқиб бериши ёки унинг раҳбарлиги остида адабиётга майли бор ўқувчилар томонидан ифодали ўқилиши керак. Уларнинг бадиий таҳлили ҳамкорларнинг — ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги фаолияти асосида амалга оширилади. Синфда асарлар шарҳи ҳақида билим ва тасаввурга эга бўлган ўқувчига уй вазифаси сифатида бошқа Ҳазалларни луғат ёрдамида шарҳлаб ўрганишни тавсия этиш мумкин бўлади. Буни ҳам ҳамма ўқувчидан бирдай талаб қилиш методик жиҳатдан унча тўғри бўлмайди.

Ўқувчиларнинг уй вазифаларига, айниқса, улар мумтоз адабиёт билан боғлиқ бўлганда, жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак. Мумтоз асарлар нафақат тили билан, балки яратилиш даври, ижтимоий муҳити билан ҳам бугунги ўқувчидан анча йироқ. Лекин қийин деб уларни ўрганмаслик ёки уларни бугунги ўқувчи савияси даражасига мослаштириш, жўнлаштириш ҳам нотўғри. Яъни дарсларда асарларнинг табибли билан ишлаш ёки уй вазифасини табдиллар асосида бажариш ўқувчини чалғитади. Ўқувчига уларни англантиш учун болада мумтоз маънавият намуналарига муҳаббат ҳиссини шакллантириш лозим. Боболар сўзига ички эҳтиёжсиз, муҳаббатсиз уларнинг битикларини ўрганиб бўлмайди. Бунинг учун сўзнинг моҳиятига кириш керак. Моҳиятга киришда обзор мавзулар ўқувчига маълум даражада кўмаклашади. Обзор мавзуларни ўрганишга монографик мавзуларни ўрганишга қўйилган талаблар билан ёндашиб бўлмайди, албатта. Улар дарсликларга ўқувчиларнинг тарихий маълумотлардан, асарларнинг ёзилган даври, халқнинг ўша даврдаги турмуш тарзи, маданий-маърифий ҳаётидан хабардор бўлишлари учун киритилади. Обзор мавзуларни ўқувчилар ўзлари уйда ўқийдилар. Ўқувчида асарнинг яратилиши билан боғлиқ маълумот қанча кўп бўлса, уни чуқурроқ англаш имконияти шунча ортади.

Ўқувчиларнинг уйда ўқишлари учун бериладиган топшириқлар, биринчи навбатда, дастурдаги ўқув материалларини ўқувчилар чуқурроқ, кенгроқ ўзлаштиришларини назарда тутати.

Ўқув йилининг охирида ўқувчиларга ёзда ўқиш учун топшириқ берилаётганда дастурнинг обзор дастурлар доирасига кирадиган, у ёки бу адибнинг ижод йўлини, услубини аниқроқ билишга имкон берадиган асарлар тавсия этилади. Улар шунчаки синфдан ташқари ўқиш учун материал эмаслиги, топшириқнинг ўз назарий, таълимий-тарбиявий аҳамияти борлиги, бу фаолиятнинг амалий аҳамияти нималардан иборат экани ўқувчиларга етказилади. Бундай пайтларда ўқувчилар қуйи синфда ўрганган асарлари ҳам қамраб олиниши мумкин. Ўқувчининг аввал ўқиган асарларини орадан маълум вақт ўтгач, қайта ўқиганда олган таассуротлари аввалгилари билан таққосланиб, улар ҳақида ҳам алоҳида суҳбатлашиш мумкин. Бу ҳам ўқувчининг маънавий камолотига ўз таъсирини кўрсатади. Бундай асарлар бўйича ўқувчиларнинг умумий тарзда асар мавзуси, ундаги етакчи фикрларни билиши, асар қаҳрамонларига тавсиф бера олиши кифоя.

Асар матни устида ишлаганда ундаги қаҳрамонларга индивидуал, қиёсий ва гуруҳий тавсифномалар бериш вазифаси умумий ўрта таълимнинг 5-синфидан бошланади. Синфлар юқорилаб боргани сари ўқувчилар томонидан бажариладиган ишларнинг мазмунигина эмас, балки фикрлар баёнининг тизимлилиги, уларнинг салмоғи, мантиғи ва мустақиллиги даражаси рағбатлантирилади, баҳоланади. Ҳар бир фикрни асослаш учун асардан келтирилган мисоллар ва иқтибослар ўқувчининг фаоллик, зийраклик ва билимлилик даражасини кўрсатади.

Асар қаҳрамонларига тавсиф беришда ўқувчидан аввал тимсолнинг етакчи хусусиятларини ажратиб олиш талаб қилинади. Сўнг унинг бошқа тимсоллар билан алоқаси, боғлиқ томонлари кўрсатиш сўралади. Қаҳрамон табиатидаги жиҳатларнинг воқеалар ривожига таъсири, оқибатнинг сабаблари аниқланади. Қаҳрамонга хос бўлган индивидуал ва типик хусусиятларни аниқлаш, унинг хатти-ҳаракатларини таҳлил қилиш, берилган тавсифномани матндан мисоллар келтириб асослаш ўқувчида пухта ишлаш кўникмасини шакллантиради.

Юқори синф ўқувчиларига тимсолни таҳлил қилишни уй вазифаси қилиб топширишдан олдин дарсда улар билан биргаликда қаҳрамоннинг шахси, дунёқараши, асардаги ўрни аниқланиб, унинг ҳаётга, жамиятга, одамларга муносабати белгилаб олинади. Бундай уй вазифаларининг дарсдаги таҳлили ҳар бир ўқувчининг

аниқ ўз хулосаси билан яқунланиши керак. Шундан сўнг берилган уй вазифалари тимсолларнинг синфда очилмай қолган қирраларига, қаҳрамон хатти-ҳаракати таҳлилига, оқибатларнинг сабабларини аниқлашга, қаҳрамон тушиб қолган қийин вазиятларнинг ечимига, туйғулар шарҳига қаратилади.

Ёд олиш учун бериладиган асарлар бўйича уй вазифалари ҳақида гапириб шуни айтиш мумкинки, уларнинг номи ва сони адабий таълим дастурида ва дарсликларда аниқ кўрсатилган. Педагогика илмида бир дарсда ёд олиш учун бериладиган уй вазифалари 1-синфда тўртдан саккиз қаторгача; 2-синфда саккиздан ўнtagача; 3 — 4-синфларда 16 сатргача; 5-синфда 16 — 18; 6-синфда 20 — 22; 7-синфда 22 — 24; 8-синфда 24 — 26; 9-синфда 28 — 30 мисра атрофида бўлиши тавсия этилган.

Бирор асарнинг тўлиқ матни ёки асардан парча ёд олишни уй вазифаси сифатида топширишдан аввал унинг мазмуни ўқувчилар томонидан яшилаб тушуниб олинишига эришилади. Асарни ёд олишдан олдин у дарсда шарҳлаб ўрганилиши, шеър матни ўқувчилар учун тушунарли бўлиши шарт. Асарнинг ёддан, ифодали ўқилиши даражаси унинг қанчалик англашилганлигини кўрсатади. Адабий таълим давлат стандарти талаби бўйича ўқувчилар ёд олишлари лозим бўлган асарларни ҳамма ёд олиши шарт. Бу — аён нарсa. Лекин дастурда ҳам ўқувчилар ёдлашлари учун маълум миқдорда қўшимча ўқув материаллари тақдим этилган. Уларни ёд билиш дарсликлардаги шеърлар юзасидан тақдим этилган савол-топшириқлар устида ишлашни осонлаштиради. Дастурда ва дарсликда ёд олиш талаб қилинган барча шеъррий асарларни ўқувчиларнинг ҳаммасидан бирдай талаб қилиш ҳам унчалик тўғри бўлмайди. Бу ўринда ўқувчиларнинг хоҳиш ва истаklarини инобатга олиш керак.

Адабий таълимда уйда ўқиш учун бериладиган топшириқлар дарсликдаги ўқув материаллари билан чекланиб қолмаслиги керак. Уйда ўқиш учун бериладиган асарлар бошланғич мактабнинг 3 — 4-синф ўқувчиси учун бир йилда 12 — 14 номдаги китобни ташкил қилади. Юқори синфларда бир йилда ўқилиши лозим бўлган адабиётлар: 5-синфда 13 — 15, 6-синфда 15 — 18, 7-синфда 19 — 22, 8-синфда 22 — 25, 9-синфда 25 — 30 номдаги китобни ташкил этса, 10 — 11-синфларда улар элликтагача тақлиф этилади. Бу рақамлар сирасига дарсликда парча берилган асарларни ҳам

киритиш мумкин. Ўқитувчи тахминан бир ойда икки марта синфдан ташқари ўқилган асарлар устида ишлаш учун (айрим асарларни ўрганишдан чегирилган соатлар ҳисобидан) вақт топа билиши керак. Бундай дарсларда ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида асарларни таҳлил қиладилар, уларга тақриз берадилар, муносабат билдирадилар ва асарлар ҳақидаги фикрларини унинг матнига таяниб асослайдилар. Бундай дарсларга ота-оналарни ҳам таклиф қилиш катта самара беради. Ўқитувчи синфдан ташқари ўқиш учун дарсликда парча берилган асарларни тўлиқ ўқишни тавсия этиши, айрим қўшимча асарлардан боблар ўқиб ўқувчиларни қизиқтириб олиши ва шу аснода уларни уйда ўқишга бериши мумкин.

Режалаштириш. Ўқувчилар тафаккури ва фаолияти мустақиллигини таъминлашда режалаштиришнинг аҳамияти жуда катта. Ўқитувчилар назарида бу маълум даражада мураккаб фикрий фаолият бўлгани учун ҳам ўқувчиларга нисбатан содда режа тузишни таклиф қиладилар. Ҳатто шунинг ўзи ҳам уларни ўзгаларнинг тайёр фикрларини такрорлашдан чекинтиради, мустақил равишда фикр айтишга йўналтиради. Уй вазифаларини маълум режа асосида бажариш ўқувчини ўқув материалига онгли равишда ёндашишга ўргатади. Яхши тузилган режа ўқувчининг фаолиятини тизимга солади, зарур материални ажратиб олишга ўргатади, муҳим жиҳатларни очишга ва тўғри хулосалар чиқаришга ундайди. Ўз фикрини муайян тизимда баён этишга йўналтиради.

Уй вазифасини маълум режа асосида тайёрлаш ўқувчининг дарсда ақлий фаоллигини оширади. У мустақил мулоҳаза талаб қиладиган муҳокамаларга ўзига ишонган ҳолда фаол киришади. Ўқувчининг дарсда, уйда, синфдан ва мактабдан ташқари ҳар бир ишни режа асосида бажариши унинг вақтини тежайди, фикрлари ва фаолиятини тартибга солади. Маълумки, ҳар бир ўқувчининг кундалик уй вазифасини бажаришда ўз кичик режаси бўлади: айримлар аввал қийин дарсларни бажаради, кейин нисбатан осонларига киришади. Баъзилар бунинг аксини қилишади. Шу тарзда ўқувчилар фаолиятида осон ва қийин вазифалар ўрин алмашиб туради. Ўқувчи маълум тажриба орттиргандан сўнг баъзи ишларга сарфланадиган вақтни ҳам аввалдан белгилаб оладиган бўлади. Бошида режалаштириш маълум ақлий зўриқишни ва вақтни талаб қилади. Аста-секин бу ишга кам вақт сарфлана бориб, у

вазифани бажариш жараёни билан уйғунлашиб кетади. Режа билан ишлашга ўргатишдан мақсад — ўқувчини топшириқни яхшироқ бажариш, вақтдан унумли фойдаланишга ўргатиш ва ишда муайян тартиб бўлишига эришишдан иборат. Мактаб мана шу жиҳатлардан келиб чиқиб, ишни режалаштириш тамойили ўқувчининг ички “мен”ига, табиатига сингишига тарафдор бўлиши, режалаштиришга ўргатиш боланинг мактаб ҳаётидаги асосий ишлардан бири бўлишига эришиши керак. Афсуски, адабиёт ўқитувчиларининг кўпчилиги ҳали ўқувчиларга дарс мақсади ва режасини баён этишга одатланганларича йўқ. Урганиладиган мавзу режасининг дарсда ўқитувчи томонидан баён этилиши ўқувчи диққатини мавзунинг муҳим ўринларига тортади, унда мана шу муҳим нарсани ўзлаштириб олишга эҳтиёж уйғотади. Шу тариқа ташкил этилган дарсда ўқитувчи жавоб берадиган ўқувчини берилажак жавобни режалаштириб олишига, ундаги муҳим жиҳатлар ва хулосаларни ажрата билишига имконият яратади. Афсуски, кўпчилик ўқувчилар ёзма ишларга ҳам, матн юзасидан ҳам режа тузишни билишмайди. Ўқувчиларнинг режа тузишни билмаслиги — ўқитувчи ва педагогиканинг айби.

Асар устида ишлаш учун бериладиган уй вазифаларининг энг содда усулларидан бири бадий матннинг умумий ёки таркибий режасини тузиш ҳисобланади. Дарсда ўрганиладиган асарнинг умумий матни устида ишлаш учун тузиладиган режа умумий режа ҳисобланади. Матн юзасидан умумий режа тузиш учун уй вазифалари беришда ўқувчиларга асарни тўлиқ ўқиб чиққандан сўнггина режа тузишга киришиш лозимлиги тушунтирилади. Асар мутолааси жараёнида тузилган режа унинг мазмун-моҳиятини тўлиқ ифодалайдиган даражада мукамал бўлмайди. Ўқувчи асар мутолааси давомида кичик-кичик сўз ва иборалар мисолида унинг тезисини ёзиб ёки эътиборли ўринларини матндан белгилаб боради.

Асар ўқиб бўлингач, шу тезис ёки белгилар асосида режа тузиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ўқувчиларга ўқитувчи томонидан тушунтириб қўйилади. Шу тарзда тузилган режа ўқувчига асар матни устида ишлаш учун кейинги фаолиятини ташкил этишда кўмаклашади, бундан ташқари, синфда ўқитувчи саволларига жавоб беришда, иншолар ёзишда, асар матнидан кўчирмалар олишда, асар қаҳрамонларини баҳолаш билан боғлиқ ёзма ва оғзаки ишларда, қаҳрамон шахси ёки бирор ҳақиқатни асослашда мисоллар келтиришда ҳам ёрдам беради.

Таркибий режа яхлит асарни маълум бўлақларга бўлиб, уларга мазмунан ва мантиқан мос сарлавҳалар қўйиб, қисмлар бўйича маълум мақсадлар асосида алоҳида режалар тузиб ишлашни назарда тутади. Масалан, “Менга ёққан саҳифа” мавзуси устида ишлаш учун аввал ўқувчи томонидан ўрганилган асардан ўзига маъқул бўлган мазмунан бой ва қизиқарли саҳифа ажратиб олинади. Сўнг парча мазмунига мос сарлавҳа топиш; саҳифа мазмунининг асар умумий мазмунига таъсири; саҳифанинг бадиий қиймати; мазкур саҳифани танлашга асос бўлган сабаблар; шу саҳифадан олинган таассуротлар; бу саҳифа ўқувчида қандай фикр, туйғу ва орзуларни уйғотгани каби масалалар ёритилади. Шундан кейингина айтиш ёки ёзиш лозим бўлган фикрлар режалаштирилади. Қараш ва хулосалар ёзма ёки оғзаки тарзда баён этилади.

Бошланғич синфлар “Ўқиш китоби” дарсликлариди бадиий асар устида ишлаш учун ўқувчиларга матн асосида режа тузиш ва ўқилганларини режа асосида қайта ҳикоялаш кўп таклиф қилинади. Бунда ўқитувчи ўқувчиларда режа тузиш кўникмалари шаклланишига эътибор қаратиши, улар асар қисмларининг мантиқий алоқасини қандай ўзлаштирганликларини аниқлаб бориши керак. Одатда, ўқитувчилар топширқининг иккинчи қисмига, режа асосида асар матнини қайта ҳикоялатишга кўпроқ урғу берадилар. Шунинг учун ўқувчилар юқори синфга борганда ҳам иншо ёзиш учун режа тузишга қийналадилар. Асар матнини қайта ҳикоялаш, айниқса, юқори синфларда, ҳатто, у ижодий характерда бўлса ҳам, ўқувчининг маънавияти учун етарли манба бўлолмайди. У бошланғич синфларда ўқувчининг нутқини ўстириши мумкин, холос.

Режа тузишни ўргатишдан мақсад ўқувчининг тасавури ва тафаккурини уйғотиш, уни муҳимни номуҳимдан ажратишга, билганларини тафтиш қилишга, тизимга солишга ўргатишдир. Ўқувчилар онгини фаоллаштирадиган бундай иш турлари нафақат асар матнининг чуқур ўзлаштирилишини таъминлайди, балки уларда ҳар қандай бадиий асарни мустақил муҳокама қилишга қодир китобхонни тарбиялайди. Қолаверса, ўқувчилар тузган режа ўқув материални улар томонидан чуқур ва мустаҳкам ўзлаштирилишига имконият яратади ва билимлар нисбатан онгли ўрганилишига эришилади. Билимларнинг онгли ўзлаштирилиши дарсда ўқувчининг фаол иштирок этишига мустаҳкам таянч бўлиб

хизмат қилади. Ўқув материали бўйича режа тузиш жараёнининг ўзи ўқувчиларда мантиқий мулоҳаза юритишни ҳам тарбиялаш ҳисобланади.

Ўқувчиларга режа тузишни ўргатишда ўқитувчи қуйидагича йўналишни таклиф қилиши мумкин: а) берилган матнни икки марта тўлиқ ўқиб чиқиш; б) биринчи ўқишда матндаги асосий фикрни аниқлаш, ўқиш жараёнида зарур рақамлар ва янги сўзларни белгилаб қўйиш; в) иккинчи ўқиш жараёнида асосий фикрларни топиш, материални маъноли бўлакларга бўлиш ва уларнинг ҳар бирини номлаш. Матндаги асосий фикрлар англашилгандан кейингина унинг режасини тузишга киришилади.

Бундай фаолият бошланғич синфларнинг дастлабки босқичидан таълим амалиётига сингдирилиши керак. Режа тузиш аълочи ўқувчилардан ҳам, суст ўзлаштирувчи болалардан ҳам бирдай талаб қилиниши зарур. Акс ҳолда, юқори синфларда мураккаб масалалар билан тўқнашилганда, алоҳида мустақил умумлашмалар, хулосалар чиқариш керак бўлганда, кўпчилик ўқувчилар режалаштиришга қийналиб қоладилар.

Тўғри, ўқилган асар юзасидан асосий фикрни илғаб олиш ва уни мантиқий қисмларга ажрата билиш ҳаммиша ҳам осон амалга ошавермайди. Шунинг учун режа бандларини шакллантиришда ўқувчилар кўпроқ китобий тилга таянадилар, фикр ифодалашларида ҳам китобга қарамлик сезилиб қолади. Бундай камчиликлар ҳаммиша ўқитувчининг эътиборида бўлиб, ўқувчига эслатиб турилса, улар тезда бартараф этилади.

Ўқитувчининг ўқувчида табиатан мавжуд бўлган ўз фаолиятини режалаштириш, уни бажариш, натижаларни текширишини мактаб ҳам давом эттириши унинг тафаккури ва фаолият мустақиллигини ривожлантиради. Дарсда ёки уйда мустақил бажариш учун берилган топшириқни режалаштириш ўз-ўзидан унинг предметини, мақсадини билишни талаб қилади, шу билан бирга, бундай вазифаларни бажариш учун маълум тажриба ҳам талаб қилинади. Мактаб ҳаётидаги бундай ишларни мустақил равишда режалаштиришга бирданига киришиб бўлмаслиги тушунарли. Бунга ўқувчиларнинг мактаб ҳаётида ўқув йўналишда у ёки бу даражада малакага эга бўлганларидан кейин киришилади. Ҳатто ўқувчиларга ҳаракат режаси тақдим этилганда ҳам унинг маълум қисмларини муҳокамага қўйиш ва тарбияланувчилар фаолиятининг

онглилигига ишониш керак. Ўқувчиларнинг иштирокини аста-секинлик билан ошириб бориб, уларни катта муаммоларни режалаштиришга ўргатилади.

Бундай уй вазифалари ўқувчилар тўплаган материалнинг тизимли бўлишига, уларнинг дарсдаги фаоллиги ортишига асос бўлади. Асарнинг, ундаги алоҳида ҳодиса ёки вазиятнинг, қаҳрамонлар характеристикасининг тўқис, самимий батафсил бўлишини таъминлайди.

Суратлар билан ишлаш. Бошланғич синфларда асар матни юзасидан чизилган суратлар устида ишлаш топшириғи кўпроқ учрайди. Бундай суратлар ўқувчиларга асар қаҳрамонларини тиниқроқ тасаввур қилишга кўмаклашади. Лекин бугунги таълим амалиётида, ўқиш дарсларида расмлар устида ишлаш жуда нўноқлик билан ташкил этилган. Ўқитувчилар расмлардаги фақат юзаки жиҳатларни очишни талаб қиладилар. Чунки бошқача ўқишни ўзлари ҳам билмайдилар. Уларга олий мактабда бу ўргатилмаган. Ўқувчиларни асар матни юзасидан ишланган ёки дарсликда тақдим этилган бошқа суратлар устида ишлашни ўргатиш уларнинг маънавий камолотига катта ижобий таъсир кўрсатади. Суратлар билан ишлашда уларда ифодаланган рангларнинг ўрни, уларнинг сурат учун умумий аҳамияти, рангларнинг ўзаро мутаносиблиги, нега айнан шу рангнинг қўлланилганлиги, суратда ёритилган нарсаларнинг ўрни, уларнинг умумий тасвирга таъсири билан боғлиқ вазифалар топширилади. Синфлар юқорилаб борган сари расмдаги шахсларнинг юз ифодаси, юзидаги, кўзларидаги, туриши ёки ҳолатидаги ифода таҳлилига, ҳар бирини тасвирлашда қўлланган рангларга ўқувчиларнинг эътибори тортилади. Бу билан ўқувчида рангни ҳис қилиш, ундан таъсирланиш, тасвирни ўқиш, рангларни ҳис қилиш маҳорати шакллана боради.

Суратда ифодаланган ҳар бир предметни ажратиш, уни изоҳлаш, расмда тасвирланган ҳодисанинг боши ёки охирини ўйлаб топиш, ҳикоялаб бериш, каби топшириқлар ҳикоя баёнида фикрдан фикрга ўринсиз сакраб кетмаслик кўникмасини шакллантиради. Оламни, одамни ранглар кўмагида баҳолашга ўргатади. Қаҳрамоннинг кўзлари, юз ифодаси, ҳолати таҳлили ўқувчини суврат ва сийратни фарқлашга одатлантиради.

Савол-топшириқлар билан ишлаш. Бошланғич синфларнинг “Ўқиш китоби” ва юқори синфларнинг “Адабиёт” дарсликларида

тақдим этилган адабий матнлар устида ишлаш учун маълум савол-топшириқлар тақдим этилган. Бошланғич мактабнинг 3 — 4-синфларида ўқувчиларга уй вазифаси сифатида асар матни юзасидан бериладиган савол-топшириқларнинг сони тўрттадан ошмаслиги керак. Дарсликларда тақдим этилган айрим савол-топшириқлар тавсифлашни талаб қилса, баъзилари умумлаштирувчи характер касб этади. Айрим саволлар аввал ўзлаштирилган билимларни эслашга эҳтиёж уйғотса, бошқаси ҳар томонлама ўйлашни ва таҳлилни талаб қилади. Яна бир хил савол учун дарсликдаги маълумотнинг ўзи кифоя қилса, ўзгасига жавоб бериш учун қатор ёрдамчи манбаларга мурожаат қилишга тўғри келади.

Савол-топшириқлар уй вазифаларини сўрашнинг асосий қуроли саналади. Ўқитувчининг ҳар қандай саволи, у риторик бўладими ёки ўқувчилардан бевосита жавоб талаб қиладими, боланинг ақлий фаоллигини оширади. Саволлар риторик тарзда қўлланилганда уларнинг кўмагида ўрганилаётган мавзунинг муҳим жиҳатларига ургу берилади. Улар ўқувчига мана шу муҳимни яхшироқ кўришга ва ҳаёлан аввал ўрганилганлари билан янги ўзлаштирилаётган билимлар орасидаги алоқани тиклашга имкон беради. Шу тарзда кейинги маълумотларни диққат билан чуқурроқ ўзлаштиришга эътибор қаратилади.

Дарс давомида уй вазифаси сўралаётганда ўқитувчи томонидан ўқувчиларнинг иштирокчини таъминлайдиган савол-топшириқлар қўйилмаса, уларнинг мавзуга ижодий ёндашишларига эришиб бўлмайди. Ўқитувчи асарлар таҳлили давомида риторик саволлар билан бирга ўқувчилардан жавоб талаб қиладиган саволларни ҳам қўллагани маъқул. Риторик савол ўқувчининг ақлини зўриқтиради, эътиборини кучайтира бориб, уни нисбатан кучлироқ ақлий фаолиятга — мустақил фикрлаш асосида умумлашмалар қилишга, хулосалар чиқаришга тайёрлайди. Ўқитувчи томонидан берилган жавоб талаб қилинадиган савол эса ўқувчини зарурий фактларни аниқлаб, исботлаб бериш билан бирга ўз мулоҳазаларини мустақил равишда баён этиш кўникмасини тарбиялаб боради.

Ўқувчилар, одатда, уй вазифаси юзасидан бирор ҳодисани хотирлашга қаратилган қўшимча савол-топшириқларга енгил ва эркин жавоб берадилар, уларнинг олдига нисбаган мураккаб масалалар қўйилганда, ўзининг шахсий муносабати талаб

қилинганда маълум қийинчиликни ҳис қиладилар. Бу қийинчилик масалани ҳал этишнинг дастлабки босқичида кузатилади. Кейинчалик ўқитувчининг берган йўналиши ёрдамида бундай вазиятларни ўзларича ҳал этишга киришиб кетадилар. Демак, мураккаб ўқув топшириқларини қўйиш ўқувчини мувозанатдан чиқаради. Тафаккури ва хотирасини фаол ишлашга ундайди. Савол-топшириқлар билан ўқувчини мураккаб вазиятга солиб қўйиш ҳар хил шароитларда — маълум нарсаларнинг асосий қисми тугал бўлганда, у ёки бу янгиликни кашф этиш ёхуд топиш назарда тутилганда ташкил қилинади.

Фавқулодда савол ёки топшириқ билан ўқувчини ҳайратга солиш унда кучли ҳиссиёт уйғотади. Ҳайрат тушунишнинг бошланиши ва билишга олиб борадиган йўлдир. Асар матни юзасидан уйга берилган савол-топшириқлар кўмагида мураккаб вазиятларни ташкил этиш билан ўқитувчи ўқувчилар фикрий фаоллигини оширади, ўзлаштирилаётган ҳодисанинг имкон қадар чуқурроқ очилишига кўмаклашади, уларнинг билими ва тажрибасини бойитади, мураккаб масалаларнинг ечимига мустақил равишда эришишларига кўмаклашади.

Дарсликларда асар матни юзасидан берилган савол-топшириқларга жавоб беришда ўқувчилар кўпинча умумий қонуниятни тўғри топадилар, бироқ буни ўзлари асардан мисоллар келтириб асослаб беришга қийналадилар. Улардан нега шундайлигини тушунтириш ёки айтганларини исботлаш талаб қилинганда, мазкур ҳолатга тегишли кўпгина фактларни билсалар ҳам, ўзларини йўқотиб қўядилар. Гап шундаки, жавоб берадиган ўқувчи ўзи билган далилларни, билимларни янги тизимга, ўқитувчи томонидан белгиланган, унинг саволи талаб қилаётган янги йўналишга солиши керак бўлади. Дастлаб ўқувчини айнан шу нарса қийнайди. Кейинчалик, фактлар аниқланиб, топшириқ ақлий имконияти даражасидан унча узоқ эмаслиги маълум бўлгач, тафаккури фаоллашади.

Ўқувчилар қийинчиликларни ўзлари бартараф этиб, масаланинг ечимига мустақил равишда борадилар. Ўқувчилар фаолияти мустақиллигини уйғотишга интилган ўқитувчи уйга бериладиган асосий савол ёки топшириқни мавзуга мослаган тарзда шакллантиради. Шунинг ўзи тарбияланувчининг ақлий фаолияти учун қулай шароит яратади. Ўқитувчи ўқувчини тайёр жадваллардан

қочишга, материални шунчаки қайта баён қилмай, қарашларини маълум таянч фикр атрофида умумлаштиришга, ундан жавоб учун зарурини ажратиб олишга, ўз фикрини қолипга тушган сийқа ибораларда эмас, ўз сўзлари билан баён қилишга ундайди. Бундай фаолият ўқувчидан маълум ҳодиса сабабларини тушунтириш, фикрларини қатъий илмий-мантиқий асосларга қуриш, воқеаларни холис баҳолаш ва кузатганларини умумлаштиришни талаб қилади. Бундай вазиятда қўшимча саволлар жуда қўл келади.

Қўшимча саволларнинг кучи шундаки, улар аввал ўрганилган билимларга таянади, ўқувчиларнинг ақлий фаолиятини маълум даражада энгиллаштиради. Бу ўринда аввал ўзлаштирилганларни такрорлаш эмас, балки ўрганилган билимдан янги йўналишда фойдаланиш талаб қилинади. Бу ўқувчиларни янгилик қидиришга, номаълумни аниқлашга йўналтиради. Ўз билганларидан унумли фойдалана билиш ва умумлашмалар талаб қилувчи саволларга жавоб бериш ўқувчилар ақлининг ишлашини талаб қиладиган ижодий иш тарзида характерланади.

Калит сўзлар билан ишлаш. Асар матни билан ишлаш топшириқлари сирасига калит сўзлар билан ишлаш вазифаси ҳам киради. Ўқитувчи бундай топшириқлардан уй иши сифатида ҳам, дарс жараёнида ҳам фойдаланиши мумкин. Бу топшириқнинг асосий хусусияти матндаги калит сўзларни ажратиб олиш сўнгра уларнинг маъноси ва асарнинг умумий мазмунидаги ўрнини аниқлашдан иборат. Калит сўзлар билан ишлаш бўйича уй вазифаси бирор қаҳрамон тимсолида, бирор эпизод ёки ҳодиса мисолида ҳам бўлиши мумкин. Асар қаҳрамони шахси билан боғлиқ калит сўзлар устида ишлаш учун ўқувчи матндан асосий сўзларни ажратиб олади. Уларнинг моҳиятига киради, маъносини аниқлайди. Сўнгра бу сўзларнинг қаҳрамон шахси, феъл-атворини очишдаги ўрни, аҳамиятини белгилайди. Уларнинг қўлланилишига ўз муносабатини билдиради, фикрини асослайди. Шу аснода ёзувчининг услубига, қаҳрамоннинг шахсига баҳо беради. Ўз маъनावияти шаклланишида ўзи иштирок этади.

Калит сўзлар билан ишлашда пейзаж лирикиси жуда қўл келади. Мавзу атроф олам билан алоқада ўрганилади. Ўқувчилар биргаликда табиат ҳодисаларини кузатадилар, кўрганларини бадий ифодалашга уринадилар ва ҳоказо. Қўлланган сўз ва иборалардан мавзу учун муҳимлари ажратилади. Бундай мустақил изланишлар

Ўқувчининг дунёқарашини кенгайтиради, пейзаж тасвиридаги бадиийлик ва аниқликни кашф эттиради. Матнни ўзлаштириш эмоционал, онгли тарзда амалга ошади.

Кузатишлар, улар асосида ташкил этилган уй вазифалари бевосита ижод маҳсули ҳисобланади. Улар ўқувчини кўра билишга, илғай олишга, англаганларини сўз билан ифодалашга ўргатади. Бугунги адабий таълимда ўқитувчилар асарлардаги пейзаж тасвирига кўпда эътибор қилмайдилар. Табиатдаги гўзалликни кўра билиш, кўрганларини сўз билан ифодалаш маҳорати ҳар бир адибда ўзига хос тарзда шаклланган. Буни ўқувчи фарқлаши ва англаши учун уни тасвир моҳиятига киришга ундайдиган уй вазифалари берилиши керак. Асар матни устида ишлаш билан боғлиқ бундай уй ишлари ҳам ўқувчиларнинг маънавий камолотини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги адабий таълим методикаси илмида миллатнинг улуғлари ўз шахсияти билан ўсиб келаётган авлоднинг маънавиятига таъсир кўрсатади, деган қараш мавжуд. Бу фикрнинг замирида ўқитувчининг адиблар шахсиятидаги фазилатларни битиклари қатидан топиб ўқувчиларга англаштириш назарда тутилди. Афсуски, “Адабиёт” дарсликларида тақдим этиладиган ёзувчи ёки шоир умри баёни йиллар ҳисобидан иборат маълумотномага ўхшайди. Уларда адибнинг шахсига хос хусусиятлари кўзга ташланмайди. Унинг болалик ва ўсмирлик даври, туйғулари, ўйлари, орзу-умидлари, бахти ёки бахтсизликлари, умуман, барча инсонларга хос бўлган томонлари ҳақида сўз юритилмайди. Адиб билан ўқувчи орасида жуда катта масофа, жарлик мавжуд. Асарлар қатидан адибнинг ҳаёти, шахсияти билан боғлиқ жиҳатларни топиш уй вазифаси сифатида топширилса, ўқувчилар адиб ҳақида ёдлаб олинган сийқа ибораларни қўлламай, матннинг моҳиятига киришга, ўйлашга, асарлар қатига беркитилган шахсиятни топишга ўрганадилар. Фақат бунга ҳам ўқитувчи ўқувчиларни дарсда бир-икки марта ўргатиши керак. Масалан, мактабда Навоий ижодини ўрганишдан олдин унинг “Маҳбуб ул-қулуб”да ёзган қуйидаги ҳақиқатларини ўқиб бериш мумкин: “...камина болаликдан то қарилликка қадар кўҳна даврон воқеаларидан, ...замоннинг ранг сингари гуно-гунлигидан кўп вақт ва узоқ муддат ҳар хил хаёл ва тараддудлар била... юрдим. ...турли йўлларга кирдим, яхши-ёмоннинг хизматини қилдим; катта-кичикнинг суҳбатида бўлдим; гоҳ хорлик ва қийинчиликлар

вайронасида нола қилдим; гоҳо иззат ва маъмурлик бўстонда мажлис қилдим. ...баъзан илм-фан мадрасаларида қуйи сафлардан жой олдим ва олимлар мажлисида илм нуридан кўнглимни ёритдим; гоҳ пасткаш ва бахил кишилар қўлида хўрландим ва разил-нокаслар олдидан эътиборсиз бўлдим... гоҳо азизлар хизматидан ва улар суҳбатидан баҳраманд бўлдим ҳамда ўз сўзимни уларга ёқимли топдим. ...ҳар йўлда юрдим; оламда бўлмиш ҳар нав одам билан кўришдим; яхши-ёмоннинг хислатларини тажрибадан ўтказдим; яхшилик ва ёмонликларнинг шарбатини ичиб, захрини тотиб кўрдим. Бахил ва пасткашларнинг захмини, саховатли кишиларнинг малҳамини кўнглим дарҳол сезадиган бўлиб қолди... Шу жиҳатдан ҳамсуҳбатларни ва дўст-ёрларни бу ҳоллардан огоҳ ва хабардор қилмоқ вожиб кўриндики, токи улар ҳам ҳар тоифанинг хислати ҳақида билимлари ва ҳар табақанинг аҳволи ҳақида тушунчалари бўлмай. Улар ҳам мансуб кишиларнинг хизматиға бел боғлаб, номуносиб одамлар суҳбатидан, азоб-уқубатларидан ўзини тортиши лозимлигини билгайлар ва махфий сирларини ҳар кимга сўзламагайлар, шайтон сифат одамларнинг ҳийла-найрангларига алданиб қолмагайлар...

Умид шулки, бу асарга ўқувчилар диққат-эътибор билан назар солиб, ҳар қайсилари ўз фаҳми-идроклариға яраша дилларини обод ва ёзувчи руҳини ҳам дуо била шод этгайлар”¹. Сўнг: “Бу сўзларнинг замирида шоирға хос қандай фазилатларни кўриш мумкин?” “Ўзингизни кузатинг-чи, орадаги масофа ярим минг йилдан кўпроқ бўлишиға қарамай, Навоий бобонинг бу эътирофлари ва тилаклари кўнглингизда қандай туйғуларни кўзғади?” каби саволлар билан мурожаат қилиб, бу борада ўқувчиларнинг фикрлари эшитилади. Шу тариқа улар орасидаги масофани қисқартириш мумкин.

Мана шундай ёндашувға ўқувчилар ўрганиб олганларидан кейин бошқа дарсларда, бошқа адибларнинг асарлари қатидан шахсиятини қидиришни уй вазифаси сифатида топшириш мумкин. Адиблар шахсиятиға хос бўлган фазилатлар шундай кашфиётлар орқали ўқувчи маънавиятидан ўрин олиб боради.

¹. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. — Т.: «Адабиёт ва санъат нашриёти», 1983.

2. Ўқувчиларнинг уй иншоларини ташкил этиш бўйича топшириқлар

Маълумки, бугун кунда мамлакат олий ўқув юртларига кириш имтиҳонлари тестлар асосида амлга оширилмоқда. Шунинг учун ўқувчилар, ота-оналар, ҳатто кўпчилик ўқитувчилар ўқувчиларнинг иншо ёзишига эътиборни сусайтирдилар. Иншо ёзиш ўқувчиларнинг адабиёт дарсларидаги асосий вазифаларидан бири ҳисобланади ва улар олий мактабга кириш воситаси эмас. Иншолар инсон тафаккурини чархлаш, дунёқарашини кенгайтириш, фикрларини, қарашларини қатъийлаштириш ва маънавиятни шакллантириш омили ҳисобланади. Мактаб адабий таълимининг барча босқичида ўқувчиларга иншо ёздириш шарт.

Ўқувчининг фантазияси, хаёлот олами катталарникидан бой ва кенг. Тарбияланувчининг бу имтиёзларидан унинг ўзи учун унумли фойдаланиш керак. Фақат ўқувчининг ҳаётий тажрибаси катталарникига нисбатан анча ғариб, атроф-муҳитга муносабати ҳам содда ва қўполроқ. Унинг хулқ-атвори ҳам катталарникидан кескин фарқ қилади. Лекин уни ижодкорликка ундаш руҳиятини безовта қила оладиган, қизиқтирган мавзуда ёзишга ва энг муҳими, ўзининг туйғуларини, муносабатини сўз билан ифодалаб беришга қизиқиш уйғотилганда енгил ва муваффақиятли амалга ошади. Бола кўпинча ёзишга арзийдиган салмоқли гаплари йўқлигидан ёмон ёзади. Мақсад синфдаги барча ўқувчиларни бадиий ижодкор қилиш эмас. Муҳими, тарбияланувчида шундай туйғуларнинг айрим жиҳатлари, белгилари пайдо бўлса, жуда бўлмаганда, дарсда ўрганганларига муносабат билдиришга одатланса, унда инсонлик, шахслик куртаклари пайдо бўлади. Ўзида шахслик сифатларини шакллантира олган бола ривожланиш сари интилиши табиий.

Ўқувчини фақат ўзи яхши билган, у кўп ва чуқур ўйлаган нарсаси ҳақида ёзишга ўргатиш керак. Яхши билмаган, тушунмаган мавзу ҳақида ёзишдан азобли нарса йўқ. Болага бундай топшириқ бериш унда қуруқлик, юзакиликни тарбиялаш демакдир. Ўқувчи шахсида ижодкорликни, безовта, уйғоқ қалбни тарбиялаш учун, аввало, унда атроф-муҳитга, табиатга, ҳайвонот ва наботот оламига, инсонга кучли қизиқиш уйғотилади. Болани ўзи яхши билмайдиган, яхши кўрмаган, қизиқмаган мавзуда

ёзишга мажбур қилмаган маъқул. Афсуски, ўқитувчилар кўпинча бунинг аксини қилишади.

Ўқувчиларда ижодкорликни ўстириш учун уларни ижодга ундовчи материал, стимул ва эркинлик бериш, “*уларни ўқитишни бас қилиб*”, ишга киришишга йўналиш бериб юбориш зарур. Ўқувчиларнинг мустақил ижодий фаолияти бўлмиш уй иншоларини ташкил этишда қуйидагилар етакчилик қилади: а) энг катта ва хилма-хил мавзуларни танлаш ихтиёрини бериш. Бу мавзулар ўқувчилар учун махсус танланган бўлмай, ўқитувчининг ўзи учун ҳам жиддий ва қизиқ бўлиши керак; б) ўқувчиларга ўртоқларининг иншоларини ўқишга бериш ва намуна сифатида фақат болаларнинг ишларини тавсия этиш; в) ўқувчиларнинг ишларини текшираётганда дафтарининг аҳволига, хатининг сифатига, хатоларига ва, айниқса, унинг ифода тарзига, айтиш жоиз бўлса, услубига ҳеч қачон танбеҳ бермаслик керак. Мақсад ижодга ўргатиш бўлганда бу жиҳатлар иккинчи ўринда қолади; г) ижод пайтида ҳажм ва мазмун масаласи, унинг тили диққат марказида турмайди. Ўқувчи буларга эътибор қилса, асосий фикрини унутиб қўйиши мумкин. У ёзувчи эмас. Тил, услуб, ҳуснихат ва имло она тили дарсларининг зиммасида. Ана шунда адабий таълим олдига қўйилган мақсад амалга ошиши бир мунча тезлашиши мумкин.

Одатда, ўқувчилар ёзган ижодий иншоларда дарслик муаллифлари ёки ўқитувчининг тимсоллар ҳақидаги фикрларига ёпишиб олишади. Бунинг асосий сабаблари уларнинг ёзма ишни қандай бажаришни билмаслиги, ўз фикрини ифодалашга ўрганмагани, тимсоллар ҳақида шахсий қарашларининг йўқлиги, асар мазмуни ёки матннинг қайси ўрни ва жиҳати таъсир этганини ажрата олмасликларидир. Ўқувчиларнинг ёзма ишларини ташкил этишдан олдин бадиий асар қандай ўқилгани ва қанчалик тушунигани аниқланади. Бу билан суҳбатлар асносида ўқувчилар томонидан анланмаган жиҳатларнинг сабаблари аниқланади. Шундан келиб чиқиб маълум даражада тушунтириш ишлари олиб борилади. Шу тариқа ўқувчида мустақил фикр, соғлом маънавият шакллантириш йўлида ишланади.

Бошланғич синфлар адабий таълимида уйга иншо ёки баён ёзишга берилса, ўша кунга ўқувчи бошқа ўқув фанлари бўйича ошиқча юктамалардан халос этилиши, қўшимча топшириқлар

берилмаслиги керак. Чунки иншо ва баён ёзиш анчагина ақлий зўриқиш ва вақтни талаб қилади. Таълимнинг юқори босқичларида ҳам ўқув фанлари муаллимлари бир-бирлари билан доимий алоқа боғлаб туришлари, уй вазифаларини беришда бир-бирлари билан келишишлари ўқувчининг уйга берилган топшириқларни тайёрлашдаги вақтини назорат қилиш имконини беради. Бундан ташқари, мактабда дарс жадваллари ҳам шундоқ тузилиши керакки, уй вазифалари бир кунда уч — тўрттадан ошмаслиги мақсадга мувофиқ келади. Синфлар юқорилаб боргани сари уй вазифаларининг сони ошмай мазмуни чуқурлашади. Талаб доираси кенгайди. Бундан ташқари, расмлар, кузатишлар асосида ҳам иншоқали ёздариш мумкин. Бундай уй вазифалари ҳам 30 — 35 дақиқали ишлар бўлиши керак.

Миллий таълим тизимига Европа усулларининг, ривожланган мамлакатлар таълими ютуқлари кириб келишининг ўзига хос ижобий томонлари мавжуддир. Лекин улар — европалиklar, биз — минглаб йиллик тарбия тарихига эга ўзбеклар эканлигимиз унутилмагани маъқул. Шарқда азал-азалдан кўнгил тарбияси устуворлик қилиб келган. Маънавий етуклик баланд мартабада бўлган. Билимларни ўзлаштиришга, фанда кашфиётлар қилишга руҳий камолот орқали чиқилган. Шунинг учун ҳам мактабларда аввал бадиий адабиётни ўқитиш, сўздан таъсирланишга ўргатиш амалга оширилган, руҳиятни уйғотишга ҳаракат қилинган. Безовта қалбгина изланишга қодир эканини боболар яхши тушунишган. Ғарб таълим тизимининг хусусиятларини кўр-кўрона кўчириш эмас, улар эришган ютуқларнинг ўқувчи миллий хусусиятлари, руҳий ўзига хослиги, реал жиҳатларига мос келадиган томонларини ўзлаштириш керак. Акс ҳолда, чет элнинг тарбияшунослигидаги ташқи жиҳатларгина ўзлаштирилган бўлиб чиқади ва қилинган ҳаракатлар самарасиз кетади.

Тажриба алмашишлар кўрсатдики, Европа таълим тизимида ҳар қандай ўқув фани бўйича, у биология бўладими, иқтисодми, тилми, турли мавзулар юзасидан эсселар ёзиш етакчилик қилади. Маълумки, эссе — эркин фикрнинг, мустақил тафаккурнинг маҳсули. У — ижод. Адабиёт дарсларида иншо ёзиш ҳам ижод. Ижоднинг ҳар иккала тури орасидаги тафовут унча катта эмас. Албатта, иншолар таълим тизимида ўрганиб қолинган анъанавий тартибда эмас, айнан ижоднинг натижаси тарзида ёзилиши керак.

Адабиёт дарсларида танланган иншо мавзулари ўқитувчилар учун эски, ўқувчилар учун янги.

Ўқувчиларга иншоларнинг ўйлантирадиган, қийнайдиган ёки севинтирадиган туйғуларга ҳамоҳанг мавзуларда бўлиши ёқади. Масалан, маълум шахс ҳақидаги иншо мавзулари: “Ўртоғимнинг тавсифи”, “Менинг дўстим”, “Менинг илк муҳаббатим”, “Менинг акам”, “Мен суйган суюкли”; ўрганилган асарлар юзасидан: “Менга ёққан саҳифа”, “Ҳошимжонга муносабатим”, “А.Орипов ижодидан олган таассуротларим”, “Ў.Ҳошимов ижодининг қайси томонларини қадрлайман ва яхши кўраман” ва ҳоказо мавзулар истисносиз ижодий тафаккурни, том маънода мустақил фикрлашни талаб қилади. Ўқувчининг эркин ва мустақил мулоҳазасига асосланадиган бундай ёзма ишларни ўқув йилининг бошида, бадий асар таҳлилига бир оз ўрганилгандан кейин, ўқув йили ўрталарида ва охирида олиш болаларнинг мустақил фикрлашини ўстиришга хизмат қилади. Шу билан бирга, улардаги фикр мустақиллигининг ўсишини назорат қилишга имкон беради.

Синфда асар мутолааси давомида ўқувчиларга иншо ёзишда қўл келадиган муҳим сўз ва ибораларни белгилаб боришни ўргатиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Бу нарса ўқувчиларни асар мутолааси давомида руҳан иншо ёзишга тайёрлайди. Асар матнидаги муҳимни номуҳимдан фарқлашга ўргатади. Масалан, “Қодирийнинг ижодида нимани қадрлайман ва севаман” мавзусида уй иншоси ёздирish учун, аввало, Абдулла Қодирийнинг асарини бола уни севиб қола оладиган даражада таҳлил қилиш керак. Асардан фақат Абдулла Қодирийгагина хос бўлган, ўқувчи-китобхон қалбини титратадиган ўринларни кашф қилдириш керак. Мана шу кашфиёт, ўқувчига лаззат бағишлаган топилдиқларгина адибни китобхонга севиради. Бу ёзувчини асарларининг гўзал услуби, кўнглига бориб ўрнашадиган фикрлари туфайли севишдир. Фикр ва туйғуларнинг ҳамоҳанглиги сабаб, худди ўзига ўхшагани учун севиб қолинганлиги ўқувчининг иншосида ўз аксини топади.

Бундай мавзуларда кўнглида ўйлаб юрган, айта оладиган ўз оригинал гапи бор ўқувчиларгина иншо ёзишлари мумкин. Шунда мактабда ижоди ўрганиладиган шоир ёки ёзувчи ижодига ўқувчининг чинакам муҳаббатини кўрсатадиган, ўқувчи-муаллифнинг ақлий ва руҳий даражасини намойиш этадиган чинакам мустақил, ўзгалардан ўзлаштирилмаган иншолар ёзилади.

Бундай ишлар ёзишда ўқувчига берилган эрк ва имконият уни мустақил фикрлашга, ишлашга ва руҳий кечинмаларини сўз билан ифодалашга одатлантиради.

Мактаблардаги кузатишлардан маълумки, бугунги ўқувчиларнинг кўпчилиги ўз фикрини айтишни истамайди. Ачинарлиси шуки, уларнинг кўпчилигида салмоқли фикрнинг ўзи йўқ. Агар мактаб адабий таълими бугунги методика илми тавсия этаётган йўллар билан ташкил этилса, фикр кишилари кўпайиши муқаррар. Юқорида саналган мавзуларда ўқувчилар анъанавий йўсинда ёзгандан кўра яхши ёзишади. Бу йўл билан улар дарсликлардаги матнни қайта ҳикоялашдан қоча бошлайдилар, ишларида ўз фикрлари, туйғулари, истак ва интилишлари, муносабатлари ифодалана боради. Ишнинг ёзилиш услубига келсак, ўқувчининг услубини катталарнинг услуби билан ёнма-ён қўймаслик керак. Ўқитувчи фарзлари, китоб ва қўлланмалардаги фикрлари ўқувчининг ишида учраши табиий. Фақат уларнинг ўринли бўлиши, боланинг қарашларини асослашга қай даражада хизмат қилиши муҳим.

Адабиёт дарсларида ўқувчини бадиий асарда нима айтилганига эмас, балки қандай айтилганига ҳам диққат қаратишга ўргатиш лозим. У табиат тасвири гўзаллиги, қаҳрамонлар ички кечинмалари ифодасининг нозиклиги, муаллиф тилининг инжалигини ҳам кузатсин, сезсин. Адабиёт дарсларида, асар таҳлили мобайнида эътиборли бўлган ўқувчи ижод жараёни бўлмиш иншо битишда ўйланмаслиги, изланмаслиги мумкин эмас. Ўқувчи шуларни тушуна бошласа, маънавияти тўқисроқ шаклланади, пухтароқ билим олади. Бундай ишлар мактабнинг бошланғич ва ўрта давридаги нутқ ўстириш ишининг давоми бўлади. Уларнинг фикрлари мураккаблашади, жиддийлашади.

Ўқувчи иншоларининг мазмунли бўлишида асарнинг қайси ўринлари муваффақиятли, чиройли чиққанини пайқашни ва билиши муҳим аҳамият касб этади. Уларда бундай топқирликни шакллантириш ва ривожлантириш ўқитувчининг бурчи ҳисобланади. Бунга “Менга ёққан саҳифа”, “Асар мутолааси менда қандай туйғуларни қўзғади”, “Асардаги менга энг ёққан жиҳатлар”, “Мени қизиқтириб қолган қаҳрамон”, “Менинг Шум болага муносабатим”, “Менинг Бўри полвонга муносабатим”, “Эргашвой — менга маъқул келган қаҳрамон”, “Зобит ва

Раданинг ватанга муҳаббати тавсифи” сингари мавзуларда уй иншолари ёздириш билан эришиш мумкин. Ўқитувчи ўқувчига йўналиш бериб, фикрлашини тизимга солиб тургани маъқул. Акс ҳолда, бундай иншо тўла ижод маҳсули бўла олмайди. Ўзи кашф қилиш бошқа, ўзгаларнинг йўналиши билан фикр юритиш бошқа, албатта. Лекин ўзгалар берган йўналиш асосида фикрлай бошлаган ўқувчи маълум вақт ўтгач, албатта, мустақил фикрлашга ўтади.

Иншо муаллифи ҳар бир ишда ўз фикрини ифодалашни, ёки ўзгаларнинг айтганларига қўшилиш-қўшилмаслиги сабабларини изоҳлаш керак. Бирор фикрни ёқлаш ёки инкор этиш ҳам мустақил тафаккурни талаб қилади. Ўқувчи ўз фикрларини ифодалашни, уларга ишлов беришни билиши, ўқитувчи эса дарслик ёки қўлланмалардан олинган қолипдаги ишни эмас, айнан иншони, ижод маҳсулини олиши ва текшириши керак. Дидларни “икки” билан сўндириш эмас, улар ҳақида тортишиш, баҳслашиш керак. Иншо ёзган ўқувчининг фикрларини ҳурмат қилган ҳолда ёзма ишлардаги бирор детални эътиборсиз қолдириш мумкин эмас. Муваффақиятли чиққан фикр ва хулосаларни кўрсатиш, нотўғри ифодалар ҳақида жиддий мулоҳазалар айтиш, ноҳақлигига ўқувчининг ўзини ишонтириш зарур. Бундай иншоларнинг асосий педагогик қиммати мустақил мулоҳазаларга қай даражада асосланганлигидадир.

Асар устида ишлаётган ўқувчиларга сўзга эҳтиёткорлик билан ёндашишни ўргатиш керак. Ёш танқидчи ёзувчи томонидан битилган сўз мўъжиза эканини тушуниши, ҳис қилиши жуда муҳим. Муаллиф қўллаган айни сўз тагида қандай фикр мавжудлигига эътибор беришни ўргатиш — адабиёт ўқитувчисининг бурчи. Шу йўл билан ўқувчини уни қийнаётган нарсаларни ўзгаларни ҳам қийнайдиган тарзда ифодалашга, унда туғилган фикрни бошқа бир кишига таъсир қиладиган йўсинда баён этишга ўргатилади. Бундай талабларга ўрганган ўқувчи эссе, ҳикоя, шеър ёки иншо ёзишда ҳаминша ўзига ёққан, уни безовта қилган — шодлантирган ёки қайғуга солган, дилини қувонтирган ёхуд оғритган барча нарсаларни сўз билан ифодалашга, уни таъсирли, ўзгаларга ҳам “юқтира оладиган” қилиб ифодалашга ҳаракат қилади. Ана шунда сўзнинг қудратини, ижоднинг машаққати ва лаззатини ҳис қилади.

Атрофни ўраб турган, уни безовта қилаётган борлиқни, инсонни, воқеа-ҳодисани англантиш тарбияланувчида ижодга эҳтиёж ҳиссини шакллантирмай туриб мумкин эмас. Адабиёт ўқувчини инсониятга ошно этади, уни одамлар дунёсига олиб киради, шу оламга мансублик жиҳатларни очади. Бу, ўз навбатида, унга ўзлигини англатади. Ўқувчи ижод жараёнида ҳаётда мавжуд нарсани ўзи учун ўзи қайта кашф этиши ва бунинг лаззатини туйиши керак. Ўзи ҳис қилиб, яшаб ўтказиш гаштини ҳеч нарса билан тенглаштириб бўлмайди. Ўқувчи оддий инсон сифатида омадсизликлар, мағлубиятлар, изтироблар кетидан эришилган галаба нашидасини, лаззатини туйиши керак. Адабиёт дарсларининг муҳим хусусиятларидан бири — дарс жараёнида ўқувчиларнинг “уйғониши”, ақлий ва руҳий мувозанатдан чиқиши, зўриқиши. Ҳар бир адабиёт дарсидан сўнг ўқувчида китоб ўқишга, ижодга, санъатга эҳтиёж қолиши керак.

Адабий-ижодий мавзулардаги иншолар билан бир қаторда бевосита ўқувчи шахсига қаратилган эркин иншоларнинг ўқиувчи томонидан сир сақланиш кафолати бўлиши керак. Ўқувчининг ўқитувчига ишончи ҳам унинг ижодидаги самимийликка гаровдир. Фикр ва фаолиятнинг мустақиллиги руҳият мустақиллигининг кўриниши, маҳсули ҳисобланади. Ақлнинг чинакам мустақиллиги, тафаккур етуклиги ва мулоҳазаларнинг рост ва самимийлиги ҳаёт, бадиий сўз, ҳамда санъат ҳодисаларини таҳлил қила билиш маҳоратида кўринади. Тафаккур мустақиллигининг бундай даражасига ўқувчилар олдига ҳал қилиш билан дунёқараш, ахлоқий ва эстетик назарлар шаклланадиган мураккаб масалалар кўйиш билан эришилади. Ҳеч қандай фикр йўқлигидан, нотўғри бўлса-да, қарашларнинг бори маъқул. Йўқ нарсани яратишдан кўра борининг йўналиши ёки шаклини, мазмунини ўзгартириш, унга мантиқ солиш осонроқ. Муҳими фикрнинг, муносабатнинг мавжудлигидир.

Иншо ва ижодий иш каби уй вазифалари муҳокамасидан кейин уларнинг яхши чиқмай қолган ўринларини қайта ишлаш, ундан янги иш яратишга ундаш мумкин эмас. Маълум ишни бажаришни удалай олмаган бўлса-да, йўл қўйган хатолари ва унинг сабабларини англаган ўқувчи эндиликда ўзини ёзма ишни нисбатан юқори даражада бажара олишга қодир ҳис қилади. Бироқ ўқувчига муҳокама қилиб кўришга вақт бериш ва шу жараёнда

кейинги асар устида ишлашга имконият яратиш керак бўлади. Агар ўқувчининг ўзи талаб қилса, унга ишни қайта ёзиш имконини бериш мумкин.

Дарсларда ўқувчиларнинг ёзма ишларини таҳлил қилишдан асар таҳлилига ўтиш, асарда кўзга яққол ташланадиган, лекин ўқувчининг назаридан четда қолган ёки нотўғри талқин қилинган бирор жиҳатни белгилаб, бу борада суҳбатлашиш мумкин бўлган даражада ташкил этиш керак. Ўқувчилар томонидан бажарилган иш таҳлили билан бадиий асар таҳлили уйғунлашиб кетгани маъқул. Шунда кейинги уй ишлари талаб даражасида бажарилади. Ўқувчиларнинг уйда бажарадиган ёзма ишлари сирасига нафақат иншолар, балки режалар, тезислар тузиш, иқтибослар ажратиш ва уларнинг тизими, саволларга ёзма жавоб, ҳар хил синхрон хариталар тузиш ҳам киради. Лекин асосий катта ёзма иш уй ва синф иншолари ҳисобланади. Уларга қуйидаги талаблар қўйилади:

— ўз фикрини режа асосида, мавзудан чиқмай, изчил баён этиш;

— айтилган фикрлар, чиқарилган хулосаларни асослаш ва далиллар билан исботлаш;

— бадиий асар ёки дарслик муаллифлариникидан фарқи равишда ўз хулосасини чиқариш ва бадиий умумлашмалар қилиш;

— ўз қарашларини тўғри ва саводли баён қила олиш.

6-синфдан бошлаб ўқувчиларга ривоя тарзидаги иншолар ёзиш уй вазифаси сифатида топширилади. Бундай иншолар учун асардаги воқеалар ривожига жараёнини ёритиб бериш яхши материал ҳисобланади. Аста-секинлик билан асар қаҳрамонларининг ёзма характеристикасига ўтилади.

Ўқувчи томонидан аввал асар қаҳрамонининг оғзаки индивидуал тавсифини чизиш кўникмаси ўзлаштириб олинади, сўнг уларнинг қиёсий характеристикасини тузиш билан боғлиқ топшириқлар берилади. Оғзаки қиёсий тавсифдан кейин ўқитувчи умумлаштирувчи характердаги иншоларни топшириқ сифатида бериши мумкин. Умумлаштирувчи характердаги уй иншоларининг мавзулари юқори синфларда сезиларли даражада қийинлашиб боради. Яъни ўқувчилардан нисбатан кенгроқ муҳокамалар, умумлашмалар талаб қилинади. Масалан, “XV асрдаги ҳаёт ва у даврда яшаган кишиларнинг умумий тавсифи”, “Мумтоз адабий қаҳрамонларнинг (маълум асарлар мисолида) умумий

хусусиятлари”, “Иккинчи жаҳон уруши даври кишиларининг ўзбек адабиётидаги тасвири” ва ҳоказо.

Юқори синф ўқувчиларини кенгроқ умумлашмалар қилишга ўргатиш учун уларга ёзувчи ёки шоирнинг ижодий фаолияти характеристикасини яратиш бўйича, адиб ижодининг бирор қирраси, асар қаҳрамонининг кенг миқёсдаги характеристикаси, шоир ижодидаги бирор мавзунинг тараннум этилиши, адибнинг илк ижоди билан ҳаётининг сўнгги йилларидаги битикларининг қиёсий таҳлили, публицистик йўналишдаги иншоолар ҳам уй вазифаси сифатида берилади.

Уй иншооларининг мавзулари шу тариқа 7-синфдан 9-синфнинг ўргатиларигача, сўнгра 10-синфдан 11-синфнинг 3-чорагигача оддийдан мураккабга тамойилига асосан берилади. 9-синфнинг иккинчи ярми ва 11-синфнинг учинчи чорагидан бошлаб ўқув йилининг охиригача уй иншоолари берилмайди. Чунки ўқувчилар битирув имтиҳонларига тайёрланадилар. Уй иншооларининг тахминий меъёрини қуйидагича белгилаш мумкин: 7-8-синфларда учтадан, 9-синфда иккита, 10-синфда учта, 11-синфда иккита. Ўқувчиларга бериладиган уй иншоолари синфдаги иншоолардан фарқланиши керак. Синфдаги иншоолар назорат характеридаги ишлар бўлса, уй иншоолари машқ, амалий, ўрганувчи йўналишда бўлади. Улар қаттиқ назорат остига олинмайди. Уларни бажаришни ҳамма ўқувчилардан бирдек дастур асосида талаб қилинмайди.

Юқори синф ўқувчилари иншооларида учраб турадиган: фикр баён этишда изчиллик ва аниқликнинг етишмаслиги; умумлашмалар қилишни, хулосалар чиқаришни билмаслик; мавзудан четлаб кетиш; режа бандларининг меъёрини билмаслик; мавзу учун муҳимни номуҳимдан ажрата олмаслик; кўчирмалардан ўрни билан фойдаланишни уйдаламаслик; иншо мавзуси, режаси ва мазмунидаги номутаносиблик каби камчиликларни ҳамиша назорат қилиш ва ўқувчиларнинг ишларини бундай иллатлардан тозалашга ўргатиш керак.

Бу каби хатоликлардан ўқувчиларни қутқариш учун ўқитувчи ишларнинг таҳлили ва хатолар устида ишлаш дарсларида уларни аниқ мисоллар билан кўрсатиши, хатоларнинг сабабларини аниқлаши, режа тузишда умумий, мавҳум гаплардан қочишга ўргатиши, тузилган режанинг бандлари ва иншонинг ўзини мукамал, батафсил таҳлил қилиб бериши керак. Хатолар устида

бу тариқа ишлаш юқоридаги камчиликларнинг бартараф этилишида катта аҳамият касб этади.

Уй иншолари учун мавзуга қараб 7 — 8-синфларда ўн кун, 9-синфларда ўн-ўн беш кун, 10 — 11-синфларда ўн беш-ўн саккиз кун агрофида ажратилиши мақсадга мувофиқ. Бу тахминий муддат бўлиб, уларнинг узайиши ёки қисқариши берилган уй вазифасининг мураккаблик даражаси билан боғлиқ.

Уй иншолари беришда уларнинг мавзуси ҳақида синфда батафсил маълумот бериш, зарурий адабиётлар рўйхатини тавсия этиш лозим.

3. Ўқувчиларни ижодга ундаш учун бериладиган уй вазифалари

Адабий таълимда тарбияланувчиларни ижодга ундаш уларни мустақил фаолиятга йўналтиришда катта аҳамият касб этади. Маълумки, мактабгача ёшдаги болалар учун энг ёқимли нарса — катталарнинг улар билан бирга ўйнаши. Одатда, бизнинг катталар болалар билан ўйнамайдилар. Уларнинг “жиддийроқ” ишлари кўп. Аслида, болаларга ўргатиш, уларни ўқитиш эмас, айнан улар билан биргаликда ўйнаш, уларга ўхшаб ҳаёлпарастлик қилиш, эртақлар, шеърлар, топишмоқлар тўқиш, ҳар хил ҳодисалар ўйлаб топиш уларнинг маънавияти шаклланиши ва бойишида катта самара беради. Болаларнинг интеллектуал ривожланиши, юксак орзулар қилишга ва уларни амалга оширишга қодир бўлишини истаган ҳар қандай одам болаларнинг ижодга ошно бўлишини таъминлаши керак.

Болалар ижодининг дастлабки босқичида маъно ва мантиқнинг керакли даражада эмаслигини тушуниш мумкин. Чунки уларнинг ижодида чуқур мантиқ ёки юксак маъно бўлишига эришиш осон эмас. Улар кейинроқ, таълим-тарбиянинг юқори босқичларида, аста-секинлик билан тарбияланади. Дастлабки пайтларда муҳими — ижод жараёни. Мактабгача ёшдаги болалар ижодий ишларни жон-дили билан бажарадилар ва бундан олам-олам завқ оладилар. Шу завқ, шу ёқимли туйғулар муҳим. Мана шу завқ уни тараққиёт сари тортади. Ўша эҳтиросларни қайта туйиш эҳтиёжи уни ривожланиш сари етаклайди. Тарбиянинг бу тури бола табиий

тараққиёти билан ҳамоҳанг кечади. Мазкур жараёнда болалар тасавури, хаёлпарастлигини рағбатлантириш ва уларнинг ижодига имконият яратиб бериш керак.

Бола учун қизиқарли бўлган ҳар қандай фаолият фойдали. Бола нимани хоҳласа, нимага қизиқса, шуни қилиб кўриши керак. Одатда, ёш болалар ўз имкониятларидан ташқари ишлар билан шуғулланишни хуш кўрадилар. Бу улар учун ўсиш, ривожланишнинг ўзига хос бир йўли ҳисобланади. Болалар шунинг учун ҳам катталарнинг ишларига кўп аралашадилар, қўлларидан келмайдиган ишларни қилишга чиранадилар. Бу уларнинг табиатидаги ривожланиш, ўсиш сари табиий интилишдир.

Адабиёт дарсларининг дастлабки босқичида ҳам ўқувчиларни ижодга ундашнинг йўллари жуда кўп. Масалан, ҳаммага таниш “Зумрад ва Қиммат” эртагининг номини айтмасдан ундаги бешта таниш сўз: “меҳнаткаш”, “эрка”, “ўғай она”, “ўрмон”, “сеҳргар кампир” ҳамда олтинчи бегона сўз “вертолёт” ёки “учар гулам” иштирокида янги эртақ яратиш вазифасини топшириш мумкин. “Урушнинг сўнгги қурбони” ҳикоясидаги бешта калит сўз: “она”, “келин”, “Шоикром”, “қулупнай” ва “электр сими”ни ажратиб олиб олтинчи сўз “ҳазина” иштирокида янги ҳикоя тузишни уй вазифаси сифатида топшириш мумкин. Ёхуд тугаган матнни, асарни давом эттириш, қаҳрамонларнинг кейинги ҳаётини тасаввур қилишни талаб этиш ҳам ўта самарали ижод тури ҳисобланади. Ўқитувчи шундай ўйин-топшириқлар ёрдамида ўқувчиларнинг янги нарсага муносабатини ўрганади, уларнинг янги, бегона сўздан унумли фойдалана билиш қобилиятларини шакллантиради. Ижодга ўргатишнинг бу тури бошланғич синфларда ва ўрта таълимнинг дастлабки босқичларида қўл келади.

Эртақлар, уларни ким тўқишидан қатъи назар, инсон мантиқий фикридан кўра кўпроқ фантазиясининг маҳсули бўлади. Болаларда эса хаёлпарастлик ўта кучли. Бундан адабиёт дарслари жараёнида уйга топшириқлар беришда ўқувчининг ўзи учун унумли фойдалана билиш керак, холос. Таниш эртақ сюжети асосида янги эртақ яратиш, яъни ўша қаҳрамонлар билан бошқа эртақ тўқиш, уни ўзи истагандек яқунлаш; хотира билан ўйнаш — сўзлар ва ҳодисаларни эслаш; синфда ҳикоячи ролини бажариш — ўйлаб топилган воқеаларни синфдошларига айтиб бериш сингари ишларни амалга ошириш мумкин. Эртақ қаҳрамонлари

характерини алмаштириш асосида ҳам болаларни янги эртақ яратишга ўргатиш мумкин.

Бундан ташқари, бошланғич синфларда дарстахтага бирини кўрсатиб, иккинчисини кўрсатмай иккита сўз ёки расм қўйиш ва шу сўз ёки расмлар асосида матн яратишни ҳам уй вазифаси сифатида топшириш мумкин. Масалан, “қуш — (қафас)”, “мен- (сеҳрли қалпоқча)”, “кучукча — (ёмғир)” ва ҳоказо сўзлар ёки расмлар жуфтлиги иштирокида ҳикоя тузишда болалар сўзлар-расмлар жуфтлигидаги иккинчи сўз ёки расмнинг нималигини билмайдилар. Шу сўз ёки расмни қидириб дунё-дунё “асар”ларни битиб юборганликларини ўзлари ҳам сезмай қоладилар. Кимнинг матнида иккала сўз ҳам иштирок этганини ўқитувчи белгилаб бориши, ўйиннинг охирида буни юзага чиқариши мумкин. Бу ўйиндан мақсад беркитилган сўз ёки расмни топиш эмас, болаларни яратишга йўналтиришдан иборатдир.

Ёки болаларни “Нима қилардинг агар...” тарзидаги давоми фавқуллода, кутилмаган саволлар (сенинг сеҳрли қалпоқчанг бўлса; дунёда умуман пул бўлмаса; сен сув ости мамлакатига тушиб қолсанг; сен пари бўлиб қолсанг; сен дев бўлиб қолсанг; сен президент бўлиб қолсанг ва ҳоказо) билан ифодаланадиган ғайриоддий, хаёлпарастликка йўналтирадиган савол-топшириқлар билан ижодга ундаш мумкин.

Болаларни ижодий фаолиятга йўналтиришда улардан топишмоқлар тўқишни талаб қилиш ҳам катта самара беради. Топишмоқ тўқишда ўқувчида мантиқ ва тасаввур ҳаракатга келади. Маълумки, болалар топишмоқларни яхши кўришади. Бунинг асосий сабаби шундаки, улар болаларнинг билганларини ҳақиқатга айлантиради. Бола учун дунё сирли нарсаларга, тушунарсиз ҳодисаларга, англаб бўлмайдиган шаклларга тўла. У мана шу сирли оламга, билиши лозим бўлган дунёга кириши, жараёнда иштирок этиши, йўналтирувчи ёки тўғридан-тўғри саволлар ёрдамида топишмоқни топиши керак. Бу билиш жараёни кутилмаган кашфиёт шаклида содир бўлади. Боланинг олган лаззати топишмоққа жавоб излашда, унинг кутилмаганлигида бўлади. Ижод давомида у машқ қилади, ақлини, хотирасини зўриқтиради, билимини пешлайди, фикрлайди, яратади.

Бирор нарса ҳақида топишмоқ тузишни талаб қилишдан олдин боланинг эътибори ўша нарсанинг хусусиятларига қаратилади.

Масалан, бўр. Аввал у кимларнинг иш қуроли, унинг ранги, шакли қанақа, вазифаси нималардан иборатлигини, топишмоқ тузишга қўйиладиган талаблар қандай экани ҳақида сўз юритилади. Бу борадаги билимларга таянилган ҳолда топишмоқ тўқишга ундалади. Болалар томонидан тузилган топишмоқларнинг бадиий тузилиши фолклоршунослик талабларига жавоб бермаслиги мумкин. Бу унча муҳим ҳам эмас. Муҳими — боланинг меҳнати, изланиши, яратиши. Бу жараён унинг маънавияти соғломлашувига ижобий таъсир кўрсатади.

Болаларни шеърлар тўқишга ўргатиш ҳам маънавият шаклланишида салмоқли юмуш ҳисобланади. Мактаб адабий таълими тизимининг ҳар босқичида ўқувчилар анчагина шеърлар билан танишадилар, уларни ёд ҳам оладилар. Лекин адабиёт дарсларида улар ҳеч қачон шеър тўқишга жалб қилинмайди. Бундай топшириқ беришдан мақсад ҳаммани шоир қилиш эмас, албатта. Бу ҳар бир ўқувчи шахсида фикр кишисини тарбиялашга уринишдир. Дарс жараёнида бирор байрамнинг хусусиятлари ҳақида суҳбатлашилгандан сўнг ўқувчиларга уй вазифаси сифатида шу байрамга ёки бирор ҳодисага бағишлаб шеър ёзиб келишни топшириш мумкин. Албатта, бундай уй вазифалари ҳам ҳаммадан бараварига талаб қилинмайди. Ўқитувчининг вазифаси — йўналтириш, хоҳлаган ўқувчилар бажаришлари мумкин ва бундай топшириқларни бажарган ўқувчилар албатта рағбатлантириладилар.

Адабий таълимнинг дастлабки босқичларида ўқувчиларни “туш кўриш”га ўргатиш ҳам уларни ижодга йўналтиришнинг самарали усулларида бири ҳисобланади. Ижодга ундашнинг бу усулидан фойдаланилганда болалар таълим жараёнидан чарчаганларида бир оз тин олишлари, лекин бу “дам олиш” жараёнидан унумли фойдаланиш назарда тутилади. Ўқувчилар партага қўлларини устма-уст қўйиб, бошларини қўлларининг устига қўядилар ва бир-бир ярим дақиқа танаффус қиладилар. Табиийки, улар бу вақт оралигида бирор нарсани ўйламай, ёки ниманидир режалаштирмай ўтирмайдилар. Ўқитувчи “дам олиш” вақти тугагач ким нима ҳақда ўйлагани, нималарни режалаштирганини, нималарни “туш кўрганини” сўраши мумкин. Айтадиган гапи бор ўқувчилар гапиради, гапирмаганларни ўз ҳолига қўйилади. Кейинги сафарга замин тайёрлаб қўйилади.

Ўқувчиларнинг уй вазифаларини текширишни ташкил этиш

Уй вазифасини сўраш ўқувчининг асардаги воқеа-ҳодиса таҳлили, далилларни умумлаштириш, хулоса чиқариш, қарорларни асослашга бўлган қизиқиши ва имкониятларига мос келиши лозим. Агар дарсларда тарбиявий-таълимий ва назорат ишлари уйғунликда олиб борилса, яъни уй вазифаларини сўраш дарснинг ижодий қисмига синдириб юборилса, таълимнинг самарадорлиги янада ортади. Кузатишлардан шу нарса аён бўлдики, уй вазифасини дарснинг алоҳида қисми шаклида сўраш жараёнида ўқувчилар кўпинча у ёки бу адабий-бадиий ҳодисани баён қиладилар, лекин унга баҳо бермайдилар, ўз муносабатларини билдирмайдилар. Фикрларини исботлаш, асардан мисоллар, далиллар, асослар келтириш мақсадида матнга мурожаат қилмайдилар. Ўртоқларининг жавобига ўқувчиларнинг муносабати деярли сўралмайди.

Энг ёмони бу жараён биргина ўқувчи ва ўқитувчининг фаолияти ҳисобланади. Синфдаги кўпчилик ўқувчилар лоқайд тингловчиларга, бепарқ кузатувчиларга айланади. Ўқувчилар бундай вазиятга жуда ҳам тез кўникиб қолади. Ўқувчиларда воқеа-ҳодисани ялпи баҳолаш, маълум вазият ёки ҳолатнинг сабабларини аниқлаш, унга ўз муносабатини билдириш кўникмаси шакллантирилмаган. Гап шундаки, уй вазифаларини сўраш пайтида асосий топшириққа эш ҳолда ўқувчидан бевосита мустақил мулоҳаза юритишни талаб қиладиган асар матни билан боғлиқ қўшимча саволларнинг барча ўқувчилар учун умумий тарзда берилиши уларни зийрак тортиради, ақлий фаолиятини тезлаштиради. Берилган қўшимча саволларга матндан танланган далиллар орқали жавоб бериш уларнинг ўзларига ҳам катта ижобий таъсир кўрсатади. Эришилган муваффақият самарасиз кетмайди.

Адабиёт дарсларида ўқувчилардан уй вазифасини сўраш жараёнида нафақат олинган билимларни аниқлаш, балки бу билимларни кенгайтириш, чуқурлаштириш ва тизимга солиш бўйича кейинги ишлар ҳам текширилиши керак. Бу билан ўқувчиларнинг мустақил ишлашлари ва ўқиганлари асосида мулоҳаза юритишларига кенг имконият яратилади.

Уй вазифаларини оғзаки сўрашнинг фақат ўқувчи хотирасига таяниб жавоб беришни талаб этадиган тарзда ташкил этилиши ўқитувчи ва алоҳида ўқувчи орасидаги суҳбатга айланиб қолади.

Бу жараёнда синфдаги бошқа ўқувчилар иштирок этмайдилар. Уй вазифаларини сўрашни асардаги етакчи масалаларнинг ялпи муҳокамаси тарзида шакллантирилиши барча ўқувчиларни дарсда ўрганган билимларини мустақил равишда гуруҳлашга, ундан муҳимини ажратишга, ўқитувчининг талабларига мос келадиган далиллар топишга ўргатиб боради. Муҳими, ўртага ташланган ҳар қандай саволга ҳамма ўқувчилар зийраклик билан ёндашадилар. Уларнинг олдида мустақил мулоҳаза юритишни талаб қиладиган янги саволлар пайдо бўлади. Ўқувчиларнинг барчаси далиллар келтириш учун нафақат фактлар излашга, балки уларни ўз сўзлари билан етказишга ҳам ҳаракат қиладилар. Бу ҳолат ҳам таълимий, ҳам тарбиявий жиҳатидан муҳим аҳамият касб этади. Ўқувчи фикрларини ўз сўзлари билан ифодалаган жойда тафаккур фаолиятининг мустақиллиги тарбияланмаслиги мумкин эмас.

Уй вазифасини сўраш жараёнида ўқув материални таққослаш ва умумлаштиришни талаб қиладиган саволларни ўртага ташлаш ҳам ўта муҳим. Бундай саволлар билан ўқувчиларга муурожаат қилиш маълум нарсаларни такрорламасликни, ўрганганлари орасидан дарсликда йўқ янгиликни топишни талаб қилади. Талаб қилинаётган нарсани ўрганганлари орасидан таҳлил ва таққослаш орқали мустақил топиш ақлнинг анчагина зўриқишини талаб қилади. Уй вазифасини сўраш жараёнида ҳам ўқитувчи жавобнинг ўзи билан чегараланиб қолмаслиги, фикрнинг исботини талаб қилиши керак. Ўқитувчилик санъати ўқувчини мулоҳазалар юритиш йўли билан ҳулосага, натижага етаклашдан иборатдир.

Ўқитувчининг уй вазифасини сўрашда ўрганилган материални қайта тиклашга йўналтирилган саволлари таъсирида ўқувчилар ақлий фаолияти қолинда шаклланиб қолиши мумкин. Ўқитувчи саволларни китобдаги асар матнига таяниб, ундан узоқлашмаган ҳолда тузса, ўқувчилар ҳам ўз жавобларини дарсликдаги тайёр манбалар асосига қуради. Умуман, уй вазифаси, ўтган дарсни сўраш жараёни, қўшимча саволлар ва уларга олинадиган жавоблар ҳам шу тарзда давом этади. Бундай сўровлар ўқувчини ўқув материални ёдлаб олишга, фикрларини сўзма-сўз китоб тили билан баён этишга, асар матнини қайта ҳикоялашга ўргатиб қўяди.

Уй вазифасини сўрашда асосий саволларни ўтган дарсларда бўлган муҳокамалар натижасига қараб, олинган жавобларни назарда тутган ҳолда шакллантириш ўқувчиларни ўрганган билимларини мустақил равишда гуруҳлашга, ундан муҳимини

ажратишга, ўқитувчининг талабларига мос келадиган далиллар топишга ўргата боради. Уларнинг олдига мустақил мулоҳаза юритишни талаб қиладиган янги саволлар қўйилади, ўқувчилар фикрларини исботлаш учун нафақат далиллар излашга, балки уларни ўз сўзлари билан етказиб беришга мажбур бўлади. Бу таълимий жиҳатидан ҳам, тарбиявий томонидан ҳам ўта муҳим аҳамиятга молик. Ўқувчилар фикрларини ўз сўзлари билан ифодалаган жойда уларда ўзига ишонч ҳисси тарбияланиб боради.

Сўров жараёнида асосий саволларга жавоб беришда ўқувчилар ўрганилган ҳодисани ҳар томонлама мукаммал баён қилиб бера олмакликлари мумкин. Шунда ўқитувчи қўшимча саволларни ўртага ташлаши керак бўлади. Қўшимча саволлар икки асосий гуруҳга бўлинади. Қўшимча саволларнинг бир қисми ўқувчиларнинг эътиборини унутиб қолдирилган нарсаларни тўлдиришга ёки нотўғри келтирилган фактларни тузатишга қаратилади. Бундай саволларни тахминан “ёдга туширувчи саволлар” деб аташ мумкин. Иккинчи турдаги қўшимча саволлар ҳам ўқувчиларнинг билимларини аниқлаш учун берилади. Лекин улар ўқувчиларнинг кучини ўрганилган материал билан янгича алоқа боғлашга йўналтиришга қаратилган бўлади. Бундай саволлар таққослашга, ўзлаштирилган материални баҳолашга, уни бир тизимга солиш ва умумлаштиришга, ҳодисаларнинг энг содда боғланиш сабабларини аниқлашга хизмат қилади. Шартли равишда уларни “ўйлашга йўналтирувчи саволлар” деб аташ мумкин.

Уй вазифаларини яхши бажарганлиги эътирофини ҳис этиш шаклланаётган шахс учун жуда муҳим. Ўқувчиларнинг уй вазифасини бажармагани ёки ёмон уддалаганига уни бажаргандагидек кенг урғу бермаслик керак. Бунинг учун ҳар хил жазолар ўйлаб топиш, ёмон баҳолар қўйиш педагогик жиҳатдан унча ҳам тўғри эмас. Айниқса, адабий таълимда. Лекин бажарилган уй вазифалари, уларнинг бажарилиш даражаси ҳаминша муносиб баҳоланиши, рабатлантирилиши шарт. Шунда ўқувчилар уй вазифаларини диққат билан бажаришга ўрганадилар.

Ўқувчиларнинг уйга берилган ёзма ишларини текшириш ҳам таълим-тарбия жараёнида муҳим аҳамият касб этади. Уйга берилган вазифаларнинг сифати ва самарадорлиги уларнинг текшируви амалга оширилгандагина ортади. Уй вазифаларининг изчиллиги ва уларни назорат қилиб бориш ўқувчиларнинг уй ишларини виждонан, тўлиқ, тўғри бажаришга ўргатади. Уйга берилган

вазифаларнинг ҳар кунги текшируви дарслараро алоқани ҳам таъминлайди, янги мавзунинг ўқувчилар томонидан чуқурроқ ўзлаштирилишига асос бўлади, ўрганилган билимлар қайтарилади, билимларнинг ўзлаштирилганлик даражаси аён бўлади. Бундан ташқари, ўқитувчига дарсларни тўғри режалаштириш ва самарали ташкил этишга ёрдам беради. Ўқувчилар уй вазифаларини виждонан бажаришлари учун ҳар бир уй вазифаси баҳоланиши шарт. Шунда ўқувчилар уларнинг иши назорат қилинишини англаган ҳолда уй вазифаларини тўлиқ, тўғри ва пухта бажаришга ҳаракат қиладилар. Ўқувчилар уй вазифаларининг сифатини ялпи назорат қилиш ва баҳолашда таълимнинг “Ақлий ҳужум”, “6х6”, “Қарорлар шажараси” сингари методлари қўл келади.

Уйда ёзилган иншо ёки баён ўқитувчи томонидан йиғиб олинади ва дарсдан ташқари ҳолатларда ўқилади. Услубий ва имло хатолари дафтар ҳошиясига кўрсатилади. Ёзилган ишларнинг таҳлили ва йўл қўйилган хатолар устида иш синфда, дарс жараёнида бажарилади. Ўқувчиларнинг ёзма ишлари тарқатилади, бир-иккита яхши ишларга муносабат билдирилади, ютуқлари кўрсатилади, рағбатлантирилади. Унча яхши чиқмаган ишлар ҳам ўқилиб, хатолар ва уларнинг сабаблари кўрсатилади. Сўнг ҳар бир ўқувчи ўз хатоси устида ўзи ишлайди. Агар уйга асар мазмуни асосида режа тузиш топширилган бўлса, аввал ўқувчиларнинг ишлари ялпи эшитилади. Сўнгра икки-учта айрича аҳамиятга молик иш муҳокамага тортилади. Ўз режасидан қониқмаган ўқувчиларнинг фикрлари эшитилади ва биргаликда муҳокама қилинади, ёрдам берилади.

Такрорлаш дарслари уй вазифасини сўрашдан ўрганилган ўқув материални умумлаштиришнинг нисбатан юқорилиги билан фарқ қилади. Одатда, бундай дарсларда саволлар одатдаги дарслардагига нисбатан йириклаштирилади, умумлаштирилади. Ўқувчиларнинг жавоблари ҳам шунга яраша бўлади. Фақат бундай дарслар ҳақида ўқувчилар аввалроқ огоҳлантирилиши керак. Уй вазифаларининг тўғри бажарилишини таъминлаш учун ўқитувчи ўқувчиларнинг оиласи, турмуш шароитини билиши, ота-онаси билан яқин алоқада бўлиши керак. Бола тарбиясида ўз вазифасини яхши англаган ота-оналар ҳамиша мактаб ва ўқитувчи билан алоқада бўлади, уй вазифаларини назорат қилади. Ўқувчиларнинг уйдаги фаолиятини тўғри ташкил қилиш учун ота-оналар зарур шарт-шароитни яратиши керак. Уй вазифаларининг сифати уларнинг

бажарилиш вақтига ҳам боғлиқ. Мактабдан келибоқ уй вазифаларини бажаришга киришиш ёки унга жуда кеч ўтириш нотўғри.

Бундан ташқари, ота-оналар ҳар бир ўқув фани бўйича дастур ва стандартнинг талабларидан хабардор қилиниши шарт. Ота-оналар болалари дастур бўйича нималарни ўрганаётгани, дастурнинг талабларига қай даражада жавоб бераётгани-ю, стандартнинг талабларини қандай бажараётганини, улар орасидаги тафовутни доимий равишда кузатиб бориши лозим. Бу ҳар бир ўқув фани ўқитувчисининг ота-оналар олдидаги вазифаси ҳисобланади. Бу алоқалар дарснинг самарадорлигини таъминлайди, ўқувчининг маъсулиятини оширади.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, бугунги кунда таълим амалиётидаги ўқувчилар билимини назорат қилишнинг рейтинг усулини ота-оналарнинг кўпчилиги “ҳазм” қилолмаётдилар. Кўйилган балларни улар баҳога айлантириб, тушунтириб беришни талаб қилмоқдалар. Аслида, жаҳон таълими тизимида ўқувчилар билимини балл асосида баҳолаш ва бу ишни компьютер зиммасига юклаш инсонпарварлик жиҳатидан жуда оқилона ташкил қилинган. Бу усул ўқувчилар қалбини “икки” ёки “ёмон” баҳолар билан жароҳатлашнинг олдини олади.

Боланинг ўз имкониятидан ташқаридаги вазифани бажаролмагани учун унга ёмон баҳолар қўйиш ва бу билан унинг ғурурини, шаънини топташ ҳуқуқи ҳеч кимга берилмаган. Таълим тизимида ҳар ким ўз имкониятига яраша ҳолис баҳоланиши ва бу баҳо ҳеч кимни ҳақоратламаслиги керак. Шунинг учун ҳам жаҳон таълими амалиётида болалар билимини баҳолашнинг баллик тизими қабул қилинган. Бизнинг мактабларимизда ҳам мана шу усул қабул қилинган экан, “баҳо” деган тушунча унутилиши, “балл” атамаси борица қабул қилиниши керак. Уни баҳога айлантириш педагогик томондан нотўғри. Ота-оналар мажлисларида билимларни баҳолашнинг рейтинг усули хусусиятлари, унинг қабул қилиниши сабаблари ҳақида уларга батафсил маълумотлар бериш бундай англашилмовчиликларнинг олдини олади. Ўқувчи билимларини баҳолашнинг бундай тизимида ота-оналарда ҳам, ўқувчиларда ҳам бирдай мослашиб боришлари, кўникишлари давр талабидир.

ТШПХҚТМОИ, 2007 й.

МАКТАБДА ҒАФУР ҒУЛОМ ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ

Ўқитувчилар билан бўлган учрашувлардан шу нарса аён бўлдики, муаллимларнинг кўпчилиги адабий таълимнинг бугунги, янгиланган мақсади ҳақида тўлиқ тасаввурга эга эмаслар. Улар Республика таълим маркази (РТМ) мутахассислари томонидан тайёрланган тахминий режалов асосида ишлайдилар ва асарларнинг ўқув дастурларидаги талқини ҳақида, ҳар бир асарни қандай мақсадда ўрганиш кераклиги, унга қандай ёндашиш, таҳлил жараёнида асардаги қайси жиҳатларга урғу бериш лозимлигига кўпда эътибор қилмаяптилар. Асарларнинг дастурий талқини — ўқитувчиларнинг мазкур асар бўйича ишлаш йўналишини белгилайдиган, таҳлил жараёнида нималарга урғу бериш кераклигини кўрсатадиган асосий манбалардан бири. Бир асарга қандай мақсадда ёндашиш уни турлича талқин ва таҳлил қилиш имконини беради. Асарларнинг дастурий талқини адабий таълимнинг янгиланган мақсади ва унинг асосида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб берилган.

Ўқитувчилар фаолияти йўналишини белгилайдиган муҳим асос мактабда адабиёт ўқитишнинг бош мақсади бўлиб, у соғлом эътиқодли, ўзга инсоннинг туйғуларини англайдиган, ўткир ҳиссиётли, юксак дидли, ахлоқан баркамол, ақлан етук, ўз хатти-ҳаракатларига жавоб бера оладиган комил шахснинг маънавий дунёсини шакллантиришдан иборатдир, деб белгиланган.

Мактаб адабий таълимнинг вазифалари: *ўқувчиларда бадий адабиётга меҳр уйғотиш, уларни кўркем асарларни ўқийдиган, ўқиганларини тушунадиган ва таҳлил қила биладиган, бадий матн тўғрисидаги фикрларини оғзаки ёки ёзма тарзда тўғри ҳамда эркин ифодалай оладиган қилиб тарбиялашдан иборатдир.*

Белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиққан ҳолда адабиёт ўқитиш методикаси илми ва амалиёти зиммасига қуйидаги масъулиятлар ҳам юкланди: бола шахсини биринчи ўринга кўтариш; адабиёт дарсларида адабиётшуносликлан билим бериш эмас, маънавият шакллантириш устуворлигини таъминлаш; мустақил фикрлашга ўргатиш; ўқувчи маънавиятини шакллантириш йўлида ўзини ҳаракатга ундаш; ўқувчига кашф

этиш лаззатини туйдириш; ўқувчининг тарбияланиши жараёнида ўзининг бевосита иштирокини таъминлаш; адабий таълим амалиётида педагогик ҳамкорлик ўрнатилишига эришиш; асар қаҳрамонларига ижобий ёки салбий образ деб эмас, инсон деб қарашга ўргатиш; адабларнинг шахси у ёки бу даражада асарларида акс этишини англатиш; адаблар, асар қаҳрамонлари кечинмалари ва хатти-ҳаракатлари орқали уларнинг шахсини баҳолашга йўналтириш; адабиёт дарсларида ўқувчиларни муносиб баҳолаш.

Адабий таълимнинг ҳар босқичида ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини мана шу вазифалар асносида ташкил этиш бугунги тарбияшунослик мақсадига мувофиқ келади.

Ғафур Ғулломнинг 5-синф “Адабиёт” дарслигидан¹ ўрин олган “Менинг ўғригина болам” ҳикоясини ўрганиш учун дастурда икки соат мўлжалланган.

Ҳикоянинг дастурий талқини қуйидагича: *“Менинг ўғригина болам” ҳикоясида биринчи жаҳон уруши давридаги халқ ҳаётининг акс эттирилиши. Ҳикояда бола, кампир, ўғри тимсолларининг жуда жонли ва табиий тасвирланганлиги. Кампир билан ўғри ўртасидаги мулоқот жараёнида тимсолларга хос ғаройиб самимиятнинг намоён бўлиши. Ҳикоядаги тимсолларда ўзбек миллий руҳининг тиниқ акс этганлиги*. Ҳикоянинг ўқитувчи мутолааси давомида ўқувчилар муҳим ўринларни шу талқинга таяниб белгилаб боришлари, ўқитувчи дарсга тайёргарлик жараёнида буларни ажратиб қўйиши лозим бўлади. Шунда асар устида ишлаш маълум мақсад йўлида, белгиланган тартибда амалга ошади.

“Менинг ўғригина болам” — ўз мавзуси ва мазмуни билан жуда ширали асар. Ўқиган кишининг кўнгли ёришиб кетади. Ҳикоя қаҳрамонларига хос соддалик, самимийлик кишининг руҳини кўтареди. Ҳикоя номининг ўзиёқ киши қалбида ғалати туйғуларни кўзгатади. Чунки “ўғри” деган сўз одамзод руҳиятида салбий муносабат уйғотади. Унинг бирор одамга боғлаб айтилишиёқ киши қалбида ўша одамга нисбатан салбий ҳисларни уйғотади. Лекин унга эркалаш, ардоқлаш маъносини англатувчи “гина” кўшимчасининг қўшилиши, яна бунинг устига у билан ёнма-ён “болам” сўзининг қўлланилиши кишида бир оз ҳайрат уйғотади. Наҳот, ўғрини эркалатиш, уни “болам” деб аташ мумкин бўлса?

¹. С. Аҳмедов ва бошқ. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 5-синфи учун дарслик. — Тошкент: «Шарқ», 2007. — 157-бет.

Ўқитувчи мутолаасидан олдин болаларда ҳам шундай туйғу бўлиши табиий. Лекин ҳикоя ўқилгандан кейин ҳар бир тингловчининг ўғрига муносабати бир оз ўзгаради. Айримларда бу ижобий туйғу янада теранлашади. Ўқувчиларнинг тарбия орқали шаклланган ва ҳикоя қаҳрамонларининг ўзаро муносабатидан пайдо бўлган туйғулари қоришиб кетади. Ўқитувчи мана шу руҳий қатъиятсизлик ҳолатини қўлдан бермай ҳикоянинг таҳлилига киришса, болаларни асарнинг содда, оққўнги қаҳрамонлирига ҳамроҳ қила билса, ўқувчи камолотини таъминлашда самарали иш қилган бўлади.

Ҳикоя мутолаасига биринчи дарснинг 11 — 12 дақиқаси сарфланади. Ўқитувчи боланинг — ҳикоя қаҳрамони етим гўдакнинг овозини синиқроқ, “Қора буви”нинг овозини юмшоқ, майин оҳангда, ўгрининг овозини, у гарчи ўғри бўлса ҳам, самимий оҳанг билан ўқиши керак. Асарнинг овоз чиқариб ўқилишида унинг тўғри танланган оҳанги — ярим муваффақият. Ўқитувчи буни дарсга тайёрланиш жараёнида аниқлаб олиши керак. Ўқитувчи томонидан аниқ, тиниқ, ёши ва ҳолатига мос овозда гапирган қаҳрамонлар тингловчини ўзига тортади. Ҳикоя тингловчилари кўнглида ҳеч кимга нафрат уйғонмайди. Гарчи улардан бири ўғри бўлса ҳам. Ўқувчилар қаҳрамонларга хос соддалик, самимийликдан яйраб қулишлари мумкин. Чунки улар бундай самимийликни тасаввур қилолмайдилар. Улар бутуннинг болалари. Уларнинг тасаввурдаги ўғрилар Ғарб фильмларида тасвирланганидек олғир, шафқатсиз. Ҳикоялик ўғри уларда ҳайрат ва энгилгина кулги қўзғотади.

Мутолаадан сўнг кўтаринки кайфиятдаги ўқувчилар билан биргаликда матн таҳлилига киришилади. Ўқитувчиларнинг айримлари ҳикоянинг “иғи-жигини” очиб ташлайдиган савол-топшириқлар тузишга қодир, баъзилари эса йўқ. Шунинг учун дарсликдан ўрин олган савол-топшириқларга қўшимча равишда ўқувчини асарнинг моҳиятига киришга ундайдиган, қаҳрамонларни инсон сифатида ҳис қилишга йўналтирадиган куйидаги дидактик ашёларни тақдим этиш мумкин:

1. *“Оқшомлари бувим бошлиқ ҳаммамиз олди очик айвонда увунтўда кўрна-ёстиқларга ўралиб, биттагина Уратепанинг кир ип шолчаси устида ухлаймиз”* тасвирга таяниб, ҳикоя қаҳрамони яшаётган шароитни тасаввур қилинг.

2. Асар матнида “қора буви” табиатини акс эттирувчи ушбу тасвирга эътибор қаратинг: *“Қаторда энг сўнги бўлиб, она*

чумчуқдай қора бувим ётардилар, у киши саксондан ошиб кетган, носкаш кампир эдилар”. Кампирнинг энг охирида ётиши сабабини тушунтиринг. Сизнинг ҳам бувингиз борми? Бор бўлса, у кишини “қора буви” билан қиёсланг. Ўхшаш томонларини қидириб кўринг.

3. Ҳикояда ҳовлининг катталиги билан болалар аҳволининг ғариблиги зид кўйиб тасвирланган ўринларга эътибор беринг. Бунинг сабаблари ҳақида ўйлаб кўринг.

4. Тенгдошингиз уйига ўғри келганини билиб нега қувониб кетди деб ўйлайсиз? Уйига ўғри келганидан одам қувонадими? Бунинг сабаблари ҳақида мулоҳаза юритинг.

5. Ўсмирнинг ўйларига эътибор беринг: *“Буни қаранг-а, бизнинг уйимизга ўғри кепти. Бизни ҳам одам деб йўқлайдиган кишилар бор экан-да дунёда. Эртага ўртоқларимга тоза мақтанадиган бўлдим-да. “Бизниқига ўғри келди”. Фурур билан айтилса бўлади. Лекин ишонишармикин?”* Тенгдошингизнинг шу хилда ўйлашига ишонасизми?

6. Асардан олинган ушбу парчага эътибор беринг: *“Бувим эса ёстиқни кўкракларига қўйиб, тил тагидаги нос билан ўйлаб ётар эканлар...”* Шу хилда ётган момони кўз олдингизга келтиринг. Унинг қандай ўйлар суриши мумкинлигини тахминланг.

7. Кампирнинг томда ўғри юрганини кўриб, қўрқиб кетмаганлиги ёки дод солмаганлиги, аксинча, ўғрига маслаҳат берганини қандай изоҳлайсиз? Ҳикоячининг бувиси қандай кампир ўзи?

8. Олти ойдан бери кўзига уйқу келмаётган одамнинг юрагида қандай дард бўлиши мумкинлиги ҳақида бир ўйлаб кўрасизми?

9. Туппа-тузук косибнинг ўғирлик қилиши сабабини қандай изоҳлайсиз? Ўғрининг гапларини ҳикоя матнидан топиб қайта ўқинг, уларга муносабат билдириг.

10. Ўғри асбобларини сотиб юборган этиклўз тўғрисида кампирга қарата айтган гапларига муносабат билдириг. Асар воқеалари қайси даврда рўй берган деб ўйлайсиз?

11. Ўғрининг ўз касби тўғрисида, қилган бир-икки иши борасида кампирга бу қалар ёйилиб гапириб бераётганлигини қандай изоҳлаш мумкин, сизнингча?

12. *“Вой ўлай, қутлуғ уйдан қуруқ кетсанми, болам. Бир нима олиб кет. Тўхта, нима олиб кетсанг экан, ҳа, дарвоқи...”* кўчирмасига асосланиб кампирнинг шахсига баҳо беринг.

13. Касби ўғирлик бўлган одамнинг кампир илтимос қилса-да, қозонни олиб кетмаганлиги, чой ичишга рози бўлмаганлиги сабаби ҳақида ўйлаб кўринг. Муносабат билдиринг.

14. Биз дарсликдаги кўллаб асарларда ёмонлик ёмонликни келтириб чиқарганлигини кўрган эдик. Бу ҳикояда-чи? Яхшилик ёмонни тўғри йўлга солганлигини сезялсизми? Фикрингизни асосланг.

Асар мутолаасидан сўнг: “Ҳикояда етимларнинг паноҳи “қора буви” табиатини акс эттирувчи ушбу тасвирга эътибор қаратинг: “Қаторда энг сўнги бўлиб, она чумчуқдай қора бувим ётардилар, у киши саксондан ошиб кетган, носкаш кампир эдилар”. Кампирнинг энг охирида ётиши сабабини тушунтиринг. Сизнинг ҳам бувингиз борми?” саволи ўртага ташланади. Бувиси бор болаларни иккала бувини таққослашга ундаб кўрган маъқул. Балки, бугунги бувилар бошқачароқдир? Болалар бунинг сабабларига ҳам муносабат билдирсинлар, фикр айтсинлар.

“Ҳикоячи Сизнинг тенгдошингиз ўғри келганини билиб, нега қувониб кетди деб ўйлайсиз? Уйига ўғри келганидан одам қувонадими? Бунинг сабаблари ҳақида мулоҳаза юритинг” савол-топширигига ўқувчилар матндаги воқеалар ривожидан келиб чиқиб жавоб беради, албатта. Лекин шу боланинг ўрнига ўзларини қўйиб кўра олармикинлар? Бундай ҳолатдан қувониш мумкинми? Айниқса, бугун. Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўйлаб-ўйламай жавоб бериб юбораверишларига йўл қўймаслиги керак. Ҳар бир айтилган жавоб асар матни ёки ҳаётий тажрибага таяниб асосланмоғи лозим. Чунки фикр айтиб қўяқолишнинг ўзи муҳим эмас, фикр асоси билан кучли.

“Кампирнинг томда ўғри юрганини кўриб, қўрқиб кетмаганлиги ёки дод солмаганлиги, аксинча, ўғрига насиҳат қилганини қандай изоҳлайсиз? Ҳикоячининг бувиси қандай кампир ўзи?” саволи одамда энгил кулги қўзғайди. Кишининг кўнглида кампирга нисбатан илиқ бир меҳр пайдо бўлади. Кампир билади, уйда ўғри оладиган ҳеч нарса йўқ. У ўғрининг ҳолатини ҳам ҳис қилади: шу хонадонга, бир гала етимларнинг уйига ўғриликка тушдимиз, демак аҳволи булардан-да хароб. Инсоннинг кўнглида туйиб турган нарсаси унинг гап-сўзида, қилмишларида табиий равишда ифодаланади. Буни одам ақли билан бошқармайди, ўзи, табиатан шундай бўлади. Кампир ҳам шундай. Вазиятга табиий муносабат билдирди.

“Олти ойдан бери кўзига уйқу келмаётган одамнинг юрагидаги дард қандай бўлиши мумкинлиги ҳақида бир ўйлаб кўрасизми?”, “Туппа-тузук косибнинг ўғирлик қилиши сабабини қандай изоҳлайсиз? Ўғрининг гапларини ҳикоя матнидан топиб қайта ўқинг, уларга муносабат билдиринг” каби савол-топшириқларга жавоб излаш жараёнида ўқувчилар ҳикоя қаҳрамонлари мисолида инсонни қашф қилишга, атрофидаги одамларни ҳис қилишга ўрғанади. Ўқитувчининг вазифаси уларни ўз жавоблари асносида қаҳрамонлар руҳиятига чуқурроқ, янада чуқурроқ киришга ундашдан иборат.

“Ўғрининг ўз касби тўғрисида, қилган бир-икки иши борасида кампирга бу қадар ёйилиб гапириб бераётганлигини қандай изоҳлаш мумкин деб ўйлайсиз?” саволи ҳам ўқувчиларни ўйлантиради. Бундай ўғрининг борлигига ишонгилари ҳам келмайди, лекин не ажабки, дарсликда “воқеий ҳикоя” деб ёзиб кўйибди. Ишонмасликнинг иложи йўқ. Ҳаётда бор бўлган, мавжуд ўғрининг феъл-атворини таҳлил қилишга тўғри келади. Содда, меҳнатқаш, ҳатто “ойдай” гина касби бор одамнинг шундай ёмон ишни қилишга мажбур қилган ҳаётдаги ижтимоий ҳолат эканига болаларнинг ақли етса керак. Йўқса, ўқитувчи бир оз йўналиш бериб юбориши мумкин. Лекин шу ўринда яна бир нарса кишининг диққатини тортади: маънан чинакам соғлом инсон ҳар қандай ҳолатда ҳам ўғрилик қилмайди. Ўқувчилар мана шу фикрга ҳам эътибор қилсалар, бу ҳақда ўйласалар, адабий таълимнинг мақсадига мувофиқ иш бўлади.

“Вой ўлай, қутлуғ уйдан қуруқ кетасанми, болам. Бир нима олиб кет. Тўхта, нима олиб кетсанг экан, ҳа, дарвоқи...” кўчирмасига алоҳида эътибор қилинг. Куйди-пишди, меҳрибон ўзбек момоларини танияпсизми?” саволи ва ундан кейинги: “Диққат қилсангиз, ўз бувингизда ҳам ана шу кампирдан ўтган қандайдир жиҳатлар борлигини пайқаб оласиз. Бунга мисоллар келтиришга уриниб кўринг” топшириғи болаларда ўзига чинакам ишонч ҳиссини уйғотади.

“Касби ўғирлик бўлган одамнинг кампир илтимос қилса-да, қозонни олиб кетмаганлиги, чой ичишга рози бўлмаганлиги ҳақида ўйлаб кўринг. Нега?”, “Умуман, одам ҳақида яхши ёки ёмон дея осон ҳукм чиқариш мумкинми?”, “Биз дарсликдаги кўплаб асарларда ёмонлик ёмонликни келтириб чиқарганлигини кўрган

эдик. Яхшилик ёмонни тўғри йўлга солганлигини сезяпсизми?” савол-топшириқлари болаларнинг кўнглида баланд туйғуларни кўзгайди. Балки у кўнглидан кечаётган ҳисларни сўз билан ифодадай олишга заифлик қилар? Муҳими — унинг кўнглидан ўтганлари. Кўнглидан ўтган нарса изсиз кетмайди. Бола руҳиятида мана шундай кўтаринки, самимий туйғуларнинг, меҳрнинг пайдо бўлиши унинг характери шаклланишида ўз таъсирини кўрсатади. Кўз кўнглининг калити дейишади. Кўнглидаги сўз билан ифодалаб бўлмайдиган туйғулар болаларнинг кўзларида кўриниб турган бўлса, ажабмас. Буни синфдаги ҳар бир ўқувчини ўз боласидай билган, туйган, суйган ўқитувчигина кўра олади.

Дарсликда “Бадиий асарнинг миллийлиги” номли назарий маълумот тақдим этилган. Ўқитувчи ўқувчилар билан ишлаганда улар “Менинг ўғригина болам” ҳикоясидаги Роқиябиби ҳам, унинг ҳикоячи набираси ҳам соф ўзбекча гапиришини, ўзбекча фикрлашини, ўзбекча иш тутишини қай даражада англаганликларини аниқлаб олгани тузук. Ўзбек момосидан бошқа бирорта кампир ўғрига: “*Вой ўлай, қутлуғ уйдан қуруқ кетасанми, болам. Бир нима олиб кет*”, — дейдими? Ўсмир-чи? У: “*Буни қаранг-а, бизнинг уйимизга ўғри кепти. Бизни ҳам одам деб йўқлайдиган кишилар бор экан-да дунёда. Эртага ўртоқларимга тоза мақтанадиган бўлдим-да. “Бизни кимга ўғри келди”. Ғурур билан айтилса бўлади. Лекин ишонилармикин?*” — дейиши билан қанчалик ўзбек? Балки уйига ўғри келганидан ғурурланиш бугунги ўқувчи учун аҳмоқлик бўлиб кўринар? Лекин ҳикоя қаҳрамони бундан фахрланияпти. Демак, меҳмондан, уйга одам келганидан севиниш, ҳатто, у ўғри бўлса ҳам, ўзбекнинг қонида азал-азалдан мавжуд бўлган сифатлар эканини болалар ўзлари кашф этишга қодир. Лекин ўқувчилар уни танқид қилишаётганда ўша ўзбек ўсмир яшаётган даврни ҳам унутмасинлар. Буни эслатиб қўйиш — ўқитувчига фарз.

Ўқитувчи уй вазифаси сифатида: “Менинг ўғрига муносабатим”, “Қора буви” ва менинг бувим”, “Ҳикоянинг менга ёққан жиҳатлари” мавзуларидан бирида ихтиёрий иншо ёзишни топшириши мумкин. Бундай мавзуларда иншо ёзиш синфдаги ҳамма ўқувчининг қўлидан келмаслиги мумкин. Улар бир-бирларидан кўчириб топширмасликлари, кўзбўямачиликка ўрганмасликлари учун бу ишни “ихтиёрий” деб эълон қилган маъқул. Шунда ёлгонлар бўлмайди.

Қ. Йўлдошев ва бошқалар муаллифлигида чоп этилган олтинчи синф “Адабиёт” дарслигида Фафур Фуломнинг “Шум бола” асаридан парча мустақил ўқиш учун берилган¹. Дастурда мустақил ўқиш учун белгиланган икки соатнинг бири “Шум бола”га ажратилади. Шу ўринда “мустақил ўқиш” атамасининг маъносига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Негаки миллий методикада “мустақил ўқиш” ва “синфдан ташқари ўқиш” терминлари аралаш ҳамда фарқланмай ишлатилаверилади. Ҳолбуки, мустақил ўқиш учун тавсия этиладиган асарлар дарсликларда берилган бўлиши керак ва уларни ўрганиш барча ўқувчилар учун мажбурий бўлади. Фақат улар алоҳида дарсда болаларнинг ўзлари томонидан ўқилади ва муҳокама қилинади.

Синфдан ташқари ўқиш тушунчаси эса ўқувчининг ўз хоҳишига кўра ўз вақти ҳисобига бадий асар ўқишини англатади. Бола бу фаолияти юзасидан ўқитувчига ҳисоб беришга бурчли эмас, шунингдек, муаллими томонидан рағбатлантирилмаслиги ҳам мумкин. Синфдан ташқари ўқилган асарлар юзасидан суҳбат ўтказишга алоҳида вақт ҳам ажратилмайди. Ваҳоланки, олтинчи синфда мустақил ўқилган асарлар юзасидан суҳбат ўтказиш учун алоҳида икки соат вақт ажратилган. Ўқитувчи ишини режалаштираётганидаёқ, бу соатлардан қачон ва қандай фойдаланишини белгилаб қўйиши лозим. Мустақил ўқилган асарлар юзасидан синфдаги барча ўқувчилар баҳоланишлари шарт. Чунки улар муайян синфдаги ўқувчиларда китобхонлик кўникмаси қай даражада шаклланганлигини кўрсатувчи ўлчовлардир.

Амалдаги 6-синф дарслигида эса Ф. Фуломнинг “Шум бола” асаридан келтирилган парча² адабий ўқиш тарзида тавсия этилган бўлиб, уни “бхбхб” методидан фойдаланиб ўтиш мумкин. Бу метод Е. А. Александров томонидан ишлаб чиқилган ва Г. Я. Буш томонидан такомиллаштирилган. Ундан фойдаланишда адабиёт ўқитувчисидан педагогик маҳорат ва зийраклик, гуруҳларни оқилона шакллантира билиш талаб қилинади. Бунда синфдаги ўқувчилар олтита-олтитадан олти гуруҳга бўлинади. Жами 36 ўқувчи иштирок этади. Гуруҳларни ташкил этишдан аввал

¹ Қ. Йўлдошев ва бошқ. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик-мажмуа. — Тошкент: «Ёзувчи», 2002. — 338-бет.

² С. Аҳмедов ва бошқ. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик. — Тошкент: «Маънавият», 2005. — 42-бет.

ўқувчиларнинг шу ишни бажаришга билим ва малакалари етарлилигига ишонч ҳосил қилиш; гуруҳларга аниқ йўл-йўриқлар кўрсатиш; вазифанинг бажарилиши учун етарли вақтни аниқлаш; ўз вазифасини вақтдан илгари бажарган гуруҳнинг бандлигини таъминлашга тайёр бўлиш; қўйиладиган масала мураккаб бўлганда гуруҳ аъзолари сонини кенгайтириш; баҳолаш ва мукофотлаш жараёнининг гуруҳ аъзоларига таъсирига тайёрланиш; кучли гуруҳларни мукофотлаш; бажарилган иш натижасини қандай топшириш йўллари ҳақида ўйлаб кўриш ва маълум қилиш; жамоанинг эркинлигига имконият яратиш керак бўлади.

«Шум бола»ни бу методдан фойдаланган ҳолда ўтиш учун ўқитувчи столларни тахминан: “Шум бола” гуруҳи, “Ҳошимжон” гуруҳи, “Янгули” гуруҳи, “Уч оға-ини ботирлар” гуруҳи, “Тўмарис” гуруҳи ва “Широқ” гуруҳи тарзида номлайди ва ўқувчиларнинг қўлига “Шум бола-1”, “Тўмарис-2” ёки “Янгули-3”, “Ҳошимжон-6” ва ҳоказо тарзда рақамланган карточкалар берилади. Шунда ҳар бир ўқувчи ўзининг ким билан ишлашини аниқлаб олади ва ўзларига белгиланган стол атрофига (столларга гуруҳларнинг номи ёзиб қўйилади) ўтиради.

Ҳар бир столда, ҳар бир ўқувчининг қўлида асар матни очиқ ҳолда туриши мақсадга мувофиқ. Чунки адабиёт дарсларида фақат матн билан, сўз билан ишланади. Бу жараёнда ўқитувчининг вазифаси ҳар бир стол атрофида ўтирган ўқувчилар фикрини эшитиш, зарур бўлганда йўналтирувчи саволларни ўртага ташлашдан иборат бўлади. Ҳар бир столдаги етакчи ўқувчи қўйилган масала юзасидан қатъий бир қарорни қоғозга тушириб бориши, кейинги столдаги синфдошларига уни аниқ ва яққол намоён қилиб бера олиши керак бўлади. Кейинги босқичда ўқувчилар ўртоқларининг маълум топшириқ юзасидан чиқарган хулосаларини баҳолашлари керак бўлади. Бу иш ўқувчилардан жиддийлик ва масъулиятни талаб қилади. Бу жараён ўқитувчининг қатъий назорати остида бўлгани маъқул.

1. Сиз шумликни қандай тушунасиз? Асар қаҳрамонида шумликнинг қандай белгилари бор ва уларни шум боланинг қайси хатти-ҳаракатларида кўриш мумкин? 2. Шумлик билан шўхликнинг фарқи борми? Шум болани шўх дейиш мумкинми? Фикрингизни матндан мисоллар келтириб асосланг. 3. Шум бола шахсидан ижобий ҳислатларни қидириб кўринг. Бу унинг қайси хатти-

ҳаракатларида кўринади? 4. Сарибойни қандай одам деб ўйлайсиз? Қарашларингизни асослашга уриниб кўринг. 5. Шум болани Ҳошимжон билан таққосланг. Уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини аниқланг. 6. Шум бола ёлгонлари билан нимага эришди? У бу билан ютдим, ютқаздим? Нега шундай қарорга келдингиз? Фикрингизни асосланг. Ўқитувчи мана шу савол-топшириқлар ҳақида ўйлаб кўришни, таҳлил дарсида шулар ҳақида суҳбатлашишларини маълум қилиши керак. Қисқаси, ўқувчилар мавзулар билан аввалдан таништирилиши лозим. Ўқитувчи уларни синфдаги ўқувчиларнинг билимдонлик даражаси ва интеллектуал имкониятларига қараб тақсимлайди. Заруратга қараб савол-топшириқларни ўзгартириши ҳам мумкин. Ҳар бир гуруҳ ўзига тегишли савол атрофида фикрлашади ва ўз хулосасини чиқаради. Қолгани, юқорида айтилганидек, мазкур метод талаби асосида амалга оширилади.

Шу тариқа ташкил этилган таҳлил натижасида ўқувчиларда бир-бирларининг фикрини қувватлаш ёки рад этиш, ўзгани англаш, бир-бирини эшитиш, ўз қарашларига ўзгаларни ишонтира олиш ҳисси пайдо бўлади.

Уй вазифаси сифатида ўқитувчи “Асардаги менга ёққан саҳифа” мавзусида иншо ёзишни топшириши мумкин. Бундай мавзуда иншо ёзиш ижодий иш ҳисобланади ва бу ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Уни ҳаммадан бирдай талаб қилиш ҳам методик жиҳатдан унча тўғри эмас. Ёза билган ўқувчини рағбатлантириш ва унга астойдил тақриз ёза билиш керак, холос.

8-синф ўқувчилари носир Фафур Фулом билан 5-, 6-синфларда танишган. Унинг “Менинг ўғригина болам” ҳикояси, “Шум бола” қиссаси ўзига хос мазмуни, самимий ифода тарзи билан ўқувчиларнинг кўнглида ўрнашиб қолган бўлса, ажабмас. 8-синфда Фафур Фулом билан шоир сифатида танишиш уларга адибнинг серқирра ижодкор эканлигини намойиш этади. Ўқитувчи Ф. Фулом ижодини ўрганишга режалаштирилган икки соатни ҳам бир кунга жамлагани маъқул бўлади. Саккизинчи синф “Адабиёт” дарслигида шоирнинг иккита шеъри ўрганиш учун тақдим этилган. Улар ҳажман каттагина бўлиб, иккитаси бир соатга сигмай қолиши ёки ҳар бирига биттадан соат режалаштирилса, вақт ортиб қолиши мумкин. Бу синфдаги ўқувчиларнинг қобилияти ва ишлан маҳоратига боғлиқ. Соатлар бирлаштирилганда бир шеърга вақт

етмай қолса, иккинчи соатдан фойдаланиш, агар бирлаштирилган икки соатда иккала шеърдан вақт ортиб қолса, қолган вақтда шоирнинг яна бирорга асарини қўшимча ўрганишга сарфлаш мумкин бўлади. Шунда ўқитувчи ўқувчиларнинг зерикашига, ёки, аксинча, билимлари кемтик бўлиб, узилиб қолишига йўл қўймайди.

8-синф дарслигида тақдим этилган “Вақт” шеърининг дастурий талқини қуйидагича: “*Вақт*” шеъри — умр фалсафаси, ҳаётнинг ҳар бир дақиқасини қадрлаб ва из қолдириб яшашга давватнинг юксак поэтик ифодаси”.

Иккинчи жаҳон уруши тугаган даврларда ёзилган “Вақт” шеърининг ифодали мутолааси учун уч-тўрт дақиқа керак бўлади. Ўқитувчи бу шеърни ўзи ўқигани маъқул. Чунки шеър мазмуни унинг мутолааси зиммасига кескинлик, қатъийлик оҳангини юклайди. Ўқувчи ёш хусусиятига кўра бу талабларни англай олмаслиги, илғаб етмаслиги мумкин. Мутолаадан сўнг дарсликда асар матни юзасидан тақдим этилган савол-топшириқлар кўмагида уни бадиий таҳлилига киришилади.

Қуйидаги биринчи саволга жавоб бериш учун ўқувчилар капалак умри ҳақида билимга эга бўлишлари керак. Ўқитувчи томонидан ўртага ташланган: “**Капалакнинг ҳаёти ҳақида бирор нарса биласизми? Шоирнинг: “Гунча очилгунча ўтган фурсатни Капалак умрига қиёс этгулик”, — дейишига бирор асос борми?**” деган саволга жавоб бериш асносида ўқувчилар шеърятда, умуман, бадиий адабиётда, чинакам санъат асарларида сўз шунчаки айтилмаслигини, ҳар бир сўз, мисра замирида қандайдир ҳақиқатлар, ҳаётий ва илмий асослар ётишини яна бир карра ҳис қиладилар. Ботаника дарсидан олган билимларига асосланиб капалаклар вояга етган даврларида бир неча соат, бир неча кун, айримлари ҳатто бир неча ойгача яшашлари мумкинлигини маълум қиладилар. Лекин гунчанинг очилишига қанча муддат керак? Ўқувчилар буни кузатишганмикин? Иккала ҳолатни қиёслаш учун ҳар бирдан алоҳида хабардор бўлиш, буни билиш керак. Шулар атрофида мулоҳаза юритганларида ўқувчилар ўзларига ташқаридан қарайдилар. Ўзларининг билимлилик даражасига баҳо берадилар.

Ўқитувчи ўқувчиларни вақт аталмиш неъматнинг қадрини чуқурроқ англаш учун шеърнинг:

*Ярим соат ичида туғилиб, ўсиб,
Яшаб, умр кўриб, ўтгучилар бор*

мисралари устида ўйлаб кўришга ҳам ундагани маъкул. “**Ярим соат яшашни умр деб бўладими ёки йўқ? Бу ярим соатлик умр кимга ёхуд нимага тегишли бўлиши мумкин? Ярим соат яшаш мумкинми?**” каби қўшимча саволлар бир томондан ўқувчиларнинг билимдонлигини намойиш қилишга имкон берса, иккинчи томондан, умр, вақт аталмиш тушунчаларнинг моҳиятини англашга кўмаклашади. Ўқувчилар балки бу мисраларнинг моҳиятига киролмас. Агар болалар томонидан фикр айтилмаса ҳам, бундан фожиа ясамаслик керак. Муҳими шу ҳолатга ўқувчиларнинг эътиборини қаратиш ва бу ҳақда ўйлаб юрадиган вазиятга солиб қўйишдир. Суҳбатдошлар илтимоси билангина ўқитувчи бу борада ўз фикрларини, бир мулоҳаза сифатида айтиши мумкин. У ҳам орадан маълум муддат ўтгач, ўқувчилар ўйлай-ўйлай бу саволга жавоб топа билмаганларида айтилади. Инсон саксон-тўқсон йил чувалчангдай судралиб яшаб юравериши ҳам мумкин, қандайдир санокли вақт оралигида мана шу тўқсон йиллик умрнинг ҳиссасини чиқариши ҳам мумкин. Баъзан шундай сониялар инсон умрини абадийлаштириши ҳам ҳаётий ҳақиқат. Инсон ҳаётида яшалган тўқсон йиллик умр бир тарафу, қандайдир алоҳида ҳодиса бўлган ярим соат бир тараф бўлиши мумкин. Ўша ярим соат чинакам ҳаёт ҳисобланади. Инсон умрининг мазмуни бўлади.

Дарсликдаги савол-топшириқларга қўшимча равишда: “**Ўқнинг ялт этган умрини тасаввур қилинг. У барқарор қилган олий ҳуқуқ ҳақида нима дея оласиз?**” сингари қўшимча саволни кўллаш мумкин. Ўша ялт этиш — ўқнинг умри. У шунинг учун яратилди, шунинг учун яшади. Ҳаётда шу ўқчалик ўрни бўлмаган умрлар мавжудлиги ҳақида мулоҳаза юритишга ундаш ҳам ўқувчиларнинг маънавияти соғломлашувида фойдадан ҳоли бўлмас.

Шуҳрат қолдирмоққа Геростратдек
Диана маъбадин ёқмоқ шарт эмас,
Кўпларнинг бахтига ўзникин жамлаб
Шу улуг бинога бир ғишт қўйсак, бас.

Дарсликдаги асар матни устида ишлаш жараёнида тарбияланувчиларнинг диққати юқоридаги тўрт мисрага ҳам

қаратилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Асосий эътибор банднинг кейинги икки мисрасига: “*Кўпларнинг бахтига ўзникин жамлаб Шу улуг бинога бир ғишт қўйсак, бас*” деган қарорга қаратилади. Ўқувчилар бу мисраларни ўзлари англаганларича таҳлил қилишга ундалади. Бу ҳаётда ҳамма ҳам қаҳрамон бўлавермайди, ҳамма ҳам “қудратли қўл билан ҳайкал” қўявермайди, лекин ҳамма одам деган номга муносиб яшашга қўлидан келганча интилиши лозим. Дунё деб аталмиш бу улуг бинонинг бир кемтигини топиб, уни беркитишга қодир бўлиш, ўзидан кейин ҳаётда қандайдир из қолдиришга юз тутиш одамликка қўйилган талабдир. Бутун олам яратилишига сабаб бўлган ҳазрати инсон мана шу ҳақиқатни англаса, адабий таълим ўз мақсади сари бир қадам босган бўлади. Шеърнинг замирига ҳам мана шу ҳақиқатни англашга даъват сингдирилган. Дарсликда ўқувчини асар моҳиятига олиб кириш учун етарли даражада савол-топшириқлар тақдим этилган. Шу тариқа шеърнинг моҳиятига кириб борган, сўз қудратини ҳис қилган, вақтнинг қадрини англаган ўқувчига уни ёд олиш ҳам жуда осон бўлади. Моҳиятга кирмай, тўтидай ёдланган матн ўқувчининг хотирасидан ўрин олади ва ўз баҳосини олгач, хотирадан кўтарилади. Шунинг учун бугунги адабий таълимдан дарсларда ўрганиладиган ҳар бир асарнинг моҳиятига кириш талаб қилинмоқда.

Ғ. Фулом ижодидан тақдим этилган иккинчи шеър — “Соғиниш” ўқувчиларга уруш йилларининг изтироблари ҳақида хабар беради. Унинг дастурий талқин асосидаги таҳлилида: “*Соғиниш*” шеърда *отага хос соғинч туйғусининг тиниқ ва жозибали ифодаланиши. Асар қаҳрамони табиатида миллий ўзига хосликнинг барқ уриб туриши. Шеърда яхшиликка, эзгуликка, эртанги кунга ишонч туйғулари тасвирининг халқ руҳи ўлмаслиги ҳақидаги фалсафий хулосага ўсиб чиқиши*”ни кўрсатиш лозим. Бу шеърни ҳам ўқитувчининг ўзи ўқигани тузук. Чунки шеърдаги соғинч руҳини ўқувчи унинг ўқилиш оҳангида беролмайди. Шеърнинг мутолааси жараёнида шундай ўринлар борки, ота соғинчини руҳан ҳис қилган ҳолда ўқиётган кишининг томоғига йиғи тегилиб, овозида титроқ пайдо бўлади. Шеърни ўқувчи ўқиса, мана шу ҳолатни илғамай қолиши ёки уялиб туйғуларини бошқариши ва овози титрамаслиги мумкин. Ёхуд у ҳали соғинч туйғусини, фарзандни соғиниш ҳиссини тўлиқ туёлмагани учун буни

илғамаслиги ҳам оддий ҳол. Бундай сунъийлик натижасида шеърнинг таъсир кучи камайиб қолади. Бу адабий таълимда катта йўқотиш ҳисобланади. Таҳлил кўнгилдагидай чиқмайди. Таъсир кутилгандай бўлмайди.

Шеър мутолаасидан сўнг дарсликдаги савол-топшириқлар навбати билан ўртага ташланиб, ўқувчилардан жавоблар олинади. Муаллиф бу мисраларни қоғозга тўкаётганда чинакам отага айланган:

Узилган бир киприк абад йўқолмас,
Шунчалар мустаҳкам хонаи хуршид

мисралари мазмунини изоҳланг. Уларнинг таъсирчанлигини таъминлаган бадий воситаларни кўрсатинг” топшириғи устида ишлаганда ўқувчилар узилган бир дона киприк ҳам изсиз йўқолмаслиги ва бунинг сабаблари ҳақида мулоҳаза юритишлари керак бўлади. Нега шунақа? Бунинг моҳияти нимада? Ўқувчилар шоир сўзни шунчаки кўлламаслигини биладилар-ку! Бу мисралар замрига жойланган ҳақиқат юқоридаги биринчи тўртликка сингдирилган: Бу ёруғ оламда ҳамма нарса яратганнинг назоратида. “*Энг кичик заррадан Юпитергача*” барча-барчасига Оллоҳнинг ўзи эгалик қилади, ўзи бошқаради, ўзи назорат қилади. “*Хонаи хуршид*” — бу ёруғ олам “шунчалар мустаҳкам” яралганки, унда тасодифий ҳеч нарса йўқ, ҳеч бир иш шунчаки содир бўлмайди.

“*Бир малъун гулшанга қадам қўй*”ганда “*жони бир жондош*” сифатида жонидан азиз фарзандини урушга кузатган ота ўғли билан фахрланади. Чунки:

Унда етук эди мерос мард гурур,
Остонани ўпиб, қасамёд қилди.
Укаларин эркалаб, ўзимдай мағрур,
Яна обод уйимни у дилшод қилди.

Бу мисраларга шеърхонларнинг эътибори қаратилса, улар катта ўғилнинг характерини очадилар. Мард, отасидан мағрурликни мерос қилиб олган ўғил жондошининг ғамига бепарқ қараб туролмайди. Ўғилнинг шундайлиги отанинг кўнглини обод, дилини ҳам шод қилади. Ахир, фарзандларининг мард, мағрур, ўзганинг дардини ҳис қиладиган бўлиб шаклланиши — нафақат

отанинг, балки бутун миллатнинг тилаги. Шоир бу мисраларга мана шу ҳақиқатни жойлаган.

Айни пишиқчилик палласида урушга кетган ўғлини соғинган ота ўз боғида етилган ҳар бир неъматни унга илинади. Боғда етилган шафтолида фарзандининг, у орқали суйганининг белгиларини кўради. Бу — оталик меҳридан. Соғинчдан.

Соғинч туйғуси туфайли, баъзан инсон руҳиятига шайтон мўралаб қолади: одамни ҳар хил ваҳималар босади. Шеърдаги ота ҳам ҳамма қатори. “Кечқурун ош суз”илганда, дастурхон устида “аллакими”ни қўмсаб қолган отанинг кечалари уйқуси ўчиб, ўйлагани сари “дилни васвасалар бос”ади: “Балки бир ғалат ўқ, ё хавф-у хатар, Ҳазинаи умримдан йўқотди олмос...” Шукрки, ҳамма нарсанинг охири бор: ваҳимали тун тугаб тонг отади. Ёруҳлик бошланади. Бу ёруғлик ота қалбига ҳам ўз нуруни олиб киради: “Лойқа хаёлотлар чашмадай тин”иб, “Пок-покиза юрак бир қатра симоб”га айланади. У ишонади:

Дур бўлиб тақилур ёрқин бўйнига,
Садафдай кўзимда беҳуда бир ёш,
Икковинг, икки ёш, лабинг лабига
Кўяр. Васвасамдан кулади кўёш.

Бу мисралар устида ишлашаётганда ўқувчилар ота руҳи, унинг фарзандига қанчалар яқинлиги, меҳрибонлигини туйишади. “Ўз боғинг, ўз меванг данагин сақла...” мисрасидаги маъжозий маънони топиш, “Умид данагини бирга экингиз” сатрига жо бўлган ўзбекона ниятни илғаш ва изоҳлаш жараёнида ўқувчилар ота кўнглидаги ниятлар самимийлиги кашф этиб боришади. Оталик муҳаббати, соғинч туйғуси, уруш аталмиш балонинг офатларини туядилар. Бу туйғулар уларнинг камолоти йўлида ўз таъсирини кўрсатади. Шеърнинг таҳлили шу тариқа давом эттирилади.

Асарлар таҳлилидан сўнг “Қофия” мавзусидаги назарий маълумотни ўрганиш керак бўлади. Ярим бетлик назарий билимни ўқувчилар ўзлари ўқигани маъқул. Сўнг юқорида ўрганилган шеърлар мисолида уни амалда кўриш ўқитувчи билан биргаликда бажарилади. Шунда ўқувчиларнинг қофия ҳақидаги билимлари мустаҳкам бўлади.

МАКТАБДА АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ИЖОДИНИ ЎРГАНИШ МАСАЛАЛАРИ

Замондошлари Абдулла Қаҳҳор ҳақида

Ёзувчи сўзга шунчалик хасиски, агар бу митти дурдоналарнинг ҳар бирини қайта ҳикоя қилингудек бўлса, ҳикоянинг ўзидан кўра анча кўп жойни эгаллаган бўлар эди...

Одил ЁҚУБОВ

Мен тажриба учун устознинг “Ўғри”, “Бемор”, “Анор” ҳикояларидан баъзи сўзларни олиб ташлаб кўрдим. Бўлмади. Ҳикоя бир устуни олиб ташланган айвонга ўхшаб лапанглаб қолди.

Саид АҲМАД

Сухбатлардан бирида у “Бемор” ҳикоясининг биринчи жумласи қандай ёзилганини, ўтгизга яқин варақни қора қилиб (Абдулла Қаҳҳор ёзилган сўзининг устидан чизиқ тортмас эди, жумла бузилса, сўз ёки ҳарф хато бўлса, янги вараққа ёзиб чиқар эди), ниҳоят, энг қисқа, энг аниқ ифода топганини айтиб берган эди: “Сотиболдининг хотини оғриб қолди”.

— Бу жумланинг фазилати битта, — деган эди у, — фикр тўртта сўзда баён қилинган. Қолган ҳамма вариантларда шу фикр беш, олти сўз билан айтилади. Масалан: “Сотиболдининг хотини касал бўлиб қолди”, “Сотиболдининг хотинининг тоби қочиб қолди”, “Сотиболдининг хотинининг мазаси кетиб қолди”...

Эркин ВОҲИДОВ

“...Биз Кўқонга яқин Яйпан қишлоғида турардик. Онам ғира-шира қоронғи уйда тўлғоқ тутиб ётар, ичкарида инграган, додлаган товуши эшитилар эди. ...Дадам кўшни бир кампирни чақириб чиқди. Кампир аям ётган уйга кириб кетди. Дадам икковимиз ҳовлида ўтирдик. Қоронғи тушди. Мени уйқу боса бошлади. ...Ёнимда ўтирган дадам бирдан ўрнидан турди. Кўзимни очдим. Тепамда бояги кўшни кампир турар эди.

— Қалай? — деди дадам ҳовлиқиб.

— Қийналяпти бечора, — деди кампир ва бир оз жим тургандан кейин менга ишора қилди, — болага айтинг, аясини дуо қилсин, гўдакнинг дуоси ижобат бўлади.

Дадам энгашиб менинг қулогимга шивирлади:

— Худоё аямга нажот бергин, дегин! Айт!

Дадам қўрқув ва жаҳл аралаш мени қистар эди. Дуо қила бошладим. Бу орада бир-икки йиғлаб ҳам олдим. Кейин ухлаб қолдим. Эрталаб уйғонсам, аямнинг кўзи ёрибди”.

Абдулла ҚАҲҲОР хотираларидан

“Бемор” ҳикоясини ўрганиш

Ночорлик, камбағаллик олдида инсоннинг қанчалар ожизлигини англаш, болалар кўнглида ўзгани англаш, ачиниш ҳиссини тарбиялашни дарснинг тарбиявий мақсади сифатида белгилаш мумкин.

Асар матни билан таништириш, унинг моҳиятига киришга, асар замиридаги ёзувчи шахсини англашга, асарда илгари сурилган етакчи қарашларни илғашга ўргатиш дарснинг таълимий мақсадини ташкил қилади.

Дарсни эвристик методдан фойдаланган ҳолда ташкил этиш мумкин.

Дастурда ушбу ҳикояни ўрганиш учун икки соат вақт берилган. Аслида, ҳикоя илғор таълим методлари асосида ўтилса, уни ўрганиш учун бир соат кифоя. Дарсликда адибнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берувчи материал мавжуд. Ўқитувчи адиб ҳақида ахборот берувчи бу тайёр матнни ўқувчиларга қайтариб айтиб беришининг ҳеч ҳожати йўқ. Уни ўтган дарснинг охирида уй вазифаси сифатида топшириш мумкин. Ўқитувчи ўқувчи билан Абдулла Қаҳҳор орасидаги масофани қисқартириш, уларни бир-бирига яқинлаштириш учун адибнинг ўқувчи ёшига яқин болалик давридан айрим хотираларини айтиб бериши мумкин. Масалан: *“Намозгарга яқин кўчада болалар чуғурлашиб қолишди. Чиқдим... ..ҳаммадан кўра кўпроқ шовқин солиб, елиб-югурган бола менинг олдимга келди, менга бошдан-оёқ разм солди-ю, бирдан:*

— Келгинди! — деб ургани қўл кўтарди.

— Ўзинг келгиндисан! — дедим эҳтиётдан орқага чекиниб.

Бола бир ирғиб менинг калламга қўйиб юборди. Мен жавоб қилолмадим — қарасам, бошқа болалар ҳам урмоқчи бўлиб, илонни кўрган чумчуқдай атрофимда чуғурашиб туришибди. Шу пайт бизни кузатиб турган кичкина салла, узун малла тўнли бир чол:

— Кўйинглар, болалар, тегманглар, келгинди бўлса, ўзи бўлибдими, худо қилган, — деди.

Болалар дарров тарқалишди. “Келгинди, келгинди ит” деган гапларни Олим бувадан эшитганимда бунинг ҳақоратдан ташқари яна одам ҳазар қиладиган маъноси ҳам борлигини билмаган эканман, чолнинг бу гапи бошимдан кириб, товонимдан чиқиб кетди. ...Шундан кейин кўчадан, болалардан ҳам, одамлардан ҳам кўнглим қолди...

Мен энди “индамас” деган таънадан қутулиш учун одамдан, ҳатто аямдан ҳам мумкин қадар қочадиган бўлиб қолдим. Аям кўп йиғлаб безор қилганидан кейин дадам мени Учармахсумга элтиб ўқитди. Махсум менга хўп дам солгандан кейин тунугидан ялатди. Шундан кейин мен яна ҳам индамас бўлиб қолдим, бир сўз айтмоқчи бўлсам, ундан кейин нима дейишимни ўйлаб, бор сўзни ҳам унутар эдим...” тарзидаги болалик хотиралари ёзувчи билан ўқувчини бир-бирига яқинлаштиради. Асари ўрганилаётган улуғ бир адибнинг қачонлардир ўзларига ўхшаган бола бўлганини ҳис қилиш ўқувчини зийрак торттиради. Орада илиқлик пайдо қилади. Шундан сўнг асар устида иш бошлаш мумкин.

Ҳикояни ўқитувчи узоғи бидан 4 — 5 дақиқада ўқиб беради. Дарслик муаллифларининг ўқувчиларнинг фикрини қолипга соладиган, уларнинг ҳаммасини бир хил мулоҳаза юритишга ундайдиган асар ҳақидаги талқини мавжуд. Ўқитувчи бу талқинга тўхталмагани, ҳатто уни болаларга ўқишга бермагани маъқул. Асарни ўқувчилар билан бирга таҳлил қилиб бўлингандан сўнг улар ўз хулоса ва қарашларини дарслик муаллифлариники билан таққослаб кўришлари мумкин. Ўқитувчи бу ҳам уларга ўхшаган бир китобхоннинг фикри экани, бу талқин болалар қарашлари ва хулосаларини йўққа чиқариш учун асос бўлолмаслиги, ҳамма ўз фикрида қолиши мумкинлигини таъкидлашни унутмагани маъқул.

Ҳикоя таҳлилинини бошлашдан олдин асардаги тушунилиши қийинроқ бўлган сўзлар (Сим, Девонаи Баҳоуддин, Фавсулаъзам,

извош, оқ подшо) дарстахтага ёзилиб, изоҳланади: Сим — Фарғона шахрининг эски номи; девонаи Баҳоуддин — Муҳаммад ибн Муҳаммад Баҳоуддин ан-Нақшбанд ал-Бухорий (халқ орасида хўжа Баҳоуддин балоғардон номи билан машхур) — машхур авлиё. У Муҳаммад с.а.в. авлодларига мансуб саййидзодалардан; Ғавсулаъзам — пир; извош — от қўшилган арава; оқ подшо — ўша даврдаги Россиянинг подшоси. Сўнг ўқувчилар билан биргаликда ўқитувчи ўзи уйда тузиб келган ҳамда дарсликда берилган савол-топшириқлар ёрдамида асар таҳлилига ўтилади. Энг аввало, бадий асарнинг номига диққат қаратилади. Унинг матн мазмунига қай даражада мослиги ҳақида ўқувчилар фикри сўралади, мулоҳазалари эшитилади. Асар мазмунидан келиб чиқиб, ҳикояга бошқача ном беришни сўраш ҳам мумкин. Ўқувчилар фақат сарлавҳа тақлиф қилиб қолмай, асарга нима учун шундай ном бераётганини асослаши керак бўлади. Улар топган сарлавҳаларга ўртоқлари томонидан муносабат билдирилса, янада яхши. Сўнг эпиграфга назар ташланади. “Осмон йироқ, ер қаттиқ” мақолининг мазмуни ва унинг ҳикояга дахлдорлик даражаси сўралади. Бундан ташқари, ҳикоя матнидаги: “...йўғон чўзилади, ингичка узилади” мақолига ҳам эътибор қаратилиб, ўқувчилар уни қандай тушунгани, асар матнига нима мақсадда киритилгани, айтиши мумкин. Шунинг учун мақол бўлмаса, ҳикоя нима ютқизади-ю, киритилганда нима ютгани сўралади.

Инсон ҳаётида қувончли ва қайғули кунлар мавжуд. Баъзан одам шодликдан дунёга сизмай кетса, баъзан қайғу-ғамнинг зўридан унга дунё тор бўлади. Иссиқ жон истимасиз бўлмаганидан, одам турли даражадаги касалликларга йўлиқиши мумкин. Яна шундай ҳолатлар бўладики, моддий танглик, қўли калталик ҳам инсонни ночор аҳволга солиб қўяди. Бундай ҳолатдан чиқиш учун баъзан инсон йўл тополмай қолади. “Осмон йироқ, ер қаттиқ” мақоли халқ томонидан шундай вазиятга тушиб қолган кишиларнинг ҳолатини ифодалашга хизмат қилади. Ўқувчилар шуни англаган ҳолда ўз фикрларини айтишлари мумкин. Асар матнидаги “Йўғон чўзилади, ингичка узилади” мақоли эса унинг мазмунига сезилмайдиган даражада едириб юборилган. Бу тўртгагина сўздан иборат мақол саҳифа-саҳифа баённинг вазифасини удалаб, бир дунё жумлалар ишини умумлаштириб бажарганини ўқувчилар билан биргаликда ишлаб уларга етказиш зарур.

Таҳлил жараёнида тарбияланувчиларнинг диққати асар матнидаги ихчам жумлаларга қаратилади. Бу жумлалар ташиган ботиний маънолар хусусида фикр юритишга ҳаракат қилинади. Ёзувчи қисқа жумлаларда ғоят лўнда ва ихчам тарзда ифодалаган фикрни саволларга жавоб бераётган ёки фикр билдираётган ўқувчилар нечта гап билан баён этишларига ўқитувчи диққат қилиши, бунга синфдаги бошқа болаларнинг ҳам эътиборини тортиши ва адибнинг сўз қўллаш маҳоратини биргаликда тадқиқ этишлари мумкин. Шу ўринда Саид Аҳмаднинг юқоридagi фикрини ўқиб, унга ўқувчиларнинг диққатини тортиш ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди.

Ҳикоя матнига таянган ҳолда таҳлил этилгани, асарга беркитилган ҳаётӣй, бадийй ҳақиқатларни болалар ўзлари кашф этганлари маъқул. Ўқувчилар эътибори, аввало, хотини оғриб қолганда Сотиболди кўрган биринчи тадбирга қаратилади. Мазкур ҳолат ҳикояда шундай ифодаланган: *“Сотиболди касални ўқитди — бўлмади, табибга кўрсатди. Табиб қон олди. Бетобнинг кўзи тиниб, боши айланадиган бўлиб қолди. Бахши ўқиди...”* Сотиболди нега шундай тадбирни қўллади? Камбағаллигиданми ёки билимсизлигиданми? Гап шундаки, ҳар қандай одам ўз савияси даражасига қараб иш тутади, унинг хаёлига келган дастлабки амаллар — шулар. Лекин гап бу ўринда Сотиболди кўрган тадбирнинг тўғри-нотўғрилигида эмас, балки қилган амал билан эришилган натижа ва унинг ифода тарзи мутаносиблиги ҳақида. Беморнинг табиб қон олгандан кейинги ҳолатига ўқувчилар диққати тортилиши керак. Нега шундай бўлди? Болалар бу ҳақда ўйлаб кўрганлари маъқул. Аини вақтда ўқитувчи ҳикоя маромига, оҳангига тарбияланувчилар диққатини тортиши зарур. Чунончи, юқорида келтирилган парчада гоҳ кўрилган тадбир бир неча сўз ёрдамида баён этилади, натижа бермаганлиги эса бир оғиз *“бўлмади”* сўзи билан ифодаланади. Гоҳо кўрилган тадбир: *“Табиб қон олди”* шаклида уч сўз билан билдирилади-да, унинг ёмон оқибати: *“Бетобнинг кўзи тиниб, боши айланадиган бўлиб қолди”* тарзида етти сўз ёрдамида ифода этилади. Бу шунчаки тасодифий ҳолат эмас. Абдулла Қаҳҳор тасвирлаш маҳоратини юксак даражада эгаллаган, ҳаракат ва руҳият мутаносиблигини чуқур англаган ижодкор сифатида атай шу ифода йўсинини таълаган. Булар ҳаммаси савол-топшириққа айлантирилиб, ўқувчиларнинг ўзлари томонидан очилиши керак. Эвристик методнинг талаби — шу.

Бугунги ўқувчида бахшига ўқитиб, хипчин билан савалатиб, товуқ сўйиб қонлатиб юргунча, касалхонага олиб бора қолса бўлмайдими, деган табиий савол туғилиши мумкин. Ўқитувчи бу “табиий” саволнинг унчалар ҳам табиий эмаслигини англатиш учун “докторхона” ҳақидаги Сотиболдининг тасаввурига талабалар диққатини қаратади. Улар Сотиболдининг иқтисодий аҳволи оғир эканлигини пайқашлари, айнаи вақтда бу ҳақда ёзувчи бир оғиз ҳам гапирмаганлигига эътибор қаратишлари лозим. **“Сотиболдининг иқтисодий аҳволи ночор эканлигини қаердан пайқадингиз?”** деган савол ўқувчиларни зийрак торттиради. Шундан сўнг ўқитувчи айтмасдан англатиш, маълумот бермай хабардор этиш учун ёзувчи қанчалар маҳоратли бўлиши лозимлиги ҳақида, бу фазилат фақат Қаҳҳоргагина хослиги тўғрисида ўқувчиларга тушунча беради. “Йўғон чўзилади, ингичга узилади” мақолининг матн мазмунига сезилмайдиган даражада едириб юборилганлиги Сотиболди иқтисодий аҳволини бир қадар намойиш этганини ҳам ўқувчилар ўз таҳлиллари жараёнида англайдилар.

Ҳар қандай ҳақиқат қиёсда ойдинлашади. Шу жиҳатдан Сотиболдининг аҳволи нечоғлик ночорлиги хўжайини Абдуғанибой имкониятларини ахборот тарзида билдирилганлигига диққат қаратилади. Бу ҳам адибнинг тасвирлаш маҳорати қанчалар юқори эканини намойиш этади. Хўжайиннинг Сотиболди орзу ҳам қилолмайдиган “докторхона”га бормай, Симга кетганлиги ҳақидаги шунчаки ахборот, аслида, “шунчаки” бўлмай одамларнинг моддий имкониятлари ўртасидаги ўтиб бўлмас фарқларни англатадиган ва шу жиҳати билан бахтсизнинг бахтсизлигини янада бўрттириб кўрсатадиган воситадир. Муаллиф ўта “совуққонлик” билан Абдуғанибойнинг қоллар тагида қолиб “ўладиган” бўлганда Симдаги докторхонага борганлиги ҳақида хабар бергандай бўлади. Ҳолбуки, Сотиболдининг хотини тўғрисида бирон жойда ҳам “ўладиган” сўзини қўлламайди. Катта имконият “ўладиган” касални оёққа турғизиши мумкин бўлганидек, имкониятсизлик, чорасизлик “оғриб қолиш”дай оддийгина касалликни ҳам ўлим билан яқунланадиган хасталикка айлантатириши мумкин экан. Бундай топилдиққа ўқувчилар ўқитувчи йўналтатириши билан ўзлари эришишлари керак. Ўқитувчининг вазифаси савол-топшириқлар билан уларнинг эътиборини мана шу каби ҳақиқатларга қаратишдан иборат.

Сотиболдининг хўжайини олдига борганлиги тасвирига ўқувчилар эътиборини қаратиш, шу йўл билан ҳар бир персонаж руҳияти қирралари нечоғлик ёрқин тасвир этилганлигини аниқлаш зарур. Шундай қилинганда инсон деб аталмиш мураккаб мавжудотнинг руҳий тўлғонишларини пайқаш мумкин бўлади. Ҳар қандай одам биров билан солиштирилгандагина ҳақиқий қийматига эга бўлади. Хўжайини олдига нега борганини Сотиболдининг ўзи ҳам билмайди, лекин борди. Ҳар қандай рисоладаги одам сингари Сотиболди ҳам хотинининг тузалиши учун нимадир қилиши кераклигини билади, лекин нима? Бошига мусибат тушганда инсон ўзидан кўра каттароқ, кучлироқ, ақллироқ кишининг кўмагига, маслаҳатига муҳтожлик сезади. Бирор жонкуяри йўқ Сотиболди учун эса Абдуғанибой шундай киши бўлиб туюлади. Бой Сотиболдининг дардини ҳис қилди, унга руҳий мадад беришга, кўнглини кўтаришга уринди. Унинг нияти яхши. Сотиболдига ачинади. Лекин эзгулиги шу ачиниш билан тугайди. Демак, Абдуғанибойнинг яхшилиги даражаси, олижаноблигининг миқёси қилган амалига яраша. Чинакам яхшилик амалда, фаолиятда намоён бўлади. Ўқувчилар бойнинг қандай одамлигига унинг қилган ишига қараб баҳо берадилар.

Сотиболдининг кейинги хатти-ҳаракатларига ўқувчиларнинг эътибори тортилиши лозим. Ўқувчиларни яқин кишисининг азобларини енгиллатишни астойдил истаган, аммо қўли калталиги туфайли бунинг уйдасидан чиқолмаган йигитнинг руҳиятини англашга йўналтириш зарур. Шундай вазиятда бўлган одамнинг кўнглига иш сиғадими? Бу савол уларни бундай вақтларда одам нималарни ҳис этиши мумкинлигини ўйлаб кўришга, Сотиболдини туйишга йўналтиради. Унинг кундан-кун оғирлашиб бораётган хотини ёнида чивиклар ичида кўмилиб, сават тўқиши тасвири шунчаки ахборот эмас, балки иложсиз одам руҳиятининг жонли ва шафқатсиз тасвиридир. Ҳаёт шафқат нелигини билмайди, уни қийноқларга гирифтор этмоқда, у кўз олдига ётган яқин кишисига ёрдам беришдан ожиз. Аммо у тирик ва ҳаёт ҳақида, эртанги кун тўғрисида ўйлашга мажбур. Шу боис сават тўқиш кўнглига сиғади. Шу ўринда ҳикоядаги “офтобшувокда” ифодасига ўқувчилар беэътибор бўлмасликлари керак. Ҳикояга айна шу сўз нима учун киритилган? Бу сўзнинг асардаги воқеаларга нима

дахли бор? Негаки, одам кўкламда уйдаги қишги ругубатлардан қочиб, офтобшувоққа чиққиси келади. Айни вақтда, кўкламда касалликлар, айниқса, хуруж қилади. Баҳорги офтобнинг нозик нурларидан киши кўнглидаги оғриқларга, қишқи толиқишга даво истади. Сотиболди ҳам ўзи англаб-англамай ишини офтобшувоқда қилиши — табиий ҳол.

Қизчанинг ҳолати тасвирланган сатрларни ўқувчиларга қайта ўқитиш керак. Улар шу жараёни, имкон қадар, аниқ тасаввур қилсинлар. Пашшанинг гингиллаши билан беморнинг инқиллаши ўртасидаги мутаносиблик билан гадой ва унинг товушидаги монандлик асар оҳангини вужудга келтиришда қандай ўрин тутганлиги ўқувчилар томонидан аниқланса, гоёт фойдали бўларди. Ҳикоянинг умумий оҳанги, руҳини англамай туриб, қаҳрамонлар руҳиятини пайқаш мумкин эмас. Чунки асл бадиий асар — бузилмас яхлитлик.

Ўқувчилар эътибори гадойнинг айтганларига ҳам қаратилади: шу жумла зиммасида қандай юк бор? Одил Ёқубов айтмоқчи “сўзга ҳасис” адиб бу лавҳани асарга киритмаслиги ҳам мумкин эди-ку! Ҳикоя бусиз ҳам киши руҳиятини изтиробга солади-ку! Ўқувчилар бемор ҳар инграганда “*Сотиболди чаккасига буров солинган кишидай*” азоб тортиб, талвасага тушиши сабаблари ҳақида ўйлаб кўришса, мақсадга мувофиқ бўлади. Нега шундай бўлаётир? Шунда улар Сотиболдининг ҳолатини бир даражада ҳис қилишлари мумкин. Сотиболдининг кўшни кампирни чақиришдан мақсади нима эди? Унинг кўлидан жўялироқ бир иш келмаслигини Сотиболди билмасмиди? Болалар кампирнинг хатги-ҳаракатлари тасвирини кузатишлари лозим. Унинг беморга, Сотиболдига берган маслаҳатларига муносабат билдирилиши зарур. Кампирнинг бошқача маслаҳат бера олмаслиги, айни вақтда маслаҳат бермай чиқиб кетиши ҳам мумкин эмаслигини ўқувчилар англашлари керак. Чунки у яхши одам, ачинганидан йиғлайди, кўлидан шундан бошқа ҳеч нарса келмайди. Ҳаётдаги одамларни тушуниш бадиий асар қаҳрамонларини англашдан келиб чиқади. Ўқувчилар норасида гўдакнинг чучук тили билан айтилган “*Ҳудоё, аямди дайдида даво бейгин...*” жумласи асарда қандай вазифани ўтаётганлиги хусусида фикр юритишлари лозим. Улар сўзлар не боисдан бола тилидан берилаётганлигини, бунинг воситасида адиб нимани ифодаляётганлигини ўйлаб кўришлари зарур. Бунинг учун

шу ҳолат саволга айлантирилади. Ҳикоядаги кўшни кампир тимсоли, қизчанинг дуоси муаллифнинг ўз ҳаётидан олинган кечмишлари эканини, улар ҳикоянинг моҳиятига маҳорат билан жойлаштирилганини ўқувчилар англашларига кўмаклашиш керак бўлади.

Ҳикояда: “*Кўнгилга армон бўлмасин деб, чилёсин ҳам қилдиришга тўғри келди*” тарзидаги ахборот кўринишидаги ифода бор. Ўқувчилар кўнгилдаги армон ҳақида гапирганда ким назарда тутилаётганлиги, бу гап беморгами, Сотиболдигами, қизчасигами тегишли эканлиги ҳақида жиддий ўйлаб кўришлари, шу ўринда ўзбек руҳияти намоян бўлган жиҳатлар ҳақида мулоҳаза қилишлари керак.

Беморнинг тетиклангани қай даражада ишончли, ҳаётий чиққанини ўқувчилар илғай олишига эришмоқ зарур. Ҳақиқатдан чилёсиндан сўнг шундай бўлдими ёки бунинг бошқа сабаби борми? Чилёсин маросимининг кўп ҳолларда шу тарзда натижа бериши, даҳрийлик авж нуқтасига етган замонларда бу ҳақда шу тахлит ёзиш жасорат эканлиги борасида ҳам ўқувчиларга тушунча бериш ортиқчалик қилмайди. Касал онанинг эридан қизчасини саҳарлари уйғотмаслигини сўрашга ундаган сабаб нима эканлигини аниқлаш ҳам ўқувчиларнинг эътиборидан четда қолмаслиги керак. Беморнинг ўлими тасвирланган сўнгги хатбоши ва ўлимдан беҳабар қизчанинг дуоси болалар кўнгида қандай туйғулар уйғотганлиги ҳақида фикрлашиш, ҳикоядаги ҳар бир тасвирий ифодага муносабат билдириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳикоя қаҳрамонларининг хатти-ҳаракатлари тасвирдан келиб чиқиб: “Сотиболди табиатан қандай одам? Абдуғанибой ёмон одамми? Кампирнинг муштдай гўдакни саҳарлари уйғотишни маслаҳат берганига қандай қарайсиз?” сингари ҳар бир персонажнинг шахсиятига хос сифатлар, характерига мос хусусиятлар ва уларнинг асарда қай йўсин ифода этилганлиги ҳақида ўқувчиларни ўйлатадиган, муносабат билдиришга мажбур этадиган саволлар қўйиш лозим.

Ҳикоя таҳлили сўнгги бадий асар тили ҳақида назарий маълумот бериш ҳам кўзда тутилган. Асар бошдан-охир тил маҳоратини кўрсатиш имкониятига эга бўлганлиги учун ҳам илмий-назарий хулосалар “Бемор” ҳикояси мисолида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. Унда кампир нуқтининг

Сотиболдиникидан, қизча нутқининг Абдуғанибойникидан, бой тилининг гадоёй нутқидан тамомила фарқ қилиши натижасида ҳикоянинг ўқишлилиги ортганлиги хусусида ўқувчилар билан фикрлашиш зарур бўлади. Тил руҳият кўзгуси эканлиги, одамга хос жуда кўп яширин жиҳатлар айнан тилда ёрқин намоён бўлиши мисоллар асосида исботлаб берилса, фойдали бўлади.

Ҳикоя таҳлилидан сўнг уй вазифаси сифатида асарни давом эттириш вазифасини топшириш мумкин. Асар қаҳрамонлари кейинги ҳаётини ўқувчилар ўзларича тасаввур қилишлари, қарашларини қоғозга туширишлари уларнинг фикр кишиси бўлиб шаклланишларига кўмаклашади. Ёки ҳикояни ўз сўзлари билан қайтадан ёзишни ёхуд унинг асл мазмунини сақлаб қолган ҳолда янада қисқартириб ёзишни (танлаш ҳуқуқи билан) топшириш мумкин. Ким топшириқларнинг қайси турини бажариши ўзига ҳавола. Лекин бундай уй вазифаларини ҳаммадан бирдай талаб қилиш шарҳ эмас.

“Минг бир жон” ҳикояси устида ишлаш

7-синф “Адабиёт” дастурида Абдулла Қаҳҳорнинг “Минг бир жон” ҳикояси тавсия этилган ва уни ўрганиш учун икки соат вақт ажратилган.

Дарснинг мақсади инсоннинг иродаси ва матонати уни ҳамиша мақсад сари етаклашини ўқувчиларга англатиш, бадиий таҳлил асосида асарнинг мазмун-моҳиятини очиқ беришдан иборат. Дарс суҳбат, қиёсий таҳлил, бадиий таҳлил методлари асосида ташкил этилади.

Мазкур ҳикояни ўрганишга ажратилган икки соатни ўқитувчи она тили дарси ҳисобидан умумлаштириб, бир кунда ўтгани мақсадга мувофиқ бўлади. Биринчи дарсда адибнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга вақт ажратишнинг зарурияти йўқ. Чунки ўқувчилар 6-синфда адибнинг шахси, ҳаёти ва ижоди билан танишганлар. Ўқувчиларга адибнинг болалик давридаги хотираларидан парча ўқиб бериш яхши самара беради: *“Бир мен эмас, назаримда, ҳар бир бола тезроқ товуши йўғон бўлишини, дорилмуаллимин талабалари сафида шарқий айтиб, шулардай қадам ташлаб, шаҳар кўчаларини ларзага келтириб юришни орзу қиларди... Назаримда шу ҳафта ичида товушим дўриллай бошлади. Ўзимда*

йўқ хурсанд эдим...”. “Товуши йўгон бўлиш” нимадан далолат беради? Адиб нима учун бундан “ўзида йўқ хурсанд” экан? Еттинчи синф ўқувчилари ўзларида шундай ҳолатни кузатишганмикин? Ўқувчиларга берилган бундай саволлар уларга адиб шахсини, ўзлигини очиб беради. Агар орада ўхшашлик топилса, бу ўхшашлик, яқинлик ўқувчига Қаҳҳорни суйдиради. Чунки инсон ўзига ўхшаган одамни яхши кўради. Ёзувчи билан ўқувчи орасида ўхшашликлар қанча кўп кашф этилса, улар орасидаги ҳиссий алоқа шунчалик кучая боради. Китобхон адибни қанчалик тушунса, чуқур билса, қанча яхши кўрса, асарларини шунчалик севиб ўқийди.

Адабиёт дарсларида ўқитувчи имкон қадар ёзувчи-шоирларнинг шахси билан боғлиқ фазилатларини кўпроқ очишга йўналтирувчи материалларга таяниши мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, адибнинг шахсини очиш учун у ҳақдаги хотиралардан ҳам фойдаланиш мумкин. Масалан, таниқли адабиётшунос олим, профессор Умарали Норматов шундай хотирлайди: “*Ҳамиша ҳақ гапни айтгани, ҳақиқат олдида ҳеч кимни, ҳатто ўзини ҳам аямагани учун бўлса керак, ҳақиқий истеъдод эгалари, гарчи ундан қаттиқ дакки эшитсалар-да, барибир унга талпинаверардилар...*”. Ёки ёзувчи Омон Мухтор адибнинг фазилатлари ҳақида гапириб шундай дейди: “*Абдулла Қаҳҳорнинг одамларга буюк муҳаббати бор эди. Адиб ёруғ дунёда инсоннинг гўзаллигини, қудратини ўғирлаб, уни заиф қилиб қўядиган қусур-иллатлар ҳам умр йўлида учраб туришини жуда эрта анлаган. Юрагида мана шу қусур-иллатларга қарши нафрат туғилиб, бу нафрат куйдирувчи қаҳр ўтига айланди. Абдулла Қаҳҳор бу дунёда инсоннинг фақат гўзал, фақат қудратли бўлишини орзу қилган, шундай инсонларни тўлиб-тошиб улуғлаган эди*”. Ёхуд Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари юзасидан номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган олим ва ёзувчи Пиримқул Қодиров шундай ёзади: “*Тушунчалар ва савиялар ҳар хил бўлишига Абдулла ака табиий бир нарса деб қарар, эътирозларга ҳам камоли жиддият билан қулоқ солар, баҳслашганда товушини кўтармасдан, маданий кишиларга хос бир камтарлик билан мулоийм овозда гапирар эдилар*”. Ўқувчилар мана шу хотиралардан Абдулла Қаҳҳор шахсига хос бўлган фазилатларни аниқлашга йўналтирилади. Бунинг учун улар таҳлилга тортилади.

Сўнгра асарни ўқишга киришилади. Ҳикоя матнини ўқитувчининг ўзи ифодали ўқиб беради. Асар мутолааси учун

биринчи соатнинг 13 — 14 дақиқаси сарфланади. Ўқиш жараёнида ҳар бир ўқувчи ўз китобидан ўқитувчи билан бирга маттни овоз чиқармай ўқиб бориши зарур. Бундан, аввало, ўқувчининг мутолаа жараёнида бошқа нарсаларга чалғимаслигига эришилса, иккинчидан, ўқувчининг кўзи ўқишга, қулоғи ифодали ўқиш оҳангига мослашиб боради. Бундан ташқари, ўқитувчи асар матни устида ишлаш пайтида ўқувчиларнинг вақтини тежаш, асардаги муҳим ўринларга, саволларга жавоб бериш мақсадида таяниш мумкин бўлган жойларга белги қўйиб кетишни кўрсатиб боради. Асар устида иш бошланганда ўқувчилар диққат қилиши мумкин бўлган ўринларни кўп қидирмай, белгиларга таяниб иш тутадилар.

Ўқувчиларнинг Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижоди ҳақида билганлари, 6-синфда ўрганганлари “Бемор” ҳикоясидаги тимсоллар ва етакчи қарашларни эслаб ўтиш “Минг бир жон” ҳикояси таҳлилига замин ҳозирлаб боради. Ўқувчилар эътибори ҳар иккала асардаги умумий ва фарқли жиҳатларга қаратилгани маъқул. Бу ҳикояларнинг икковида ҳам бемор аёл тасвирланган. У аёлларнинг бир-биридан фарқи нимада? Нима учун биттаси ўладиган бўлмаса ҳам, “узилди”-ю, иккинчисида ҳаёт белгиси бўлмаса ҳам, яшаб кетди? Ўқувчиларга бундай саволларнинг берилиши, уларни ҳаётий ҳақиқатлар ҳақида мулоҳаза юритиб кўришга ундайди. Кимнингдир назарида Сотиболдиннинг хотини ночорлик, камбағаллик, маънавий қашшоқликнинг қурбони бўлди. Мастурани эса ўз ишончи, иродаси, бардошлилиги, эрининг муҳаббати сақлаб қолди.

Кимдир бу тақдирнинг иши экани, инсон бу дунёдан насибаси узилса, бир сония ҳам яшай олмаслигини, агар умри тугамаган бўлса, ўн йил тўшакка миҳланиб ётгандан кейин ҳам бир сабаб билан тузалиб кетиши мумкинлигини айтади. Лекин инсонга хос бўлган ирода, матонат, бардош сингари тушунчаларни болалар илғашлари, англашлари, фарқлашлари керак. Адабиёт дарсларининг вазифаси ҳам шу. Қолаверса, ўқувчилар эътибори ҳикоялардаги воқеалар содир бўлган ижтимоий муҳитга ҳам, қаҳрамонларнинг савиясига ҳам жалб этилиши керак.

Сўнгра бевосита “Минг бир жон” ҳикояси матнининг таҳлилига ўтилади. Ҳикоя мутолааси давомида ўқувчи кўнглида аввалига қўрқув, раҳмдиллик ҳисси пайдо бўлади. Ҳамширанинг Мастура ва унинг эри ҳақидаги: “Томоғидан ҳеч нарса ўтмайди. Овқатни қорнига қўйишади... Тешиб қўйилган... Баъзан ўзи қўяди, баъзан

эри” тарзидаги ахбороти, “*қорнига тез-тез сув тўпланиши*” худди Ҳожи акада бўлганидек, кишида ачиниш ва ҳайрат ҳиссини уйғотади. Кейинчалик ҳикоя қаҳрамонининг шериклари билан Мастуралар палатасига кириб, беморни кўргандаги аҳволи, касалнинг “*Кўз ўнгимизда хаста эмас, ўлик, ҳақиқий ўлик, сап-сариқ тери-ю суякдан иборат бўлган мурда ичига ботиб кетган кўзларини катта очиб ётарди... Тобутда ётган ўликнинг қўлими, оёғими, бирор сабаб орқасида бехосдан қимирлаб кетса, киши қай аҳволга тушади? Унинг ўлим пардаси қоплаган юзида чақнаб турган кўзларини кўрган одам худди шу аҳволга тушар эди*” тарзидаги ҳолати тасвири, Ҳожи аканинг вазияти, Мастуранинг ҳазили, айниқса, кулгисининг “*хунук, одамнинг этини жимирлатадиган даражада хунук эшитилиши*” ифодаси кишининг кўнглига кўрқув солади. Шу маънода Ҳожи акани тушуниш мумкин. Ҳожи ака билан кирган бошқа беморлар ҳам ундан кам аҳволга тушганлари йўқ. Фақат улар ўзларини идора қилиб, тутиб олдилар, холос. Ўлим ва у билан боғлиқ ҳолатлар тасвири ҳамиша кишида кўрқув ҳиссини пайдо қилади. Лекин ҳолатнинг бундай аниқ-тиник тасвири кишидаги кўрқувни янада орттиради. Ҳикоя ўқиб бўлингандан кейин эса, айниқса, айтувчининг Мастура ва Акрамжонлар билан учрашуви тасвири, Мастуранинг “*қўлидаги олмани устма-уст бир неча мартаба тишлаши-ю*”, “*чала чайнаб ютиши*”, “*оламга табассум сочиб*” кулиб туриши, унинг кулиб: “*Кучимни, ғайратимни тўла-тўкис ишга солиб юрибман*”, — дегани юқоридаги кўрқув, ачиниш ва раҳмдиллик ҳисларини кўнгилдан ҳайдайди. Ўрнида қувонч, ҳайрат, ҳавас туйғуси, қониқиш ҳисси пайдо бўлади.

Ўқувчилар ўз кўнгиллариغا назар солганда, унда шундай ҳислар кечганини илғашлари мумкин. Фақат бу туйғуларни сўз билан ифодалаб беришга ҳаммаси ҳам қодир эмас. Адабиёт ўқитувчисининг вазифаси — уларни шундай туйғуларни илғашга, фарқлашга ва сўз билан ифодалашга ўргатишдан иборат. Бунинг учун ўқувчилар диққатини мана шундай ўринларга қаратиш, уларни ҳар бир ҳолат ҳақида фикрлашга ўргатиш лозим бўлади. Чунки қозоқ шоири М.Шохонов айтганидек “... тарбиянинг энг олий кўриниши туйғулар тарбиясидир”¹.

¹. Ч.Айтматов, М.Шохонов. Чўққида қолган овчининг оҳи-зори. — Т.: «Шарқ», 1998. 45-б.

Ҳикояда ёзувчи маҳоратини кўрсатувчи “енгчадан бошини чиқариб турган сичқон”, “қоронғида қўрққан кишининг ашула айтиши”, “қорни силкиняпти”, “шайтонлаб қолаёзди”, “унг кўзини ўйиб бериш”, “туғаб қолган шамдай липиллаб ёнаётган жон” сингари ифодаларга ўқитувчи ўқувчилар эътиборини қаратиши мумкин. Фақат ҳар бир ибора нимани ифодалаётганини, унинг замирида нималар тасвирланаётганини ўзлари айтишлари талаб қилинади. Шундай тасвири оддий сўзлар билан ифодалаганда қандай бўлиши, Қаҳҳор нега бундай иборани қўллагани ҳақида ўқувчилар ўйлаб кўришлари мақсадга мувофиқдир.

Инсон ҳамиша табиат билан узвий алоқада яшайди. Шодлигида ҳам, қайғуга чўмганда ҳам табиат кўйнидан далда қидиради. Шунинг учун бадиий асарларда ҳам табиат инсон билан бақамти тасвирланади. Абдулла Қаҳҳор “*Шу пайт офтоб яна булут остига кирди-ю, палатани шом қоронғилиги босди... Офтоб яна ёришди. Мастурани баралла кўрдик...*” сингари тасвирларни ҳикояга бекорга киритмаган. Адиб уларни ўқувчига кўпроқ таъсир кўрсатиш, зийрак тортириш учун киритган. Агар ҳамроҳлар палатага кирганларида офтоб хонани ёритиб турган бўлса, улар киришлари билан беморни бояги аҳволда кўришса, вазиятнинг тасвири китобхонга унчалик кучли таъсир этмаслиги мумкин эди.

Мастуранинг касали — тиббиёт тили билан айтганда саратон. Томоғидан овқат ўтмай қолиши — халқ тилида “қилтомоқ”нинг белгиси. Лекин Мастуранинг шундай касалдан тузалиб оёққа туриб кетиши бу бадиий тўқимами? Ҳаётда шундай ҳодисалар бўладики, инсон ақли унинг олдида ожиз. Мастура кўнглига шундай катта ишонч ва иродани солиб қўйган ҳам Яратганнинг ўзи. Ўн йилдан бери тўшакка миҳланиб ётган касалнинг орадан уч йил ўтгач, тузалиб, от чоптириб юриши инсон ақлига сиғмайди. Лекин ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз.

Мастуранинг: “...мен одам боласининг ўлим кутишига, яъни дунёдан умид узишига ишонмайман. Ҳатто тилдан қолган касалнинг розилик тилашиб қарагани ҳам дунёдан умид узгани эмас, балки “розилик тилашга ҳали эрта” деган умид билан, дунёда тенги йўқ, тимсоли йўқ зўр умид билан қарагани деб биламан”, — деган қатъий фикри ҳам унинг иродалилигидан, ҳаётга ишончидан далолат беради. Бундай гапларни фақат ҳаётни қаттиқ севган, ўз иродасига ишонган одам айта олса керак.

Миррахимовнинг Мастура ҳақидаги: “*Бу хотиннинг жони битта*

эмас, минг битта! Ҳозир тугаб қолган шамдай липиллаб ёнаётган жони башарти сўнган тақдирда ҳам, қолган мингтасини ёқиб кейин сўнади. Мана шу ишонч Мастурага ўлимни йўлатмайди”, — деган гаплари ҳикоянинг асосини, моҳиятини ташкил этади. Иродали инсонни ҳеч нарса синдирилмайди. Ўз қарашига эга бўлган, шахсий дунёқараши мавжуд инсон ҳеч қачон букилмайди. Мирраҳимовнинг ушбу гаплари таҳлил этилганда ўқувчиларнинг хулосалари шу маънода шакланса, адабиёт ўқитувчисининг ютуғи.

Мирраҳимовнинг Акрамжон ҳақидаги: “...бу йигитнинг рафторидан йигитлик умри минг битта-ю, шундан биттасини Мастурага қурбон қиляпти”, — деган гапига, “Мастуранинг бир минутлик оромни учун ўнг кўзини ўйиб бериш”га тайёр эканлигига асосланиб, Акрамжон шахсини, муҳаббати даражасини баҳолаш мумкин.

Одатда, инсон бошига ташвиш тушганда ўзгаларнинг ширин сўзига, тасаллисига эҳтиёж сезади. Кишиларнинг ҳамдардлиги, юпанчи кўнглига бир оз бўлса-да ором бағишлайди. Мастуранинг ҳикоячига қарата: “...кечирасиз, атайин сўрашмаган эдим... Сўрашсам, менга тасалли берар эдингиз... Ўша тобда менга тасалли бериб айтилган ҳар бир сўз ишончимга раҳна, кўнглимга гулгула солиши мумкин эди”, — дейиши қанчалик ҳаётий чиққани ҳақида ўқувчилар мулоҳаза юритиб кўрсинлар. Ўзларининг шахсиятларидан келиб чиқиб муносабат билдирсинлар. Балки, иродаси кучли одамлар ўзгаларнинг тасаллисидан, ҳамдардлигидан ғашланар? Буни ўқувчилар ўз шахсиятларидан келиб чиқиб таҳлил қиладилар. Ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг ўз фикрида қолишига шароит яратиши керак. Чунки фикрларнинг қолипга солиниши ўйламасликка ўргатиб қўяди.

Уйга вазифа сифатида “Инсон иродаси, матонати ва ишончи” мавзусида ҳаётий тажрибага таяниб иншо ёзиш берилса, уни ёзиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Қолаверса, бундай иншо ёзиш дастурнинг талабида кўрсатилмаган. Лекин бу кўнглида адабиётга, бадиий сўзга муҳаббати бор ўқувчиларнинг қўлидан келади. Бундай ишни ҳаммадан талаб қилиш ҳам педагогик жиҳатдан тўғри бўлмайди. Ўқитувчи топшириқни бериши, иншо ёзган ўқувчиларнинг ишларини ўқиб, тақриз ёзиши ва баҳолаши, қолганларни таҳлилдаги иштирокига қараб баҳолаши мумкин.

“Адабиёт муаллими” ҳикоясини ўрганиш

Ўн биринчи синфда Абдулла Қаҳҳор ижоди бўйича “Адабиёт муаллими” ҳикояси, “Ўтмишдан эртақлар” қиссаси ва “Сароб” романидан парча ўрганиш кўзда тутилган бўлиб, уларга дастурда беш соат ажратилган. Бу беш соатнинг биринчиси “Адабиёт муаллими” ҳикоясини, иккитаси “Ўтмишдан эртақлар” қиссасидан берилган парчани ва қолган икки соат “Сароб” романидан олинган лавҳаларни ўрганишга бағишланади.

Ҳикоя қаҳрамони Боқижон Бақоев тимсоли асосида ҳаётдан ўз ўрнини тополмаган инсон шахсини тадқиқ этиш мазкур дарснинг тарбиявий мақсадини ташкил этади. Ҳикоянинг мазмуни билан таништириш ва адабиёт муаллимининг савиясини англашиш дарснинг таълимий мақсадидир. Дарсда **тадқиқот методидан** фойдаланилади.

“Адабиёт” дарслигида¹ Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида беш бетга яқин батафсил маълумот берилган. Маълумки, ўқувчи олтинчи, еттинчи синфларда адибнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумотга эга бўлган, унинг шахси билан маълум даражада таниш. Лекин 11-синф дарслигида ҳам адибнинг шахсини очадиган, уни ўқувчиларга янада яқинлаштирадиган маълумотлар бор.

Шунинг учун ўқитувчи “Ойбек” мавзусини ўтиб бўлгандан сўнг, уй вазифаси сифатида дарсликда берилган Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги мазкур биографик маълумот билан танишиб, ундан адиб ҳақида билганларига қўшимча нималар мавжудлигини аниқлаш вазифаси топширилади. Шунда бесамар такрорларга йўл қўйилмайди, вақтдан унумли фойдаланилади. Ўқитувчи дарсликдаги маълумотларга қўшимча равишда таниқли кишиларнинг Абдулла Қаҳҳор ҳақидаги хотираларидан ҳам фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу ўқувчиларни улуг адибга яқинлаштиради. Ўқувчи ва адиб орасидаги масофа қанча қисқарса, китобхонга муаллифни англаш шунча осон бўлади. Қолаверса, бу нарса адабиёт дарсларининг самарадорлигини таъминлайди.

Таниқли адиб Одил Ёқубов Абдулла Қаҳҳор ҳақида шундай хотирлайди: “Соч-соқоли оппоқ, юзидан алломалик нури балқиб

¹ Н. Каримов, Б. Назаров, У. Норматов, Қ. Йўлдошев. Адабиёт. 11-синф учун дарслик. — Т.: «Ўқитувчи», 2004.

турган хушрӯй бу инсон бир қарашда қаттиққўл, сиёсатли одамга ўхшаб кўринарди. Уша пайтлардаги адабий муҳитда кенг урф бўлган “Абдулла Қаҳҳор нима деркин?” деган ибора бизнинг авлодимизга мансуб ёзувчиларни шошмашошарликдан, ўз ишига бепарволик билан ёндашишдан огоҳлантириб, қўлёмаларимизни қайта-қайта кўчиришимизга мажбур қилар эди. Ҳақиқатда эса у ғоят зийрак, кўнгли очиқ, адабиётга кириб келаётган ёрқин ва истеъдодли ёшларни астойдил қўллаб-қувватлайдиган инсон эди...”.

Шу ўринда ўқитувчининг ўқувчиларини О. Ёкубов чизгиларига асосланиб Абдулла Қаҳҳор портретини ўқишга йўналтириши улар учун қизиқарли машғулот бўлиши табиий. Агар ҳеч ким ўқий олмаса, бу топшириқни уй вазифаси сифатида қолдириш ҳам мумкин. Биринчи дарснинг 8 – 10 дақиқаси шуларга сарфланади.

Сўнгра ўқитувчи “Адабиёт муаллими” асари матнини ўқишга киришади. Агар синфда адабиётни, сўзни чуқур ҳис қиладиган ўқувчи бўлса, у аввалги дарсда берилган топшириқ асосида ҳикояни ифодали ўқишга тайёрланиб келиши, асар матни билан ўртоқларини таништириши мумкин. Ҳикоя мутолаасига кўпи билан ўн дақиқа вақт сафланади. Дарснинг қолган 20 – 22 дақиқаси унинг таҳлилига бағишланади. Мажмуада матн устида ишлаш учун учта савол-топшириқ тақдим этилган. “Адабиёт муаллими” ҳақидаги дарслик муаллифининг ҳикоя матнини қайта баёни ва адабиётшунос сифатидаги мулоҳазаларидан иборат уч абзацлик материал билан ўқувчиларни асар моҳиятига олиб кириш, Бақоевнинг шахсиятини тадқиқ қилиш мумкин эмас. Агар ўқитувчи шуларни такрорлаш билан чегараланиб қолса, бу дарс шаклланаётган шахснинг маънавиятига ҳеч нарса бермайди. Такрорлар ўқувчини адабиёт дарсларидан бездириб кўяди. Шунинг учун ўқитувчи мазкур дарсни “Тадқиқот” методида ўтказиб, ўз фикри ва дунёқараши шаклланиб улгурган 11-синф ўқувчиси учун қизиқарли бўлган тарзда ташкил қилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўрни келганда тадқиқот методи ҳақида фикр юритиб, шуни айтиш мумкинки, бу метод ўқув жараёнида бир мунча қийин ҳисобланган назарий йўналишдаги масалалар кўтарилишини эътиборда тутати. Бунда билим олишнинг юқори босқичида таълимнинг самарали изланиш усулларини мустақил равишда қўллаш талаб қилинади. Бу дарсда ўқувчилар далиллар тўплаш ва

уларни назарий таҳлил қилиш, тизимга солиш, умумлаштириш каби амалий ишларни бажарадилар. Тадқиқот методида “кашфиёт” аввалдан ажратилган материал билан танишувдан кейин, фактик материаллар умумлаштирилганидан сўнг амалий иш жараёнида содир бўлади. Бунда тадқиқот топшириғи — ўқув-билув фаолиятининг тўлиқ туркумини ўқувчилар ўқитувчи раҳбарлигида ўзлари бажарадилар. Яъни маълумот тўплашдан тортиб, уни таҳлил қилиш ва янги билимларни мустақил равишда амалиётда қўллашгача бўлган ишларни бажариш назарда тутилади.

Ўқувчилар томонидан фактик материал тўплаш тадқиқот методининг зарурий қисмларидандир. Шундай далиллар мавжудки, уларни дарс жараёнида, айниқса, адабиёт дарсларида кузатиб, тўлиқ очиб бўлмайди. Агар ўқитувчи ўқувчилар ихтиёрига шундай далилларни тавсия этиб, уларни таққослаш, тизимга солиш, умумлаштиришни топширса ҳам, бу билан масаланинг муаммолик даражаси камаймайди. Тадқиқот методи қўллашда барча топшириқларнинг ўқувчилар томонидан бажарилиши муҳим ҳисобланади. Топшириқларни бажаришда бирор босқичи тушиб қолса, топшириқ ўз тадқиқийлик даражасини йўқотиб қўйиши мумкин.

Тадқиқот методидан фойдаланилганда савол-топшириқлар тадқиқот жараёнининг сўнгги босқичида, ўқувчиларнинг кўпчилиги тадқиқот масаласини ҳал қилиб бўлгандан кейин қўйилади. Бу билим даражаси кучли ўқувчилар учун мўлжалланган метод бўлиб, муаммоларни ҳал этиш мобайнида ўз-ўзини назорат қилиш ва текшириш ишлари ҳам амалга оширилади. Билим даражаси нисбатан паст бўлган ўқувчиларга уларнинг имкониятлари даражасидаги топшириқлар берилади. Ўқитувчи фақат қўллаш мумкин бўлган усулларни тўғри аниқлаши, мустаҳкамлаш керак бўлган ўқув материали мазмунини тўғри белгилаши талаб этилади.

“Адабиёт муаллими” ҳикоясини тадқиқот методидан фойдаланиб, ўрганилганда изланиш объекти Боқижон Бақоев ҳисобланади. Бу дарсада ўқувчилар “**Боқижон Бақоев тарбиялаган ўқувчилар қандай одам бўлади?**” деган мавзуда педагогик тадқиқот ишларини олиб боришади.

Дарсликда Бақоевнинг қиёфаси “ҳажвий” дея тавсифланади. Ҳикоя таҳлилига юқоридаги назар билан ёндашилса, бу ҳажвий

эмас, фожиавий масалага айланади. Тадқиқот ишларини ўқувчилар Бақоевнинг табиатини ўрганишдан, яъни далиллар тўплашдан бошлайдилар. Ўқитувчи ўқувчиларни муаллимнинг табиатига хос бўлган иллатларни аниқлашга йўналтириш учун қуйидаги саволларни беради: “Сигирнинг қулоғига қана тушиши муносабати билан Бақоевнинг табиатига хос қандай хусусиятларни илғадингиз?”, “Унинг чўчқа боқиш ҳақидаги фикрининг турфалигини нималарда кўриш мумкин?” Ҳар иккала савол асосида ўқувчилар Бақоевнинг табиатидаги бир сифатни очишлари керак: бу уларнинг далили бўлади.

Ўқувчилар Бақоев Ҳамиданинг афсусланишига жавоб бермай, ўз гапини гапираверишига таяниб, унинг яна бир сифатини очишлари керак бўлади. “Хўш, у нега Ҳамиданинг гапига муносабат билдирмади? Бу ундаги қандай феъл-атвордан далолат беради? Бақоевнинг Ҳамидага қарата: “*Канцеляриянинг эшигига практикум деб ёзиб қўйибди. Тўғри эмас. Практикум, минимум, максимум — булар ҳаммаси лотинча ёки лотинчага яқин сўзлар*”, — деганига асосланиб, унинг билим даражасига баҳо беринг” топшириғи ўқувчиларни сергак торттиради. Улар билганича муносабат билдирадилар, ўз далилларини дафтарларига ёзиб борадилар.

Бақоевнинг табиати билан боғлиқ деталларни тўплашда давом этиб: “Ҳамиданинг Чехов асари таҳлили билан боғлиқ саволига Бақоевнинг “*томдан тараша тушгандай*” савол билан жавоб бериши нимадан далолат беради?” ва “Сиз адабиёт муаллимининг “*Савол аломати ҳамма вақт “ми”дан кейин қўйилади*” деган фикрига қандай қарайсиз?” каби саволлар ўртага ташланади. Ўқувчилар ўз жавобларида Бақоевнинг нутқига эътибор қарата олишлари керак. Бу билан улар ҳикоя муаллифининг ёзувчилик маҳоратига ҳам баҳо берган бўладилар.

“Бақоевнинг ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ: “*...сартарош бўлмаса одамлар маймун бўлиб кетар эди. Маймун жуни тўкилиб, одам бўлган. Бу ҳақда Энгелснинг фикри бор...*” дейишига муносабат билдиринг” топшириғи ўқувчиларни ҳикоя қаҳрамонининг аёллар олдида ўзини билимли қилиб кўрсатаётганини, аслида, энг саводсиз киши ҳам бундай фикрламаслигини, Бақоев шундай қарашлари билан ўзининг билимсизлигини фош этаётганини тушуниши керак. У ўзини билагон фаҳмлаб, атрофидаги одамларнинг барчасини аҳмоқ деб ўйлайди. Унинг гапларига

Ҳамиданинг ёки хотини Мукаррамнинг эътироз билдирмагани, қарши гап айтмагани билимсизликдан эмас, бунинг қандайдир бошқа сабаблари борлиги ва бу сабаблар қандай бўлиши мумкинлиги ҳақида ўқувчилар ўйлаб кўришлари керак.

Ўқитувчининг: “Бақоевнинг Ҳамида қистовидан сўнг “буржуа реализми” ҳақидаги гапларидан нимани тушундингиз?” — деган саволи ўқувчилар диққатини асарнинг шу қисмига қаратишга мажбур қилади. Улар, шубҳасиз, ҳеч нарса тушунмайдилар ва бу билан Бақоевнинг яна бир сифатини очадилар: Бақоев — мужмал одам. Бу сифат ҳам дафтарга ёзилади. Сўнгра ўқитувчи ўқувчилар диққатини Бақоев тушунолмаётган мойк ва хўрознинг саҳарда қичқирishi сингари “чуқур қараш”ларга қаратади. Бу чиндан ҳам чуқур қарашми?

“Адабиёт муаллими Бақоевни хотини Мукаррам билан таққосланг. Эр-хотиннинг Чехов ҳақидаги гапларига асосланиб, уларнинг билим даражасини баҳоланг” топшириғи ўқувчилар диққатини яна асар матнига қаратади. Улар ўз муносабатларини билдирадилар. Мукаррамнинг ким бўлиб ишлаши ҳақида ҳикояда ҳеч нарса дейилмаган. Лекин у Пушкин ва Чехов ҳақида эри, адабиёт муаллими ўртоқ Бақоевдан кўра тузукроқ билимга эга. Бундан ташқари, унинг асоси ҳам бор. Мукаррам “*кутубхонада Чеховнинг Максим Горкий билан олдирган сурат*”ини кўрган. Сўнгра ҳикоядаги “*Ўртоқ Бақоев бир оз ўнғайсизланди*” деган жумлага эътибор қилинади. Шу ўринда ўқувчиларнинг диққати: “ўнғайсизланиш” сўзи ўринлими? Ёки бу сўз ҳам Бақоевнинг бирор сифатини очиш учун қўлланилганми?” деган фикрга қаратилмоғи керак бўлади.

Адабиёт муаллимининг Чеховлар ҳақидаги фикри, адиблар ҳақидаги “узундан-узоқ” маърузасига таяниб ўқувчилар у ҳақидаги хулосаларини айтадилар. “Адабиёт муаллими” ҳикоясининг бош қаҳрамони Боқижон Бақоевнинг характери билан боғлиқ барча деталлар аниқлаб бўлингач, ўқитувчи тадқиқот объекти билан боғлиқ масалани ўқувчиларга эслатади: “Боқижон Бақоев тарбиялаган ўқувчилар қандай одам бўлади?”.

Ўн биринчи синф ўқувчилари бу ҳақда ўз мактаб ҳаёти ёки бошқа билганларидан келиб чиқиб, салмоқли фикрлар айтиши табиий. Ўқитувчининг вазифаси уларнинг фикрлари, муносабатлари ва хулосаларини назорат қилиб боришдан иборат.

Энг муҳими, фикрлар аниқлиги, мантиқчилигидир. Фикрлар тугаганда дарс ҳам якунига етади. Ўқувчилар дарс жараёнидаги фаоллигига, айтилган фикрларнинг мантиғига, далилларнинг асослилигига қараб баҳоланади. Гап шундаки, ўқувчиларнинг барчаси Бақоев ҳақида ўз хулосасига эга бўлган ҳолда дарсни якунлашлари керак. Ўқитувчи уларнинг фикрларини хулосалашга, ҳамманинг қарашларини умумлаштириб бир қолипга солишга масъул эмас.

“Адабиёт” дарслигида А. Қаҳҳорнинг ўрганишга тавсия этилган навбатдаги асари юзасидан “Ўтмишдан эртақлар” қиссаси номли мақола тақдим этилган. Унда қиссанинг яратилиш тарихи, асарда акс эттирилган ҳаётнинг ёрқин ва қора томонлари тасвири сабаблари, унинг қисқача мазмуни, адиб яшаган давр талқини ўз ифодасини топган. Ўқитувчи ўқувчиларга уй вазифаси сифатида мана шу мақолани ўқиб келишни топшириши мумкин. Шунда улар кейинги дарсга асар ҳақида маълум тасаввурга эга бўлган ҳолда келадилар. Бундан ташқари, Қаҳҳор портретини ўқиш масаласини ҳам эслатиб қўйиш зарар қилмайди. Суратни “ўқиб келган” ўқувчилар муносиб баҳоланадилар. Бу алоҳида ўқувчиларнинг қобилиятини ривожлантирадиган уй вазифаси ҳисобланади. Уни ҳаммадан талаб қилиш шарт эмас.

Кейинги икки дарс “Ўтмишдан эртақлар” қиссасидан олинган парчани ўрганишга бағишланади.

“Ўтмишдан эртақлар” қиссаси ва “Сароб” романини ўрганиш

11-синф “Адабиёт” мажмуасида¹ “Ўтмишдан эртақлар” қиссасидан келтирилган “Хур қиз” номли парчани ўқиш учун унга ажратилган биринчи соатнинг 18 — 20 дақиқаси сарф бўлади. Парчани ўқитувчи ўқиши ёки бадиий сўзни нозик тушунадиган ўқувчиларга ўқитиши ҳам мумкин. Қисса мутолааси давомида ўқувчиларнинг барчаси матнни ичдан ўртоқлари билан биргаликда ўқишлари, зарур ўринларга белги қўйиб боришлари талаб қилинади. Ўқувчилар эътибори қаратилиши лозим бўлган

¹ Н.Каримов, Б.Назаров, У.Норматов, Қ.Йўллошев. Адабиёт. 11-синф учун дарслик. — Т.: «Ўқитувчи», 2004.

Ўринларни муголаа давомида ўқитувчи кўрсатиб ўтади, улар белги қўйиб борадилар. Ўқиб бўлингач, ўша ўринлар савол-топшириққа айлантирилганда ўқувчи уларни қидириб вақт сарфламайди. Масалан: "...одам қўшилган эшак арава"нинг тагига чизинг", "...Ғаффоржон менга қайрилиб ҳам қарамади..."нинг тагига чизинг", "беморнинг ҳолати тасвирланган ўринларга белги қўйинг" ва ҳоказо.

Мутолаадан сўнг парча таҳлилига киришилади. Мажмуада асар матни юзасидан иккитагина савол тақдим этилган. Бу саволлар билан ўқувчиларни унинг моҳиятига йўналтириш мумкин эмас. Таҳлил ўқувчилар диққатини адибнинг болалиги ўтган давр ва ўша даврдаги Қўқон тасвирига қарашидан бошланади. Ўқитувчи томонидан берилган "Эшак аравага одам қўшилганига қандай қарайсиз?" саволи ўқувчиларни зийрак торттиради. "Заводнинг гудогини адиб қандай тасвирлаган?" тарзидаги савол ҳам ўқувчиларни ўша давр ҳақидаги тасавурларининг ойдинлашувига кўмаклашади. Камбағаллик, ночорлик инсонни ҳар куйга солишини ўқувчилар "Бемор" мисолида англаб етишган. Қўқондай катта шаҳарда тирикчилик қилиш учун одамларнинг эшак арава билан ҳаммоллиқ қилишлари ҳам ўша давр учун оддий ҳол бўлган экан. Акс ҳолда, адиб бу ҳодисани ҳайрат ёки таажжуб билан баён қилган бўларди. Одам қўшилган аравалар ҳақида шунчаки ахборот бериб кетилади. Лекин заводнинг гудоги оддий қишлоқ боласини ҳайратга солади. Ўқувчилар бу ҳайратнинг сабаблари ҳақида мулоҳаза юритсинлар. Фикрларини ўртоқлашсинлар.

Сўнгра Ғаффоржоннинг мактабдан келган лавҳасига ўқувчиларнинг диққати қаратилади. "Ғаффоржон табиатан қандай бола? Бунинг сабаблари нимада деб ўйлайсиз?" деган савол ўқувчилар эътиборини матннинг шу бандига йўналтиради. Унинг ўзи тенги меҳмон болага *"қайрилиб ҳам қарамай, китобини сўрига улоқтир"* иши, *"ерга ўтириб, оёқларини типирчилатиб йиғи бошлаш"* и, *"сидирғасига эмас, дам олиб-дам олиб"* йиғлашига, кўчада кичик Абдулла кутган гапни айтмагани ва кетишаётганда меҳмонга "юр" демаганига асосланиб қандай бола эканини баҳолайдилар. Хўш, бунинг сабаби нимада? Бу саволга жавобни болалар ўзлари топсинлар. Сўнгра уни ҳикоя қаҳрамони билан таққослайдилар. "Ҳикоя қаҳрамони кичик Абдулла қандай бола?" деган саволга ўқувчилар асар матнидан бола Абдулланинг табиатига хос бўлган сифатлар тасвирланган ўринларни бутун матн бўйлаб

қидирадилар. Бу жараён ўқувчилар миллатнинг буюк адиби Абдулла Қаҳҳорнинг шахсини кашф этишлари, ўрганишлари учун зарур.

Ёзувчининг зийрак назари Гаффоржон билан боғлиқ бирорта ҳам детални назаридан қочирмагани унинг сергаклигидан далолат беради. Қолаверса, Гаффоржондан қандайдир илиқ муносабатни кутишининг ўзи Абдулланинг бошқача бола эканини кўрсатади. Ўқитувчининг: “Абдулланинг атайи “Савринисонинг азоб-уқубатларига сабаб бўлаётган” Азимни кўргани бориши унинг табиатидаги қандай хислатдан далолат беради?”, “Ёш Абдулла нима учун бутун ҳикоя давомида дадасининг онасини “бувим” демаган? “Аммам”, “амаким” деган-у, бувисини “кампир” деган? Ёки адибнинг ёдидан кўтарилганми?” каби саволлари ўқувчиларни мулоҳаза юритишга, шу билан бирга адибга хос характерни чуқурроқ илғашга ёрдам беради. Шундай суҳбатлар билан асарни ўрганишга режалаштирилган дарснинг биринчи соати якунланади.

Иккинчи дарсда ўқувчилар диққати Савринисонинг шахсига қаратилади. Савринисо ҳалокати сабабининг омилларини ўқувчилар ўқитувчининг йўналтиришлари асосида ўзлари топишлари керак бўлади. Мана шу жараён эвристик методдан фойдаланилган ҳолда ташкил этилади.

Эвристик методда ўқитувчи ўқув материалининг суҳбат методида фойдаланган тизимини тўлиқ қўллаши мумкин. Фақат унинг таркибини қўшимча билим олишга йўналтирадиган саволлар билан тўлдиради. Бунда савол-топшириқларнинг мантиғи ва вақт масаласида бир оз тафовут бўлади. Эвристик методда етакчилик қиладиган саволлар қўзғатувчи аҳамият касб этади.

Эвристик методдан фойдаланилганда ўқитувчининг фаолияти хабардорликни талаб қилувчи саволлар қўйиш, таққослаш учун материаллар тақдим этиш, қўзғатувчи саволлар бериш, фаразларни тасдиқловчи фикрларга йўналтириш, кузатиш учун топшириқлар таклиф этиш, таҳлилга ундаш, мураккаб қиёслаш ва таққослаш учун амалий топшириқлар бериш, муаммоли саволлар қўйиш, муаммоли вазиятлар ҳосил қилиш кабилардан иборат бўлади. Ўқувчиларнинг фаолияти эса билимларни вазиятга мувофиқ қўллаш, таққослаш, ўз фаразларини илгари суриш ва асослаш, кузатиш, фаразнинг тўғрилигини текшириш, таҳлил, исбот, тушунтириш, кузатишлар, билимларни янги, ўзгарган вазиятларда қўллаш, далиллар келтириш, таҳлил, қиёс, умумлаштириш,

мустақил амалий ишлар таҳлилини амалга ошириш, муаммоли вазият таҳлили ва муаммони ҳал этишни ўз ичига олади.

Ўқувчилар Савринисонинг фожиаси билан боғлиқ ҳаётий ҳақиқатлар ва унинг омилларини аниқлашлари учун ташкил этилган дарсда бериладиган биринчи савол қуйидагича бўлади: “Савринисо табиатан қандай қиз? Фикрингизни матндан мисоллар келтириб асосланг”. Савринисо — ўша даврнинг барча қизлари сингари инон-ихтиёри уйдаги катталарнинг қўлида бўлган, тарбияли, меҳрли, эътиборли қиз. Савринисонинг кичик меҳмонга эътибори, “сиз”лаб мурожаат қилиши, анчадан кейин яна чиқиб совунак ҳолва бериши, дадасини чақириб келишни Гаффоржоннинг қуролига айтиши, Азимга кўнгли йўқлигини келинойиси келгунча ҳеч кимга айтолмагани унинг табиатан синиқ, андишали қиз эканини кўрсатади. «Савринисонинг Азимга тегмаслик учун қилган хатти-ҳаракатлари нималардан иборат бўлди? У курашнинг бошқача усулини қўллаши мумкинми?» У даврда бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди. Бундай тарбиянинг ўзига хос ижобий, салбий жиҳатлари мавжуд. Бу ҳақиқатларга ўқитувчи ўқувчиларнинг эътиборини қаратгани маъқул. Ким нимага кўшиладию нимани рад этади? Ўқувчилар фикрларини айтиш билан бирга нега шундай деб ўйлаётганини ҳам асослашлари зарур. Шахс шаклланиши учун айtilган қарашларни исботлай билиш муносабат билдиришдан кўра ҳам аҳамиятлироқ.

Сўнгра ўқувчиларнинг диққати бу тўйдан ким кўпроқ манфаатдор эканига қаратилади. Савринисонинг “*узил-кесил гапни айтиб қўйган*” отаси Абдурахмонми, ўлим тўшагида ётган, қайнонаси ҳар сафар олдига кирганда: “*тўй қачон, кўзим очиқлигида қизимнинг тўйини кўриб қолай*” дейдиган онасимми ёки “*вақтида одамларга ўтказиб қўйган*”, “*тўянага ким нима олиб келишини билмаса*” ҳам, “*ўз қўли билан берганини ўз қўли билан олиш*”ни истаётган кампирми? Бу саволга жавоб бериш жараёнида ўқувчилар ҳар учала тимсолга ўзига хос назар билан ёндашадилар. Ўз фикрларини айтадилар. Асарда тасвирланган ҳаётий ҳақиқатнинг бадий тасвирини ўзлари кашф этадилар.

Ҳикоячи атай бориб Азимни кўриб келди. Азим — “*...ҳар елкасига тўрттадан одам сиғадиган...*”, дадасининг гапича “*босқончимисан босқончи, босқонни бошидан ошириб уришни Кўқонда расм қилган*”, “*шўх, хушчақчақ, аскиячи*” йигит. Қўлида ҳунари

ҳам бор. Ягона айби — “хийлагина дудуқ”. Ҳикоячи куёвга ўз муносабатини билдирмайди. Бундай хулосани ўқувчининг ўзи чиқариши керак. Савринисонинг Азимга кўнгил қўя олмаётганига сабаб нима экан? Ўқувчилар бу ҳақда ҳам мулоҳаза юритиб кўргани маъқул. Шу тариқа уларда дунёқараш, шахсий муносабат шаклланиб боради.

“Ўз қизини ўладиган даражада урган отанинг қизи тобути кўтарилаётганда беҳуш йиқилиши лавҳаси ишонарли чиққанми? Нима деб ўйлайсиз, нега у қизининг кўнгли билан ҳисоблашмади? Бунинг сабаблари нимада?” Ўқитувчи томонидан берилган бундай саволлар ўқувчиларни отанинг характерини очишга йўналтиради. Унинг гап-сўзи, ўзини тутиши, бунинг омиллари ҳақида фикрлашадилар. Қариндошлар Савринисонинг вафотидан кўра отанинг қамалиб кетмаслиги учун кўпроқ қайғуради. “Улар нега ўзларини бундай тутди?” Ўқитувчи томонидан бундай саволларнинг қўйилиши ўқувчиларни ўйлашга мажбур қилади. Бу саволларга ҳар бир ўқувчи ўз савияси, оилавий муҳити ва дунёқарашини доирасида жавоб беради, албатта. Фақат улар ўз фикрларини далиллашга уриниб кўришларини талаб қилиши лозим.

Ушбу вазифаси сифатида “Савринисо жаҳолат қурбоними ёки даврнинг?” мавзусида эссе ёзишни топшириш мумкин. Бу топшириқ ихтиёрий ушбу вазифаси ҳисобланади ва уни ҳамма бажариши шарт эмас. Бундай ёзма ишлар адабиётга, бадиий ижодга, кўркем сўзга майли бор ўқувчиларнинг қобилиятини ривожлантириш учун берилади. Қўшимча равишда “Адабиёт” дарслигиндаги “Сароб” романи ҳақидаги маълумотни ўқиб келиш топширилади. Бу ҳамма ўқувчилар учун умумий вазифа ҳисобланади ва уни ҳамма бажариши шарт. Чунки кейинги икки дарсда “Сароб” устида ишланади. Асар ҳақида маълум тасаввурга эга бўлиш унинг матнини чуқурроқ англашга кўмаклашади.

“Сароб” романидан берилган парчани ўрганишга ажратилган дарс баъдий-дидактик таҳлил тарзида ташкил этилади.

Ушбу биринчи синфда “Сароб” романини ўрганиш учун икки соат режалаштирилган. Биринчи дарс романидан келтирилган парчанинг мутолааси билан бошланади. Мажмуадаги беш бетлик парчанинг ифодали мутолааси учун 13 — 15 дақиқа сарфланади. Сўнгра ўқувчиларнинг дарсликда ўқиб “Сароб” ҳақида билганларига қўшимча равишда роман муаллифи, бошқа таниқли кишиларнинг қўйидаги фикрларига ўқувчилар диққати тортилади:

“Сароб” йигирма йил танқид таъқибида бўлди. “Сароб” илк бор босилганида сочимда бирорта ҳам оқ тола йўқ эди. “Сароб” туфайли йигирма йил бошимда танқид таёғи синавериб сочимнинг бирорта ҳам қора толаси қолмади... “Сароб” теварагидаги жанжаллардан бирида туппа-тузук танқидчи мени мурсосага чақириб: “Туфлаб ташланган нарсани қайта оғизга олмай қўя қолинг энди”, деганида ўзимни тутолмай: “Авалло, “Сароб” ҳечам туфлашга лойиқ асар эмас. Агар туфлаш керак бўлса, “Сароб”ни тан олмайдиган, тушунмайдиган, жоҳил, нодон, чаласавод, демагог танқидчиларнинг юзига туфлайман!” деб юборибман. Замон “Сароб” халққа, жамиятга керак асар эканини тасдиқлади”.

Абдулла ҚАҲҲОР

“Ганнинг ростини айтсам, “Сароб” менинг энг сеvimли китобим эди. У мени адабиётга бошлаб кирган устозим эди. Мен учун бутун дунёда “Сароб”га тенг келадиган китоб йўқ эди. Уни ёмон дейдиган одамни бўғиб ташлашга тайёр эдим! Мен “Сароб”ни ёддан айтиб бера олардим. Сўзма-сўз, жумлама-жумла, бирор сўзини тушириб қолдирмай ёдакасига айта олардим”.

Саид АҲМАД

“Учрашувлардан бирида Абдулла акага бир китобхон:

— “Сароб” романингизнинг давомини қачон ўқиймиз? — деб савол бериб қолди.

— Ўқимайсиз, — деди муаллиф, — чунки ёзмайман. Ёзмаслигимнинг сабаби шуки, бу роман мени қаритди. “Сароб” учун мени ўн саккиз йил тепкилашди. Ваҳоланки, тепкилашнинг ҳеч бир ҳождати йўқ экан. Роман ҳақ экан, мана қайта юзага чиқди. Агар тепкилашмаганида ёзган бўлардим...

Кўрдингизми, жаҳолат туфайли бутун бошли асар дунёга келмай қолди...”

А. АБДУРАЗЗОҚ

Тилда, тасвирий воситалар танлашда Абдулла аканинг энг яхши анъаналарига кучим етганча амал қилдим, аммо “Сароб”даги психологик теранликлар, айниқса, салбий қаҳрамонларни ичдан кўрсата олиш санъати мен эгаллашим маҳол бўлган марралар эди...

Пиримқул ҚОДИРОВ

Абдулла Қаҳҳор ҳақида замондошларининг хотиралари билан ўқувчиларни шунчаки хабардор қилиб қўйишнинг ўзи камлик қилади. Ўқитувчи ўқувчилари билан бу эсдаликларнинг моҳиятига кириши, шу орқали “Сароб” романининг адиб ҳаётидаги ва адабиёт оламидаги ўрнини англашга уришиб кўриши керак бўлади. Ўқувчилар асардан келтирилган парча билан танишди. Хўш, унда бунчалар катта танқидга асос бўладиган, муаллифнинг сочида “...бирорта ҳам қора тола қол” дирмаган, “туфлашга лойиқ” нима бор? “Сароб”нинг қайси жиҳатлари учун муаллифни “...ўн саккиз йил тепкилашди?” деб ўйлайсиз? Мана шундай масалалар ҳақида мулоҳаза юритиб, ўз қарашларини тиниқлаштириб олган ўқувчилар билан биргаликда асар таҳлилига киришилади. Асар таҳлили иккинчи дарсга қолдирилади. Биринчи дарснинг охирида қизиққан, хоҳлаган ўқувчиларга “Сароб”ни тўлиқ ўқишни топшириш мумкин. Асар билан тўлиқ танишган ўқувчиларгина у ҳақда батафсил фикр юритишлари мумкин.

Афсуски, мажмуада келтирилган парча ўқувчиларга асарнинг қудратини, жозибасини англашга имкон бермайди — парча нотўғри танланган. Асарнинг шунча шов-шувларга, кескин танқидларга сабаб бўладиган ўринларидан парча келтирилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Лекин ҳамон шу лавҳа тақдим этилган экан, ўқитувчи-ўқувчиларнинг асардан олинган мана шу қисм устида ишлашдан бошқа иложлари йўқ. Мажмуада келтирилган парча таҳлили устида иш бошлаб ўқитувчи ўқувчилари диққатини Раҳимжон ва Мунисхонларнинг бир-бирларига бўлган муносабатларига қаратади. “Саидийнинг бошқа қизлар билан кулиброк сўзлашганини кўрса чехраси бузиладиган” Мунисхон нима учун истаган пайтда ундан юз ўгириб кета олишига ишонади? Ўқувчилар бу ҳақда мулоҳаза юритиш асносида Мунисхоннинг шахсини очиб, ўрганиб борадилар. Саидийнинг Мунисхонни “ўзининг кўзидай эҳтиёт қилиши”, унинг янгилик ҳақидаги қарашлари, хотин-қизларга муносабатдаги фикрларининг оригиналлиги ўқувчиларга унинг шахсини аниқлашга кўмаклашади. Саидийнинг гул ва кўнгил ҳақидаги қарашларига ўқувчиларнинг диққати қаратилади. Бу гапларга уларнинг муносабати сўралади. Саидий гул ва кўнгил тимсолида нимани назарда тутган бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳам ўйлаб кўришлари зарар қилмайди.

Мунисхоннинг бой ҳонадон фарзанди эканлиги парчада ўз

аксини топган. Лекин қарашлари ҳамоҳанг, зиёли, ўзи учун ҳар нарсага тайёр йигитга: “*Мен сенга тегмайман-да!*” — дейишига сабаб нима? Орадаги тафовут нимада? Муниҳоннинг Саидийга кўнгли бўлгани ҳолда унинг туйғулари билан ўйнашади. “Саидийнинг фожиасига Муниҳоннинг мана шу сўзлари сабаб бўлиши мумкинми? Раҳимжон нима учун Муниҳоннинг гапига илжайиб қўя қолди? Саидийнинг ўрнида бошқа одам бўлса, нима қилиши мумкин эди?” Ўқитувчи томонидан ўртага ташланган шу каби саволлар ўқувчиларни асар матни устида қандайдир даражада ишлашга йўллайди. Агар ўқувчилар орасида “Сароб”ни тўлиқ ўқиганлар бўлса, асар устида ишлаш бир оз осонроқ бўлади, албатта.

Гап шундаки, ўқувчилар “Сароб”ни ўрганишга ажратилган дарсда “Адабиёт” дарслигидаги муаллифлар фикрини қайта айтиб бермаслиги керак. Дарсликда асарнинг тўлиқ матни хусусида гап боради. У матнда Абдулла Қаҳҳор ҳам, “Сароб” ҳам йўқ. Улар ҳақидаги қарашлар, ёзувчи услубининг талқини, адибнинг ёзувчилик маҳорати ҳақидаги қарашлар, хулосалар мавжуд. Шунинг учун ўқитувчи имкон қадар асарнинг ўзи билан ишлаши мақсадга мувофиқ бўлади.

Уй вазифаси сифатида “Қаҳҳор қаҳрамонларининг қиёсий таҳлили” мавзусида уй иншоси ёзишни топшириш мумкин. Иншода Сотиболди (“Бемор”), Саидий (“Сароб”), Акрамжон (“Минг бир жон”) тимсоллари ўзаро, Савринисо (“Ўтмишдан эртақлар”), Мастура (“Минг бир жон”), Муниҳонларнинг (“Сароб”) тимсоллари ўзаро таққосланиши мумкин. Бу ҳам ихтиёрий уй иши ҳисобланади. Уни бажариш ҳамма учун мажбурий эмас.

“Тил ва адабиёт таълими” журнали
2007 йил, 4-сон; 2008 йил, 7-, 10-сонлар.

МУҲАММАД ЮСУФ ИЖОДИДАН БИР ДАРС

Муҳаммад Юсуф ижодидан намуналар умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи “Адабиёт” дарслигида¹ берилган бўлиб, дастурда уларни ўрганиш учун бир соат белгиланган. Ўқитувчи истаса, ўзига берилган имкониятдан фойдаланиши, бирор мавзудан бир соатни ажратиб олиб М. Юсуф ижодини ўрганишга қўшимча қилиши мумкин. Дарсликда шоирнинг “Меҳр қолур”, “Юртим, адо бўлмас армонларинг бор” ва “Биз бахтли бўламиз” шеърлари ўрин олган.

Ҳар қандай адиб асарини ўрганишдан олдин ўқувчи унинг шахси ҳақида имкон қадар мукаммал маълумотга эга бўлиши мақсадга мувофиқ. Шунда унинг ижодини тўлароқ англаш имконияти ортади. Шунинг учун ҳам “Адабиёт” дарсликлариди аввал адибнинг таржимаи ҳоли билан боғлиқ маълумотлар тақдим этилади. 8-синф дарслигида М. Юсуф ҳақида берилган бир бетлик ҳасби ҳол ҳам унинг ҳаётий фаолиятини очиб беришга қаратилган. Лекин бу билан ўқувчи унинг шахси ҳақида мукаммал маълумотга эга бўлолмайди. Дарсда ўқитувчи томонидан шоир шахси билан боғлиқ бир қатор қўшимча маълумотларнинг тақдим этилиши ўқувчига унинг асарларини тўлароқ англаш, чуқурроқ таҳлил қилиш имконини ҳам беради. Бундан ташқари, миллий тарбияшуносликда: **“Миллатнинг улуғ вакиллари ўз шахси билан ўсиб келаётган авлоднинг маънавияти шаклланиши ва ривожланишига таъсирини кўрсатади”** деган фикр мавжуд. Ўсиб келаётган авлод улуғлар шахси кўмагида ўз-ўзини тарбиялаши учун уларнинг шахсига хос сифатларни кўриши, улардан таъсирланиши, ҳайратланиши ва баҳра олиши керак. Улуғлардаги ўқувчини ҳайратга солган, уни таъсирлантирган, ҳавасини уйғотган сифатлар унга аста-секинлик билан “юқа” бошлайди. Ҳайрат ва ҳавас таъсирида шоир шахсидаги ўқувчи туйғуларини жунбушга келтирган фазилатлар ҳеч қандай ташқи зўриқишларсиз, ортиқча панд-насиҳатларсиз ўқувчи шууридан, руҳиятидан жой ола бошлайди. Адибларнинг бундай фазилатларини ўқувчиларга очиб бериш адабиёт ўқитувчисининг вазифаси ҳисобланади.

¹ А. Каттабеков, Қ. Йўлдошев, Ҳ. Болтабоев. Адабиёт. 8-синф учун дарслик-мажмуа. — Тошкент: «Ўқитувчи», 2002.

Шоир Муҳаммад Юсуфнинг шахси, аввало, унинг асарларида ўз ифодасини топган. У бир шеърда ёзади:

Осойишта ўтмади бирор бир куним,
Талашиб, тортишиб толмадим.
“Оғирроқ бўл, иним, сипороқ бўл, иним...”
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Кувроқ бўл дейишди, ёлгон ҳам керак,
Жиндек хушомад ҳам. Қулоқ солмадим.
Оқни оппоқ кўрдим, қорани қора,
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Кўнглим сезар, энди бу ёғи аён,
Дўстларим... дўстларим, бахтли боламан:
Ё Тошкентда энг зўр шоир бўламан,
Ё уйимга кетиб, ариқ бўйида
Ялпизга суяниб ўлиб қоламан!

“Меҳрим қаттиқ бўлди...”

Ўқувчилар шоир шахсиятини тўлароқ ҳис қилишлари учун ўқитувчи аввал бу мисраларни ўқиб бермоғи, сўнг ўз қарашлари-ю хулосаларини ўқувчиларга уқтириш йўлидан бормай, шоирнинг мисраларга тизилган ўзлигини савол-топшириқларга айлантирмоғи лозим: Биринчи тўртликдан шоирнинг шахсига хос қандай сифатни илғаш мумкин? “*Оғирроқ бўл, иним, сипороқ бўл, иним...*”, “*Кувроқ бўл, ёлгон ҳам керак. Жиндек хушомад ҳам*” деган гаплар кимга тегишли деб ўйлайсиз? Нима деб ўйлайсиз, шоир: “...ўз билганимдан қолма” ганида тўғри қилганми, йўқми? “*Кўнглим сезар, энди бу ёғи аён*” билан шоир нима демоқчи деб ўйлайсиз? Шу мисралар замирида шоир шахсига хос бўлган қандай сифатларни илғадингиз? Ўзингизни у билан таққосланг. Муҳаммад Юсуф ўзи айтмоқчи: “*Тошкентда энг зўр шоир*” бўлолдими, йўқми? Буни сиз нималарда кўрасиз?

Қуйидаги икки мисрада шоир ўғил болаликка ўз муносабатини билдиради:

Шамолдек ел, сувдек тош,
Ҳеч кимсага букма бош...

“Ўғил бўлсанг...”

Ўғил болага шундай талаб қўя билишга руҳан ўғил бола бўлган одамгина қодир. Чин шоир илоҳий ҳолатга тушганда, фақат қўнғлидаги ҳисларини мисраларга айлантириб қоғозга тўқади. Сатрларда ички “Мен”нинг дардлари ифодаланади:

Туғилдингми, демак, ён,
Шоҳ қўлида занглаган
Қилич бўлма ҳеч қачон,
Ундан кўра битта мард
Қул қўлида ханжар бўл!..

Ўғил бўлсанг, ўжар бўл,
Қолган бари сафсата.
Эркинг учун, эл учун
Номусингга навкар бўл.

“Ўғил бўлсанг...”

Демак, бу мисралар шоирнинг ўзлиги ифодаси. Ўқувчилар бу ҳақда ҳам ўйлаб кўрсинлар. Бундай гапларни одам шунчаки айтиши мумкинми? “Ўғил бола”нинг сизга қўяётган талабига қандай қарайсиз? Талаб сизга маъқулми, йўқми? Нега?

Муҳаммад Юсуфнинг илоҳий туйғу — муҳаббатга ҳам муносабати ўзгача: “*Севдингми, юз йил кут, Севмасанг унут!*” дейди “Севги садоси” шеърисида. Севиш ва бу ҳақда аюҳаннос солиш, бизнинг йигитларимиздек транспорт ўриндиқларига, кўча-кўйларда деворларга севгилисининг исмини ёзиб қўйиш ўғил боланинг иши эмас. Шоирнинг назарида ҳатто буни маъшуқага айтиш ҳам шарт эмас. Чунки унингча:

“Суймоқ бу — гулханда куймоқ азали”.
Мен беун севарман, мен жим севарман,
Қиёматгача шул сукутдадирман.

“Мен биттадурман”

Ўқитувчи бу мисралар билан ўқувчиларни таништириб, сўнг уларга: “Шу мисраларга таянган ҳолда шоир шахсига хос бўлган сифатларни очишга уриниб кўринг” деган топшириқни бериши мумкин.

Мен ҳам ўша-ўшаман, нодон,
Гоҳ панд бериб, гоҳида панд еб.
Машҳур қил, деб сўраб Худодан,
Тиламабман бахтли бўлай деб...

“Мудлао”

Шоирлар бир қараганда, ҳамма қатори оддий одамдай, бир қарасангиз, илоҳий бир яратикдай. Бир қарасангиз, жайронларга туғишган оға бўлишни, капалаклар билан ошно тутинишни, момоқаймоқларга жўра бўлишнию қизгалдоқларга ҳимоячи бўлишни истаган кўнгил соҳиби, бир қарасангиз, ҳамма қатори оддий инсоний бахтга ташна. Ўқитувчи ўқувчиларига юқоридаги мисралардан шоир шахсини қидиришга ундовчи савол билан мурожаат қилгани маъқул. Буюклик ва оддийликни ўқувчиларнинг ўзлари, ўз даражаларида фарқлаганлари маъқул.

Йўлинг кесиб ўтсам — ўзим хижолат,
Узоқдан бир сени кўрсам, кифоят,
Бир нигоҳинг ўзи менга иноят,
Сени ҳеч ким севолмайди менингдек.

“Сувпарӣ”

Ўқувчилар юқоридаги мисраларга таяниб “*йўлини кесиб ўтиш*” тушунчаси ҳақида мулоҳаза юритсинлар. Бу қандай тушунча? У халқимизда қандай вазиятларда қўлланади? Шунга асосланган ҳолда шоирнинг миллий қадриятларга муносабати ҳақида ўйлаб кўрсинлар. Маълумки, ўзбекларда аёл зоти эркак кишининг олдиан кесиб ўтмаслик одати бор. Бу эркакка бўлган ҳурмат белгиси саналади. Лекин бу одатнинг муҳаббатга қандай дахли бўлиши мумкин? Муҳаббат туйғусини ҳар ким ўзича тушунади. Ошиқнинг маъшуқасига ҳурмати шунчаларки, унинг олдиан чиқишга қудрати етмайди. Мободо, чиқа олган тақдирда ҳам, ҳаяжон, хижолат қуршовида қолади. Ўқувчилар ҳеч ким шундай сева олмаслигига ишонишармикин? Бугунги шеърхон ҳам шундоқ сева олармикин? Ўқувчи шулар ҳақида ўйлаб кўрсин, муносабат билдирсин.

Муҳаббат, эй, гўзал изтироб,
Эй, кўҳна дард, эй, кўҳна туйғу.

Кўкрагимга кўлингни тираб,
Юрагимни тўкиб кўйдинг-ку.

“Муҳаббат”

Юқоридаги тўртликни ўқиб бергач, ўқитувчи ўқувчилар эътиборини шоирнинг сўз кўллашдаги, фикр ифодалашдаги маҳоратига қаратади. Муҳаббат аталмиш қадим туйғунинг шоир қалбига кириб келиши ифодаси тасвири ҳам ўқувчиларнинг назаридан четда қолмагани маъқул. Бу М. Юсуф шеъриятининг ўзига хос хусусиятидир.

Сўрсанг, севинчимдан ўкинчим кўпроқ,
Сендан-да кумушроқ сочимдаги оқ.
Йилим келмай туриб, йилим кетмоқда,
Кўзда табассум-у, киприкда титроқ...

“Янги йил кечаси” шеъридан олинган бу мисралар шоир ҳаёти, турмуш тарзининг тасвири. Ўқувчилар бу мисраларни ўзлари шарҳласинлар. Улардан шоирнинг шахсини қидирсинлар. Бунинг учун ўқитувчи тарбияланувчиларига қуйидаги савол-топшириқлар билан муурожаат қилгани маъқул: “Сендан-да кумушроқ сочимдаги оқ” деб шоир кимга муурожаат қилаётир деб ўйлайсиз? “Кўзда табассум-у, киприкда титроқ...”ни қандай тушуниш мумкин? Ўйлаб кўрингчи, кўзда нима ифодаланаётир-у, киприкда ниманинг тасвири?

Менинг кимлигимни билмайди ҳеч ким,
Мен бир ғалатиман, мен алоҳида.
Кўзимнинг ёшини келади ичким,
Тилимни чайнагим келар гоҳида.

Менинг кимлигимни билмайди ҳеч ким,
Мен бир ғалатиман, мен алоҳида.
Кийиклар қонини келади ичгим,
Чаённи чайнагим келар гоҳида.

“Сурат”

Шоирнинг алоҳидалигини ўқувчилар нималарда кўришдийкин?
Шу ҳақда уларнинг фикрини сўраш лозим. Кўпчилик

адабиётшунослар “асл шеърни оддий сўзлар билан ифодалаб бўлмайди” дейишади. Шоирнинг шахси билан боғлиқ юқоридаги мисралар унинг ўзи ҳам ўзлигини тўлиқ англай олмаганидан далолатмикин? Бу ўзни англаш — Оллоҳни англашдир деган ғоя билан боғлиқмикин? Ўқувчи шулар ҳақида ҳам ўйлаб кўрсин. У М. Юсуфни ўзининг даражасида англашга ҳаракат қилса, шоир ёрдами билан ўз шахсини англашга, аниқлашга интилса, бу шоирнинг ҳам, ўқитувчининг ҳам катта ютиғи ҳисобланади.

Осмон чўкиб қолди бу оқшом,
Юлдуз бўлиб ёғилди бир сас.
Бир маҳалла нигоҳни кўрдим:
Яшаш керак, севиш шарт эмас.

Ёқа ушлаб қолсин кўрганлар,
Оловларга отгум уни, бас.
Ёниб кетсин чарсиллаб қалбим,
Севиш керак... Яшаш шарт эмас!

“Осмон чўкиб қолди бу оқшом...”

Юқоридаги мисраларда шоирнинг алоҳидалиги қайси мисраларда ўз аксини топган? Ўқувчи “*бир маҳалла нигоҳ*”нинг фикрига қўшиладими ёки шоирнинг гапигами? Нега? Шоир: “*Оловларга отгум уни, бас*” деганда нимани назарда тутаётир деб ўйлайсиз?

Тошқанда... тоғларни соғиндим,
Яшил ўтлоқларни соғиндим.
Сув бўйига чордона қурган
Момоқаймоқларни соғиндим.

...Ўзим ташна, менга ташналар —
Ялангоёқларни соғиндим.
...Туйдим тиллабармоқ қизлардан,
Қўли қадоқларни соғиндим.

“Соғиндим”

Юқоридаги мисраларда ифодаланган шоир соғинган тимсолларга таяниб, унинг шахсига баҳо беришга ўқувчиларни ундаш лозим. У қандай одам?

...Менимча, дунёда энг катта гуноҳ —
Соғинмай яшамоқ...

...Менимча, дунёда энг катта гуноҳ —
Ҳиринглаб шеър ўқимоқ!

“Ёлгон ёмон дерлар...”

8-синф тарбияланувчилари савоб ва гуноҳ каби тушунчаларни яхши фарқлайдилар. М. Юсуфнинг назаридаги гуноҳларга эътибор қилишсин. Улар ҳам “соғинмай яшаи” ва “ҳиринглаб шеър ўқиши”ни гуноҳ ҳисоблашадими ёки бу улар учун ноаниқ, тушунарсиз туйғуми? Ўзи шеър қандай ўқилади? Агар тушунишолмаётган бўлишса, шоир билан ўзлари ораларидаги масофани чамалаб кўришсин. Шу тариқа ўзлигини ўрганишади.

Тунлари чароғон шундай шаҳарда,
Ҳеч кимга кўнглимни ёра олмайман.

Мен сиз айтгандайин ҳаммани севдим,
Ҳаммага ишондим, мана, оқибат...

“Онамга хат”

Юқоридаги мисралар ўқиб бўлингач, ўқувчиларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилган маъкул: Шоир ёзганидек онасининг гапига кириб ҳаммани яхши кўргани, ҳаммага яхшилик қилгани, ҳаммага ишонгани қандай оқибатларга олиб келди деб ўйлайсиз? Бу яхшими, ёмонми? Нега? Онанинг боласига ўргатганлари тўғрими ёки нотўғри? Бундай фазилатларнинг рағбатини шоир кимдан олиши мумкин деб ўйлайсиз? Сиз қандайсиз?

“Оқибат” шеърдан олинган қуйидаги мисралар ўқувчиларга ўқиб эшиттирилади. Одамлар орасида оқибат йўқолиб бораётганидан ёзғирган шоир:

Бўлди. Шеърим тамом. Ахир, сиз чидаб
Юрибсиз-ку, нима қипти мен юрсам.
Томоғимда жоним турибди йиғлаб,
Жондан айриламан энди гапирсам!.. —

дейди. Одамлар орасидаги меҳр-мурувват, муҳаббат, оқибат сингари фазилатларнинг йўқолиб бораётганидан шоир шунчалар қийналган, миллатга хос бўлган бу иллатлар уни руҳан адо қиляпти. У айтмоқчи, биз ҳеч нарсани билмагандай чидаб юрибмиз. Нега? Бунинг сабаблари нимада? Нега шоир чидай олмаяпти? Бу унинг шахсидаги қандай сифатдан далолат беради? “*Томоғимда жоним турибди йиғлаб*”ни қандай тушуниш мумкин, сизнингча? Шундай саволлар ўқувчилар орасига ташланса, улар бу ҳақда ўйлаб кўрсалар, руҳиятларида шахслик сифатлари шаклланишида фойдадан ҳоли бўлмас.

Шоир бир шеърда ёзади: “*Мен ёруғ дунёда кўнглим қулиман...*” Хўш, ўқувчилар буни қандай тушунишади? Инсон ақлининг, манфаатларнинг етимида юргани маъқулми, кўнглининг бошқарувида бўйсунгани тузукми? Қай ҳолатда яшаш маъқул бўлади? Нега? Кўнглига кул бўлган шоир уларга ёқптимикин ёки йўқ? Сабаби нимада?

Бўлди. Шеър ёзмайман. Мен энди одам,
Оддий одам бўлиб яшай бошлайман.
Кўнглимга ачиниб агар ёзсам ҳам,
Тунда ёзиб, тонгда ўтга ташлайман!

“Иқроп”

Юқоридаги мисраларни ўқувчилар шарҳлашга уриниб кўришсин. М. Юсуф фақат шеър ёзгани учун оддий одамлардан фарқ қиладими ёки бунинг бошқа асоси борми? Шеър ёзадиган ҳамма одамлар “мураккаб”ми?

Ўқувчилар ўзларининг Муҳаммад Юсуф шахси ҳақида чиқарган хулосалари, қарашларини миллатнинг бошқа улуғлари қарашлари билан солиштириб кўришлари учун уларга куйидагиларни ўқиб бериш мумкин:

Муҳаммаджоннинг шеърлари бир қарашда жуда содда, жўн ёзилганга ўхшайди. Аммо унга ўхшатиб ёзиб кўринг-чи! Қўлингиздан келмайди! Унинг осон ёзиладиганга ўхшаб кўринган мисралари мухлисларини йиғлатади, кулдиради, ўз оғушига тортади. Одамлар унинг шеърларини ҳаяжонсиз ўқимайдиган, китобларини дўконлардан қидириб юрадиган бўлдилар.

...Муҳаммаджон камдан-кам туғиладиган истеъдод эгаси бўлиш билан бирга, камдан-кам шоирда учрайдиган хислат эгаси —

шуҳратдан қочадиган камсуқум инсон эди. У шуҳратни эмас, шуҳрат унинг ортидан қувиб юрарди...

Озод ШАРАФИДДИНОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони.

Муҳаммад Юсуф одамларнинг эсини оғдирган, ўйлатган, кулдирган, йиғлатган, топган-туганини одамлар устидан сочган сахийлик тимсоли эди. Қўлида борини дўстларига тарқатмагунча, чўнтаги бўшаб қолмагунча, кўнгли тўлмасди. У ҳаммани ўзига дўст деб биларди...

...Аслини олганда, асл шоирлар узоқ яшамайди. Энди шоирнинг ўзи йўқ. Аммо Муҳаммад Юсуф деб аталмиш Шеърят бор...

Саид АҲМАД,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

...Чинакам шоирнинг қалбида соғир қуш доимо сайраб туради, деган гапни кўп бор эшитгандик. Ўша қуш айнан Муҳаммадjonнинг кўнглида ошиён қурганига мен астойдил ишонаман. Унинг чехраси ҳам, кўзлари ҳам ҳамиша латиф бир куйни хониш қилгандай эди... Биринчи навбатда, Муҳаммадjon яхши инсон эди. Яхши инсонларга бошқалар ҳамиша талпинадилар...

У обрў талашмас, иззатини сўроқлаб югуриб юришдан ор қиларди. Худди шундоқ яхши инсонгина яхши ижодкор бўлиши табиий ва қонунийдир...

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ шоири.

...Инсон умрининг охиригача илм ўрганади. Аммо шеър ёзиш илми шундай илмки, уни ўрганиб бўлмайди. У туғма бўлиши керак. Муҳаммадjon туғма истьедод соҳиби эди... У жуда тез оғизга тушди. Унинг танқидий йўналишдаги луқмалари, кичик-кичик қатралари, бир қатор мақолалари Мақсад Яхшиев номи билан газеталар саҳифаларида тез-тез кўзга ташланадиган бўлди. Сал кейинроқ Муҳаммад Юсуф номи билан элга танилди. У омадли йигит эди... Муҳаммадjon устозлари, яқинлари, фарзандлари

хотирасида яхши ишлари, хокисорлиги, меҳрлилиги билан муҳрланиб қолса, мухлислари тасавурида йиғлатадиган, ўйлатадиган, эзгуликка етаклайдиган шеър у қўшиқлари билан яшаб қолади.

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон Қаҳрамони,
Ўзбекистон халқ шоири.

Муҳаммад! Мен агар Сиздан Ватанни севишни, ёрни суйишни, ардоқлашни, асрашни ўргандик, десам бу сўзимда қилча муболага йўқ... Сиз атрофингиздаги бор мавжудотни жондан севдингиз, қарқарали, нашъу намоли севдингиз. Ўпай десангиз, “пешонаси йўқ қизғалдоқ”дан тортиб, “кўзи тўла ёш жайрон”гача... Айтганларингизнинг ҳар сатрига кўзмунчоқ тақиб яшадик.

Орият, гурур, тиклик ҳақида ҳар биримиз имконимиз қадар нималардир деганмиз, лекин бирортамиз: “Бўйним эгилгунча кетсин узилиб!” демаганмиз. Бундай баланд пардаларга шу қадар осонлик билан чиқиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди...

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири.

Ўқувчилар шу тариқа шоирнинг шахсияти билан таништирилгач, кейинги соатда унинг дарсликда тақдим этилган асарлари устида ишлашга ўтиш мумкин. Шеърларни ўқитувчининг ўзи ўқиб беради. Сўнг дарсликдаги саволларни бирин-кетин ўртага ташлаб, уларга ўқувчиларнинг жавобини талаб қилади.

Уй вазифаси сифатида ўқувчиларга шеърлардан хоҳлаганини ёд олишни топшириш мумкин. Бундай ишларда ўқувчи хоҳиши билан ҳисоблашиш фақат фойдали бўлиши аниқ.

МИЛЛИЙ РУҲНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВОСИТАСИ

Бу йил табаррук олтмиш ёши нишонланаётган Тоғай Мурод адабиётга ўз тили, ўзигагина хос бўлган услуби билан кирган эди. Агар у ҳаёт бўлиб, ижодини давом эттирганида, ўзбек ўғлонлари маънавий камолотини таъминлашда катта бир мактаб яратган, миллатнинг маънавий бурилишига янада салмоқлироқ ҳисса қўшган бўларди. Тоғай Муроднинг миллий гурур, эркаклик шаъни улугланган, инсон «мен»ини жамики ингичка туйғулари билан очиб бера билган асарлари, гарчи насрда бўлса ҳам, Саид Аҳмад айтмоқчи “қўшиқлар”дир¹. Битикларининг ўзига хос ўқилиш оҳанги худди халқ дostonлари сингари қуйилиб келаверади.

Одатда, тақрор кишининг ғашига тегеди. Лекин Тоғай Муроднинг тақрорлари кўнгилга хуш ёқади. Адибнинг асарларини ўқиган ҳар бир ўзбек қалбида гурур, фахрланиш ҳисси пайдо бўлади. Қиссалар ўқилган сари Сурхондарё, Қашқадарё воҳаси йигитлари кўнглида, тўғрироғи, қониди қаттиқ ўрнашиб қолган эркакча гурурнинг илдиэларини англагандай бўлади киши. Тоғай Муроднинг ҳар бир сўзи кўнгил қаъридан дард бўлиб ситилиб, изтироб бўлиб сизиб чиққан. Ўзи суймаган, ўзи куймаган, ўзи ёнмаган қалб ўзга қалбларни суйдириб, куйдириб, ёндирилмагани сингари муаллиф куйиклари билан ўқувчисини куйдиради, унга ўз оғриқларини “юқтиради”. Ёзувчи қисса ва романларининг китобхонлар қалбида чуқур ўрнашиб қолишининг сабаби ҳам шунда.

Тоғай Мурод асарлари олтинчи синф “Адабиёт” дарслигидан ўрин олган. “Юлдузлар мангу ёнади” қиссасидан бобларни ўрганиш учун дастурда **уч соат** ажратилган.

Ўрни келганда шуни ҳам айтиш жоизки, дарсликда дастурга амал қилинмаган ўринлар мавжуд бўлиб, асардаги олтинчи синф ўқувчиларининг ёш психологиясига, интеллектуал имкониятларига мос тушадиган лавҳалар — Шукур ва Темир тимсоли билан боғлиқ саҳналар киритилмаган. Асарнинг Шукур ва Эрмад полвонлар курашига Бўри полвон баковуллиқ қилган

¹. Тоғай Мурод. От кишнаган оқшом. Сўз боши. Т.: «Шарқ», 1994.

бобида ҳам полвон бобонинг ҳалоллиги, мардлиги, ҳақиқатгўйлиги тўлалигича акс этган. Дарснинг имконияти кўтарса, ўқитувчи мана шу лавҳалардан фойдаланиши дастурий талқинга мувофиқ келади.

Биринчи дарсда қисқа вақт давомида Тоғай Муроднинг шахси аниқлаб олинади, яъни ёзувчининг таржимаи ҳоли устида сўзлашилади. Одатда, ёзувчи ва шоир ҳақида биографик маълумот дарсликда берилгани боис дарсда ҳасби ҳолларни ўрганишга вақт сарфлаб ўтирилмайди. Лекин ўқувчилар Тоғай Муроднинг услубини тушунишлари, ёзганларини ҳис қилишлари, шу билан бирга, дарснинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида ҳам унинг таржимаи ҳолига алоҳида тўхталиш керак бўлади. Ўқувчилар муаллифни шахс сифатида қанча яхши билсалар, унинг услубини, асарлари тилини шунча осон қабул қиладилар. Ўзини яхши кўриб қолсалар, ёзганларини ҳам севиб ўқийдилар. Дарсликни варақлаганда шу нарса аён бўлдики, унда ёзувчининг шахсиятини очишга етарлича урғу берилмаган. Тоғай Муроднинг таржимаи ҳолини ўрганишга ажратилган дарсда ўқитувчи дарсликдаги маълумотномага қўшимча равишда “Отамдан қолган далалар” китоби охирида берилган “Мен” автобиографик мақоласи ва “Мен қайтиб келаман” номли адиб ҳақидаги хотиралар китобидан фойдаланиши мумкин. Куйида ўқитувчига амалий ёрдам сифатида юқорида номлари келтирилган китоблардан ёзувчининг шахсий фазилятларини очиб берадиган айрим хотираларга мурожаат қилиш мумкин:

“Мен ўрта мактабни битириб, шундай ният этдим: ўттиз-ўттиз беш ёшларгача уйланмайман, оила қурмайман, бирор идорада фақат тирикчилик учун ишлайман.

Мен фақат бир мақсадни кўзладим: ўттиз-ўттиз беш ёшларгача жаҳон адабиётини ўқиш. Фақат ўқиш, ўқиш, ўқиш, қўл қотиб қолмасин учун майда-майда ҳикоялар машқ этиб туриш.

Мен шу ният йўлида иморат солмадим, машина олмадим, мансаб эгалламадим, шон-шухрат қозонмадим.

Мен дунё талашмадим!

Фақат изландим, фақат ўқидим...

Бир чақасиз кунларим бўлди. Ижара ҳақини тўлай олмай ижарадан ҳайдалмиш кунларим бўлди. Бошпанасиз кунларим бўлди. Мен қишлоғимга қайтдим.

Онам сандиқ ковлади. Латталар остидан бир тугунча олди. Тугунчадан беш-олти сўм пул чиқди... Бу пул... онамни... ўлимлик пули бўлди.

Мен деворни ушлаб қолдим.

— *Олмайман... — дедим.*

— *Ол, сен шоир бўлсанг бўлди, ол, — деди онам.*

— *Йўқ... — дея бош чайқадим.*

— *Ол, сен шоир бўлмагунингча мен ўлмайман, — деди онам. —*

Мен сенинг шоирлигингни кўрмагунимча ўлмайман.

Мен тагин Тошкентга қайтиб келдим. Мен энди онамнинг ўлимлик пули билан тирикчилик кечира бошладим...

Мен гўдаклигимдан давраларда курашиб катта бўлдим. Полвонлик аждодимда бор, полвонлик қонимда бор...

Ниҳоятда... ниҳоятда саноқли кунларда “Юлдузлар мангу ёнади” номли биринчи қиссамни яратдим...

Қисса элга манзур бўлди. Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси ҳисобот йиғилишида йилнинг энг яхши қиссаси, дея баҳоланди¹.

Мана шу лавҳа Тоғай Муроднинг кимлигини, қандай инсонлигини, қай йўсин элга манзур ёзувчи бўлганини ўз сўзлари асносида кўрсатиб беради. Хотиралар китобидан олинган тубандаги фикрлар ҳам ўқувчиларнинг адиб ва унинг асари ҳақидаги тасавурларини тиниқлаштириши табиий:

“Бир сўхбатимизда Тоғай: “Мен ҳеч кимдан қўрқмайман. Ҳар қандай зўравон билан тикка олиша оламан. Аммо китобхондан қўрқаман. Ўлай агар, жуда қўрқаман”, — деганди...

“Юлдузлар мангу ёнади” деган биринчи қиссасини... Тоғай танасидан чиқиб кетиб, ўзини ҳам, атрофидаги жами нарсаларни, одамларни, баҳору кузларни, қишу саратонларни, осмонни тўлдирган турналарни унутиб, бир дарвеш қиёфасига кириб, далги девона бўлиб ёзди (Саид Аҳмад).

“Убир қарашда ҳаддан зиёд гурури қолиб йигитга ўхшарди. Бир қарашда қўпол, манман, ҳеч кимни назарига илмайдиган одамдай туюларди. Кейинроқ маълум бўлдики, Тоғай Мурод манман эмас, аксинча кўнгли нозик, камчиликлари ҳам, фазилатлари ҳам ўзига хос, гаплашиши усуллари ҳам алоҳида бир дунё экан” (Одил Ёқубов).

“Агар ёзувчининг ўзи шахс бўлмаса, у яратган асарлар ҳам бирор қийматга эга бўлмайди. Тоғай Мурод асарлари унинг шахсини кўрсатиб туради...

¹. Тоғай Мурод. Отамдан қолган далалар. — Т.: «Шарқ», 1994.

“Юлдузлар мангу ёнади” қиссаси... фақатгина кураш ҳақида эмас, инсоннинг ори ҳақидаги китоб. Инсоннинг гурури, унинг нималарга қодирлиги ҳақида ёзилган мардона китобдир” (Маҳмуд Саъдий).

*“Тоғай Мурод дегани — тоғдай мурод дегани,
Кетганлигин хабари — фиғон, фарёд дегани,
Келганида одамдай қувонган, кетганида —
Одамдан баланд уввос кўтарган от дегани.*

...Одамлар-ов, кетар чоғида юракларни ларзага солиб, бор дунёни йиғлатиб кетиш ҳам ҳамманинг қўлидан келадиған иш эмас. Демак, Тоғайда бизнинг кўпчилигимизда йўқ нимадир бор эди-да...” (Ҳалима Худойбердиева).

“Тоғай Мурод адиб бўламан, деб Тошкентга келган эди, арбоб, раҳбар, сиёсатчи, вазир, сарой мирзоси бўлиб кўтарилмади. Нафсга сотилмади, амалга қўл бўлмади, замонга, тузумга ялтоқланмади. Мен бундай метин иродали, қатъий сўзли, қатъий амалли адиб, фақат ёзувчилигини қилган, қилганда ҳам ёниб-куйиб, бошқа ҳеч нарсани ўйламай, энди дурдона бўлиб қолган асарларни яратган ўзбек ёзувчисини кейинги чорак асрда бошқа кўрмадим...

“Юлдузлар мангу ёнади” қиссасининг бош ҳикмати — ким дўстга хиёнат қилса, инсонларни алдаса, унинг алдов охир-оқибат ўзининг қисматиға кўчади, ҳақиқатға айланади, адиб асари орқали сен нимани сўзда ўзингга раво кўрсанг, ҳақ сенга шуни қисмат қилиб беради, деб ҳайқиради” (Вафо Файзуллоҳ)¹.

Ўқитувчи мазкур хотираларнинг таъсирли ўринларини савол-топшириққа айлантириб, уларга ўқувчиларнинг эътиборини қаратади ва биринчи дарсни мана шу материаллар устида ишлаш билан якунлайди. Уй вазифаси сифатида **“Тоғай Мурод шахсига муносабатим”** мавзусида ихтиёрий уй иншоси ёзишни топшириши мумкин. Бундай иншо ёзиш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермаслиги табиий. Кўнглида адабиётга, бадиий сўзга мойиллиги бор ўқувчилар ёзган ижодий ишлар диққат билан ўқилиши, улар ҳақида асосли, мантқиқли, салмоқли фикрлар айтилиши ижодкор ўқувчини руҳлантиради. Кўнгилдан чиққан сўзларни битиш қобилияти бор ўқувчиларнинг иқтидорини шу тариқа ривожлантириб бориш ўқитувчи олдидаги энг катта вазифадир.

¹. Мен қайтиб келаман. Тоғай Мурод замондошлари хотирасида. — Т.: «Янги аср авлоди», 2007.

Тоғай Мурод ижодини ўрганишга ажратилган иккинчи ва учинчи соатлар бир кунга бирлаштирилиб, бадиий асар мутолаасидан таъсирланган ўқувчиларнинг ҳайрат ва ҳаяжони тарқалмай, мувозанатдан чиққан туйғулари совумай туриб матн таҳлилига киришилса, ўқувчиларнинг безовта руҳий ҳолатларидан уларнинг маънавий камолоти йўлида унумли фойдаланилган бўлади. “Юлдузлар мангу ёнади” қиссасининг “Адабиёт” дарслигида¹ берилган бобларини ифодали ўқиш учун тахминан 45 дақиқа керак бўлади. Синфдаги барча ўқувчиларнинг асардан тўлиқ баҳраманд бўлишини таъминлаш учун уни бошидан охиригача ўқитувчининг ўзи ўқиб бериши керак бўлади. Ўқувчилар ҳам асар матнини ўз дарсликларидан ўқитувчилари билан биргаликда ичдан ўқиб борадилар. Шунда уларнинг қулоқлари ифодали ўқиш оҳангига, кўзлари тез ўқишга ўрганади.

Дарсликдаги асар матни оҳангга солиб ўқилиши, тўғрироғи, куйланиши керак. Ўқитувчи ўз мутолааси билан болаларни сەҳрлай билиши, муаллиф услубини болаларга ёқтира олиши шарт. Бунга ўқитувчи зўриқишларсиз, ортиқча куч сарфламай, табиийлик билан эришади. Чунки қисса ўз қироат оҳанги билан тунилган. Фақат ўқитувчи ҳам адиб сингари самимий бўлса ва шу туйғуни овозига кўчира билса, бас. Бунинг учун муаллим уйда пухта тайёргарлик кўриши, ажратилган вақт ичида асар матнининг қаерини қай алфозда ўқишини аниқлаб-белгилаб олиши тавсия этилади.

Йиллар давомида ўқувчилар ўқиб таҳлил қилган насрий-бадиий асарларнинг услуби бир-бирига анча яқин бўлган. Болалар шу услубга ўрганиб қолишган. Лекин Тоғай Муроднинг услуби янги бўлгани учун унинг ўзига хос тили болаларга эриш туюлиши, улар ўрганмаган такрорлар сал ғашларини келтириши мумкин. Шунинг учун ўқитувчи эҳтиёт бўлиши, мутолаа жараёнида такрорлар талаб қилаётган оҳангни топиб олиши зарур. Бундан ташқари, асар мутолаасини бошлашдан олдин, ёзувчи ижодининг шу жиҳатларига қисқача изоҳ бериши ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

Дарсликдаги асардан берилган боблар ўқиб бўлингач, ўқитувчи “**Бўри полвон яхши одам, зўр курашчи, лекин ёмон ота!**” шаклидаги

¹ С.Аҳмедов ва бошқ. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 6-синфи учун дарслик-мажмуа. — Т.: «Маънавият», 2005.

Ўқувчиларнинг барчасини мулоҳаза юритишга йўналтирадиган, мувозанатдан чиқарадиган, уларнинг эъгирозларини қўзғаб, бош қаҳрамон ҳимоясига отилиб чиқишга мажбур қиладиган муаммоли масалани ўртага ташлайди.

Бўри полвоннинг кўнгил дардлари, мағрур инсоннинг мағлубият аламлари қуршовида чеккан изтиробни ўз туйғуларига айланган, ҳар бир курашчининг орини ўз ори билиб ёндашаётган баковул бобонинг ҳалоллигини, орчиллигини туйиб турган, даврага тушаётган полвонларнинг ҳар бирига хос кечинмалар юракларини тебратган ўқувчилар Бўри полвоннинг ёмон ота эмаслигини исботлашга отилиб чиқишлари табиий. Бўри полвон, аслида, ўз табиати билан кимнингдир ҳимоясига муҳтож қаҳрамон эмас. Лекин ўқувчилар ўзлари шундай одамларнинг фазилатларини кўра билишга, уларни қадрлашга, ҳимоя қилишга, зарурат туғилганда ўз фикрлари учун курашишга, таъбир жоиз бўлса, уларга ўхшашга эҳтиёжманд шахслар бўлиб шаклланишлари зарур. Бу уларнинг маънавий камолотлари белгиси, адабиёт дарсларининг вазифасидир. Шу муаммо атрофида мулоҳаза юритиб ҳам асарнинг таҳлилини тўлиқ амалга ошириш мумкин. Лекин муҳокама «боши берк кўча»га кириб қолса ёки масаланинг моҳияти очилмай фикрлар тугаб қолса, таҳлил якунига етиши учун ўқитувчи вазиятдан келиб чиқиб ҳар хил қўшимча саволларни ўртага ташлаб, баҳсни давом эттиришга йўналиш бериб юбориши керак бўлади. Токи ўқувчи Бўри полвондек маънан баланд инсонлар ҳар қандай вазиятда ҳам, ҳатто бу ўз жигаргўшаси, жонидан азиз фарзанди тақдири билан боғлиқ бўлганда ҳам, ҳамиша ҳалолликдан юз ўгирилмасликларини, орият, шаънни манфаатдан юқори қўйишларини англаб етсин. Ўқитувчи насиҳатгўйлик қилмай, буларни алоҳида майдалаб айтиб ўтирмай, ишора қилса, ўқувчиларини шунга йўналтирса, кифоя. Хулосага ўқувчиларнинг ўзлари келишади. Болаларнинг ўзлари ҳукм-хулоса чиқаргани, маълум тўхтамга келгани уларда шахслик сифатларининг шаклланиши бошлаганидан далолатдир.

Ўқитувчи тарбияланувчилар савияси ва интеллектуал имкониятларидан келиб чиқиб асар таҳлилини дарсликдаги савол-топшириқларга таянган ҳолда олиб бориши ҳам мумкин. Бундай таҳлил ҳам асарнинг моҳиятини очиб беришга қўмаклашади. Фақат

таҳлилнинг ҳар қандай турига киришишдан олдин болаларни руҳан бу жараёнга тайёрлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Дарсликда қиссани ўрганишга доир ўн иккита савол-топшириқ берилган. Уларнинг маълум қисми бевосита асар матни билан боғлиқ эмас. Ўқувчилар асарнинг моҳиятига тўлиқ киришлари учун ўқитувчи қўшимча савол-топшириқлар тайёрлаши тақозо этилади.

Савол-топшириқлар кетма-кет ўртага ташланиб, ўқувчилар билан ҳамкорликда уларга жавоб топилиб, муносабат билдирилиб борилаверади. Ўқувчилар фикр айтиб муносабат билдирганда, уларнинг фикри қай даражада асосланганлигига, нимага таяниб шундай дейилаётганлигига ўқитувчи ҳамиша диққат қилиб туриши лозим.

Дарсликдаги асар матни таҳлили мобайнида Садир полвон спорт устаси Максим полвон билан даврага чиқмаганда шўрчиликларнинг *“илкис пичинги”* Бўри полвонга нима учун бунча қаттиқ теккани, Амир полвоннинг жавобидан *“меҳмонлар олдидан изза бўлгани”*нинг сабаблари ҳақида ўқувчиларнинг фикри сўралди. Бу Бўри полвон табиатидаги қандай хислатдан далолат беришини ўқувчилар илғашлари, муносабат билдиришлари мақсадга мувофиқдир.

Кекса Нормурод полвонни даврага етаклаб чиққан туйғу ҳақида фикр айтиш учун қиссанинг шу ўринларини қайта ўқиб чиқишга тўғри келади. Бу — бир даражада вақтни олса-да, асарни тўлиқ «ҳазм қилиш»нинг энг самарали йўли. “Нормурод полвонни даврага тушишга ундаган куч нима? Ҳар иккала полвон бобо ўртасида қандай тафовут борлиги ҳақида ўйлаб кўринг. Полвонларнинг қай бири орчилроқ?” каби топшириқ ва саволлар ўқувчиларни иккала полвонни қиёслаб ўрганишга йўналтиради. Боболарнинг табиатини англашга туртки бўлади.

XIX бобда Бўри полвоннинг: *“Халқ нимаси билан халқ? Ўзининг урф-одатлари билан халқ! Ота-бобосидан қолган миллий анъаналари билан халқ!.. «Авлодлар алмашган сайин ... юрак йўқолиб боряпти. Жасад бор! Ақл бор! Юрак йўқ! Тўрт муча бор! Куч-қувват бор! Юрак йўқ! Фарзандлар ҳаётга бепарво қарайди. Мусибат билан хурсандчиликнинг фарқига бормади...”*¹ деган фикри бор. Ўқувчилар

¹. Ўша асар, 291-б.

полвон бобонинг бу қарашлари устида мулоҳаза юритишлари керак. “Ҳозирда йўқолиб бораётган урф-одатларимиз қайсилар? Бунинг сабабчилари кимлар? «Юрак» деганда Бўри полвон нимани назарда тутаётган бўлиши мумкин? У ҳақми ёки ноҳақми? Бугунги авлод (яъни сиз) мусибат билан хурсандчиликнинг фарқига боролмаслиги ростми? Агар шундай бўлса, бунинг сабаблари нимада?” сингари саволлар кўмагида ўқувчилар бу қарашларнинг моҳиятига кирадилар, улар ҳақида мулоҳаза юритадилар. Бўри полвон тилидан айтилган бу ҳикматона сўзларга ким қўшилади, кимдир қўшилмайди, лекин ҳар бир ўқувчи нега шундай хулосага келганини асослаб бериши бугунги адабий таълимнинг мақсадига монанд келади.

Бўри полвон ҳам хом сут эмган банда сифатида хатоларга йўл қўйган. Унинг бу камчилиги ёш Исмоил полвонга муносабати тасвирланган қалтис ва таҳликали лавҳалар таҳлили асносида аниқланади. Шу ўринда тарбияланувчиларнинг диққатини Тоғай Муроднинг ёзувчилик маҳоратига қаратиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади. Одатда бадий адабиётларда ижобий образлар ҳеч қандай камчиликларсиз тасвирланади. Аслида идеал даражада яхши одам бўлмагани сингари том маънода ёмон одамнинг ўзи йўқ. Ҳар бир инсоннинг ўзига яраша фазилат ва иллатлари мавжуд. Мукамаллик фақат Оллоҳга хос. Мана шу ҳақиқатни чуқур англаган муаллиф Бўри полвонни алоҳида ўзига хослик билан яратади. Унинг Исмоил полвонни менсимай қилган хатти-ҳаракатларига асосланган ҳолда одамнинг бир зумлик манманлиги бир умрлик даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкин эканлиги тадқиқ этилса, адабий таълим мақсадига мос бўлади.

Ўқитувчи томонидан: “Хўш, нима деб ўйлайсиз, Исмоил полвон ҳақиқатдан ҳам зўр полвонмиди ёки бу мағлубиятнинг бошқа сабаблари борми?” тарзида ўртага ташланган саволга жавоб излаш жараёнида тарбияланувчилар Бўри полвондай мағрур, орчил эр йигитнинг “*ҳўнг-ҳўнг йиғлашига*”, “*сел-себор йиғлашига*” диққат қиладилар. Полвонни ҳис қилганлари, тушуна борганлари сари унинг учун диллари оғриши, у билан бирга Исмоил полвонни таъқиб қилишлари табиий. Бадий асарнинг, адабиёт дарсларининг қудрати ҳам ана шунда. Бўри полвоннинг рақибини тинимсиз таъқиб қилиши, Исмоил полвоннинг полвон бобо келган пайтдан буён қочиб юриши сабаблари ҳақида мулоҳаза

юритиш ҳам ўқувчиларга полвонларнинг қай бири ким эканлигини аниқлаб олишга ёрдам беради. Бўри полвоннинг Исмоилни даррада тутган пайтидаги полвонлик ва зафар ҳақидаги мулоҳазаларига болаларнинг диққатини қаратиш ўринлидир. Бу гаплар фақат полвонликка эмас, балки инсоннинг барча ишларига, жамики турмушига қай даражада тааллуқли эканлигини ўйлаб кўриш ҳам маънавий камолот учун фойдадан холи бўлмайди. Мана шуларнинг ҳаммаси савол-топшириққа айлантирилган ҳолда ўқувчиларнинг эътиборига ҳавола этилади.

Тоғай Муроднинг: *“Полвон хоҳиш-ирода билан олишса, ўзининг нималарга қодирлигини намойиш этса, санъатини намойиш этса, зафар ўз-ўзидан келади!.. Полвон ўз курашидан ўзи завқланса, зафар ўз-ўзидан ёр бўлади!”* (294-бет) тарзидаги ҳикматнамо хулосаларини шарҳлашга уришиб кўриш, уларни асар муаллифи ва Бўри полвон шахси билан боғлаш ўқувчиларнинг тафаккурини теранлаштиради. Бўри полвоннинг сўнги кураши жараёнидаги эътирофлари болалар назаридан четда қолиб кетишига ҳам асло йўл қўйиб бўлмайди: *“Боиси зўрга ҳамма ҳавас билан қарайди. Зўрнинг санъатини, ўнгу чапини миридан сиригача синчиклаб ўрганайди. Зўрга тақлид қилиб, ўшандай зўр бўлгилари келади. Зўр-чи? Зўр ўзгаларни билмайди. Айниқса, ўзидан кучсизларни билмайди! Билгиси-да келмайди! Боиси кўзга илмайди. Зўрнинг тагин бир фожисаи — зўр мағлубият аламини кам тотади. Зўр зафар оғушида яшайди. Йўқ, зўр мағлубиятлар аламини-да тотиб туриши лозим! Зўр учун мағлубият зафар қатори баб-баравар зарур! Айниқса, ўзига ишонган зўрга! Мағрур зўрга!”* (294 – 295-бетлар). Ўқувчилар диққати Исмоилнинг даврадаги хатти-ҳаракатлари, Бўри полвоннинг отаси руҳидан ўтинчига, унинг инсон ҳамшиша хушёр яшаши лозим деган хулосасига тортилади. Бўри полвоннинг туйғулари у ёки бу даражада ҳар бир инсонга, шу жумладан, ҳар бир ўқувчига ҳам хос. *“Исмоил полвон юлдуз санади!.. ҳай-ҳай-ҳай! Ёшлик — ёшлигини, кўпни кўрганлик — кўпни кўрганлигини қилди! Тажриба! Тажриба зафар қозонди!”* (296-бет) деган фикр ҳам диққатга сазовор. *“Бўри полвоннинг ғалабасида тажрибадан бошқа яна нима бор?”* Ўқувчилар шу ҳақда ҳам ўйлаб кўрсалар зарар қилмайди.

Бўри полвоннинг уйланиш борасидаги мезонлари ҳам бўлакча. У Сулувнинг қайси фазилатларига таяниб уни аёлликка танлагани ҳақида ўйлаб кўриш ҳам ичдан баланд одамларнинг шахсиятини

очишга кўмаклашади. Бўри полвоннинг ёлғиз ўғли — Тиловбердини қандай тарбия қилганига диққат қилиниши, айти вақтда, асарнинг кейинги бобларида ҳам ота-ўғил полвонларнинг мураккаб ва ўзига хос муносабатлари тасвири фикр-мулоҳаза объекти бўлиши лозим.

Таҳлил мобайнида Тиловбердиннинг шахсияти ва хатти-ҳаракатларига ҳам диққат қилиниб, унинг иш тутумларида отасиникига ўхшаш ва фарқли жиҳатлари ҳақида мулоҳаза юритилиши даркор. Тиловбердиннинг ғалабасидан “*тотли-тотли*” кулимсираган полвон отанинг керилиб-керилиб тевааракка қарashi, фахрланиши ва кўнглидан ўтган ўйлари ҳам ўқувчиларнинг назаридан қолиб кетмаслиги, таҳлилга тортилиши жоиз.

Абрай полвоннинг кимлигини билган полвон бобо туйган ҳислар ўқувчилар назаридан яширин қолмаслиги, таҳлилга тортилиши Бўри полвон шахсияти ҳақидаги қарашларни янада мукамаллаштиради. Бўри полвонда ўғлини Абрай полвон билан олиштириш истаги туғилганлигининг сабаби борасида ҳам ўйлаб кўриш ўринли бўлади. Бошқа ҳамма учун шунчаки кураш бўлиб туюлган бу олишув полвон бобо учун ҳаёт-мамонт масаласи эканлигининг англаб етилишига эришиш — ўқитувчининг шу дарсадаги вазифаларидан бири. Гарчи полвон ўғлонлар хаёлларига ҳам келтирмаган бўлсалар-да, оталар учун бу олишув яхшилик ва ёмонлик, ҳалоллик ва фирромлик ўртасидаги омонсиз жанг эди. Ўқитувчи шу мавзу атрофида баҳслашаётган ўқувчиларини кузатаркан, “Тиловбердиннинг мағлубияти эзгуликнинг энгилишидай туюлмаяптимикин?” деган масалага диққат қилиши керак бўлади. Чунки ҳақ йўли шу қадар поёнсиз ва тошлики, унда манзилга осонлик билан етиш имкони йўқ. Азоблар билан, машаққатлар торга-торга борилгани учун ҳам эзуликнинг манзили муқаддасдир.

Бўри полвон йигитлик армони Момоқизнинг ўғлига меҳр билан муносабатда бўлади ва айти вақтда Абрай полвоннинг ўзини Тиловбердидан ҳайиққандай тутиши полвон бобони шодлантиради. Ўқувчилар инсон табиатидаги шундай чигал жиҳатларни пайқашга, бунинг сабаблари ҳақида ўйлаб кўришга, муносабат билдиришга савол-топшириқлар кўмагида йўналтирилиши даркор. Ўқувчилар Тиловбердиннинг даврадаги бутун халойиқ тан олган

ғалабасини отаси Бўри полвон бекор қилиши сабаблари ҳақида ўйлаб кўришлари, бунинг ҳаётий-маънавий сабабларини излашлари мақсадга мувофиқ. Қиссанинг XXXII бобида мазкур кураш тасвирланган. Бобда кураш жараёни батафсил ёритилмаган бўлса-да, ўқувчилар “*Тиловберди полвон Абрай полвоннинг кўзларига тикилди: Абрай полвон кўзлари ҳайшқди! Ана энди ҳамлага ўтса бўлади!*” сатрларига таяниб, Бўри полвоннинг ўғлида ота тарбиясининг натижасини англашлари мумкин. Кўринадики, Тиловберди курашнинг ҳавосини олган.

Сўнгра ўқитувчи Абрайнинг йиқилиши лавҳасини қайта ўқиб беради: “*Тиловберди полвон ўнг қўли билан Абрайнинг ёқасидан ушлади. Ичидан чил берди. Шиддат билан кетига сурди. Абрай полвон кетига силтанглаб-силтанглаб борди. Кимнингдир фонусига қоқилиб кетди. Одамлар устига чалқанча тушди*” (300-бет). Мана шу ҳолатга — Тиловбердининг ғалабасига ўқувчиларнинг муносабати аниқланади. Суҳбатдошлардан кимдир халқ томон, кимдир Бўри полвон тарафида бўлиши мумкин. Бу табиий. Фақат ўқувчилардан ўз хулосаларини асослаш талаб қилинади. Сўнгра яна Бўри полвонга қайтилиб, нима учун у ҳамқишлоқлари сингари Тиловбердининг ғалабасини тан олмагани ҳақида ўйлаб кўришга йўналтирилади. Ахир, Тиловберди — унинг жонидан ҳам азиз фарзанди, унинг ғалабаси — Бўри полвон учун ҳаёт-мамот масаласи эканлиги маълум, ўғли Абрай полвонни йиқитди, ўзи ҳам ғалабасига ишонди, халойиқ тан олиб “*ҳал-о-о-ол!*” деб қичқиряпти. Полвоннинг ҳақи берилишини талаб қияпти. “*...Тиловберди полвон Абрай полвонни йиқитолмади! ...Тиловберди полвоннинг йиқитгани бекор!*” деб халққа эълон қилиш Бўри полвонга осон бўлди-микин? У нега фарзандининг ғалабасини тан ололмади?” Ўқувчилар шу савол устида мулоҳаза юритсалар, Полвон бобонинг эътиқоди шубҳали ғалабани, чала ҳақиқатни қабул қила олмаслигини тушунадилар. У ғалабанинг шубҳа қолдирмайдиган тарзда қозонилишини тан олиши тарбияланувчилар томонидан ҳис этилади.

Бўри полвоннинг: “*Полвон полвонни осмоннинг кўкига отсам, бекор! Полвонмисан — ернинг устига йиқит!*” деган талаби унинг қанчалар ҳалол, ҳақиқатпеша эканлигидан далолат беради. Сал шубҳа туғилгани сабабли, ғалаба унинг ўзи учун ҳаммага қараганда зарурроқ бўлса-да, виждонига хиёнат қилолмаслиги, бундай

ғалабадан завқланоқмаслиги сингари жиҳатлар ҳақида мулоҳаза юриштиш, шундай ажлоқларимизнинг руҳиятини таъсирчан ва юқумли акс эттирган адибнинг маҳоратига тан бериш лозим бўлади. Бўри полвоннинг ҳалол ҳақамлигига Тиловбердиннинг “*Тавба, тағин ота эмиш бу одам!*” дея отасидан норози бўлиши ўринли эмаслигига, отасидан ёзғириб, унга ўқрайиб, қобогини уйиши ноўрин эканлигига асардан асос топилиши ўқувчиларнинг тафаккури мантиқли ва теран бўлишини таъминлайди. Болалар Тиловбердиннинг ўрнига ўзларини қўйиб кўришсин. Уни тушунишга ҳаракат қилишсин.

Бўри полвоннинг ўғлига йўл-йўриқ кўрсатишга уриниб: “*Нимага иддао қиласан? Нима, ҳаромни ҳалол, деб имонимдан кечайинми? Полвон бўлсанг — ҳалол йиқит! Кўп терсайма! Сездингми, Абрай кўкракларини бериб олишяпти! Ёқасидан жуфт қилиб ушлаб, тиккасига яғринга ол-чи. Магарам ошиб кетса! Олаётганинда ё, отамнинг пири, де! Тайин айт, бор...*” — дея берган маслаҳати ўғилни хийла тетиклантирди. Лекин: “*Отаси ўнги яғрини бўлди, боласи ўнги уччо(қуймиш, чот)си бўлди. Қийин, оталар санъатини ишлатиш қийин!*”

Даврадаги олишув жараёни, Тиловбердиннинг бутун хўжасоатликлар пайқаб турган бепарволиги, хатосининг полвон бобо ва китобхон руҳиятига таъсири, отанинг ўғли хатосини ташқаридан кўриб туриб унга кўмақ беролмай, тасбеҳини “шиқ, шиқ” этиб ташлаши, шу жараёнда кўнглидан кечирган изтироблари ўқувчиларнинг шууридан бирма-бир ўтиши учун шу лавҳани ўқитувчи қайта ўқиб бериши керак бўлади. “Тиловбердиннинг хатоси нимадан иборат бўлди? У қаерда хатога йўл қўйди?” саволи суҳбат иштирокчилари диққатини яна асар матнига йўналтиради. XXXVII боб мазкур саволнинг жавобини ўзида мужассамлантирган. Ўқувчилар уни зийрак назар билан қайта қараб чиқишлари сўралади. Асар билан боғлиқ турли саволлар ечимини топиш жараёни уларни матн ичига қайта олиб киради. Фикрлашга ўргатади. Хулосалар чиқаришга йўналтиради. Муносабат билдиришга жалб этади.

Ўқувчилар ўйлаб кўришсин-чи: “Тиловберди полвоннинг мағлубияти сабаби нимада бўлиши мумкин? Унинг отаси ҳалоллигидан арази ёки Бўри полвоннинг мағрурлиги жазосими ёхуд Абрай полвоннинг чинакам зўрлигими ё бошқа сабаб борми?”

тарзидаги саволлар ўқувчиларни эзгуликнинг машаққатли йўли ҳақида мулоҳаза юритишга йўналтиради.

Тилобердининг мағлубияти Бўри полвонга қандай таъсир қилгани тасвирланган ўринларни ўқитувчи қайта ўқиб бергани маъқул. Сўнгра ўғилнинг отаси ҳақида: “*Отамиз ниятига етди! Отамиз бор экан, бизга ғанимнинг кераги йўқ!*” сингари хулосасига ўқувчиларнинг муносабати сўралади.

Ўқувчиларнинг эътибори Бўри полвондай мағрур, мард бобонинг “*яноқларидан маржон-маржон ёйилар*” оқиши аввал ҳам кузатилган ёки кузатилмаганига, эр кишининг йиғлаши уларнинг руҳиятларида қандай туйғуларни қўзғаганини аниқлашга қаратилади. Мазкур вазиятда Бўри полвон мағлубият учун йиғладими ёки бу кўз ёшларнинг қуйилиб келишига бошқа сабаб ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақида ўқувчилар ўйлаб кўришга йўналтириладилар.

Сухбат ишгирокчиларининг диққати Бўри полвон шундай оғир вазиятда нима учун болалик дўсти Насимни ёдга олганига қаратилиши инсон шахсининг табиатини чуқурроқ англашларига кўмаклашади. Демак, инсон энг оғир дамларда кўнгилдош дўстга, дарддошга, “*болалик оина*”га эҳтиёж сезади.


Юлдузлар мангу ёнгани сингари эзгуликнинг ёвузлик, инсофсизлик, хиёнатга қарши кураши ҳам мангу давом этаверади. Полвон бобо кўнгилдан кечган армону андуҳга тўла, лекин покиза, баланд, ёруҳ ўйлар ўқувчиларда эзгу маънавий сифатлар шакллантиришга катта ҳисса қўшиши шубҳасиздир. Юлдузлар сингари мангу ёнувчи Бўри полвонлар Ватанни, миллатни ҳалокатдан, одамийликни йўқликка учрашидан асрашини ўқувчилар англаб етишлари уларда шахслик сифатларининг шаклланишига кўмаклашади.

Уй вазифаси сифатида асар юзасидан “Бўри полвон ва мен” мавзусида ёзма иш топширилиши мумкин. Ўқувчилар ўзларини Бўри полвон билан қиёслаб кўрсалар, “Мен”ларини англаб, фазилат ва иллатларини илғаб борадилар, туйғуларини, қарашларини фарқлашга ўрганадилар.

“Тил ва адабиёт таълими”
журнали, 2008 йил, 4-сон.



АДАБИЙ ЭПКИНЛАР



ҲУЗУРБАХШ “ЁНИҚ СЎЗ”ЛАР

Мен бугунги китобхонни, адабиёт аҳлини Қозоқбой Йўлдош қаламига мансуб “Ёниқ сўз” аталмиш бойликка эга бўлганликлари билан қутлайман. Менинг назаримда, бу китоб миллий адабиётшуносликда катта бурилиш ясаши тайин. У ўз йўлини излаётган ёш шоирлар, бўлажак ёзувчилар, янги шаклланаётган адабиётшуносларнинг ўз услуби, сўзи ва овозини белгилаб олишларига кўмаклашадиган, оддий китобхонларга нимани қандай ўқишга йўлланма берадиган, олий ўқув юртлари, коллеж, лицей, мактабларнинг адабиёт ўқитувчиларига дарсликлардан ўрин олган шоир-ёзувчиларнинг шахсияти, ижоди ҳақида қўшимча оригинал маълумотлар тақдим этувчи йўл китобдир. Энди бу гаплар учун жавоб бериш керак. Хўш, “Ёниқ сўз”нинг йўл кўрсатувчи маёқлиги нималарда кўринади?

Аввал шуни айтмоқчи эдимки, китобни кўрганимда у номининг ўзи биланоқ руҳиятимни мувозанатдан чиқарди ва менда уни тезроқ ўқиш истаги пайдо бўлди. Мен уни, гарчи у бадийий асар бўлмаса ҳам, ўқиганим сари лаззатланар, ҳузурланганим сари ўқирдим. Табиатан эмоционал одам бўлганим учун бўлса керак, ишда куни билан кўнглим мени тинимсиз уйга тортар, тезроқ бориш ва “ёниқ сўз”ларни ўқиш истаги менга тинчлик бермасди. “Ёниқ сўз”ни ўқиётганимда кўнглимда Улугбек Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” қиссасини, Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади” қиссасини, З. Саидносированинг “Ойбегим менинг” асарларини ўқиганда туйганларим ёқимли ҳислар кечарди. Китобни ўқиб яримлатганимда ичимда уни тугатиб қўйишдан, ўқишдан туяётганим лаззатлардан айрилиб қолишдан қўрқув ҳисси пайдо бўлди. Уни тугатишни, шу лаззатлардан жудо бўлишни асло-асло истамасдим. Бошқаларни билмадим-у, мен оддий ўқувчи сифатида китобларни ҳамиша мана шундай лаззатни истаб ўқийман. Бир нарсага аминман: ёқяптими, демак, фойдали. Лекин афсуски, ҳамма нарсанинг охири бўлганидек, бу китоб ҳам тугади.

Энди у ҳақда ёзиб, шуни айтмоқчиманки, бугунги замонда айрим китоблар борки, бошлаб қўйган ишингни охирига етказишинг керак бўлгани учун ўқийсан, баъзиларини, гарчи у

бадий асар бўлса ҳам, ўқиб тугатишга кучинг етмай қолади. Қўлдошнинг мазкур асари ҳар бир мақоласи билан киши руҳиятини ёндади, китоблар, адабиётшунослик ва бадий адабиёт ҳақида билим беради, ҳаммага адабиёт оламидаги бирор нарсани ўргатади.

“Ёниқ сўз”нинг биринчи бўлими “Англаш йўли”да муаллиф бадий адабиётни, адабиётшуносликни англашга ва англантишга ҳаракат қилади. Бўлимда истиқлол даври адабиёти, насри, шеърини, адабий танқидчилиги ҳақида батафсил фикр юритилиб, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, ютуқ ва камчиликлари далиллар асосида рўйи рост кўрсатилади.

Муаллиф бадий адабиётга, кечаги жамиятда бўлганидек, ижтимоий ҳодиса сифатида ёндашишни, уни мафкура нуқтаи назаридан баҳолашни тамоман рад этади. Кейинги йиллардаги бадий яратилган публицистик муносабатни ҳам хушламайди: “*Бадий асар публицистиканинг вазифасини бажара бошласа, қисмати ҳам публицистикага яраша бўлади, муаммо ҳал бўлгунча яшайди*”, — деган қатъий фикрни айтади. Ҳақиқатдан ҳам, маълум даврнинг ўзига яраша муаммолари кўтарилган публицистик асарлар худди даврий матбуотдаги мақолалар сингари жамоатчиликнинг эътиборини шу масалага қаратади, уни ечиш йўллари таклиф этади ёки ҳал этишни, ечимини топишни жамоатчилик ихтиёрига қўяди. Муаммонинг ечими топилгач, у ўз-ўзидан кун тартибидан тушиб қолади. Демакки, бу масалага бағишланган асарнинг ҳам умри тугайди.

Муаллиф адабиётшуносликдаги қатағон қурбонларига бугунги муносабат ҳақида мулоҳаза юритилиб, уларни ўзлари яшаган даврга қарши қўйиш, тимсолардан социализмни рад этиб, мустақилликни тараннум этувчи рамзларни қидиришдан ҳам қониқмайди ва буларни носоғлом йўналиш деб ҳисоблайди. Даврни ўтқинчи, адабиётни эса абадиятга дахлдор деб билган олим адабиётшунослик илми бадий асарга жиддий ёндашиши лозимлигини таъкидлайди ва унга ижтимоий ҳаётнинг инъикоси сифатида қараса ҳам ёки уни яратилган даврдан ажратиб олиб иш кўрса ҳам адабиётини илмий жиҳатдан асослайди. Бу илм учун масаланинг тўғри қўйилиши катта аҳамиятга моликлигини, бадий ҳодисанинг сирти эмас, моҳиятини идрок этиш, оқибат эмас, унинг сабаблари ҳақида мулоҳаза юритиш зарурлигини таъкидлайди.

Бугунги адабиётшунослик бадий матнга эстетик талаблар асосида ёндашиши, ҳар қандай хулосани матндан келтириб чиқаришга уриниши кераклигига урғу беради ва бир қатор шундай мақолаларни таҳлил қилиб, уларнинг афзалликларини кўрсатади. Масалан, У. Норматовнинг “Гап айтишнинг даври ўтди” тадқиқотининг ютуқлари ҳақида гапириб: *“Машҳур танқидчи... Ш. Холмирзаев, Х. Дўстмуҳаммад, Н. Эшонқул ҳикояларини батафсил таҳлил қилиш орқали турлича табиатга, турфа руҳиятга эга одамларни тасвирлаш — адабиётнинг асосий иши, муҳим вазифаси, деган хулосага яқинлашади”*, — дейди. Шу олимнинг адабий танқидга қаратилган яна бир мақоласини таҳлилга тортиб: *“Бу ҳол катта олимнинг зўр эҳтирос, синчковлик, қўнл ва улкан дард билан битилган ғоят пухта “Истиқлол қайғуси” мақоласида янаям яққолроқ кўринади. Мақолада ҳар бир фикр, хулоса чуқур илмий далиллар, атрофлича кузатишлар орқали билдирилган”*, — дея мақолага ўз муносабатини кўрсатади. Ёки М. Намознинг “Янги туйғу тадрижи” мақоласи ҳақида: *“Ёш танқидчи янги давр шеъриятидан муаммо, мавзу, шаклий ўзига хосликларни қидирмайди. Уларда одамнинг турфа маънавий олами қандай акс этганлиги ва бунинг сабабларини топишга ҳаракат қилади”*, — дея мақоланинг ижобий жиҳатларини китобхонга кўрсатиб беради.

“Ёниқ сўз”да Қозоқбой Йўлдош адабий танқидчиликнинг тезкор ва ҳозиржавоб эмаслигидан оғринади. Адабиётшуносликнинг ривожланишига кўпчилик олимлар тафаккурининг ўз ички таъйиқларидан қутулиб кетолмаётганлиги, *“...миллий фалсафий қарашлар тизимининг тўлиқ шаклланмаганлиги ва олимларнинг ўзгача қарашларни қабул қилолмаслиги”* тўсиқ бўлаётганини айтади. Энди шаклланаётган ёш адабиётшунослар эса: *“Эскича ёзишни истамаганликлари ва янгича тафаккур маромини тона олмаётганликлари учун бир оз тин олишга мажбур бўдилар”* каби ҳақиқатлар кишини китобдан ажралишга қўймайди.

Бугунги адабиётшуносликнинг камчиликларини бартараф этиш йўлларини тақлиф этар экан, олим: *“Адабий танқидчилик ўзбекча торлиқни ёриб чиқиб кетмаса, ...адабиёт илмининг ривожланиши қийин. Чунки инсон фикрлаш ҳаққи ва имконияти тўфайли инсондир. Бир кишининг фикри кўпчиликка, боринги, барча мутахассисларга ёқмаслиги мумкин, лекин бу ҳол фикрнинг мавжуд бўлишига мутлақо халақит бермаслиги керак. Ижодкор истаган йўсинда, хоҳлаган*

йўналишида қалам суришига ҳақли. Ва бунинг учун у ҳеч кимдан руҳсат сўраб, хайрихоҳлик кутиб ўтирмайди. Фақат у ўз қарашларини асослайдиган далиллар тизимига эга бўлса, бас”, — деб ёзади ва у менимча, ҳақ. Чунки, бугунги ёшларнинг шаклланишида ахборотлар оқимининг кенглиги ва тезлиги катта ўрин тутади. Уларнинг интернет орқали ёки жаҳон даврий матбуоти кўмагида шаклланаётган ўзлиги ва бунинг асарлардаги ифодаси кечаги жамият назари билан қотиб қолган олимларга ҳуш кўринмаслиги мумкин. Лекин уларнинг ўзлари ҳам бугун “бозор адабиёти” пайдо бўлаётганини, ҳатто енгил-елпи асарларни ҳам, “сарик матбуот”ни ҳам кимлардир ўқийётганини кўриб турибдилар. “Сарик матбуот” ҳам бугун жаҳонда яшаяпти. Бугун яратилаётган асарларнинг яшовчанлигини, уларнинг қанчалик умрбоқийлигини янгича назарга эга бўлган адабиётшунослик илми, даврнинг ўзи белгилаб беради.

Қозоқбой Йўлдош: “Адабиётшунослик бадий асарда тасвирланган алоҳида шахс кўнглидаги руҳий товланишларнинг илдизларини топа билгандагина чинакам илмий хулосалар чиқара олади. Бу йўлда баъзан у ижодкорнинг ўзи ҳам сезмаган жиҳатларни кашф этиши, асарнинг яширин қатламларини кўра билиши мумкин. Теран илмий кузатишларга бой адабиётшунослик миллатнинг умумий савиясига тавсир кўрсатади, мулоҳазали ўқувчиларни тарбиялайди. Адабий танқидчиликдаги янгиланишлар бадий адабиётни ўзгартиради, айни вақтда бадий ижоддаги ўзгаришлар туфайли адабиётшунослик илми янгиланиб боради...”, — дея бугунги адабий танқидчиликнинг мезонларини белгилаб беради. Олим қатор адабиётшунослар: Н. Каримов, Ҳ. Болтабоев, И. Ҳаққул, Д. Қуронов, Р. Қўчқор, Б. Карим, Ҳ. Қаршибой ва ҳ.к.ларнинг мақолаларини, уларнинг бугунги мустақиллик даври адабиётига муносабатини ана шу назар билан ўлчайди ва уларни таҳлил қилади.

“XX аср ўзбек адабиёти тарихи” дарслигининг ютуқ ва камчиликлари ҳақида мулоҳаза юритиб, уни янада такомиллаштириш йўллари тавсия этади. Бугунги адабиётшуносликнинг бадий адабиётдаги “...дунё яралишининг сабаби, адоқсиз илоҳий нур ила йўғрилган зот”нинг, ҳар бири алоҳида шахснинг “...туйғулари нозиклиги, руҳий ҳолатлари турфалиги, кечинмалари инжиқлиги, сезимлари инжалиги”ни очишга қаратилиши билан аввалгисидан устунлиги таъкидланади.

Адабиётшунос олим мазкур китобида ўзбек адабиёти тарихини даврлаштириш ҳақида ҳам ўз қарашларини баён этади. Маълумки, бу масала юзасидан турфа фикрлар мавжуд ва даврий матбуотда ҳар хил моделлар ўз асослари билан таклиф этилмоқда. Олим, аввал, адабиёт илми учун даврлаштириш нега керак деган саволга жавоб беради, сўнгра уни: *“Исломегача бўлган даврдаги адабиёт. Ислом таъсиридаги адабиёт. Жаҳоний таъсиридаги ўзбек адабиёти”* шаклида даврлаштиради ва ўз қарашларини мантиқан исботлайди. Ўз илмий ва мантиқий асосларига эга бўлган ҳар қандай қараш, олимнинг ўзи айтмоқчи, яшашга ҳақли. Адабиётни даврлаштириш борасидаги қатор қарашлардан қай бирининг яшовчанлиги ва илмда тан олиниши муаллиф асосларининг нечоғли кучлилиги, ёш адабиётшуносларнинг билимдонлиги ва савиясига боғлиқ бўлади.

“Ёниқ сўз” китобида ижод ва ижодкор ҳақида гапириб, олим: *“Ҳақиқий бадиий ижод мавжуд қолип, анъана ва методларни бузароқ пайдо бўлади. Чинакам адиб кўнгли буюрганидай, илҳами келганидай, руҳий ҳолати инганидай ёзади”*, — дейди. Муаллиф мустақиллик даври ўзбек адабиётининг ўзига хос хусусиятларини: олам ва одам руҳиятига хилма-хил ёндашув пайдо бўлганида; унинг давлат адабиёти бўлишдан қутулганида; адабиётнинг ижодкор кўнгил ишига айланганида; бу давр адабиётининг одамга ишчи кучи, ишлаб чиқарувчи, меҳнаткаш сифатида ёндашмаётганида; миллий адабиёт инсоннинг руҳияти, ҳиссиёти, кўнглини тасвирлашида; бу адабиётнинг тузум тараққиётига эмас, инсон маънавиятини тозалаш ва бойитишга йўналтирилганида; адабий тимсолларнинг ҳаётдаги инсонлардан кўра ўйчилроқ, чуқурроқ, мураккаброқ, ингичкароқ ифодаланишида; адабиётнинг асл намуналарини тушунтириш, изоҳлаш рад этилиб, уларнинг мантиқий қолипларга солинмаётганида; ижод эркинлиги, хилма-хил фикрлаш имконияти пайдо бўлганида, деб кўрсатади. Ўзи ҳам бадиий асарлар ҳақида сўз юритганда уларга мана шу назар билан ёндашади.

“Ўзбек насри уфқлари”, “Ҳозирги романчилик муаммолари”, “Истиқлол адабиётшунослигининг ўн йиллиги”, “Истиқлол насри белгилари” сингари мақолаларида истиқлол даври ўзбек насри вакиллари ва уларнинг асарларини таҳлилга тортади. О. Мухтор, Э. Аъзам, Н. Норқобилов, У. Абдуваҳоб, Ш. Бўтаев, Н. Эшонқул, Л. Бўрихон, А. Аъзам, Х. Дўстмуҳаммад, Т. Рустамов ва ҳ.к.ларнинг

асарларида ҳар бири алоҳида шахс бўлган одамларнинг ички дунёси, ўйларининг бадиий манзараси, унинг ҳам ижтимоий, ҳам хусусий жиҳатлари тасвирини таҳлил қилади. Бундай билимдонлик билан қилинган таҳлиллар ўқишли асарларни китобхонларга танитади.

Бўлимдаги “Истиқлол шеърятидан шеърий истиқлолга”, “Модерн йўналиш белгилари” мақолаларида мустақиллик даври шеърятдаги “...шеърхонга дунёни ўрганиш билан бирга ўзини, ўз кўнглини тафтиш этиш лозимлигини англаштишга уриниш”ни асос қилиб олади ва уларни шу нуқтаи назар билан таҳлилга тортади. Бу давр шеърятда Э. Воҳидов, А. Орипов, Р. Парфи, Ш. Раҳмон, А. Суён, М. Юсуф, У. Азим сингари вакиллари билан бир сафда И. Отамурод, Т. Али, А. Ўктам, А. Кутбиддин, Э. Шукур, А. Саид, И. Мирзо, Б. Рўзимуҳаммад, Фахриёр, Ф. Афрўз, С. Ашур, З. Мирзо, Х. Рустамова, Беназир сингари вакиллари асарларидаги оламни янгича англашнинг ўзига хос жиҳатларини шеърлардаги ёниқ мисраларга таянган ҳолда очиб беради.

Китобнинг “Кўркамлик чечаклари” бўлимида муаллифни бугуннинг ҳақиқий адабиётшуноси эканлигини кўриш мумкин. Унда З. Аълам, Ў. Ҳошимов, М. Шайхзода, Миртемир, Азим Суён, Ш. Раҳмон, А. Орипов, А. Нурмурод, Ф. Ғуллом, О. Ёқубов, М. Юсуф, Ойбек, Фахриёр, И. Отамурод сингари алоҳида адибларнинг асарлари истиқлол даври адабиётшуноси назари билан таҳлилга тортилади. Адибларнинг ўзигагина хос бўлган хусусиятлари бўрттириб кўрсатиб берилади. Масалан, “Зулфиқор руҳ манзиллари” номли Шавкат Раҳмон шеърятта таҳлилига бағишланган мақолада шоирнинг шахслик сифатлари ҳақида сўз юритилар экан муаллиф ёзади: “*Чин сўз, чин туйғу, чин амалларга доимий интиқлик чин шоирлик белгиларидандир*”. Бундан ташқари, муаллиф шоирнинг баланд шахсиятини унинг мисраларидан қидиради. “*Борми эр қизлар?*”; “*Ёнмоқлик мунчалар ёқимли!*”; “*...тилим қонар кескин сўзлардан*”; “*Кўпроқ яшаб кўйдим, шекилли*” сингари ташбеҳларини таҳлил қилиш орқали шоирнинг “Мен”ини оддий китобхонга таништиради.

Домла ўзи яхши билган, ўзига замондош, адабий даврадош бўлган адибларни сўз аҳлига яқинлаштиришга жуда уста. У ўзи яхши билмаган, англамаган адиблар ва уларнинг ижоди ҳақида, гарчи улар жуда кам бўлса ҳам, чучмал, умумий, олди-қочди гапларни айтишни хушламайди. Қолаверса, Яратган у кишига

шундай бир зийрак назар берганки, оддий шеърхон ўқиб ўтиб кетган сўз майдонидаги гўзал ифодаларни бир қарашда кўриб кўяди. Масалан, китобнинг мазкур бўлимида Ойбек шеърятидан топилмалар таҳлилга тортилган. Аёнки, Ойбек шеърларига муносабат адабиётшуносликда керагидан зиёда ва ҳаммамиз бундай таҳлилларни жуда кўп ўқиганмиз. Лекин Ойбек ижодини бундай нозик илғаш, унинг тугалланмаган шеърлари орасидан ажратиб олинган намуналарнинг бунчалар таъсирчанлиги ва таҳлилчининг билгичлиги кишини қойил қолдиради. Шоир Ойбек шахсияти ҳақида ёзилган: *“Ойбек кўрганани кўрганидай эмас, туйганини кўрганидай тасвирлайди”* тарзидаги ташбеҳ Ойбек даҳосига берилган энг баланд баҳодир.

Ёки Фаҳриёр шеърятини таҳлилини олайлик. *“Фаҳриёрнинг шеърларини ўқиш ҳам, уқиш ҳам, таъсирланиш ҳам унча осон эмас. Лекин унинг асарлари миллий шеърятимиз тараққиётининг шундай даражасидирки, уни билмаслик киши эстетик ва маънавий тафаккурининг кемтиклигига олиб келиши мумкин”*, — дея шоирнинг ижодига ўз муносабатини билдиради. Домла Фаҳриёр томонидан битилган:

Кўнгилга доғ берди, дийдаларга — ёш,
Куймоққа дил берди, суймоққа — аёл.
Чўкмоққа тиз берди, эгмоқ учун бош,
Жон берди аёлга этгудай нисор,
Уни деб ёнмоққа — шам каби ҳаёт...

мисраларини таҳлил қилар экан ёзади: *“Шоир Яратган томонидан инъом қилинган нарсаларда фақат кўнгил ва севгига доир неъматларнигина кўради. У ўз борлигини ёлғиз ишқ огушида, муҳаббат кучоғидагина тасаввур этади”*. Масалан, мен бу шеърни бир ўқувчи сифатида ўқиб, “Ваҳ! Қойил!” дейман. Кўнглимга хуш ёққани учун ёдлаб ҳам, дафтаримга кўчириб ҳам оламан. Лекин нимадан бунчалар ҳаяжонланганимни сўз билан ифодалаб беролмайман. Бунинг учун менга ўхшаганларга айнан Қозоқбой Йўлдошлар керак бўлади. Бундай шарҳдан кейин ҳар қандай китобхон ўйланиб қолади, туйғуларини ифодалашга ўрганади.

Шеърнинг: *“Яралмай қолгани биргина висол”* шаклидаги сўнгги мисраси ҳақида олим шундай дейди: *“Демак, ошиқ чин висол қиёматда эканига имон келтирмоғи, шунга кўникмоғи лозим...”*

Ишқдан натижа кутиш таъмага ўхшаб қолади ва шоир қутулиш ҳам, воз кечиб кетиш ҳам мумкин бўлмаган севги домидаги замондошимизнинг ўта нозик туйғуларини, ингичка сезимларини таъсирли ифода этади. Оддий ўқувчи “Яралмай қолгани биргина висол” тарзидаги ташбеҳни суйганининг висолига етолмаган ошиқнинг хулосаси, деб қабул қилиши мумкин. Мисрани юқоридагидек шарҳлаш учун домланикидек зийрак назар, айрича кўзқараш керак бўлади.

Бундан ташқари, олим уруш мавзусида яратилган А. Нурмураднинг “Қон ҳиди” китоби ҳақида сўз юритиб Абдурашидга хос носирлик истеъдодининг баландлигини кўрсатувчи: “*Инсон руҳий ҳолати драмаларини, фожияли бурилиш онларини бу қадар синчковлик билан кўриш учун катта истеъдод лозим бўлади*” ёки “*Ўзбек насрида одам сўзлашининг бундай ифодаси берилмаган. Қахрамоннинг лаҳзалик руҳий ҳолати чизгиси бўлган манзара тасвири ўзбек насрий ифода йўсинига янгилик олиб кирди*” ёхуд “*...тасвири бир пайтнинг ўзида икки вазифа: ҳам ҳолатни кўрсатиши, ҳам муносабатни ифодалаш билан адибнинг тасвир иқтидорини кўрсатади*” сингари қатор ҳақиқатларни асардан далиллар келтириб очиб беради. Лекин шу билан бирга айтиш керак асарга холис ёндашиб, айрим ўринларда йўл қўйилган камчиликларни зийраклик билан илғаб, улар ҳақидаги: “*...тасвирининг қанчалар ғариб ва таҳрирга муҳтожлиги кўзга яққол ташланиб туради. Жонсиз бу сўзлар инсон руҳиятини ифодалаш у ёқда турсин, шунчаки ахборотни аниқроқ етказишга ҳам ночорлик қилади*” тарзидаги шафқатсиз танқид ёинки “*...тасвиридаги “палағда” сўзи “алағда” шаклида қўлланилса, тўғри бўлади*” сингари қатор таклифлар, менимча, асар муаллифини ранжитмайди. Беайб — Парвардигор. Истеъдодлар ҳам адашишлари мумкин. Лекин мана шундай холис муносабатлар талант эгаларини ўз хатоларини кўришга ва тузатишга, уларни такрорламасликка ўргатади.

“Ёниқ сўз”нинг “Чизгилар” бўлимида У. Носир, Ш. Холмирзаев, Т. Сулаймон, Р. Парфи ва ҳоказо адиблар ижоди таҳлилга тортилган бўлса, “Йўлда йўлдошлар” бўлимида А. Каттабеков, Б. Қосимов, М. Қўшжонов сингари забардаст олимлар ҳаёти ва шахсияти миллат вакилларига очиб берилган. Муаллифнинг устози А. Каттабеков борасида айтган: “*...талабаларнинг ...домла билан қўл олишиб сўрашишлари, сигарет*

олди-берди қила олишлари менинг тасаввуримга сиғмасди” шаклидаги самимий эътирофлари у кишининг шоғирди назарида қанчалар баланд ва сирли одам бўлганини кўрсатади. Раҳматли Каттабеков домла ҳақиқатдан ҳам шундай салобатли одам эдилар. Улар менинг номзодлик ишимда оппонентлик қилганлар. Ўзбек мумтоз адабиётини бошқа миллат вакилларига ўқитиш масаласига муносабатларини очиқ айтиб чинакамига “оппонентлик” қилган бўлсалар ҳам, ишни яхшигина бажарилган тадқиқот сифатида эътироф этган ҳақиқатгўй олим эдилар. Домланинг бошқа бир етук олим учун кенгаш аъзолигидан, демакки, университет проректорлигидан воз кечиши, давлат тили масаласидаги, “Адабиёт” дарсликлари яратилиши борасидаги чиқишлари, шоғирдининг авторефератларини тарқатиши худди бадиий адабиётдаги қаҳрамоннинг хатти-ҳаракатига ўхшайди. Оллоҳнинг бундай яратиклари ҳаётда жуда камдан-кам учрайди ва уларга, ҳақиқатдан ҳам, яшаш қийин бўлади. Яхши деган номга том маънода муносиб бўлган кишиларни атрофдаги жуда кўпчиликни ташкил қиладиган “ўртачалар” емириб ташлайдилар. Ҳаётда ҳаммаша қобилиятлилар, иқтидорлиларга қийин бўлиши, уларнинг “ўртачалар” қурбони бўлиб кетиши, афсуски, бор гап. Миллатнинг бундай улуғларини бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам Худо ёрлақасин.

Китобнинг “Кўркамлик очкичлари” номли сўнгги бўлимида муаллиф Азиз Саид, Саломат Вафо, Луқмон Бўрихон, Улуғбек Ҳамдам, Назар Шукур, Фариди Афрўз сингари шоирларни зийракназар адабиётшунос сифатида миллатнинг ўзига танитади, уларни англашга ўргатади. Шоир халқи, ёзувчи аҳли илоҳий ҳолатларида, яъни ижод жараёнида Худо кўнгилларига солганини билганича қоғозга тушурадилар. Уларнинг битикларидаги, ўзига хос томонларни, ифода услуби, сўз қўллаш маҳорати ва бошқа бир қатор жиҳатларини ўқувчиларга очиб бериш эса адабиётшуносларнинг иши. Шоир-ёзувчилар уларнинг мана шундай кашфиётларига, ўзларининг очкичларига муҳтож. Қ. Йўлдошев бугунги ёш ижод аҳлининг том маънодаги кашфиётчисидир.

Бунга мисол тариқасида шуни айтиш мумкинки, бўлимда Азиз Саиднинг “Ғойибдан дўст билан суҳбатлар” китобига ёзилган сўнгсўз бор. Ўрни келганда шуни ҳам айтиш керакки, аслида, бундай кашфиётлар, ҳа, айнан кашфиётлар “сўнгсўз” эмас, “сўз боши” бўлиши керак. Ўқувчи руҳиятига қўлидаги китобни ўқишга

киришишдан олдин унга ким нима деб баҳо бергани яхшигина таъсир кўрсатади. Шунинг учун ноширлар китоб ҳақида ёзилган бундай мақолаларнинг мазмунига эътибор қаратишлари, унинг ўрнини белгилашда зийракроқ бўлишлари лозим. Хуллас, ўша сўнгсўзда аввал Азиз Саиднинг аёл ҳақидаги шеъри таҳлил қилиниб, унинг шоирлик маҳоратини кўрсатилиб, кейин тадқиқот манбаи бўлмиш китобнинг адабиётшунослик илмидаги қиммати намойиш қилинади. Сўнгсўзда адиб бир вақтнинг ўзида икки томонлама кўрсатиб берилган. Буни мақола муаллифи шундай тасвирлайди: *“Шоирнинг тадқиқотчилиги худди бастакорнинг қўшиқ айтгани ёки қўшиқчининг куй басталагани каби киши диққатини тортади”*.

Азиз Саиднинг адабий кашфиётчилигини очиб беришга уринар экан, домла ёзади: *“Азизнинг мақолаларидаги кишига хуш келадиган, миллий эстетик тафаккуримиздаги илғор қарашларни акс эттирадиган жиҳат санъат ҳодисасидан, биринчи навбатда, санъат қидирилганидир. У мақолада бадиий матннинг ўзи билан иш кўришни ёқтиради, асардан келтириб чиқариладиган ижтимоий хулосаларни, сиёсий мулоҳазаларни эмас, балки бадиий кашфиётларни топишга қизиқади”*. Бу гаплардан кўринадики, Азиз Саид — нафақат шоир, балки баланд дидли, адабиётшунослик илмидан ҳам яхшигина хабардор шахс. Бу ҳақиқатни Азиз Саиднинг “лирик қаҳрамон” ҳақидаги қарашларида ҳам кўриш мумкин.

Мен бир вақтлар шоира Зулфиянинг ҳижрон дарди билан йўғрилган шеърлари ҳақида гапириб, бу изтироблар шоиранинг руҳиятидан минг азоблар билан қоғозга тўкилган дардлари экани ҳақида гапирганимда катта бир адабиётшунос олим: “Бу шоиранинг эмас, лирик қаҳрамоннинг изтироблари”, — деб мени танқид қилганди. Мен ҳали-ҳали бу фикрни тан ололмайман ва қўшилмайман. Худди шу масала докторлик ишимда ҳам кўтарилган. Ҳимояда яна бир таниқли адабиётшунос олим бу фикримни рад этган ва мисол тариқасида Фафур Фуломнинг “Мен яхудийман” шеърини келтирган. Мен шундай таниқли адабиётшуноснинг инсон туйғулари ва изтироблари билан боғлиқ тушунчага бундай жўн мисол келтирганига лол қолган, лекин ҳурмат юзасидан фикрларимни айта олмаган эдим. Мақолани ўқир эканман, ўйларим “...бирор сўзни шунчаки ёзма”йдиган, “ҳеч бир ўринда ўзига хиёнат қилма”йдиган одамлар “Мен”и билан йўлдош эканидан мамнун бўлдим.

Китобдаги Лукмон Бўрихоннинг “Жазирамадаги одамлар” романига ёзилган сўнгсўз ҳам ўқувчига қишлоқ одамлари шахсиятини ёзувчи қайси ўринларда қандай очиб бергани ва бу борадаги маҳорати батафсил мисоллар асосида кўрсатилган. Мақола муаллифи асар қаҳрамони Лолахонни Л. Бўрихон қандай тасвирлаган бўлса, шундай баланд англагандир, лекин мен романни ўқиганимда Лоланинг айрим хатти-ҳаракатлари, қилиқлари, балки мен уни тушунолмаганимдандир, гашимни келтирган. Уларни “ҳазм” қилолмаганман. Тўғри, ёш бир жувоннинг жисмоний, руҳий ва ҳоказо эҳтиёжларини инobatга олинмаслиги катталарнинг бефаросатлиги, ўзгани ҳис қилмаслигидандир. Том маънода ёмон одам бўлмагани сингари идеал даражада яхши одамнинг ўзи йўқ. Лолахон ҳам шундай одамлардан биттаси ва уни шундай тасвирлай олиш асар муаллифининг ютуғи ҳамдир. Лекин мақолани ўқиганимда, домланинг Лолахон шахсига муносабатини туйганимда яна ўша ҳислар кўнглимдан кечди. Мен яна домланинг фикрларига тўлиқ қўшилолмадим. Асар ҳақида шундай ҳар хил туйғуларни, муносабатларни уйғотишнинг ўзи ҳам ёзувчининг катта муваффақиятидир.

“Ёниқ сўз”да яна бир оригиналлик борки, бунга эътибор қаратмай иложи йўқ. Домла “мафкуравий қуловуз”, “қурч”, “тафаккур оинлари”, “эгаманлик”, “тўлғамлар”, “ҳамоқат”, “байталини қамчиламоқ”, “чинчи”, “руҳий тўлғоқлар”, “тийнат”, “ғамчил ўй”, “сакталиқ”, “туганак”, “шеърий ўтбоши”, “синчи”, “лунгисиз”, “ўксизлик”, “гизли ўйлар” сингари шевага хос ёки эски туркий тилдаги унутилган сўз ва ибораларни қўллайдиларки, жумлани англаш учун ўзбек китобхон ҳам ақлан, ҳам руҳан зўриқишга мажбур бўлади. Кишини зийрак торттиради.

Шуни ҳам айтиш керакки, домланинг: *“Асл адабиёт ёзиш кўнгили ишига айланган, ёзмаликнинг имконини тополмайдиган кишилар томонидан яратилади”, “Ўз муаммоларига ўралашган одам Оллоҳдан, юксак туйғулардан йироқлашади”, “Асл бадийий ҳодиса кимнингдир тан олишига муҳтож эмас”, “Инсон осонлик билан тўла очилмайди”, “Тўдада қиёфасизлик кўзга ташланади”, “Бадийий адабиётда тинимсиз ўзгаришлар жараёнидан бошиқа ўзгаришлар йўқ”, “Даҳоликнинг биринчи шартини шахсий ҳаётдан воз кечишидир”, “Ўзгага қайишадиган одамда ҳамшиша маҳкумлиқ туйғуси етакчилик қилади”, “Руҳи кишанланган одам озодлик салтанати тепасида*

ҳам қуллигича қолаверади”, “Бир ахлоқий сифатдан бошқасига битта одам ҳам, бутун миллат ҳам осон ўтмайди”, “Ижод ижодкор шахсиятидан юқори бўлолмайди”, “Одам эр бўлгандагина ер бўлмайди”, “Одамнинг одамлигини, халқнинг халқлигини кўнгиш ҳал этади”, “Қуллик қадрсизликдан бошланади”, “Асл шоирнинг поэтик даҳоси айтмай туриб билдириш хусусиятига эгаллигида намоён бўлади”, “Кўнгиш истаги билан умр кечириш осон эмас. Кўнгишда Оллоҳ бор. Кўнгиш билан яшаганда Яратган билан сирлашиш мумкин”, сингари ҳикматлари, бадиий ҳақиқатлари кишининг кўнгилида бир тўлғониш пайдо қилади. Олимнинг ифода услубидаги бу ўзига хослик ҳам такрорланмасдир.

Профессор Қ. Йўлдошевнинг педагогика, хусусан, адабиёт ўқитиш методикаси борасидаги қарашлари ҳам ўзига хос. Олимнинг бу йўналишдаги фикрлари, яратилган адабий таълим амалиётида кескин бурилиш ясагани ҳам, гарчи бу соҳада ҳозир маълум депсиниш юз берган бўлса-да, рад этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Қ. Йўлдошев — бу йўналишда ҳам эртанинг одами. Уни эртага ташналик билан ўқишлари аниқ. Шунинг учун мен истардимки, устоз педагогика фанлари доктори эканликларини унутмасалар, бу соҳадаги битикларини ҳам “Ёниқ сўз”дек бир жилдга жамласалар. Аминман, кўнгилида дарди бор адабиёт ўқитувчилари бу китобни ҳам кўзларига суриб ҳамиша ўзлари билан олиб юрадилар. Ўзбекнинг қалби уйғоқ вакилларига ана шундай китобларни яратиб бериш ўталиши лозим фарзандлик бурчидир.

“Тил ва адабиёт таълими” журнали,
2007 йил, 2-сон

ЮРАГИДА ЙЎЛБАРС ЎКИРГАН ШОИРА

Мен бутун ҳаётим давомида “ўртача” бўлишдан қўрқиб яшаганман. “Аъло” бўлиш осон эмас, биламан. Бунинг учун катта ирода, кўп билим, тинимсиз меҳнат талаб қилинади. “Аъло” бўлолмаётганимни сезардим, лекин “ўртача” яшашга ҳам рози бўлолмасдим. Ҳ.Худойбердиеванинг “Шунчаки” шеърини ўқиганимда қарашларим шундай шоиранинг шахсиятига монанд эканидан ҳайратландим:

Мен шунчаки ўйлагим келмас,
Хаёл — шароб мисол, қилсин сархуш, маст,
Мен шунчаки куйлагим келмас,
Овоз пардаларим чидаб берса, бас.

Маълумки, инсон табиатан ўзига ўхшаган одамни яхши кўради. Шоирани мен авваллари ҳам яхши кўрардим, шеърларини ёдлаб юрардим. “Шунчаки”дан кейин орамиздаги кичгинагина ўхшашлик мени у кишининг ижодига янада кўпроқ тортадиган бўлиб қолди. Китобларини қидириб топадиган, газета ёки журналларда шеърлари босилиб чиқса, жон-дилим билан, ўзгача бир иштиёқ ила ўқийдиган бўлиб қолдим. Шунинг учун айтаманки, мактаб адабий таълимида адиб таржимаи ҳолини ўрганишда ижодкорни ўқувчига яқинлаштириш учун унинг фазилатларини имкон қадар кенгроқ очиб кўрсатиш лозим. Бу ёзувчи билан ўқувчи орасидаги масофани қисқартиради. Ўзаро ўхшашлик топилса китобхон адибни яхши кўриб қолади. Инсон кўнгил қўйган кишисининг китобларини албатта ўқийди. Бугунги ўқувчида китобхонликни шакллантиришда бу қараш салмоқли аҳамият касб этади. Адабий таълим методикасидаги “*Миллатнинг машҳур ойдинлари ўз шахсияти билан ўсиб келаётган авлоднинг маънавиятига бевосита таъсир кўрсатади*” деган қараш ҳам шу ҳақиқатга асосланган.

Шоиранинг “Йўлдадирман”¹ китобини бир мисра ҳам қолдирмай ўқиб чиқдим. Мутолаа давомида томоғимга тикилган йиғидан овозим титраб, туйганим лаззатлардан қичқирган пайтларим бўлди. Ҳайратдан “Ё, Раб!” дея ёқа ушлаган вақтларим

¹ Ҳ.Худойбердиева. Йўлдадирман. — Т., «Шарқ», 2006.

кўп бўлди. Бу китобга адабиётшунослар ўз муносабатларини билдиришар, лекин “Топган гул келтирар, топмаган бир боғ пиёз” деганларидек, мен ҳам бир шеърхон сифатида фикрларимни ўртоқлашишни истадим. Бундай чўнг қалб соҳибини, бу каби катта ирода эгасини ушбу яратиғи билан қутлагим, ўқиганда туйганларим ростларни, кўнглимдаги миннатдорлик ҳиссини мақола шаклида кўпчиликка етказгим келди. Шу мақсадда китобдаги шеърларни мен шартли равишда “*Ватан, Турон ва туркка бағишланган шеърлар*”, “*Ошиқлик ва ишқ қудратини тараннум этувчи асарлар*” ҳамда “*Оналик бурчи ва фарзандлик масъулияти куйланган яратиқлар*” сингари рукнларга ажратдим.

Тўпламдаги шеърлар ҳақида гапиришдан олдин ундаги айрим вазиятларга доир кичик тадқиқот қилмоқчи эдим. Менинг назаримда ижод жараёни, яратиш иши — бу илоҳий ҳолат. Чин шоир ижод мобайнида илоҳий бир вазиятда бўлади. Кўнглига солинган дардлар инсондаги Оллоҳ мулкининг қанчалар тозалиги, бойлиги, баландлиги, туйғуларнинг тафти билан қоришиб қоғозга тўкилади. Шунинг учун ҳам баъзан нима ёзганини, нега айнан шундай ёзганини муаллифнинг ўзи ҳам тушунтириб беролмай қолади. Лекин бундай илоҳий ҳолат, шеърнинг туғилиши — дард, азоб. Шоир ўз ихтиёри билан ўзини азобга солмайди, лекин бу жараённи ҳам бошқаролмайди. Ёзмаса — тўлғоқ исканжасида қолган-у, бўшанолмаган аёлдай азобда юраверади. Чинакам шоирнинг қисмати — шу.

Шу назар билан Ҳ.Худойбердиеванинг “Йўлдадирман” тўпламига кирган шеърларнинг ёзилган йили ва кунига эътибор қилдим. Битикларнинг ёзилиш вақти кўрсатилгани ҳолда уларга хронологик тартиб берилмагани ўқувчига бир оз ғалати таъсир қилади. Аммо шунга қарамай, кунига икки, уч, ҳатто, ундан ҳам ортиқ ёзилган шеърлар ўқувчининг диққатини тортади. Тўпламда бир кунда *иккитадан* ёзилган шеърларнинг умумий сони 86 та, *учтадан* ёзилган шеърлар 36 та, *тўрттадан* ёзилган асарларнинг жами 8 та. *Бешта* ва ҳатто *еттита* шеър ёзилган кунлар ҳам бор. Демак, шоира бир кунда етти марта тўлғоқ азобини бошдан кечирган. Масалан: “*Ишонч дарвозасида*”, “*Сизсиз*”, “*Қириб бормоқ*”, “*Бу эркак*”, “*Уят*” сингари шеърлари 1985 йилнинг 16 майида; “*Қиш кечалари узун*”, “*Майса*”, “*Иккиланиш*”, “*Ёлғизлик*”, “*Тиёлсанг нафсингни*”, “*Қушлар ака-укалар*”, “*Бахтга чиқар йўл*”

шеърлари 1989 йилнинг 15 феввалида; “Учирма”, “Асли бахт”, “Йўлга чиққан”, “Совуқ шамол” шеърлари 1989 йилнинг 18 феввалида ёзилган ва ҳоказо. Табиий истеъдод эгаси учун бу, балки, ҳеч гап эмасдир, лекин мени — оддий бир китобхонни ҳайратга солди.

Ҳалима Худойбердиеванинг “Йўлдадирман” тўпламидаги шеърларини шартли равишда ажратилган рукнлар асосида таҳйилга тортиб шуни айтиш мумкинки, шоиранинг 80 — 90- йиллардаги шеърлари миллатни уйғотиш, бириктириш, мустақиллик, Турон, Туркистон муаммоларига бағишланган. Тўпламдаги “Ватан, Турон ва туркка бағишланган шеърлар” муаллифни “туркнинг улкан онаси” дейишга асос бўла олади. Унинг “Унутганнинг куйсин икки дунёси”, “Туркистон онаси”, “Туркистоннинг оналарини”, “Тишимдан қон сизиб”, “Бўзлаётган жоним қуши”, “Тўмарисга илтижо”, “Бу — биз, Ўзбеклар”, “Озодликнинг қўллари”, “Болаларим, қадни кўтаринг”, “Ватандир бу”, “Турк дунёсин ўнгловчилар”, “Туркнинг кўзи”, “Туғларимни оломайди ёв”, “Ватанга арзийсан”, “Туркистон келди”, “Бугун туркка не керак”, “Элнинг қаро кечаларида”, “Бу элни жимлар уйғотадир” каби қатор шеърлари шулар жумласидандир.

Ўш — Ўзган можароларига бағишланган яратикларидан бири “Унутганнинг куйсин икки дунёси” шеърда ярим кечада яширинган жойидан чиқиб қоачётганларида жиноятчиларнинг қўлига тушиб, гўдак укаси сойга улоқтирилган, онаси ҳам сойга итариб юборилган Акбаралининг ҳикоясидан таъсирланган шоира ёзади:

Кетай десанг улар руҳин шод айлаб,
Сойга борма, бора кўрма ёд айлаб,
Жон болам-ов, жонбиз бўлай жонингга,
Чиқаверса қўш балиғинг дод айлаб!
Унутганнинг куйсин икки дунёси!

Одатда, азага борган аёл марҳум яқинларининг айтимлари таъсиридан йиғлайди. Аза жойда азадорлардан биттаси ноласи, фарёдининг ўзгачалиги билан бошқалардан ажралиб туради. Тўғри, бундай пайтда ҳамма рост йиғлайди. Лекин, барибир, кимдир, нимаси биландир айрича бўлади. Ана шу фарёд ҳаммининг ўз дарди, ўтганларини ёдига солади, йиғлатади. Мазкур шеърда умумий мазмунга қўшимча равишда ўқувчи кўнглига ғулу солган

нарса “*Жон болам-ов*” ибораси билан бошланадиган мисра бўлиб, у халқона оҳангдалиги, ўзбекнинг йўқлов йиғисини эслатгани учун ҳам уни ўқиётганда киши томоғига йиғи тиқилади. Ўшда бир халққа мансуб икки миллат болаларининг бир-бирини қирганини кўрган улкан турк онасининг: “*Она Туркдан тарқалганга айтарим: Унутганинг куйсин икки дунёси!*” каби ҳайқириви янада тўлқинлантиради.

1990 йилда битилган “*Туркистон онаси*” шеърида шоира чўнг она сифатида мустамлака ва турғунлик йилларида ўзлигини йўқотиб қўйган ўғлонлари ва ватани дардини чекиб фарёд қилади:

Қисматим шу. Текинхўр болаларга онаман,
Ўтиб ерлар, ишлари чалаларга онаман.
Қадим Турон боғларин боғ сиёҳи қолмаган,
Заҳаролуд ҳаволи далаларга онаман.

Бу мисраларни ўқиб Фитратнинг “*Юрт қайғуси*” шеъридаги аёл тимсоли шеърхон кўз олдига келади: “...*эғнида ипакли, лекин йиртиқ ва эски бир кўйлак*” кийган, бугун ўз қисмати қандайлигини, бунинг сабабларини яхши тушунган ватанпарвар она фақат шундай нидо қилади:

Менинг-ку қисматим ҳал, минг бор тўлган бир жомман,
Гўдагим эмизаркан, бир тун, сўнг бор тўлганман.
Жонига жойлагайман тумор васиятимни
“*Ҳоқоним, Турон Сизнинг, олгайсиз*”, — деб ўлгайман.

Ёхуд:

Омонатин олгунича Туркий қавмга,
“*Бирлаш*” деб турк тилинда нидо қилажакман!

Шоиранинг кўнглига тугиб қўйган “*васияти*”, нидолари ўзбек учун оғрийдиган барча оналарнинг кўнглидаги гап. Виждони уйғоқ оналар “*қалби оёққа турса*” ўғлонлари бирлашади. Муаллиф ишонади, ўзбекнинг ўсиб келаётган ўғлонлари аста-секин қаддини, кўкрагини кўтаради, ҳаммасини англаб етади. Фақат унга асли кимлигини, кимларнинг авлоди эканлигини билдириб қўйиш керак:

Аёлларин ишқда ҳоритадиган,
Эркакларин сочин қор этадиган,
Навойидек — доно қаритадиган,
Бу — биз, Ўзбеклар.

“Бу — биз, Ўзбеклар”

Ёки:

Бобо Темур уйқуда, темурларим, Сиз туриб,
Кўзғолган етмиш икки томирларим, Сиз туриб,
Ишонган хоқонларим, амирларим, Сиз туриб
Хокисор миллатни кўтаринг!

Турк онасининг маҳобатини шоира асарларидаги: “*Бу кун тинч денгиздай турсанг-да тек, жим, Қазрингдан ўкирик келмоқда, халқим, Эртага бу жонсиз болалар қалқиб, Жонли виждонларни тортажак дорга*” (“*Каромат*” шеърідан); “*Турон юртда турк болалар бир-бирининг қонин ичди, Мен одамдай яшайвердим, бўри бўлиб қақшамадим*” (“*Ўш-Ўзганнинг болаларига*” шеърідан); “*Хўнграб-хўнграб йиғлаган қаламимдан танийди. Юки оғир бу юртда она бўлмоқ кўп оғир*” (“*Юки оғир бу юртда*” шеърідан); “*...Боласининг қасосин бўри Ўз гўрига олиб кетмайди*” (“*Бизлар ожиз*” шеърідан); “*Тишимдан қон сизиб Сиздан сўрайман: — Туронни турғазар ул топиларми*” (“*Тишимдан қон сизиб*” шеърідан) мисраларда ҳам кўриш мумкин.

Шоиранинг Туронга, туркий халққа муҳаббати қуйидаги мисраларда янада яққол кўзга ташланади:

Дилда ўраб, нураб юрган бойлигим,
Бор дунёни сўраб юрган бойлигим,
Иймонимга ўраб юрган бойлигим,
Турк элимни шафқатингга зор қилма.
Бор юмушим битиб, кетар маҳалим,
Нурай-нурай йитиб кетар маҳалим,
Сўрай-сўрай ўтиб кетар маҳалим,
Илтижом шу: “Туркистонни хор қилма”.

Аёл оддий бир она сифатида Яратгандан туққан фарзандларининг бахтини, камолини сўрайди, Туроннинг буюк

онаси эса бутун миллатнинг, туркий халқларнинг камолини тилайди. Шоира ижодида Турон ва турк эли жуда катта ўрин тутади. У ўзбек, қозоқ ёки қирғиз эмас, жамики туркий халқларни бир миллат деб билади ва барчасини бирдай севади, ҳаммаси учун яхлит оғрийди.

Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигига эришуви ҳам ўзбек халқига Аллоҳнинг буюк бир неъматини бўлса, унга қон тўкишларсиз эришилгани иккинчи бир неъматдир. Бу ҳақ сўз ва у ҳақда жуда кўп гапирилган. Лекин шоира шеърхонни тарихга назар ташлашга ундайди ва ўзининг ҳақлигига бир қадар ишонтиради:

Менга айтадилар, мустақиллик, шон
Бир омаддай келди. Нечун кулмайсан?
Бўғзимга келади кўксимдаги жон
Санчилиб оғрийди кўксим, жилмайсам...

“Мустақиллик”

Сенга мен келдим шонлар,
Қонлардан кўпчиган далалар билан.
Дорларда чайқалган Дукчи Эшонлар,
Тили суғирилган болалар билан.

“Менга айтадилар”

Ўзбекни улуғлашни, миллат учун куйишни ҳам
Ҳ.Худойбердиева ўзгача оҳангда ифодалайди:

Мен бир турк онаси, бир мунглиғ хаёл,
Турк учун йиғладим қаддим бўлиб дол,
Туркка Тўмарисдай бир ёвқур аёл,
Туркка Темурдай бир эр, деб йиғладим.

“Йиғладим, Художон”

Ёки:

Силкиндим, қадим турк лошин кўтардим,
Ғанимнинг бостирган тошин кўтардим.
Улимнинг эгилган бошин кўтардим,
Худойим, улимга подшоҳлик бер.
Ўйларман, мен кимнинг урвоғи, мен ким,
Тилимни ўлим ҳам қилолмайди жим.

Сўйларман гўримни босганда ҳам чим,
Худойим, элимга подшоҳлик бер.

“Мен кимнинг урвоғи”

Мамлакатнинг ҳар жиҳатдан кўтарилиши унда яшаётган фуқаролар маънавиятининг соғломлик даражасига боғлиқ. Шуни яхши билган шоира юртнинг ўғлонларига, миллатга Худодан руҳий подшоҳлик сўрайди. Миллатнинг руҳан баланд ўғлонлари, Тўмарисдай ёвқур қизлари миллатни кўтаради. Шоиранинг 90-йилларда ёзган шеърларида туркий халқларнинг бирлашишига, уйғонишига, юртни, ватанни буюклик сари кўтарилишига катта ишончни кўриш мумкин:

Халқим, — дейман дийдам тўлиқиб ёшга,
Гуллар, сўлмас гуллар тилайман Сенга.
Тагин бу гулларни омон сақлашга —
Курашчан ўғиллар тилайман сенга.

Ўзбекнинг ҳар бир онаси шоира айтмоқчи, “*алп тундим*”, *деб кўкрак кессин*”, ўғлонлари “*Ёш тўкса, озодлик учун ёш тўксин*”, “*Йиғласа — “Ватан” деб йиғласин*”. Шунда ватаннинг келажаги, албатта, буюк бўлади.

Ҳалима Худобердиеванинг “Йўлдадирман” тўпламида жамланган “*Ошиқлик ва ишқ қудратини тараннум этувчи асарлар*” ҳам ўзига хос бетакрордир. Шоиранинг бу йўналишдаги шеърлари илоҳий ишқ ва унинг қудратини англашга қаратилган. Бу йўналишдаги асарларнинг илоҳий-тасаввуфий таҳлилини мутахассисларга қолдирайлик-да, уларга оддий шеърхон назари билан қарайлик.

Ишқ деган туйғунинг нима эканини англаб етган ошиқ “*Сезиб қолдим*” шеърда ёзади:

Ё Р-а-б, ўлим-ку бу ишқ дегани, а,
Наҳот, ҳар ҳужайранг эгаллаб борса,
Наҳот, ҳар чин ошиқ “ишқ” деганида
Пешонасин ўлим гурзиси ёрса.

Муҳаббат аталмиш илоҳий туйғунинг қудрати шундаки, қандайдир бурчлар, масъулиятлар сабаб ундан воз кечишинг

кераклигини билиб турасан, қўрқасан, киши. Лекин қочганинг сари тортаверади. Қийналганинг сари эзаверади. Эзилганинг сари лаззатланаверасан, ундан кечолмайсан! Бу туйғуни рад этгандан кўра ўлим минг марта маъқулроқ. Шоиранинг кашфиёти барча ошиқларнинг ҳақиқатидир:

Ўлимдан қочгандай сендан қочдим-у,
Сенсиз ўларимни сезиб қолдим мен.

Шоира “*Ошиқлик*” шеърисида ёзади:

Қулгу берма, бировлардан қулмай қолай,
Тўлдирмагил, дунёсидай тўлмай қолай,
Парвонадай ўлганимни билмай қолай,
Бир чироққа ошиқликни берсанг бўлди.

Руҳан илоҳий ишққа ташна бўлган ошиқ учун жоннинг, бу дунё ташвишларининг аҳамияти йўқ. Шоиранинг Яратгандан сўралаётгани ишқ чин дунёга ошиқлик, Оллоҳнинг ўзига ошиқликдир. Ҳ.Худойбердиева ижодида илоҳий ишқ билан бир сафда шеърга ошиқлик, дунёвий ишқ ва унинг қудрати жуда баланд пардаларда тараннум этилади.

“*Тақдир улаганда умрлар занжири*н” деб бошланувчи шеърисида шоира ёзади:

Биласан, йўқ эди дилимга ҳоким,
Уни ўзга биров этмаганди жалб,
Мағрур қушдай эркин эдим ва лекин,
Шунингдек, сенга ҳам беролмадим қалб.
Ўтди, аммо дилда қолди чамаси
Азоби, ўзим рад қилганим учун.
Бу чигал хатони тузатолмайман,
Тундай юрагимни очаман тунга.

Мазкур мисралардан кўринадики, шеърятга ошиқ бўлган “*Мағрур қушдай эркин*” қалбни ташқи таъсирлар, қандайдир манфаатлар ўз домига тортолмайди. Лекин маълумки, бу — ҳисобли дунё. Ҳамма нарсанинг ҳисоб-китоби бор. Оқил одам умрининг иккинчи ярмида ҳаётини тафтиш қилади. Ўша тафтиш

жараёнида ҳамма нарса текширилади, баҳоланади. Чин инсон табиатан шундай: сарҳисоб пайтида кимнингдир бахтсизлиги учун ўзини айбдор ҳис қилиб, изтироб чекади, тушкун вазиятларида бой берилган имкониятлардан афсусланади: “*Қизиқ, гоҳ бахтинг ҳам мен учун оғир, Бахтсизлигинг эса яна оғирроқ!*” Лекин аминман, ҳаётида ўша воқеалар қайта такрорланса, чинакам баланд одам, барибир, яна ўшандай иш тутади.

Шоиранинг юксак шеърый парвози ҳам шундаки, у туйгуларини, изтиробларини яширмайди: “*Тушларимдан қандай қувайин сени, Ўнгимда кўрмоққа умид бўлмагач...*”, “*Сизни мен ўзимга ҳам лойиқ кўрмам, рости гап, Ўзгага бермоқ эса тушима кирмас ухлаб*”, “*Ўзга тортмам чексам ҳам шунча жабру жафони, Ўзгага ҳам бермасман Сиздек бир бевафони!*”, “*Ўзим отдим сизни ё Раб, Сўздан ясаб ўқ, бегим*”. Мисралардан кўринадики, ошиқ кўнгил жуда яхши билади, маъшуғини ўнгида кўролмайдди, лекин тушида кўришнинг ўзи ҳам ҳузурбахш. Ўз ихтиёри билан бу висолдан воз кечолмайди, бунга кучи етмайди. Маъшуқ шунчалар етуқ, шунчалар мукамалки, ошиқ ўзини унга тенг кўролмайдди, лекин уни қўш қўллаб бировга тутиш ўлимдан ҳам оғир. Маъшуқ бевафо, ошиқни жафолар чангалида қолдирган, не ажабки, ошиқ, барибир, ўзига хиёнат қилолмайдди. Шоира туйгуларининг шу каби самимий ифодаси билан китобхонни ўзига ром қилади.

Аёл бахтини, унинг ўз ошиғи кўнглига кириш, муҳаббатини қозониш учун қилган «макр»ларини бир аёл сифатида эътироф этар экан, шоира ёзади: “*Ошкор, пинҳон бор йўлим билан, Кўнгил уйингизга кирдим мен, Силаб-силаб ўз қўлим билан Сочингизни оқартирдим мен. Порлайсиз бу оқлар ярашиб Бахт оннда, ишқ онларида. Мен яшайман тунлар адашиб Сочингизнинг ўрмонларида*”. Муҳаббатдан, бахтдан маст ошиқ-маъшуқликнинг тавсифи бундан ортиқ бўладими?

Ошигининг оловли муҳаббатидан маст маъшуқанинг ҳолатини бундай тасвирлаш учун ана шундай бахтни туя билиш керак. Туймаган киши бахтдан мастлик дардини бундай тарзда қоғозга тўколмайди. Тасаввур қилиш бошқа, туйиш, кўнгилдан ўтказиш бошқа:

Ҳаёт абадий, деб гуллар тераман,
Кучасан, ўзим ҳам гуллайвераман,

Бу не чанқоқликдир, чўллайвераман,
Сен менга ишқ жомин тутганда, жоним.

Мана шундай мисраларни ўқиганда шеърхон бехосдан “Ё, Раббим!” деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолади. Лекин ҳаёт галати:

Ёнимда суянчим, мардимнинг
Кўзига бепарво қарайман...

Кундалик турмушнинг икир-чикирлари инсонни, айниқса, аёл кишини баъзан шунчалар лоқайд қилиб юбориши мумкинки, улкан муҳаббат билан суйганини маълум вақтга иккинчи планга тушириб қўйганини ўзи ҳам сезмай қолади. Ўзига елка тутиб турган таянчини ҳам пайқамай қолади. Бу мисралар, менимча, мана шу ҳаётий ҳақиқатнинг ифодаси. Айрим ҳолларда кўзини очганида эса кеч бўлиб қолган бўлади...

Шоиранинг “*Халқона оҳангларда*” шеъри ўз номи билан халқона рўҳда битилган. Тили содда, ифодаси таъсирчан. Муаллиф чинакам эркак зоти ҳақида мулоҳаза юритар экан, шундай ёзади:

Эркак ўзи кимлигини билармикан,
Бир сирли, тилсимлигини билармикан?
Ишқ гавҳарин аёлига асролмаса,
Шўрпешона, шумлигини билармикан?

Хўш, эркакнинг сирлилиги, тилсимлиги нимада? Ҳар бир эркак — бир аёлнинг Эгаси. Шоира тили билан айтганда, аёлини қучиб яшнатадиган, гуллатадиган, меҳрга, муҳаббатга ташна қалбининг чанқоқликларини қондирадиган булоқ. Эркак аёл учун ҳеч иккиланмай, ишонч билан суянса бўладиган тоғ, бош қўйишга елка тутадиган мард. Унинг қудрати ана шунда. Лекин: “*Ҳали мунглиғ аёл кўнглин топмабсизми, Босган изи хатоларим, хатоларим!*”. Бу мисралар гарчи эркаклар ҳақида бўлса-да, менинг назаримда шоира бу шеъри билан аёлни улуғлаган. У аёлнинг шаънини, дил оғриқларини ҳам қадрлайди: “...*Опам, синглим, кўз ёш тўкманг сира-сира, Аёлга бахт беролмаган эркак учун*”.

Аммо эркагининг ўзи истагандай таянч бўлишида, ишқ, меҳр-муҳаббатнинг битмас кони бўлиб, ҳамиша ўзига интилиб яшашида

аёлнинг ҳам роли катта: “*Аёл қўли ёлларини силамаса, Тулпор кетар кўкайида доғлар билан*”. Эркак билан аёл ўртасидаги муҳаббат икки кишининг ўзаро муносабатларидан ташқарига чиқади, ташқи жиҳатларга ҳам ўз таъсирини кўрсатади: “*Гумоним йўқ, қай эл қолса, яшаб қолар, Аёлини элим деган эрлар билан*”.

Шоиранинг таърифича, ишқ деган туйғу шунчалар ёқимли ва қудратлики, ошиқ қалбнинг инон-ихтиёри ўзидан кетади. У ўзини кўнгилдаги илоҳий туйғуларнинг қўлига топширади: “*Билмам, адашдимми ё тўғри қилдим, Бағрингга япроқдай тўкилдим*”. Муҳаббат учун фидойилик — ишқ йўлида ўзликдан кечишнинг шоирона ифодаси. Лекин нима билан тугашидан қатъи назар, бу ишдан пушаймонлар бўлмайди. Бу — ишқнинг қудрати. Муҳаббатнинг лаззати: “*Тунлар уйқу эмас, ёдинг кўзимни ёпиб, Тонларда уйғонардим тушда ўпичларингдан*”.

Маълумки, муҳаббат ҳамиша садоқат билан улуғланади. Шоиранинг садоқат белгилари ҳақидаги қарашлари ҳам ўзгача:

...Аммо ўзин унга синарми паноҳ,
Бу эрнинг аёлга садоқатидир.
Силаб, кўйлагига урдими дазмол,
Аёлнинг эркакка садоқати — шул...
Инон бахт қушининг қаноти синмас,
Шу хил белгиларга келиб турсак дуч.

Ташқаридан қараганда эркак кишининг аёлига ўзини паноҳ деб билиши, аёлнинг ўз ҳабиби кийимларини тахт қилиши — оддий кундалик ҳаётий ишлар. Уларни садоқат белгиси деб қараш — садоқатнинг энг жўн, жайдари кўриниши. Лекин шоирлар садоқатни баланд нарсалардан қидиришади. Ҳ.Худойбердиева ҳам “*Йигитлар ўлимга кетган йўллар бу*” шеърисида шундай ёзади:

Аёл, бу аёллар сокин ўлтирар,
Кўзлари минг бало, қазони кўргач,
Улар бўйдор ғамни кучиб ўтдилар,
Бўйдор йигитларни ўлимга бергач,
Уларнинг кўзига тик қараб бўлмас.

Бундан ташқари, аёлнинг садоқати ҳақида, мана шу садоқати билан муқаддаслиги ҳақида шеърлар ҳам, насрий битиклар ҳам

талайгина. Лекин ҳаёт шафқатсиз. У инсоннинг ўйларига, идеалларига, қарашларига ҳамиша ҳамоҳанг кечавермайди. Шоиранинг “*Она садоқати ва ёлғиз ўғил армони қиссаси*” номли бахшиёнасида ўлим тўшагида ётган ўғил:

Энажон, не учун тегмадинг эрга,
Бир ўғил, ҳеч йўқса, бир қиз бўлсайди...
Акам, деб йиғлашга бир кўз бўлсайди...
Бир елка бўлсайди суянмоғингга.
Мен кетгач, эгилиб қолмоғинг тайин.
Мен қандоқ чидаин сенинг доғингга,
Ёлғиз қолмоғингга қандоқ чидаин?!
Сўнг сўзни қайтарди жиқ тушиб терга:
Энажон, не учун тегмадинг... эрга?!

Касаллиги туфайли ёруғ дунёни тарк этаётган, ёлғизгина онасини, уни деб ўзлигини, ёшлигини қурбон қилган онасини ҳайҳотдай дунёда ёлғиз қолдириб кетаётган ўғил фарёдини ёзиб қўйган шоиранинг ўзи ҳам ким ҳақлигига ақли етмай ҳайрон. Хўш, ким ҳақ? Луқмон Бўрихоннинг “Жазирамадаги одамлар” асаридаги Лолахон тимсолида аёл садоқатини куйлаган халқми? Ўзини фарзандларига фидо қилган, “*бўйдор йигитларни ўлимга бер*”иб, уларнинг “*бўйдор ғамини қучиб ўт*”ганлигини ифодалаган шоирами? Ёки бахшиёна қаҳрамони — йигитми? Ушбу тимсол, садоқатга бундай муносабат — ўзбек шеъриятида нодир ҳодиса. Эрлари вафотидан кейин бошқа турмуш қурмаган аёллардан атрофдагиларга нима наф? Нега бундай аёллар улуглаб келинган? Худо берган неъматлардан фарзандлари туфайли воз кечгани учунми? Ўзининг аёл эканлигини, тирик эканлигини, инсон эканлигини унутгани учунми? Нима учун ўзлари бу неъматлардан истаганча фойдаланадилар-у, бевалар барчага баравар буюрилганидан маҳрум яшаётганликлари учун уларни улуглайдилар? Бундай қараш одамзодда қачон шаклланди? Ахир, Қуръони каримда ҳам, Ҳадиси шарифда ҳам бундай қараш йўқ-ку!

Шоиранинг “*Оналик бурчи ва фарзандлик масъулияти куйланган яратиклар*”и ҳам ўзига хос. У “*Отам, менинг меҳрибон отам*” шеърида ёзади:

Сиз ўйлайсиз: “Ҳа, тез ойларда
Оғиримни қилади енгил”.
Мен ўйлайман: “Бахтим қайларда,
Қайда менинг суюкли тенгим?”
Кечиринг мени!
Шу енгилтак ўйлар учун ҳам,
Отам, менинг меҳрибон отам.

“*Турмушни изга солгунча соч-соқолига қор ёққан*” отаси олдида ўзини айбдор ҳисоблаган қизнинг изтироблари шеърни ўқиган кишини ўйлантиради. Одатда, фарзандлар, айниқса, қизлар ота-оналарининг оғирини енгил қилишни, уларнинг ёнига кириб, оиланинг моддий кемтигини тўлдиришни камдан-кам ўйлашади. Уларнинг бошқа “муаммолари” кўп. Фарзандлар, одатда, ота-оналари уларнинг орзу-истаклари учун ўзларини қурбон қилиб яшаётганликларини деярли пайқамайдилар. Ота-оналарини йўқотиб қўйганларидан сўнггина бу ҳақиқатнинг моҳиятига ета бошлайдилар, афсусланадилар. Балки мана шу армонлари туфайлидир, ёки фарзандларига муҳаббатлари учундир, ўзлари ҳам фарзандлари учун қурбон бўлиб яшайдилар. Аслида, шоиранинг фикри — у айтганидек “*енгилтак ўйлар*” эмас, аксарият кизларнинг табиий қарашлари. Қиз бола бунинг учун бировдан кечирим сўраши шарт эмас. Муаллиф ўлчовидаги фарзандлик бурчи шундаки, у ўзининг табиий ҳолатидан ота руҳи олдида изтиробда.

Шоиранинг оналикка ҳам талаби катта. У она сифатида ҳам шунчаки бўлишни истамайди. Унинг назарида: “*Улуғбекдай битта ўғлон Туғолмаган аёлмас. Жалолиддин туғмай ўзи Мард кўринган аёлмас*”.

Шоира бир она сифатида истиқлол фарзандларига “*Болаларим, қадни кўтаринг*” шеърида куйидагича талаб қўяди:

Қалбга экинг. Қадим турк чинорлари тиклансин,
Қон-қардошнинг чин дўсту чин ёрлари тиклансин,
Ҳар юракда бир Турон минорлари тиклансин,
Улуғ мамлакатни кўтаринг!

Ёки бир фарзанд сифатида “*Мен сизга кетаман*” шеърида она-болалар ўртасидаги ҳақиқатни ёзади:

Етмишдан ўтдингиз, онажоним, Сиз,
Бу гапларни ўйлаб, тўқиганим йўқ.
Мен эса вақт топиб, Сизга чўкиб тиз
Еттита шеъримни ўқиганим йўқ,
Боримни чулдироқ боламга тутдим,
Ўғил-қиз кўзимга кўринди қантдай.
Аммо мен... Онажон... сизни унутдим,
Унутдим қандай?!

Фарзандлар ҳамиша ўз муаммолари, ўз ташвишлари билан яшайди: “*Катта давраларга... топдим иложин, Сизга эса йўқ!*” Лекин муаллиф — оқила фарзанд. У ҳақиқатни билади: “*Мен ўлсам... шу куни давра унутар... Сиз ўлгунингизча йиғлайсиз! Онажон! Мен сизга кетаман, қизим чарақлаб Катта давраларга кетади...*”

Ҳаётий ҳақиқат шуки, оналар умрлари охирлаб боргани сари кичрайиб борадилар. Бўйлари фарзандларидан баланд, юзларидан нур ёғилиб турган оналар борларини болаларига бериб, ўзлари нураб борадилар. Ўғил-қизлар уларнинг умрларини узайтириш, ўзларини ёшартириш учун ҳеч нарса қилолмайдилар. Оналик мана шунақа: бермоқ бор-у, олмоқ йўқ. Шоиранинг изтироблари-ю, англаган ҳақиқатлари ҳар бир фарзанд ҳақиқатидир. Фақат шоира оддий она эмас. Унинг: “*...ерда қолган сўзлар*”и *Болаларни кўкка кўтарар!*”

Одатда, эркак киши, эр етган ўғлоннинг йиғлаши эриш кўринади. Сабаби у — қудрат тимсоли. У — таянч. Унинг кўз ёши заифлиги нишонаси деб қаралади. Лекин шу халқона, ҳаётий ҳақиқатни шоира бир она сифатида ўзгача ифодалайди:

Ўғлим, кўз ёшинг арт, сўзимни уққин,
Менам «алп туғдим» деб кўкрак керайин.
Ёш тўксанг — озодлик учун ёш тўккин,
Йиғласанг — «Ватан» деб йиғла, кўрайин.
Бошқа ҳолатларда кўз ёши увол...

“Ватан деб”

Бу мисраларда эса Ватан озодлиги йўлида курашган, бу йўлдаги қийинчиликларга баъзан дош беролмай қолган ўғлоннинг кўз ёши уятли эмас. Фарзандларда бундай кўз ёшини кўриш — чин оналар эҳтиёжи.

“Йўлдадирман” шеърий тўпламида кишини ҳайратга солган ростлардан яна бири муаллифнинг асарлари замирига беркинган шахсияти, “Мен” идир. Мактаб адабий таълимидаги устувор тенденциялардан бири: “*Адибларнинг асарларида уларнинг шахсий фазилатлари у ёки бу даражада акс этишини англатиш*” дарсларда адибларнинг баланд шахсиятларини кашф этишга қаратилган. Шоиранинг фазилатлари унинг “*Уят*” шеърида қуйидагича намоён бўлади:

Бошингни силаган осмон уятли,
Суймай, куймай яшаш осон, уятли.
Ишқ — шу бир дард билан чиқишолмасанг,
Дунёда дардларинг бесон, уятли.
Қирғоқ бузиб, тошиб, тўлмасанг — уят,
Ким учундир адо бўлмасанг — уят.
Яшашда яшарсан нени десанг деб,
Ўлганингда ишқ деб ўлмасанг — уят!

Тўғри, ҳаётда уят ҳисобланадиган ишлар анчагина. Лекин “*Суймай, куймай яшаш*”нинг уятлиги, “*Қирғоқ бузиб, тошиб, тўлмас*”ликнинг уятлиги, бировлар учун “*адо бўлмас*”ликнинг уятлиги ёки “*Ўлганингда ишқ деб ўлмас*”ликнинг уятлигини Ҳалима Худойбердиева теран ҳис этади. Шундай баланд “уят”лардан орланишни ўзбек ўқувчисига сингдириш маънан баланд ўзбекни тарбиялаш демакдир.

Ўзининг шахсиятини асарлари замирига беркитган шоира ёзади: “*Бу тугёнсиз, парчин қонсиз, ишққа жонсиз, Бу қурбонсиз умр меники эмас*”. У ишқсиз, фидойиликсиз, тугёнсиз, исёнсиз яшолмайди.

Ҳалима Худойбердиева “*Аёл ўтиб борар*” шеърида шундай ёзади:

Сен сўрама, мен ҳам айтмайин,
Курагимнинг синганини қарс.
Шовқин солма, мен уйғотмайин,
Юрагимда ётар бир йўлбарс.

Аёл зоти табиатан мунгли, таянчталаб бўлади. Бизнинг шоира сиртдан шундай бўлиб кўринса-да, табиатан ўзи айтмоқчи: “*Ич-ичида йўлбарс ўкириб, Сиртдан майин жилмайсан аёл*”. Бундай аёллар камдан-камлигини ўзи ҳам билади. Шунинг учун ўзини мумтозларга менгзай олади:

Гарчанд бугун суймоқ, куймоқ дарди кам,
Ё, Раб, эртага ҳам тўлиб ўтмаса,
Бу дунёда йўқ денг Ҳалимани ҳам,
Камида Нодира бўлиб ўтмаса.

“Бу уйлар”

“*Ҳайрат, сен қайдасан, бўл паноҳ... Лоқайдлик ёмғири ивитди. Ҳайрат, кел, кўксимда кўтар қад, Мен ёлғиз сеники бўларман. Кун келиб ўлсам ҳам, мен фақат ҳайратнинг қўлида ўларман*”. Бу мисралар руҳиятимни жунбушга келтирди. Лекин ичимда нега шундай ҳолат юз берганини ифодалашга ожизман. Шунини биламанки, бу — шоиранинг “Мен”и. У бошқача бўлолмайди ҳам, бошқача яшолмайди ҳам. Бу унинг қўлидан келмайди. Унга шундай яшаш буюрилган, шундай яшайди. У билади: “*Йиғлашга мойилни йиғлатар ҳаёт, Синишга мойилни... у синдиради*”. Ҳаммаси кишининг табиатига, менига боғлиқ. У бир нарсага амин: “*...Кўкрак қафасингда яшаса йўлбарс Ўлғач ҳам ўкириб турса бўлади*”.

Лекин ҳаёт шафқатсиз. Халқ кўшиқларида: “Бу дунёда бор бўлса юрак-бағри бутуни, Қоғоздан ўчоқ ясаб, гулдан қилай ўтинни» дея куйланганидек, ҳамманинг дарди ўзига етарли. Лекин ичдан баланд одамнинг шиори бундай: “*Бир сирингни ололмай Ёш дунёлар қарисин*”.

Ҳалима Худойбердиева ўзининг бир инсон, айрича шоира сифатида қандайлигини қуйидаги тўртлигига мужассам қилиб жойлаб қўйган:

Менам ўз-ўзимча роз айтдим, кетдим.
Не айтдим. Ўзимга хос айтдим. Кетдим.
Бу дунёга келиб бор қилган ишим:
Бир икки сўз айтдим. Рост айтдим, кетдим.

Ҳалима Худойбердиева самимиятга мойил шеърхонни мана шу ҳақиқатлари билан ўзига ром қилади. У ўзбекнинг улкан онаси сифатида фарзандларни ростликка, юрт ободлиги учун курашларга чорлаб туради. Миллатнинг шоирларини буюклик, уйғоқлик, зийраклик ва огоҳликка ундаб туради. Миллат оналари улуғларга интилишдан, уларга эргашишдан толмасин.

“Тил ва адабиёт таълими” журнали,
2008 йил, 2-сон.

БОЛА БИЛАН ЭЛ БЎЛИБ...

Бола насиҳатни хушламайди. У ўзини кичик деб ўйлаганлар, унга ақл ўргатиб, йўл кўрсатадиганлар билан кўнгиллашмайди. Бола тенглик истайди, бараварлик излайди. Болага тенг бўла билганларгина унга эл бўла олади. Таниқли шоир, сермахсул таржимон Турсунбой Адашбоев ана шундай ижодкор. Турсунбой ака болафешъ одам, салобатли кўриниб обрў топишга интилмайдиган очиқ шаҳс бўлгани учун ҳам бола кўнглига йўл топа олади. Яқинда “Шарқ” нашриётидан болаларга дилдош шоирнинг “**Латифбойнинг лофлари**” номли шеър, эртак ва дostonлардан иборат янги китоби чиқди. Китобдаги “*Онамнинг дуо сўзи — Менинг йўлчи юлдузим*”, “*Энди навбат Латифбойнинг лофларига*”, “*Осмоннинг елкасида турфа ранг сочиқ турар...*”, “*Уланбулоқ*”, “*Толдибулоқ, Қўшиғинга солдим қулоқ...*”, “*Яхшиларга ёндош бўлиб...*”, “*Мен сув ичган чашмалар*” сингари рукнларда муаллифнинг ўз асарлари билан бирга қирғиз, қозоқ, туркман, арман, поляк, рус, яхудий халқлари болалар шоирларининг шеърларидан қилган таржималари ҳам жамланган.

“*Менинг йўлчи юлдузим*” рукнига кирган шеърларда узоқ уруш ва ундан кейинги машаққатли йилларнинг даҳшати, оғир даврда ўтган олис болаликнинг завқ-шавқи акс этади. Она хотирасига бағишлаб ёзилган “**Йўлчи юлдуз**” шеърда шундай мисралар бор:

Даврон ака “Алпомиш”ни
Оқшом ёддан ўқирди.
Тетик тортиб қолардик,
Унутилиб иш, чарчоқ.
Болалигим эпкиндай,
Сезилмай ўтди ҳар чоқ.

Турсунбой оғанинг болалар шоири бўлиб шаклланишида “*эпкиндай сезилмай*” ўтиб кетган болалик, ўзига хос завқли меҳнат, Даврон акалар ёддан айтган дostonларнинг ҳиссаси катта эканлигига шубҳа йўқ. Бу — шунчаки хотира изҳори эмас, балки бир замонги бола Турсунбой руҳиятининг бугунги болаларга кўчадиган сифатлари.

Шоир ўз шеърларида айтишдан кўра, тасвирлашга кўпроқ эътибор қилгани учун ҳам битганлари ўқувчининг қулоғидан эмас, кўнглидан жой олади:

Онам нўхат қовурса
Оқшом пайти хўракка.
Сигмас эди ҳаддимиз
Бир ҳовучдан бўлакка.

Шоир бу мисралар орқали болалигида қанчалик оғир кун кечиргани ҳақида гапирмайди. Балки машаққатли болалик манзарасини жонлантиради. Бу ҳол Турсунбой аканинг ўзбек болалар адабиётида ўз ўрнига эга шоир бўлишида, Хэмингуэй айтмоқчи, Худо берган истёждод билан бирга машаққатли болалик ҳам катта ўрин тугганини кўрсатади.

Турсунбой оға оқсоқоллик қилиб, болаларга ақл ўргатмайди, балки уларнинг кўнглига кирмоқ, юрагини билмоқ истади. Шу йўсин болаларнида ўзгани ҳис қилишга, кўнгилини тушунишга одатлантирмоқчи бўлади. Кўнгили ҳисобга олинмай қилинган яхшилик ҳам ёмонликка дўниши мумкинлигини таъсирили шеърини мисраларда ифода этади. Шоирнинг “**Фуфайка**” шеъринида шўро мактабларида етим болаларга ёрдам сифатида кийим-бошлар тарқатилгани, ҳукуматнинг қанчалар ғамхўрлигини таъкидлаш мақсадида бу тадбир мактабдаги барча ўқувчилар олдида қилингани, бу эса ота-онасиз болаларнинг кўнглига тузалмас жароҳат етказгани тасвирланади. Шоир ҳеч кимга ҳеч нарса ўргатмайди, балки ўз бошидан ўтган бир воқеа ва унинг ёш кўнгилида қолдирган чандиқ тасвирини беради. Шеърхон отасиз Турсунбойга кўрсатилган шўроча “меҳрибонлик” уни қанчалар ҳақоратлаб, ўкситганини тўла ҳис этади:

Алифбога биноан
Ўқилади рўйхатлар:
— Абдуллаев, Аброров,
Кўзимдан олов чатнар.

Зич сафларнинг орасин
Аста суриб, очаман.
Менга навбат етгунча,
Уйга қараб қочаман.

Чин туйғулар тасвирланган асарларгина китобхон эътиборини ўзига тортади. Т. Адашбоев ҳам машаққатли кечган болалигини борича тасвирлаши билан шеърхонни ўзига “тортиб” олади. Қийинчилик билан ўтган болалик манзаралари шоирнинг “**Чакка**”, “**Туш бўлиб қолсин**”, “**Сўнгги жанг**” шеърларида ҳам ўзига хос тарзда ифодалангани.

Анча йиллардан буён умумтаълим мактабларининг бошланғич синфлари “**Ўқиш китоби**” дарсликларидан Турсунбой Адашбоев шеърлари катта жой эгаллаб келади. Унинг шеърлари кичик китобхонни фикрлаш, мулоҳаза юритиш, муносабат билдириш ва хулоса чиқаришга ундайди. “**Энди навбат Латифбойнинг лофларига**” рукнидан жой олган “**Бешта арра**”, “**Чумчуқларга уядир**”, “**Фарқи битта ҳарфдадир**” шеърларидаги сўз ўйинлари ёш шеърхонни мустақил фикр юритиш ва топқирликка ўргатади. Ўқитувчи дарс жараёнида ўқувчиларни Т. Адашбоев шеърларидаги жумбоқларни топишга йўналтирса, болаларда ҳам бадиий дид, ҳам оригинал фикр, ҳам зукколик шаклланади. “**Бешта арра**” шеърининг сўнгги мисрасини ўқимай туриб, ундаги “*карра*”, “*зарра*”, “*марра*”, “*тарра*”, “*дарра*” сўзларидан, шоир айтганидай биринчи ҳарфлар олиб ташланса, қайси сўз пайдо бўлиши ва у қандай иш қуроли экани ҳақида ўйлаб кўришни топшириш ўқиш дарсларини қизиқарли машғулотга айлантиради.

“**Фарқи битта ҳарфдадир**” шеърлар туркумида: “*Зийрак, зукко болажонлар, Ўйлаб кўринг-чи бироз. Навбатдаги етти жумбоқ Сизлар учун қулай, мос*” мисраларидан сўнг “*Қайиқ*”, “*Қалқон*”, “*Ҳакка*”, “*Лола*”, “*Тўра*”, “*Анор*”, “*Ари*”, “*Чана*” сўзлари келтирилиб, “*Битта ҳарфни алмаштириб, Ўзга бир сўз топинг яна...*” топшириғи берилади. Бундай шеърлар бугунги ўзбек миллий тарбияшунослигининг бош мақсади бўлмиш мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришга мос эканлиги билан ажралиб туради. “**Ишонмасанг**” шеърда шоир ўқувчига: “*Маъноси бир сўз нима?*” — дея савол беради ва уни сўзларнинг маънодошларини топишга ундайди: “*Қолган сўзларни ёзиб, Муаллимнинг қил рози*”. Бошланғич синф ўқитувчилари ўқиш дарсларини уюштиришда шоирнинг шундай шеърларидан фойдаланса, дарснинг самараси кутилгандан зиёда бўлиши ва ўқувчиларнинг ўзини ишлатиб “интерфаол усул” вазифасини бажариши муқаррар.

Шоирнинг “**Ўқитувчим**” шеърини алифбо байрамида биринчи синф ўқувчилари кўнглида пайдо бўлган самимий туйғулар ифодаси дейиш мумкин. Дунёни билишга чанқоқ мурғак бола учун ўқитувчисидан билагон инсон йўқ. Бу туйғу жуда ичкаридан ўрин олади ва шунинг учун кўпчилик биринчи ўқитувчисини бир умр катта меҳр, қандайдир бурчлилик билан эслайди.

Китобдаги “**Латифбойнинг лофлари**” рукнидаги ҳазилга йўғрилган шеърлар ўқиган киши руҳиятига энгиллик бағишлаб, юзига табассум чиқаради. Ақлга сигмайдиган, фавқулодда бу лофлар ўқувчи сезимларини мувозанатдан чиқариб, хаёлотига қанот бағишлайди.

Маълумки, бола — хаёл ошиғи. У реал дунёдан кўра, кўпроқ хаёлу тасаввурлар оламида яшайди. Унинг ўйлари тизгинсиз, хаёли жилов билмайди. Агар бола тасаввури тизгинланса, шахслиги синдирилган бўлади. Шоирнинг “**Овнинг гашти**”, “**Барчаси ёдимда**”, “**Юган солиб, эгар уриб**”, “**Бешта саноч**”, “**Ширмон кулча**”, “**Пойга завқи**”, “**Мен ўша Латифбойман**”, “**Кўзин очса**”, “**Бурга тепди**” ва ҳоказо шеърларида эркин тасаввурли боланинг чегара билмас фантазияси, учқур хаёллари акс этган. Шоир “**Овнинг гашти**” шеърида: “*Қирқ ёлғондан бир ёлғон, Қадимдан мерос қолган*”, — дер экан, ўқувчилар эътиборини эртақларга тортади ва тасаввур учқурлиги, хаёл чексизлиги, топқирлик намунаси бўлган лофлар теран миллий илдизга эгалигини таъкидлайди. Кўпинча бор нарсани кўриш учун ҳам одам синчков бўлиши керак, йўқ нарсани кўрмоқ ва уни бордай тасвирламоқ учун алоҳида истезод талаб қилинади. Шеърдаги:

Чўл бағрида биқирлаб
Булоқ қайнаб турибди.
Битта сичқон қоплонни
Ғажиб, чайнаб турибди

мисралари Латифбой тасаввурининг йўқни йўндиришини кўрсатиши билан диққатни тортади. “**Барчаси ёдимда**” шеърининг қаҳрамони туғилмасдан олдин қилган ишларини шу қадар ишонч билан айтадики, ўқувчи беихтиёр унинг айтганларига ишонгиси келади:

Барчаси ёдимда, эсимда,
Ҳали тугилмаган кезимда,
Бобомнинг йилқисин боқардим,
Харсанг тошга қозиқ қоқардим.

Шеърнинг кейинги мисраларида ифодаланган ҳолат янада гаройиб: *“У пайтларда ой ҳам ётмасди, Қуёш эса сира ботмасди. Булут бўлмаса ҳам, дўл ёғарди, Момом қисир эчкини соғарди”*. Бу хил шеърлар ўқувчини ёлғончиликка эмас, оламга тасаввур кўзи билан қараб, хаёлотнинг сирли бағрида яшашга ўргатади. Бошқа бир шеърда: *“Юган солиб, эгар уриб, Чигиртканинг эркагига”* тарзида катта тайёргарлик билан овга чиққан Латифбойнинг саргузашти жуда аниқ тасвирланади. Маълумки, овчилар серзавқ, лофга ўч, мақтанишга мойил бўлишади. Бармоқдай чавақ тутган балиқчи ўлжасини камида билакдай деб мақтанади. Тасодифан чумчуқ отиб олган овчи бир тўда ўрдакни овладим деб керилиши шубҳасиз. Латифбой ана шундай чиранчоқ овчилар каби “ёлғонни чиндай, чинни Худо ургандай” қилиб гапиришга уста. Шеърда чигирткага миниб отланган овчи тасвири: *“Чигиртка ҳам ўқтин-ўқтин Асовланиб лўкиллайти. Уни кўриб, юмронларнинг, Юраклари нўкиллайти. Майда-чуйда даррандани Эътиборга илгани йўқ”* тарзида тасвирланади.

Шоирнинг **“Пойга завқи”** шеърда тасвир янада ингичкалашиб, лоф янада ақлга сиҳмас тус олади. Тасвир Латифбой тилидан берилади:

Пойга завқин сургани
Тақалатдим бургани
Қўникмаган сиёғи,
Бироз оқсар оёғи.
Оқ қанд бериб овуғдим,
Терларини совуғдим,
Яхши боқдим, тинмадим,
Беҳудага минмадим.
Унга ўтган шанбадан
Арпа солиб дамба-дам,
Парваришни дўндирдим,
Йўрғалашга кўндирдим.

Шоир қаҳрамонни фақат лофчигина қилиб кўрсатмайди. Унинг чигиртка ёки бурга парвариши борасидаги фикрлари лоф бўлса-да, улар Латифбойнинг ҳаётни билиши, отни улоққа тайёрлаш жараёнидан яхши хабардорлигини кўрсатади. Лоф шеърлардаги ўзига хослик шундаки, улар ёлгоннинг ифодасига бағишланган бўлса-да, улардаги тафсиллар аниқ, чин ва ҳаётий. Шу боис ўқувчининг хотирасига маҳкам ўрнашиб қолади, унга малол келмайди.

Китобдан ўрин олган “Олақанот”, “Бургутнинг ўлими”, “Кўпқари”, “Шунқор бўлса”, “Бекмуроднинг тарлони”, “Оқ ёл”, “Адолатли қози” сингари шеър ва эртақлар ҳам шаклланаётган болага ҳайвонот олами, қушлар, от ва итларнинг ўзига хос табиати ҳақида аниқ тасаввур беради. Уларнинг маънавияти шаклланишига жиддий таъсир кўрсатади.

Болалар оламини қулоқдан кўра, кўз орқали ўрганишга мойил. Буни яхши билган Турсунбой Адашбоев айтишдан кўрсатишни афзал санайди. Бола табиатидаги тақлидга, намунага ўчликни билган шоир “**Набираларимга**” шеърда шеърхонга ўзини таништириб, уларни ўз шахсияти мисолида тарбиялашга уринади:

Ланжу эзма-чурукларни
Тоқатим йўқ кўргани.
Битта айбим — тўғрисўзман,
Дангалчиман бўлгани.

Гарчи шеърда дангалчилик ва тўғрисўзликни муаллиф ўз табиатидаги “айб” дея тақдим этса-да, болалар бунинг фазилат эканини билиб туришади. Шоирнинг мазкур ахлоқий сифатлар набираларида ҳам бўлишини исташи шеърхон томонидан англаб турилади. Набиралари билан диллашаркан, шоир ёзади: “*Номардларнинг изин ўпиб, Ялтоқланиб бўзлама. Виждонингни гаров қўйиб, Асло ёлгон сўзлама*”. Шоир бола қўйинини пуч ёнғоққа тўлдириб келажакни текис йўл ва булутсиз осмон тарзида кўрсатмайди. Уни ростгўйликка чақираркан, ўзи ҳам ҳаёт ҳақидаги чин ҳақиқатни айтади:

Ҳозир сени ота-онанг
Суяб, тутиб турибди.
Ҳали қанча имтиҳонлар
Йўлда кутиб турибди.

Урпогининг руҳан баркамол бўлишини чин дилдан тилаган бобо: “*Она юртни, насабингни Чиқармагин хотирдан*”, — деб, ўзлигини англашга чақиради. Ўзбек қариялари руҳиятини яхши билган шоир бобога ялтироқ, баландпарвоз сўзлар айттирмайди. Ватанни севиш ва асраш акс этган:

Тупроғини гавҳарга ҳам
Бермасман, гапнинг рости.
Киндик қонинг томган ерни
Қилмагин оёқ ости


мисраларида зўракилик, ташвиқот йўқ.

Одамнинг асл табиати унинг қилган иши, ўйлаган ўйи ва айтган гапида намоён бўлади. Набиралардан юксак ахлоқий фазилатлар эгаси бўлишни талаб қилиш учун бобонинг ўзида ўша сифатлар бўлиши лозим. Урпоқлардан кутилаётган сифатлар Турсунбой оғада борлиги кўпчилик шеърларининг самимий ва таъсирли чиқишини таъминлаган.

Т. Адашбоев ижоди ва шахсига хос бир жиҳат шундаки, ўзининг шоир сифатида шаклланишида устозларининг ўрни беқиёс эканини бот-бот таъкидлайди. “**Устозларга бағишлов**” шеърида Қудрат Ҳикмат, Султон Жўра ва Зафар Диёр каби шоирларнинг ёзганларини болга ўхшатиб, устозларни сўз ўйини билан *зафарли* шеъриятнинг *қудратли султони*га менгзайди. Бетақрор истейбод, ички интизом ва устозларга эҳтиромни ўзида жамлаган Турсунбой оға шахсияти китобдаги: “*Яхшиларга ёндош бўлиб, Дадил ошдим довлардан. Бир ҳаваскор шоирингман, Тангрим, асра ёмонлардан*” тарзидаги иқрорда яққол намоён бўлади. Кўнгилларни яшнатиб, дилга завқ берадиган китоб ўзбекнинг кичик шеърхонларига кутлуғ бўлмай!

(Қ. ЙЎЛДОШЕВ билан шерикликда ёзилган)
“Маърифат” газетаси, 2008 йил, 12 июль.

**ИНСОНИ
АНГЛАШ
ЙЎЛИДА**



КИТОБДАН ТУШГАН ОДАМ ҚИЁФАСИГА ЧИЗГИЛАР

Таълими боис, унутма, сенда устоз ҳаққи бор,
Чунки сенга илмини ҳиммат-ла қилмишдур нисор.
Бўлмаса кўнгилда устозлар учун меҳринг агар,
Соврилиб елга умидинг, омадинг қўлдан кетар.

“Матлаъ ул-улум”дан

Назаримда, устозим Қозоқбой Йўлдошевни жуда яхши биладигандай эдим. Чунки биз салкам ўн беш йилдан бери танишимиз, анча йил бирга ишладик. Домланинг нафақат ўй-фикрлари, ҳатто туйғуларини ҳам биладигандекман. Демак, у киши ҳақида ёзишга қийналмаслигим керак. Лекин оқ қоғоз билан юзма-юз бўлганимда яқиндан билган, фикрини қарашлариданоқ тушунаман деб ўйлайдиган, исмини айтиб мурожаат қилишга тортинадиган домламнинг қайси қиррасини қаламга олишни билмай ўйланиб қолдим. Узоқ ўйлаб, бир пайтлар ўзимга туюлганидай “бадий китобдан тушиб қолган одам”нинг шахслик сифатлари, инсоний фазилатлари тўғрисида ёзишганим маъқул деган фикрга келдим. Аминманки, уни яхши биладиган кишилар домланинг мен санайдиган сифатларини муболағага йўйиб, устозини идеаллаштириб юборган, деёлмайди.

Эшитишимча, бўлажак домла ёруғ дунёга келганда отаси Бойбек Йўлдошбек ўғли етмиш, онаси Анзират Хидир қизи қирқ ёшда бўлишган. Ўн бир ойлигида онасидан, уч яшарида отасидан айрилган етим болакай поччасининг қарамоғида, катта опасининг болалари билан катта бўлади. Бўлажак олим опаси Ҳанифадан бир онанинг меҳрини кўрган. Домла “Алпомиш” талқинлари” китобини “...*Бу ўткинчи дунёда Қалдирғочойим ўлчовларига таяниб яшаган...*” опасига бағишлагани шундан бўлса керак. Домланинг болалик хотираларига кўра, полвон эркак билан курашиб, курагини ерга текказган Ҳанифа опанинг меҳри онаникидан кам бўлмаган. Ёшгина боши билан узун қиш кечалари “Алпомиш”ни ўқиб қувонтирган инисини туққанларидан кам кўрмаган.

Домланинг хотираларига таяниб, у кишининг табиатидаги тангилик, чапанилик, жўмардлик, ўзи айтмоқчи, “жезда”си, яъни поччасидан юққан деб тахмин қилиш мумкин. Шу тариқа домлада тиришқоқлик, ҳар қандай ишни охиригача астойдил ва тоза бажариш одати узоқ болалик йилларида шаклланган.

Ҳамма қишлоқ болалари сингари бўлажак домла ҳам мол боққан, ўтин чопган, ўт ўрган ва, табиийки, жуда кўп китоб ўқиган. Менга у киши ўз табиатида мавжуд бўлган фазилатларнинг барчасини бадиий адабиётлардаги ижобий қаҳрамонлар, хусусан, Алпомиш мисолида ўзи тарбиялагандай туюлади. Йўлдошев домлани яқинроқдан таний бошлаганимда, менда бундай одамлар фақат китобларда бўлади, деган фикр туғилганди. Шунча фазилатнинг бир одамда жамлигини, олам зоти бунчалар олижаноб бўлиши мумкинлигини ақлимга сиғдирилмасдим. Ҳолбуки, домла билан бирга ишлашга тўғри келганда ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотган, одамлардан арзигулик жабр кўришга ҳам улгурган ёшда эдим. Қ. Йўлдошев Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институтининг “Адабиёт ўқитиш методикаси” бўлимига мудир бўлиб ишга келган дастлабки вақтларда унинг тагдор гаплари, кимга қаратилгани номаълумдай кесатиклари, аччиқ танбеҳларини “ҳазм” қилолмай ҳафталаб қийналиб юрган пайтларим ҳам бўлган. Бошқа бўлимга ўтиб, илмий ишни ҳам ўзбек тили ўқитиш методикасидан қилишни-да астойдил ўйлаганман. У кишини кашф этиб борганим сари эса унинг тимсолида чинакам олим, етук одам қандай бўлишини кўрганман.

Устознинг мени ҳайратга солган илк фазилати ёрдамга муҳтож одамга ўйлаб ҳам ўтирмай, ҳеч қандай манфаатсиз, у сўрамасидан олдин кўлидан келган ҳамма ишни қилишидир. Домла муҳтожга охирги пулини бериб ҳам, бахтиёр кетаверади. Бировга яхшилик қилиб маза қилиш, бундан завқ олиш мумкинлигини мен биринчи марта у кишида кўрганман. Тез орада кимга, қачон, қандай яхшилик қилганини, ҳатто ўша одамнинг ўзини ҳам унутиб юборади. Айтганча, устознинг бир-икки кўрган одамнинг юзини эслаб қолиш қобилияти анча суст. Домладан яхшилик кўрганларнинг баъзилари орадан маълум вақт ўтиб миннатдорчилик билдиришса, уларнинг кимлигини танимай хижолат бўлганини кўрганман. Ундан ёрдам олганларнинг айримлари домлани-да ўз қаричлари билан ўлчаб, “бунинг

орқасида қандай манфаат бор экан?” деган хавотирда юрганликларини ҳам биламан.

Маълумки, беминнат қилинган яхшилик тез унутилади. Одамзотнинг табиати қизиқ: ялиниб, эгилиб-букулиб, илтимос қилиб битирган ишни ҳеч эсдан чиқармайди. Ўзи келган эзгуликни тез унутади. Муҳтожга ёрдам қилиш домланинг фитратида бўлгани учун бошқаларни ҳам шундай деб ўйлайди. Шу боис атрофидагиларга ҳам керагидан ортиқроқ ишониб юборади. Ва оқланмаган ишонч, нотўғри тушунилган фикр, оқлаб бўлмас хиёнат ва арзимас фойда учун сўзланган ёлғонлардан бир умр изтироб чекиб юради.

Бирга ишлаб юрганимизда у кишига нисбатан қилинган катта бир хиёнатнинг гувоҳи бўлганман. Домла таниқли бир шоирга чуқур эътиқод қўйган бўлиб, уни қаттиқ эъозлар, унинг учун ҳар қандай ишни қилишга тайёр эди. Ўша ишончли шоир қандайдир бир муносабат билан юқори бир идорага хат ёзиб, имзо тўплаётганини, мактубнинг мазмуни ноҳўя эмаслигини айтиб, домлага қўл қўйдиради. Доимгидай шошилиб турган устоз унга ишониб, хатни ўқимай қўл қўяди. Кейин маълум бўлишича, шоир хатни тегишли жойга жўнатган, аммо бир оз қалтис бўлгани учун унга ўзи имзо чекмаган экан. Устоз бу хат туфайли тортган азобларидан кўра, шунчалар эътиқод қўйган одамнинг хиёнатидан кўпроқ изтироб чекди. Домла олдингидай ҳазил-хузил қилиб, қийналаётганини сиртдан билдирмаса ҳам, сийратан жуда эзилиб кетганди. Бу ҳол хиёнат атай қилинмаганига, қандайдир англашилмовчилик рўй берганига ўзини ишонтиришга уринишларидан билиниб турарди.

Домланинг Яратганга хуш ёқадиган сифатларидан бири Оллоҳнинг ҳақиқатидан бошқа ҳеч қандай ҳақиқатни тан олмаслигидир. Худога хуш келмайдиган ишларни қилмасликка, Яратган белгилаб берган мезонлардан чиқмасликка, ҳамиша ҳалол, холис бўлишга ҳаракат қилади ва шогирдларидан ҳам шуни талаб этади. Ҳаётда адолатли ва ҳақиқатгўй одамларга ҳамиша қийин бўлади. Шунинг учун ҳам миллат болаларига адабиёт орқали Яратувчисини танитишни кўнглига туккан, истиқлол даври адабий таълимнинг концепцияси ва стандартини яратган, мактабда адабиёт ўқитишнинг мақсад, вазифа ва мазмунини янгилаган, ўқитишнинг самарали йўналишларини белгилаб берган олим бу

Йўлда кўп қийинчиликлар тортди, ноҳақликларга дуч келди. Лекин ўзлигига, қарашларига хиёнат қилмади.

2003 йилнинг баҳорида бўлса керак, Республика таълим маркази қошидаги адабиёт бўйича илмий методик кенгаш (ИМК)нинг навбатдан ташқари йиғилиши ўтказилди. Аслида, кенгашнинг раиси Қ. Йўлдошев эди. Лекин бу йиғилиш домла бир вақтлар ўз атрофига тўплаган олимларнинг бир гуруҳи эндиликда мактаб адабиётига тегишли ишларни ўз қўлларига тўла олиш учун уни кенгаш раислигидан тушириш мақсадида ўтказилди. Методика илмидан хабари йўқ, аммо катта давраларга таниқли филолог профессор бу ишнинг бошида турди. У домлани дастур муаллифлигидан четлатиш ва у яратган дарсликларни таълим амалиётидан чиқаришни таклиф қилди. Йўлдошевнинг шаънига қип-қизил тухматдан иборат бир дунё гапларни айтди.

Айтилаётган гапларнинг мутлақо нотўғри ва адабиёт ўқитиш иши учун зарарли эканини била туриб, йиғилишда ўтирган йирик-йирик олимлардан бирортаси на домланинг, на ҳақиқатнинг ҳимояси учун бир оғиз сўз айтди. Ҳамма бошини эгиб, ўзларига тамомила нотаниш бир одам ҳақида гап кетаётгандек, жимгина ўтиришганини кўргач, йиғилганлар орасида илмий даражаси ва мавқеи жиҳатидан энг кичиги бўлсам-да, дудуқлана-дудуқлана ўз фикримни айтишга уриндим. Менинг фикрим инobatга олинмади, албатта. Чунки мен ёш фан номзоди, оддий илмий ходим эдим, холос. Профессорларга менинг гапим ўтмасди. Шунда ҳеч қутилмаганда, бу йиғинга нашриёт ходими сифатида таклиф этилган Ортиқбой ака Абдуллаев сўз олиб (у пайтда Ортиқбой ака “Ўқитувчи” нашриётида ишларди) Қ. Йўлдошевнинг дарсликлари, методик қўлланмалари мазмунидан хабардор эканини, уларда адабий таълимга бугунлай янгича ёндашилганини, у дарсликлар мактабдан чиқарилса, таълим тизими ва ўқувчилар катта зарар кўришини айтди. Албатта, бу фикр ҳам инobatга олинмади.

Ҳаммаси олдиндан келишилганлиги шундоқ кўриниб турарди. Ҳеч кимга ҳақиқат керак эмас эди. Кимлардир берган топшириқ бажарилиши муҳим эди. Ўша йиғинда Қ. Йўлдошев ИМК раислигидан олинди. Кейинчалик доира янада торайиб, дарсликлар яратиш ишидан ҳам узоқлаштирилди. Методикадан беҳабар кишилар қўлига ўтиб кетган адабий таълим ҳали ҳам тўғри ўзанга

тушолмай сарсон. Бунинг жабрини ёш авлод тортмоқда, ўқитувчи кўрмоқда!

Мен устознинг ишлаб чарчамаслигидан ҳайратланаман. Домлани ўн беш йиллардан бери билсам, ўшандан буён ўзи ҳам тинмай ўқиб изланади, шогирдларига ҳам тиним бермасликка уринади. Айтишларича, ҳатто дам олишга ҳам компьютеру бир олам китобларни ўзи билан олиб кетаркан. Шогирдларига ҳамиша: “Нима ўқияпсиз, нималар ёздингиз, режаларингиз қанақа? Фалон мақолани ўқидингизми? Фалон газетада пистончининг мақоласи чиқибди, ўқинг”, – деб туради. Бу ҳол уларни ижодий фаолиятга, илмий изланишларга ундайди. Домланинг ўзи тинмайди, атрофидагиларни ҳам тиндирмайди. Устоз нашр қилдирган ишлар миқдорини бу тиниб-тинчимасликнинг ёрқин натижаси дейиш мумкин. Олимнинг адабиёттанув илмига доир 129 номдаги иши, адабиёт ўқитиш методикаси илмига тегишли 130 нафар дарслик, методик қўлланма ва мақолалар, педагогиканинг умумий муаммоларига бағишланган 39 номдаги чиқармалар ва тилшуносликка доир ўндан ошиқ тадқиқотлари миллат маънавий ва ақлий камолоти йўлида хизмат қилмоқда. Уларнинг умумий ҳажми тахминан бир минг икки юз босма табоқни ташкил этади.

Қозоқбой Йўлдошев ноҳақлик, адолатсизликка лоқайд қараб туролмайди, ҳақиқатдан кўз юмолмайди. Диссертантнинг бу фазилатига ҳам ўз ҳаётимда бир неча марта гувоҳ бўлганман. Тақдир тақозоси билан Низомий номидаги ТДПУда ишлайдиган иккита домланинг докторлик диссертацияси бизнинг институт – ЎзПФИТИга муҳокамага юборилди. Домла мажлис раиси, мен котиб бўлиб муҳокамани ўтказдик. Ҳар иккала ишнинг муҳокамаси баённомасини тайёрладим. Диссертантларнинг ёшроғи қарор кўчирмасини олиб келиш учун бир талабасини юборган экан, мен катта ёшдаги иккинчи диссертантни овора қилмаслик учун унинг ишига доир қарор кўчирмасини ҳам шу талабадан бериб юбордим.

Орадан уч-тўрт кун ўтгач, бир пайтлар институтда менга дарс берган, отам қатори иккинчи диссертант домла кўчирмани олишга келди. Мен қарордан кўчирмани ёшроқ домланинг талабасидан бериб юборганимни айтдим. У домла менга ишонмади ва астойдил хафа бўлиб, йиғилишга раислик қилган Қ. Йўлдошевга мендан шикоят қилди. Домлам ҳар иккала кўчирмага ўзи имзо чекканини,

имзоларни тасдиқлатиб, у кишининг кўз олдида талабага берганимни айтди. Қарангки, диссертант домланинг гапларига ҳам ишонмади. Шунда домланинг астойдил жаҳли чиқиб кетди ва у кишининг ёши катталигига ҳам қарамай, жуда қаттиқ гаплар айтди. Бир жойда ишлаб туриб, ҳамкасбига хиёнат қилган ёшроқ диссертантнинг олдига бориб, масаланинг тагига етишни талаб қилди. Шу тариқа мени ноҳақ тўхматдан ҳимоя қилди. Шунда мен домланинг ноҳақликка тоқат қилолмаслигини, тўғри гапни айтиш керак бўлганда томошачи бўлиб туrolмаслигини англадим ва устоз деб шу кишининг этагини тутсам, хор бўлмаслигимни тушундим. Ҳаёт бугун менинг ўша вақтда адашмаганимни тасдиқлади. Кўрингки, ўшанда бир ҳафтадан кейин диссертант домла келиб, кўчирма топилганини, ёшроқ ҳамкасби қарорни “унутиб” найранг қилганини айтиб, мендан узр сўради. Ҳаётнинг адолатини қарангки, кекса домла, барибир, докторлик ишини ёшроқ диссертантдан олдин ҳимоя қилди.

Бир қараганда, Йўлдошев домла жангари, қаттиққўл, талабчан бўлиб кўринади. Аслида, жуда таъсирчан, таъби ўта нозик, туйғулари нафис ва жуда тез “яраланадиган” одам.

Домланинг тез яраланадиган кўнгил кишиси эканлиги ҳақида гапириб шуни айтмоқчиманки, у Тошкентга ўзбек адабий таълим методикаси илмида инқилоб қиладиган диссертация билан келганди. Бирга ишлаётганимизга ҳали бир йил ҳам бўлмаганига қарамай, мен домла эртанги куннинг одами эканига ўзимча имон келтирган эдим. 1994 йилнинг майида Низомий номидаги ТДПУ қошидаги методологик кенгашда домланинг диссертацияси муҳокама этиладиган бўлди. Ўз ишининг даражасини жуда яхши билган тўғрикўнгил домла институт олимларининг янгича руҳда битилган бу ишни кучоқ очиб кутиб олишларига ишонарди. Лекин қарангки, илмда ўзидан кучли олимнинг қарашларини тан оладиган мард кам бўларкан. Мен, ҳали илмдаги ўйинларни унча яхши англолмайдиган ғўр бир одам, йиғилишдаги катта ноҳақликни, олимларнинг бунчалик ноҳолислигини кўриб, ёқамни ушлаганман. Муҳокама номига эканлиги, келинадиган қарор олдиндан тайёрлангани яққол кўриниб турарди. Ўзини методиканинг билимдони санайдиган бир тақризчи опа ишдаги “руҳият тарбияси” деган тушунчага ёпишиб олиб: “Диссертант мактабда руҳонийлар тайёрламоқчи, шекилли”, — дея эътироз

билдирди. У ишни ҳимояга тавсия қилиб бўлмаслигини айтди ва эътирозларига диссертантнинг жавобини ҳам кутмай, йигилишдан шошилиш чикиб кетди. Таъсирчан домлага тақризчининг хулосасидан ҳам кўра чикиб кетгани қаттиқ таъсир қилди, шекилли, 40 — 50 йилдан буён бир жойда депсинаётган адабий таълимни тубдан янгилашга доир қарашларини кимнинг олдида ҳимоя қилишни билолмай, юмилиб қолди. Иш ҳимояга тавсия қилинмади.

Домланинг кенгашдан кейинги аҳволи ёлғиз Аллоҳга ва ўзига аён эди. У кишига далда бериш, кўнглини кўтариш учун нима қилиш, нима дейиш кераклигини билмасдим. Домланинг тасаллига муҳожлигини англаб турганим ҳолда кўлимдан ҳеч нима келмасди. Шундан кейин домла анча вақт мобайнида диссертациясига қаролмай қолди. Бир нарса аён эди: давр олимни тушунмаганди. У киши эртанинг одами эди. Мана, бугун Қ. Йўлдошевнинг қарашлари мактаб адабий таълимига сингиб, унинг ўзанини бутунлай ўзгартириб ҳам юборди, таълим тизимида ҳамкорлик педагогикаси деган тушунча оддий ҳолга айланиб кетди. Ишига тўсиқ бўлган ўша олимлар билан бирга ишлашиб ҳам юрибди, ҳатто уларга ёрдам ҳам беради, лекин ўшанда кўнгли қаттиқ огриганлиги аниқ.

Устознинг сифатларидан яна бири — қўл урган ишига астойдил ва катта муҳаббат билан киришади. Ҳар қандай ишнинг “ичига кириб кетади”, сидқидилдан бажаради. Қилган ишидан камчилик топиб бўлмайди. Ҳеч бир ишни, шунчаки, қўл учидан қилмайди. Бирорта ишга ўқимай тақриз ёзиш мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмайди. Ҳатто оддий талабанинг курс ишига ҳам жиддий қарайди. Шунинг учун у кўрган ҳар қандай илмий тадқиқот ҳақида салмоқли, мантқиқли ва асосли фикрлар айтади. Ҳолбуки, оппонентлик хулосаларини ҳам диссертантга ёздириб оладиган олимлар оз эмас.

Адабиёт кишиси сифатида Йўлдошев домла назмни ҳам, насрни ҳам жуда чуқур тушунади. Олимнинг нозик таъби бадиий матн замиридан муаллиф ва унинг туйғуларини осонгина илғаб олишида кўринган. У киши илмга ёки адабиёт оламига эндигина кириб келаётган истеъодларнинг қобилиятини очиб кўрсата биледи ва бунга муаллифни ҳам, ўқувчини ҳам ишонтира олади. “Ёниқ сўз” китоби — бунинг ёрқин исботи. Шу маънода мен

домлани “Бугуннинг Қаҳҳори” дегим келади. Шоира Фарида Афруз ҳам домланинг “Ёниқ сўз” китоби тақдимотига бағишланган йиғинда буни эътироф этганди.

Менимча, бугунги кўпчилик шоир ва носирлар ўз битикларини Қозоқбой Йўлдошевнинг назаридан ўтказиб олишни истагани, агар бунга эриша олса, яратганини кўнгли хотиржам бўлиб, қатъий ишонч билан адабиёт майдонига киритаверишини рад этмайди. Олимнинг “Ёниқ сўз” китобини ўқиганимда у кишининг адабиётнинг сиру асрорини мукамал эгаллаган олим эканини англаганман. Бир томондан рашким ҳам келган. Чунки мен домлани фақат етук педагог ва методист олим деб ҳисоблардим. Адабиёт ўқитиш методикаси илмида туб бурилиш ясаган одамнинг адабиётшунослиқда ҳам бунча муваффақият қозониши методика илмидан совиб қолишига сабаб бўлишидан қўрқиб кетдим. Чунки методика илмида ҳали домла қилиши керак бўлган ишлар талайгина.

Йўлдошев домлага Худо юқтирган, мактаб адабий таълими жараёнида ўзбекнинг боласига сингдиришни истаган фазилатларидан яна бири — дардкашлик. Маълумки, инсон бошига ташвиш тушганда, муаммолар қуршовида қолганда кўнглини ёзиш учун бир “қулоқ”қа эҳтиёж сезади. Бировнинг дардини, ташвишларини эшитиш ҳаммага ҳам ёқавермайди. Чунки ҳар кимнинг дарди ўзига етиб ортади. Ўзганикени кўтаришга ҳеч кимнинг истаги йўқ, айниқса, ҳозир. Домлада ўзганинг дардига шерик бўлиш сифати мавжуд. У одамни эшита билади. Сўзчини жон қулоғи билан тинглайди, унинг муаммоларини ўзиникидай қабул қилади. Мен оилавий бўладими, иш юзасиданми муаммоларим чиқиб қолганда, кўпинча домладан маслаҳат сўрайман. Домла дардингизни ҳис қилиб, оқилона йўл-йўриқ кўрсатади, маслаҳат беради. Техника университетиде бюджетда таҳсил оладиган ўғлимиз пахта пайтидаги айрим эркаликлари сабаб ўқишдан четлаштирилибди. У ёшлик ғурури сабаб ёки бизни аяб, бу кўнгилсизлик ҳақида ҳеч нарса демаган. Буни билганимизда орадан ярим йилча вақт ўтиб кетганди. Кейинги югур-югурларимиз бесамар кетди. Ичимдаги нотинчлик ишимда ҳам сезилган бўлса керак, домла нима гаплигини сўраб қолди. Мен шундай сўровга муҳтож бўлиб турган бўлсам керак, дардимни тўкиб солдим. Устоз вазирликдаги таниши Пўлат Тўраевага

қўнғироқ қилиб, ёрдам беришни илтимос қилди. Пўлат аканинг маслаҳати билан (у кишининг охирати обод бўлсин!) керакли ҳужжатлар тўғриланиб, бир-икки одам билан учрашдик ва ўғлим қайтадан бюджетга ўқишга тикланди. Қарангки, ҳалол одамларнинг атрофидаги дўст-жўралари ҳам ўзига ўхшаган бўлар экан, миннатдорлигим рамзи бўлган кичкинагина совғамни уларга олдиролмадим. Яхшиларни ҳамиша Худо ёрлақасин.

Домланинг фазилатларидан яна бири — миллатсеварлик. У киши ўзбек миллати учун ҳеч иккиланмай боридан кеча олади. Ўзбек миллатининг умрини унинг тили узайтиради деб ҳисоблаган устоз она тилининг тозалигига ҳамиша риоя қилади ва биз шоғирдларидан ҳам шуни талаб қилади. Бизнинг бепарволигимиз сабабли тилимизга айрим бегона атамалар шундай сингиб кетганки, уларни кундалик сўзлашувда ҳам, илмий тадқиқотларда ҳам ўзимизникидан фарқламаймиз. Домла қатъий равишда буларнинг тоза ўзбекчасини қўллайди: “улов” (транспорт), “санчқи” (вилка), тушлик (обед), эрталиқ (нонушта), “бекат” (остановка), “Чикқиш” (Шарқ), “Ботиш” (Ғарб) ва ҳоказо. Мен “Чикқиш” ва “Ботиш” атамаларини ишлатишнинг жабрини диссертациям муҳокамалари жараёнида кўп тортдим. Домладан бошқа олимлар тоза ўзбекча бу икки сўзни ҳеч “ҳазм” қилишолмайди.

Устознинг фазилатларидан яна бири — яқинлари ва устозларига садоқати. Ҳар қандай шоғирд домладан шоғирдлик садоқатини ўрганса арзийди. Бир соҳанинг одамлари сифатида домла билан турли йиғинларда кўпинча бирга бўламиз. Давраларда сирдарёлик устозлари: А. Каттабеков (домланинг у дунёси обод бўлсин), Б. Тўйчибоев, У. Ўлжабоев домлаларга меҳрини, муносабатини кўриб ҳайрон қолганман. Гарчи устозларидан илмий даражаси ва унвони катта бўлса-да, уларнинг олдида чинакам шоғирдга айланади. Устозлари билан муомалада, суҳбатда, ҳар бир хатти-ҳаракатида шоғирдлик мақомини сақлаб туради. Энг зарур ишини ҳам четга суриб қўйиб, улар берган топшириқни бажаришга уринади.

Домла ўзида тарбиялаган фазилатлардан яна бири — ҳалоллик, ёлғон гапирмаслик. Аччиқ ростни айтишга қийналиб юриши мумкин, лекин ёлғон гапиролмайди. Ҳалолликдан, тўғрилиқдан чекинмайди. Мен докторлик ишимни иккинчи марта ҳимоя қилиб,

унинг ОАКда муҳокамаси бўлганда домла ўша эксперт комиссия аъзоси эди. Бошқа одам бўлса шогирдининг, айниқса, олдин бир марта қайтган ишнинг тақдири билан қизиқади, сўраб-суриштириб, вазиятни ўрганиб, эл қатори чорасини кўришга ҳаракат қилади. Устоз ўзи эксперт гуруҳи аъзоси бўла туриб, бу жараёнга аралашмади: “Худонинг ишларига аралашманг, нима буюрилган бўлса, ўша бўлади. Иш яхши ёзилган. Экспертлар ҳам сиз билан бизга ўхшаган олимлар. Яхши ишни улар ҳам билади”, — деди. Лекин кичик бир сабаб билан диссертациям иккинчи марта яна қайтди.

Домла бу ўзгаришлар учун илмий маслаҳатчи сифатида ўзи айбдор эканини, ОАКга борадиган нусхада ҳимоя жараёнида кўрсатилган камчиликларни тузатиш кераклигини ўзи айтганини, иш сифатлироқ бўлсин деб, доим шундай қилиб келинганини қайта-қайта тушунтириб, гапини ўтказолмайди. Тасаввур қилинг, докторлик ишим иккинчи марта қайтяпти. Мен бу хабардан ўлиб қолишим мумкин эди. Домла бу хабарни менга қандай айтишини хаёлига ҳам сиздиролмай юрган. Мен буни бошқа одамдан ўша куниеқ эшитдим, қарангки, ўлмадим. Айтган одам жуда катта психолог экан ва менга бу шум хабарни шундай билгичлик билан етказдики, мен ўлмай қолдим. Домланинг оғзини пойладим. Орадан икки-уч кун ўтди, телефонлашиб турибмиз, ҳеч нарса деёлмаяпти. Изтиробини билдириб қўймасликка ҳаракат қилаётганини, ҳақиқатни айтолмаётганини овозидан сезиб тураман. Ичидан нима ўтган бўлса, ўзи билгандир, лекин мени аяб бу шум хабарни айтолмади. Охири ҳаммасидан хабардолигимни ўзим айтдим. Балки шунда домланинг елкасидан тоғ ағдарилгандир, буни ўзи билади.

Кечиримлилик ҳам Йўлдошев домланинг яна бир фазилати дейиш мумкин. Домла ўзига хиёнат қилган шоир билан ҳам, “Адабиёт” дастур-дарсликларига боғлиқ можароларда рост гапни айтишга журъат қилолмаган ҳамкасблари билан ҳам, ҳатто кўпинча ана шундай ғавғоларнинг бошида турадиган олимлар билан ҳам аввалгидек муомала қилиб юраверди.

“Алпомиш” дostonи ҳақида ёзган “Алпомиш талқинлари” китоби ҳақида матбуотда қатор танқидий фикрлар билдирилди. “Алпомиш”ни ўрганиш илм экан, унда ҳар битта олим ўз фикрини айта ва ўз талқинини бера олиши мумкинлигини чуқур англаган Қ. Йўлдошев домла бу чиқишларга бир оғиз ҳам эътироз

билдирмади. Мақола муаллифларига кек сақламади. Бу билан ўзининг қанчалар баланд ва бағрикенглигини намойиш этди. Лекин дostonни англаш борасида ўз қарашларига собитлигича қолди. Чунки домланинг руҳияти, шахси “Алпомиш” орқали шаклланган. Дostonни домла ўзбекнинг бир ўғлони, Алпомишнинг авлоди сифатида бутунлай ўзгача тушунади.

Бир куни домланинг шогирдларидан бири мендан “Шахс деганда нимани тушунасиз?” деб сўраб қолди. Мен, аввал, расмий жавобни — “шахс”га қўйиладиган мезонлар ҳар хил бўлишини, бу ҳар бир жамиятнинг ижтимоий, ахлоқий, маънавий-маърифий ўлчовлари асосида белгиланишини айтдим. Лекин, аслида, мен шахс деганда Оллоҳнинг бандаси олдига қўйган мезонларига итоатда бўладиган, ҳар томонлама яхшилик сари юз тутган, Яратгандан бошқа ҳеч кимга бўйсунмай, ҳеч нарсадан кўрқмай, ҳамиша ва ҳар ерда ҳақиқатни айтишдан тап тортмай, ҳар қандай вазиятда ҳам адолатдан юз ўгирмай фақат Унга эътиқод қилиб, шу аснода ўз идеалларига хиёнат қилмай яшайдиган одамларни тушунишимни айтдим. Ва бундай кишиларни қидириб узоққа бориб ўтириш шарт эмаслигини, устозимиз Қозоқбой Йўлдошев том маънода Шахс эканлигини айтдим. Домла, бугун жуда кўп тилга олинаётган йўсинда айтсак, маънавий комиллик сари юз тутган шахсдир.

Домланинг ўзига хос сифатларидан бири унинг ҳадсиз даражада юморга мойиллигидир. У гапнинг ўрни келиб қолганда ўзининг ҳам, атрофидагиларнинг ҳам устидан ҳеч аяб ўтирмай, кула олади. Бундай пайтда у кишига суҳбатдошнинг ёши, кимлиги, катта-кичиклиги, мавқеи, амалининг аҳамияти бўлмай қолади. Гап келиб қолганда, имкониятни “қўлдан бермайди”. Баъзан ҳазиллашяптими, рост гапиряптими, фарқлаш қийин кечади. Албатта, буни биров тўғри тушунади, биров эса йўқ. Баъзан ҳазил туфайли, истамаган ҳолда суҳбатдошининг дилини оғритиб қўйиб, ўзига “душман” ҳам орттириб олади.

Номзодлик ишини ҳажвий ҳикоячиликдан танлагани ҳам табиатидаги ҳазилга мойилликдандир, эҳтимол. Шу боис бир олим сифатида кулгининг нафақат қўлланишини, балки назарий жиҳатларини ҳам яхши биледи. Табиатида борлиги учундир бадий асарлардаги юморни нозик тушунади. Бир диссертация ҳимоясига раислик қилаётган домла: “Диссертант ким?” — деб сўради. Ёшгина

бир аёл ўрнидан турди. Унинг кўринишидан жуда ёшлигини, бир қараганда мактаб ўқувчисига ўхшаб кетишини кўриб домла қутилмаганда: “Сиз ўзи мактабни битирганмисиз?” — деб сўраб қолди. Диссертант ҳаяжонланиб нима дейишини билмай қолди: ҳазилга йўёлмайди — ҳимоя мажлиси бошланган, қолаверса, кенгаш раиси, профессор, нотаниш бир диссертант билан ҳазиллашиши мумкинлигини тасаввур ҳам қилолмайди. (Чунки кўпчилик ҳимоя кенгаши раисларининг яқинига бориб бўлмайди. Буни ҳамма яхши билади.) Нима дейишни, нима қилишни билмай лол қотган диссертантга домланинг ўзи кўмакка келди ва ҳазил-ҳузул билан ҳимоя мажлисини бошлади. Ўша диссертант ҳали-ҳануз ўшандаги аҳволини эслаб кулиб юради.

Йўлдошев домла кирган давра жонланиб кетади. Ҳар қандай муҳитга жуда тез киришади. Домла катта йиғинларга раислик қиладимиз, ҳимоя кенгашини бошқарадимиз, илмий кенгашни олиб борадимиз, ҳар қандай мажлисни ҳазил-мутойиба билан ўтказамиз. Имкон қадар қисқа гапиришга ҳаракат қилади. Маърузачиларнинг ҳам ўзи сингари қисқа, лўнда, мантқиқли, асосли ва салмоқли гапиришини истади. Шунинг учун у киши бошқарган йиғинларда одам кўп чарчамайди.

Яна бир гап эсимга тушиб қолди. Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида ишлаб, Ўзбек адабиёти бўлимига мудир бўлиб ишга келган домланинг тагдор киноялари, кесатикларини “ҳазм” қилолмай қийналиб юрган кезларимда қўлимга у кишининг “Тил ва адабиёт таълими” журналида чоп этилган **“Рауф Парфи ижоди бўйича уч дарс”** номли мақоласи тушиб қолди. Бошлиғимнинг қандай одамлигини билолмай, у билан ишлашиб кета олиш-олмаслигимни аниқлаёлмай юрган кезимда шу мақола тақдиримни ҳал этди. Ўқувчилик тажрибамга таяниб, қатъий ишонч билан айтоламанки, одамнинг ёзганлари унинг аслини, савияси ва билими даражасини яққол намойиш этади. Муҳими шахсининг битикларида унинг ўзини кўра билишдир.

Ўша мақолани ўқиганимдан кейин руҳиятимда катта бир эврилиш содир бўлганини сездим. Кўнглимдан кечган туйғуларни нафақат ўша пайтда ҳозир ҳам сўз билан ифодалай олмасман. Лекин ички бир куч мақолада илгари сурилган қарашлар менинг кўнглимда йўлини тополмай ётган фикрларнинг шаклланиб, олий

мақомга етган кўриниши эканлигини англатди. Эртасига мақолани бошқа ҳамкасбларга ўқишга бериб, уларнинг реакцияларини кузатдим. Лекин у ҳеч кимда мендагидак ҳаяжон кўзғотмади. Ҳайрон қолдим. Сўнгра домланинг диссертациясини ўқиш учун сўраб олдим. Уч юз бетдан ошиқроқ ишни бир ҳафтада ўқиб чиқдим. Лекин ҳеч нарса тушунмадим. Ичимда тушунуқсиз ҳайрат, эртага фикримни сўраса (домланинг ҳамма масалада ходимларнинг фикрини сўрайдиган одати бор эди), нима деб жавоб бераман деган кўркув ҳисси бор эди, холос.

Диссертацияни топширдим, домланинг саволига ўзимча жавоб қилиб, вазиятдан чиқдим. Лекин ишни яна бир марта ўқиш истаги ичимни тирнарди. Орадан икки ҳафталар ўтказиб диссертацияни яна сўраб олдим. Уч кунда ўқиб чиқдим ва ҳайратдан қотиб қолдим: у мен шу пайтгача ўқиган китобу диссертацияларнинг бирортасига ҳам ўхшамас, мактаб адабий таълими илмида ҳам, амалиётда ҳам туб бурилиш ясашга қодир тадқиқот эди. Агар таълим амалиётига диссертацияда илгари сурилган қарашларнинг ярми сингдирилса ҳам, миллий мактабнинг, мактаб адабий таълимнинг йўналишини кескин ўзгартириб юбориш мумкин эканлигини англадим.

Ишни устозга қайтарар эканман, унда мени мувозанатдан чиқарган қарашларни, ҳайратга солган фикрларни бирма-бир санадим. У киши ҳайрат-ҳаяжонимга ҳазил билан жавоб қайтариб қўяқолди. Лекин мен устозни ўзим учун кашф этган, агар у киши муносиб кўрса, шогирд бўлишга тайёр эдим. Фақат қароримни айтишдан истиҳола қилардим. Шунингдек, нимагадир бундай олимнинг биринчи шогирди эркак киши бўлиши керак, деб ўйлардим. Ўзбек тили бўлимига она тили методикаси бўйича илмий иш қилгани келган Рўзмон Келдиёровни (уни Худо раҳматига олган бўлсин) адабиётдан тадқиқот ишлари олиб боришга кўндирдим ва домланинг биринчи расмий шогирди Рўзмон бўлди. Буни домла билмайди ҳам.

Устоз ўзи тиним билмаганидай, мени ҳам кечаю кундуз ишлашга, ўқишга ўргатди. Домла мен ёзган “тадқиқот”ларни ўқишдан малолланмас, мени музтар қилмай бир кундаёқ ўқиб, қайтариб берар, ишнинг камчиликларини, ўз тақлифларини саҳифа ҳошиясига ёзиб қўяр, суҳбат жараёнида ёзганларини батафсил тушунтирар, тушкунликка тушиб қолишимга йўл

қўймай, ўзимга ишонч шакллантириб қўярди. Умуман, домланинг феъли шунақа: ўзининг иши ёниб кетаётган бўлса ҳам, олдига иш билан келган кишини ҳеч қуттирмайди, саргайтирмайди. Аввал, у одамнинг ишини битириб, керакли маслаҳат, йўл-йўриқларни кўрсатиб, кейин ўз иши билан шуғулланади. Шу тариқа ишимнинг йўналиши бир юз саксон градусга ўзгариб, мен уч йилда ҳимояга чиқдим. Ҳимоя ҳам илм тарихида алоҳида ҳодиса бўлди: устоз-шогирд — домлам докторлик, мен номзодлик диссертациямизни бир кунда — 1997 йил 17 сентябрда ҳимоя қилдик. Ҳар икки ҳимояга раислик қилган машҳур олим Иззат Султон (домланинг у дунёси обод бўлсин) ҳимоядан кейинги қўшма зиёфатда сўз олиб: “Дунёда бир турли қуш бўлар экан. Ўша қушнинг бири сайраса, иккинчиси тўрт минг чақирим наридан уни ҳис қиларкан ва тоғиб келаркан. Мен бу устоз-шогирдни ўша қушларга ўшатдим. Бир-бирини бунчалик тушунадиган, ҳамфикр устоз-шогирд илмда камдан-кам учрайди”, — деганди.

Мен ҳали номзодлик дипломини олмасдан бурун домла мени докторлик дарди билан “оғритди”. Ўқувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш зарурлигини, бу борада адабий таълим катта ўрин тутишини, бу мавзуда докторлик иши ёзиш қўлимдан келишини айтиб, мени ишонтирди. Мен домланинг раҳбарлигида бу ишга катта иштиёқ билан киришдим ва беш йилда ҳимояга чиқдим. Докторлик ишини уч марта қайта ёқлаш жараёнида мени синиб қолишдан асраган ягона инсон устозим бўлди. Ишим қайтганлигини оилам, фарзандларим ва яқинларимга билдиришдан уялардим. Ёлғиз домлагагина дардимни айта олардим. Илмда бирор нимага эришган бўлсам, унга устозим Йўлдошев домла сабабчи. Ҳаммаси учун устоздан миннатдорман. У кишининг олдида бурчлилик, қарздорлик ҳисси мени бир умр тарк этмайди.

Юқорида таъкидланганидек, домла — мамлакат адабиёт ўқитиш методикаси илми ва амалиётини бутунлай бошқа йўналишга солган одам. 1996 йилда ёзган **“Ўзликни таниш — Оллоҳни танишдир”** номли мақоласида: *“Педагогика илми ва амалиёти даражаси — жамиятнинг, ижтимоий тузумнинг мутараққийлигини билдирувчи кўрсаткичдир... Ўзбекистон педагогикасида ҳам жиддий сифат ўзгаришлари юз бердики, уларнинг етакчи жиҳатларини умумлаштириш, муайян илмий тизим ҳолига келтириш вақти етди”*, — дея қатъий ишонч билдирган олим янгиланаётган миллий

тарбияшуносликда ўқувчи шахси бош қадриятга айланиши кераклигини илмий асослади. “*Тарбияланувчи тарбиявий жараёнда бевосита иштирок этса, уни тарбиялашларини кутиб ўтирмай, бу фаолиятнинг иштирокчисига айланса, натижа кўнгилдагидай бўлади. Тарбия ишида ҳар бир шахснинг ўзи таълим олиши ёки тарбияланишга интиладиган руҳий ҳолат яратилиши муҳим*”, – деб ҳисоблади ва мактаб адабий таълимига тегишли дидактик ашёлар: адабий таълим концепцияси, стандарти, дастури, дарслик ва методик қўлланмаларини яратишда мана шу қарашга амал қилди. Мактаб адабий таълимининг мақсад ва вазифаларини, мазмунини шу қараш асосида белгилади. Таълим амалиётида буни ташкил этишнинг йўллари ишлаб чиқди. Домла адабиёт ўқитиш методикаси илмида катта иш бошлаган, уни охиригача олиб боришга бурчли ва бу, ўз навбатида, миллатнинг маънавий камолоти учун жуда зарур.

Менимча, Қозоқбой Йўлдошев домла – эртанинг одами. Бугун нафақат адабиёт методикаси илмида, балки адабиётшунослик соҳасида ҳам у кишини кўпчилик тўлиқ кашф этолганича йўқ. Домла Ўзбекистон Миллий университети филология факультети декани лавозимида ишга ўтгандан сўнг адабий танқидчилик йўналишидаги фаолияти адабиёт ўқитиш методикаси соҳасидаги ишларидан кўра каттароқ салмоқ касб этгандек туюлади, менинг назаримда. Домла замонавий адабиётни нозик тушунади, ундаги кўнгил шарҳига йўналтирилган жиҳатларни синчковлик билан кўради.

Адабиётшунос олим Қ. Йўлдошевнинг бу соҳадаги хизматлари ҳақида қўлингиздаги китобга кирган мақолаларнинг тўқсон беш фоизда ёзилган бўлса керак. Мен домла илмий фаолиятининг бу қиррасини у кишининг “Алпомиш”га муносабати асосидагина очишга уриниб кўраман. Чунки “Алпомиш” достони, ундаги тимсолларга муносабат асносида домланинг шахси янада тўқисроқ кўринади, деб ўйлайман. Домла бу буюк дoston, ундаги ҳар бир тимсол ва уларнинг табиати, туйғулари ҳамда хатти-ҳаракатларини ўзигагина хос эстетик тарози билан ўлчайди. Уларни баҳолашда исломий асос ва туб ўзбекча қарашларга таянади. “*Бу буюк дostonнинг бир муҳлиси сифатида миллатнинг санъат маҳсули бўлмиш мазкур асар бадиий жозибасини миллат аҳлига кўрсатиш*”ни орзу қилган муаллиф “Алпомиш” талқинлари” китобида дostonни

халқ эртаклари асосида яратилган деган қарашларни рад этган ҳолда ёзади: *“Адабий жанрларнинг ўзаро муносабати дарахтнинг илдизи ва бутоқлари кабидир. Бутоқлардан илдиз яралмайди, аксинча, бир илдиздан ўнлаб бутоқлар пайдо бўлади... Майдадан буюк чиқмайди. Аксинча, буюкни майдалаш мумкин. Эпос аввал туғилади. Яхлит туғилади. Алпомишдай, Гўрўғлидай, Манасдай бўлиб. Ҳамма жойда ва ҳаммиша ҳам дostonни асл ҳолидагидай айтишини удалай оладиган даҳолар бўлавермаганлигидан ўша асосда эртагу ривоятлар, афсонаю қиссалар дунёга келган бўлиши мумкин... Дostonни ижтимоий турмуш эмас, илоҳ назарига тушган даҳо яратади...”* Олим фикрини исботлаш учун ҳаётдан ўнлаб амалий ва илмий далиллар келтиради.

Домла Алпомиш шахсига унинг авлоди нигоҳи билан қарайди ва табиатидаги фазилат, иллатларни зийракназарлик билан баҳолайди. Йигитнинг Барчин хатига муносабатини: *“Алпомиш — улкан вужуд, беадад куч, шунга яраша чегарасиз сабр эгаси. Алпомишнинг муҳаббати Аллоҳга, сўнггина бу дунёнинг яраткичларига. Шу боис ҳадеб ёниб кетавермайди, кўтарилавермайди... у ҳаливери қимирлайдиган эмас. Барча улкан одамлар сингари хатдаги фожиявий ҳолатни ҳазм қилиши даркор...”*, — дея ҳаётий ҳақиқат ва ўз билгичлиги таяниб фикр юритади.

Асардаги воқеалар ривожини тизимли равишда таҳлил қилиб борар экан, муаллиф Алпомиш шахсини кашф этиб: *“Алпомиш ўз-ўзидан туташадиган ёнилғи эмас, қизитилиши лозим бўлган ёқилғи”*; *“Алпомиш — оғир тош. Силжиши қийин. Силжиб олса, уни тўхтатиб бўлмайди”*; *“Алпомиш гўл одам-у, руҳиятидаги зардани, шиддатни, ҳайратни ҳаммиша кўрсатавермайди”*; *“Номус, орият учун сўнгги имконга қадар курашмоқ Алпомиш табиатига хос сифат”*; *“Алпомиш фақат билагида куч бўлгани учун эмас, руҳи бақувват бўлгани, эзгу ва юксак туйғуларни англай билгани учун ғолиб бўлди”*; *“Мард одам ожизга олижаноблик қилади. Пасткаш фақат кучлига топинади”*; *“Алпомиш ақлидан ҳам кўра кўнглининг буюрганини қилишга мойил жўмард”* ва ҳоказо хулосалар чиқаради. Бир адабий қаҳрамонни бунчалар англаш, ҳис қилиш учун одам унинг ҳар бир гапи, туйғулари, хатти-ҳаракатларини жисми ва руҳиятидан ўтказган бўлиши керак.

Мен Йўлдошев домла Алпомишнинг табиатини, эр йигитнинг “мен”ини, табиатидаги айричаликни узоқ болалик йилларида,

достонни қайта-қайта ўқиш асносида завқи табиий билан илғаган деб ўйлайман. Инсон илғаса — фарқлайди. Фарқлаб, яхшиларини, маъқулларини ўзига “юқтиради”. Ўзидаги кўп фазилатларни домла шу тариха шакллантирган бўлса, ажаб эмас.

Барчиной ҳақида сўз юритиб, тадқиқотчи: *“Барчин барча ақлли одамлар сингари мураккаб табиатли. У — турлича вазиятларда ўз табиатининг анвойи жиҳатларини намойиш эта оладиган фавқулудда тимсол”*; *“Эрка, ҳали турмуш синовларига дуч келмаган, лекин табиатан тиниқ фикрли қиз...”*; *“Барчин одам руҳиятини, унинг нозикдан-нозик кўнглини теран англайди”*; *“...Шу уч қаторгина мактубда ҳам хавотир, ҳам ноз, ҳам иддао, ҳам истиғно, ҳам ғурур, ҳам умид, ҳам кўнгли майли акс этган”* ва ҳоказо хулосалар билан чинакам гўзал аёл тимсолини очишга ҳаракат қилади. Уч мисрадан иборат бир мактубдаги бундай белгиларни англаш учун қанчалар зийрак назар керак олимга. Бундай инжа белгиларни ҳамма адабиётшунос ҳам кўравермайди. Менинг назаримда, домла мана шу биргина жумла билан Ойбарчин мисолида асл ўзбек аёлининг ўзига хос хусусиятларини очиб берган.

“Алпомиш талқинлари” китобида Йўлдошев домланинг айрича шахсиятини кўрсатадиган яна бир жиҳат унинг Қалдирғоч тимсолига муносабатидир. Бу образда домла *“ўз шахсий ҳаётидан кўра оилани афзал кўрган, муқаддас билган”*, *“...ҳамма замонларда ор-номус тўғрисида ғоят кўп куюнган”*, *“бутун ҳаётини номусни сақлашга бағишлаган”*, *“ҳаётий лаззатлардан, жисм хоҳишларидан, шайтон васвасаларидан баланд туриб, шуларга алданмай, аввало ва ҳамиша ўз нафслари устидан ғолиб келиб яшашга уринган ҳам кўниккан”* ўзбек аёлининг тимсолини кўрган. Аёлнинг гўзаллигини баҳолаш мезони ўзгача бўлган одамгина аёлга хос бўлган қуйидаги яширин сифатларни илғай билади: *“Қалдирғочнинг акасига айтганларида бир оз шаддодлик, бир қадар ўктамлик бор бўлса, уни мантиқсизлик эмас, балки ўзбек аёлининг бир умр ору номус домиди бўлганлигидан ва у ҳақда ҳамиша ўйлаганидан келиб чиққан ҳаётий ҳолат деб баҳолаш жоиз”*; *“Қалдирғоч — дуоғўй аёл, тилакдош, мунглиғ. У акасини қайноқ меҳр билан суюди, унга суюнади, унинг номи дахлсиз, покиза бўлишини истайди. Бекач — юксак туйғулар эгаси”*; *“У — чорвачи қизи, у болаликдан жонлиққа қараб, молга қараганларга қараб улғайган. Бунинг устига, ақли тиниқ, фикри ўткир. Шу боис аёл боши билан отнида тушунуши*

гайритабиий эмас”; “Қалдирғочойим акасининг сафарига доир ҳамма нарсани пухта ўйлайди, майда нарсани ҳам назаридан қочирмайди”; “Қалдирғочнинг отни ўзи эгарлашида улўғ ҳикмат — эркакка, оғага чексиз ҳурмат акс этган”; “Бу қиз файласуфларга хос фикр юритади. Эзгулик йўлидаги қадам самарасиз кетмаслигига ишонади” ва ҳоказо. Қалдирғоч тимсолининг бундай очилишидан ҳар қандай ўқувчи домла “Алпомиш” талқинлари”ни бежизга опаси Ҳанифа аяга бағишламаганини англаб етади.

Достондаги аёллар тимсоли юзасидан чиқарилган бундай хулосаларни ўқигандан кейин ҳар қандай аёлни домла билан муомалада ички ҳаяжон, қўрқув босиши табиий. Худди у суҳбатдошининг ич-ичини кўриб тургандай, жамики туйғуларини ўқиб олаётгандай ваҳима босади кишини. Кўзларини қаерга беркитишни, ўзини қандай тутишни билмай қолади. Бундай кўнгил кўзи ўткир олим билан бирга ишлаш, муомала қилиш ҳар қандай одамга ҳам осон эмас, назаримда. Мен домланинг қандай одамлиги ва олимлигини англаганим сари бу кишига шогирд бўлганим, шундай инсон билан ёнма-ён фаолият юритиш насиб қилгани учун тақдиримдан миннатдор бўламан.

Устозим, педагогика фанлари доктори, профессор Қозоқбой Йўлдошев йиллар ҳисобида олтмиш ёшга тўлган бўлса-да, жисмонан қирчиллама қирқ ёшда, руҳан эса йигирма беш ёшда. Буни домланинг ташқи кўринишидан ҳам, иш суратидан ҳам пайқаш мумкин. Домлага илмда ҳам, шахсий ҳаётида ҳам кўнглига туккан ҳамма эзгу ишларини қилиб узоқ яшаш насиб этсин!

“Одам тўғрисида одамлар”
китобидан

М У Н Д А Р И Ж А

Сўзбоши.....	3
НАЗАРИЙ ЧИЗГИЛАР	
Ўқувчи маънавиятида мустақил фикрнинг ўрни.....	8
Адабиёт дарсларида мустақил фикрлашга ўргатишнинг ўзига хос хусусиятлари.....	22
Ўқувчиларнинг мустақил фикрлашга ўргатиш методлари	55

Кундузхон ҲУСАНБОЕВА

**АДАБИЁТ — МАЪНАВИЯТ ВА МУСТАҚИЛ ФИКР
ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛИ**